

**МИЛЛИЙ ЎОКСАЛИШ ВА ЁШЛАРНИНГ  
ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**  
**мавзусида республика илмий-назарий  
масофавий конференция**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**  
**(2020 йил 24-25 апрель)**



**Самарқанд - 2020**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ  
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ



**“Миллий юксалиш ва ёшларнинг  
ижтимоий сиёсий фаоллигини  
оширишнинг долзарб масалалари”**

мавзусида республика илмий-назарий масофавий  
конференцияси

**МАТЕРИАЛЛАРИ**  
**(2020 йил 25 апрель)**

**САМАРҚАНД-2020**

**“Миллий юксалиш ва ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида республика илмий-назарий масофавий конференцияси материаллари. Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2020. 336-бет.**

Ушбу конференция материаллари тўпламига мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларининг илмий-назарий таҳлили, миллий-маънавий юксалишнинг янги босқичида ижтимоий фанларни ўқитишнинг долзарб вазифалари, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фаол фуқаролик позицияси ва дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, иктисодий барқарорликни таъминлаш ва рақамли иктисодиётни шакллантиришда ёшлар ижодкорлигини, шунингдек, замонавий архитектура ва қурилиш соҳасида иктидорли мутахассис кадрларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига доир ижтимоий-иктисодий ва гуманитар фанлар, архитектура ва қурилиш соҳаларида олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари, мулоҳаза ва таклифлар киритилган.

Тўплам материаллари олий таълимда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиши самарадорлигини ошириш, таълим-тарбиявий ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

### **ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА:**

Тўраев Б.О.	—	Фалсафа фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори маслаҳатчиси.
Исаков Э.Х.	—	СамДАҚИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
Кулдошев А.Т.	—	СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси мудири. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Сафаров А.И.		<b>Масъул муҳаррирлар:</b> СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.
Ганиев К.Г.		СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.
Алиқулов С.А.		СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, иктисод фанлари номзоди.
Уралов А.С.		СамДАҚИ профессори, меъморчилик фанлари доктори.
Зиётова А.Э.		СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчisi.

*Компьютерда саҳифаловчилар: Зиётова А.Э., Ҳаққулов Н.Қ.*

*Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришиз нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Конференцияси материалларидағи маълумотлар учун муаллифлар жавобгардирлар.*

## КИРИШ СҮЗИ

Исаков Э.Х.

**СамДАҚИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор**

Мустақил Ўзбекистон давлатининг миллий юксалиш сари танлаб олган тараққиёт йўлидаги барча орзу-умидларимиз, эзгу интилишларимиз ва бунёдкорлик режаларимиз хамда қўлга киритаётган муваффақиятларимиз ягона мақсад йўлида уйғунлашади. Бу мақсад Ватанимиз тараққиётининг мухим ва устувор йўналишларидан бири бўлган Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш ва умрибоқийлигини таъминлаш йўлида событ тура оладиган иродали, кучли ва билимли фарзандларимизни, баркамол авлодни тарбиялаш билан боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, юксак маънавиятли, замонавий билим билан илм-маърифат чўққисига интилаётган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатлар, янгиланиш ва ўзгаришларнинг ижодкори ва ташаббускори бўлмоғи лозим.

Илм-фан тараққиёти ижтимоий тараққиётни белгиловчи етакчи куч, белгиловчи омил сифатида XXI аср воқелигини намоён қиласар экан, Ўзбекистон танлаган миллий юксалиш йўлида илм-фан, таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини бежиз эмас. Зеро, интеллектуал салоҳиятга эга билимли, юксак маънавият ва маърифат соҳиблари бўлган ёшлар ҳозирги даврнинг шиддаткор мазмунини белгилаб берувчи кучдир.

Муҳтарам Президентимиз 2020 йилни “Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлашни таклиф қиласар экан, бундан кўзланган мақсадимиз “Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чукур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш” эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шубҳасиз, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самараси, эзгу мақсадларимизнинг пировард натижаси аввало таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги билан ўлчанади. Илмий салоҳият илм-фан тараққиёти юксаклиги-энг аввало маънавият юксаклигининг инъикосидир. Фақатгина маънавият нурига йўғрилган илм-фан, ихтиро ва кашфиётлар инсоният истиқболи, миллат, ҳалқ ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қиласар.

Шундай экан, бугунги кун талабаларига жавоб бера оладиган, етук мутахассис, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, уларни илмий салоҳият хамда амалий кўнималарига эга бўлган замонавий кадрлар сифатида энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлар билан таъминланаётган ишлаб чиқариш соҳалари ва тармоқларини таъминлаш билан бир вақтда, мутахассис кадрнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш, уни миллий ғуур ва ватанпарварлик, мустақиллик гояларига содиклик руҳида тарбиялаш олий таълимнинг долзарб вазифасидир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳам таълимий, ҳам тарбиявий йўналишда ўз мақсад ва вазифаларини талаба-ёшларнинг дунёкараши, фикрлаш маданияти, ижтимоий фаоллиги ва ижодий фаоллигини шакллантиришга йўналтирган ижтимоий фанлар ўз мазмунига мос ҳолда мутахассислик билимларининг сифат самарадорлиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини мутахассис онгига сингдириб, унинг маънавий масъулиятини тарбиялайди.

Демак, олий таълим тизимининг илмий, маънавий-ахлоқий ва маърифий фазилатларни ўзида мужассам этадиган баркамол авлодни тарбиялаш сари йўналтирилганлик ижтимоий фанларнинг мазмун – моҳиятини ташкил этади.

Шу маънода “**Миллий юксалиш ва ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари**” мавзусида ташкил этилган илмий-назарий анжумандан кўзланган мақсад олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси-мутахассис кадрлар тайёрлашда ижтимоий фанларнинг иштироки, тутган ўрни, мавқеи ва аҳамиятини аниқлаб олишдан иборат. Бу борада соҳа мутахассислари, етакчи олимлар ва илмий тадқиқотчиларининг илмий мулоҳазалари таклиф ва тавсияларини ўрганиш асосида хулоса ва қарорлар қабул қилиб, ижтимоий фанларнинг таълим тарбиявий самарадорлигини оширишда улардан ижодий фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган.

# **І ШЎЬБА. МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.**

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**А.Т.Кулдашев**

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги  
бошқарма бошлиғи**

Республикамизда ҳозирги вақтда ғоят қисқа бир давр ичидаги, иқтисодий, сиёсий, мањнавий-маърифий соҳаларда улкан ислоҳотлар юксак савияда амалга оширилмоқда. Шундай экан, амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожида, бугунги давр талабларига жавоб берадиган, ҳар бир ривожланаётган соҳаларни малакали, замонавий кадрлар билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири хисобланади.

Бу борада шиддат билан тараккӣ этиб бораётган барча тармоқ соҳаларини малакали кадрлар билан таъминланишида олий таълим муассасаларининг ўрни бекиёсdir. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини юксак савияга эга бўлган малакали мутахасислар билан таъминланиши жамият ривожланишидаги муҳим омиллардан биридир. Ушбу ҳолат олий таълим тизимида мутахасислар тайёрланишини мунтазам такомиллаштиришни талаб қиласди.

Шу боис мамлакатимизда олий таълимни ривожланитириш учун, хукуматимиз томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда хусусан: «2019 йилда 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилди.» [1].

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахасислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади» [2]. Ана шу талабдан келиб чиқкан ҳолда, ёшларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилятига эга бўлган, комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси хисобланади.

Шу мақсадда юртимизда шаклланиб келаётган баркамол авлодни юксак мањнавиятли этиб тарбиялаб вояга етказиш учун олий таълим тизимида ўқув-услубий, мањнавий - маърифий, таълим-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ўқув жараёнига илгор педагогик тажриба ва ахборот технологияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларини ўқув-лабаратория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда мањнавий рағбатлантириш мақсадида самарали ишлар тизимли амалга оширилмоқда.

Ҳозирда олий таълим тизимида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратларини ошириш учун қуидаги талаблар қўйилмоқда: замонавий билим ва малакага эга бўлиш; янги ахборот технологиялар ва дастурий воситаларни самарали қўллаш; ўз мутахасислиги бўйича касбий фаолиятида зарур бўладиган маълумотларни тўплай олиш ва улар устида илмий изланишлар олиб бориш; ўз устида мутассил мустақил равишда ишлаш; соҳага оид сўнги ютуқ ва янгиликлардан ҳабардор бўлиб, улардан ижобий фойдаланиш. Яъни, замонавий ахборот ва рақамли технологиялари билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёниниг моҳиятини тўлат-тўқис англай оладиган малакали мутахассисни тайёрлаш эҳтиёжи, таълим жараёнини технологик ёндошув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Эътироф этилганидек, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «юксак мањнавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллӣ ва умуминсоний кадриятларга хурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгидаги мағкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат» [2].

Бунинг учун олий таълим тизимида рақобатбардош замонавий кадрларни ҳар томонлама етук ва мукаммал қилиб тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш орқали, ўқитишнинг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини яхшилаш, талаба ёшларда мустақил фикрлаш кўнкимларини шакллантириш ва ривожланишига катта ёрдам беради. Хусусан, замонавий илм-фан ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги ютукларига таяниш, йирик

молиявий маблағлар ва юксак касбий маҳоратга эга мутахассисларнинг мавжудлиги, бу борадаги ютукларни кафолатлади.

Ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги илгор тажрибаларидан келиб чикиб шуни айтиш мумкинки, бу соҳада таълим технологияларига катта эътибор қаратиш мухим ахамият касб этади. Ўқув жараёнида юксак мувоффакиятларга эришиш учун ўқитувчи талabalарга нафакат сифатли билимларни бериши балки, уларда ўқув жиҳозларидан оқилона фойдаланиши кўникма ва малакаларини шакллантириши зарур. Ўқув тизимида яна шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, таълим жараёнида талabalар ўз имкониятларига тўла ишонишлари зарур. Шундагина талabalarda дарсга бўлган иштиёқ тўла ортади.

Ҳозирда таълим жараёни тизими ривожининг истиқболли ўналиши ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқув-услубий билимлар манбаига кириш орқали масофавий ўқитиши ва мустақил таълим олиш методларини кенг қўллаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссияси йиғилишининг 11-сон баёни асосида 2020 йил 1 апрелдан бошлаб республика олий таълим муассасаларида масофавий таълим платформаси тўлиқ ишга туширилди ҳамда Қурилиш вазирлиги таркибдаги Тошкент архитектура-курилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-курилиш институтларининг барча талabalari ва профессор-ўқитувчилари масофавий ўқиши-ўқитиши тизимига тўлиқ ўтди.

Масофавий таълим (Moodle) тизимида дарслар масофадан туриб ўтказилади. Бунда тегишли фан ўқитувчиси Moodle тизимида ўз фани бўйича барча ўқув-услубий маълумотларни (маъруза, амалий дарс, видеодарслар, презентациялар, кўшимча маълумотлар, фанни ўзлаштириш учун вазифалар ва тестлар...) ишлаб чиқади ва масофавий таълим платформасига жойлаштиради. Талаба эса ушбу тизимга регистрациядан ўтиб киради ва ўзи ўқиётган фанлари бўйича тизимга юклangan маълумотлар билан танишади, ўқув – услубий материалларни мустақил ўқиб тайёргарлик кўради.

Moodle тизимида талabalарни дарсларга қатнашишини, берилган топшириқларни бажаришини назорат қилиш функциялари бўлиб, талabalарнинг тизимдаги барча харакатлари (қайси маълумотлар билан танишгани, тизимда қанча вақт бўлгани ва бошқа қўплаб кўрсаткичлар)ни институт раҳбарияти, деканатлар ва профессор-ўқитувчилар қузатиб бориши имконияти мавжуд.

Интернет тармоғи яхши ишламайдиган худудлардаги талabalарга маълумотлар электрон шаклда “Телеграм” канали орқали тарқатилиши ва талabalар жавобларни расм шаклида юбориши ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан баҳоланиб жавоблари талabalарга юборилиши йўлга қўйилди.

Битиравчи курслар ўқишининг деярли тугаб қолганлигини инобатга олиб, уларнинг давлат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестацияларини масофавий ташкил этиш бўйича институтда ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Битиравчи курсларга тегишли фанлар бўйича ўқув материаллари тизимга тўлиқ киритилиб, талabalарга ўқиши масофавий давом эттириш имконияти яратилди. Шунингдек, масофавий якуний назорат ўтказиш графиклари тасдиқланиб, талabalар ва якуний назоратни ўтказувчи профессор-ўқитувчilar эътиборига етказилди.

Албатта, ҳар қандай технологиянинг таълим жараёнида фойдаланилиши учун унинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Олий таълим тизимида ахборотлаштирилган таълим мухитини шакллантириша куйидагилар мухим саналади: информацион ахборот мухитини ташкил этиш; ахборотлаштирилган таълим мухитини ривожлантириш; ахборотлаштирилган таълим муассасасида ахборот ресурсларини ташкил этиш; ахборот заҳираларини шакллантириш кабилар таълим жараёнини янада мукаммаллаштириб тараккий эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда давлатимиз ва жамиятимиз олдига турган мухим вазифаларни ҳал этишда маъсулият ва мажбуриятларни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, замонавий билим ва қўникмаларни ўзлаштирган, ташаббускор ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш орқалигина эришишшимиз мумкин бўлади. Бунинг учун ёшларимизга таълим тарбия беришнинг таъсирчан усулларини ишлаб чиқишимиз ҳамда талаба-ёшларимиз янги билимлар эгаллашлари учун замонавий технология ютукларидан максадли фойдаланишларини ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ташабbusларини қўллаб-куватлашимиз мухим омил бўлиб хизмат қиласи.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси . / Халқ сўзи газетаси, 28-январ.2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи газетаси, 28-декабр. 2018 йил.

## **ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ ЎРНИ**

**Тўраев Б.О.**

**Фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**

**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори маслаҳатчиси**

Фалсафа кишиларнинг фалсафий маданиятини шакллантиришда, дунёкрашини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли фалсафа ўқитиш жараёнида муаллим ўз шогирдларига ҳар тарафлама намуна бўлиши, шогирдларида илғор дунёқарашни, соғлом эътиқодни, юксак фалсафий тафаккур маданиятини шакллантиришга эътибор бериши лозим. Ўтган асрда бўлиб ўтган бир халқаро конференцияда “фалсафа ўзи нима?” деган мавзуда тортишув бошланган эди. Шунда, таникли файласуф-олим Омонулла Файзуллаев ўринларидан туриб: «Ўртоқлар, қизишманглар. Бир пайтлар олимлар фалсафа ҳамма фанларнинг онаси, деган гапни гапиришар эди, ҳозирги пайтда эса фалсафа ўзининг тадқиқот объектига алоқадор барча соҳаларни конкрет ва ижтимоий фанларга тақсимлаб берди ва ўзида тадқиқ этадиган ҳеч нарса қолмади, деган мулоҳаза юрита бошлашди. Аслида, фалсафа бу маданиятдир. Инсоният нимагаки эришган бўлса, барчаси ақл-тафаккури эвазига. Тафакур юритиш маданияти бу фалсафаку. Демак, биз инсоният эришган барча ютуқлар учун фалсафадан миннатдор бўлишимиз керак. Фалсафа инсонга соғлом эътиқодни, кенг қўламли дунёқарашни, тўғри фикрлаш маданиятини ўргатади. Шундай экан фалсафа нима деган баҳс бу мен нега фикрлаяпман, деган схоластик эътироездан бошқа нарса эмас. Точка»[1;] - дегандилар.

Устоз ҳақиқатдан ҳам гапнинг пўст калласини айтган эдилар.

Фалсафа ҳур фикрловчи, ўз ақл идрокига ўзи эгалик қилувчи инсонга хос тафаккур маданиятидир. «Фалсафа, - деб ёзади А.А.Сичев, - интеллектуаль мустақил ва ички руҳий дунёси эркин инсоннинг танловидир»[2; С.12.]. Фалсафа бу маданият, фикрлаш маданиятидир. Инсон тўғри фикрлаши учун мантикий қонунларга таянади. Бу фалсафанинг бир қисмидир. Мантиқни болаларга мактаб ёшидан бошлаб ўргатишимиш лозим. Марксистлар бир пайт диалектика мантиқни формал мантиққа қарама-қарши қўйишиди. Бу жуда хато ёндашув эди, чунки, диалектика мантиқнинг замирида ҳам формал мантиқ ётади. Марксистлар диалектикани, аникроғи марксистик диалектикани метафизикага қарама-қаршиқўйишиди. Бу ҳам хато эди. Метафизика воқеликнинг инсон сезгиларига бевосита таъсир этмайдиган жиҳатларини сезишга, англашга, билишга имкон беради. Факат метафизика ҳолатни, лаҳзани, муайян ходисанинг бирор жиҳатини акс эттиради, диалектика эса уларни муайян ривожланиш жараёнида англашга имкон беради. Улар фалсафанинг бир-бирини тўлдирувчи жиҳатлари. Ўқитиш жараёнининг, тарбия жараёнининг ўзи метафизик услугуга асосланади. Бу методсиз ўрганувчига оддийликдан мураккабликка ўтишни ўргатиш мумкин эмас. Диалектика ва метафизика оламдаги чизиқли ва батартиб ўзгариш жараёнларинигина ифодалаб бериши мумкин. Лекин оламда мураккаб, ноҳизиқли, кескин ҳалокатли ўзгарувчан жараёнлар ҳам борки, уларни тасвирлаб беришга, бундай жараёнларнинг қонуниятларини тушунтириб беришга метафизика ҳам диалектика ҳам ожизлик килади. Уларни замонавий методология синергетика методологияси тўғри тушунтириб бериши мумкин.

Синергетик тафаккур фалсафий тафаккур маданиятининг янги кўриниши, янги имкониятидир. Бу тафаккур оқибатнинг сабабга таъсирини, келажакнинг буғунга таъсирини тўғри изоҳлаб бера олади.

Фалсафа фан ва диндан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга жавоб бериб Горелов шундай ёзади: «Фалсафа ҳақиқатга эришишнинг рациональ йўли, фан – эмпирик йўли, дин эса иррациональ йўлидир»[3; С.251.]. Бу фикр ажойиб фикр, аммо бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки фалсафа, фан ва дин ҳақиқатга турлича ракурсдан туриб қарашдир. Аммо ҳар бир инсонга ҳоҳ у олим бўлсин ҳоҳ диний уламо бўлсин, ҳоҳ файласуф бўлсин фалсафий тафаккур зарур. Дин уламоси оламга диний фалсафа нуқтаи назаридан, физик эса оламга физика фалсафаси нуқтаи назаридан қарайди.

Ёшларга таълим ва тарбия беришда фалсафий тафаккурга жиддий таяниб иш олиб бориш лозим. Бу тафаккур оддийликни, мураккабликни содда тушунишга, оддийликдаги мураккабликни, мураккабликдаги оддийликни англай олиш туйғусини тарбиялади. Бу тафаккур ҳар қандай кичиклиқдан ҳам кичик нарса борлигини, ҳар қандай катталикdan ҳам катталик борлигини. Кеккайиш, кибрланиш оёқ остида хор-зор бўлишга олиб боришини, меҳр-мурувват ҳеч қачон унугилмаслигини, ер юзида инсон зотининг улугворлиги-ни, бу улугворлик унинг, яъни инсоннинг, тафаккурга эгалигидан ва бу тафаккурни ўз ўрнида ишлата олишидан, тафаккурнинг инсонга берилган энг қимматли тухфа эканлигидан. Фалсафий тафаккур маданияти соғлом эътиқодга таянади. Бу барча динлардаги умуминсоний қадриятлар соғлом маънавий қадрият мўлжалларига таянуви маданиятдир.

Фалсафани ўқитишида оламнинг бирлиги тамойилига таянамиз. Бу барчанинг тақдири ва келажаги бир нуқтага бориб тулашишини англатади. Бу таълимотда ривожланиш тамойили бор. У ҳар қандай нарсанинг, ходисанинг ўткинчи эканлигини, бошланишнинг якунланиши англатади., бугуннинг эртаси, каттанинг кичиги, кичикнинг каттаси, борлиқнинг йўқлиги, йўқликнинг борлиги, жиноятнинг жазоси муқаррарлигини ифодалайди. Каузаллик тамойили эса ҳар қандай нарса ва ходисанинг сабаби борлигини, бесабаб ҳеч нарса бўлмаслигини, битта оқибатнинг кўп сабаби, ҳар қандай ходиса эса яна бошқа кўп ходисаларга сабабчи бўлиши мумкинлигини. Сабабнинг катта-кичиги бўлмаслигини англатади. Умумий алоқадорлик тамойили мавжуд. У ҳамма нарса ва ходиса ҳамма нарса ва ходисалар билан бевосита ёки билвосита боғланганлигини ифодалайди. Шундай экан ҳаммамизнинг тақдиrimiz бирлигини, ибтидомиз ва интиҳомиз бирлигини ифодалайди.

Фалсафа ўзининг тарихий тараққиётида, турли даврларда турли масалаларга эътиборни қаратиб келди ва фалсафа фанининг турли қисмлари шаклланди, антик даврда “Борлиқ нима?” деган савол ўртага ташланиб, ҳамма нарсанинг нимадан ташкил топганлигига қизиқиш кучайган ва шу тариқа фалсафанинг онтология қисми шаклланди[4; С. 22.], 9-17 асрларда ислом фалсафаси олам ва одамнинг бирлигини, маънавий ва моддий дунёнинг бирлигини асослаб берди, 17 асрда Европада ислом фалсафаси таъсирида “Билиш нима?” деган савол ўртага ташланди ва инсон билимининг чегараси борми ўзи деган масалага жавоб сифатида фалсафанинг гносеология қисми шаклланди, ислом фалсафасида бу масала Мотуридий [5;] фалсафасида кейин Ғаззолий фалсафасида асосланган эди. Ислом фалсафасида Мотуридий, Европада И.Кант XVIII асрда“Одам нима ўзи?” деб инсон ҳаётининг маъносини ахтариб, фалсафанинг антропология қисми шаклланишига ҳисса қўшишган. Жамият нима? деган саволга шарқда Форобий IX асрда, ғарбда О.Конт ва К.Маркс жамиятни қандай қилса адолатли жамиятга айлантириш мумкин, дейишиб, фалсафанинг социология қисмини қашф қилишди. Қадриятлар нима? деган саволга шарқда XIII асрда Жалолиддин Румий [6;], ғарбда М.Шелер[7;] XIX асрда ҳаётнинг асл моҳияти нимада эканлигини топишга интилиб, фалсафанинг аксиология қисмининг вужудга келишига сабаб бўлди. Фалсафанинг умумбашарий муаммоларини ўрганувчи глобалистика қисми XX асрда вужудга келган.

Жамиятда кимки юксак мартабаларга эришган бўлса, бу юксак фалсафий тафаккур маданиятига эга бўлганлигидан. Тўғри фикрлаш, тўғри хатти-ҳаракатлар, эзгу ниятлар инсонларни камолот чўққисига кўтаради. Бу сифатларни ўшлар онгига сингдиришда, шубҳасиз, мураббийнинг айтган сўzlари, хатти ҳаракатлари, фалсафий тафаккур маданиятининг ўрни бекиёс.

Фалсафий тафаккур маданиятини ўргатиш учун аввало мураббийнинг ўзи бу маданиятни эгаллаган бўлиши лозим. Бунинг учун устозлар тинимсиз ўз устида ишлашлари, ўзларини такомиллаштиришлари лозим.

Фалсафий тафаккур маданиятининг учта муҳим жиҳати бор:

Биринчидан, ҳар бир инсон фалсафий онглиликни эгаллаши, яъни унинг умумлаштириш, таққослаш, саралаш, солиштириш, мавҳумлаштириш ва конкретлаштириш қобилияти бўлиши, фалсафий билимларга эга бўлиши лозим;

Иккинчидан, саралаб олган билимларига ишонч-эътиқоди бўлиши лозим. Яъни бу олган билимларини чиндан ҳам ҳакиқат деб билиши, бу билимларнинг ҳакиқатлигига, керакли эканлигига чин дилдан ишониши лозим;

Учинчидан, бу билимларни амалиётга татбиқ эта билиши, воқеиликка фалсафий ёндаша олиши лозим. Яъни фалсафий билимлардан бошқаларга фойда келтириши, жамиятни ахлоқан покизалаштиришда, жамиятни маънавий жиҳатдан соғломлаштиришда қўллай олиши лозим.

Бу учала жиҳат бирлашган жойда фалсафий маданият қарор топган бўлади. Яъни маданият билимлар, бу билимларга бўлган ишонч-эътиқод ва бу билимларни амалиётга татбиқ этилишининг бирлигидан иборатдир.

Фалсафий фанларни ўргатишда ёшларга фалсафий тафаккур маданиятини сингдириш ҳар бир олий ўқув юрти мураббийсининг муқаддас бурчидир. Фалсафани ҳар бир касб эгаси, ҳар бир фан ўқитувчиси билиши, бу билимларга ишониши ва уларни амалиётга татбиқ эта олиши лозим. Шундагина олий ўқув юрти ўқитувчиси деган номга лойик бўласиз.

#### **Адабиётлар:**

1. Файзуллаев О. XXаср зиёлилари: устозларим ва сафдошларим. Тошкент: Фалсафа ва хукук институти нашриёти, 2008.
2. Сычев А.А. Основы философии: учебное пособие / А.А. Сычев. -Изд. 2-е, испр. - М.: Альфа-М: И Н Ф Р А -М , 2010. С.12.
3. Горелов А. А.Основы философии : учебник для студ. Учреждений сред. проф.образования / А.А. Горелов. — 15-е изд., стер. —М: Издательский центр «Академия», 2014. С.251.
4. Сычев А.А. Основы философии: учебное пособие / А.А. Сычев. -Изд. 2-е, испр. - М.: Альфа-М: ИНФРА -М , 2010. С. 22.
5. Али-заде, А. А.Абу Мансур аль-Матуриди/Исламский энциклопедический словарь.—М.: Ансар, 2007.
6. Руми, Джалаладдин. Поэма о скрытом смысле: Избранные притчи. ПереводНаума Гребнева. М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука» 1986.
7. Шелер М.Философские фрагменты из рукописного наследия / Пер. М. Хорькова.— Институт философии, теологии и истории св. Фомы, 2007.

### **ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИРЧАНИЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Сафаров А.И.**

**СамДАҚИ доценти, фалсафа фанлар номзоди.**

Хозирги давр тараққиёти мезонлари ақлий қобилият, илмий салоҳият ва албатта, маънавият юксаклиги билан белгиланади. Ушбу мезонлар муштариклигини таъминлаб, уни эзгу мақсад сари йўлловчи миллий фояга эҳтиёж ҳамиша ҳалқ руҳида акс этмоғи лозим. Айни ана шу эҳтиёж “Олдимизга қўйилган улкан вазифаларини амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбай бўладиган миллий фояни ривожлантиришимиз зарур” (1) эканлигига ундаиди.

Ҳеч бир иккиленишсиз айтиш мумкинки, баркамол инсон шахсини тарбиялаш, соғлом авлод келажаги ҳакида қайфурин-жамият ва миллат келажаги билан боғлиқ жиддий масаладир. Зоро, биз миллий юксалишимиз олдинги сафларида ҳамиша юксак маънавият ва маърифат соҳиблари бўлган билимли, илмий салоҳиятли мутахассисларни, янги авлод кадрларини кўрамиз. Шундай экан, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, ракобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни етук мутахассис, ўз соҳасининг билимдони, илмий салоҳият ҳамда амалий кўнкималарга эга бўлган замонавий кадрлар сифатида энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлананаётган соҳалар ва тармоқларни таъминлаш олий таълимнинг биринчи даражали вазифасидир.

Шу ўринда олий таълим тизими соҳасида белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминловчи яна бир муҳим омилни таъкидлаш жоизки, айнан шу омил таълим тизимини тубдан янгилаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг мазмун моҳиятини белгилаб беради. Аниқлик киритайлик, гап етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳакида борар экан, аввало, энг илғор талабларга мос, замоннинг интеллектуал, илмий техникавий, маънавий-ахлоқий ва фоявий-мағкуравий шиддатларига дош бера оладиган мутахассис шахси назарда тутилмоғи лозим. Бундай мослик ва тайёргарликни эса фақатгина мутахассислик талаблари билан ўлчаб бўлмайди. Шундай экан, биз мутахассис кадрга унинг касбий тайёргарлиги, маҳорати ва қобилияти билан чекланиб таъриф бериш оқибатида фақат ўз касбий манфаатларидан келиб чиқиб, вазиятга баҳо берадиган “қашшоқ мутахассис”ни эмас аксинча, ўз мутахассислигининг ижтимоий аҳамиятини мушоҳада қилиб, профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб борадиган, уни жамият манфаатлари измида миллий юксалиш мақсадлари сари сафарбар этиб, фарҳ ва ғурур туйғусини, моддий ва маънавий қониқиши хиссини англаш етадиган мутахассис кадрни тарбиялаб беришни мақсад қилиб қўйганмиз.

Мутахассис кадрлар маънавияти масаласига тўхталар эканмиз, таъкидлаш керакки, ҳар бир мутахассислик таълими ўзида индивидуал ва ижтимоий фазилатлар уйғунлигини қамраб олмоги лозимки, бу уйғунлик мутахассиснинг билим савияси ва касбий этикетини намоён қилиш омилига айланади. Ушбу омил мутахассис савияси ва касбий маданиятининг маънавий-ахлоқий мезонларини белгилаб беради.

Улар қўйидагилар:

- ✓ танлаган йўналиши бўйича ўз касбининг масъулиятини ҳис қилган ҳолда аниқ мақсад ва режалар асосида фаол позицияга эга бўлиш;
- ✓ ўз қобилияти, билими ва касбий маҳорати, ўз ўрни ва мавқеига мослик даражасини намоён қилиш орқали ҳурмат ва эътиборга эришиш;
- ✓ ўз фикри, ғояси ва режаларини аниқ равон нутқда баён этиб, атрофдагиларга таъсир эта олиш журъати билан жамоавий бирлик ва ҳамкорликни қарор топтириш;

Мавзумиз мазмунидан келиб чиқиб, бирор-бир фан ёки таълим соҳасига ортиқча баҳо бермаган ҳолда таъкидлаш ўринлики, таълим –тарбиявий йўналишда ўз мақсад ва вазифаларини талаба –ёшларнинг дунё-қараши, фикрлаш маданияти, ижтимоий фаоллиги ва ҳаётий позициясини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий фанлар ўз мазмунига монанд мутахассислик билимларининг сифат самарадорлиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини мутахассис онгига сингдириб, унинг маънавий масъулиятини тарбиялади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида таъкидланганидек: “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чукур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш”(2) олий таълимни комплекс ривожлантириш ва ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга доир функционал вазифалари сифатида белгилаб берилди.

Шу билан бирга олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлашда қўйилётган талаблар доирасида ўкув режаларини мувофиқлаштириш, ўқитилаётган фанлар ҳажми ва миқдорини кўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанларни қисқартириш масалалари нисбатан қисқа вактда ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифалардир. Шубҳасиз, бу ўринда масала моҳиятига жиддий ёндашув, белгиланган талабларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиб, мутахассисликдан йироқ ҳар бир фаннинг мавқеи, мақсад ва вазифаларини чукур таҳлил қилиб, оқилона қарор қабул қилиш мухимдир. Фанни қисқартириш-бу бутун бошли фанлар гурухини олиб ташлаш, тугатиш маъносида эмас, балки турдош ёки бир-бирини такрор қиласиган, шунингдек, таълимнинг қути бўғинларида ўрганиш мумкин бўлган фанларни мувофиқлаштириш, уйғулаштириш ва ихчамлаштириш маъносида тушу-нилмоғи керак.

Масалани яна бир мухим жиҳати шундаки, муаммога асло бирёклама, яъни у ёки бу фан, нуқтаи назаридан, унинг “манфаатларидан” келиб чиқиб ёндашмаслик керак. Қолаверса, таълим сифати ҳар доим ҳам ўкув соатлари ҳажмини ошириш ёки камайтириш билан белгиланавермайди. Зоро, миқдор сифатли белгиловчи ягона сабаб эмас.

Шу ўринда масалага бироз аниқлик киритишни мухим деб ҳисоблаймиз. Мутахассисликка алоқаси йўқ фанларни мутахассис учун ҳам алоқаси йўқ, деб айта оламизми? Саволга тўғри жавоб эса биз тўғри фалсафий мушоҳада юритиб, мантикий хulosamiz асосида ўз йўналишимизда қайси фанларнинг алоқаси бор ёки йўқ деб ҳисоблашимизга боғлиқдир. Демак, унутмаслигимиз керакки, биз мутахассисликка мос мутахассис кадрни тайёрлаб берар эканмиз, унинг қиёфасида албатта мукаммал билим ва касбий кўникма билан бир вактда ўз шахсий позициясига эга, мустақил дунё-қараш ва эркин фикр маданияти билан билими ва қобилиятини аниқ мақсад сари соғлом маънавият билан жамиятга қадам ташлайдиган инсонни тарбиялаймиз.

Билдирилган фикрлар якунида белгиланган вазифаларини қай бири мухимроқ, яъни қайси омил бирламчи, ҳал қилувчи аҳамиятга эга, мутахассис омилими, ёки инсон омили, деган мазмунда муаммони қўядиган бўлсак, мантикийликдан йироқлашамиз. Дошишманд ҳалқимиз ҳикматига мурожаат қиласиган бўлсак, аёнки, илм ўргатмоқ, таълим бермоқликни маънавият ва маърифатдан, маданиятдан ва албатта тарбиядан аро йўлда тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат таълим ва тарбия бирлигига ўшларимизнинг дунё-қарашини бойитамиз, фикрини теранлаштирамиз, мақсади ва интилишларини ойдинлаштириб дунёга янгича кўз билан, илм-маърифат кўзи билан қарашга ундеймиз.

Эътибор қиладиган бўлсак Президентимиз ўзининг хар бир чиқишида илм-фан тараққиётини ижтимоий-иқтисодий юксалишни биринчи галда маънавият ва маърифат юксаклиги, гоявий-мағкуравий эътиқод мустаҳкамлиги билан боғламоқда” янги авлод кадрларини, янги сармоядор-лар синфини тайёрлаш учун, Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллый гоя, миллый дастур керак”(3).

Яна бир исбот талаб қилмас ҳақиқат шуки, биз миллый юксалиш сари аник мақсад ва вазифаларни белгилаб олган эканмиз. “Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиасини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак”(4).

Биз ўз соҳамиз мазмунидан келиб чиқиб, олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанлар аҳамияти қай даражада эканлигига эътибор қаратдик. Юкорида билдирилган фикрларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, агар мутахассислик фанлари таълими юқори малакали кадрни тайёрлаш сари йўналтирилар экан, ижтимоий фанларни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад соғлом фикр ва тафаккурга эга, атроф воқеликка ҳақиқат ва адолат кўзи билан қарайдиган, ўзининг билими ва кучини жамият тараққиёти йўлида миллый юксалиш сари йўллашга қодир маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялашdir.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаат-номаси. // Халқ сўзи газетаси, 2019 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -2909- сонли Қарори.// lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаат-номаси. // Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 23 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //president.uz/lists/view/3324

### **ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.**

**Қулдошев Аслиддин Турсунович,  
Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси мудири.  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).**

Бугунги кунда жамият тараққиётининг мезонлари кўп жиҳатдан ҳозирги замонавий билимларга интилевчан, изланувчан, фикри теран баркамол ёшларнинг фаол ҳаётий позициясига эга эканлиги билан белгиланади. Айнан ана шу мезонлар уларнинг ижтимоий воқеликка мослашувига, унда ўз ўрнини қатъий белгилаб олишига, шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғуллаштирган ҳолда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси ҳамда ташаббускорига айлантиради. Бир сўз билан айтганда, ўз билими, қобилияти ва эзгу мақсадлари йўлида танлаган ҳаётий позицияси улардаги ижтимоий фаолликни юзага чиқаради. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги эса авваламбор уларнинг етук мутахассис ва юксак инсоний фазилатларга эга шахс бўлиб етишишига ижобий таъсир килувчи муҳим омилdir. Шунинг учун айни пайтда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз, ислоҳотлар самарадорлиги жамиятнинг энг фаол, ташаббускор кучи бўлган баркамол авлоднинг фаол ҳаётий позициясини шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш самарадорлиги билан узвий боғланиб кетган. Ҳозирда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ёшларни хар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбиялаш ҳамда уларнинг замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун бекиёс имкониятлар яратилган. Зоро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, «глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни замон қўяётган талабларга жавоб бериши, ундан орқада қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга»[1]. Чунки хар томонлама етук баркамол авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб оғир синов ва қийинчиликларни енгиши, кўзланган юксак мақсад ва марраларни эгаллаши мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар замирида ёшларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлашларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай маъсулиятли вазифани амалга оширишда бутун таълим тизими, хусусан, олий таълимга жиддий талаблар кўйилмоқда. Таъкидлаш керакки, таълимда инновациялар ўқув, услугий, илмий, педагогик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, замонавий таълим тизимида шаклланган янгича ёндашувлар сифатида таълим мазмунини ривожлантиришнинг истиқболи ҳисобланади. Шу боис улар таълим тизимининг ривожи ва равнақига ижобий таъсир кўрсатади. Янги педагогик технологиялар асосида машғулотлар олиб бориш, талабаларни мустақил фикрлашга, индивидуал ва жамоавий ишлашга, фикрларини илмий асослашга, муаммога ижодий ва танқидий ёндашишга ўргатади. Шу маънода инновацион таълим талабаларнинг ижодий фаоллиги ва бу фаолиятнинг тўғри ташкил этилиши, ўтказилган назарий ва амалий машғулотларнинг сифат самарадорлигига, педагог ходимлар маҳорати ошишига замин яратади. Ҳозирги кунда хуқукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биринчи навбатда жамият аъзоларининг маънавий-интеллектуал имкониятларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, «Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва ҳалқларнинг мустаҳкам ривожланишига раЖна соладиган турли янги таҳдид ва ҳавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундаиди»[2;27-286]. Шунинг учун бугун Ўзбекистонда барча фанлар қатори ижтимоий фанларни ўқитишини такомиллаштириб бориш ва унга инновацион ёндашув муҳим ҳисобланади. Чунки ёшлар дунёқарашини энг илфор, замонавий билимлар, тушунча ва тасаввурлар билан бойитиш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлашда ҳамда интеллектуал салоҳиятли шахслар бўлиб етишишларида ва энг асосийси, уларда мустақиллик ғояларига содиқлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйгуларини шакллантиришда ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнамоқда. Жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз ёшлари ижтимоий фанларнинг таъсирида улкан ижодий, интеллектуал, ижтимоий-сиёсий салоҳиятга эга бўлмоқдалар. Шу боис ёшлар деб аталган ана шу куч ва салоҳиятни юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги сари сафарбар этишда ижтимоий фанларнинг ўрни, роли ва нуфузи ортиб бораверади. Шу ўринда ёшлар дунёқарашини шакллантиришда, уларнинг фаол ҳаётий позицияларини мустаҳкамлашда фалсафа ва унинг бошқа тармокларининг роли ҳамда аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтар эканмиз: **бириңчидан**, фалсафий билимлар билан озиқланган ёшларда фалсафий дунёқараш шаклланади ва уларда оламга, воқеа – ҳодисаларга, атрофини ўраб турган ижтимоий воқелик, унда кечажетган жараёнларга бўлган оқилона муносабат шаклланади; **иккинчидан**, ёшларда фалсафий тафаккур маданиятининг шаклланиши жараёнида ҳар қандай муаммоли вазиятларда ҳам ўзини ўзи бошқара олиш қобилияти ривожланиб, ўсиб боради; **учинчидан**, фалсафий фанлар ёшлар онгидаги ахлоқий сифатларни этика фани орқали, гўзаллик, нафосат, улуғворлик туйгуларини эстетика фани орқали, жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва унинг қонуниятларини ижтимоий фалсафа орқали қарор топтиради; **тўртинчидан**, фалсафа умуминсоний қадрият сифатида инсон, унинг манфаатлари, хуқук ва эркинликларига олий қадрият сифатида қарайди.

Фалсафа методологик вазифани ҳам адо этади, у барча фан соҳаларини илмий билишнинг асосий шакллари, усуслари ва тамоиллари билан куроллантиради. Шу билан бирга у шахсда жамият олдидаги фаол ҳаётий позицияларини мустаҳкамлашда ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотади. Ёшларда ижтимоий билимларни шакллантириб бориш эса уларнинг турмуш ва тафаккур тарзини юксалтиради ва шу билан биргаликда жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга, жараёнларга ўзининг мустақил шахсий позициясидан келиб чиқиб, яъни ижобий ёки салбий муносабатини билдира олиш кўнікмасини шакллантиради. Шунинг учун ёшлар - жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илфор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари ҳисобланишади. Дарҳақиқат Президентимизнинг «Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз» [3;146.] деган фикрлари дикқатга сазовордордир. Шу ўринда ёшларимизнинг қатъий ҳаётий позициясини белгилаб олиш орқали ижтимоий фаолликка интилиши ва ўзлигини англашга ундаидиган яна бир муҳим омилга эътибор қаратиш ўринлидир. Ушбу омил Президентимиз томонидан илгари сурилган, ёшларимизни ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, нималарга кодир эканлигини намоён қилиш сари йўллайдиган беш муҳим ташаббусидир. Зоро, белгиланган ҳар бир йўналиш ёшларимизга ақлий, ижодий ва жисмоний етуклик мақсади билан комилликка эришмоқ учун берилган йўлланмадир. Ҳеч шубҳасиз, ўзида

бунёдкорлик ва яратувчанлик ғояларини мужассам этган ушбу ташаббуслар ўзининг қатъий ҳаёт йўлини белгилаб олишга азму-карор қилган йигит-қизларимизга ижодий баркамоллик, интеллектуал салоҳият, жисмоний маданият ва албатта, маънавий юксакликка эришмоқ учун тавсия қилинган йўриқнома вазифасини ўтайди. Бугун жаҳон ҳамжамиятидаги ҳар қандай давлат ўз ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб давлатининг, жамиятининг нафакат якин келажаги балки истиқболдаги тараққиётини аниқ тасаввур этиши мумкин. Шу маънода, юртимизнинг ҳар томонлама тараққиётини, юксалишида илм-фаннинг, хусусан, ижтиомий фанларнинг роли бекиёс даражада каттадир. Демак, олдимизга турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири - баркамол ёшларнинг ўзининг фаол ҳаётий позициясига эга бўлишларини таъминлаш ва уларнинг ҳар бирида комиллик фазилатларини тарбиялаш орқали мамлакатимизнинг жонкуяр фидоийсига айлантиришдир. Чунки жамият манфаати йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъододини баҳшида этишга тайёр турган етук инсонлар, мустақил ижодий фикрловчи фаол ёшларгина, Ўзбекистонни дунёдаги энг илғор давлатлар сафига бўлишини таъминлайдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттилоғи фаолиятини қўллаб - қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106 сонли Фармони // lex.uz 2017 йил 5 июл.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2017; 27-286.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016.14-бет.

## **СОЦИАЛЬНАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В НЕСТАНДАРТНО МЫСЛЯЩИХ ТВОРЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЯХ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ**

**Кочкорова Г.  
кандидат философских наук, доцент, ТУИТ Ферганский филиал;  
Мухаммаджанов Х. З.  
студент 3-ого курса, ТУИТ Ферганского филиала.**

Использования инновационных методов особую значимость приобретает при подготовке будущих специалистов разных сфер профессий. Преподаватель общественных наук акцент должен делать на то, что выпускники в своей будущей деятельности должны будут обращаться к применению инновационных технологий в профессиональной деятельности. Изучая опыт использования в педагогической деятельности **инновационных методов**, можно выделить их преимущества: они помогают научить студентов активным способам получения новых знаний; дают возможность овладеть более высоким уровнем личной социальной активности; создают такие условия в обучении, при которых студенты не могут не научиться; стимулируют творческие способности студентов; помогают приблизить учебу к практике повседневной жизни, формируют не только знания, умения и навыки по предмету, но и активную жизненную позицию. В связи с чем особый интерес вызывают активные методы обучения, т.к. они способствуют: эффективному усвоению знаний; формируют навыки практических исследований, позволяющие принимать профессиональные решения; позволяют решать задачи перехода от простого накопления знаний к созданию механизмов самостоятельного поиска и навыков исследовательской деятельности; формируют **ценностные ориентации** личности; повышают познавательную активность; развиваются творческие способности; создают дидактические и психологические условия, способствующие проявлению активности студентов. Рассматривая **ролевые игры** («деловые», «сюжетно-ролевые») как активный метод обучения, надо отметить, что он помогает раскрыть поисковые возможности будущего специалиста. На практических занятиях по преподаванию общественных наук студенты распределяют **социально-статусные роли**, получают навыки проведения лекций, семинаров, а также основы управлеченческих навыков в условиях «студенческая группа-преподаватель». При проведении занятий в виде организации «мозгового штурма», решается двойственная задача: с одной стороны как метод, применяемый в профессиональной деятельности социолога, с другой – преподавателя, т.к. экспертные группы с помощью рабочих гипотез рассматривают самые разнообразные идеи, доказывают важность решения придуманной или взятой из реальной действительной ситуации получают опыт организации и проведения инновационного занятия. Используя такую организационную форму как учебное моделирование

научного исследования (при изучении предмета «Гражданское общество» студенты применяют полученные ими ранее знания по методике сбора данных, осваивают исследовательские процедуры. При этом достигается важная цель: теоретические знания превращаются в своеобразный инструмент творческого осознания социальной действительности специалиста и он получает навыки в использовании нового метода в педагогической деятельности. Проектная деятельность студентов ставит в центр образовательного процесса практические вопросы овладения профессией и на этой базе стимулирует интерес к теории. Практика показывает, что студенты, разработавшие свой социальный проект, готовы его отстаивать, аргументировать свою позицию, вести дискуссию с оппонентами – и в этих целях мотивированно осваивают теорию вопроса, хорошо удерживают материал в памяти даже годы спустя. Этому же способствует и анализ конкретных ситуаций (case-study) – метод активизации учебно-познавательной деятельности обучаемых, характеризующийся следующими признаками: наличие конкретной ситуации; разработка группой (подгруппами или индивидуально) вариантов решения ситуации; публичная защита разработанных вариантов разрешения ситуации с последующим **оппонированием**; подведение итогов и оценка результатов занятий. По мнению студентов, они ощущают себя на таких занятиях участниками социальных действий.

На современном этапе развития нашего общества как никогда возросла социальная потребность в нестандартно мыслящих творческих личностях. Потребность в творческой активности специалиста и развитом мышлении, в умении конструировать, оценивать, рационализировать быстро растет. Решение этих проблем во многом зависит от содержания и методики обучения будущих специалистов.

В современных условиях глобализации и конвергенции образовательных рынков и становление общего образовательного пространства высокое качество образования прочно ассоциируется с целями Болонского процесса: академическая мобильность, признание дипломов, введение кредитных систем, инвариативные технологии обучения и управления знаниями.

Основой целью профессионального образования является подготовка квалифицированного специалиста, способного к эффективной профессиональной работе по специальности и конкурентного на рынке труда.

Традиционная подготовка специалистов, ориентированная на формирование знаний, умений и навыков в предметной области, всё больше отстает от современных требований. Основой образования должны стать не столько учебные дисциплины, сколько способы мышления и деятельности. Необходимо не только выпустить специалиста, получившего подготовку высокого уровня, но и включить его уже на стадии обучения в разработку новых технологий, адаптировать к условиям конкретной производственной среды, сделать его проводником новых решений, успешно выполняющим функции менеджера.

Изменяющаяся социально-экономическая ситуация в современном Узбекистане обусловила необходимость модернизации образования, переосмысление теоретических подходов и накопившейся практики работы учебных заведений.

Концепцией модернизации образования и программой высшего и среднего профессионального образования предусмотрены такие приоритеты образования, как доступность, качество, эффективность.

Реализации этих приоритетных требований способствуют педагогические инновации. Инновации в образовательной деятельности – это использование новых знаний, приёмов, подходов, технологий для получения результата в виде образовательных услуг, отличающихся социальной и рыночной востребованностью. Изучение инновационного опыта показывает, что большинство нововведений посвящены разработке технологий.

### **Список литературы**

1. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. - М.: Народное образование, 2000.
2. Жуков Г.Н. Основы общей профессиональной педагогики: Учебное пособие. -М.: Гардарики, 2005.
3. Глоссарий современного образования (терминологический словарь) // Народное образование, 1997, № 3.

# **МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ ДУРДОНАЛАРИГА НОМАДАНИЙ МУНОСАБАТ ЁХУД ТАРИХИМИЗДА РҮЙ БЕРГАН МУДХИШ КУНЛАР, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА**

Ғаниев К.Г.  
СамДАҚИ доценти , тарих фанлари номзоди.  
Эрназаров Т.  
СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Баркамол авлод тарбиясида Ватан тарихининг ўрни, имкониятлари катта. Тарих – ўтмишнинг бугунгача сакланиб келаётган хотирасидар. Агар тарихга тафаккур йўғрилса, унда холис ва мантиқий талқин бирикса, танқид назаридан ўтказилса, далил ва воқеа ҳодисаларнинг муҳими номухимларидан сараланса, замонлар ғалвиридан ўтказилса ана ўшанда у фанлик мақомига эришади. Бир сўз билан айтганда инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг ўтмишини билмаса, ҳалқимизнинг теран тарихий меросини англаб етмаса хато қиласди. Кечаги тарихимизда рўй берган мудхиш кунлар, тарихий жараёнлар ҳақидаги маълумотларни ҳалқимиз, айниқса, ёш авлодга ўз вақтида етказсан улар онгида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олган бўламиз..

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми -XX асрларда Ватанимиз, ҳалқимиз тарихида юзага келган изтиробли даврнинг айрим жиҳатлари билан навқирон авлодни таништиришга, яна бир бор эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. XVII-XVIII асрларда рўй берган миллий турғунлик, темурийлар давлатининг парчаланиши, Марказий Осиёнинг хонликларга бўлинниб кетиши оқибатида юртимиз Россия империяси томонидан босиб олиниб, эркесвар ҳалқимиз мустамлакачилик зулмига дучор қилинди. Миллий давлатчилигимизга барҳам беришга ҳаракат қилинди. Чор Россияси маъмурлари бизнинг маънавиятимизни турғунлик ва қолоқликда тутишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати олиб бордилар, миллий маънавиятимиз таҳқирланди, рустузем мактаблари ташкил қилинди, руслаштириш сиёсати юритилди. Мустамлакачилар томонидан ноёб ва қимматбаҳо илмий манбалар, маънавий-моддий ёдгорликлар Туркистондан Марказга ташиб кетилди. Жумладан, Хива хонлигининг босиб олинишида фон Кауфманга ҳамроҳлик қилган шарқшунос А.Л.Кун 40 жилдан иборат 129 тарихий асарларни, 20 муаллифнинг 30 жилдан иборат китобларини, ҳукуқшунослик ва илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилдан иборат 40 асарни, 18 нусха Куръон ва 50 дарслидан иборат 300 та нодир шарқ қўлёзмалари ва ҳужжатларни тўплаган ва уларни Петербургдаги Император ҳалқ кутубхонасига топширган.[\[1,354\]](#)  
[\[6\]](#) Шу билан бирга А.Л.Кун ва унинг гурухи Хивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200 нусха штампни, мухрлар боғламини, Хива хони таҳтини, 172 нусха Жўжихон тангаларини, Қўнгирот сулоласидан бўлган Хива хонларининг 3 нусха тангалари ва бир қатор энографик ашёларни, хусусан, аёллар ва болалар кийимлари, кўплаб тилла ва кумуш безакларини олиб кетган.[\[2,C.31\]](#) Мустамлакачилар томонидан олиб кетилган 20 та нодир китоблар орасида Низомий қўлёзмалари, “Тарихи Восифий”, “Искандарнома”, “Тавсири Куръон”, “Равзат ус сафо”, “Достони Қосим”, “Гўр ўғли”, Мавлавий Румийнинг “Маснавий”си, Рабғўзийнинг “Қисса ул-анбиё”си, Алишер Навоийнинг “Хамса”си, Абулғозийнинг “Шажараи турк” ҳамда араб, форс ва ўзбек тилларидаги бошқа асарлар ҳам бор эди.

1917 йилдан бошлаб мустабид совет ҳокимияти ўрнатилди, ягона Туркистон миллатларига ажратиб, бўлиб ташланди, коммунистлар мафкураси ҳукмронлиги ўрнатилди. Ҳалқимиз ҳам маънавий, ҳам иқтисодий камситилди, оёқ ости қилинди. Юртни озод қилишни шоҳ ва шоир, бастакор Муҳаммад Раҳимхон Феруз ва шоир ва публицист Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатлар маърифатда кўрган бўлсалар, Муҳаммад Али (Дукчи эшон) кабилар ҳалқни бевосита миллий жиҳодга чорладилар. Ўрта Осиё жадидларининг йирик вакиллари М.Беҳбудий, А.Фитрат, Файзулла Ҳўжаев каби миллат ва Ватан фидойилари жоҳиллик ва ижтимоий адолатсизликни маърифат воситаси билан енга олмагач, аввал Чор Россияси босқинчилари, сўнгра мустабид совет тузуми билан муроса қилишга, советларга хизмат қилишга мажбур бўлдилар. Охир оқибатда уларнинг эзгу ниятлари амалга ошмади, балки ўзлари ҳам катафон қилиндилар. Шу даврда жадидлар саъӣ-ҳаракати билан рўй берган Миллий уйгониш ҳаракати “коммунистик пролетар утопияси” йўлида муноғик тузум томонидан аёвсиз тутатилди. Мустабид совет тузумига қарши меҳнаткаш ҳалқ оммасининг миллий истиқлолчилик ҳаракати тутатилди, совет ҳокимияти юртимизда ҳукмронлик мавқенини мустаҳкамлаб олиш имкониятига эга бўлди. Мустабид тузум ваъда қилган миллатларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи амалга ошмади, аксинча Туркистон жадидлари, миллий зиёлилари ва ислом уламолари раҳнамолигида 1919 йил ноябрь

ойида ташкил этилган Туркистон Мухторияти сабиқ Марказ томонидан тан олинмади, советлар томонидан 1918 йил февралида қурол кучи билан тугатилди, у бор йўғи 72 кун яшади. Кўкон шаҳри қонга ботирилиб, 10000 киши ўлдирилди. Туарар Рискулов, Н.Хўжаев каби маҳаллий сиёсий арбобларнинг ягона Туркистон ҳакидаги ғоялари, амалий ҳаракатлари Марказ юборган Турккомиссия, Москвадаги уларнинг доҳийлари томонидан инобатга олинмади. Аксинча, 1924 йилда Марказий Осиё сунъий равишда бир неча “мустакил республика”ларга бўлиб ташланди. Мустабид тузум даврида “миллий республикалар” ташкил топганлиги факти тантанали равишда кўрсатиб ўтилди, “ўзбек ҳалқи биринчи марта ўз миллий давлатчилигига эга бўлди” деб таъкидланди. Бу билан ўзбек давлатчилиги тарихи соҳталаштирилиб, миллий давлатчилигимизнинг салкам уч минг йиллик тарихи борлиги тан олинмади, аксинча, ватан тарихи сулолалар тарихидан иборат қилиб кўрсатилди.

М.Абдурашидхонов, А.Чўлпон, А.Фитрат, А.Кодирий, А.Авлоний каби миллий маънавиятимизнинг таникли арбоблари, шунингдек сиёсий раҳбар ходимлар – Р.Иногомов, С.Қосимов, Ш.Бадриддинов, Р.Худайбергенов ва уларнинг сафдошлари минтақада ВКП (б) МҚ Марказий Осиё бюросининг хукмронлиги, маҳаллий ҳалқлар ёзувини ислоҳ қилиш, пролетар маданиятини маъмурӣ тарзда сингдирилиши, социалистик реализм ва ҳакозоларга ошкора қарши чиқишига жуरъат қилдилар. Бироқ мустабид тузум бунга жавобан “Иногомовчилик”, “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик”, “Худайбергановчилик” каби сабиқ иттифоққа қарши “миллатчи” гуруҳлар ва оқимларни ўйлаб топди, оқибатда улар сафдошлари билан қатағон қурбонлари бўлдилар. Шу даврда мустабид тузум сиёсий қатағонлар билан бир қаторда маданият ва санъат арбоболарини қатағон қилишни зўрайтирги. Агар 1929-1933 йилларда Мунаввар қори Абдурашидхонов, С.Тиллахон, А.Ашрапов, Р.Иногомов, Н.Иноятов, А.Сиддиков, Ёқуб Омон каби 217 нафар таникли ижодкор, журналист, шоир ва ёзувчи қатағон қилинган бўлса, биргина 1936 йилнинг охири ва 1937 йилнинг ўзида 5758 киши “аксил инқиlobчи”, “ҳалқ душмани” сифатида синфиий кураш курбони бўлди. [3,129 б] Сабиқ тузум, коммунистик мафкура тазиёки остида миллий қадриятларимизга, маданиятимизга, ҳаёт тарзимизга, турмушимизга мутлақо зид бўлган “доҳий”ларнинг “асар”ларини дастуриламал деб билдик. Ўзбек миллий тарих мактаби чинакамига тор-мор этилди. Ўзбек миллий тарих мактабининг асосчиларидан бири, “Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи”, “Бухоро манғитлари сулоласи даврида”, “Бухоро тарихи”, “Ўрта Осиё тарихи” каби дарслик ва ва кўплаб монография ҳамда илмий мақолалар муаллифи, истеъододли ўзбек тарихчиси профессор Пўлат Солиев ҳамда унинг қатор шогирдлари қамоққа олиниб, отиб ташланди. Шу билан бирга, қатағон қилинган ёзувчилар, шоирлар ва олимларнинг асарларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш узок йиллар мобайнида тақиқлаб кўйилди. Бунинг асосий сабаби коммунистик мафкурага асосланган мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсати эди. Расмий маълумотларга қараганда, факат 1937-1953 йилларда 100 минг ўзбекистонлик қатағон қилингани, уларнинг 13 мингтаси жисмонан йўқ қилингани, [4] миллий бойликларимиз талон-тарож қилингандиги, миллий қаҳрамонларимиз, мустакиллик учун курашган ватанпарварларимиз “миллатчи”, “ҳалқ душмани” деб ном олгани бунга мисол бўлаолади.

Ижтимоий-гуманитар фанларини ўқув дастурларини буюк давлат шовинизми ва якка партиявийлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши миллий зиёлилар муайян қисмининг миллий-ватанпарварлик қиёфаси ва ижодий жўшқинлигини сезиларли даражада заифлашишига олиб келди. Бу даврда айрим тарихий ходисалар ва шахслар фаолиятини холисона ёритишга бўлган айрим уринишлар кескин кораланди. Жумладан, академик И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли: ёзма манбалар асосида” рисоласи муносабати билан содир бўлди .[5, 420 б] Тарих қайтадан кўриб чиқилди. Ҳалқларнинг “олтин асли” Ўрта Осиё Россияга “қўшилгандан” кейингина бошланди, деган фикр расман карор топди. Ватанимиз давлатчилиги тарихи сулолалар тарихи сифатида талқин қилинди. Мактабнинг 5-синифидагина “Ўзбекистон тарихи фанидан ҳикоялар” деган “Ҳикоялар” тарихи ўқитилиб, ёш авлод тарих хотирасидан, Ватан тарихидан сунъий равишда узоқлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси тарихий замонлар ва даврлар ўртасидаги боғлиқликнинг йўқолишига олиб келди. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ватан тарихини мустабид тузум даврида объектив ва субъектив равишда пайдо бўлган муаммоларини ҳалқимизга, айниқса нақирон авлодга тўғри тушунтириш, уларни тарихийлик нуқтаи назаридан объектив талқин қилиш, бир сўз билан айтганда уларни тарихий мерос сабоқлари билан куроллантириш давр талабидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари:chorizm ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши / Масъул муҳаррир:Д.Алимова.-Т.:Шарқ, 2001, 354-бет.

2. Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане.- Т.:Фан,1975, С.31
3. Ганиев К. Мустабид тузум шароитида тарих хотираси ва миллий маънавиятимизнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни хақида айrim мулоҳазалар // Жамият ахборот ҳавфсизлигининг маънавий-ахлоқий талаблари ва устувор йўналишлари. Вазирлик миқёсидағи илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.-Т.:2016,129-бет.
4. Правда Востока, 13 мая 2000 года
5. Тарих шоҳидлiği ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши / Масъул муҳаррир:Д.Алимова.-Т.:Шарқ, 2001, 420-бет.

## **ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.**

Зиётова К.Э.  
**Каттақўрғон туман 1-сон ИДУМ олий  
тоифали тарих фани ўқитувчиси**

Жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг қучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ер юзидағи давлатлар тарихида кескин бурилиш ясади. Инсоният мутлақо ўзгача муҳит, янгича талаб ва илгарилари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар қучайган бир шароитда яшашига тўғри қелмоқда.

Дунё миқиёсида шиддат билан қечётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда дунёning турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айrim бузғунчи кучлар қўлида турли соҳта, заарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётгандигини кўрсатмоқда.

Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятлар емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятызлик, лоқайдлик, андишасизлик, бехаёлик каби иллатлар илдиз отишига, одамзотнинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бундай мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний қадриятларни асрар, мустақилликни мустахкамлаш, ижтимоий-иктисодий барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб келган ва бундан кейин вазифалар кундаланг бўлиб бораверади.

Зеро, ўзгариб бораётган дунё манзараси ва унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, вужудга қелаётган сиёсий воқелик ва ўзгаришларни миллий ва умуминсоний манфаатлар асосида таҳлил этиш, мавжуд таҳдид ва хавф-хатарлар келиб чиқиш сабабларини идрок этган ҳолда уларга карши курашда бутун жамиятни сафарбар этиш мамлакат келажаги ва барқарор тараққиётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жамиятни сафарбар этувчи куч сифатида эса бу жараёнда азалдан халқнинг маънавий-руҳий таянчи бўлган фан, ижтимоий-гуманитар фанлар муҳим ўрин тутган.

Жаҳон тарихида халқларнинг юксалиши уларнинг маънавий, ғоявий бирлашувидан бошланган. Ривожланган демократик мамлакатларда ижтимоий фанлар негизида миллий ғоя тараққиётга ундовчи қуч сифатида халқларнинг азалий миллий қадрият ва хусусиятларига boglab сингдирилган. Унинг қудратли мафқуравий таъсири мамлакат аҳолисини умумий мақсадлар йўлида бирлаштирган. Шу боис ҳам, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида кўп миллатли халқимизнинг ягона миллий ғояси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан боғлик муҳим ютуқларини ҳам ижтимоий фанлар ўзида мужассам этади.

Бугун халқимиз, Ватанимиз интилаётган миллий тараққиётининг янги босқичига хос асосий хусусиятлар, мақсад ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев бошчилигига ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Харакатлар стратегияси ва бошқа муҳим ижтимоий-иктисодий, сиёсий хужжатларда аник

белгилаб берилди. Уларда жаҳондаги, Марказий Осиё минтақасидаги вазият, ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги тараққиёт йўллари чуқур таҳлил этилган[1.29-б].

Хўш, ана шундай янги босқични бошлаган мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларини халқимиз, қолаверса асосий таянчимиз бўлган ёшлар қалби ва онгига қайси фан асосида синдирилади? Албатта ижтимоий-гуманитар фанлар асосида.

Ижтимоий фанларнинг бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра вазифалари ошиб бормоқда, десак муболага бўлмайди. Зоро, Ўзбекистонда айни шу асосда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада либераллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани ҳақидаги Конституциявий тамойил асосида халқ билан мулокот давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш, одамларда фаол фуқаролик позицияси ва ташаббускорликни кучайтириш, мустақил дунёқараш ва фикрлаш кўнимкасини шакллантириш, жамиятда адолат устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши кураш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бўйича белгиланган муҳим вазифалар ижтимоий фанлар олдига ҳам улкан вазифаларни қўйди.

Харакатлар стратегияси асосида кечеётган шиддатли ислоҳотлар халқнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар килиш, жамиятда учраётган иллатлар, хусусан, лоқайдлик, боқимандалик ва коррупция каби ҳолатларга қарши фаол курашишга даъват этмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қарорвли ислоҳотлар ва янгиланишлар жараённида миллий ғояни ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Дунёда кечеётган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари, янги мафкуравий хавф ва таҳдидлар кўламининг кенгайиб бораётгани мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширилмоқда. Бу жараёнда айниқса, ижтимоий фанлар ўқитувчиларидан нафақат дарс жараённида, балки бутун жамоатчилик орасида қўйидагиларга алоҳида аҳамият бериш талаб этилмоқда:[2. 71-б]

**биринчидан**, мамлакатимизни бугунги тез тараққий этиб бораётган дунёга мос равишда ривожлантириш, жамият аъзоларини миллий юксалиш йўлида янада бирлаштириш ва сафарбар этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

**иккинчидан**, мамлакат тинчлиги, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларига асосланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашда синовдан ўтган миллий ва жаҳон тажрибасининг самарали усулларидан кенг фойдаланиш;

**учинчидан**, дунёда юз берәётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар, турли ахборот хуружлари мазмун-моҳиятини англаш, халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик ва одам савдоси, наркобизнес, “оммавий маданият” каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш ва уларни умуммиллий ҳаракат даражасига олиб чикиш;

**тўртинчидан**, дунёйлик ва динийликнинг соғлом мувозанатини таъминлаш, инсоф, виждон, диёнат каби ахлоқий қадриятларга таяниб яшаш ва фаолият юритишни фуқароларнинг дунёқарashi ва хатти-ҳаракатига сингдириш;

**бешинчидан**, Ўзбекистон кўп миллатли бағрикенг диёр эканини инобатга олган ҳолда, “Миллий ғоя–бизнинг ғоя” деган тушунчани барча миллат ва элат вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш;

**олтинчидан**, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш;

**еттинчидан**, инсон капиталини ривожлантириш, таълим ва тарбияни миллий ғоя қадриятлари даражасига кўтариш, таълим олишга бўлган интилишни рағбатлантиришнинг самарали механизmlарини жорий этишда самарали фаолият олиб бориш долзарб эканлиги кундек равшан.

Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз бирор-бир соҳа ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – бу халқнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Миллий юксалиш ғояси халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида учинчи ренессанс даврининг бошланишига хизмат қиласди. Бундай жараёнда ижтимоий фанларнинг ролини янада кучайтириш, кераксиз фан сифатида қарайдиган айрим мутасадди раҳбарларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “ижтимоий соҳа олимларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бой тажриба ва билимларидан кенг фойдаланиш” [3.63-б]буғунги куннинг муҳим масаласидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.; “Ўзбекистон” 2018. 29- бет.
2. Маърифат гулшани: Диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчилар учун услубий қўлланма // Муаллифлар жамоаси. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт- матбаа бирлашмаси, 2014 й. 71-бет.
3. 2017-20121 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантаришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастируни ўрганиш бўйича илмий услубий рисола. Т.: “Маънавият”, 2017 й. 63-бет.

#### **INKLUZIV TA’LIMNI RIVOJLANTIRISH VA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.**

**Yusupov R.K..**

**Tarix fanlari nomzodi, dotsent, SamDU**

**Erkinova F.Yu.- SamDU psixologiya va ijtimoiy fanlar fakulteti  
Ijtimoiy ish ixtisosligi 4 bosqich talabasi.**

O’zbekistonda, hayotimizning barcha jabhalarida bo’lganidek, ta’lim tizimida ham katta islohotlar amalga oshirilmoqda. Xususan, mamlakatni 2017-2021 yillarda yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi dasturi ishlab chiqilib amaliyotga tadbiq etilmoqda. Ayniqsa, ta’lim tizimini tubdan o’zgartirish kabi masalalarni hal qilish alohida ahamiyat kasb etadi. Shuningdek inkluziv ta’limni rivojlantirish va takomillashtirish borasida ham mamlakatimizda tub o’zgarishlar amalga oshirilmoqda.

O’zbekistonda aholining 60 foizini yoshlar tashkil etadi[1. -32-b.]. Shu bois, o’tgan yigirma to’qqiz yil davomida maxsus ehtiyojli bolalarni umumta’lim muassasalari tizimida o’qitish borasida sezilarli ishlar amalga oshirildi. Ammo inkluziv ta’lim tizimini joriy qilish asosan shaharlar miqiyosida bo’lib qishloqlardagi hududlarda hali-hamon maxsus ehtiyojli bolalar ta’limdan chetda qolib ketmoqda yoki qishloqlardagi ota-onalar nogiron farzandini shaharlardagi maxsus muassasalarga qatnashlarini ta’minalash uchun qiyinchiliklarga duch kelmoqdalar.

Shuning uchun ham maxsus ehtiyojli bolalarni inkluziv ta’limga jalb etish barcha hududlarda barcha maxsus ehtiyojli bolalarni qamrab olgan bo’lishi ta’minalishi lozim. Jumladan, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 01.12.2017 yil PF-5270 sonli “Nogironligi bo’lgan shaxslarni davlat tomonidan qo’llab quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi farmoni doirasida keng islohotlar olib borilmoqda[2]. O’zbekistonda 600 mingdan ortiq nogironlar hayot kechirmoqda[3]. Ko’pchilik nogironlar kundalik turmushda turli qiyinchiliklarga duch kelib, bu ularning mamlakat siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotida faol ishtirok etishiga salbiy ta’sir ko’rsatilmoqda. Bu borada belgilangan chora-tadbirlar izchillik bilan hayotga tatbiq etilishi natijasida faqatgina 2017-yilning o’zida aholining ehtiyojmand qatlamlaridan 100 ming nafar fuqarolarga turli xildagi ijtimoiy xizmatlar ko’rsatildi [4].

Inkluziv ta’limni rivojlantirish va takomillashtirishda yoshlarning ma’naviy – axloqiy qiyofasini uyg’unlashtirish masalalari dolzarbdir. Zero, nogiron bolalarga ularga nogiron deb faqatgina nuqson jihatdan yondashishi emas, balki bu bolalarga har tomonlama yondashish lozim. Bu esa maxsus ehtiyojli bolalar uchun ta’lim masalasini rejalshtirayotgan uning butun hayoti davomida yuzaga kelishi mumkin bo’lgan ehtiyojini hisobga olgan holda tuzishni talab etadi. Bundan tashqari inkluziv ta’limda nogiron boladagi mavjud nuqonlarni bartaraf etish, korreksiyalash, kompensatsiya qilish bilan bir qatorda bilim ko’nikmalarga ega qilish, kasb hunarga o’rgatish ishlarini parallel ravishda olib borish talab etiladi.

Bu tamoyilning mohiyatida maxsus ehtiyojli bolalarga ilk yosh davrida erta yondashish ham yotadi. Maxsus ehtiyojli bolalar ta’limi boshlang’ich va o’rta-maxsus ta’limni olishlari bilan

yakunlanmasligi kerak. Nogiron bolalarning kasb-hunar ta'limi va oliv ta'limi ham amalga oshirilishi talab etadi. Chunki inklyuziv ta'lim tizimining masalalaridan biri maxsus ehtiyojli bolalarni har tomonlama rivojlantirish, ularning barcha huquqlarini ta'minlashdan iboratdir.

Ta'lim olishda qiyinchiligi bo'lgan bolalarni imkoniyatini ta'lim siyosatida e'tiborga olish juda muhim. Ta'lim siyosati inklyuziv ta'limni rivojlantirish maqsadida moliyaviy ta'minotga e'tibor qaratish zarur: maxsus ta'lim va umumta'lim maktablari o'rtaisdagi to'siqlarni bartaraf etish chora-tadbirlari; statistik ma'lumotlar buyicha nogironlarni inklyuziv maktablarda ta'lim olishni joriy qilish; maxsus infrastrukturalar, masalalar, texnik vasitalardan foydalanishga imkoniyat yaratish ham ta'lim siyosatining ajralmas qismidir.

Bundan maqsad, njgironlarning tibbiy-ijtimoiy himoyasini kuchaytirishdir. Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 9-martdagi qarori asosida Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi nogironligi bo'lgan shaxslarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etilishi jamiyatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy himoya tadbirlari samaradorligini yanada yuksaltirishda muhim omil bo'lib xizmat qilmogda. Ushbu jamg'arma mablag'lari nogironligi bo'lgan shaxslarga ko'mak berish, inklyuziv ta'limni rivojlantirish, reabilitatsiya sifatini oshirish va boshqa tibbiy-ijtimoiy loyihalarga yo'naltirildi[5].

Yuqoridagilarni hisobga olib, ya'ni yoshlarning ma'naviy-axloqiy qiyofasini shakllantirishda, inkluziv ta'limni joriy qilish va rivojlantirish masalalarida quyidagilarga asosiy e'tiborni qaratish lozim:

*Birinchidan*, maktab binosi, ayniqsa qishloq joylarida, nogiron bolalarning ehtiyojlarini e'tiborga olgan holda jihozlanishi lozim yani zinapoyalar aravachada yurishga mo'ljallangan, maktab xojatxonasi aravachada harakatlanuvchilarga moslashtirilgan, mahsus partalar, stullar va hakozalar bilan taminlanishi lozim. Bu kabi qulayliklarni yaratish unchalik katta mablag' talab qilmaydi. Yangi maktab binosi nogiron bolalarning ehtiyojlarini e'tiborga olgan holda rejalashtirilgan paytdan boshlab qurilishi kerak. Alatta nogiron bolalar uchun yaxshi bo'lgan qulayliklar normal rivojlanishdagi bolalar uchun hech bir muammo keltirib chiqarmaydi.

*Ikkinchidan*, o'quv reja, dastur va darsiliklar maxsus ehtiyojli bolalarning imkoniyatlariga moslashuvchan bo'lishi kerak. Bolaning maxsus ta'limga bo'lgan ehtiyojlar har qanday integratsiya faoliyatining asosini tashkil etishi kerak. Shaxs ehtiyojlarining darajalari va turlari har xil bo'lganligi tufayli bunday faoliyatlar moslashuvchan o'zgaruvchan bo'lishi talab etiladi.

*Uchinchidan*, maxsus ehtiyojli bolalar inklyuziv tarzda o'qitilayotgan sinflarda yuqori malakali o'qituvchilarining dars berishi talab etiladi. Bundan tashqari inklyuziv sinf o'qituvchisi defektlogiya sohasi bo'yicha ham malaka oshirgan bo'lishi kerak. Inklyuziv ta'lim joriy qilingan muassasada albatta psixolog faoliyat yuritishi lozim.

*To'rtinchidan*, inklyuziv ta'lim muassasasida ta'lim-tarbiya olayotgan maxsus yordamga muhtoj bolalarning ayrimlari doimiy ravishda tibbiy xizmatga muhtoj bo'lishi mumkin shuning uchun inklyuziv ta'lim muassasasida shifokor-pediatri (psixonevrolog) bo'lishi lozim. Shifokor har bir bolaning ruhiy asab holatini doimiy ravishda tekshirib boradi, zarurat bo'lganda davalash muolajalarini tavsiya etadi, korreksion pedagogik ta'lim jarayonida bolalar sog'lig'ini nazorat qiladi, aqliy va jismoniy yuklamaning me'yorini belgilaydi, ota-onalarga bolaning somatik hamda ruhiy salomatligini saqlash yuzasidan maslahatlar beradi.

*Beshinchidan*, Inklyuziv ta'limning asosiy qismi-bolalarga bilim olish uchun do'stona munosabat va o'qishga imkon beruvchi muhitni yaratish lozim. Bolalar mакtabga bexatar, qiyinchiliklarsiz yetib borish imkoniga ega bo'lislari lozim. Bundan tashqari, amaldagi umumta'lim uslubiyatiga bolani moslashtirishdan ko'ra, dars jadvalini sharoitni, uslubiyatni va o'quv qurollarini o'zgartirish kerak bo'ladi. Bunday o'zgartirishlar nafaqat maxsus ehtiyojli bolalar. Balki normal rivojlanishdagi bolalar uchun ham ta'lim sifatini yaxshilaydi.

Xulosa qilib aytganda, Inklyuziv ta'lim – ham sog'lom, ham imkoniyati cheklangan bolalarga birdek uyg'unkfshishi kerak. Biz har bir bola bag'rikeng bo'lishga o'rgatish bilan birga inson qadriyatlarini uning imkoniyatiga bog'liq emasligi haqidagi fikrni singdirmoqchimiz. Yoshlik chog'ida bolaning ruhiy holati ochiq, egiluvchan va o'zlashtirishga tayyor bo'ladi. Insonlar orasida turli fe'l va qiyofaga ega insonlar mavjudligiga o'rgangan bolalar kelajakda o'zlaridan farq qilgan bolalarga zulm yetkazmaydi. Jismoniy rivojlanishida turli nuqsonlari bo'lgan tarbiyalanuvchilar uchun mакtabga qatnash muloqot qilish ko'nikmalariga ega bo'lish imkoniyatini yaratib berib, ularning keyingi ijtimoiy moslashuvini osonlashtiradi. Bolalarning bir-biri bilan uchrashishi faqatgina o'yin maydoni yoki oshxona bilan cheklanib qolmaydi. Natijada inklyuziv ta'limni rivojlantirish va takomillashtirish masalalari samarali echim topadi.

### Adabiyotlar

1. Abdurahmonov Q.H. Ijtimoiy soha iqtisodiyoti. Darslik. – T.: Iqtisodiyot, 2013. - 418 b.

2. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизими니 тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://www.gov.uz/uz/news/view?id=13283>
3. Prezident nogironligi bor shaxslarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha dasturni tasdiqladi.[https://korrespondent.uz/9320?utm\\_source=uznet.press&utm\\_medium=topic&utm\\_campaign=self](https://korrespondent.uz/9320?utm_source=uznet.press&utm_medium=topic&utm_campaign=self)
4. Prezident nogironligi bor shaxslarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha dasturni tasdiqladi.[https://korrespondent.uz/9320?utm\\_source=uznet.press&utm\\_medium=topic&utm\\_campaign=self](https://korrespondent.uz/9320?utm_source=uznet.press&utm_medium=topic&utm_campaign=self)
5. <http://the.uz/yangiliklar/37195-2017-yilda-20-mingdan-ziyod-nogironligi.html>

## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖАМИЯТГА ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Юсупов Р.К.

СамДУ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

XXI аср Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий тараққиётга эришиш, узлуксиз таълим ва тарбия тизимини жаҳон цивилизацияси даражасига олиб чиқиш, нафақат илмий-таълимий эҳтиёж, балки давлат, шахс ва жамият талабини қондиришда улардан ўзаро уйғунликда фойдаланиш зарурлигини тақозо этмоқда[1]. Таълим тизимини модернизациялаштириш фан-таълим-ишлаб чиқариш жараёнини ўзаро уйғунликда, давлатлараро ҳамкорлик ва фанлараро алоқадорликда амалга ошириш, мамлакат ёшларини баркамол авлод менталитетида тарбиялашнинг барқарор тизимини яратиш демакдир.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати амалга оширилиб келинмоқда. Бош қомусимизнинг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хукуқлари давлат ҳимоясидадир” - деб аниқ белгилаб берилган[2;Б.17].

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бир шароитда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ қатламларини, айниқса, имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб аҳамият касб этади. Чунки бозор муносабатларига ўтища аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойил сифатида белгиланиши давлатимизнинг бу соҳадаги сиёсатининг асосий мазмунини белгилаб беради.

БМТ маълумотларига кўра ер юзида ногиронларнинг сони қарийб 1 миллиард(дунё аҳолисининг 15 фоизи)ни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра уларнинг таҳминан 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди[3]. Кўплаб давлатларда ногиронлар малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, жамоат транспортида юриш, айниқса, ишга жойлашишда муаммоларга дуч келишади. Шу боис, давлат томонидан халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат ҳамда эзгулик туйгуларини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг муҳим эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда[4].

Ўзбекистон ногиронлар жамияти маълумотларига қараганда, ҳозир мамлакатимизда 600 мингга яқин ногирон бор, уларнинг 100 мингга яқини 16 ёшгача бўлган болалардир[5]. Кўпчилиги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманганд ва Сурхондарё вилоятларида истиқомат қиласиди. Ушбу муаммони ижтимоий иш фани ва амалийётида аниқ амалий ечимини илмий асослаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мазкур муаммонинг долзарблигидан дарак берувчи яна бир омил ногиронлиги бўлган шахслар каби имконияти чекланган аҳоли қатламининг жамиятда эркин интеграциялашуви, ўз ижтимоий хукуқ ва эркинликларини рӯёбга чиқариш, нормал ҳаётий фаолиятига тўсик бўлувчи ижтимоий тўсикларнинг ҳамон сақланиб келаётганлигидир. Ушбу демографик муаммони ҳал қилишда инклюзив таълимнинг ривожланиши масаланинг ҳал қилувчи жиҳати бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг муаммоларини ечимида, таълимнинг ушбу инклюзив тури билан шугулланишга имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳим. Бугунги кунда имконияти чекланган болаларнинг кўпчилиги жамият ҳаётида тўлақонли ва тенг хукуқларда иштирок этишларига тўёқинлик қиласиди.

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ муҳтоҷ одамларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди. Ҳар йили 3 декабр Халқаро миқёсда ногиронларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш куни сифатида юртимизда ҳам кенг нишонланади. Ўзбекистон Республикасида ногиронларга маҳаллий давлат

ҳокимияти органлари, меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида қонун хужжатларига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига кўра[6], ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш турлари қуидагилар:

- пул тўловлари;
- техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндикли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш;
- тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва майший хизматлар кўрсатиш;
- транспорт хизматлари кўрсатиш;
- дори воситалари билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида ногиронларга пул тўлови турларидан пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар берилади. Ногиронлик түфма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Ногирон болалар туғилиши сабаблари ҳанузгача тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Ҳавфли омиллар қаторида олимлар генетика, экология, носоғлом яшаш тарзи, инфекциялар ва ота-онанинг бошдан кечирган касалликларини айтиб ўтишади. Ҳозирги тибиёт ташхиси ривожланишини ҳисобга олсак, гўёки бундай ҳолатлар қайтарилмаслиги керак, аммо ушбу муаммо ҳанузгача дорзарблигича қолмоқда.

Жаҳон педагогика амалиётида имконияти чекланган болалар ва умумтаълим муассасаларидаги болаларни биргаликда ўқитиши ижобий натижа бериши белгиланган. Бундай таълим туфайли ногирон болаларнинг эътибори, кузатувчанлиги, фаоллиги ортиб, улар янги маълумотларни тезроқ қабул қиласидар, умумтаълим мактаби болалари эса маънавий тарбиянинг жиддий дарсини оладилар.

Имконияти чекланган болаларни жамиятга ижтимоийлашувида инклузив таълимнинг ўрни бекиёсdir. Чунки, фақат биргина демографик омилни ҳисобга олсак, Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган аҳоли сони 60% ни ташкил этиши, замонавий таълимга қанчалик талаб кучайланлигини кўрсатиб турибди[7]. Ана шу боис, имконияти чекланган болалар 8 тоифага бўлинадилар:

1. Эшитишда нуксони бўлган болалар;
2. Нутқида нуксони бўлган болалар;
3. Кўришда нуксони бўлган болалар;
4. Таянч-ҳаракат аъзоларида нуксони бўлган болалар;
5. Ақлий ривожланишда нуксони бўлган болалар;
6. Ақли заиф болалар;
7. Ҳиссий-иродаси ва хулқи салбий болалар;
8. Ривожланишида оғир нуксони бўлган болалар.

Аслида инклузив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion–уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, қамраб олмоқ, қамраб олиш маъноларини билдиради) ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар, (айрим сабабларга кўра ногирон бўлган) ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуксонлар ёки иқтисодий кийинчиликлардан қатъий назар ижтимоий хаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараённига қўшишни ифодаловчи таълим тизимиdir[8, – Б.10].

Имконияти чекланган болаларни жамиятга ижтимоийлашувида инклузив таълимнинг ролини уйғунлашувида, яқин тарихимизга қараб иш юритиш зарур. “Таълим ҳамма учун” мақсадларини амалга ошириш ва махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг тўлақонли мукаммал таълим олишларини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 7-10 июнь кунларида Испания давлатининг ва ЮНЕСКОнинг ёрдамида Саламанка шаҳри (Испания)да иккинчи йирик Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтганди. Мазкур Конференция “Саламанка Декларацияси ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимининг келгусида ижросини таъминлаш Рамкаси” деб аталиб, шу йили “Саламанка баёноти ва иш фаолият Режаси” номи билан унинг иш мазмуни нашр этилди. Бу хужжатда хукуқлар бўйича баёнотлар мазмунларини ёритувчи фикрлар баён этилган. Саламанка баёноти ва иш фаолияти Режасининг асосий етакчи тамойили шундан иборатки, мактаблар барча болаларни, уларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар ўқишига қабул қилишлари лозим [9, – Б.19.].

Саламанка Баёноти ва Иш фаолият Режасининг ишлаб чиқилиши жаҳон миқёсида “Таълим ҳамма учун” мазмунидаги таълим сиёсати илгари сурилиб, маҳсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитида ўқитишнинг йўллари белгилаб берилди. Аммо бу таълим тизимининг мазмун-моҳиятини янада аниқроқ ва мустаҳкамроқ ҳуқукий жиҳатдан асослаш, қатъий белгилаб бериш лозим эди. Шунинг учун ҳам 2000 йилнинг 26-28 апрел кунлари Дакарда таълим тӯғрисида халқаро Форум катнашчилари томонидан “Дакар харакат дастури”ни қабул қилганликлари таҳлил этилди. Улар 10 йил олдин қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” Халқаро Декларация (Джомтъен-Тайланд-1990 йил) ни қайта тасдиқлаб, ратификация қилдилар. Дакар харакат дастури “2000 йилга қадар жаҳон миқёсида таълим ҳамма учун амалий фаолиятининг даражасини баҳолаш” мақсадига асосланилди. Бу баҳолашда, ҳар бир давлат ўзининг таълимини барча болалар учун таминланганлик даражасини таҳлил қилиб чиқиши вазифаси топширилган эди. Учинчи минг йиллик арафасида ўтказилган мазкур Дакар Умумжаҳон Конференциясида халқаро ва миллий меъёрий хужжатларда эътироф этилган таълим олишдаги тенглик амалда кенг татбиқ этилаётганлиги алоҳида таъкидланди[10; С.19.].

Муаммога доир мавзуни ёритиш кўрсатадиким, инклузив таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир қанча изланишлар ва илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Масалан, Туре Йонссон, Девид Байн, Кристин Майлз, Кирк Хортон, Р.Фуллер каби олимлар олиб борган илмий тадқиқотлар ютуқлари ва фоялари амалиётга кенг татбиқ этилган. Туре Йонссоннинг «Инклузив таълим» номли қўлланмаси ногиронлар учун халқаро таълим дастурининг асосий манбаларидан бири бўлиб хисобланади. Ушбу манбада ногирон, ривожланишида нуқсони бор болалар ва ўсмирларни мустақил ҳаёт куришлари ва яшашлари учун халқаро таълим-тарбия бериш дастурининг асосий жиҳатлари очиб берилган[11; Б.5].

Муаммога доир тадқиқот ишларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида маълум бўлдики, имконияти чекланган ёшларни таълим-тарбиявий муҳити ҳамма вақт яхши, мўътадил бўлиши, ҳамиша алоҳида эътиборда тутилиши, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги лозим. Имконияти чекланган болаларнинг маҳсус таълим тизимида ўқитилиши уларнинг мактабни тугатгач ижтимоий жамиятга мослашиб кетишлини қийинлаштиради. Шунингдек, уларнинг ўз оиласидан узоқда бўлишга мажбур қиласиди. Бу тоифа болалар бокимандаликка ўрганиб қоладилар, ўз - ўзига хизмат қилишларида қийинчиликларга дуч келадилар. Бундан ташқари жуда кўплаб маҳсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда қолиб кетмоқдалар.

Хозирги кунда Республикаизда алоҳида ёрдамга муҳтоҷ болаларнинг ривожланиш даражаси, имконияти, нуқсон хусусиятлари ва қобилиятларига кўра маҳсус ёки умумтаълим тизимида таълим олишини амалга ошириш мақсадида инкюзив таълим сиёсати амалга оширилмокда. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос томонлари, миллий анъаналари, урф-одатлари, давлатнинг мақсад-вазифалари ҳамда тарбияланувчиларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Имконияти чекланган болаларда катталар боланинг райига, мустақил бўлишига қарши турмасдан, мумкин қадар истаги, интилишига ёрдам берсалар, унинг шахсини шакллантириш жараёнидаги қийинчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади. Имконияти чекланган болада ўжарлик, қайсарлик, итоатсизлик хусусиятлари пайдо бўлиши бу катталарнинг ҳаддан ташқари пайпаслаганликлари оқибатида вужудга келади.

Ўрни келганда инклузив таълимнинг яна бир муаммоси ҳакида ҳам тўхтаб ўтишни жоиз деб ҳисобладик. Қандай қилиб Ўзбекистонда ногиронлиги бор инсонлар олий таълим олишлари учун шароит яратса бўлади? Муаммо — ногиронлиги бор болаларни ривожланишининг дастлабки босқичларида таълим олишга тенг имкониятлар яратилмаганлигига. Уларнинг аксариятида ногиронликнинг енгил шакллари намоён бўлсада, улар маҳсус таълим муассасалари ва коллежларда ўқишига мажбур бўлишмоқда. Маҳсус таълим муассасаларда эса таълим сифати кутилгандек юкори эмас.

Жисмоний тўсиқлар ва ўрта таълим мактабларда ногиронлиги бор болалар учун оқилона қулийликлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли улар одатда уйда таълим олишга мажбур бўлишади, бундай таълим эса олий таълим муассасалари умумий талабларига жавоб бермайди. Ўзбекистонда ногиронлиги бор болаларнинг умумий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имкониятларини таъминловчи инклузив таълим ҳали ривожланишининг дастлабки босқичида.

Натижада, инклузив ўрта таълимнинг етарлича ривожланмаганлиги сабабли ногиронлиги бор бўлган абитуриентларнинг ҳар хил даражадаги бошланғич шароитлари сабаби инклузив олий таълим ҳакида бир нарса дейиш қийин. Таълимнинг бошланғич даражасида инклузив ёндашув йўлга қўйилмагуничча, паст кириш баллари шаклидаги имтиёзлар юзаки чора бўлиб қолаверади

Албатта, бу билан ногиронлиги бор шахслар учун давлат бюджет маблағлари асосида грант ўринлар квоталарига бўлган эҳтиёжни инкор этиб бўлмайди. Чекланган молиявий маблағ туфайли ногиронлиги бор шахслар ва уларнинг ота-оналари олий таълим муассасаларидаши шартнома харажатларини тўлашга кодир эмаслар. Масалан, туғилишдан бошлаб ногиронлик бўйича ижтимоий нафақа ойига 396,5 минг сўм (50\$дан кам) [12]. Университетда бериладиган стипендияни хисобга олсан ҳам, жами маблағ фақат яшаш учун етарли бўлади, шартнома асосида контракт тўлови бу шароитда жуда оғир юк бўлар эди. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида ўқиш транспорт, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўқув буюмлари учун чиқимлар ва кўплаб бошқа харажатлар ҳам мавжуд.

Демак, жуда кўп олимларнинг изланишларини таҳлил қилиш орқали инклузив таълим ва у билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этилганлиги оиласа тарбияланадиган ҳар қандай ҳолатдаги бола тарбиясидаги муаммо ва масалалари ҳар қандай миллат боласи учун ниҳоятда мухим масала эканлигини англатади. Ҳар қандай мутахассис ва тадқиқотчи ўз илмий ёндашувига эга бўлса-да, уни психик тараққиётнинг манбалари ва қонуниятлари билан боғлиқ муаммолар қизиқтирган. Психолог ва педагогларнинг ушбу муаммоларни ўрганиш соҳасида қўлга киритган янгиликлари болалар онги ва иктидорининг ривожланиши, шу жумладан, инклузив таълимнинг тараққиётiga хизмат қиласи.

Имконияти чекланган болаларни жамиятга ижтимоийлашувида қуидаги вазифаларни тўлақонли амалга ошириш энг биринчи галда қуидагиларга эътибор қаратиш лозим:

<b>Инсонпарварлик нуқтаи назаридан имконияти чекланган болаларни қуидаги атамалар билан номлаш</b>	<b>Тушунчанинг изоҳи</b>
Имконияти чекланган бола	Умумий тушунча бўлиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади
Махсус ёрдамга муҳтож бола	Умумий тушунча булиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади
Махсус эҳтиёжли бола	Умумий тушунча булиб, барча турдаги имконияти чекланган болаларга нисбатан ишлатилади
Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола	Бош миянинг органик жароҳатланиши натижасида ақлий ривожланиши турғун бузилган болалар
Кўришда муаммоси бўлган бола	Кўриш қобилияти, кўриш ўткирлиги қисман бузилган ёки кескин пасайган-кўзи ожиз ёки заиф кўривчи болалар
Харакатланишида муаммоси бўлган бола	Таянч харакат аъзолари фаолиятида бузилишлар булган болалар
Эшитишида муммоси бўлган бола	Эшитиш қобилияти қисман ёки кескин пасайган-заиф эшитувчи ҳамда кар болалар

Имконияти чекланган бола ҳам барча болалардек бола ҳисобланади ва у тан олиниши, хурматга сазовор бўлишига ҳақли, шунинг учун уларни нуқсони билан аталиши номакбул ҳисобланади[13, – Б.12.].

Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёжлари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуидагилар зарур:

- боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлиш
- умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;
- руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шаклларини танлашни таъминлаш; Боланинг таълим тизимида жалб қилинишининг бирор кўриниши у учун оддий ва фойдали бўлиши даркор, айни пайтда бу инклузив таълим маромида ривожланаётган тенгдошларининг сифатли таълим олишига ҳалақит бермаслиги лозим[14, – Б.25-26.].

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот давомида республикада имконияти чекланган болалар учун инклузив таълимнинг хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб берувчи зарурат мавжуд

эканлиги ўрганилди. Шунингдек, инклузив таълим усули барча болаларнинг руҳий-жисмоний ҳолатидан қатъий назар таълим жараёнида тўлақонли иштирок этишини таъминлашга қулай имконият яратишлиги аникланди.

### Адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. <https://www.gov.uz>
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 17 бет.
- 3.<http://nogironlarjamiyati.uz/?p=86>
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. //Халқ сўзи 2017 йил 2 декабрь, № 243 (6937)
5. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/04/inklyuziv-talim>
6. <http://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/105/3656/>
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/04/inklyuziv-talim>
- 8.Шомахмудова Р.Ш. Инклузив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – 10 бет.
9. Шомахмудова Р.Ш. Инклузив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – 19 бет.
- 10.Сулейменова Р.А., Хакимжонова Г.А. Зарубежный и отечественный опыт включения детей со специальными нуждами в общеобразовательный процесс проблемы и пути решения. – Алма-Ата, 2001, - С.19.
- 11.Йонссон Туре. Инклузив таълим (ўқитувчилар учун методик қўлланма). // ЮНЕСКО, «Оперейшен Мерси» Халқаро Ташкилоти, Республика таълим маркази. Тошкент., 2003. -5-б.
- 12.Юсупов Д. Инклузив олий таълим 4 март 2019, 16:31 [Жамият](#)  
<https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/04/inklyuziv-talim>
13. Шомахмудова Р.Ш. Инклузив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – 12 бет.
14. Шомахмудова Р.Ш. Инклузив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – 25-26 бет.

### СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ПАРАДИГМАСИ

Латипов Р.М.

Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

Социал тараққиёт турли даврларда турлича тушунилган ва шархланган. Бу мавзу кўп фан вакиллари томонидан, айниқса, фалсафа, тарих, антропология, иқтисод, баъзи гуманитар, ва ҳатто табиатшунослик фанлари, кейинги асрларда эса социологиянинг марказий мавзуларидан бирига айланди. Ҳозирги даврда тараққиёт муаммоси соҳасида бир неча йўналишлар мавжуд: тарихий айланма (Джанбатисто Вико), ижтимоий ҳар акатнинг чексизлиги, тараққиётнинг цикллнлиги (илк даври, етуклик ва таназзули), организми (Г.Спенсер), тизимли ҳар актери (Э.Дюргейм), тизимли процессуал (Питирим Сорокин), муқобил модели (ўтмиш тараққиёт босичига нисбатан) бердье йўли (ижтимоий маданий майдонларининг ўзаро таъсири таҳлил асосида) цивилизацияли йўли (Тойинби ва Шпенглер), ишлаб чиқариш усулининг алмашиши, чизиқли ёки ночизиқли йўл, табиий-тарихий жараён, эволюцион ёки сакраш (инкилобий «сунъий» ташкиллаштириш ва «табиий») ривожланишни факат прогресс билан боғлаш ва хоказо.

Кейинги йилларда синергетика илмида, яъни ўзини-ўзи ташкил этиш, уюштириш, чексиз, мувозанатсиз глобал эволюция, «тарқоқлик» орқали «тартиб» каби қарашлар илгари суримоқда. Бу назарияда табиатни бошқариш қийин бўлган жараён сифатида, яъни бир хил, бир текис чизиқ кечмайдиган реал жараён эканлиги қайд қилинмоқда. Демак инсоният жамияти ўз луксиз ўзгариш, ривожланиш жараёнлари мажмуасидан иборат эканлигини кўрсатмоқда.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланишнинг эволюцион роли назарияси кенг тарқалди. Бу антропология ривожланишининг тарихан биринчи назарий йўналиши эди. Бу назария тарафдорлари табиатшуносликда И.Лейл, Ж.Б.Ломарқ Ч.Даврин, ижтимоий фалсафада Д.Дидро, Т.Фергюсон, О.Конт, Г.Спансер ва бошқалар ривожланишнинг умумий шаклларини, унинг дифференцияси оддийдан мураккабга қараб ўзгариш жараёни етишини

таъкидладилар. Бу концепция ривожланишнинг бир чизиқли, бир хиллиқда эмас, балки маданият оламини оддийдан мураккабга хилма-хил шакллари томон ривожланиши эканлигини қайд этди. Умуман, ривожланишнинг хилма-хиллиги ва турлари боскичларга мансублиги тарихий прогресснинг узлуксиз жраёнлигини кўрсатди. Ҳар бир мамлакат олдида ўз хусусиятлари билан боғлиқ мақсад, вазифа, муаммолар борки, уларни мустакил ижобий ҳал қилиш мумкин. Шу билан бирга умумий характерга эга бўлган муаммолар ҳам бор, уларни биргаликда, ўзаро ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин. Масалан, ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, наркобизнес, экологик хатар кабиларнинг олдини олиш бирлашган кучларни тақозо этади.

Тараққиёт эндоген ва экзоген ҳарактерга эгадир. Энг оқилона ҳаракатчан тараққиёт шакли, йўли бу эндоген яъни ўз ички салоҳияти, куч- қудратига ишонч ва таянишdir. Чунки бу йўл ҳалққа яқин тушунарлидир. Шунинг учун икки мақсад ва вазифаларни барча маъкуллайди ва қўллаб-кувватлайди.

Дарҳаққиат, жамият ривожланиши учун ўз борлиғи, миллий хусусияти, маданияти, анъанаисига таяниб юритилган сиёsat пировард оқибатда ижобий натижаларга олиб келади. Албатта, бу умумбашарий тараққиёт тамойилларини ўрганиш, ундан ижодий фойдаланишини истисно этмайди. Акс ҳолда тараққиёт тўлаконли бўла олмайди, умуман ҳалқлар, давлатлар ривожланишининг ягона ёки универсал ҳаммабоп умумий модели - йўли йўқ. Ҳар бир ҳалқ, мамлакат тарих субъекти ва ижодкори сифатида ривожланишнинг ўз йўлини топиши ва белгилаб олмоғи зарур.

Маданият, маънавият ва маърифат, ғоя, мағкура ҳалқларни мустақилликка, эркин ривожланишга руҳлантирувчи, йўналтирувчи қудратли куч, омилдир. Ўз маънавияти, маданияти, қадриятлари ғоясида, мағкурасига таянмаган ҳалқ тараққиёт, жабхасида нормал қадам ташлай олмайди. Ўзбекистон бу масалада ўз йўли, андозасига эга бўлган давлатдир.

Чет эл моделидан нусха олиш ёки кўр-кўронга эргашиш, тақлид қилиш миллатни нафақат ўзлигидан, балки асрлар давомида шаклланган турмуш тарзидан узоқлаштиради, бегонаштиради. Бу миллат мавжудлиги ва тараққиёти учун ўта хавфли йўлдир. Дарҳаққиат, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” [1] да миллий тарих, маданият, анъана, қадриятлар устуворлик қилиши, уларга таяниш ва суюниш, ўтмиш меросга нисбатан доимо ҳурматда бўлиш миллат барча авлодларининг муқаддас бурчи ва вазифасидир.

Чингиз Айтматов «Биз ҳозир тарихнинг ғоят мураккаб имтиҳони олдида турибмиз. Тарих бизга қийин эволюцияни таклиф этмоқда, адабиёт, санъат, илм-фан орқали биз бугунги куннинг сурокларига жавоб топа олишимиз, эҳтиёжларини кондира билишимиз зарур. Бунда энг аввало, ўз кучимизга ўз имкониятларимизга таянамиз, жамики ўзига хосликларни бетакор мазмуни сақланган ҳолда миллий маданиятларни кенг маънода ривожлантишимиз зарур бўлади...», деган эди.

Тарихий тараққиётнинг яна бир ноёб қонуниятлари бор: дунёнинг турли қисмлари, ҳалқлари давлатлари ўртасида ёки бу даражада алоқа муносабат ўзаро таъсир, яъни боғлиқлик бўлган , шунинг учун ҳам деярли бирорта давлат тараққиёт цивилизацияси ташқарисида ёки чеккасида қолиб кетмаган. Эндилиқда бу жараён глобал (умумий) тue олиб, тарихий заруриятга айланди: бирорта ҳалқ, давлат бошқалардан ажралган ҳолда яша олмайди. Ҳатто кам ривожланган ҳалқлар процесси ҳам кўпроқ ривожланган мамлакатлар эволюцияси билан қандайдир даражада боғлиқдир.

Мамлакатимизда ижтимоий тизим ривожланишини тадқиқ қилиш, жамиятда барқарор вазиятни қарор топтириш, жамиятнинг очиқ тизим сифатида модда ва энергия алмашиниши, яъни трансмиллий табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жихатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда” [2.20 б].

Т.Парсонс таъкидлаганидек “Ривожланиш, ўз бошимчалик эмас, балки маълум маънода йўналганлик ҳарактерига эга. Бу йўналганлик кўйидаги уч концепцияда намоён бўлмоқда: биринчидан, ҳозирги жамият қандайдир ягона тизимни ташкил этади: иккинчидан, ҳозирги тип жамияти келиб чикиши бир хиллиги билан ҳарактерланади; учинчидан, ҳозирги тизим дифференциялашган бир неча қисмларга бўлинган. Дифференциялашув нафақат эволюцион ўзгаришларни, шу билан бирга, институтлашув учун ҳам шароит яратади” [3.270 б].

Ҳар бир миллат, давлат ўз тараққиёт йўлини танлагани тарихий миллий хусусиятлари миллат табиати, руҳияти ва минталитети, ҳалқнинг азалий қасб-кори ва ишлаб чиқариш

тажрибаси, анъанаси, табиий иқлими билан боғлиқ жиҳатларни ривожланишнинг умумбашарий тамоили ва тажрибалари билан ижодий қўшиб олиб бориш ҳам тараққиёт парадигмасидир (тараққиёт йўналишлари ва методларини белгилаб беради).

Умуман, инсоният жамияти хилма-хиллиги билан обод ва гўзалдир. Тараққиёт чексиз миқдордаги турли хилликка томон тарихий-ижтимоий жараёндир. Тараққиётнинг хилма-хиллиги инсониятнинг яхлитлигини инкор килмайди.

Донишмандлардан бири тарих соатига эҳтиёт бўлинг, деган экан. Тарих соати стрелкасини ўз бошимчалик билан бураш мумкин бўлмаганидек ижтимоий тадқиқотни сунъий жадаллаштириш ҳам ёки секинлаштириш ҳам мумкин эмас.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 847-модда
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. 20 б.
3. Парсонс Т. Система современных обществ. -М.: Аспект-Пресс, 1998.-270 с.

## **ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Мирзаева Н. Дж.**

**Гулистон давлат университети “Тарих” кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди.**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳалқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу табиий ҳолдир. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хуллас Ватани тарихини билишга истайди. Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани аниқ бўлди. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар етишиб чиқсан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку-файзини йўқотмаган осори-атиқаларимиз юртимизда дехқончилик, ҳунармандчилик маданияти, шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Ўзбек ҳалқидек бекиёс маънавий меросга эга бўлган ҳалқ дунёда кам топилади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, деган эдилар [2]. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини, ватанпарварлик туйғусини шакллантиримоқда, ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Ватанпарвар инсонларни тарбиялашда ҳалқимизнинг тарихий мероси катта аҳамиятга эга. Шу сабабли тарихий меросни асрраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ватанпарварликни қуидагича изоҳлайдилар:

“Барчамизга яхии маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириши борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириши ва Ватанимиз тақдирни учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаши бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт. Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаши бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир”. [1, б.229-230].

2018 йил 23 февралда эълон қилинган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси”да ёшларни миллий гоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чукур сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фаҳрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш кабилар асосий вазифалар этиб белгиланган.[3]

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк алломалар кўп бўлган. Уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси бекиёсдир. Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос

бўлиб ўтиши – буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланаб бориши керак [4].

Ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун куч-куват олади. Халқ озодлиги учун қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар жасорати, миллат равнақи учун жонбозлик қилган илм ва фан соҳибларининг фаолияти эса ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласи.

Ватанпарварлик миллат ғурури, фидойилик, буюк давлат қуриш ҳисси, ўз халқи тарихи, унинг маданияти билан фахрланиш – буларнинг ҳаммаси инсон маънавиятига бориб тақалади.

Тарихга назар ташласак, ўзбек халқи азалдан Ватан ҳимоясига алоҳида эътибор берган. Ислом динида ҳам, халқ педагогикасида ҳам мустақиллик, тинчлик ва Ватан ҳимояси учун фидойилик кўрсатишга даъват этилган. Бу халқимизнинг ҳарбий қадрият ва анъаналаридан бири ҳисобланган.

Ўз эл-юртими сақлаган, уни жаҳонга машхур қилган буюк саркарда Амир Темур “Давлат лашкару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги билан кудратлидир”, деб бежиз айтмаган. Ана шундай фидойи одамлар қанча кўп бўлса, давлат шунчалик кудратли ва бой бўлади.

Буюк аждодимиз Амир Темурнинг олиб борган сиёсий фаолияти орқали талабаларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтиҳор, буюк давлат қуришга интилиш ҳиссини тарбиялаш таълим тарбия жараёнининг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки у миллий тарбия муаммолари, айниқса миллий тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, миллий ва маданий қадриятларга муносабат тушунчалари билан узвий боғлиқдир.

Ушбу вазифани бажаришда олий ўқув юртларида “Ўзбекистон тарихи” ва бошка ижтимоий фанлар мухим рол ўйнайди. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишида талабаларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш, ўзлигимизни англаш, миллий мағкуруни сингдириш билан уларда буюк давлат қуришга интилиш ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Талабалар “Ўзбекистон тарихи”ни ўрганиш натижасида муайян тарихий билимларга эга бўладилар. Бу билимлар тарихий воқеаларни маълум даражада кенг қамраб олиши асосида илмий-тарихий билимнинг негизини ташкил этган энг мухим ижтимоий тушунчаларга баҳо бера олиш билан характерланади. Талабаларда ижтимоий ҳаётдаги воқеаларга ўзига хос тарзда, тарихий нуқтаи назардан ёндашиш қўнималари пайдо бўлади, яъни ўрта мактабда шаклланган тарихий нуқтаи назардан фикр юритишнинг дастлабки элементлари мустаҳкамланади.

Талабаларнинг “Ўзбекистон тарихи”ни ўрта мактабда ҳам ўқиганлигини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юрти дастуридаги Амир Темур фаолиятига даҳлдор мавзуларни чукур ўргатиб, мавзуга доир энг мухим фактлар, саналар, номлар, тушунчалар, дунёқарашга оид гоялар асосли тарзда ўрганилиши лозим.

Шу билан бирга уларда буюк Амир Темур билан фахрланиш, уларда мана шундай улуғ зотлар бизнинг она Ватанимизда вояга етиб, жонфидолик кўрсатганини англатиш, уларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш мухим аҳамият касб этади.

Хозирги шароитда талабаларни халқаро андозаларга тўғри келадиган, рақобатбардош мутахассис қилиб тайёрлашимиз зарур эканлигини инобатга олган ҳолда, ўқитувчи талабаларга ўрганилаётган мавзунинг асосий мазмунини мустаҳкам, узоқ вақт эсдан чиқмайдиган қилиб етказиб бериши лозим. Бунинг учун ўқитувчи талабаларда шу мавзуга нисбатан қизиқиш орттира олиши, ўрганилаётган материал орқали уларда катта таассурот колдиришга эриша олиши керак. Бу, албатта, ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Тажриба шуни кўрсатадики, талабаларда буюк давлат қуришга интилиш, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини тарбиялашда Амир Темурнинг фаолиятини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифани “Ўзбекистон тарихи” курси дастурига киритилган ва маъруза учун ажратилган “Амир Темурнинг марказлашган давлати. Темур тузуклари ва хозирги замон”, семинар машғулоти учун ажратилган “Темурийлар даври маданияти” ёки мустақил иш учун ажратилган “Темур тузуклари” мавзулари ҳамда тарих тўгараклари машғулотларида амалга ошириш мумкин.

Талабаларни Ватанпарварлик, Ватанга садоқат, Ватан тарихидан ғуурланиш, буюк давлат қуриш учун курашаётган халқимизга қамарбаста бўлиш, Ватанин севиш ва унинг истиқболи учун фидойи бўлиш руҳида тарбиялашга тарих дарслари катта ёрдам беради. Жалолиддин Мангуберди, Широқ, Тўмарис, нажмиддин Кубро ва бошқаларнинг жасоратлари “Ўзбекистон тарихи” дарсларида очиб берилади.

Тарих дарслигидаги материалларга қўшимча равишда ўтмишдаги сергайрат хукмдорлар ва баҳодирларимизнинг жасоратлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга ёрдам беради.

Хуллас, тарихимизнинг қайси даврига назар ташламайлик, Ватан истиқоли йўлида курашган, Ватан равнаки учун фаолият кўрсатган ватанпарварлар кўплаб топилади. Бугун ҳам Ўзбекистонимизни жаҳонга танитиш, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидокорона меҳнат қилаётган қаҳрамонларимиз талайгина. Улар орқали юртимиз кун сайн гўзал ва обод бўлмоқда, элимиз фаровонликка эришмоқда. Улар билан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишда танишиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиетлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.:Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Носиров К., Бурхонов Т. Ватанпарварлик – миллий ғоямиз асоси. // Адолат. 2019. №17. [электрон ресурс] <https://adolatgzt.uz/society/5475>
4. Содиков А., Каримов Й . Тарих – хотира пойдевори. // Олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитиши самарадорлигини ошириш муаммолари. - Фарғона, 2013. 35-36 б.

**ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.**

**Зиётова А.Э.**

**Астанова М.М.**

**СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчилари.**

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маърифатга, ахлоқий тарбияга, ёшларни билим билан қуроллантиришга, интеллектуал салоҳият эгаларини камолга етказишига эътибор қаратиш масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида қаралади.

Айниқса, ёшларимиз онгини қамраб олишга уринаётган “оммавий маданият” ўз таъсири билан одоб-ахлоқ, миллий қадриятларга эътиборсизлик, бокимандалик кайфиятини келтириб чиқарувчи, миллатнинг қудратига зарар етказувчи хавфли таҳдид эканлигини англаш ва бундай таҳдидлардан фарзандларимизни, халқимизни, миллатимизни ҳимоя қилиш масаласи ҳар бир зиёлининг олдida турган энг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган вазифа эканлигини, тарихий меросга эътибор – миллат тақдирига эътибор эканлигини давлатимиз раҳбари доимий уқтириб келмоқдалар.

Жумладан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир, [1. 29- б.] деб таъкидлаганлар.

Бизнинг минтакамиз геосиёсий нуқтаи назардан ҳам, бошқа турли жиҳатлардан ҳам дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборида. Дунёвий ёки диний илмларнинг асосчилари ҳам шу диёрдан чиққан олимлардир. Мана шундай тарихга эга халқ ўзининг қандай халқ эканлигини дунё ҳамжамиятига танишиш истаги [2.65- б.] билан яшайди.

Ислом оламида Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайхиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” тўплами барча муҳаддислар устози бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрdirки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Қуръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан ҳам минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухораи шарифга бориш ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас, албатта.

Х асрда Самарқандлик мутафаккир, “Имом ал-Худа” (Хидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган.

Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон вқлзаковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида мухим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда.

Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган мүқаддас динимизни асрар ва кадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзга амалларни бажаришга ундаиди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади. Ўрганиш учун эса манбалар, билимлар бисёр. Ўзида буюк маъноларни мужассам қылган ҳадиси шарифдан, унда зикр этилган руқнлардан келиб чиқадиган ҳикматлар ҳақида жилд-жилд китоблар ёзилган, кўплаб ваъз-насиҳатлар қилинган.

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуфнинг Ҳадис ва хаёт номли китобида қуидаги ибратли ибораларни ўқиймиз: “Аллоҳ таоло ҳакимdir. У Зот беҳикамат иш қилмайди. Инсониятга исломни қиёмат кунигача икки дунё саодат йўлини кўрсатувчи Ўзининг охирги дини қилиши ҳам бир олам ҳикматдир[ 3.12-б].

Бугунги кунда исломий қадриятлар асосида ҳалоллик, поклик, иймон бутунлиги, адолат тамойилларига амал қилиш дунёвий тараққиёт мезонлари билан, хусусан қонун устуворлиги билан ҳамоҳанг эканлиги айни ҳақиқатдир.

Ёшларнинг жамиятдаги фаолликлари тобора ошиб бораётган бугунги даврда улар эришаётган улкан ютуқларни эътироф этган ҳолда, янада фаол фуқаролик позициясини шакллантириш учун тарихий хотирага эга бўлишларини таъминлаш, маънавий мукаммаликни ошириш, диний қадриятлардан хабардор қилиш бугунги куннинг асосий вазифаси десак муболага бўлмайди.

Зийраклик билан ёндашиши талаб қиладиган бу масала, кўпмиллатли давлатлар жумласига кирувчи мамлакатимиз халқлари учун жуда долзарбдир. Соф диний таълимотларнинг мазмуни турли гаразли диний оқимларнинг мақсадларидан фарқ қилишини кўрсатиш, унинг асл моҳиятини халқка, айниқса, ёш авлодга тушунтириш зарурияти ижтимоий фан олимлари, диншунос, исломшунос ва бошқа алоқадор соҳаларнинг мутахассислари зиммасига катта вазифалар юкламоқда.

Хали ҳеч бир мамлакатда диншунослик фанини ўқитиши борасида андоза қилиб олиш мумкин бўлган муайян ёндашув шаклланмаган. Араб ва мусулмон мамлакатларининг услуби ҳам, Европа ёки МДҲ давлатларининг мавкеи ҳам бизнинг шароит учун номақбул экани аждодларимиз қолдирган анъанага таянган ҳолда, замонавий технология ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида ўзимизга хос ва мос услубиятни ишлаб чиқишини тақозо этади.

Масалан, Россия Федерациясида бу масала катта баҳсларга сабаб бўлмоқда. Дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилган бўлишига қарамай бир қатор епархиялар ҳудудида "Основы православной культуры" фанининг мажбурий ўқитилиши бунга сабаб бўлди. Бу бир томондан ўқувчиларнинг виждон эркинлиги билан боғлик хукуқларининг бузилиши, иккинчи томондан, кўпмиллатлилик ва кўпконфессиялилик шароитида бошқа дин вакиллари хукуқларининг камситилиши, учинчидан, давлатнинг дунёвий характерини емириш сифатида баҳоланиб, бир-бирига зид бўлган қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди [4.]

Кўриниб турибиди, талаба ёшларга дин, унинг моҳияти ҳақидаги билимларни қай йўсинда ва қандай шаклда бериш ниҳоятда нозик, айни пайтда мураккаб масаладир. Шу сабабли бугунги кунда динлар ҳакида маълумот берувчи фанлар бўйича яратилаётган дарслик, ўқув қулланма, ва ўқув адабиётлари энг аввало миллий истиқлол ғоясига ҳамоҳанг бўлиши лозим. Айни вақтда улар:

- дунёвий характерда бўлмоғи, умумбашарий қадриятлар, демократик принциплар руҳи билан сугорилган бўлиши, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, замонамизга ҳамнафас бўлмоғи;
- диншунослик асосларини ўқитиши ва ўрганиш жараёнида чукур илмийлик, холислик бош йўналиш бўлиши;
- динни атеистик руҳда, қўпол тарзда танқид қилиш ёхуд диний ваъзхонлик қилиш, бир динни иккинчи диндан устун қўйиш – мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ёндашув деб қаралиши;
- диний бағрикенглик (толерантлик) тамойилларини сингдириш;
- диний бағрикенглик – ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва жамият тараққиётини таъминлаш омили эканини таъкидлаш;
- инсоннинг маънавий камолотида диннинг ўрнини эътиборга олиш;
- диний тизимлар билан танишиш кўпроқ Ўзбекистан мисолида олиб борилиши мақсадга

мувофиқлиги каби тамойилларга асосланиши керак [5.68-б].

Миллий ва диний урф одатларимиз, анъаналаримизнинг ҳар бир жиҳати тўғри талқин этилса, тўғри тушунтирилса ёш авлоднинг баркамол улғайишига эришиш тамойилларидан бирини амалга оширган бўламиз. Чунки, дин, хусусан, ислом дини тинчлик, дўстлик, поклик, хурмат, сабр-тоқат ва бошқа ислом одобидаги юксак фазилатларни тарғиб этади. Мустақил диёrimизнинг 28 йил ичида босиб ўтган тарихий даври мустабид тузумнинг “дин афюндири” деган ғояларини чиппакка чиқарди, инсон бирор нарсага эътиқодсиз яшай олмаслиги исботланди. Шунингдек, ҳалқимизга динни ниқоб қилиб олган реакцион бошқа диний экстремистик, террористик гурухлар олам кезиб юрар экан, доимо огоҳ бўлиш кераклигини кўрсатиб берди. Маънавий-маърифий ва тарбиявий воситалардан бўлган диншунослик сабоқлари, тушунчалари орқали миллий ғоя ва мағкурамизни фарзандларимиз онгига сингдирсак, уларни турли ақидапараст гурухларга кириб колишининг олдини олишдек мақсадимизга эришамиз.

Айнан диний ва дунёвий таълим - башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади. Инсонларни эзгуликка даъват этадиган, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундейдиган маърифат эса, ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.; “Ўзбекистон” 2018. 29- бет.
2. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. Т.: Тошкент ислом университети. 2001.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Т.; “Hilol nashr” 2018. 12-бет.
4. Антонова Л. Мы не можем пустить изучение православия на самотёк. Газета "Известия " 23 июля, 2002 г.
5. Ҳуснидинов З. Ўзбекистонда диншунослик исломшунослик фанининг истиқболлари. // "Шарқ машъали" журнали. 2001. №34, Б. 68.

## **ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТГА ЕТКАЗИШДА ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ**

**Бурхонов И.М.**

Фаргона политехника институти  
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчisi.

**Муродилов Х.Т.**

Фаргона политехника институти “Курилиш” факултети  
“Геодезия картография ва кадастр” йўналиши, 15-18 гурух талабаси

Хозирги кунда Ўзбекистонда 18 ёшга тўлмаган ёшлар 12 миллион нафардан зиёдни ташкил этади. Уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги **“Бола хуқуқлари кафолатларини янада қучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди ва янги ташабbusларни олга сурди. Аввало бу хуқукий ҳужжат таълим муассасаларига масъулиятли вазифаларни юклайди [1;84].

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”**ги ЎРҚ-406-сонли конуни ёшлар ҳаётида янги сахифаларни очиб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир маъruzalari ва аҳоли билан учрашувларида ёшларнинг хуқукий таълим-тарбияси юзасидан зарур тавсияларни бериб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Бош Қонунимизни чукур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш – барчамизнинг шарафли бурчимиздир”, деган фикрлари ёўшларни хуқуқ-эркинликларини ўрганишлари учун кенг йўл очиб берди. Конституция ва қонунларимиз хақиқатан ҳам қудратли кучга эга хуқукий давлат ва адолатли жамиятни барпо этиш учун фуқароларнинг хуқукий маданиятини шакллантириш сув ва хаводек зарур.

Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “... олдимизга қўйилган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур”, деган сўзлари бугунги таҳликали замонда ниҳоятда зарур ва ҳаётий ҳақиқатдир. Миллий ғоя, аввало, ҳар бир оиласда таркиб топади. Фарзандларига тўғри юриб, тўғри туришни ўргатиш хуқукий тарбия билан сингдирилади. Хуқукий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасаларидаги хуқукий билимнинг чукур ўргатилишига боғлик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги **“Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат**

жихатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори ҳам ёшлар учун кенг имкониятларни очиб берди. Бунда ёшлар маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол бўлиб улғаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони [2; 253-б]. Конституциямиз асосида яратилган янги қонунларимиз, меъёрий-хукукий ҳужжатлар юзасидан билимларни оширишга ҳаракат қилиш имконини беради. Хукукий билимлар асоси, пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг натижавийлиги шунчалик самарали бўлади. Ёшлар ўз хукукий билимларини оширишда давлат қонунлари билан чекланиб қолмасдан мустақил равишда китоблар, қўлланмалар, рисолалар, газета-журналлар ўқиши ҳамда радио, телехабарлар, интернет маълумотлари орқали ўз билимларини ошириб бориши талаб қилинади. Бугунги кун интеллектуал ёшлари замондан орқада қолишлари мумкин эмас. Давлатимизда ҳар бир ёш кучли хукукий билим эгаси бўлиши шарт. Ёшларни тўғри йўлга бошлиши, уларни адашиб хукуқбузарлик содир этишдан сақлаш, жиноятичи бўлиб қолмаслигини олдини олиш учун қатор меъёрий-хукукий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Масалан муҳтарам Президентимиз 2019 йилнинг 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш масалалари бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу вазифалар таълим муассасаларига катта масъулият юклайди. Ҳар бир ёш, инсон сифатида мактабдаги ўқиши йилларида шаклланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунчалик кучли бўлади. Бу масалаларнинг бошида Конституция, қонунлар туради.

Ватанимизнинг эртангги куни, ривожланиши ва олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жихатдан ҳалқимизнинг хукукий саводхонлиги ва хукукий маданияти даражасига боғлиқ. Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама етук шахсни вояга етказиши давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Вояга етмаганларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ёшларнинг хукукий онги ва маданияти даражасини ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хулоса ўрнида президент Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз” деган фикрини келтириб, ёшларнинг Ватан оила олдидаги бурчларини садоқат билан бажаришлари лозимлигини эслатиб ўтамиз.

#### АДАБИЁТЛАР:

- Саидов.А. “Болалар хукуклари: Уни тўлақонли таъминлаш жамият манфаатларига хизмат қиласи.” ”Халқ сўзи”, 2019 йил 25 апрель. 84-сон.
- Ш.М.Мирзиёев. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”. ”Халқ сўзи”, 2018 йил 8 декабрь. 253-сон.

#### TA’LIM JARAYONINI MA’NAVIY-MA’RIFIY ASOSLARDA TASHKILLASHTIRISHNING MILLIY G’OYANI RIVOJLANTIRISHDA TUTGAN O’RNI

Ashuroxunova Sh.T.  
Guliston Davlat Universiteti talabasi.

Ma’lumki, yosh avlod ta’lim-tarbiyasi bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biridir. Bu masala jiddiy e’tibor talab qiladi. Zero, o’sib kelayotgan har bir o’g’il-qiz ertangi kun buniyodkoridir. Kelajakda yurtimizning taqdiri qanday kechadi, turmush farovonligi qay darajaga yetadi har jihatdan ularga, ularning bilimi, saviyasiga, milliy va umuminsoniy fazilatlari qay darajada shakllanganligiga bog’liqdir.

Yetuk o’zbek ma’rifatparvar olimlaridan biri Abdurauf Fitrat o’zining asarlarida yosh avlod tarbiyasi haqida jumladan shunday deydi: “...xalqning harakat qilishi, davlatmand bo’lishi, baxtli bo’lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo’lishi, zaif bo’lib xorlikka tushishi, faqirlik jomasini kiyib, baxtsizlik yukini tortib e’tibordan qolishi, o’zgalarga tobe, qul va asir bo’lishi, bolalikdan o’z ota-onalaridan olgan tarbiyalariга bog’liq”. [2; 70 b.]

Ta’lim va tarbiya ikki o’zakdan iborat bo’lgan mazkur jumla hamisha yonma-yon qo’llaniladi. Ya’ni birini ikkinchisidan ajratishning hech bir iloji yo’q. ikkalasi go’yo qushning ikki qanoti kabitidir. Agar ularдан бирни bo’lmasa qushning parvoz qilish imkoniyati qolmaydi. Xuddi shunday bir insonda

yaxshi ta'lim orqali chuqur bilim sirlari egallangan bo'lsa-yu, tarbiyada oqsashlar natijasida axloqiy, ma'rifiy, ma'naviy ilmlardan bebahra qolish holatlari kuzatilsa, unda inson kamolotining tarkibiy qismlaridan ba'zi birlari, jumladan, milliy va umuminsoniy qadriyatlar, imon, ishonch, insof, vijdon kabi yuksak insoniy fazilatlardan asdar ham bo'lmasa, u holda bunday insondan jamiyatga foyda emas, balki koni ziyon yetishi tabiiyidir. Shu sababdan ham shaxs kamoloti uchun ta'lim va tarbiya jarayonlarini uzviy ravishda analga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ma'rifatparvar ajdodimiz Abdurauf Fitrat nomi yuqorida qayd etilgan asarida odamning kamoli faqat sog'liq va kuchdan iborat bo'lmay, balki jismonan, aqlan va axloqan yuksalishdan iborat ekanligini ta'kidlaydi. Bugungi kunda davlatimiz oldiga qo'yan ulkan maqsadlardan biri ham shu aslida. Ya'ni, har tomonlama mukammal, jismonan sog'lom, chuqur aql-zakovatga ega, ma'nан yetuk va shu bilan birgalikda yuksak insoniy fazilatlarni o'zida mujassamlashtirgan barkamol avlodni tarbiyalashdir.

Kishilarda, jumladan, yosh avlod ongiga yuksak insoniy fazilatlarni singdirish axloqiy tarbiya orqali amalga oshiriladi. Axloqiy tarbiya haqida Abdurauf Fitrat shunday fikrlar bildiradi:

"Axloqiy tarbiya — odam axloqini kamolga yetkazish demakdir, ya'ni odamni shunday tarbiya qilish kerakki, fe'li va amali o'ziga ham, boshqalarga ham foydali va manfaat keltiradigan bo'lsin. Boshqacha aytganda, odamning fe'l-u xo'yisi va harakatida yaxshi fazilatlarni tarbiyalash demakdir". [2; 109 b.]

Axloq kishilarning bir-biriga, oilaga, jamiyatga, Vatanga, tabiatga nisbatan bo'lgan, ma'naviy asoslangan, adolat mezonlariga tayanganmunoisabatlarining muayyan tizimini ifodalaydi. [3; 70 b.]

Axloqiy tarbiya jarayonida yosh avlod ongida yuksak insoniy fazilatlar shakllanib boradi. Ahloiy tarbiya ma'rifat sarchashmalaridan oziqlanadi. Shu o'rinda muhtaram Prezidentimiz nutqlaridan jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashmog'imiz kerak, qani o'sha ma'rifat deya savol tashlagan edilar. Ma'rifat – ajdodlarimiz yozib qoldirgan bitmas-tuganmas adabiy meroslardadir. Bu meros shunday bir xazinadirki, uni to'liq o'rganib chiqish uchun bir inson umri kamlik qiladi. Shuning uchun ham bu asarlar bilan yaqindan tanishishni iloji boricha ertaroq boshlash lozim. Yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek ilm olishini bog'cha davridan boshlab yo'lga qo'ysak bu jarayonni tizimli ravishda davom ettirsak, kelajakda yuksak natijalariga erishishimiz shubhasizdir.

Ma'lumki bugungi globallashuv zamonida barcha sohalarda integratsiya jarayoni jadallik bilan amalga oshmoqda. Bu iqtisodiy soha bo'ladimi, bu siyosiy, ijtimoiy yoki mdaniy soha bo'ladimi integratsiya jarayonini kuzatish mumkin. Xuddi shunday ta'lim sohasi ham bundan mustasno emas. Buning yaqqol dalili sifatida mustaqilligimizning dastlabki yillardan boshlab milliy ta'lim tizimimizda sezilarli darajada islohotlar o'tkazganligimiz, xususan, ta'lim tizimimizni jahoning ilg'or mamlakatlari ta'lim tizimi andozalari asosida qayta shakllantirganligimiz, shu bilan birgalikda tizimda ijtimoiy fanlarning ahamiyatini chuqurlashtirganligimizniolishimiz mumkin.

Navoiy bobomiz aytadilarki: "Oz-oz o'rganib dono bo'lur, qatra-qatra yig'ilib daryo bo'lur".

Xuddi shunday, jamiyatning har bir a'zosi ulkan imoratning bir g'ishtichalikdir. Agar g'ishtlar ichida noboprog'i o'mnab qolgudek bo'lsa, bu imoratning mustahkamligiga putur yetkazishi, xattoki imoratning nurab yakson bo'lismiga ham olib kelishi mumkin. Shunday ekan har bir g'ishtni boshidan pishiq qilib quymoq har qanday imoratning ham har qanday devorning ham mustahkam chidamli bo'lismiga xizmat qiladi. Xuddi shunday, jamiyatning har bir a'zosini ham yoshligida mustahkam bilim berish, ma'rifiy-ahloqiy fazilatlarni singdirish orqali tarbiyalash har tomonlama barkamol qilib voyaga yetkazish yurtimizning farovon kelajagini ta'minlash bilan barobardir. Darhaqiqat, har qanday bilim axloqiy meyorlarga tayangan holda amaliyotga qo'llangandagina manfaaatli va jamiyat uchun, insoniyat uchun foydali bo'ladi. Bilim qanchalik kuchli bo'lmasin agar u ahloqiy meyorlarga tayanmas ekan bu bilimning orqaga ketishi bilan barobar degan ekan mashhur yunon faylasufi Arsatu. Shu sababdan ham ta'lim tizimimizga kiritilgan barcha fanlarni bevosita ma'naviy-ma'rifiy, axloqiy qarashlarga bog'lab tashkillashtirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Bunda har bir darsda bolalarga mustaqil o'qib kelish uchun bittadan milliy ma'naviyatimizni, yuksak axloqiy-ma'rifiy fazilatlarni tarannum etuvchi asralarni vazifa sifatida bo'lib berishni yo'lga qo'yish va bolaga o'zi tushungan darajada sharhlashga imkoniyat yaraish kerak.

Bu talab *birinchidan* bolada mutolaa ko'nikmasini oshirib, kitobga muhabbatini kuchaytiradi *ikkinchidan* ulardagи mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantirib, o'zi uchun kerakli xulosa chiqarishga o'rgatadi. Bola qancha yoshligidan halol bilan xaromning, yaxshi bilan yomonning farqiga borishni o'rgansa, kelajak uchun, jamiyat uchun shuncha foydali. Sababi yoshlikda olingan bilim toshga o'yilgan naqsh kabitidir. Bolaning ruhiy olami ma'rifiy-ahloqiy fikr-mulohzalar bilan to'yinib borsa, bola qancha ko'p yuksak insoniy fazilatlarni oshiruvchi kitoblar mutolaasi bilan mashg'ul bo'lsa, unda shunga yarasha dunyoqarash shakllanib boradi. Shunda u kelajakda jamiyat uchun kerakli bo'lgan imonli, insofli,

vijdonli, halol, pok insoon bo'lib yetishadi. Bu jamiyatdagi turli illatlarni yo'qotishga bir zamin hoziralsh degan muohazaga ham to'g'ri keladi. Ya'ni, yuqoridagi kabi yuksak axloqiy fazilatlarga ega bo'lgan inson kelajakda rahbariy lavozimlarga o'tirganda jamiyat kushandasini hisoblanmish korrupsiya, mahalliychlik kabi holatlarga yo'l qo'yaydi yoki foyda olish maqsadida turli hil noplari ko'chlarga kirib ketmaydi. Demak bir ozgina e'tibor, tashabbus butun boshli jamiyat muammolarini hal qilib yuborish imkoniyatiga ega bo'lar ekan. Mutolaa uchun tanlangan asarlarning aksariyati mumtoz adabiyotimiz namunalardan iborat bo'lishini yo'lga qo'yish lozim. Har bir o'rganilgan mumtoz asar mualliflarining ziyyaratgoh sifatida tashkillashtirilgan muqaddas qadamjolariga maxsus ekskursiyalar tashkil etish orqali o'quvchilar ongida moziyni bugungi kun bilan bog'lay olish, qanday buyuk shaxslarning vorislari ekanliklarini ularga yetkazib bera olish darkor. Bu ishnni faqat nazariy emas, amaliy tarzda bajarish yuqoriq samara berishi tabiiydir. Zero, yuz marta eshitgandan bir marta ko'rgan afzal deydi dono xalqimiz.

Xulosa o'rnila shuni aytish mumkinki, jahonga mashxur, boy ma'naviy merosimizdan to'laqonli ravishda foydalanishni yo'lga qo'yumog'imiz, bu orqali yosh avlodni chuqur bilim va tafakkur egasi, yuksak ahloqiy-ma'rifiy fazilatlar sohibi, ajdodlariga munosib voris qilib tarbiyalamog'imiz, pirovardida vatanimiz O'zbekistonni chinakam ma'naviyat o'chog'iga aylantirmog'imiz bizning ona yurt oldidagi muqaddas burchimizdir.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Mirziyoyev Sh.M . Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. I-jild.– T.: "O'zbekiston". 2019y.
2. Abdurauf Fitrat., Oila yoki oila boshqarish tartiblari., – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi., 2013. 70-109 b.
3. Erkin Yusupov. Inson kamolotining ma'naviy asoslari. "Universitet". – T.: 1998y. 70 b.
4. Husayn Voiz Koshifiy. Axloqi muhsiniy. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti. – T.: 2011y.

## **ИЗУЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК КАК ФАКТОР ВОСПИТАНИЯ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ.**

**Хасанова Л.Т.  
старший преподаватель СамГАСИ**

*«Наука и просвещение имеют первостепенное значение для повышения интеллектуального и духовного потенциала не только молодёжи, но и всего нашего общества.*  
*Ш.М.Мирзиёев[1.]*

Научно-технический прогресс – одно из приоритетных направлений развития Республики. Для успешного развития науки на уровне современных требований необходимы следующие обязательные факторы: идея, материальная база, соответствующие условия и свобода творческого мышления.

Мы живём с целями укрепления независимости нашей страны, формирования национальной государственности, построения правового демократического государства, возведения гражданского общества. Поэтому следует уделять особое внимание научным исследованиям в области общественно-гуманитарных наук.

Наука – ценнейший капитал общества, достояние любого государства, во многом определяющее его настоящее и будущее. А фундаментальная наука является частью локомотива, уносящего общество к вершинам научно-технического прогресса.

На сегодняшний день роль и значение общественных и гуманитарных наук возрастает. Необходимо восстановление нашей национальной идеологии и мышления, доставшихся нам в наследство от великих наших предков. Задача общественных наук заключается в том, чтобы формировать человеческое мировоззрение.

Особое место в области общественных наук отводится истории. Нельзя воспитать настоящего патриота из человека, не знающего истории своего народа.

Особенность работы историков в нынешних условиях – это возвращение исторической правды, утверждение объективного подхода к освещению событий прошлого, возрождение имён выдающихся личностей.

Окружающая нас объективная реальность настолько многогранна и неисчерпаема, что только допуская полную свободу существования различных философских течений, направлений мы можем открыть новые просторы перед философской наукой Узбекистана. Без учёта их глубокого влияния на народ, его образ жизни, традиции и обычай невозможно понять становление, обогащение и развитие центральноазиатской цивилизации.

Актуальной задачей философской науки является изучение священного наследия ислама, в частности, восточной философии и этой основе возрождение философских корней узбекской культуры и национальных ценностей.

«Ислам – это постижение Истины, воспитание в себе потребности в благоденствии, он призывает нас к добру и миру, сохранению подлинного человеческого начала». [2]

Главная задача общественно-гуманитарных наук сводится к тому, чтобы оценить сложившуюся ситуацию, сделать прогноз этой ситуации, дать приемлемые способы её решения. Будущее республики прежде всего зависит от рационального использования интеллектуального потенциала нашей страны.

В институте рукописей выполнены блестящие работы по расшифровке письменности угуро-енисейской группы языков, которые могут прояснить многие пока ещё не выясненные проблемы этногенеза народов Средней Азии. Необходимо отметить, что многие из этих памятников были открыты учеными нашего Института археологии. К достижениям археологов проявляют большой интерес ученые многих зарубежных стран.

Высокий научно-технический и интеллектуальный потенциал общества позволяет Узбекистану входить в международно-правовые, научные, научно-технические сообщества. Зарубежные эксперты высоко оценивают современный научный потенциал Узбекистана и заинтересованы в дальнейшем сотрудничестве с нами. Сейчас разрабатываются конкретные программы совместных исследований.

Ученые Узбекистана принимают в качестве гостей зарубежных коллег и сами выезжают в страны Востока и Запада, принимают участие в международных симпозиумах и конференциях.

Новые педагогические технологии и современные методы в преподавании общественно-гуманитарных дисциплин призваны заставлять студентов критически мыслить, выдвигать свои точки зрения, смотреть на ситуацию через призму общечеловеческих ценностей и норм. Красной нитью через весь процесс преподавания должна проходить идея трансляции фундаментальных ценностей, их усвоение в процессе обучения.

«Именно просвещение и образование являются ключом к процветанию народов. Именно просвещение и образование ведут людей к благодеяниям, добру, терпимости». [3]

Изучение общественно-гуманитарных дисциплин предоставляют возможность студентам научиться реально представлять себе актуальные вопросы современности, находить на них ответы и становиться гражданином свободного, справедливого, демократического общества.

Обязанность преподавателей общественно-гуманитарных наук – обучить студентов тем ценностям, которые придают нашей многогранной жизни определенную осмысленность. Практической значимостью изучения общественно-гуманитарных дисциплин является привитие чувства патриотизма, расширение мировоззрения молодежи об истории края при разработке конкретных вопросов политики государственной независимости и построения демократического общества.

В современных условиях, когда главным показателем конкурентно способности страны все в большей мере становятся уровень и качество жизни населения возрастает роль образования – важнейшего фактора прогресса. Сегодня общества и цивилизации конкурируют прежде всего системами общественных ценностей и образования. Главная цель всех деятелей общественно-гуманитарного направления – сохранение мира в нашем государстве, воспитание всесторонне - развитой личности, социальное сотрудничество и межнациональное согласие, религиозная терпимость и процветание Родины.

«Вне всякого сомнения, вкладываемые сегодня средства в сферу образования и науку – это тот капитал, который создаёт прочный фундамент формирования в стране высоко – интеллектуального общества, которому принадлежит будущее». [4]

#### **Литература:**

1. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан ОлийМажлису. Правда Востока, № 19 (29249), 25.01.2020 стр.2.

2. Мирзиёев Ш.М.. Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе. Т-2018, стр. 27-28.
3. Мирзиёев Ш.М.. Уверенно продолжим путь национального развития на новом этаже. Т-2018, стр.25-26.
4. Каримов И.А.. Великое будущее - это высокая духовность народа. Собр. соч. Т.5. Т. 1997. с.19.

## **ЯЗЫКОВОЕ ТЕСТИРОВАНИЕ КАК ФОРМА КОНТРОЛЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИННОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ**

Норматова Д.И.

Ташкентский государственный университет имени Низами.

В отечественной практике обучения иностранном языкам роль тестирования постоянно растет. Интерес к тестированию объясняется тем, что помимо своей основной функции-контроля, оно может служить средством диагностики трудностей языкового материала для учащихся, мерой определения качества учёности и способом прогнозирования успешности или не успешности обучения. Наиболее распространенное является методической литературе определение теста следующее: «Тест –это комплекс предварительно подготовленных и опробованных на предмет эффективности заданий, позволяющих выявить у тестируемых уровень их коммуникативной компетенции, психологически комфортных условиях; при этом результаты тестирования поддаются определённый оценки по заранее установленным критериям» (И.А. Цатурова, С.Р.Балуян, 2014).

А. Девис различает четыре типа языковых тестов. В своей работе он дает подробную характеристику каждому из приведенных типов. Каждый из этих тестов он разделяет по двум признакам: связь с программой обучения и связь с временной шкалой. Зарубежные американские исследователи выделяют четыре класса языковых тестов:

1. *General proficiencytest* (Тесты возможностей)- тесты для определение уровня владения иностранными языками. В зависимости от назначения различается несколько видов тестов этой категории. Если определение уровня владения иностранным языком имеет целью проверку знаний абитуриентов, то соответствующие тесты могут называться *selectiontests*(отборные тесты); если их целью является распределение студентов по группам и зависимости от их знаний – *placementtests*(вступительные, распределительные) и т.д.

2.*Aptitudetests*–тесты для определение способностей экзаменующегося по иностранному языку в будущем, необходимого ему для владения языком . Эта категория тестов часто также носит название тестов прогнозирования (*Prognostic tests*), т.е предсказывающих возможный успех в изучении иностранного языка испытуемым, который ставится в зависимость от его способностей.

3. *Achievementtests* (тесты прогресса и достижений)– тесты для определения достижений знаний, умений навыков, приобретенных в процессе обучения за определенный период. Эта же категория тестов известна и под названием *Progress tests*. По своему характеру она близка к тестам определения уровня владения иностранным языком , что дает основание некоторым авторам рассматривать их как разновидности одной категории. Основное различие между ними заключается в том, что тесты определения уровня владения языком составляются безотносительно к учебнику или методу, тогда как тесты для определения достижений занятиях всегда соответствуют учебным материалам, по которым происходит обучение. Тесты определения достижения могут охватывать как отдельные разделы или части курса, так и весь курс .

4.*Diagnostic tests* (диагностические тесты) – для выявления наиболее слабых сторон знаний учащихся по отдельным языковым навыкам, причины их отставания и т.д., с тем чтобы принять соответствующие меры для их устранения.

Наряду с перечисленным основными категориями тестов различается также большое количество их разновидностей, например:

- *planningtests* – для планирования подачи учебного материала;
- *gradingtests* – для определения знаний студентов в группе (по сравнению друг с другом и по общепринятым стандартом);
- *motivationtests* - для стимулирования интереса к изучаемому языку;
- *pragmatictests* - pragmaticальные тесты, направленные на выявление коммуникативной компетенции испытуемых в ситуациях, приближенных к естественным.

Различие между классификациями заключается в том, что авторы нашей страны не выделяют тесты склонности в отдельную категорию, как это делают зарубежные авторы.

В современной методической литературе выделяют следующие виды тестовых заданий:

- 1) перекрестный выбор (matching) – задание заключается подборе пар из двух блоков по тем или иным признакам;
- 2) альтернативный выбор (true-false);
- 3) множественный выбор (multiplechoice) – задание заключается в выборе правильного ответа из трех или более вариантов;
- 4) упорядочение (rearrangement) используется для проверки умения составить связный текст из отдельных частей или предложения из данных слов;
- 5) завершение (completion) – студентам предлагается самостоятельно закончить предложение, руководствуясь смыслом;
- 6) подстановка (substitution) – выполнение задания предусматривает изменение формы слова или структуры предложения в целом;
- 7) трансформация- выполнение задания предусматривает изменение предложения согласно образцу;
- 8) внутриязыковое перефразирование – суть задания состоит в передачи своими словами содержания текста.

#### **Использованная литература:**

1. Цатурова И.А. Балуян С.Р. Тестирование устной коммуникации. М.: Высш. школа, 2004. - 127 с.
2. Davies A. Principles of Language Testing (Applied Language Studies) - B. Blackwell, England, 1990. - 176 pp.

### **NEW AND ALLEVIATION METHODS OF LEARNING ENGLISH FOR KIDS IN KINDERGARTENS**

**Orifjonova M. A.**

**Student of TSPU named after Nizami.**

**Mirkasimova M.B.**

**Teacher of TSPU named after Nizami.**

Learning English depends on the age. According the ideas of psychologists, kids learn faster and easier rather than adults. The significant reasons of this are: the first one is the balance and tendency of studying language is higher on children than elders. The second is they have a strong art of imitation. The third main reason for this is children have more time than adults for learning something or playing somewhere. It should be noted that, 6-to 7-year-olds do not understand the meaning of this information, they learn and remember them mechanically that is to say, they can only memorize its shape and appearance. Therefore, teaching English to primary school students should not start with giving them a grammatical understanding. Otherwise, it is possible to tire the child from the first attempt and turn off the interest for learning English. Therefore, teaching a foreign language to young children is much more difficult and responsible. The following are some of the fun and meaningful ways for children in teaching English.

1.ROLE PLAY. Role play is a such kind of method that can be more understandable and unforgettable. For example: for teaching the word “Taxi driver” to children one child try to show it with hand acts in front of the audiences. Other kids can find the word by observing his movements. Besides that, children can show any part of story which was taught by teachers on the scene. Kids can not only understand deeply its meaning, but also they can gain an improvement at their listening and pronouncing skills and take shape their actor’s mastership. This method may change children’s beloved activity. Because kids always intend to live or move like the heroes of their favourite stories.

2.WORKING WITH TOYS. Basically, with this kind of method teachers can make dialogs or small conversations in the aim of making the theme more understandable and easier to children. For example one child can make conversation with his beloved toy, he can ask “Hello, What is your name? How are you? How old are you?” like these questions. This method can provide settling down deeply information inside children’s memory. Moreover, children can teach how to describe something or

someone by this method. Because kids always keen on the appearance of them. Accustoming how to describe something to children is not so challenging for teachers by this way.

3.WATCHING CARTOONS. We can definitely say this is the most interesting way for learning. It is possible to be not so clearly every word of this show, however kids can comprehend the meaning of it by watching their attempts information save fast and deeply to their brain.

4.EXCURSIONS. In most times lessons must be organized in the nature. Because excursions with the group of kids can affect positively and it is so amazing for them. By excursions we can increase or give a big motivation to kids. Excursions can not only provide the lessons become more resulting, but also it is so beneficial for kid's health.

5.PLAYING GAMES.HOT POTATO GAME! Hot potato game is an energetic activity that works really well with kindergartens students. Simply designate an object like ab eraser , ball or anything that's lightweight and easy to handle as your hot potato. While you play music, students pass holding the potato when the music stops is expected to speak. The good thing about this activity is that you can modify it to cover a number of kindergarten-related English topics. For example, the students holding the hot potato can..

- Introduce themselves
- Ask another students to introduce themselves
- Make a statement or answer a question related to the material they've been learning – examples include students saying their favorite animal, favorite food, time they woke up and etc.

Just make sure that the object is hardy and will notbreak when dropped, because kindergarteners tend to get really excited when playing this game!

Games must be related to both of mental and physical activities.

It is not a true and effective way to teach something compulsory to kindergarten students. They must study something according their interests and intends. They are bored with something so fast, that is why they always want something new. Therefore, only explanation method cannot give us expected result and high achievements. Teachers must make up-to-date programmes for teaching kindergarten students, they must utilize advanced technologies . teachers must be creative, patient and organizer.

#### **REFERENCES:**

1. Chaurdon, C, and Richards J.C.(1986). Applied linguistics7(2):112-127.
2. Donald E.Powers (2010). The rules of work by Richard Templar.

**МИЛЛИЙ-МАЬНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ШАХС  
ЭСТЕТИК ИДЕАЛИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ**  
**Самадов А.Р.**  
**СамДУ Фуқаролик жамияти ва миллий гоя кафдераси  
доценти, фалсафа фанлари номзоди.**

Бугунги кунда миллий-маънавий тараққиётнинг янги босқичида шахснинг эстетик идеалини такомиллаштириш, у орқали жамият соҳаларида гўзалликни баҳш қилиш асосий маънавий-мағкуравий ишлар сарасига киради. Чунки фуқаролик жамиятида соҳавий институционал ўзгаришлар ва жамиятда функционал ислоҳотларни амалга оширилиши бевосита шахс тарбиясига жиддий таъсири ўтказиб, унга жиддий, институционал, функционал ўзгаришлар ясади. Фуқаролик жамиятида хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, нодавлат ва нотижорат уюшмалар гуллаб яшнайди.

Шахс маънавиятида кучли ўзгаришлар, кескин бурилишлар замон ва макондаги тараққиёт билан боғлиқ бўлиб, ислоҳотлар ва ижтимоий-сиёсий фаолият билан паралел ривожланади. Аникроқ қилиб айтганда, мазкур жараён “табиат-жамият-шахс” тизими муносабатларида объект (*реал воқелик*, ахлоқий ва эстетик онг ички тизими) ва субъект (*ижтимоий институтлар*) бирлиги тарзida қаралиши керак. Бунда субъект ва объект бирлиги, улардан бирининг иккинчисига таъсири ва акс таъсири этувчи кучлар муносабати шахс эстетик идеалини шаклланишида намоён бўлади. Шунга кўра, шахс эстетик идеали бадиий-эстетик фаолият натижаси сифатида муайян кучга эга бўлган қарама-қарши томон, қутблар (*субъект ва объектларнинг*) бирлигини таъминлайдиган мураккаб тизимларнинг ҳаракати хисобланади. Қарама-қарши томонлар (ижқобий ва салбий, гўзаллик ва хунуклик), айни пайтда, ҳиссий эмоционал, бадиий-маданий, миллий-этник муносабат йўналишларининг бир-бирига ўзаро таъсири, уларнинг ҳар бири таркибида эстетик онг ва фаолият ички кутбланишларини юзага келтиради.

Дархақиқат, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик, ижтимоий-сиёсий институтларнинг асосий функцияси жамият ва шахс эҳтиёж, манфаат ва мақсадларини уйғунлаштиришнинг ғоя, қараш, идеал, нормаларини умумий маънавий қадриятларга, мағкуравий фаолиятга айлантириш ва ушбу фаолиятларни уларни ўзлаштирилишига йўналтиришdir.

Хозирги пайтда мамлакатимизда шахс эстетик идеалини шакллантириш муаммосига комплекс ёндашилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида тўртинчи устувор йўналишида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш кўзга тутилган.

Жумладан, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўйича узлуксиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда эстетик эҳтиёжларига мос равишда юксак дидли кадрлар тайёрлаш; ўқув ва лаборатория асблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш; мамлакатда мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш, бола шахсига эстетик тарбияни усул воситалари орқали эстетик идеални бошлангич белгиларини шакллантириш ва буни устувор вазифа сифатида белгилаш; болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун спортга жалб қилиш, умумий ўрта таълим тизимида эстетик идеални шакллантириш ва янада юқори босқичга олиб чиқиша ўқув предметларини қайта кўри чиқиш, санъат, спорт ва экология соҳаларини уйғунлаштирадиган интеграл тизими яратиш; ўқувчи ёшларларнинг эстетик онги ва маданиятини ривожлантирища бадиий адабиёт мутолааси, санъат ва спорт ва турли конкурссларни ташкил қилиш; эстетик таълим (*илмий асос*) тарбия (*дидактик-педагогик асос*), тарғибот-ташвиқот ишлари (*театр, томошалар, шоулар, спорт заллари, марофонлар ташкил қилиши, маданий-маърифий ташкилотлар, зиёратгоҳлар ва музейлар*) дан унумли фойдаланиш мақсад қилиб олинган.

Ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш соҳасидажисмонан соғлом ва руҳан тетик, ақлан ривожланган ёшларни тарбиялаш, юксак эстетик дидга эга, эстетик идеал руҳида тарбияланган ёшларни тарбиялаш, уларнинг фаолиятида эстетик туйғу, дид ва ижтимоий гўзаллика муносабатини ўзгаритириш; ёшларни шахсий ривожланишида илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-куватлаш, уларни санъат, спорт, бадиий адабиёт мутолааси, замонавий компьютер технологиясига жалб қилиш, хотин-қизларни фаоллигини ошириш каби беш муҳим ташаббусни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган устувор йўналишларни яна такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз барча даражадаги раҳбарлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддиларидан ёшларга эътиборни кучайтиришни талаб қилганди [1]. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар хисобланиб, уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратиш зарур. Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу муҳим ташаббус ёшларни эстетик идеалини ривожлантириш ва эстетик иммунитетини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бу ташабbusлар қуидагилардан иборат:

*биринчи ташаббус* ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлиарини оширишга, истеъодини юзага чиқариш;*иккинчи ташаббус* ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтириш;*учинчи ташаббус* аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш, турли эстетик дидни туширадиган, хунуқликини ажарата билиш учун тарғибот ва ташвиқотни шакллантириш;*тўртинчи ташаббус* ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлик, мутолаа маданиятини кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтириш;*бешинчи ташаббус* хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш кўзга тутилган.

Шунга кўра беш муҳим ташаббусда мақсад – ёшларда эстетик идеални шакллантириш ва ривожлантириш, институционаллашиш – амалга ошириш шакллари ва ижтимоий ҳамкорлик – давлат ва нодавлат институтлараро интеграцияни амалга оширишdir. Ҳаракатлар стратегиясида айтилан усутувор йўналишлар ва Президентнинг бешта муҳим ташабbusи асосида шахс эстетик идеалини шакллантиришнинг институционал интеграллашиши юзага келмоқда. Ушбу соҳалар шахснинг маънавий борлигини қамраб олиши, көгерент ўзаро таъсирлашиши қуидагича гурухлашга сабаб бўлади:

1) Адабиёт ва санъатга жалб қилиш орқали шахс эстетик идеалини шакллантириш (*бадиий-маданий, бадиий-эстетик фаолият, эстетик объектларга жалб қилиши*) институтлари. Санъат ва

маданият клублари (*Олий таълимда талабалар баҳори, Қувноқлар ва зукколар, рақс ансамбиллари, миллий фольклор жамолари, этномаданий гурухлар*), танловлар (*янги аср авлоди, китобхон талаба, Зулфия мукофоти*,), ташкилий асослар (турли эстетик тарбия йўналишидаги ижодий уюшмаларнинг – ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, актёрлар, мэйморлар, файласуфлар, экологлар билан учрашув, театр ва музейларга, туризм объектларига, муқаддас қамжоларга ташриф буюриш;.

2) спорт ва соғломлаштиришга жалб қилиш орқали шахсда эстетик идеални шакллантириш институтлари. Булар чемпионатлар (*ички, ташиби чемпионат*), ОТМлараро мусобақалар (*спорт саломатлик гарови, универсиада, оиласий спортни ривожлантириши акциялари*), ташкилотлар кубоклари (ректор кубоги, кураши, шахмат ва шашка биринчилиги), соғломлаштирувчи акциялар (*югурши марофонлари, биз чекишига қаршиимиз, биз соглом турмуши тарафдоримиз*)дан иборат. Уларнинг таркибий тузилишлари, функционал иерархияси ўзаро алоқадорликда, бирликда шахс тарбиясида миллий-этник ва ахлоқий-эстетик мақсадни уйғунлаштириш, умумисоний эстетик идеал тизимида бағрикенглик (толерантлик), гармония (уйғунлик), атроф-муҳитни гўзаллаштириш тамойилларини ишлаш механизмларига хизмат қилади ва маълум маънода, объектив омил хисобланади.

3) ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш орқали компьютер технологияларини ўрганишга жалб қилиш ва интернетдаги киберэкстремизм омилларидан ҳимоялашнинг институционал кўринишлари. Тугараклар (*ёши дастурчилар, миллий-этник маданият объектларини 3D форматда ишлаб чиқарувчилар*), танловлар (энг кучли компьютер мутахасислиги, компьютер саводхонлиги), виртуал клублар (*гейм устаси, компьютер виртуал ўйинлари голиби, турли ўлчамдаги шаклларни ясаши*), ташкилий асос (электрон кутубхоналар, технологик парклар, виртуал қабулхоналар)дан ташкил топади.

4) китобхонликни тарғиб қилиш, мутолаа маданиятини шакллантириш ва шахс эстетик идеалини бадиий адабиёт орқали ривожлантириш. Бу ерда мутолаа маданиятини тарғиб қилувчи, билим ва амал бирлаштирувчи клублар, тафаккур синовлари, ёш китобхон, энг кўп китоб ўқиган ёшларга Президентни мукофоти, мен севган китоб сингари танловлар, мен севган бадиий қаҳрамон, энг китобхон мактаб, энг китобхон маҳалла, энг китобхон оила, энг фаол кутубхоначи каби қўрик-танловларни ўтказиш қўзга тутилган. Китоб маҳсулотларини эстетик қадрият сифатида истеъмол эттириш, ўзлаштириш билан шуғулланувчи институтларга эса, узлуксиз таълим-тарбия тизими (*мактабагача, мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим*), тарғибот-ташвиқот билан шуғулланувчи маданият ташкилотлари ва бошқа муассасалар киради.

Ташкилий масалаларга оммавий диктантни уюштириш ва китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг устувор йўналишларини келтириш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январда — Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисид Фармойиши 2017 йил 13 сентябрда — Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида Қарори ташкилий чора-тадбирларни амалга ошиширишга катта ҳисса қўшмоқда.

5) хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллаштириш ва касбий маҳоратини шакллантириш. Бу ерда айниқса қизларни касбга, спортга жалб қилиш, соғломлаштириш, турмушга тайёрлаш, қизларни турли йўналишлардаги тугракларини ташкил қилиш, талаба қизларни, ёш оналарни қўллаб-куватлаш ишларини ташкил этиш қўзга тутилган.

Шахс эстетик идеалани шакллантирувчи институционал ёндашув асосида шуни нарса аниқландики, ёшларнинг баркамоллиги айни пайтда таълим-марифий, маънавий-маданий, ташкилий-хуқуқий, илмий-пеадагик иерархик тузулмасига эга бўлиб, юқоридаги беш катта соҳага, ташаббусга акс этади. Биргина мутолаа маданияти орқали шахснинг бадий маданияти, мутолаа қилиш санъати, дунёқараши кенгайиб эстетик идеалини шаклланишига катта таъсири сезилади. Китоб ёшларнинг дунёқарашини шакллантиради, билим, сўз бойлигини ортиради, мантикий фикрлашни ривожлантиради. Аммо ёшларни оила, таълим муассасаларида олган билимлари-ю, хаётий ғоялар ва идеалларини жонлантирувчи омиллардан бири – адабиёт ва санъат (театр, кино ва ҳ.к.)ни ривожлантириш ва кенг тарғиб этиш ҳам ёшларни эстетик тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу икки жабха эстетик тарбияда диалектик алоқадорликда бўлиб, ёшларни бадиий савиясини оширишга мўлжалланган. Бу тўғрисида Президент Ш.Мирзиёев шундай дейди:

«.....Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди»[2,47;].

Китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган фармон, фармойишлар, турли ҳукумат қарорлари ўз навбатида китобга бўлган муносабатни ўзгартириб, мутахассислигидан қаттий назар шахснинг эстетик идеалини шаклланишига хизмат қиласди. Китобхонлик маданияти “иқтидорли шахслар, олимлар жамоаси томонидан табиат, жамият, инсоннинг ахлоқий ва эстетик оламини теран ўрганиш асосида ёзилган илмий-техникавий, сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва эстетик адабиётларни узлуксиз тарзда ўқиб бориш, уларни мантиқан таҳлил қилиш, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олиш, илҳомлантириш, завқлантириш хусусиятларига эга бўлган зарурый китобларини ўқиш асосида ўзининг қандай миллат вакилларининг фарзанди эканлигини англашга қаратилган тизимили амалий хатти-ҳаракатларга айтилади”[3,555;]. Мутолаа маданиятини шаклланиши бола шахсида образли тафаккурни, ҳайратланиш ҳиссини шаклланириб, эстетик идеални босқичма-босқич таркиб топишига катта хисса кўшади.

Ҳалқаро ҳамжамиятда ҳам китобхонликни тарғиб қилиш бўйича ўзига хос институционал тузилма шаклланган бўлиб, бунга штаб квартираси Базель(Швейцария)да жойлашган «Болалар китоби бўйича ҳалқаро кенгаш» (IBBY)ни мисол сифатида қўрсатиш мумкин. Бу ҳалқаро ташкилотнинг шиори «Болалар китобига-ҳалқаро ғамхўрлик» дейилиши бежиз эмас. 1956 йилда IBBY фаолияти доирасида X.К.Андерсен номидаги мукофот таъсис қилинган. X.К.Андерсен номидаги ҳалқаро мукофот болалар учун жаҳон адабиёти ва санъати соҳасида энг нуфузли ҳисобланади ва уни «Кичик Нобель мукофоти» ҳам деб аташади[4,].

Ҳозирги пайтда шахс эстетик идеалини шаклланиши бир қатор институционал тармоқларга бўлиниб, вазифалари доирасини кенгайшига олиб келмоқда. Санъатнинг (*театр, рассказчик, бадијадабиёт ва.у*) шахсни эстетик идеалини шаклланиришда асосий вазифаси фориглантириш бўлиб, у уч кимсда: санъат асари инсон қалбига кириб боради, тозалаш-поклаш жараёни, шу тозаланган қалбни салбий иллатларни ўрнини эстетик хис-туйгулар (улугвор ниятлар, буюк орзу-умидлар билан бойитади, ботиний-рухий ташналикни қодирилиши) билан бойитиши билан фориглантиради.

Шахс эстетик идеалининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи эстетик тафаккур типи: *бир томондан*, бадијадабиёт ва.у шахсни эстетик идеалини шаклланиришда асосий вазифаси фориглантириш бўлиб, у уч кимсда: санъат асари инсон қалбига кириб боради, тозалаш-поклаш жараёни, шу тозаланган қалбни салбий иллатларни ўрнини эстетик хис-туйгулар (улугвор ниятлар, буюк орзу-умидлар билан бойитади, ботиний-рухий ташналикни қодирилиши) билан бойитиши билан фориглантиради.

Шахс эстетик идеалини шаклланишини интинсивлаштирадиган, макон ва замоннинг маънавий-мағкуравий омили, бадијадабиёт савия сингари детермилаштирувчи омиллар – стихияли ва механистик тарзда таъсир кўрсатмайди, балки уни ривожлантириш учун стратегия ва тактика ишлаб чиқади, моделлаштиради. Бунга давлат, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти иниститутлари фаолиятини йўналишларига кўра шахс тарбиясини ўстириш учун бирлаштирилади, илмий-оммабоп режаларни мувофиқлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, шахс эстетик идеалини мукаммал шаклланиришга қаратилган маънавий-мағкуравий (*идеологик*), таълим-тарбия (*таълим-маърифий*), эстетик тафаккурни бойтишига қаратилган (*назарий-гносеологик*), усул ва воситалар (*амалий-практический*) тизимларини ислоҳ қилиш, ҳозирги шаклланиб келаётган ёшларнинг идеалини таянч нұқтаси, горизонти, уфқини белгилашда шахс тарбиясида муҳим институционал ва функционал ўзгаришлар бўлмоғи лозим. Бунинг учун:

1) ҳозирги таълим-тарбия тизимида шахс эстетик идеалини ўстириш механизмлари, босқичларида соғломлаштириш, турмушни эстетик ташкил қилиш субъектларини шаклланириш, атроф-муҳит билан дўстлашишнинг назарий-методологик, илмий асосларини, педагогик-дидактик тамоийларини бутунлай янгилаш, инновацион усуллардан фойдаланиш;

2) ёшларда шахсиятли таълим ва тарбия беришда этно-эстетик ва эко-диний маданиятини шаклланириш, санъатшунослик фанларини тарбия усул-воситаси сифатида олиб кириш;

3) миллий-ахлоқий ва миллий-эстетик қадриятларни тизимини шаклланириш, шахс эстетик қадриятларини оммага трансформация қилишда бадијадабиёт имкониятларидан, спортнинг эстетик имкониятларидан, санъат виртуал соҳаларидан фойдаланиш;

4) ҳозирги таълим-тарбия тизимида табиат ва жамият бирлигини акс эттирадаган эстетик идеал тизимини бадиий образларда, замонавий қаҳрамонлар, машхур спортчилар тимсолида ифодалашнинг хориж давлатлари тажрибаларидан кенг фойдаланиш;

5) Шахс эстетик идеалини шаклланишига беш муҳим ташаббус муҳим қисми бўлган китобхонликни шакллантириш, ёшларни мутолаага қизиқтириш, тафаккури, бадиий савиясини усшини мониторингини ташкил қилиш, ёзувчи, шоирлар билан учрашувда “замон қаҳрамон” образи ҳақида эркин мулокот қилиш;

6) ОТМларда ижтимоий-гуманитар йўналиши ўқув режаларида (*хусусан, фалсафа, миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими, маданият, санъат ва спорт йўналишларида*) бадиий адабиёт намуналари асосида ўқув фанини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки талаба ёшлар ўз фикрини равон, эркин ифодалай олиш кўникмасини шаклланиши, ички кечинмаларни баён қила олиш, монологни ўқиши, нутқ ва сўз бойлигини ошириш дикциясини шакллантириши замон талабидир;

7) ўзбек миллий эстетик қадриятларини креатив ривожлантириш фонида замонавий шахс эстетик идеалини яратиш, уни миллий туризм обьекти сифатида эътироф этиш, ОАВ рекламасини йўлга кўйиш, халқаро бадиий-ижодий муносабатларни ривожлантиришда, спортда шахсни ўстириш фаолиятини ривожлантириш имкониятларини қидириб топиш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <http://www.yoshlarovozi.uz> /2019/05/%D0%91%D0%95%
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -47-б.
3. Яхшиликов Ж.Я, Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Т.: 2018 -555-бет.
4. Перцовская Р. Ф. Развитие культуры чтения основа формирования инновационного мышления // Науч. лаб. "Социально- информационные технологии" Мос. гос. ун- та культуры и искусств [Электронный ресурс]. – URL: <http://misit.ucoz.ru/load/> 15- 1- 0- 41 (дата обращения 18.11.2013)

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Нурбоев Қ.А.**

**Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.**

**Нурбоев С.А.**

**СамВМИ академик лицейи ўқитувчиси.**

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни обьектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хуласалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Таникли олим К.Х.Хоназаров глобаллашувни бутун дунёни қамраб олган обьектив жараён сифатида талқин этади ва қуидагича таъриф беради: “Глобаллашув - жаҳон тараққиётида сифат жиҳатдан янги босқич. У ишлаб чиқариш кучлари, фан ва техника тараққиётининг натижаси ва янги кўрсаткичларга асосланган жамият тараққиётининг бошланиши”.[ 2,стр.6.]

Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анънавий усуслари ўрнида интерфаол усусларни кўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди.

Бугун глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган жараёнлар, айниқса барча соҳаларда рақобатнинг кучайиб бориши янада баркарор тараққиётни таъминлашни талаб этмоқда. Мана шу талаб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташабbusи билан Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини юзага келтирди. Натижада мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳаракатлар стратегиясида

мамлакатимиз ёшларининг хар томонлама баркамол бўлиб камол топиши ва албатта, баҳтли ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган вазифалар ҳам белгиланди.[1] Даставвал таъкидлаш жозким, Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг ҳолда, мамлактимизда 2016 йил 15 сентябрда кучга кирган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг устивор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ёшларимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган давлатимизнинг ёшлар тўғрисидаги сиёсати уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишга тайёрлаш орқали жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилгандир. Уларга давлат ва жамият бошқарув тизимида катта ишонч билдирилмоқда, масъулиятли лавозимларни эгаллашга йўналтирилмоқда. Бу ҳол жамиятда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги етакчи рол ўйнаётганлигидан дарак беради.

Эндиликда фан, техника ва инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида ўқув-тарбия жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологилари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизикиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдиаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотларни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиласидиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган ёшлар керак. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқувтарбиявий жараёнида тзамонавий ўқитиш услублари, яъни интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва ахамияти бекиёсdir.

“Инновация” (инглизча innovation) –янгилик киритиш, янгиланиш, ниманидир ўзгартириш демакдир. Инновацион педагогик технологиялар таълим тизими педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишни англатиб, бу жараённи амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. [3, 10-б]

Ҳозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жихатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади.

Мавжуд нарсанинг янги холатга ўтиши ёки янгича сифат касб этиши билан боғлиқ жараён инновация сифатида эътироф этилади. Бу жараённи баъзида янгиликнинг амалиётга жорий этилиши деб ҳам аташади. Инновациялар даставвал инсонлар онгида мавжуд реаллик билан унинг идеал ҳолати ўртасидаги тафовут сифатида шаклланади. Аксарият холларда инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суст ривожланаётган ишлаб чиқариш тизимининг потенциал имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради. Инновацион соҳанинг хусусиятларини назарий жихатдан ўрганиш ижтимоий-иктисодий соҳадаги концепциялар кенг ривожлана бошлаган ва жаҳон иктисодиётида инновацион фаолиятнинг фаоллашуви кузатилган даврларда (XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб) ниҳоятда долзарблашди.

Ўзбекистонда турли хил соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият тури билан олий таълим беришга ихтисослашган университет, академия ва институтлар каби таълим муассасалари шуғулланади.

Бевосита таълим жараёни инновациясига дарс жараёнини интерфаол усуслар билан ўтказиша компььютер технологиялари, мультимедия, электрон дарслик, слайд тақдимотлар, талабалар билимини электрон тармоқ орқали назорат қилиш, электрон тест саволлари ўтказиш каби инновацион жараёнлар киради.

Таълим муассасалариро муносабатлар интеграцияси бугунги кунда замонавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда амалга оширилмоқда. Таълим жараёнининг глобаллашуви, таълим муассасалариро интеграциянинг нафақат мамлакат ичкарисида, балки хорижий мамлакатлар билан шаклланиши албатта энг тараққий этган инновацион усусларни татбиқ этишни тақозо этади. Бундай интеграция асосида видео конференциялар, почтали конференциялар, масофавий таълим турларини амалга ошириш мумкин. Он-Лайн режимида ўтказиладиган бундай фаол мулоқот жараёнида икки томондаги олимлар ўртасида долзарб муаммолар буйича бахс-мунозаралар, уларнинг ечимлари, маълум билим соҳалари буйича тажриба алмашиш каби вазифалар амалга оширилади.

Инновацион тенденциялар:

- & Таълим муассасаларида бошқарув тизимининг ривожланиб бориши, корпоратив бошқарув методларидан кенг фойдаланиш;
- & Таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-

коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни жорий этиш.

- & Таълим муассасаларининг миқёсда интеграциялашуви, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланиб бориши;
- & Таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг кўпайиб бориши, бюджетдан ташқари молиялаштириш;
- & Таълим сифатини бошқаришга халқаро стандартлар талабларини жорий этиш.

Ахборотнинг роли кучайиши, аста-секин асосий капиталга айланиб бориши таълим соҳасининг ҳозирги дунёдаги ижтимоий ҳаёт тизимида ўйнайдиган ролини принципиал жихатдан ўзгартирмоқда. Ижтимоий ҳаётда таълим соҳаси аста-секин етакчи ўринга чикаётганлиги сўнгги йиллар мобайнида тезкор ривожланишда ўз ифодасини топмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёни таълим-тарбия билан ўзаро муносабатда бўлади, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Таълим тарбия жаарёнларида янги педагогияларни қўллаш замон талабига айланди. Бу таълим жараёнини ҳозирги фан техника ютуқларидан орқада қолмаслиги учун унинг талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Бу ўқитувчилар олдида хам янги талабларни қўяди. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чукур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёкарашга эга бўлишни тақозо этади.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури. <https://www.gov.uz/uz/news/category/3> 2017-02-08 |
2. Ханазаров К.Х. К проблеме философии языка. Т, “Узбекистан”, 2007, 287б
3. Ишмухамедов Р, Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2013, 278 б.
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚИНИ ЎРГАНИШДА ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ ЎРНИ**

**Усмонова Л.Р.  
ЎзМУ илмий тадқиқотчisi.**

Тарих ҳақиқати далолат берадики, одамзод оламни билишга харакати бошланганидан, инсонларда умумбашарий қадриятларга нисбатан ворисийлик туйгуси хам шаклана бошлаган. Ҳалқ, элат, миллат ва авваломбор, инсон учун зарур бўлган ҳар қандай қадрият маънавий эҳтиёжга айланган. Умумбашарий қадриятларни асраб-авайлаш, ўзлаштириш ва ривожлантириш миллий қадриятлар ривожини таъминлайди. Тарихан маълумки, ижтимоий фанлар умумбашарий қадриятлар билан боғлиқдир. Миллий маданиятимизнинг чукур илдизларини, унинг тарихий тараққиётнинг турли босқичларида эгаллаган ўрнини англаш Эстетика фанининг хам долзарб масалалари қаторига киради.

Бугунги кунларда мамлакатимизнинг барча ижтимоий соҳаларида уйғониш рўй бериши, равнақ топиши учун имкониятлар кенгайиб бормоқда ва улар тарихий ва маънавий қадриятларимизни янги парадигма кесимида таҳлил этиш имкониятларини яратмоқда. Зоро, миллий қадриятлар, тарих, тил, маданият ва кўп асрлик анъаналар сингари тушунчаларга нисбатан муносабат ўзгармоқда.

Ёш авлоднинг эстетик тарбиясида ўзбек ҳалқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, миллий қадриятларимизни тўлалигича саклаган холда, жаҳон цивилизацияси тизимида ўзига мунособ салоҳиятли ўринни эгаллаш мақсадида, мамлакатимизда кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бадиий-эстетик ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та ташаббус мухим аҳамиятга эгадир. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини

мазмунли ташкил этишга йўналтирилган 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси, айнан, ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиласи[1].

Инсонларнинг маънавий ҳаётида ва фалсафий-эстетик тафаккурида санъат асарларининг аҳамияти, ўз навбатида бадиий маданиятнинг ривожланиши тенденциясининг ўрганилишини ва эстетик асосларини ишлаб чиқилишини, ички моҳияти ва ўзига ҳос жиҳатларини таҳлил қилинишини ҳамда ижтимоий ҳодисаларда санъатнинг ўрнини ёритиб берилишини тақозо этади. Эстетика фани воқеъликни ва борлиқни эстетик англаш жараёнларини тадқиқ қилиб, фалсафий фан сифатида санъат турларининг умумий жиҳатларини ўрганади, шунингдек, ишлаб чиқилган хулосалар асосида инсонларни гўзаллик орқали хақиқатга йўналтиради.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида маданий меросимизнинг ажralmas қисмини ташкил этган миниатюра санъати бой ва ранг-баранглиги билан нафакат мамлакатимиз, балки жаҳон санъат дурданалари қаторидан кенг ўрин эгалаган. Миниатюра санъати асарлари ўзларининг бетакрорлиги билан дунёнинг ноёб дурданалари саналади ва инсонларда эстетик завқ, бадиий дидни шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Миниатюра санъатининг воқеълик билан кисман боғланганлиги, одоб-ахлоқ меъёри, эстетик идеал ва маъно-мазмунининг қонун доирасида бўлиши ҳамда миллий руҳни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам улуғвордир.

Марказий Осиё миниатюра санъатида Шарқнинг эстетик тамойиллари ва ижодкорлик ҳисстайгулари ифодаланиб келинган. Айтиш жоизки, гўзалликни тушуниш учун одам зотига ҳамиша эстетик дид ва идрокий тасаввур лозим бўлади. Шунинг учун ҳам миниатюра асарида табиатни, инсону жонзотларни, бир карашда биз англамайдиган гўзалликни тасвирилаб, уни юксак санъат асарига айлантириш учун ижодкордан доимо кенг билим, маҳорат, юксак савия, дид ва қобилият соҳиби бўлиши талаб этилади.

Марказий Осиё миниатюраси мутлақо ўзига ҳос бўлиши билан бирга, айни пайтда, турли индивидуал ижодий унсурларнинг маҳсули ҳамdir. Миниатюра санъатининг эстетик хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида муайян даврнинг тарихи, фалсафий қарашлари, адабиёти, маънавий муҳити ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлса бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқимизнинг асрлар бўйи ижод меҳнати натижасида яратилган миниатюра санъатини қадрлаш, ундан амалий фойдаланиш, ёшларга ўргатиш орқали уларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли шахслар қилиб тарбиялашга имкон яратилмоқда. Эстетик маданият тараққиётини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этиш, ўз навбатида ёш авлоднинг маънавиятини юксалтиради, фаоллигини кучайтиради ва ўз ижодий имкониятларини рӯёбга чиқаришига даъват этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Буюк тарихда хеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сакланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”[2; 29-б].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маданиятни юксалтириш, маънавий етук, ҳар жиҳатдан камол топган, юксак дид эгаси бўлган авлодни шакллантириш муҳим масала ҳисобланар экан, демак, Эстетика фанининг тадқиқот объекти, яъни санъат ва унинг турларини, ҳамда уларнинг эстетик хусусиятларини ўрганиш ҳозирги кунларда устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

### Адабиётлар

1. [www.UzDaily.uz](http://www.UzDaily.uz)

2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” 1жилд.-Т.; “Ўзбекистон”, 2018. Б.29.

## ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Нурбоев Қ.А.

Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

Каримов Р.

Самдақи 102-ҚҲАЛТЭ гурухи талабаси

Тарих фанини ўрганиш ўзбек халқининг бой маънавий меросида юксак аҳамият касб этган. Ўзбек халқининг тарихий-маънавий ривожи тарихидаги икки уйғониш даври, яъни IX-XII асрлар ва XIV-XV асрлардаги бой маънавий меросимизда ҳам тарих фанининг ўрни катта бўлган.

Хусусан, улуғ мутафаккир, ўзбек адабиётининг даҳоси Мир Алишер Навоий ҳам тарихни билишнинг аҳамияти катта эканини таърифлаб, одамларни тарихни ўрганишга даъват этади. Унинг фикрича тарих фани шоҳлар, ҳукмдорлар таржима-ҳолини эмас, балки мамлакат тарихини ўрганиши керак. Навоий мамлакатни нималар таназзулга ва нималар фаровонликка олиб келишини, қандай ишлар туфайли мамлакат обод бўлишини, ҳалққа фарогат ва баҳт келтиришини тарих кўрсатиб бериши лозим, деб хисоблади. Тарихни факат ўрганиш эмас уни қалбан хис этиш ҳам керак. Зеро, тарих миллатларни яқинлаштирадики, ўтмишда бу миллатлар тарихи муштарак бўлган. Шунинг учун тарих фанида тарихий географиянинг ўрни каттадир. Ўзбекистон тарихи ўрта асрларда Эрон, Олд ва Кичик Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Жанубий Рус каби ҳудудлар билан боғлиқ шаклда ривожландики, бу давр тарихини ўрганишда ушбу ҳудудлар табиий шароити, географияси, шаҳарлари ҳакида тўлиқ маълумот керак бўлади. Ушбу мақолада Эроннинг ўрта асрлардаги вилоятлари, шаҳарлари, кентлари, қалъалари ҳакида маълумот берилишига ҳаракат қилинди.

Исфаҳон – Эроннинг қадими шаҳарларидан бўлиб, ҳар томондан тоғлар билан ўралган пасттекисликда жойлашгандир. 1387 йилда Исфаҳон Амир Темур ҳужумидан қаттиқ талафот кўрган бўлсада, 1403 йилдаёқ Темур набираси Рустам мулкининг маркази бўлиб колди.

Астробод – ўрта асрларда Каспий денгизининг жанубий шарқий томонида, Дехистон билан Мозандарон оралиғида жойлашган катта бир шаҳар. Ҳозир Шимолий Эроннинг кичик бир шаҳри бўлиб, Гургон деб аталади.

Рай – Техроннинг шарқида жойлашган қадими шаҳар бўлиб, XI-XII асрларда ғоятда гуллаб яшнаган бир маконга айланган. Аббосийларнинг машхур халифаси Ҳорун ар-Рашид шу шаҳарда туғилган. Рай шаҳрига мил.авв. 300 йил атрофида Македониялик Александрнинг сафдоши Салевк Никатор (Салавкийлар давлатининг асосчиси) қалъа сифатида асос солган ва юононча ном билан Райга айланган. XVII асрдан Эроннинг ҳозирги пойтахти Техроннинг аҳамияти ошгани сайн Рай ўз мавқенини йўқотган, ҳозир у Техроннинг шарқидаги бир тумандир. [2, 118-б; 3, 330-б]

Гардкўҳ – Рай шаҳридан шарқроқда тоғдаги қалъа.

Ажам Ироқи – Қадимги Мидия ерлари ишғол қилган жойлар шундай аталган.

Шероз – Жанубий Эрондаги шаҳар бўлиб, айрим араб географларининг фикрича, шаҳар қурилишига VII асрда араблар асос солганлар. XIII-XV асрларда Эрондаги энг иирик савдо марказларидан бири бўлган.

Язд – Нишопур, Шероз ва Исфаҳон ўртасида жойлашган бир шаҳар.

Абрақуҳ – Форс ҳудудида жойлашган машхур бир шаҳарча, Ал-Истаҳрийнинг фикрича, у билан Язд ораси 3-4 фарсаҳдир.

Кермон – Эрондаги шу вилоятнинг маркази. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, бу маъмур ва машхур, шаҳар ва қишлоқлари кўп вилоят бўлиб, шарқдан Муқрон, ғарбдан форс, шимолдан Хурросон ва жанубдан Форс денгизи билан чегараланган.[2, 117-б]; бу шаҳар Бардасир ҳам дейилган.[3, 338-б]

Сиржон – Кермондан 160 км жануби-шарқидаги шаҳар, ҳозирги номи Сайидобод.

Журжон – Гургоннинг арабча айтилиши бўлиб, у Каспий денгизи соҳилларининг жанубий-шарқида жойлашган.

Домғон – Техрон – Нишопур йўналишидаги Гургондан жанубдаги қадими шаҳар ва замонавий шаҳар.

Султония – XIV асрда Эронда Улжайтухон томонидан асос солинган мўғул хонлари давлатининг маркази бўлиб, ҳозир унинг харобалари Абхор билан Зинжон ўртасида мавжуддир.[2, 124-б]. Эроннинг шимолий ғарбида техрон-Табриз йўлидаги шаҳар. Унга XIII асрда Элхон Арғун даврида асос солиниб,XIV аср бошида Султон Улжайту даврида тугатилган ва шунинг учун Султония деб аталган. Улжайту Эроннинг пойтахтини шу шаҳарга кўчирган ва у Амир соҳибқирон давригача пойтахт бўлиб турди. [3, 330-б]

Табаристон (Мозандарон) – Шимолий Эрондаги бир вилоят.

Мозандарон – Каспий денгизига жанубдан туташган ўлка, ўрмонзор ва ботқоқликлардан иборат. Унга жанубдан тоғли ўлка Демованд, шарқдан Гургон ва ғарбдан Дайlam ва гilon туташади.

Кабуджома, Руғд, Шосмон – Мозандарон ҳудудидаги мавзеълар.

Кач ва Мекрон – ўрта асрларда Эрон билан Ҳиндистон чегараларидаги қалъа ва ўлка. Мекрон – ҳозирги Покистон ҳудудидаги Балужистоннинг тоғлиқ қисми. Кач – Мекроннинг ғарбий чеккасидаги Даشت дарёсининг юқори оқимидаги қалъа.

Қазвин – обод бир шаҳар бўлиб, XVI асрда бирмунча вақт Эроннинг пойтахти ҳам бўлган. XIV аср машҳур тарихчиси ва географи Ҳамдуллоҳ Қазваний шу шаҳарда туғилган.

Лур ёки Луристон – Исфаҳон ва Ҳузистон ўртасида бўлиб, тоғларга тўлиқ кенг ерларни ўз ичига олган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Лур ерлари обод, бойликлари беҳисоб ва меваларга тўлиқ жой бўлган.[2, 124-б]; Лурестон икки қисмдан иборат бўлиб, Лури Кучек (Кичик Лур) – ғарбий Эрондаги Лурестон ўлқасининг шимолий қисми, жанубий қисми Лури Бузург (Катта Лур) деб аталади, Лурестоннинг бу иккала қисми ўртасидаги чегара Оби Диз дарёси хисобланади. Кичик Лурнинг пойтахти – Хуррамобод. [3, 331-б]

Ҳамадон – ўрта асрларда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам Эроннинг азим шаҳарларидан бири хисобланиб, унинг ғарбида жойлашган.

Маранд – Табриздан 82 км узоқлиқда жойлашган бир шаҳар бўлиб, Ҳозир Эрон Озарбайжонига мансубdir.

Ширвон – Дарбанд томонидаги бир шаҳар бўлиб, ораларида масофа юз фарсаҳдир. Уни Ануширвон бунёд қилганлиги учун шу ном билан аталган.[2, 125-б]. Ширвон дейилганда ҳозирги Озарбайжон Республикаси тушунилган. [3, 343-б]

Жабал – Рай билан Табаристон ўртасида жойлашган тоғлик бир вилоятнинг номи.

Талқон – Эроннинг ғарбида, Қазвин яқинидаги вилоят.

Тус – ҳозирги Машҳаддан 25 км шимолда Кашафруд дарёси бўйида жойлашган қадимги шаҳар. 809 йили машҳур халифа Ҳорун ар-Рашид шу ерда вафот этган ва дағн этилган. Ушбу шаҳар Чингизхоннинг ўғли Тўлуй томонидан вайрон қилиниб яна тикланган. XIV аср иккинчи ярмида Алибек ва Мухаммадбекнинг отаси Арғуншоҳ Тусни марказ қилиб, бир мулкка асос солган эди. Алибекнинг соҳибқиронга қилган хоинлиги эвазига бу мулк тутатилган.

Сеистон (Сакастон, Сежестон) – ўрта асрларда Эроннинг жанубидаги ўлка, баш шаҳри Заранж бўлган. 1756 йили Афғонистон давлатига асос солингандан сўнг ўлканинг шимолий-шарқий қисми бош шаҳри билан бирга Афғонистон таркибига кирди.

Табриз – VIII аср охирида халифа Ҳорун ар-Рашидининг (786-809 йй) хотини Зубайдада Хотун томонидан асос солинган. Аввалига шаҳар узоқ муддат кичик шаҳар бўлиб, XIII асрда мўгуллар даврида Эроннинг пойтахти сифатида улкан шаҳарга айланди. Амир Темур даврида бу шаҳар факат Озарбайжоннинг пойтахти эди.

Омул – Эроннинг шимолида Каспий денгизидан қарийб 20 км масофадаги шаҳар.

Сори – Омулдан шарқроқда, денгиздан 30 км ча масофадаги шаҳар, Тажан номли дарёча бўйида жойлашган.

Халхол – Каспий денгизининг жануби-ғарбидаги вилоят ва шаҳар.

Наҳованд – ўрта асрларда Ҳамадондан 80 км ча жанубда Хуррамобод йўлидаги шаҳар бўлиб, ҳозирда кичик шаҳар кўринишида сақланиб қолган.

Гилонот ёки Гilon – ўрта асрларда Каспийнинг жануби-ғарбида Ширвондан жанубдаги ўлка. Ҳозир Эроннинг шимоли-ғарбидаги шу номдаги остон, бош шаҳри – Решт.

Салмос – Эронда Урмия кўлидан 20 км ғарбдаги шаҳар.

Банди Амир – Форсда Абарқўҳ яқинидаги қалъя.

Абарқўҳ – Форс вилоятида Шероздан 180 км шимолдаги шаҳар, ҳозирда унинг ўрнида Зуберку номли киик кент мажуд.

Семнон – Техрондан 200 км шарқдаги шаҳар.

Ҳузистон – Эроннинг жануби-ғарбидаги вилоят, пойтахти Ахвоз.

Тустар – ўрта асрларда Ҳузистондаги юрик шаҳар. Ахвоздан 70 км ча шимолда жойлашган бўлиб, ҳозир Шуштер деб аталади.

Дехбид – Шероздан Яздга бориш йўлида ундан 120 км ча масофадаги шаҳар.

Истаҳр – ўрта асрларда Форс вилоятида шу номли туман ва унинг марказий шаҳри, Шероздан 70 км шимоли-шарқда бўлган.

Умуман олганда, Марказий Осиё ва Эрон муносабатлари қадимдан то ҳозирга қадар тараққий этдики, бунда юқоридаги шаҳар ва вилоятларнинг ўрни юқори бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев олиб бораётган миллатлараро тутувлик, диний бағрикенгликка асосланган ташки сиёsat натижасида Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи мавқеъни эгалламоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзидиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзидиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзидиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, Ҳудо хоҳласа, ҳавас қилса арзидиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади”.[1,482-483-б]

### **Фойдаланган адабиётлар.**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 486 б.
2. Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. К.2. – Т.: Мехнат, 1992, 192 б.
3. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. // Сўз боши, табдил, изоҳлар ва қўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Ахмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул мухаррир Б.Эшпўлатов. – Т.: Шарқ, 1997, 384 б.

## **ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИГ ЎРНИ**

**Худаяров У.Ж.**

**Самдақи ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.**

Ёшларимизни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз учун уларга биринчи навбатда минг йиллар давомида сақланиб келган урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз ва ота-боболаримиз томонидан босиб ўтилган шонли йўл, шунингдек, бошқа маънавий ва маърифий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сабоқ беришимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни бекиёсdir. Тарих фанини ўқитиш жараённида совет даври тарихи муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мустабид тузумнинг инқирози даврида Республикамиз аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибида содир бўлган ўзгаришлар, аҳолини ўсиш суръатлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт қўрсаткичлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва юрт учун фидоий инсонларни тарбиялаб вояга етказишига хизмат қиласди. Биз ушбу мақолада совет давлатининг инқирозли йилларида Ўзбекистондаги реал ҳолат ҳақида маълумот бердик бу эса мақолани ўқиган инсонларда уша даврдаги сиёсатнинг асл мазмун-моҳияти ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтиради. 1959 ва 1979 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларидан маълумки, ўзбекистон аҳолисини ўсиш суръати собиқ СССР таркибидаги иттифоқдош республикалар аҳолисининг ўртача ўсиш суръатига қараганда анча юқори бўлган. Аҳолининг ўртача ўсиш суръати иттифоқдош республикаларда 1,5 фоиз бўлса, бу қўрсаткич Ўзбекистонда 3,8 фоизни ташкил этган. 1959-1983 йилларда собиқ ССР аҳолиси 129,9 фоиз, ўзбекистон аҳолиси 209,9 фоиз купайган.[1;29] Бу - халқимизга ҳос бўлган серфарзандлик анъаналари ҳамда бошқа қатор ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий маданий факторларнинг оқибатидир. Бизнинг республикамида никоҳда бўлган аёлларнинг барча ёш гурухларида ҳам тўғилиш коэффиценти бутуниттифоқ қўрсатгичларидан анча юқори бўлган. Масалан, собиқ СССР бўйича энг кўп туғилиш 20-24 яшар аёлларга тўғри келиб, ундан кийинги ёш гурухларида туғилиш пасайиб боради ва энг юқори кўрсаткичи 25-29 ёшларга тўғри келади. Ўзбекистонда туғилиш 1975-1976 йилги маълумотларга қараганда собиқ СССРга нисбатан 35-39 ёшли аёллар ўртасида 4 марта, 40-44 ёшли аёллар ўртасида 6 марта ва 45-49 ёшлилар ўртасида эса деярли 12 марта юқори бўлган. Маълумот 49 ёшли аёллар билан тамомланган. Сабаби иттифоқнинг кўпчилик қисмида бола туғиши асосан ана шу ёшгacha давом этган. Ўзбекистонда эса аёллар 49 ёшдан кейин ҳам, то 54 ёшгacha зуриёт кўрганлар.[2;48] Энди эътиборингизни 1959 йилда ҳисобга олинган 16 ёшдан 34 ёшгacha бўлган ўзбек миллиатига оид аёлларнинг ҳар мингтасига тўғри келадиган никоҳланиш коэффицентига қаратсан. Масалан, 16 ёшдан 18 ёшгacha бўлган аёлларда бўй қўрсаткич 666 нафарни ташкил этса, 19 ёшлилар орасида- 318, 20-24 ёшлилар ўртасида- 837, 25-29 ёшлиларда 929, 30-34 ёшлилар ўртасида 916 нафарни ташкил этган.[3;147] Ўзбекистонда 1986-йилда 18, 487 минг аҳоли истиқомат қилган бўлса, 1990 йилга келиб бу курсаткич 20 миллион 322 минг кишига етди, ёки кийинги беш йил мобайнода республика аҳолиси 1 миллион 835 минг кишига купайди.[4;671] Аҳоли сонинг ўсиши билан бирга уни кенг истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Аммо мустабид тузум даврида ўзбекистон факатгина матолар, шойи, ип газламани истеъмол қилишида умумиттифоқ ўртача қўрсаткичи жон бошига истеъмол қилишидан кўпроқ қўрсаткичга эга бўлган. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилиш ўзбекистонда ўртача иттифоқдаги қўрсаткичининг 1960 й. 42,2 фоизини ташкил қилган бўлса 1974 й. 55,5 фоизини, 1983 й. 53,1 фоизини ташкил қилган. Сут маҳсулотлари бўйича истеъмол 56,3 фоизни ташкил қилган.[1;70] Ўзбекистонда жон бошига тўғри келадиган пахта, дон, тухум, гуруч, мева ва узум,

полиз маҳсулотларини етиштириш аҳоли эҳтиёжидан ортиқ миқдорда етиштирилсада, аммо республиканинг ўзида ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж қондирилмаган эди.

Собиқ иттифоқ давридаги медицина фанлар академияси маълумотларига кўра жисмоний меҳнат килмайдиган катта ёшдаги кишилар бир суткада 2600-3000 калория сарфласа, аклий меҳнат билан шугуулланувчи кишилар 3000, болалар ( ёшига караб) 800-2400 калория, механизациялашган меҳнат ходимлари 3500 калория, жисмоний меҳнат килувчи ишчилар 4000 калория энергия сарфлайдилар. Механизациялашган меҳнатда банд бўлган ишчининг суткалик истеъмол киладиган овкатининг калорияси ва химиявий таркиби ҳар хил иктиносидай районларда турлича белгиланган , уни белгилашда иқлим шароити, урф-одат ва бошқа шу каби факторлар ҳисобга олинган. Шимолий районлардан Ёкутистон АССР ва Магадон вилоятида максимал калория (4033 калория) белгиланган бўлиб, Ўзбекистон ва Киргизистон мисолида бўлган калория (3361 калория) белгиланган. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон аҳолисининг истеъмол калорияси даражаси бошқа иттифоқдош Республикаларга нисбатан анча паст бўлган. Шунингдек, мамлакат иктиносидиётининг бир томонлама яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта хомашёсини етиштиришга ихтисослаштирилганлиги бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки , республикамида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун имконият етарли бўлсада аммо, собиқ СССР таркибидаги бошқа республикаларга нисбатан Ўзбекистонда ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш даражаси талаб даражасида эмасди.

Юқоридаги манбалардан кўриниб турибдики 1970-1980 йилларга келиб республикамиз аҳолисининг оғир турмуш шароитларида кун кечириши ва керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қиласмилиги, Ўзбекистон халқлари генафондига жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, бўй даврга келиб туғиши ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик, оналар ва болалар ўлим даражасининг юқорилиги, турли хил юқумли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлди.

Статистик маълумотлар таҳлили аҳоли рўйхатга олинган давр оралиғида, яъни 1979-1989 йиллар давомида республика жами аҳоли сони 15379,4 минг кишидан 19810,0 минг кишига ёки 28,8 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 2,8 фоизни ташкил қилган. 1991 йилга келиб мамлакатда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386,0 минг кишига ўсган.[5;25]

Бу эса Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари Иттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юқори бўлганини кўрсатади. Бироқ аҳолининг бундай ўсиши узоқ йиллар давомида саноат ва иктиносидиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланиб борилмади. Натижада одамлар турмуш шароитининг ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди;[5;26] Республика иктиносидиётнинг бир ёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилиши, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатда асосан хом-ашёни бирламчи қайта ишлашга мулжалланганлиги. Таёр маҳсулот аввало, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришнинг паст даражада эканлиги натижасида республикага 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот четдан олиб келинар эди. Шу йилларда иктиносидиётни комплекс ривожлантириш ҳақида гап-сўзлар ниҳоятда кўп бўлишига қарамасдан, ана шундай тараққиёт йўлига тушиб олишга амалда йўл қўйилмади. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши 1970 йилдаги 40,7 фоиздан 1986 йилда 38,4 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 14,6 фоиздан 13,5 фоизга тушиб қолди. Бунинг ўрнига ёқилғи саноати, химия ва нефть химияси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди. Бундай тармоқларнинг ривожланиши Республикада меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизлик муаммосини ҳал кила олмас эди. Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига ёқилғи саноати ва энергетикада 9 киши, химия саноатида -16, нефть химясида-18, қора металлургияда -34, рангли металлургияда-24 киши жалб қилинди. Енгил саноатда эса 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларида 168 киши, ёғочсозлик саноатида -143, машинасозликда - 112, озиқ – овқат саноатида – 90 киши иш билан таъминланди.[7;50] Аҳолининг ижтимоий ҳолати коникарли даражада эмасди. Қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоизни, ичимлик суви билан таъминланиши салкам 50 фоизни, табиий газ билан таъминланиши 17 фоизни ташкил этар эди. Қишлоқ худудларида аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, майший хизмат

объектлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади. Ваҳоланки, аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қиласр эди.

Ижтимоий-иктисодий кўсаткичларнинг пасайиши, ўз навбатида, аҳолининг турмуш даражасига ҳам таъсир кўрсатиб, яшаш шароитларини оғирлашувига сабаб бўлди. Уша даврда кун кечириш учун ойига ўрта ҳисобда камиде 85 сўм зарур бўлгани ҳолда, 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши Иттифоқ бўйича 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, Ўзбекистонда 45 фоизга етган, яни 8 миллион 800 минг кишини ташкил этган. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаган, яни ишсиз бўлган. 1980 йилларга келиб кишиларимиз ҳаётида оғир турмуш шароитлари оқибатида қийинчиликлар юзага келди.[8;46-47] Бу ҳолатни айниқса аёллар гарданига тушган мусибатлар мисолида қарашимиз мумкин. Масалан, икки йил 1986-1987 йилларда республика бўйича 267 нафар аёллар ўз-ўзига ўт қўйдилар. Биргина 1987 йилнинг ўзида Қашқадарё вилоятида 37 та ана шундай ҳолат кузатилди. Ўзига ўт қўйганларнинг 7 тасини ёш қизларни ташкил қилиши ахволни ута аянчли даражада эканлигидан дарак берар эди.

Маълумки, XX асрнинг 80- йиллари охирларида собиқ СССРда иктисодий, ижтимоий-сиёсий инкиroz жараёнлари кучайиб, бетайнлик авж олиб кетди. Ўз навбатида, Неча йиллар давомида ҳал этилмаган, халқнинг сабр косасини тўлдирган муаммолар охир-оқибатда ижтимоий ларзаларга, миллий низоларга олиб келди. Бундай салбий ҳолатлар, афсўски, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 1989 йилнинг май ойи охирлари, июннинг бошлари бутун Фаргона вилояти жанжал ва тўполонлар алангаси ичида қолиб кетди. Дастлаб 23 май куни бошланган фожиа икки кундан кейин Тошлок туманига, ундан сўнг эса Марғилон ва Кўқон шаҳарларига ўтди. Айтиш мумкинки, бундай фожиалар, юртимиз тарихида ҳеч қачон юз бермаган. ОАВ бор ҳақиқатни айтиб, жаҳон аҳлини огоҳ этиш, бундай тўполонларни олдини олиш ўрнига, бамисоли оловга ўт ёғ сепгандек, Фаргона воқеаларини бир ёқлама ёритишга ҳаракат қиласр эди. Асосий айборлар бир четда қолиб, улар жабр кўрган, қанча-қанча курбонлар берган, жабрдийда халқимиз шаънига маломат ёғдиришга уринарди. Худди “пахта иши” да бўлгани каби, бу сафар ҳам халқимиз ўйқ жойдан айбор бўлиб қолаётган эди.[6;16-17]Хулоса қилиб айтадиган бўлсак советлар даврида ўзбек халқининг минг йиллар мобайнида ардоқланиб келинаётган анъаналари, миллий урфодатлари, дини оёқ ости қилинди. Мамлакатда бўлиб турган хунрезликларни кўриб турган миллий зиёлиларнинг мамлакат фуқоролари ва миллат шаънини химоя қилишга бағишлиланган чикишлари, уша тузум байроқбардорлари ва гумашталари томонидан таъзийқ остига олинди. Уларни номлари тарих зарвақларига душман сифатида муҳрланди.

Хайриятки, мустақиллик туфайли заминимизда йиллар давомида ўйл қўйилган хатоликлар ва келажак авлод олдида қарздорликнинг улкан, залворли юки борлигини англаб турибмиз.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Бекнозов Н. Аҳоли турмуш даражасининг ўсиши. – Т.: “Ўзбекистон” 1985.
2. Асонов Г.Р. Аҳоли географияси. – Т.: “Ўқитувчи” 1978.
3. Вопросы теории народонаселения. Издательство московского университета. 1970.
4. Нарзулла Жўраев, Шоди Каримов. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчикитоб. – Т.: “Шарқ”, 2011.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида китобини ўрганиш бўйича ўқув-улубий қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012.
6. Бобоҷонова Д.. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар. – Т.: “Шарқ”, 1999.
7. Ташбаева Т.Х, Савуров М.Д. Новое традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Т.: “ФАН” 1989.

## **ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Шамсиев Ш.Й.**

**Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

Инсониятнинг XXI асрга қадам қўйиши илм – фан, техника ва тафаккур тарзида мисли кўрилмаган ютуқлар ва натижалар билан боғланиб кетди. инсон ақли билан яратилган замонавий техника ва технологиялар, ахборот алмашиниши воситалари ривожи замонавий цивилизациянинг муҳим хусусиятидир.

Бугунги кунда юксак техника ва технологиялар илдам ривожланиб, турмушимизнинг барча соҳаларига сингиб бораётган экан, биз ўз фаолиятимизнинг бирор-бир соҳасини ушбу техник

тараққиётнинг ютуқларисиз тасаввур қила олмас эканмиз, бизнинг ижтимоий, ақлий ижодий фаоллигимиз жумладан, нутқ маданиятимиз, бадиий ва илмий ижод ана шу техник ижодкорлик соясида қолиб кетмаяптимикин?

Техника ютуқларига тез мослашув, улардан фойдаланиши ва қўллаш маҳорати ёшларимизнинг мустақил дунёқараши, эркин тафаккури ва мушоҳада қобилиятига таҳдид солмайдими?

“Ma’rifat” газетасида (20.09.2018 сони) таникли олим, профессор Мухаммаджон Куруновнинг “Мактабдан таралар келажак руҳи” номли мақоласида ана шу масалага алоҳида тўхталиб ўтилган. Муаллиф қуйидагиларни куюнчаклик билан таъкидлайди: “Сакич ўрамидаги “маърифат”. Тан касаллиги оғиздан, маънавий касаллик кўз, қулоқдан кириб, ёшларни йўлдан оздиради. Маънавий касалликнинг иситмаси одамнинг ниятида, айтган гапларида, қилиқларида ошкор бўла бошлийди. “Оммавий маданият” ёши авлодни ўз қадрдонлари орасида ўзини ўзгача, бегонача тутшишга ўргатиб, ота-боболарининг миллий урф-одат ва маънавий қадрияtlарига нисбатан беписанд қарашга ўргатмоқда.” [1; 20.09.2018]

Айни шу маънода барча ёшларимизни қамраб олган таълим тизими, хусусан, олий таълим тизимида ёшларнинг дунёқарааш эркинлигини мустаҳкамлашда ижтимоий фанларни ўқитишга жиддий эътибор қаратилаётганлиги айни муддаодир. Ушбу тизимда ўқитилаётган “Ўзбекистон тарихи”, “Фалсафа”, “Миллий ғоя; Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси”, “Диншунослик” каби фанлар ўқувчи ёшларда мустақил фикрлаш қобилиятини мустаҳкамлаш баробарида атроф борликда рўй берадиган воқеа – ҳодисаларга нисбатан фикр билдириш, уларга танқидий нуқтаи назардан баҳо бериш, ижтимоий муҳитда ўз ўрнини белгилаб олиш кўнимасини тарбиялади.

2018 йил 28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида урғу бериб ўтган: “Хусусан, миллий ўзлигимизни англаши, Ватанимизнинг қадимиий ва бой тарихини ўрганиши, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириши, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”, [2;] деган фикрлари ижтимоий фанлар профессор-ўқитувчилари олдига янги вазифаларни белгилаб беради.

Хозирги давр ижтимоий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий онг тараққиёти ва инсониятнинг дунёнинг сиру - асрори қарорига тобора чуқурроқ кириб бориши XXI асрга хос бўлган интеллектуал салоҳият устуворлиги билан белгиланади. Шу маънода, дунё ва борлик ҳодисалари тўғрисида фалсафий дунёқараашнинг шаклланиши унда кечётган жараёнларга табиий-илмий билимлар асосида ёндашув билан белгиланади.

Шу маънода, ижтимоий фанларнинг тушунча ва категориялари инсон билиш фаолиятида методологик аҳамиятга эга эканлигини белгилаш қуйидаги муаммоларни:

- ✓ объектив реалликда содир бўлаётган нарса ва ҳодисаларнинг ички сабабий боғланишлари ҳақида мулоҳаза юритиш;
- ✓ дунёда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар ички ва ташқи омиллар таъсири натижаси эканлиги ҳақида аниқ хulosса чиқаришга интилиш;
- ✓ кўз ўнгимизда намоён бўлаётган борлик ички сабаб, мазмун, моҳият, имкониятнинг ташқи ифодаси эканлиги ҳақида қатъий нуқтаи назарга эга бўлиш;
- ✓ ҳар бир обьект умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик белгиларнинг яхлитлиги ҳолатида мавжуд бўлиши тўғрисида илмий билимга эга бўлиш;
- ✓ нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ички зарурият ва сабабийлик сифатида қонуний тарзда намоён бўлишини исботлаб бера олиш;
- ✓ фалсафа категорияларининг илмий билишдаги методологик аҳамиятини белгилаб бериш аниқлаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, борлик, харакат, замон тўғрисида фалсафий умумлаштирув қай даражада ривожланган бўлса, жамият фалсафий тафаккур маданияти ҳам шу ҳолатда бўлади. Бу ҳол эса жамият ва шахс эътиқодини шакллантириш, эълон қилиш маданиятига бориб туташади. Мустақиллигимизнинг меъмори Ислом Каримов таъбири билан айтганда; “Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам-медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар-ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди” [3. 117 б].

Халқ ишончи ва эътиқодини мустаҳкамламоқ йўлида биз янгилаш, тафаккур эркинлиги ва фикр мустақиллигига алоҳида эътиборни қаратишимиш зарур. Чунки танлаган йўлимизнинг хақлигига ишонч ҳосил қилиб, одамларимиз онгу – шуурига ана шу қатъият ва ишончни олиб кира

олмас эканмиз, бошқа соҳаларда олиб бораётган ишларимиз, эришаётган муваффақиятларимиз ўзининг мустаҳкам заминига эга бўла олмайди.

Бу борада мустақиллик тафаккурини шакллантириш, дунёга янгича ёндошув, теран ақл ва тафаккур кучи билан воқеа ва ҳодисаларни баҳолай оладиган, масъулият ҳиссини чуқур англаб, лоқайдлик ва бефарқликка қарши тура оладиган баркамол авлод тарбияси масаласи ушбу муаммони ҳал этишининг муҳим омилидир. Шубҳасиз, бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилаётган маънавий-мағкуравий ахлоқий-тарбиявий ишларимиз ўз самарасини бермоқда.

Шубҳасиз, тафаккур ўзгариши, дунёқараш эркинлиги инсон руҳиятини маънавий маҳқумлиқдан халос этувчи омилидир. Ушбу омил шу даражада аҳамиятлидирки, у инсонни ўзлигини англаш сари йўллайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Қуронов Муҳаммаджон “Мактабдан таралар келажак руҳи” //“Ma’rifat” газетаси 2018 йил 20 сентябр сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// // Нияти улуг' халқнинг иши ҳам улуг', ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2019 йил.
3. Каримов И.А. «Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва садоъатини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир» // Инсон, унинг ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2006, 117-бет.

### **КОРРУПЦИЯСИЗ ТАЪЛИМ - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ**

**Расулов Б. Б.  
СамДАҚИ мустақил тадқиқотчisi.**

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг энг муҳим йўналиши – бу таълим ислоҳотларидир. Таълимни ривожлантиришга ҳар бир даврда ўзгача эътибор билан қаралган. Аммо унинг ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллар ҳам ҳар доим топилган. Бугунги кунда таълимни ривожлантиришга энг катта тўсиқ бўлаётган муаммо – тизимдаги коррупция муаммосидир.

Коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ва шакли аҳолининг иқтисодий ва сиёсий тенгсизлигини кучайтиради, қашшоқликни оширади, ижтимоий зиддиятларнинг кучайишига олиб келади, бозор иқтисодиётининг самарадорлигини пасайтиради ва мавжуд демократик институтларни йўқ қиласади.

Коррупция (лот. айниш, порага сотилиш) – мансабдор шахсларнинг шахсий бойлик мақсадида ўз мансаби бўйича берилган хукуқларини бевосита сунистеъмол қилишдан иборат жиноят ҳисобланади. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади. <sup>[6]</sup> Коррупция фуқаролик жамиятининг ашаддий душманидир. Чунки, фуқаролар учун давлат ўз функцияларини рисоладагидек юритиши “жуда қимматга тушади”<sup>[5]</sup>

Америкалик тадқиқотчи К.Дардена фикрича, коррупциялашган давлатнинг яхлитлиги шундаки, пораҳўрлик бошқарувнинг ноформал институтига айланиб қолади. <sup>[7]</sup> Бундай коррупциялашган давлатда ноформал институтлар кўпайиб кетади ва давлат “изро машинаси”нинг бир қисмига айланиб қолади. Натижада давлатнинг расмий буйрукларини бажаришни бошлайди.

Коррупция ходисасини тадқиқ қиласади бир қатор йирик мутахассислар қуидаги омилларни коррупцияни юзага келтирувчи ҳодисалар сифатида кўрсатади.

Икки хил маънони англатувчи қонунлар — ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айrim мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судьяда уни ўз ҳоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастилиги - аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойданишга қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги - мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгода ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият

билин боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нұктай назар шаклланишига олиб келади. Бу эса үз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Ижро қокимиятининг бирлиги тамойилининг бузилиши — айнан битта фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши:

- ✓ аҳолининг давлатни назорат қилишдаги суст иштироки;
- ✓ давлат секторидаги хизмат килаёттан хизматчилар даромадларининг хусусий секторда топиш мүмкін бўлган даромадлардан камлиги;
- ✓ иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши;
- ✓ инфляциянинг юқори даражаси;
- ✓ мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги;
- ✓ мамлакатдаги диний ва ахлоқ қоидалари.

Мамлакатимизда олий таълим тизими ҳам коррупциядан ҳоли эмас.

2018 йилдан ўтказилган “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровларга кўра, коррупцияга мойил бўлган соҳалар сифатида таълим 21,2 фоиз эканлиги аниқланган.

Шунингдек, 2019 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижасида жами 80 нафар респондентларга “Фикрингизча қайси соҳаларда коррупцион ҳолатлар бошқаларга қараганда кўпроқ содир бўлади?” деган саволга респондентларнинг 63 нафар (78.75%) олий таълимда коррупция мавжудлигини таъкидлаб, шундан 24 нафар (30 %) и “юқори даражада”, 26 нафар (32.5%) и “ўрта даражада” ва 13 нафар (16.25%) “паст даражада” мавжудлигини таъкидлаганлар.

Тахлиллар натижасида маълум бўлдики, таълим тизимида коррупцион жиноятларнинг асосан қуйидаги кўринишлари учрайди:

- Таълим муассасалари мансабдорларининг ўз шахсий манфаатларини устун қўйиб, мансаб соҳтакорлигини содир этиб, соҳа учун ажратилган, тизимнинг бир маромда фаолият олиб бориши учун йўналтирилиши лозим бўлган бюджет маблағларини талон-торож қилиш.
- Таълим тизимидағи корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ходимларини ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш ва шу каби масалаларни пора эвазига ҳал қилиш.
- Таълим муассасалари мансабдорлари томонидан асослантирилмаган ҳаражатлар учун пул йиғиши каби суиистъмолчиликлар содир этилиши.
- Таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиниши юзасидан тузилган статистик маълумотларни соҳталаштириш, таълим муассасасида таҳсил олмаган ўқувчиларга соҳта аттестатларни бериш эвазига пора олиш, ҳақиқатда ишламаган ёки таълим муассасасига умуман алоқаси бўлмаган шахсларни муассаса ходимлари сифатида расмийлаштириш ва бошқа турдаги жиноятлар содир этиш.
- Таълим тизимидағи мансабдор шахслар ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан ўқишига қабул қилиш, бошқа ўқув муассасаларига ўтказиш эвазига пора олиш.

Бу борада бир қанча қонунлар ва бошқа мөъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, соҳада коррупцияга қарши кураш олиб борилмоқда. 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун<sup>[1]</sup> қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг 9-моддасида хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимиға прокуратура, ички ишлар органлари, адлия органларидан ташқари таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳам кириши белгиланган.

Мазкур қонуннинг 17-моддасида таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган:

- ✓ хукуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ✓ хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Президент ташаббуси билан 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун<sup>[2]</sup> ва мазкур қонуннинг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони<sup>[3]</sup> билан тасдиқланди. харакатлар стратегиясининг 2.4.-банди бевосита Жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган. Ушбу бандга асосан:

- жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;
- коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш белгиланган.

Шу асосда коррупцияга қарши курашиш соҳасида аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида коррупцияга қарши курашишда қабул қилинган эънг мухим хужжат – бу албатта, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 27 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони<sup>[4]</sup> бўлиб, унга кўра олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгилаб берилди. Коррупцияга қарши курашиш республика идораларо комиссияси таркиби янгиланди.

Фармонининг 8-банди ижроси юзасидан Олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш буйича тасдиқданган “Йўл ҳаритаси” тасдиқланган. “Йўл ҳаритаси”да 7 йўналишда 46 банддан иборат коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш назарда тутилган.

“Йўл ҳаритаси”да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан қуидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- OTM соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга ошириш;
- OTM қабул жараёни, таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш;
- талабалар ўқишини кўчириш, ўқишига тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни ностирификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўtkазиш;
- OTM фаолиятини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш ҳамда таълим тизимида бюджет маблагларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ва бошқалар.

Олий таълим тизимида коррупция ҳолатларини камайтириш, яъни, коррупцион хавф-хатарни минималлаштириш мақсадида соҳага оид қонунчилик тизимида манфаатлар тўқнашуви нукталарини аниқлаш, айрим ишларнинг “хизмат эвазига бажариш” хусусиятларини йўқотишига эришиш учун соҳага оид меъёрий хужжатлар қайта ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилмоқда. Натижада бир йил мобайнида олий таълим тизимида коррупция ҳолатлари сезиларли даражада камайишига эришилди.

Коррупциянинг олдини олиш мақсадида таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш яхши самара бермоқда. 2017/2018 ўкув йилида илк бор олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари онлайн режимда ўtkазилди. Бу жараён келгусида янада такомиллашмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 ноябрдаги “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўtkазиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан 2018/2019 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўtkазилади. Натижалар тест ўtkazilgan куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Бу тизимда ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қиласи.

Мамлакатимизда таълим соҳасида коррупция ҳолатларининг минималлашувига эришиш учун яна қуидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Таълим соҳасига тегишли меъёрий-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш ишларини давом эттириш;
- Таълим соҳасида очиқлик ва ошкораликни янада кўчайтириш. Бунда талабаларни ўқишига қабул қилиш, ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш, шунингдек, талабалар билимини баҳолашда шаффофликни таъминлаш мақсадида уларнинг аризалари ўз вактида ошкора ўрганиб чиқилиши, имтиҳонларни ошкора ва шаффоф ўtkazish ҳамда талабаларга қўйилган баҳолаш натижалари интернет сайтларида маҳсус шифрлар орқали эълон қилиб борилиши таъминланиши лозим;

- Таълим бериш жараёнининг шаффоғлигини ошириш мақсадида жамоатчилик назоратини янада оммалаштириш;
- Таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш. Бунда талабалар ва профессор-ўқитувчилар, ўқув режалар, дарс жадвали ва бошқа материаллар маҳсус дастурга жойлаштирилиб, профессор-ўқитувчилар ўзларига берилган маҳсус ID рақамлари орқали талабалар билимини баҳолайдилар, талабалар ҳам ўз навбатида маҳсус ID рақамлари орқали тӯплаган баллари ҳақида маълумотга эга бўладилар;
- Олий таълимда фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш ва шу орқали уларда ноқонуний моддий манфаатдорликка бўлган мотивацияни камайтириш;
- Коррупция ҳолатларига йўл қўйган ёки манфаатлар тўқнашувини юзага келтирган профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга нисбатан муросасиз қатъий чоралар кўриш мақсадга мувофиқ.

Бугунги таълим ислоҳотларидан келиб чиқиб, соҳанинг жадал ривожланиши ва замонавий етук кадрлар тайёрлаш учун тизимда коррупция ҳолатларини йўқ қилиш, ёшларга сифатли таълим беришда соҳада фаолият юритаётган хар бир шахс фаолиятни вижданон олиб бориши, атрофдаги турли салбий ҳолатларга бефарқ бўлмаслиги талаб этилади. Зеро, иқтисодиётни юксалтириш, фаровон, тинч-тотув яшшимизнинг асосий қалити – билимdir.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни/2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, 2017 йил 4 январь, ЎРҚ-419-сон / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 27 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони/ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон.
5. Amírez López L., Sánchez Juárez I.L. Crecimiento económico, corrupción e instituciones en México // Nóesis. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. 2013. Vol. 22, № 43. P. 105-133.
6. Социологическая энциклопедия : в 2 т. – М. :Мысль, 2003. – Т. 1. – 693 с.
7. Дарден К. Целостность коррумпированных государств: взяточничество как неформальный институт управления // Прогнозис. 2009. № 2. С. 109-134.

### **ИЖТИМОЙ ТИЗИМДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК**

**Ризаев И. И.**

**СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

Бизга яхши маълумки, бугунги глобаллашув жараёнида юз бераётган сиёсий, иқтисодий жараёнлар, ижтимоий ва маънавий муносабатлар чигаллашиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий ҳаёт асосини белгиловчи миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик масалаларини ҳал қилишда турли мураккаб шароитлар вужудга келиши кузатилмоқда. Табиийки, бундай шароитда хар бир давлат, ҳар бир ҳалқ ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлашга, миллий қадриятларини асраб-авайлашга эътиборини кучайтиради. Аслида хавфсизликни таъминлаш комплекс вазифа ҳисобланиб, толерантлик, ўзга дин ва этнос вакилларига, уларнинг урф-одат, анъана ва қадриятларига ҳурмат назари билан қараш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, "толерантлик" (бағрикенглик) сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, бу кундалик майший эмас, балки чуқур фалсафий мушоҳадани талаб этади [4:446]. Минг йиллар илгари қадимги Юнонистанда демократия даҳолари томонидан яратилган бу тушунчага бугунги кунда катта эҳтиёж кузатилмоқда. Маълумки, инсоният тарихида диний ва мағкуравий сабабларга кўра турли даврларда кўплаб зиддиятлар, урушлар ва можаролар қайд этилди. Бугунги кунда ҳам сайёрамизнинг аксарият худудларида бағрикенглик масаласи жуда муаммоли кечмоқда. Аммо, биз

шонли тарихимизга назар соладиган бўлсак, турли миллат, этник келиб чишиш, дин, тил, менталитет ва маданий манфаатларнинг бир-бирига мос келадиган ва табиий равишада уйгун жамоани эсга олишимиз мумкин. Ватанимиз ҳудудида ислом, буддизм, яхудийлик, насронийлик каби дин вакиллари тинчлик-осойишталиқда яшаб келган.

Толерантлик фуқаролик жамиятининг энг муҳим маънавий ва ахлоқий принципидир. Ҳар бир алоҳида кишининг толерантлик даражаси кўп жиҳатдан унинг шахсий сифатларини, маънавий етуклиги ва маданиятини, унинг бошқа кишилар билан муносабатини билдиради. Ҳозирги кунга келиб толерантликни шакллантириш муаммоси долзарб жиҳатга эга бўлмоқда.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи устувор вазифаси - “Хавсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёsat юритиш” деб номланиши ҳам бежизга эмас. Фуқаролик, миллатлараро ва конфесиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш [1:27] асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ҳозирги кунда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ҳамда тарбиявий ишларни чукур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда.

Кескин глобаллашув жараёнида учраб турган, этник гурухлар орасига низо солиш, ўзга дин вакилларига муросасиз позицияда бўлиш каби турли хил хуружларга нисбатан огоҳ ва хушёр бўлиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг мукаддас бурчидир. Жумладан, ёшларимиз бундай хавфларга нисбатан сергак бўлишни ўз вазифалари деб билишлари шарт.

Ўзга дин ва миллат вакилларига тоқатсиз муносабатда бўлиш, ёшлар онгига сепаратизм ва диний ақидапарастлик каби вайронкор ғояларни, жамиятимизнинг асл қадриятларига дахли бўлмаган, ёт уйдирма баъзан жаҳолат сари етакловчи шавқатсиз тушунчаларни сингдиришга уринишлар учраб келмоқда. Тўғри, бу борада ёшларимиз орасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Аммо, занжирнинг кучи унинг энг заиф ҳалқаси кучига тенг эканлигини унутмайлик.

Биз барпо этаёттаги фуқаролик жамиятини турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан ҳимоя қилиб, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг асл моҳиятини ёшларимизга тўғри тушунтириш, диний эътиқоднинг эзгу ғояларини кенг тарғиб этишимиз даркор. Баъзан дин ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатларга дуч келмоқдамиз. Бу каби ҳолатларга чек қўйишимиз учун динлар тарихи, таълимоти тўғрисида муайян билимларни эгаллашга ўргатишимиз талаб этилади.

Бугун хизмат фаолиятимизга сингиб кетган диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни янада чукурлаштириб, керак бўлса, уни бойитиб мамлакатимиз аҳолисининг катта фоизини ташкил этадиган ёшларимизга уқтиришимиз лозим. Зоро, бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат ҳамда ўнлаб диний конфесия вакиллари яшайдиган жонажон Ўзбекистонимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш энг устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, кишилар орасидаги муросасизлик ҳозирги дунёнинг энг катта глобал муаммоларидан бирига айланди. Жамоавий, институционал ва ҳатто давлат нуқтаи назари даражасига кўтарилиган муросасизлик демократия тамоилларини кўпоради ҳамда инсоннинг шахсий ва жамоавий хукуклари бузилишига олиб боради [3:17]. Дарҳакиқат, дунёнинг кўпгина ҳудудларида авж олиб бораётган муросасизлик салбий оқибатларга олиб келиши кундай равшандир.

Дунёдаги ҳар бир ҳалқ ва давлат кучли бўлишни, яхши яшашни орзу қиласи. Айни пайтда Ўзбекистон танлаган йўл жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганлиги фаҳр туйғусини уйғотади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йили БМТ Бош ассамблеяси сессиясида “Биз Ўзбекистонни дунёга янгича қиёфада намойиш этмоқчимиз” деганида юксак маънавиятли шахсни, ишончли тараққиёт йўлини танлаган, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлайдиган жамиятни назарда тутгани шубҳасиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий, информацион хуружларнинг реакцион моҳиятини очиб бериш, ёшларимиз қалбида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз мустақил, эркин фикрига эга

бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши сабит тура олишга қодир, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳаммамиз учун ўта долзарб вазифадир.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Т., Адолат 2018, - 27 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI Аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997.
3. Тишков В.А. Толерантность и согласие. Материалы международной конференции.“Толерантность, взаимоотношении и согласие”, Якутск, июнь, 1995 г. — М., 1997, – 17 б.
4. Фалсафа қомусий лугат –Т.:Шарқ, 2004. – 446 б.

## ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАРИХДАН

Бегалиев Ж.Т.

СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Қодиров Алишерхон,

СамДАҚИ 2-курс магистрант.

Ҳар икки давлат ҳам қадимий маданиятга эга халқлардан хисобланнишади. Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги илмий ва маданий соҳадаги ҳамкорлик буюк ипак йўли орқали амалга ошириб келинган. Хитой Халқ Республикаси ташкил топгунга қадар (1949 йилга) аҳолининг 80 % саводсиз бўлган.

Халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин маориф тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Лекин “маданий инқиlob” йилларида маориф тизими ҳам тангликка учради. “Маданий инқиlob” нинг амалга ошириш вақтида деярли барча ўқув юртлари ёпилди, саводсизликни тугатиш, бўйича олиб бораётган ишлар тўхтатилди. Халқ маорифи тизимида 1985 йилдан бошланган ислоҳатлар асосида мамлакатда 9 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. У бошлангич (ўқиши муддати 5 йил) ва ўрта умумий таълим мактабларидан иборат бўлди. Ўз навбатида ўрта умумий таълим мактаби биринчи ва иккинчи босқичи бўлиб, уларда ўқиши муддати 5 ёки 6 йил қилиб белгиланди. Шунингдек мамлакатда ўрта маҳсус ўқув юртлари ва касб-хунар техника билим юртлари ҳам мавжуддир.

Хитойдаги энг йирик олий ўқув юртлари қаторига Пекин университети, Нанкин университети, Шанхайдаги Тунци ва Фудам университетлари, Пекиндаги “Цинхуа” политехника институти, Пекин авияция, машинасозлик институтлари, ўлка ва муҳтор раён марказларидағи университетларни киритиш мумкин. Хитой олий ўқув юртларида 4,13 миллион талаба таълим олади.

Хитойда маданий-маърифий муассасалар фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Мамлакат худудида бир нечта йирик кутубхоналар мавжуд. Улардан энг йириклари Пекин миллый кутубхонаси хисобланади. Ушбу кутубхона фондида 4,5 миллион турли хил фан соҳаларига оид асарлар мавжуддир. Хитой Фанлар Академиясининг марказий кутубхонасида эса 2,6 миллион асар, шунингдек Нанкин кутубхонасида 2,4 миллион асар, Шанхай кутубхонасида 7,1 миллион асар мавжуддир.

Хитой Халқ Республикасида маданий – маърифий муассасаларнинг яна бир тури бўлган музейлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакат худудида бир нечта йирик музейлар ҳам мавжуддир. Жумладан, Пекиндаги сарой музейи, Хитой музейи, Хитой тарихий музейи, Шанхайдаги тиббиёт тарих музейи, Шанхай музейи, Пекиндаги геология музейи, ўлка ва муҳтор раёнлардаги музейлар шулар жумласидандир.[1] Музейларда турли давларга оид экронатлар ўрин олган.

Хитой илм-фани ривожида илмий тадқиқот муассасаларнинг ҳам ўрни юқоридир. 1949 йилда Хитой Фанлар Академияси, 1956 йилда тиббиёт Фанлар Академияси ва Қишлоқ хўжалик Фанлар академияси ўз фаолиятини бошлади. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси Хитойнинг олий илмий муассасаси хисобланади. Фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва илмий тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қиласи. Хитой Фанлар Академияси Нанкиндаги Марказий илмий тадқиқот академияси негизида 1949 йилнинг ноябр ойида Пекин шахрида ташкил этилган бўлиб, Академия таркибида физика-математика ва

кимё фанлари, биология фанлари, геология ва география фанлари, техника фанлари, фалсафа ва ижтимоий фанлар бўлимлари, 80 га яқин илмий тадқиқот муассасалари мавжуддир. Ушбу илмий-тадқиқот институтларида илмий жараёнга оид тадқиқоқ ишлари олиб борилади. Шунингдек, мамлакатда ўрмончилик Академияси, Хитой анънавий тибиёти илмий текшириш институти, Геология Фанлари Академияси, Чўян ва пўлат марказий институти, Рангли металлар марказий академияси, нефт кидирув ва қазиш илмий тадқиқот институти, тўқимачилик илмий тадқиқот институтлари ҳам фаолият кўрсатади. 1999 йилдаги маълумотга кўра Хитойда 2,71 миллион киши илмий тақдикот ишлари билан шуғулланган. 1981 йилдан тадқиқотчиларга бакалавр, магистр ва Фан доктори каби илмий даражаларни бериш тизими жорий этилди. Барча илмий тадқиқотлар Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши ҳузуридаги Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштириб турилади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг илм Фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари қадим даврлардан бошланган. Мустабид тузум ҳукмронлиги йилларида ҳам бу алоқалар мавжуд эди. Жумладан, 1950 йилдан Ўзбекистон Хитойнинг Цинцзян-Ўйғур муҳтор раёнига кадрлар тайёрлаш, маҳаллий аҳолини уйғур, қозоқ тилларидағи адабиёт ва ўкув китоблари билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ер ости бойликларни аниқлаш, ирригация тизимини яхшилаш бўйича катта ёрдам кўрсатди. Адабиётларни нашр қилиш учун Тошкентда маҳсус таҳририят, кадрлар тайёрлаш учун Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллый университети) да кафедра ташкил этилди. Шунингдек, 1978 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон талаблари Хитойга тил ўрганиш учун юборилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси давлатлари ўртасида илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик масалалариға ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва бу жараёндаги алоқалар кенгайтирилди. Ушбу йўналишда ҳуқуқий асосларни яратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 1992 йилнинг 13 марта "Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим" икки мамлакат ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликнинг қонуний асоси сифатида эътироф этилди.[2]

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи даврида имзолаган "Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризми ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида" ги битим бу икки мамлакат талabalari учун кенг имкониятлар яратди. Бу шартнома ўқитувчи- стажёрлар, талabalар алмашишга ҳам кенг йўл очиб берди. Масалан, мазкур даврда Пекин тиллар институти билан Ўзбекистон Миллый университети ва Тошкент Шарқшинослик институти, Сиан тиллар педагогика институти билан Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари институти ҳамда Самарқанд давлат университети каби жамоалар ўртасида ўқитувчилар ва талabalар, стажёрлар ҳамда дарсликлар, адабиётлар алмашинуви яхши йўлга кўйилди.[3]

1994 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллый ассоцасияси делигацияси Хитой Халқ Республикасида бўлди. Делегация таркибида ассоцасияси раиси Н. Фоипов, Жаҳон тиллар университети ректори, "Ўзбекистон - Хитой дўстлик жамияти" нинг раиси Н. Бўронов, ассоцациянинг Ҳинди-хитой, Тинч океани минтақаси ва Шарқий Европа мамлакатлари бўлим бошлиғи Б. Розбокиев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Т. Обидовлар бор эди. Декларациянинг Пекинга боришдан асосий максади Ўзбекистон билан Хитой халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, Хитой-Ўзбекистон жамиятини тузиш ва келажак дастурини тасдиқлашдан иборат эди. Ўзбекистонликларнинг Хитойга сафари чоғида муҳим хужжат Хитё хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти раисининг муовини Чен Хао Су ва профессор Наим Гоировлар бошчилигида 1994-1998 йилга мўлжалланган дастур имзоланган эди. Албатта бу хужжат икки халқ ўртасида дўстлик алоқаларининг янада ривожланиши учун хизмат қилмоқда.

1996 йил Пекинда ЎзР Фанлар Академияси билан Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси Цинцзян филиали билан 1999 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар илмий соҳадаги самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

Хитой Халқ Республикасининг илмий марказлари билан ҳамкорликда турли йўналишларда изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ЎзР ФА Электроника институти электр ёритқичларни ишлаб чиқариш, ЎзР ФА Кибернетика институти маълумот ва бошқариш соҳасида ҳамкорлик қилмоқдалар. ЎзР ФА Геология ва геофизика институти олимлари хитойлик

ҳамкаслари билан жанубий Тян-Шан рудасининг ташкил топиши ва металлга айланиш жараёнларини ҳамкорликда ўрганмоқдалар.

ЎзР ФА Сейсмология институти Хитой Халқ Республикаси Давлат Сейсмология Бюроси билан алоқалар ўрнатган. Бу икки муассаса томонидан 1991 йил май ойида ўзаро англашув протоколи имзоланган. Хитой Халқ Республикаси ФАнинг Сейсмология Бюроси мутахассислари томонидан Ўзбекистондаги учта сейсмик станцияни кайта жиҳозлаш тўғрисида шартнома тузилди. Ҳамкорликда сейсмологик лаборатория ташкил этишга келишиб олинди. 2001 йил июл ойида қўшма станция ташкил қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур битим доирасида Хитой Сейсмология Бюроси томонидан 400 минг АҚШ доллари ҳажмида зарур асбоб-ускуналар ажратилди. 2002 йилда эса ЎзР ФА Сейсмология институтига 5 та комплекс рақамли Сейсмик станциялар бегараз ёрдам сифатида тақдим этилди.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик давлатлар маданий-маънавий ҳамкорлигининг муҳим ва ўзвий қисми ҳисобланади.

1994 йилда 32 нафар ўзбекистонлик талabalар Хитойда таълим олди. Мустакиллик йилларида республика олий ўқув юртларида 200 га яқин хитойлик аспирант, стажёр ва талabalар таҳсил олдилар.[4]

1999 йил 8 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим” имзоланди.

Мазкур битимга асосан, ҳар йили томонлар 20 нафар талаба. ўқитувчи, стажёр ва тадқиқотчиларни ўзаро алмашиниш жараёнлари амалга оширилмоқда. Республиканинг катор нуфузли олий ўқув юртлари талabalari, профессор - ўқитувчилари, стажёр ва тадқиқотчилари XXRнинг етакчи олий ўқув юртларига жўнатилмоқда. Улар Пекин тил ва маданият университети, Синхуа университети, Харбиндаги технология университети, Хуажундаги илмий-технология университети, Шанхай университети, Нанкай университети, Тянцзин университети, Вухан университети ва бошқа олий ўқув юртларида ўқимоқдалар.

1996 йилда Пекинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида, 2000 йилда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида Хитой Xлақ Республикаси Ижтимоий Фанлар Академияси ўртасида битим имзоланди.

1997 йилда Хитойда Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари хитой тилига таржима қилиниб чоп этилди. Шунингдек, мазкур йилда Ўзбекистонга бағишлиган маҳсус журнал ва 2004 йилда китоб нашрдан чиқди. Тошкент билан Шанхай шаҳарлари, Бухоро вилояти билан Хубей провинцияси, Тошкент вилояти билан Шанхай провинцияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди.

2000 йилда илмий-техника ҳамкорлиги бўйича маҳсус қўмита ташкил этилди. 2001 йилда Тошкентда Хитой маданий маркази ташкил топди. Ушбу маданий марказ икки давлат ҳалқлари ўртасида турли хилдаги маънавий- маърифий тарғибот ишларини олиб бормоқда.

2002 йилда Тошкент шаҳрида “Хитой Халқ Республикаси фани ва техникии кунлари” деб номланган кўргазма бўлиб ўтди . Ушбу кўргазмада Хитой фани ва бугунги кундаги техникалари намойиш этилди. 2003 йилда эса Чан Чун (Цзилин ўлкаси) шаҳрида буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг ҳайкали ўрнатилди.

2004 йилда Пекинда Ўзбекистон-Хитой Халқ Республикаси муносабатларига бағишлиган илмий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон ва Хитой давлатларининг қадимги даврдан бошлаб то бугунги кунгача бўлган ҳалқаро муносабатлари иқтисодий-ижтимоий маданий соҳалардаги ҳамкорлиги хусусида фикрлар юритилди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида Хитой маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ўтган даврлардан бошлаб давом этиб келаётган икки давлат ўртасидаги талabalар алмашинуви мустақиллик йилларида ҳам кенг ҳолатда амалга оширилмоқда. Жумладан, 2004 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Олий ва Ўрта Маҳсус таълим вазирлиги билан Хитой таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда хитой тилини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институтни ташкил этиш тўғрисида битим имзолади. Икки томонлама ҳамкорликни ривожланишига 1998 йилнинг 1 декабрида тузилган “Ўзбекистон – Хитой” дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йўлидан ривожланиши миллий маданият жумладан, миллий маданий меросни ўрганишга қизиқишини ниҳоятда кучайтириб юборди. Бу эса

бошқа чет малакатларда Ўрта Осиё, аввалги Туркистон халқларининг умумий меъросини ўрганиш бўйича олиб бориаётган илмий тадқиқотларнинг аҳамиятини ошириди.

Туркия, Хитой, Афғонистон, Эрон каби мамлакатларда қадимги Туркистон халқлари маданий меъросини ўрганиш бўйича шарқшунос, адабиётшунос, тарихчи олимларимиз томонидан қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди. Айниқса ҳозирда Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё Республикалари мустакилликка эришган бир шароитда чет эл мамлакартлари билан турли алоқаларни жумладан, маданий, илмий муносабатларни кенг ривожлаптириш учун катта шароитлар яратилди. Масалан, Хитой Халқ Республикасида туркий халқларнинг қадимги Туркистон халқларнинг маданий меъросини ўрганиш ишлари кенг йўлга кўйилди. Маълумки, ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг фарбий ўлкаси Шинжон Уйғур муҳтор раёни, яъни Шарқий Туркистонда истиқомат килувчи уйғур халқларнинг қадимий маданий меъроси умумтуркий халқлари маданияти тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Фофуров Н.О. Манфаатли ҳамкорлик // Jamiyat va boshqaruv. –Тошкент, 2008. –N 3.-Б. 39-41.
2. Фофуров Н.О. Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг айрим ҳукуқий асослари// Илмий тўплам. Наманган, 2009. –N 3. –Б. 67-69.
3. G'afforov Ya. X., Xolliyev A. “Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти”.- T, Universitet. 2003. 90-бет.
4. Фофуров Н.О. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий ҳамкорлик. //Шарқшунослик. –Тошкент, 2008.- N 1-2. –Б.130-133.

## **НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ПРОГРЕСС И ЗАДАЧИ ЭКО-ВОСПИТАНИЯ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ**

**Хасанова Л.Т. –  
ст. преподаватель СамГАСИ.**

«В центре нашего внимания останутся вопросы экологической безопасности, рационального использования водных и других природных ресурсов».[1]

Необходимо повышать экологическое воспитание, особенно среди подрастающего поколения. Особое внимание уделяется роли ННО в повышении экологической культуры населения, развитии системы экологического образования и воспитания. Этому способствуют обучающие программы, научно-практические конференции, семинары, тренинги, а также фестивали и конкурсы. Заслуживают внимания просветительские мероприятия, хашары и другие экологические акции территориальных отделений, в которых активно участвует местное население. Эта практика способствует повышению уровня знаний и приобретению навыков по применению правовых механизмов в решении экологических проблем.

Охрана природы - одна из самых актуальных проблем современности, так как в век научно-технического прогресса природные ресурсы Земли стали подвергаться чрезмерной эксплуатации.

Охрана окружающей среды – это плановая система государственных, международных и общественных мероприятий по рациональному использованию, охране и восстановлению природных ресурсов, защите окружающей среды от загрязнения и разрушения для создания наиболее благоприятных условий существования человеческого общества, удовлетворения материальных и культурных потребностей живущих и грядущих поколений.

31 октября 2019 года была утверждена Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года. Согласно данной Концепции Союз молодежи Узбекистана совместно с экологической партией Узбекистана организует экологические акции, направленные на формирование у молодежи бережного отношения к окружающей среде, сохранение природы и недопущение загрязнения воздуха, воды и почвы, причинения ущерба флоре и фауне.

«Мир сегодня стремительно меняется. Возникают все новые и новые вызовы, угрожающие судьбе и будущему человечества... В таких сложных условиях мы, опираясь на мудрость, твердую волю и огромный созидательный потенциал нашего народа, собственные силы и возможности, вместе со всем мирным сообществом продолжим уверенно идти вперед». [2]

Особо важное значение в становлении высоконравственного отношения человека к природе имеет экологическое воспитание в семье и в школе. Здесь закладываются основы гуманного отношения к природе. Экологическое воспитание в семье во многом зависит от родительского авторитета, от того, как семья в целом, и каждый взрослый в отдельности, реагируют на сохранение природной среды дома, в парке, в поле и т.д.

Семейная жизнь, работа родителей, их поведение формируют первые ростки детского отношения к природе и человеку. В экологическом воспитании важное значение имеет сила подражания. Нужны живые хорошие примеры перед глазами детей. Каждое наше слово, каждый наш жест, не говоря уже о поступках, раз их видит ребенок, могут служить для него примером для подражания.

Школа и семья призваны заложить у человека отношение к природе как к постоянному источнику уникальных материальных и духовных ценностей. В этом плане значительно усиливаются экологические аспекты воспитания и образования в школьных программах и учебных планах, ведется внешкольная работа по организации кружков по охране окружающей среды.

Статья 50 Конституции Республики Узбекистан посвящена бережному отношению к окружающей природной среде и это является одной из обязанностей граждан нашей Родины. [3]

Уровень общественного экономического сознания во многом определяет направление и интенсивность природно-охранной деятельности государственных и неправительственных организаций. Процессы воспитания, образования, информационно-просветительской деятельности способствуют преодолению потребительской политики природопользования в стране, развитию экологических прав и обязанностей граждан, формированию их экологического мировоззрения.

В формировании экологического образования первостепенное значение имеет усвоение принципов охраны природы и рационального природопользования. Для этого необходимо преодолеть несколько стереотипов мышления и поведения, широко распространенных в прошлом.

Это убежденность в том, что наша страна обладает несметными природными богатствами и они избавляют нас от заботы об их экономичном и экологическом использовании. Окружающая природная среда обладает не только сиюминутной ценностью. Мы обязаны использовать все возможности современной цивилизации, чтобы она могла и в будущем удовлетворять потребности общества. В последнее время на эти цели выделяются крупные средства, но из-за серьезных организационных недостатков и отсутствия единой системы трудно рассчитывать на ощутимые результаты.

Научно-технический прогресс изменил условия жизни человека, сделал ее более комфортабельной, но вместе с тем и отделил человека от природы. Эта оторванность привела к утилитарному, потребительскому отношению к ней. Практическое отношение человека к природе закономерно. И все же необходимо не только потребительское, но и эстетическое отношение к окружающему миру. Лишь рациональное использование природы в сочетании с любовью к каждому ее проявлению, ко всей ее красоте даст возможность обеспечить будущее планеты, а вместе с ней и человечества.

Экологическое образование и воспитание нельзя отрывать от формирования личности, так как взаимодействие общества и природы - это прежде всего мировоззренческая проблема. В процессе формирования научного мировоззрения определяется место человека в системе «общество-природа». Целью экологического образования должно стать осознание всеми людьми идеи гармонического взаимодействия общества и природы, человека и окружающей среды, ответственности за ее состояние, проявляющейся в научно-обоснованном воздействии на природу.

Эстетическое значение природы огромно. Она всегда вдохновляла искусство, была источником великих творений во все времена существования человечества. В лучших произведениях литературы и живописи отражены картины природы. Красота ее способствует творческому вдохновению, вызывает у человека положительные эмоции, воспитывает вкус и чувства. Излюбленные поэтические образы народного творчества заимствованы из природы.

Познание законов гармонии и красоты природы помогает человеку создавать прекрасные города, новую, эффективную и в то же время гуманную технику, не уничтожающую красоту природы, а обогащающую ее. Эстетические переживания, связанные с красотой природы, воспитывают любовь к Родине, прививают вкус к прекрасному, стремление к сохранению природных богатств.

#### **Использованная литература:**

1. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису // Самаркандский вестник, 29.12.2018 г. №103-104, стр. 4
2. Мирзиёев Ш.М. Доклад на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан. // Самаркандский вестник, 11 декабря 2019 г., №98. стр. 2 /
3. Конституция Республики Узбекистан. – Т.: 2017, стр. 17

4. Лосев А.В, Провадкин Г.Г Социальная экология. – М.: 1998.
5. Матье Люсьен. Сбережем землю. – М.: 1985г.

## ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИННИНГ КАСБИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИ

Кенжасев Ш.Х.

Гулистан давлат университети катта ўқитувчи.

Жамият тараққиёти келажак авлодни ҳар томонлама етук, салоҳиятли шахс сифатида таркиб топтириш, ёш мутахассисларнинг педагогик ва психология билимларини пухта ўзлаштиришлари, таълим-тарбия конуниятларини мукаммал эгаллашларини талаб этади. Бу ҳақида биринчи Президентимиз И. Каримов шундай дган эдилар: «Барчангизга маълумки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир».

Замонавий ўқитувчи шахсининг касбий сифатларини шакллантиришга бўлган талаб давлат ва жамият талабидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ёш авлодни баркамол этиб шакллантирувчи, ўз касбини меҳр-муҳаббат билан ардоқловчи, касб маҳоратига эга, янги педагогик технология ютуқлари билан куролланган малакали педагогларни тарбиялашда қуидаги амалий тавсияларга риоя қилиш муҳимдир:

-ҳар бир талаба ўз касбий вазифасини оила, боғча ва мактабда олиб бориладиган таълим-тарбиявий фаолият билан боғлиқлигини ҳис қилган ҳолда унга бўлган эътиборини кучайтириш;

-ўзининг педагогик фаолияти жараённада бола шахсини шакллантириш учун назария ва амалиёт бирлигини таъминлай олиш;

-талабанинг амалиёт жараёнлари орқали келгуси фаолият обьекти билан боғлиқлигини кучайтириши учун бевосита муносабатни ўрнатиш;

-талабалар эгаллаши лозим бўлган касбга содиқлиги, қизиқиши ва унга бўлган муносабати шу фаолиятининг ўсиб бораётган муваффақиятини таъминлаши;

-олий таълим муассасаларидаги лабораториялари ва амалий машғулотларида фанларни комплекс ўрганиш санъатини эгаллаш;

-талабаларни доимо ўз устида ишлашга ўргатиши илмий ва услубий тавсиялар бериши янги педагогик технологиялардан таълим жараённада фойдаланиш тажрибалар ва янгиликларни амалга татбиқ этиши зарур.

Бўлажак педагог мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришда талabalарни муомала маданиятига ўргатиши муҳим заруриятлардан бириди. Чунки у инсоннинг инсон тамонидан идрок қилиниши механизмларини ижтимоий ҳаётда қўллаш; шахсларро муносабатни мақсадга мувофиқ амалга ошириш; коммуникация шаклларидан турли вазиятларда тўғри фойдаланиш; ўзаро таъсир ўтказувчи воситаларни амалиётга татбиқ этиш; можароли вазиятларнинг олдини олиш, ўқитувчи билан талabalар ўртасидаги алоқани ўрнатиш; бир – бирларини тушуниш; муомала жараённада талаба билан ўқитувчи ўртасида ахборот узатиш ва ахборот алмашиш, ўқитувчи билан талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ўрнатиш имконини беради. Бунинг учун билимларни ўзлаштириш жараённада талаба ва ўқитувчи ўртасидаги оралиқ масофани камайтириш, ўзаро яқинлик самимийлик, ишонч туйгусини вужудга келтириш лозим.

Шунингдек ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бола тарбияси ва камолотида ҳам ўзбек халқининг ўзига хос, узоқ тарих тажрибаси синовидан ўтган ажойиб анъаналари бор. Болаларнинг ахлоқ ва одоби ўзбекона тарбиянинг маҳсулидир. Халқимизнинг тарбия борасидаги етук миллий маънавияти ҳамма вакт умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Чунки халқимизда ҳомиладор аёлларнинг тиббий-маърифий, тарбиявий томонларига азалдан алоҳида эътибор қаратиб келинади. Бу ўринда маҳалла, ота-оналар ва болаларнинг маънавий тарбиявий муносабатларини ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Маънавият инсоннинг асл табиатини унинг ижтимоийлигини ва шахс сифатидаги индивидуаллигини мустаҳкамлашга, ақлий ва руҳий дунёсини тарбиялашга, камол топтиришга, ижодий ва бунёдкорлик имкониятларини юксалтиришга, жамиятнинг маданий меросини бойитишга хизмат қиласи. Унинг ўзи ҳам айнан ўша нарсалардан шаклланади. Шундай экан барча жамиятларда ҳам инсон ва унинг ҳар томонлама маънавий камолоти масаласи ўша жамиятнинг энг муҳим масаласи бўлиб келган.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов ўз асарларидан бирида ёзади: “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни

ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги”.

Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хуш муомаладангина иборат эмас, ахлоқ бу аввало инсоф ваadolat туйғуси, имон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсақ, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалби ҳаромдан ҳазар, нопокликка,adolatsizlikka нисбатан муросасиз бўлиши керак.

Шундай одамгина лафзни покликни, ҳалолликни сақлайди. Бирорнинг ҳақига ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, ҳалқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барча имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни тақозо қиласди.

Таълим-тарбия жараёнида бошқа ҳалқлар меросининг ижобий томонларидан қанчалик фойдаланмайлик барибир ўзбек миллий қадриятлари маънавий камолотимизнинг асоси бўлиб колади. Бу борада ҳалқ педагогикасининг анъаналари мухим аҳамият касб этади. Бу анъаналар узоқ давр давомида ривожланиб, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, маҳалла-кўйлар ҳам тарбиялайди, - деган анъанага айланган. Ёшларни маънавий қиёфасини шаклланишига ҳамма даврда ҳам атроф-муҳит катта таъсир кўрсатиб келган. Таълим-тарбия ишларида Мухаммад Пайгамбарнинг ҳадисларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Ҳадисларда маънавий-ахлоқий камолотнинг барча диний муаммолари билан бир қаторда, умумбашарий масалаларга ҳам катта ўрин берилган. Афсуски, шу вақтга қадар таълим-тарбия ишларида ҳалқнинг бой педагогик меросидан, Куръони карим, ҳадислар ва шаръий ҳукмларда илгари сурилган ғоялардан тўла фойдалана олганимиз йўқ. Аслида булар инсон маънавий камолотининг ҳамма даврлари учун ҳам аҳамиятли бўлиб қоладиган заминларидир.

Шахсни комил инсон қилиб тарбиялашдаги воситалар бугунги кунда айнан тарбия тизими орқали амалга оширилади. Тарбия тизимида қуидаги ахлоқий фазилатлар тизими мавжудки, маънавий камолот соҳасида ҳам асосий мақсад ўша фазилатларни шакллантиришдан иборатdir. Уни қуидагича таснифлаш мумкин. Ахлоқий фазилатлар:

1.Ақлий , 2.Ахлоқий., 3.Маданий., 4.Жисмоний фазилатларга бўлинади.

Демак ўқитувчи шахсига қўйиладиган асосий вазифалардан бирини, бўлажак педагог ўқитувчиларни педагогик фаолиятига тайёрлашда ёшларда миллий истиқлол ғояси, ҳис-туйғу, ҳарактер, ўзликни англашни шакллантириш, маънавият ва қадрият уйғунлиги, ўзбек ҳалкининг миллий анъаналари, урф-одатларининг ўрганилиши мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепциясида “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр экан. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимида ҳам аниқ, қатъий талабларни қўймоқда. Таълим-тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шундай экан бўлажак ўқитувчининг касбий компитенцияси алоҳида аҳамиятга эга.

Педагогик касбини пухта эгаллаган ва яхши ўқитувчи мутахассисини касбий тайёрлашда олий ўқув юртларида ташкил этилган таълим-тарбия мухим аҳамиятга эга. Бу борада “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясида олий таълим муассасаларига алоҳида масъулият юклайди. Шу сабабли ҳар тамонлама етук, салоҳияти юксак, комил, билимдон, ўз касбини севувчи, маънавий-ахлоқий талабларга тўлиқ жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасаларинининг имконияти ва салоҳияти жуда катта. Ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланганимиздагина биз ёшларни педагогик фаолиятига психологик, услубий ва мафкуравий тамондан тайёрлай оламиз ва уларга Ватанимиз келажаги, фарзандларимиз тақдирини ишониб топшира оламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичларга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018
3. Ўзбекистон Республикаси “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепцияси. – Т.: 2020 й.
4. Каримов И.А. Своё будущее мы строим своими руками. - Т.7.- Т.:Узбекистан, 1999.
5. “Фаол ёшлар – миллат фаҳри” Республика илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. - Гулистон, 2008.

6. Уманский Я., Арапов А. Общественное развитие и воспитание молодежи Узбекистана: диалог азиатской и европейской культур. // Педагогика. 1992. № 5-6.

**МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА**  
**ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ИЛМ - МАЊАВИЙ БАРКАМОЛЛИК АСОСИДИР**  
Зиётова А.Э.. - Самдақи катта ўқитувчи.  
Умиров Д. - Самдақи талабаси.

Бугун тараққиёт йўлидан изчил боришимизда, эзгу мақсадларни амалга оширишда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган имон-эътиқодли ёшларни шакллантириш давлат сиёсатида асосий вазифа ҳисобланади.

Хозирги даврда ёшларнинг динга бўлган муносабатлари турлича эканлиги ва мустақил қарашлари борлиги яхши, аммо уларни айрим ҳолларда баъзи бир диний ақидаларга мойил бўлган гурухларга қўшилиб қолиб чалғиётганлиги ҳам сир эмас. Бундай гурухларнинг олдига қўйган асосий вазифаси эса ислом дини никоби остида сиёсий кураш, ёшларимизнинг шу билан бирга бутун омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш, бузгунчи ақидалардан қурол сифатида фойдаланишdir. Бу гурухлар ортида хокимиёт учун кураш олиб бориши ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар мавжуд.

Чоризм мустамлакачилиги даврида динни камситиш, имомлар (ислом мураббийлари) ни йўқотиш ва омон қолгандарини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб имомлари таъқиб қилинди. Дастреб минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузуб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган бу даврда, чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари йўқ қилинди. Натижада, жаҳолатпараст удумлар ривож топди, “чала муллалар” ҳозирги кунда, аксарият ҳолларда олий ҳақиқатни факат уларгина билишларини, одамларни тақдирини ҳал этиш хуқуқини даъво қилиб чиқдилар ва бунга одамларни ҳам жалб этишга хамон уринмокдалар. Уларнинг бу сўзларига аксарият ҳолларда айрим ёшларимиз алданиб қолишларига асосий сабаб ҳам, уларнинг аввало оиласда сўнг таълим муассасаларда етарлича билим олмаганлиги, ислом динининг туб моҳиятини билмаганликларидадир.

Бизнинг муқаддас динимиз ҳаққонийлиги ва бағрикенглиги, одамзоднинг доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан - авлодларга етказишдаги бекиёс ўрни ва аҳамияти билан ва халқимизнинг мањавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, аввалимбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди.

Шу билан бирга ислом дини, унга эътиқод қилувчиларни илм олишга, маърифатли бўлишга даъват этади. Илк ваҳий ҳам “Ўқи!” деган амр бўлганлиги бунинг яққол исботидир. “Илм” сўзи Куръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида турли мањонолари билан келганлиги айни ҳақиқат.

IX—XII асрларда ғарбда аҳолининг тўқсон беш фоизи саводсиз бўлганлиги, ҳатто диний уламолар ҳам ўқиши, қўлларига қалам тутиб ёзишни билмаган бир вақтда мусулмон ўлкалардан диний ва дунёвий барча фанларнинг илгорлари етишиб чиқди ва анча муддат “Араб цивилизацияси” номи билан аталиб келинди. Шу даврда мусулмон оламида илмнинг турли соҳаларида саксон олти мингга яқин йирик олимлар иш олиб борганлиги, биз бебаҳо ҳисоблаган, мањавий мерос ва мулк эгаси эканлигимизнинг исботидир[1.]

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўз эътиборини ўсиб келаётган ёш авлодни илмли, маърифатли қилиб тарбиялашга қаратди. Бунинг самарасини ҳозирги кунда жамиятнинг ҳар бир соҳасида кузатиш мумкин. Ёшлар қайси соҳани танлашмасин, ўз соҳаси бўйича етарлича билимга эга бўлишлари керак. Муқаддас динимизда келтирилган кирқта асосий фарзлардан бири ҳам илм излаш фарзидир. Илм йўлидаги киши Оллоҳнинг ҳимоясидадир, дейилади ҳадисларнинг бирида.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, илм мансаб, мол-у давлатга эришиш учун ўрганилмайди. Зоро, Алишер Навоий таъкидлаганларидек:

“Илмни ким воситаи жоҳ этар,  
Ўзинию халқини гумроҳ этар”.

Қадриятимизда ота-боболар ўз фарзандини Оллоҳдан қўрқадиган, одамларга яхшилик қиласидиган, ориятли, номусли қилиб тарбиялашгани ва одоб, ахлоқ билан бирга илмни ҳам ўрганишларига алоҳида эътибор кўрсатишган. Ҳазрат Али: “Фарзандларингизга давр илмини ўргатинглар, улар сизнинг даврингиздан бошқа даврда дунёга келгандир”, деганлар [2]. Бу ўгитга амал қилган миллатнинг келажаги порлоқ бўлади.

Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайхи ва саллам) бундай деганлар: “ Ер юзидағи амалларнинг афзали учтадир: илм талаб қилиш, нафсиға қарши курашиш ва қасб қилиш. Илм талаб қиласидиган инсон Оллоҳнинг севикли бандасидир. Нафсиға эрк бермайдиган инсон Оллоҳнинг яқинидир. Хунарли эса Оллоҳнинг дўстидир”[3].

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг жамиятдаги фаолликлари тобора ошиб бораётган бугунги даврда улар эришаётган улкан ютуқларни эътироф этган ҳолда, уларда маънавий мукаммаликни ошириш диний қадриятлардан хабардо, тарихий хотирага эга, ўзликларини англаган, мустақил фикирга эга – эътиқодли бўлишлари уларнинг янада қудратли, комил шахс бўлиб шаклланишига асосдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ш.Мирзиёев. БМТнинг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 24 сентябр, 2017 й.
2. “Ҳидоят”. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри 2017.5-нашри
3. Ислом маърифати: аслият ва талқин.-Т.: Тошкент ислом университети, 2011. 56-б.

## **ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ИШ ОЛИБ БОРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Латипов Р.М.,**

**Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.**

**Назаров Ж.**

**Самдақи 403 КМЕ ва УБ талабаси.**

Юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр оқибат ва ўзаро ҳамжихатлик мухитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар, ва кам таъминланган оиласаларнинг, умуман кўмак ва ёрдамга муҳтож хеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат [1].

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада ўзининг ижобий ишларини амалга ошира бошлади. Ҳусусан соҳаларни ривожлантириш билан биргаликда энг асосий ургу инсон манфаатларини таъминлаш, уларнинг хоҳиши истаклари, энг юксак орзулари, кўзлаган мақсадларига эришишга, ҳар томонлама қулайликлар яратиш истаги энг олдинги мақсад сифатида қўйилди. Айниқса кам таъминланган оиласаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ногиронларни ҳам ўзига ҳос ижтимоий химоя қилиш масалаларига жиддий эътибор берила бошланди, ҳамда бу ишлар самараси ва давомийлиги бугунги кунгача оғишмай амлга оширилаётганлиги дикқатга сазовордир.

Юртимизда қадим-қадимдан инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирига ёрдам бериш, ёнидагиларнинг ҳолидан-ҳабар олиш каби эзгу одатларимиз мавжуд бўлган. Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда тарихий, миллий, диний илдизлар борлигини кўриш мумкин. Бу авволо, инсоннинг инсон билан, қўшнининг-қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиласининг оила билан, энг муҳими, шаҳснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофириларга саҳоват кўрсатиш, сидқидилдан, бегараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият ҳалқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини хеч ким инкор этолмайди [2]. Мана шу эзгу амалларни давом эттириш, имконияти чекланган болаларни жамиятга мослаштириш энг зарур вазифаларимиздандир. Бугунги кунда ногиронларнинг жисмоний физологик камчиликларини ва бу вазиятлар билан боғлиқ ўзига ҳос ўзгаришларни билиш, билан биргаликда уларнинг маънавий олами, руҳий холати, психологияси, ички кечинмалари, ҳиссиётларида кечадиган жараёнларни чуқурроқ ўрганишни ва кўпроқ тадқиқ қилишни тақозо қилаётганлиги, кечикириб бўлмас хақиқатдир.

Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва химояга муҳтож бўлган шахс ногирон хисобланади[3]. Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлини топа

олиш, мuloқot қилиш, ўз ҳатти-харакатини назорат этиш, шунингдек меҳнат фаолияти билан шугулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигига ифодаланади.

Ногиронлар ўз навбатида ақлий имконияти чекланган ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахслар гурухига бўлинади. Бу турга мансуб инсонлар жамиятимизда борлигини хеч ким инкор этолмайди. Шундай экан бу турдаги ногиронларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, уларнинг рухиятини яъний психологиясини ижобий томонга ўзгартириш, ёнидагилар билан муносабатларини яхшилаш, эртанги кунга қизиқишини ва ишончини ошириш ижтимоий иш ходимининг асосий вазифалар сарасига киради. Ижтимоий иш - касбий фаолият, кишиларга, ижтимоий гурухларга, шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни кўллаб-куватлаш, ҳимоялаш, тўғрилаш ва қайта мослаштириш воситасида бартараф этишга кўмаклашиш асосий мақсад хисобланади[4]. Шундай экан биз имконияти чекланган болаларга ижтимоий хизматни кўрсатишда биринчи навбатда уларнинг рухиятини соғломлаштиришга ва жонлантиришга эътибор қаратишимиш ҳамда психологиясини ўзгартириб, янги мухитга янги ўзгаришларга тез мослашиши учун ҳаракат қилишимиз лозим. Рухий холатдан ташқи қиёфа ва ҳатти-харакатга нисбатан ҳам ёққолроқ далолат берувчи нарса, албатта, айтилаётган гап-сўз ва унинг айтилиш оҳангидир. Мана шу сабабли имконияти чекланган болалар билан ижтимоий иш олиб боришда, ижтимоий иш ходимлари зарурий машғулотларидан ўткан бўлишлари, ҳамда давомий равишда илмий, амалий тажрибаларини ошириб боришларини таъминлашлари керак бўлиб, бунга: болаларнинг хуқуқлари ва қонун, болаларга нисбатан зўровонлик, шу билан биргаликда имконияти чекланганларнинг жисмоний, рухий ва ақлий нуқсонлари билан боғлиқ жараёнлар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишлари лозим. Шу билан биргаликда ижтимоий иш соҳаси мутаҳасислари имконияти чекланган болалар кимлигини, ва улар қандай холатда эканлиги борасидаги, аниқ малумотларга эга бўлишлари, ҳамда бу турдаги инсонларда кечадиган барча ўзгаришлар ва нуқсонларни хисобга олган холда иш олиб бориш жараёнлари яхши самара беради.

Имконияти чекланган болаларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш, яъний, ҳар бир кунини бир байрам сифатида кутиб олишини ташкиллаштириш ва бу жараённинг узвийлигини бузмаслик уларнинг психологиясида ўзининг фойдали натижаларини кўрсатишига олиб келади. Бу турдаги болаларнинг рухияти бўйича ўзини-ўзи англашга ҳаракат қилдириш, ўзининг ахволига баҳо бера олиш қўниллантириш, мухим вазифалардан хисобланади. Бундан ташқари, мuloқатда имконияти чекланган болаларга зарурий имкониятларни амалга ошириши учун мухит яратиб бериш билан биргаликда, уларнинг имкониятларини амалий жихатдан юзага чиқаришини назорат қилишимиз лозим. Шу билан биргаликда ногиронларда мuloқатга кришиш жараённida ҳам жиддий тўсиқлар мавжудлигини тажрибаларда яққол кўринмоқда.

Имконияти чекланган болалар билан ижтимоий иш олиб боришда ижтимоий иш ходими эътибор берадиган яъна бир жараён борки, бу холатни мана шу вазиятни ҳал қилмасдан ўтиб бўлмайди. Бу, ногиронлар билан мuloқатга кришиш жараёни хисобланади. Ижтимоий иш ходими ҳар бир имконияти чекланган инсоннинг дардини билиши, тарихи ҳақида зарурий маълумотга эга бўлиши ва муомилага кришишидан олдин ногиронлардан нимани сўраши мумкинлигини билиши лозим. Бундан ташқари ижтимоий иш ходимлари ҳар битта имконияти чекланган бола билан мuloқатга киришиш жараёнида уларга шахс сифатида ўзи билан тенгдош дўст эканлигини хис қилдириб, самимий чин дилдан муносабатда бўлиши ходим кутгаётган энг яхши натижани келтириб чиқариши мумкин. Юқорида келтириб ўтилган тушунчалар билан бирга ижтимоий иш соҳаси мутаҳасисларида имконияти чекланганларга нисбатан эмпатия бўлиши зарур, бу холат ўз навбатида ўртадаги муносабатларни янада мустахкамлайди ва мижоз билан ижтимоий иш ходими ўртасидаги кўринмас тўсиқнинг барҳам топишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай инсон ҳам ногиронлар билан муносабатга кришишда уларга ачиниш, қўркиш, менсимаслик, ҳадиксираш, камситиш, кулиш каби муносабатда эмас аксинча дўстона, ҳамдардлик ёрдам бериш тарзда соғлом одамларга қандай муомила қилинса уларга ҳам шундай самимият билан, чин кўнгилдан муомила қилиш керак. Мана шу тарздаги муносабатлар имконияти чекланган болаларнинг муоммоларини янада кўпайтириб, эртанги кунга ишончини сўндириши, ёки аксинча кайфияти кўтарилиб рухий тетиклик билан эртанги ҳаётига яънада қувонч ҳамда ишонч билан қарашига сабаб бўлиши мумкин. Ахир айтишади-ку биргина яхши сўз билан ҳам инсоннинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориш мумкин деб. Бу такидлаб ўтилаётган тушунчалар биргина ижтимоий иш касбига алоқадор инсонларга эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосига талуқлий деб хисоблаймиз. Имконияти чекланган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш жараёнида ижтимоий иш ходимлари уларнинг рухияти, ички хиссиёти, дарди, интилишлари, қизиқишлиари, ҳаётга бўлган қарашларини ўрганиши ва шу орқали мижозининг

муаммоларини, ҳамда кучли томонларини аниқлаб янада ишончли ҳамда яънада самарали ёрдам кўрсатиши мумкин бўлади.

### Адабиётлар

1. Mirziyoev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz.”. – Т.: О’zbekiston”, 2016, б-488.
2. Назаров К.. Манавий қадриятлар ва инсон қадри. – Т.: “Маънавият”, 2011, б-10.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2003, б-375.
4. С. Тўйчиева, А. Норбеков. “Ижтимоий сиёсат”. – Т.: Фан ва Технология, 2010, б-7.

## YOSHLARDA MILLATLARARO MUNOSABATNI TAKOMILLASHTIRISHNING INSTITUTSIONAL TIZIMI

**Xudoyberdieva H. K.  
SamDCHTI mustaqil tadqiqotchisi.**

Zamonaviy tafakkur taraqqiyotida asosiy masalalardan biri milliy turfa xillikning o‘ziga xos tomonlarini tadqiq etish hisoblanadi. Bunda millatlararo munosabatlarni uyg‘unlashtirish, turli etnik guruhlarning ko‘pmillatli jamoaga birlashishi, ularning madaniy o‘ziga xosligini saqlab qolish, milliy jamoalarning ichki yaxlitligini saqlash, etnik guruhlar o‘rtasida tinch-totuv faoliyat yuritishlarini ta’minalash va umummiliy muammolarni hal etishdan iboratdir. Yurtimizda ayni paytda jamiyatni modernizatsiya qilish jarayonlari olib borilmoqda. Mazkur jarayonlarni tashkil etishda ijtimoiy barqarorlikka erishish muhim. Buning uchun esa jamiyat oldida turgan asosiy vazifalardan biri millatlararo munosabatlarni tartibga solish bilan bog‘liqligi barchaga ayon. Etnik tarkibi ko‘pmillatli bo‘lgan davlatlarda bo‘lgani kabi O‘zbekiston Respublikasida ham madaniy xilma-xillik va etnik jamoalarning ichki integratsiyasini ta’minalash barqarorlikning kafolatidir.

Jahonda globallashuv jarayonining kuchayishi davlatlar o‘rtasidagi munosabatlarning rivojini ta’mildi. Bu esa turli davatlarda yashovchi insonlarning o‘zaro aloqalariga o‘z ta’sirini o‘tkazmoqda. SHunday keng ko‘lamdagi munosabatlar shubhasiz turli millatlar o‘rtasidagi o‘zaro mulqotga ham ta’sir etayotganini anglash qiyin emas. SHunday ekan, ko‘pmillatli O‘zbekiston aholisining umumiy manfaatlarini birlashtirish, ro‘yobga chiqarish asosiy strategik vazifalardan hisoblanadi. 130 dan ortiq millatlar yashaydigan yurtimizda mamlakat taraqqiyotining yuqori bosqichlarga chiqishidan shu davlatda yashaydigan barcha millat vakillari manfaatdor.

Ushbu murakkab vazifani amalga oshirish uchun esa millatlar o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solish, yoshlarda milliy munosabatlar takomilining institutsional tizimini yaratish ehtiyojini paydo qiladi. Millatlararo munosabatlarni ta’mnlamasdan turib taraqqiyotga erishish, iqtisodiyotni rivojlantirish, keng ko‘lamli islohotlar samarasini ko‘rib bo‘lmaydi. Har qanday rivojlangan jamiyatni qurishning asosida ziddiyatlar, qarama-qarshiliklar emas balki, xalqlar, millatlar o‘rtasidagi o‘zaro kelishuv va do’stona munosabatlar yotadi. SHU sababli millatlararo munosabatlarning institutsional tizimini yaratish va jamiyat a’zolari, ayniqsa yoshlar o‘rtasida targ‘ib qilish muhim.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev ta’kidlaganidek, “jamiyatimizda hukm surayotgan o‘zaro do’stlik va hamjihatlikni yanada rivojlantirish, qaysi millat, din va e’tiqodga mansubligidan qat’i nazar, barcha fuqarolar uchun teng huquqlarini ta’minalash e’tiborimiz markazida bo‘ladi. Ularning o‘rtasiga nifoq soladigan ekstremistik va radikal g‘oyalarni tarqatishga O‘zbekistonda mutlaqo yo‘l qo‘yilmaydi”.

Ushbu konseptual fikrlardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, ko‘pmillatli O‘zbekiston jamiyatida o‘zaro uyg‘unlik va hamjihatlikni kuchaytirish davlat va jamiyat a’zolari oldida turgan birlamchi vazifalardan hisoblanadi. Shu vaziyatdagina mamlakatimiz fuqarolari millati, etnik mansubligi, diniy e’tiqodidan qat’i nazar o‘zlarini yagona mamlakatning fuqarosi deb bilishadi. Bu esa mamlakatimiz xalqlarining

Nemis faylasuf, sotsiolog Yu.Xabermasning fikricha, “davlat kim tomonidan boshqarilmasin, sotsalistlar yoki konservatorlar, millatlar o‘rtasidagi muvozanat ta’milanishi lozim. Bunday muvozanat ijtimoiy kafolat tizimlarini yaratadi va kengaytiradi, teng imkoniyatlar yaratish choralarini ko‘radi. Bu borada ta’lim, oila va axloq munosabatlari, axborotni himoya qilish kabi sohalarda islohotlar olib borish foydali. Ushbu islohotlar fuqarolar o‘rtasida millatlararo bog‘liqlikni kuchaytiradi”.

Millatlararo munosabatlar muvozanatini ta’minalash fuqarolik jamiyatining ajralmas qismidir. Yurtimizda demokratik fuqarolik jamiyatni rivojlanishi bilan millatlararo munosabatlar masalasi barcha milliy, etnik guruhlar manfaatlarini ro‘yobga chiqaruvchi kuch sifatida namoyon bo‘ladi.

Milliy va etnik guruhlar o‘rtasidagi munosabatlar barqarorligini ta’minlash milliy masalalarni hal etishning asosiy omilidir. Barcha millat va elatlarning do’stligi va hamjihatligi fuqarolik jamiyatini ta’minlashning hamda jamiyatning ijtimoiy birligini kafolatlovchi vositadir. SHu sabab mamlakat aholisi ayniqsa yoshlar o‘rtasida axloqiy, etnik ta’lim-tarbiya, millatlararo muloqot madaniyatini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. YOshlarning shaxsiy fazilatlarini namoyon qilishlari uchun imkoniyat yaratish, ko‘pmillatli jamoada turli millat vakillari o‘rtasidagi munosabatlarni tahlil qilish, uning ta’sirini o‘rganib ijtimoiy jihatlarini tadqiq etishga alohida e’tibor qaratish zarur. SHu bilan birga, ko‘pmillatli jamoada sog‘lom fikrni shakllantiradigan, rivojlantiradigan tushunchalar sifatida do’stlik, millatlararo kelishuvning tabiatiga ham e’tibor qaratish kerak.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 19 maydagi “Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do’stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 15 noyabrdagi PF-5876-son “Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Qarori.
4. G‘aybullaev O. Shaxs ma’naviy kamoloti va estetik madaniyat. –T.: CHASHMA PRINT, 2008.
5. Yaxshilikov J.Ya., Muhammadiev N.E. Milliy g‘oya: O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasi. Darslik. Cho‘lpon NNMU, Toshkent, 2018.
6. Maxmudova G.T. Yoshlarda estetik tafakkurni shakllantirishda san’atning go‘zallik paradigmasi // “Yoshlar ma’naviy-axloqiy ongini rivojlantirishning ustuvor masalalari” respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. –T.: IJOD-PRINT. 2019.

**АҲМАД ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ ВА ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ**

**Абдивоҳидов С. А.**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг рус мустамлакачилари томонидан босиб олиниши натижасида ўлка халқларининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳукуқлардан бутунлай маҳрум қилиниши ва халқларнинг аянчли аҳволи жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишига сабаб бўлди. Чунки, жадидлар халқнинг хоҳиш-иродасини, манфаатларини ифодаловчи тоифа сифатида сиёсий фаолиятларининг негизи мустақиллик ва озодлик фоялари билан сугорилган эди. Бу фоялар аввалимбор XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши жангларида ўз ифодасини топган эди. Улар рус давлатининг Туркистон заминида хукмонлиги ўрнатилганидан кейин ҳам халқнинг қалбида жўш уриб турди. Бу ҳамиша ўз халқининг дардида яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг онгги ҳамда қалбини чулғаб олди. Чунки рус давлати минтақада миллий давлатни тутатиб, мустақилликни барбод этди. У ўзининг манфаатларини таъминлайдиган сиёсий-маъмурий тизимни ташкил этиб, бутун минтақанинг ягона эгаси бўлиб қолди. Жадидчилик оддий бир оқим бўлиб қолмасдан балки ижтимоий, сиёсий, маърифий ва маданий ҳаракатдир.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда муҳторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституциявий монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият куриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада хур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гурухлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланди.

Туркистондаги жадидчилик XIX асрнинг 80-йилларида Русия мусулмонлари, хусусан, Кавказ ва Волга бўйида ёйилган шу номдаги тараққийпарварлик ҳаракатининг бевосита таъсири ва самараси сифатида дунёга келди. Бунда Исмоилбек Гаспралининг «Таржимон» газетаси (1883) ва у асос соглан «усули жадид» (иккинчи номи «усули савтия») мактаби (1884) ҳал қилувчи рол ўйнади[1;7 б.]. Бундан ташқари Бошқирдистоннинг йирик маърифатпарвар олими Аҳмад Заки

Валидийнинг Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатидаги фаол таъсири ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўз даврининг етук зиёлийси тарих, этнография ва география соҳасидаги билимларни мукаммал эгаллаган фидоий маърифатпарвар Аҳмад Закий Валидий Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатини кўллаб қувватлайди, айниқса Туркистонда миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланади. Маърифатпарвар зиёлий сифатида Аҳмад Закий Валидий 1920 йилда Туркистонга етиб келар экан ўлкадаги тарихий манбалар ва этнография маълумотлари билан шуғуланиш билан бирга миллий озодлик ҳаракатига фаол қўшилиб кетади. 1921 йил Бухоро шаҳрига келади бу вақтда Бухоро большевиклар таъсири остида бўлган янги давлат вужудга келган бўлади. Аҳмад Закий Валидий Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатига бефарқ қараб турла олмас эди. Туркистондаги истиқлолчилик – миллий озодлик ҳаракати рус большевиклари томонидан қаттиқ тақиб ва тайизикқа олинган ва шунинг учун тарқоқ ва яширин фаолият олиб борар эди.

Аҳмад Закий Валидий бундай мураккаб вазиятда ўлканинг маърифатпарвар зиёлийлари қатори Туркистонда миллий озодлик ҳаракатини большевиклар тили билан айтганда “босмачилар”ни жадидчилар ва бошқа сиёсий партиялар билан бирлашиб ягона Туркистон миллий бирлиги деб аталадиган уюшмани тузиш зарурлигини англаб етади. Бу борада Туркистоннинг турли шаҳарлари ва худудларида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради.

Аҳмад Закий Валидий ўлкадаги сиёсий партиялар раҳномалари (лидер) билан учрашиб 7 қисмдан иборат бўлган қуйидаги платформани қабул қилишга эришади:

1. Самостоятельность.
2. Демократическая республика.
3. Национальное войско.
4. Самостоятельное экономическое управление, строительство железных дорог, прокладка каналов в интересах Туркестана.
5. Подъем просвещения до высокого уровня и знакомство с европейской культурой без посредства России.
6. Решение национальных вопросов, вопросов преподавания в школах, использования природных ресурсов с учетом количества проживающих в государстве наций.
7. Полная свобода вероисповедания, недопущение вмешательства религии в светские дела и наоборот[2].

Аҳмад Закий Валидий миллий озодлик ҳаракатининг назарий масалалари дастурларини тузишдан ташқари жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этади. Ўзининг кундаликларида “Челекские бои”, “Бои Давуле”, “Усматские бои” мавзуда миллий озодлик учун муросасиз жанглар ҳақида батафсил маълумот беради.

Большевиклар томонидан Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари шавқатсизларча бостирилгандан сунг бу ҳаракатнинг кўплаб ватанпарвар фидоийлар чет элларга жўнаб кетади. Аҳмад Закий Валидий ҳам улар билан чет элларга жунаб кетар экан муҳожирликда Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатларини давом эттиришга келишиб оладилар.

Аҳмад Закий Валидийни Туркистоннинг барча худудларида хурмати жуда баланд бўлган. Маҳаллий зиёлийлар ва миллий озодлик ҳаракатининг вакиллари уни жуда хурмат қилишган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Аҳмад Закий Валидийнинг аввало Туркистондаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Аввало Туркий халқларнинг маърифатпарвари сифатида ўлкада жадидчилик ғояларини тарқатиш ва тарғиб этиш билан шуғулланади. Бундан ташқари Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатларига фаол иштирок этади. Аҳмад Закий Валидийнинг асосий мақсади Туркистонни мустақил, озод давлат сифатида кўриш эди. Шунинг учун бугунги кунда Ўзбекистода Аҳмад Закий Валидийни туркий халқларнинг фидоий маърифатпарвар ва зиёлий сифатида ёд этади. Аҳмад Закий Валидийнинг Туркистондаги фаолияти ҳакида хозирги вақтда М. Абдураҳмонов ва М. Хўжаевлар тамонидан тадқиқот олиб борилмоқда.

#### Адабиётлар

1. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Тахрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов ва бошқалар.- Т.: “Маънавият”, 2003.-197 б.Б.7.
2. Гайса Хусайнов Ахмет-Заки Валидий Тоган Источник: [htt: // vatandash ru/](http://vatandash.ru/)

## **МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ СИЁСИЙ – МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

**Тожиева И. С.**

**ҚарМИИ мустақил тадқиқотчиси,  
Қашқадарё вилояти ХТҲҚТМО худудий маркази  
“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пойдевори сифатида жадид боболаримизнинг ҳам ўрни бор. Ҳусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ушбу эзгу мақсадлар йўлида жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлиб, янги мактаблар қуриш, ёш авлодни озодлик ва мустақил руҳида тарбиялаш уларни илмли қилиш маърифат ва тараққиёт учун катта ҳисса қўшган мутафаккирdir.

Маҳмудхўжа Беҳбудий маърифатпарварлик фаолиятининг Туркистонда янгича “усули жадид” мактаби зарурлигини назарий асослаш ва уларни ташкил этишга йўналтириган катта ишларга раҳнамолик қилишдан бошлади. У бундай мактаблар учун ўзбек ва тожик тилларида юздан ортиқ дарслклар ва қўлланмалар ёзиб чоп эттирган: “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясиға кириш”, 1905), “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қискача умумий география”, 1906), “Китобат улатфол” (“Болалар хати”, 1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби китоблар чоп эттиради [1].

Унинг асосий асари ҳалқ таълими, умуман ёшлар ва катталар ўртасидаги муносабатларни ўзига хос бадиий ифода этган, ғоят жиддий, нозик ва қалтис бош масала сифатида ота-оналар билан болалар, ҳусусан, ўқимаган боланинг бузук йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани нодонлик ва жаҳолат оқибати эканлигига бағищланган йилда ёзилган “Падаркуш” драмаси бўлиб, унинг саҳналаштирилиши муаллифга катта шуҳрат келтирган.

Булардан ташқари Маҳмудхўжа Беҳбудий кўплаб, қарийб 200-300 та публицистик мақолалар ёзиб, ўзи ва маслақдошлари ташкил қилган газета ва журнallарда эълон қилиб, уларда миллат ва Ватан тақдири, мустақиллик ғояси, ахлоқ ва таълим-тарбия ҳамда бошқа масалаларни давр эҳтиёжи заруриятидан келиб чиқиб ёритган ва ҳаётга татбиқ этишга саъи-ҳаракат килган. Чунончи, Беҳбудий, ўқувчиларни ва ёшларни Макка, Мадина, Миср ва Истамбулга юбориш билан бирга, Россия университетлари ва техник ўқув юртларига, худди ҳусусан, Кавказ, Қрим, Оренбург ва Қозон шаҳарларига юбориш зарурлигини ўқтиради.

Янги усул мактабларини, уларда таълим-тарбия ишларини йўналтиришга етакчилик ва раҳнамолик қилган Маҳмудхўжа Беҳбудий 1918 йилда Самарқандда “Мусулмон ишчи ва дехқон шўроси” тузилганда у маориф ишлари комиссари этиб тайинланади. Шундан сўнг у янги мактаб тармоғини янада кенгайтириш, улар учун ўқув режалари тузиш, янги дарслклар яратиш, ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар очиш ишларини ривожлантириб юборади.

Озодлик учун ўз жонини ҳам тикишга тайёр бўлган миллат фидойиси, Туркистон жадидларининг етакчиси муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ўлкамиз ва ҳалқимизнинг чор Россияси мустамлакачилигига эзилиб, ундан кутулиш чорасини излашга тушган юрт зиёлиларидан биринчи ҳукмронлик келтириб чиқарган иллатларни таҳлил қилас экан шундай хуносага келган: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга паймол бўлур” [2].

Бинобарин, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз фаолияти, қолаверса умрининг сўнгги дақиқаларигача замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш, миллат тақдири ва истиқболини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш, миллий биқиқлиқдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар ва мулоқотларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш каби қоида ва тамойилларни олға сурди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий болаларга, ёшларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган ғояни ўртага ташлади. У қуйидаги уч қоидани олға сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш қуриш; 2) миллат тақдири ва истиқболини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш; 3) миллий биқиқлиқдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш. У шундай деб ёзган эди: “Маориф бўлимида ишлайтурғон мусулмонларнинг бошини силангиз... ўртадан ниқобни кўтарингиз, Туркистон

болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар...”[3]. Беҳбудий ўз фаолияти ва асарларида миллий мустақиллик гояларини тарғиб этиб, илм-маърифат соҳасида олиб борган ишларида ёшларда Туркистон халқлари тарихи тили маданиятига хурмат ҳиссини ривож топтиришга ҳаракат қилди.

“Биз, - деб ёзган эди, 1992 йилги “Инқилоб” журналида Беҳбудий-ўз қисматимизни биламиз. Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг баҳт-саодати учун курбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлишини ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ баҳт-саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга ҳайкал бўлади” [3].

“Ёшлар,-деган эди, у яна-истайтурларки, миллатга ва халқ оммасига хизмат этсалар...Олдимизда иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак... Агар биз таълим-тарбия ишини шу руҳда олиб бормасак, туркистонликларга на хуррият қолур, на муҳторият берилур...” [4].

Беҳбудий 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришини қабул қилмади. Бироқ, у янги ижтимоий муҳитга мослашишга мажбур эди: 1918 йилда Самарқандда тузилган «Мусулмон ишчи ва дехкон шўросида маориф комиссари лавозимида ишлаган эди.

У бу билан бевосита мактабларни ташкил этиш, ўқув тизимини ислоҳ қилиш, дарслик яратиш имкониятига эга бўлади. Худди даврда «Янги ҳисоб» дарслигини ёзиб нашрдан чиқарди.

Махмудхўжа Беҳбудий сиёсий-маърифий қарашларидан муҳим хусусият шундаки, у жамиятни табақалаб пролетариат-йўқсиллар гояси асосида ёндашишига қарши чиқди. Аксинча, у бирлашган “Муттаҳид фронт” гоясини баён қиласар экан, “уламо или зиёли ва тараққий парварларлармиз бой ва овомимиз бирлашиб, дину миллат ва Ватанинг ривожи учун хизмат этсан” дейди [5].

XX аср бошларида илгари сурилган бу қарашлар ва гоялар ҳозирги, айниқса Мустақил ҳаётимиз даврига ҳамоҳангидир ва бу улуғ сиймонинг нақадар ўзокни кўра билганидан далолат беради. Қисқача бўлсада, юкорида таъкидланганлар Махмудхўжа Беҳбудий XX аср бошларидан то умрининг охиригача мамлакатимиз ва халқимизни илм-маърифатли қилиб, озодлик ва мустақилликка эришиши йўлида ўзбек маданияти тарихида учмас из ва бой мерос қолдирган буюк бир аллома ва сиймо эканлигидан далолат беради.

Хуллас, Махмудхўжа Беҳбудий даҳоси шу қадар юксак ва ўткир бўлганки, у деярли юз йил муқаддам эндилиқда мустақиллигимиз шарофати билан ҳал этилаётган вазифаларни белгилаб берган эди. Унинг кўплаб фикрлари ва гоялари бугунги кунда президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига амалга оширилаётган улуғвор ишларга ҳамоҳангидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Эҳтиёжи миллат:// “Самарқанд” газетаси, 1913. - № 26.
2. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999. – 88 б.
3. Зуннунов А., Хайруллаев М. ва бошқалар. Педагогика тарихи. - Т.: Шарқ, 2000. – 50 б.
4. Отамуратов С., Ҳусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. - Т.: “Абдулла Қодирий” номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 133 б.
5. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. - Т.: 2006. - 21-22 б.

### **ЖАДИД МУТАФАККИРИ СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ**

**Ҳаққулов Набижон Қаҳрамонович,**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти 1-босқич таянч докторанти**

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган энг муҳим имкониятларимиздан бири-бу ўзликни англаш сари юз тутганимиздир. Бугунги кунда ўтмиш тарихимизни янгича тафаккур билан оқилона ўрганиш, бой маданий меросимизни давр талаби руҳида одилона таҳлил қилиб, ижодий бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиб беришdir.

Бунинг учун таълим-тарбия соҳадасиги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. “Биз аждодларимизнинг донишимандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг гояларини англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириши ўйидан бормоқдамиз.[1; 184-б]

Бу борада жадид боболаримизнинг бой меросидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жадидлар жамиятдаги идора усулинни, диний мактаблар ва мадрасалардаги ўқитиш ва тарбиялаш

тизимини танқид қилиб, янги усулдаги мактабларда дунёвий фанларни ўқитиб, Фарб ва Шарқ давлатлари билан алоқалар ўрнатиб, мустамлакачиликка қарши чиқиб, тарихий-ижтимоий мухитни вужудга келтирған әдилар. Шундай шароитта улар миллат равнақи, мустақиллиги, истиқоли учун кураш олиб борди.

Туркистанда жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларидан бири Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий — Ажзий фаолиятида бунга гувоҳ бўламиз.

Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий — Ажзий 1864 йилда Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани Ҳалвойи қишлоғида ҳунарманд оиласида таваллуд топган. Дастрлаб оиласида, кейинчалик Самарқанд ва Бухора мадрасаларидан бирида ўқишни ҳам давом эттиради. Аммо, тирикчилик шароитининг оғир бўлганлиги туфайли ўқишни ташлаган ва ота касби бўлган тўқимачилик билан шуғулланган эди. У киши ҳакида ўтган асрнинг 20-йиллар адабий танқидчилиги тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган мунаққид Вадуд Маҳмуд қуидагича ёзди: “Буюк бир истеъоддга эга бўлғонидан кўб санъатларнинг устосидир. Бошлаб Сиддиқий яхши бир техникдир. Соат ва турли мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдир. Яхши тўққувчи за тикувчидир, кўб йиллар бу санъат ила яшағондир. Мусиқа билан ҳам анча шуғуллангандир. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладир. Форсча шерьлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шоҳиддир. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошнодир. Сўнгги йилларгача Самарқанд газит ва журналларида босилгон шеър ва мақолалари кўбдир”. [2; 35-бет]

Бундан кўриниб турибдики, Сиддиқий — Ажзий ўз даврининг етук билимдон, 20 асрнинг забардаст ижодкорларидан бири бўлган.

1901 йилда ҳаж сафарига отланади. Мазкур саёҳат давомида бир катор Шарқ мамлакатларида бўлиб, Ислом дунёсидаги янгиликлар билан танишди, бир неча муддат Жиддада Россия элчихонасида таржимонлик қилди. Сўнг Москва, Петербург шаҳарларини айланиб, Тифлисга ўтади.

1903 йилда Самарқандга дунёкарашини кескин ўзгартирган бу саёҳатдан юксак орзулар, биринчи навбатда, янги мактаб очиш, миллат ва ватанга фидойи ёшларни тарбиялаш фикри билан қайтади

У отасидан қолган боғни сотиб, пишиқ гиштдан Оврупо усулида маҳсус мактаб учун бино қурдирди. Бу жадид педагоглари томонидан очилган мактаб учун биринчи оврупоча бино эди.

Ўша пайтда мактабнинг довруғи нафақат Ҳалвойи қишлоғига ёки Самарқанд вилоятига, балки бутун Туркистон ўлкасига ёйилган. Мактабни кўргани, ундан ўрнак олгани узоқ-яқин жойлардан муаллимлар кела бошлаганлар. Мактабнинг ҳаммани ҳайратга солган яна бир хусусияти шунда эдики, синфда ўзбек, тоҷик болалари билан бирга рус болалари ҳам ўқиган. Рус тилини ўқитиш ҳам яхши йўлга кўйилган эди. Бу ҳақида жадидчилик ҳаракатининг етук тадқиқотчиси Б.Қосимов қуидагиларни ёзди: “Туркистоннинг турли-туман жойларидан бу мактабни кўргани кела бошладилар. Ёруғ, баҳаво хона. Бўйра ўрнидаги парталар, дарсларнинг муайян тартиб-дастур билан олиб борилиш, умумий, миллий, жуғрофия, тарих, ҳисоб, ҳандаса, табииёт ўқитилиши, харита, курра арз (глобус) каби кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш кўпчиликни ҳайратга солди. Энг қизиги, дарсларнинг асосий қисми рус тилини ўрганишга қаратилган, муллаваччалар орасида руслар ҳам бўлиб, ўзбеклар ва тоҷиклар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олишади”. [3; Б.51]

Мутафаккир кейинги бутун хаётини ана шу муқаддас ишга сарф этди. Ўзи очган мактабда табиий фанлар, араб ҳамда рус тилларидан сабок берди, дарсликлар тузди. У миллий уйгониши даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ўз ҳак-хуқуқларини англашга ўргатишни адабиётнинг бош мавзуи деб билди унга ўз ҳаётини бағишилади. Шунингдек, ўша даврда бундай мактаблар учун дарсликлар яратиш, болаларбоп китоблар яратишдек долзарб масалаларни кун тартибига кўйиган эди. 1914 йилда ўз ташаббуси билан «Зарафшон» номли кутубхона очди. [4; Б.72]

Шу ўринда таъктдаш керакки, Сиддиқий-Ажзийнинг янги мактаби очиш, ёшларни маърифатли қилиш борасидаги фаолият ҳар доимо осонликча юз бермади. Кўплаб мутаассиблар томонидан бу фаолият таъқиб остига олинди. Бунга 1914 йилда “Туркистон вилояти газети”да қуидаги маълумот чоп этилган: “3 январ жумъа 1914 йил. Улуғбек мадрасаси ичидаги жомъеда 5-6 минг мусулмония ҳузурида муazzин тарафиндан жадидчиларни ва русча ўқитмоққа тарғиб қиласадургонларни коғирлиги ва ҳар ким боласини усули жадидға берса, ўзи коғир, хотини талоқ бўлишини форсий тил или узун ва баланд бир нутқ или ҳалойиқға билдирубдир ва ҳам аларни коғир, ўрус ва ҳамда коғир ва ўрус билғувчи деб эълон қилибдур”. Гап асосан Ҳалвойидаги

Сиддиқий-Ажзий мактаби билан Ражабаминдаги Абдулкодир Шакурий мактаблари ҳақида гап кетган эди. [5; Б.53]

Шу маънода, бугун тарихий-маънавий меросимиз тўғрисида ёшларимизда билим ва тасаввурларни ҳосил қиласа эканмиз, шу билан бирга уларнинг қалбида тарихимиз ва ундан ўтиб келаётган маданий меросимизга нисбатан меҳр ва ҳурмат ҳиссани тарбияламоғимиз лозим. Тарихимизга, бой маънавий меросимизга қанчалик ҳақконий, оқилона ёндошсак, ҳар биримизда унга нисбатан ва шу меросни яратган инсонларга, шу мерос бунёд бўлган юртга нисбатан фахр ва ғурур туйгуси жўш уради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қуйидаги фикрлари бу борадаги тадқиқотчиларга ва изланишларга қаратилган ўзига хос чакириқдир: “*Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Биз маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг қадрини англаб етади*”[6].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72 – сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: “Маънавият”, 2017. – 184 б.
2. Вадуд Махмуд. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). –Т.: Маънавият, 2007. - 35-бет.
3. Қосимов Б. Маслакдошлар: Бехбудий, Ажзий, Фитрат. –Т.: Шарқ, 1994. 51-бет.
4. Ватан ва миллат мукаддасидир: (Миллий уйғониш даври ижодкорлари эътирофлари). –Т.: Маънавият, 2000. - 72-бет.
5. Қосимов Б. Маслакдошлар: Бехбудий, Ажзий, Фитрат. –Т.: Шарқ, 1994. 53-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //prezident.uz/lists/view/3324

### **МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИДА ИСҲОҚҲОН ТЎРА ИБРАТ МАКТАБИННИГ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Ғовсидинов М.Н. Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчisi.**

Бугунги кунда тарихимизни янгича тафаккур билан оқилона ёритиш, бой маданий меросимимизни давр талаби руҳида таҳлил қилиш, ижодий бойитган ҳолда талқин қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса миллий маънавий қадриятларимиз аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, сайи ҳаракатлари билан сақлаб қолинганини, уларни аср-авайлаб, маънавий бойликлар билан бойитиб келажак авлодга етказиш вазифасини олдимишга қўяди. Бу борада жадид мутафаккирларининг тарихимиздаги ўрни жуда салмоқлидир. Айниқса, XIX аср охиридаёқ дунё кезиб, илм ўрганиб, бир нечта тилларни пухта билган полиглот, шоир, педагог, публицист, тилшунос сифатида Исҳоқҳон тўра Ибратнинг умрини ўрганиш, ёш авлодда унга нисбатан чексиз фахр-ифтиҳор туйгусини шакллантириш ва шу орқали уларни ватанпарвар, фидоий шахс этиб тарбиялаш долзарбди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қуйидаги фикрлари бу борадаги тадқиқотчиларга ва изланишларга қаратилган ўзига хос чакириқдир: “*Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Биз маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги бугунги тинч ва эркин ҳаётининг қадрини англаб етади*”.[1].

Ушбу мақолада жадидчилик ҳаракатининг вакили Ибратнинг илмий маънавий мероси ёш авлодни ўқитиши ўйлидаги сайи ҳаракатларини кўриб чиқамиз. Ибратнинг “усули савтия” мактабидаги фаолияти ўша давр таълим тизими учун инновация десак муболага бўлмайди.

Исҳоқҳон тўра Ибрат 1886 йилда Кўқон мадрасасини тутгатиб, ўз қишлоғи Тўракўргонга қайтиб келади. Ибрат ўзининг кейинги фаолиятини илфор маъорифчи сифатида илм тарқатиши билан давом эттиради. Шу йўсинда ўша йили ўз қишлоғида мактаб очишга муваффақ бўлади. Бу ҳақида жадидчилик ҳаракатининг етук тадқиқотчиси Бегали Қосимов қуйидагиларни ёзади: «Унинг (Ибратнинг – таък. бизники F.M) мактаби «усули қадим» - «усули таҳажжи», яъни ҳижо

методига асосланган мактаблардан бир мунча фарқ қилар эди. Ибрат Кўқонда ўқиб юрган вақтларидаёқ ўлкада очилаётган рус мактабларидағи ўқув усууларининг маҳаллий мактабларда ҳукм суроётган хижо ҳамда қуруқ ёдлаш усулидан устунлигини сезган эди. Исҳоқхон ўз мактабига нисбатан илғор бўлган товуш (савтия) усулини татбиқ қилди ва «усули савтия»ни эски метод тарафдорларидан ҳимоя қилди. Бирок бу мактабида узоқ вақт ишлай олмади].[2.7-8 bet.]

Эски тузум тарафдорлари рус амалдорлари ёрдамида ҳар хил бухтонлар ёғдириб, Исҳоқхон Ибратнинг янги усулдаги мактабини "кофиirlар мактаби" деб ёптиришади.

Ибрат ўзининг бир қанча мақолаларида мазкур мактабдорларга, уларнинг "усули қадим" мактабларини, ўқитиш тизимини, улардаги таълим тарбияни қаттиқ танқид остига олади. Жумладан Ибрат ўзининг "Эски мактаблар хусусида" мақоласида "Муаллим бечора азиз фарзандларимизни калтак, қамчи йўқ баҳонаси-ла беш-ўн саналар (5-10 йил ) осмонга қаратуб, "алиф, бабазер,бабазер", деб шовқин қилдириб-қилдириб, бир ҳарф ҳам ўқув-ёзув билдиримайинча умрларини барбод қилиб ётмоғга тақвиятгина бўладур. Болаларни эски мактаблар ила жамоаларга тақсим қилиб, келиш кетиш, калтак ва қамчи масъалаларин ислоҳ қилмоқ-да албатта лозимдур. Лекин ўқулажак китоблар-мазкур эски китоблар, ўқулажак домлалари-да-ески домлалари, мактаблари-да- эски ҳашорат уйлари бўлдуқинда бу масъалалар минг маротабалар ислоҳ этилса-да, бекор, бехудадир"[3.] деб афсус билан қайд этади.

Шу билан бирга Ибрат чет тилларни ўрганиши жуда муҳим деб ҳисоблайди. Исҳоқхон Ибрат эски тузумдаги мактабларни ўзининг қатор мақолаларида танқид қилар экан улардаги ўқитиш системасини, эски мактаблар ўрнида янги мактаблар замонавий бинолар қуришни, янги дарсликлар билан таминлашни, энг аҳамиятлиси Исҳоқхон Ибрат эски усулдаги мактабларнинг камчиликларини ислоҳ қилиш эмас умуман йўқ қилиш тарафдори бўлган. Исҳоқхон домланинг ўзи 1986 йилдан кейин 1907, 1914 ва 1918 йилларда янги (буниси рус тузем мактаби бўлган эди) билим учоқларига асос солган, 1920 йилда саводсизликни тугатиш мактабини очилишига бош-кош бўлган эдилар. Исҳоқхон Ибрат ҳалқнинг келажак истиқболига бефарқ бўлмасдан, 1907-йилда иккинчи марта тақдид мактабини очади. Ибрат бу эски мактаблардан тубдан фарқ қишулоқ болаларини ўқитишни бошлади. Ибратнинг янги мактаби замонавий ўқув куроллари, парта, стол, стул, доска, глобус, янги китоблар билан жиҳозланади. Исҳоқхон Ибрат ўз мактабида дарсликлар сифатида Сайдрасул Сайдазизовнинг "Устоди аввал", Али Аскар Калининнинг "Муаллимус Соний", Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг "Адиби аввал" ва ўзи яратган "Лугати сittа ал-сина", "Санъати Ибрат, қалами мирражаб Бандий" асарларидан фойдаланди. Албатта жадидларнинг тартиб интизом ва янги методларга асосланган мактаблари ўз самарасини бера бошлади. "Мен ўзум ҳам ўзумга қарашлик ўнта-ўн бешта болаларни эски мактабда ҳеч баҳра топмай, бехуда юрдукларина жоним ачиб, Қозон тарафиндан... бир муаллим жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг күшодига уч ой бўлгани йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар, ўн бешта одамлар "алиф нима?" деган саволина "калтак" деб жавоб берувчилар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадургон бўлдилар. Тўрт-бешта, етти ва саккиз саналар Кўқонга юруб ҳеч нарса билмаган муллабаччалар битамомиҳи арабий муколамага қодир бўлуб, ҳар бир китобларни муртоалаа этадургон бўлдилар. Шул сабабдин биз кўзумиз или тажриба қилиб, бул ўқитишга тамом ихлос қилдик".[4.54 bet]

Исҳоқхон Ибратнинг ўз мактабида жорий қилган амаллари ҳақиқий янгилик эди. Унинг бундай ҳайрли ва самарали ишлари ўлароқ 1907 йил Мунавварқори Исҳоқхон Ибратга маҳсус мурожаат билан уни Тошкентдаги Тарновбоши маҳалласидаги "Хония" мактаби муридларининг йиллик имтиҳонларига ўз шогирдлари билан келишни таклиф қиласиди. Бунга жавобан Исҳоқхон Ибрат ўз шогирд ва яқинлари Ҳусайн Макаев(Исҳоқхон Ибрат мактабида дарс берган татар муалими), шогирди Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли билан боради. Бир неча ой Тошкентда бўлиб, имтиҳонларда, эски ва янги жадид мактабларида бўлади, уларнинг фаолияти билан танишади.

Мустақиллик эришганимиздан сўнг жадид мутафаккирлари илмий, маънавий меросини ўрганиш ишларига алоҳида аҳамият берила бошланди.Чунки жадидлар томонида илгари сурилган бир қанча ғоявий қарашлари долзарблиги жиҳатдан ўз аҳамиятини йўқотган эмас.Жумладан Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016-йил 2-ноябр куни Намангандан вилояти сайловчилари билан учрашувда Исҳоқхон Ибрат ҳақида алоҳида тўхталиб, у кишига атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва "Ибрат мактаби" ни ташкил қилиш ташаббусини баён этган эди. Президентимиз таклифи жамоатчилик томонидан кенг кўллаб кувватланиб, Тўракўрғон туманида Исҳоқхон Ибратнинг ёркин хотирасига бағишлиланган сўлим боғ, ёдгорлик мажмуаси ва "Ибрат

мактаби" ни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. 2018-йил 3-май куни Президент Шавкат Мирзиёев Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат мактабига ташриф буюрди. 2 гектардан зиёд майдонни эгаллаган ушбу мажмуа сўлим боғ, музей ва мактаб интернатини ўз ичига олган. Мактаб интернат хорижий тилларга иқтисослашган бўлиб, мактабда инглиз, немис, франсуз, рус, араб, хитой, корейс тиллари филологияси ўқитилади. Бу мактаб интернати хорижий тилларга иқтисослаштирилганлиги асосий сабаб: Исҳоқхон Ибрат кўпгина тилларни яхши билганлиги ва чет тилларини ўрганиш муҳимлигини такидлагани боис у кишининг илмий фаолиятини давом эттириш назарда тутилган эди. Президентимиз Ш. Мирзиёев такидлаганидек: "Ибрат мактаби нафакат Наманган вилояти, балки бутун мамлакатимизга ҳизмат қилиши керак. Бу ердаги шароитларни ўқувчиларнинг билимини кўриб, ҳамма ота- оналар ҳавас қилсин. Хоҳласа ёшлар бошқа вилоятлардан келиб ўқисин".[5.]

Хозирги кунда Ибрат мактабини тугатган ўқувчилар олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, гранд асосида қабул қилинади.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, жадид мутафаккирларининг ижодини ўрганиш, уларнинг маънавий аҳлоқий, фалсафий қарашларини дарс давомида ўқувчиларга этказиш ва уларни ватанга, аждодларимизга, буюк алломаларимизга хурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим масаласи бўлмоғи лозим. Уларнинг келажаги айниқса биз педагогларга боғлиқ.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //prezident.uz/lists/view/3324
2. Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 1999. 7-8 бетлар.
3. www.ziyouz.com. // Туркистон вилоятининг газети, 1907 йил, №72
4. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. -Тошкент, 1994. (Истиқлол фидойилари сериясидан). 54-бет.
5. www.president.uz/lists/view/

### **THE USEOF ICT TOOLSIN ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND LEARNING**

Nodira Atabaeva,

Senior teacher, Tashkent Architecture and Civil Engineering Institute

Language learning and teaching is considered to be a complex process. To make such a complexity easier, well-advanced teaching aids should be available as it is the need of the hour. The recent and great development of the Internet led to a technological revolution in all fields of our life and teaching and learning in which gradually become more reliable are not exception. Nowadays, ICT is gaining a vast attractiveness in foreign language teaching and learning as more educators are embracing it. ICT has its noticeable impact on the quality and quantity of teaching-learning process. In concrete terms, ICT can enhance teaching and learning through its dynamic, interactive, and engaging content; and it can provide real opportunities for individualized instruction [1]. The modern classroom environment has changes a lot than the previous-traditional environment due to technology. However, the present paper casts the light on the ICT tools that can help in the development of English language learning and teaching processes to show how technology affects second/foreign language education and how it can be used effectively in the secondary EFL (English as a Foreign Language) classroom; These tools include both web-based tools and non-web based tools and how it can be used in the classroom.

According to Pete Sharma and Barney Barret [2], there are several reasons for using technology in language teaching. In addition to the fact that technology can be motivating, it offers the possibility to work autonomously or interact and collaborate with others. Technology also provides instant feedback on language performance in various tasks and exercises. Technology can also be an extension of the classroom and can be time saving. Finally, technology can promote language learning with fresh authentic and motivating materials directly usable from the Internet.

Using blended learning, which they define as “a language course that combines a face-to-face classroom component with an appropriate use of technology”, Pete Sharma and Barney Barrets suggest that “positive learning outcomes are most apparent when clear roles are assigned to the teacher and to the technology.”

Those tools enable English language learners to be creative. They involve playing with and using language to create, explore, and discover while producing content and learning performances that can be measured. Examples of these tools include web publishing, presentations software, exercise creating tools, podcasting, camera, moviemakers, and audio makers.

Some ICT tools can facilitate and boost teaching and learning of writing and reading skills. Examples of these tools include online boards, online journals, blogs, wikis, and e-books.

Blogs, wikis, boards and journals can be used to create digital material or portfolios online are spaces where learners work in collaborative projects. They can also be used for professional development or to summarize learners' work.

The listening skill can be developed through ICT tools such as:

- Video and audio files;
- Podcasts (syndicated audio files) and vodcasts (syndicated video files);
- Audio Video sharing libraries like YouTube.

Virtual Learning Environments (VLE) are Web-based platforms that allow teachers and learners to manage and organize their work electronically. Some of the benefits of these online spaces are as follows:

Both parents and learners can access these spaces to assess progress.

All participants may have their say on the discussion forums or conferencing sections

VLEs (Virtual learning environments) reduce the social distance between all participants.

How to use audio books to teach reading and listening: Audio books promote phonemic awareness, and they introduce letters, sounds, pronunciations and new words to students. They help students follow print, and build reading comprehension along the way. Indeed, audio books are great tools for struggling readers.

Here are some tips to teach reading and listening to students using audio books:

1. Use audio books to reinforce phonemic awareness and phonics skills.

2. Provide students with both audio and print versions of books, so they can listen in when there are new sounds that they can also see on the page. This combination works best in whole class listening sessions and the students' independent reading.

3. Use audio books to strengthen students' academic independence. They can be encouraged to listen to reading assignments and take notes. Help them prepare for exams by repeating important audio sections and reviewing important points and concepts.

This article has attempted to review the rationale behind ICT use in education. We have also tried to classify ICT tools and their use in ELT. Some of these tools are designed for communication while others are made to help learners be creative. Language skills can also be developed through ICTs.

#### **References:**

1. Erben, T., Ban, R., & Castañeda, M. (2009). Teaching English language learners through technology. New York: Routledge
2. Sharma, P. & Barret, B. (2007). Blended learning: Using technology in and beyond the language classroom. Macmillan

## **ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ**

**Машарипова Г. К.**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти,  
тарих фанлари номзоди.**

Барча тарихий даврларда ҳам ёшларга таълим бериш ва уларнинг тарбияси, дунёқараси ва ўзлигини англаши, интеллектуал салоҳиятини шакллантириш масаласи мамлакат тараққиёти, мустақиллиги, келажагини кафолатловчи муҳим омил саналган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Фарзандаримиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг хаётда мунособ ўрин эгаллашини таъминлашга каратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақазо этмоқда. Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишимасдан, катъият билан давом эттирамиз. Нафакат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини

сафарбар этамиз” [2, 2-б.].Шу билан бирга: “Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, соғлом ҳаётті позицияга эга, чинакам ватанпарварлар инсонлар сифатыда тарбиялаш биз учун хеч қачон ўзининг долзарбилигини йўқотмайдиган масала ҳисобланади”[3, 257-б.].

Маълумки, тарбия - инсон шахси, маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимиdir. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга хунар ўргатиш, билим беришdir. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёнdir. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида таъкидлаганларидек: «Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бирор фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир. Чунки дарс олувчи - тарбия олувчи, амал қилувчи демакдир»[4, 15-16-б.].

Ёшлар тарбияси масаласи, айниқса бугунги даврда, глобаллашув жараёни ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олаётган шароитларда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти узок вақт давомида шакллантирилиб, ривожлантирилиб борилади. Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат килувчи омиллар деганимизда, унинг вужудга келиши ва ривожланиши учун сабаб бўлган: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар, шарт-шароитлар ва имкониятлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун”нинг 18-моддасида таъкидланганидек: “Ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оиласа маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради”[1, 2-б.]. Интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришни таъминловчи, унга қўмак берувчи хукуқий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий соҳаларда давлат сиёсий бошқарувида қўлланиладиган усул, воситалар ва имкониятлар давлат сиёсати омили ҳисобланади. Бу давлатнинг сиёсий бошқарув мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. «Сиёсий бошқарув ўз мазмунига кўра жамият сиёсий ҳаётинингиздан чиқишининг олдини олишга хизмат килувчи жараён ҳисобланади. У сиёсий тизимни барқарорлаштиради ва уни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тизими билан мувозанатини ушлаб туришга хизмат қиласди»[5, 130-б.]. Ўз навбатида сиёсий бошқарув ижтимоий башорат, режалаштириш, қонунлар, қарор, фармон, фармойишлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш каби ишлар орқали амалга оширилади. “Бошқарув илми билан шугулланувчи олимлар бошқарувнинг қўйидаги олдиндан кўриш (англ), режалаштириш, ташкил қилиш, тартиба солишва мувофиқлаштириш, назорат, рағбатлантириш функцияларини ажратиб кўрсатадилар. Ушбу функциялар микро ва макро даражадаги барча иқтисодий ва сиёсий бошқарувлар учун хос” [6, 62-63-б.]. Ўз навбатида давлат сиёсий бошқаруви алоҳида хусусият ва имкониятларга ҳам эга.

Давлатнинг жамият интеллектуал салоҳиятини шакллантиришидаги фаолиятини иккита умумий йўналишга бўлишимиз мумкин. Биринчиси, бевосита интеллектуал салоҳиятни шакллантириш фаолияти. Иккинчиси, билвосита, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш учун керакли сиёсий, иқтисодий, мафкуравий соҳаларда шарт-шароитлар яратиш.

Давлатнинг бевосита интеллектуал салоҳиятни шакллантириш фаолияти таълим сиёсати, фанни ривожлантириш сиёсати, кадрлар сиёсати, маърифатчиликни қўллаб-куватлаш сиёсати, қабул қилинган қонунлар, қарорлар, таълим соҳасини, илмий муассасаларни ривожлантириш дастурлари ва уларнинг давлат бюджетидан маблағ билан таъминланишини қамраб олади. Жамият интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда бу йўналиш асосий ва белгиловчи ҳисобланади.

Ёшларнинг умумий фаолият турларини бирма-бир ўрганмасдан туриб уларнинг ижодий салоҳиятига баҳо бера олмаймиз. Чунки, ўқувчилар ўрганилаётган фанни “аъло” ва “яҳши” ўзлаштиришига қараб унинг истеъодини баҳолашимиз ҳам нотўғри услубдир. Маълумки, бир йўналишни чукур ўзлаштириб тор мутахассислик доирасида “аъло” бўлиб, ихтинослиги бўйича ўқитилаётган фанларни яҳши ўзлаштира олмаслиги мумкин. Бунинг учун барча таълим масканларида таҳсил берәётган устозларимиз ўз шогирдларининг ижодий салоҳияти ва маҳоратини ривожлантириш учун ўқувчининг интеллектуал сифатларини ўрганиши зарур бўлади. Ёшларнинг интеллектуал сифатларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: кузатувчанлиги, дарс жараённида ҳар бир фикрнинг мазмунини ёрита олиши; мантиқийлиги, ўзаро сухбат жараённида мантиқий фикрлаши; ижодкорлиги, жумбокларни ечимини топиши; демократик эркин фикр юрита олиш маҳорати; кузатиш орқали фикрини асослаб бериши; ўз фикрини ўзгартирмаслик даражаси; ўз устида ижодий иш олиб бориш қобилияти; кундалик янгиликлардан

хабардорлиги ва хуносаси, теварак-атрофдаги бўлаёган воқеаларга мустақил ўз фикрига эга бўлиши.

Хуносаси сифатида айтиш жоизки, ёшларнинг интеллектуал сифатларини ўрганган ҳолда, ҳар бир таълим масканида ўтказиладиган таълимий тадбирлар, танлов ва мусобақалар ҳам ёшларнинг илмий ва ижодий интеллектуал салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Бунинг учун ҳар бир устоз ўзи танлаган шогирдининг маҳоратини ошириб бориш учун барча усулларни қўллай олиши, ўқув маскани маъмурияти томонидан ташкил этилаётган тадбирларни ўз вақтида муентазам ўтказилишини ўрганиб бориши лозим. Кўрик-танлов, мусобақа, олимпиадалар ўтказишдаги демократик эркинлик, одилона ва оқилона баҳолаш, ёшларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи омилларда фаол бўлиш барчамизнинг муҳим вазифаларимиздан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли. //Халқ сўзи газетаси, 2016, 15 сентябр
2. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. //Халқ сўзи газетаси, 2016, 15 декабр.
3. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., Ўзбекистон, 2017.
4. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ.- Т.: «Ўзбекистон», 1992.
5. Отамуратов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Қодиров А. Политология. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
6. Тўхтабоев А. Маъмурий менежмент. – Т.: Молия, 2003.

### **ТАЛАБА - ЁШЛАР МАҲНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - БУЮК ФАРОВОНЛИК ҲАМДА ЁРҚИН КЕЛАЖАК ГАРОВИДИР**

Сайдқулов Н.А.  
Гулистон давлат университети ўқитувчиси

Мамлакатимиз ривожланиш суръати янгича фикрлайдиган, ижтимоий фаол, маънавий - аҳлоқий жиҳатдан етук мутахассисларга бўлган талабни тобора кучайтиромоқда.

Ҳаётнинг барча соҳаларида рўй бераётган ислохотлар, демократия ривожи ва эркинлаштириш жараёнлари, иқтисодий плюрализм, маънавиятни юксалтириш, бозор муносабатларига ўтилиши, тадбиркорликнинг кучайиши, ишлаб чиқаришга янгидан - янги технологияларнинг кириб келиши, юқори даражада тарбияланган ва юксак малакали мутахассисларга бўлган талабни янада оширомоқда.

Мамлакатимизда билим олиш, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилаётганини 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конуни ва у асосида тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” яққол исботдир.

Бугунги кунда илмий ходимларимизнинг учдан бир қисми олий ўқув юртларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Ҳаётнинг ўзи, олий мактабнинг такомиллаштирилиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиб бораётган талаблари талабаларга фан асосларини ўргатишни, улар ҳаётида ўқув процесси билан бир қаторда тарбиянинг бошқа соҳаларига ҳам кенг эътибор беришни такозо этмоқда.

Кўплаб олий ўқув юртларида ўқув жараёнидан ташқари тарбиянинг янги кўриниши бўлган «Ижтимоий қасблар факультетлари» ташкил қилинди. Тарбиянинг бу шакли талабаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг, уларда ҳар томонлама етук инсонга хос фазилатларни шакллантиришнинг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий қасблар факультетларида «Соғлом турмуш тарзи» бўлимини очиш ҳозирги кун талабига жавоб беради. Чунончи, баркамол авлоднинг бўш вактини мазмунли ташкил этишда спорт билан шуғулланиш, маъруза ва сухбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш, тиббиёт соҳасидаги олимлар, жамоат тартибини сақлаш ходимларининг қатнашиши катта аҳамиятга эга эканлиги баркамол авлоднинг ижтимоий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Баркамол авлод маънавияти шаклланиши ва такомиллашуви у ёки бу олий ўқув юртида таълим жараёнининг ва тарбиявий ишларнинг қандай ташкил қилинганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бундан ташқари кафедралар, ўқитувчилар ва талабалар гурухининг ҳам ўрни катта.

Талабалар гурухи ҳамма учун умумий бўлган турли соҳалардаги фаолиятни амалга оширадиган, нисбатан мустақил бошлангич ташкилотдир. Талабалар гурухи ўзининг умумий

мақсади, вазифалари, иш фаолиятига, ўзига хос ижтимоий психологик бирликка, бошқариш органларига эга бўлган ва нисбатан бир хил ёшдаги кишилар колективи бўлганлигидан ўз аъзолари учун ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ўзига хос регуляторлик вазифасини бажаради ва улар маънавиятига катта таъсир кўрсатади.

Ёшларни тарбиялаш, уларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда ижтимоий фанларни ўқитиш савиясини янада оширишга эътиборни кучайтириш лозим. Бу борада мазкур фанлар ўқитувчилари зиммасига қатор вазифалар юклатилган.

Биринчидан, ижтимоий фанлар ўқитувчилари баркамол авлодни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик ва маънавий руҳда тарбиялаш ҳамда уларда фуқаролик камолотини шакллантиришда;

Иккинчидан, баркамол авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари билан уларнинг унумли меҳнатлари ўртасидаги уйғунликни кўрсатиб, билимларни уларнинг харакат қўлланмасига айлантиришлари, ҳаётимиз ва меҳнатимиз янгича дунёқараашга боғлиқ эканлигини англаб олишларига эришишларида;

Учинчидан, талаба ёшларни юксак ғоялар руҳида тарбиялаш, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришларида катта аҳамиятга эга.

Олий ўкув юртларидағи тарбиячи ўқитувчиларнинг қобилияти, истеъоди кўп жиҳатдан талабалар ахлоқига таъсир кўрсатади. Ўқитувчининг билимдонлиги, унда маърузачи ва тарбиячига хос қобилиятларнинг уйғунлиги, ўзига ва талабаларга бўлган талабчанлиги, одиллиги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бинобарин, талабаларнинг дунёқарашини, ҳис-туйғуларини, қайфиятларини, мақсадини ўрганишда олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш талабаларда фаол ҳаётий позицияни, юксак онглийликни ва ахлоқийликни, ўкув жараёнига ва тарбиянинг турли соҳаларига тўғри муносабатда бўлиш йўлларини белгилаб олишга ёрдамлашади.

Мамлакатимизда барпо этилаётган жамиятнинг келажаги кўп жиҳатдан ёшларнинг қандай тарбияланганлигига, ўз зиммаларига тушаётган вазифаларини қай даражада англаб олганликларига ва уларни қай даражада амалга оширишларига боғлиқдир. Баркамол авлод бу борадаги бунёдкорлик ишларига ўзларининг бевосита алоқадор эканликларини чукур тушунган ҳолда ўзларини ана шу улкан ишга муносаб қилиб тарбиялаб бормоқлари лозим.

Умуминсоний қадриятлар ривожида миллий қадриятлар қанчалик муҳим аҳамият қасб этса, ўз навбатида, умумбашарий қадриятларга таянмасдан туриб миллий қадриятлар, маънавият ҳам ривожлана олмайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам диалектик алоқадорлик асосида ривожланиб, такомиллашиб боради, бу эса талабаларга ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг асосий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлиш, заминимизда тинчлик ва демократия, ўзаро ҳамкорлик, маданиятни ривожлантириш, шахсни, ёшларни камол топтиришдадир, чунки «миллий маданият ва қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини билиш, уларга эътиқод қўйиш, ёш авлодда инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиради, Ватан баҳт-саодати ва миллий истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга, комил инсон бўлиб вояга етишга ундейди.

Республикамиз маънавий тараққиёти жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда, илгор давлатлар эришган ютуқларни ўзлаштириш ва умуминсоний қадриятларни эгаллаш йўлидан бормоқда. Бу асло миллий анъаналарни, турмуш тарзини ва қадриятларини инкор этиш бўлмай, умумпланетар миқёсдаги интеграциянинг бир йўналишидир. Мазкур омиллар ёшлар маънавиятини шакллантирадиган асос вазифасини ўтайди.

Баркамол авлодимизда Farb маданияти, цивилизация, ижтимоий-сиёсий фикрлари билан чуқуррок танишишга, улардаги янги ғоялар, ютуқлар ва бетакрор ёндашувларни ўрганишга хоҳиш кучли. Айнан ушбу истак уларни чет тилларни ўрганишга, интернетдан фойдаланиб, ўз тенгқурлари билан алоқалар ўрнатишга унданмоқда. Бунга университетимизда чет мамлакатларда ўқиб, тажриба орттириб келган ўқитувчи-профессорлар дарс берәётгани ҳам таъсир қилган, албатта. Демак, баркамол авлод маънавияти кенг ижтимоий, иқтисодий ва ижодий алоқалар ўрнатишга, жаҳон, айникса, Европа халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишга йўналтирилган. Ушбу ҳаётий мақсадларнинг амалга ошиши, бу табиий, факат уларнинг ўзига боғлиқ эмас. Она-оналар, давлат, жамият, қолаверса, бугун янгиланаётган дунё ёшларидаги ижодий интилишларни қўллаб-қувватлаши, бу борада мавжуд тўсиқларни олиб ташлаши, ёшлар ўртасидаги интернационализм, ҳамкорлик, дўстлик, тараққиёт ғояларини қарор топтириши лозим.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Исомиддинов Юнусжон  
Самдчи мустақил тадқиқотчиси**

Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишида фуқаролик жамияти жуда катта роль ўйнайди. Фуқаролик жамияти иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин ва мустақил фуқароларнинг бирлашмаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Бу фуқаролик жамиятининг сиёсий ва иқтисодий асосларини шакллантириш стратегиясини танлаш, унинг ҳуқуқий давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари билан ўзаро муносабатини англатади.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат органларида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ёшларнинг фаоллиги ҳамда ташаббускорлиги нафакат давлатнинг, балки ахолининг фуқаролик фаоллигига қаратилиши керак. Замонавий жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат ва унда яшовчи фуқаролар ўртасида бегоналашиш, шунингдек, бу жамият ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳакиқий ўзаро алоқанинг йўқлигидир. Натижада, фуқаролар ва ушбу тузилмалар ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг давлат сиёсатининг обьекти сифатида ҳаракат қылганда, реал алоқалар бўлмайди ва уларнинг давлат ва ижтимоий ҳаёт субъекти сифатидаги роли рамзий минимал даражага туширилади.

Бугунги кунда, ҳалқаро субъектлар ҳамда жамоаат арбоблари томонидан тан олинган мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўл ҳаритаси ҳисобланган Ҳаракатлар стратегиясида мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юқорида қайд этилган қонун ва қонун ижросини таъминлашда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш мамлакатимизда фуқаролик жамиятни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Албатта, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда жамиятда коррупцияга қарши курашишда ёшларнинг фаолигини ошириш долзарб саналади. Энг муҳими, коррупциянинг олдини олиш ишларини ташкил этишга қаратилган мазкур мақсадларни рӯёбга чиқариш, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари-билин давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозим. Бу борада ёшларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини замон талаблари даражасида ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга қўйиш коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ижросини таъминлашда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Мамлакатимизда бу соҳада ишларни ташкил қилишда “Ижтимоий шерикчилик”, “Жамоатчилик назорати”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ижросини жамиятда ижросини таъминлашда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорликларини янада юқори босқичга қўтариш орқали у ёки бу мансабдор шахснинг фаолиятини холисона баҳолаш орқали амалга оширишни йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири биринчидан, бу - фуқаролар устидан босим ўтказиш эмас, балки, фуқароларнинг конституцияда ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда уларга ёрдам беришга хизмат қиласиган фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги бўлса, иккинчидан, жамиятда уларнинг фаолиятини самарали ишлаши учун давлат томонидан ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилиши орқали намоён бўлади [1. с. 9].

Бизга маълумки, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бешта устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва мазкур қонунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектларининг бири сифатида белгиланиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантириш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш вазифасини қўйди.

Мазкур вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги маҳсус Фармони қабул қилинди. Мазкур

Фармонга мувофиқ Президент хузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларининг мамлакатни янада жадал ҳар тамонлама ривожлантиришга қаратилган жамиятдаги барча харакатларни ҳамда замонавий демократик институтларни очиқ-ошкора майдон сифатида бирлаштирувчи Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Ҳар бир давлат органи хузурида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида ёшларнинг фаол иштирокини кучайтириш ва реал ҳаётга жорий қилишда Ёшлар Иттифоқи фаолиятини барча идоралар билан тизимли йўлга кўйиш лозим. Бу эса, кадрларни танлаш, айниқса, раҳбар ходимларни тайинлашда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича билим даражасини тестлар орқали ўрганишни жорий қилиш давлат органлари фаолиятида шаффоффлик ва очиқликни таъминлашга олиб келади.

Бизга маълумки, мамлакатимизда кейинги икки йилда давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги мулоқатни сустлиги чек қўйилди, бу эса ўз навбатида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ишларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди.

Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш жараёнида ёшларнинг фаоллигини оширишда қуйидаги масалаларни эътиборга олиш лозим деб хисоблаймиз:

- ёшлар иштирокида коррупция ва унинг оқибатлари жамият ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги, унинг ижтимоий хавфлилил даражаси содда ва тушунарли тилда ҳуқуқий жиҳатидан шарҳланган ҳолда жамоатчиликни хабардор қилиш;

- ҳар бир соҳада коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали қонунчиликни ҳамда ички тартиб қоидаларни такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши;

- ҳар бир давлат органида ўз ходимларини коррупция ҳолатларидан огохлантириш ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқиш ва уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш чора-тадбирларини белгилаш;

- ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини таъминлаш орқали коррупцияга сабаб бўлувчи ҳолатларга барҳам беришга эришиш;

- жамиятда коррупция жиноятини содир этган шахсларга нисбатан яъни коррупционерларга нисбатан жазо муқаррарлиги мамлакатимизда қонун устуворлиги асосида таъминланётганлиги хусусида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда кенг ёритиб боришни йўлга кўйиш;

- ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олиш ишларини ташкил этишга ёшларни, шу жумладан, кенг жамоатчиликни жалб қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш коррупцияга қарши ишларни самарадорлигини ошириш;

Ҳар бир соҳада ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб, “Ахлоқ-одоб қоидалари”ни тасдиқлаш, мазкур қоидаларнинг алоҳида бўлимида коррупцияга қарши курашиш қоидаларни белгилаб қўйиш;

Ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш ишларни ташкил этиш ходимларнинг бу соҳадаги жавобгарликларини ички локал ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйишда юридик хизмат ролини ошириш коррупцияни олдини олиш ишларини самарали бўлишига хизмат қиласи.

Бугунги кунда коррупция энг долзарб муаммолардан биридир. Замонавий глобаллашув шароитида коррупция янги шакллар ва турларни қабул қилганда, уни йўқ қилиш учун кулаги шарт-шароитларни яратиш биринчи ўринда туради.

Аммо, ҳозирги босқичда бу жараёнга ёшларнинг фаол иштирок этиш шакллари ва механизmlари деярли кўзга ташланмайди, бу, албатта, ёшларнинг бу борадаги фаоллигига таъсир қиласи. Яна бир муаммо, жамият ҳар доим ўз вақтини ва кучини коррупцияга қарши курашишга сарфлашни хоҳламаслиги билан боғлик ва бунинг бир неча сабаблари бор - унинг самарали бўлишига шубҳа, катта харажатлар ва кўркувнинг борлигидир.

Демак, келгусида ёшларнинг давлат органлари билан биргалиқда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшма режаларини амалга ошириш, ҳалақит қилаётган омилларни олдини олиш ва уни бартараф этиш соҳасида ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Руденкин В.Н. Роль СМИ в профилактике и противодействии коррупции: опыт США // Известия Уральского федерального университета. Серия 1: Проблемы образования, науки и культуры. 2012. Т. 101. №2. С. 246.

## **ЮШМАГАН ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Шеров М.Б.  
Самарқанд давлатуниверситети доценти.**

Мамлакатнинг келажаги халқнинг эртаниги куни, ёшларнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ. Ёшлар давлат ва жамиятнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи ижтимоий қатлам саналади ва ҳар бир жамиятнинг истиқболи унда яшаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онглилик даражаси билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир. Зоро, барча даврларда ҳам ёшлар жамиятнинг энг фаол қисми бўлиб келган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг бешта устивор йўналиши барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим дастурул амал бўлди [1.5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўнуммасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Ушбу ташаббусларни амалий ҳаётимизга татбиқ этиш орқали ёшлар муаммоларини бартараф этишнинг муҳим назарий-амалий асоси бўлиб хизмат қиласди.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, уюшмаган ёшлар муаммоларини ўрганишни куйидаги долзарб жиҳатларини ёритишни социологик таҳлил қилиш лозим:

**биринчидан**, Ўзбекистонда ёшлар тарбияси мамлакат келажаги ва барқарорлигини таъминлашнинг кафолати сифатида намоён бўлаётганлигида;

**иккинчидан**, мамлакат ижтимоий барқарорлигини таъминлашда уюшмаган ёшлар масаласи юзасидан илмий тавсияларни ишлаб чиқиш заруриятини ортиб бораётганлигида.

**учинчидан**, уюшмаган ёшларни жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан мунтазам хабардорлигини таъминлаш;

Хозирги кунда жаҳон мамлакатларида ёшлар тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги маълум.

Хусусан, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганларни ёшлар қатламига киритади. Европа Иттифоқи давлатларида 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган аҳоли вакиллари ёшлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, МДҲ давлатларининг аксариятида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади, аммо Украинада 14-35[2.24], Қозогистонда 14-29[3.12] ёшлilarushbu тоифага киритилади. Ўзбекистон Республикасида эса 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади[4.5].

Хозирги кунда маънавий ва аҳлоқий қадриятларга содик, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар, айниқса, ёшлар жамиятнинг энг асосий кучига айланаб бормоқда. Шунинг учун ҳам XXI аср-интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устивор вазифа сифатида танлаган мамлакатлардагина юксак тараққиётга эришиш мумкин. Шунингдек, билимли жамиятгина таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади[5.47].

Ёшлар деганда мамлакат аҳолисининг энг ёш ва тез ўзгарувчан ва салоҳиятини ташкил этувчи, ўзининг ижтимоий таркиби жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган қатлам тушуниллади. Улар ижтимоий ҳаётда, шунчаки оддий кузатувчи сифатида иштирок этмасликлари учун, улар аввало фаолиятда бўлишлари керак бўлади. Фаолият орқали ёшлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини англаб борадилар. Ижтимоий-сиёсий фаоллик нуқтаи назаридан ёшларни ўз олдиларига қўйган мақсадларига кўра шартли равишда икки гурухга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ижтимоий фаол ёшлар.
2. Ижтимоий ҳаётдан узок, уюшмаган, фаол бўлмаган ёшлар.

Кенг маънода ёшларнинг давлат ва жамият курилиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабати, масъулияти нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин.

Ёшларни, бугунги кунда шартли равишда “фаол” ва “фаол бўлмаган, уюшмаган ёшлар” гурухига бўлиш мумкин. Буларга куйидагилар киради:

1. Сиёсий ўзгаришларни аниқ идрок этган;

2. Демократик жараёнларга ўз хиссасини кўшаётган;
3. Қонунлар қабул қилиш, уни ҳаётга татбиқ этишда бефарқ бўлмаган;
4. Мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан, эл-юрт ва халқнинг тақдиди ва истиқболи учун қайгураётган;
5. Муайян сиёсий партия ёки ижтимоий харакатлар билан ўз фаолиятини боғлаган, шунга эҳтиёж сезган;
6. Ижтимоий заарли иллатлар кўринишлари билан муроса қилолмайдиган ёшларни фаол қатлам дейиш мумкин.

“Фаол бўлмаган, уюшмаган ёшлар” гурухига эса юкорида санаб ўтилган хусусиятларга эга бўлмаган ёшларни киритишимиз мумкин.

Мамлакатимиздаги уюшмаган ёшлар кайфиятлари ва уларнинг ислоҳотлар жараёнларига нечоғли тортилганлиги, уюшмаган ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилашга қаратилган хоҳиш ва истаклари нұқтаи назаридан ўзига хос икки турдаги қарама-қарши вазият ва хусусият тадқиқот жараённида ўзини ёрқин намоён этади:

- янгилик ва модернизация қилиш жараёнларига камарбасталик, улар моҳиятини чуқур англаш, ислоҳотлар мақсад ва мазмунини қўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий овозига эга бўлиш учун ҳаракат, ўзига ва идрокига ишонч, ўз салоҳиятини жамият тараққиёти учун сарфлашга тайёрлик, шахс сифатидаги комилликка интилиш, ўз тараққиётини жамият ривожи билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёрлик, очиқ назар билан қараш ва соғ кўнгиллилик;

- уюшмаган ёшлар ўртасида бефарқлик, бошқарув тизимларига ишончсизлик, барча нарсани мен учун давлат яратиб бериши лозим деган асосга қурилган бокимандалик кайфияти, ётғояларга нисбатан берилувчанлик, зиддиятларга мойиллик, ўз ижтимоий ҳолатидан норозилик, бирон ишга яроқсизлик, ўз келажагига ишончсизлик, конфликт вазият ва ҳолатлардан чиқиб кета олмаслик, мана шундай ҳолатларни ўзи яратиш, қонунларни билмаслик, билимсизлик, тушкунлик.

Шу билан бирга, уюшмаган ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият, қонунларга бўйсуниш, янги демократик тамойилларни англаш ва қабул қилиш, ижтимоий ва сиёсий онг, дин ва демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд. Мазкур вазиятнинг мураккаблиги ва турличалиги, айниқса унинг қарама-қарши томонлари, уюшмаган ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш лозимлиги, бунда эса ёшлар иттифоқининг масъулияти нечоғлик юкори эканлиги кўзга ташланади.

Уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллик даражасини оширишга имконият берувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни қўйидагича таснифлаш мумкин.

#### **Уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллик даражасини оширишга имконият берувчи омиллар:**

- ✓ давлат томонидан яратилган имкониятлар;
- ✓ оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамда ёшлар иттифоқи фаолиятида ижтимоий шерикчилик механизмининг фаолищлаши;
- ✓ ёшлари ттифоқи томонидан уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар;
- ✓ уюшмаган ёшлар иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

#### **Уюшмаган ёшлари жтимоий фаоллик даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар:**

- уюшмаган ёшлар ўртасида хукуқий маданият даражаси пастлиги;
- ота-оналар ва жамоатчилик томонидан уюшмаган ёшларга нисбатан эътибор ва маъсулиятнинг йўқлиги;
- уюшмаган ёшлар ўртасида турли хил турдаги заарли иллатларнинг кенг тарқалиши (наркомания, ичкилик, фоҳишалик );
- уюшмаган ёшларнинг деструктив гоялар ва гарб маданиятига интилиш.

Мамлакатимизда уюшмаган ёшлар билан боғлиқ кўпгина муаммоларни қўйидаги асосий гурухларга бўлиш мумкин:

- уюшмаган ёшларга хос бўлган ижтимоий муаммолар: Буларга уюшмаган ёшларнинг ижтимоий гурух сифатидаги моҳиятини белгилаш; жамиятнинг барча жараёнларидаги ўрни ва ролини баҳолаш; унинг даврий чегараларини аниқлаш; уюшмаган ёшлар ижтимоийлашувига хос хусусиятларнинг спецификасини ўрганиш; уларнинг ижтимоий, касбий йўналғанлиги, жамоада

адаптациялашувини таҳлил этиш; нохукумат, ижтимоий харакат ва бирлашмалар фаолиятининг ижтимоий жиҳатларини ўрганиши.

- умумсоциологик аҳамиятга эга бўлган муаммолар (никоҳ, оила, таълим жараёнлари билан боғлик) ёки фақат уюшмаган ёшлар доирасида намоён бўладиган муаммолар (тарбиянинг хусусиятлари, унинг спецификаси ва самарадорлиги, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, давлат хокимияти тизимидағи ўрни ва аҳамиятини белгилаш ва х.к.).

Ёшлар билан ишлаш бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар фаолиятида қуидаги йўналишлар устувор аҳамиятга эга бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Уюшмаган ёшларда мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш;
2. Жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш;
3. Иқтидорли ва қобилиятли уюшмаган ёшларни кўллаб-кувватлаш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рағбатлантириш;
4. Уюшмаган ёшлар билан ишлашни бевосита яшаш жойларида ташкил этиш;
5. Ёшлар ташкилотларини кўллаб-кувватлаш;
6. Уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш.
7. Уюшмаган ёшларни ҳуқубуқзарликлар, зарарли иллатлар, экстремистик ғоялар ва “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилиш;
8. Ёш оиласарни ижтимоий муҳофаза қилиш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишлар мисолида яна айрим муаммоларни таҳлил этишимиз мумкин бўлади.

1. Ёш авлодни мустаҳкам фуқаролик позицияси ва ватанпарварлик рухида тарбиялаш ҳар бир даврда, ҳар бир давлат сиёсатида муҳим ўрин тутади. Таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар уюшмаган ёшларнинг муаяйн бир қисминигина қамраб олишини ҳисобга олганда, адабиёт, санъат ва ОАВ имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш талаб этилади.

Эътибор қаратадиган бўлсақ, сўнгти йиллар ичida ёш авлод онгига ватанпарварлик рухини сингдиришга қаратилган бадиий асарлар: китоблар, кино ва видеофильмлар саноқли. ОАВ ҳам тарғиботнинг асосан чақириқ ва шиорлар шаклидан фойдаланмоқда. Ёшларимиз орасида қўлма-қўл бўлаётган, қизиқиш билан ўқилаётган асарлар, уларни ўзига жалб этувчи кинофильмлар кам. Ғоявий саёз асарлар ўрнини хориж асарлари, фильм ва сериаллари эгаллаб олмоқда. Ўсиб келаётган авлод миллий қаҳрамонлар эмас, хориж кино ва сериаллари таъсирида, улардаги қаҳрамонлар таъсирида улғаймоқда. Бу ҳолат келажакда салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳам давлат томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, бу соҳа мутасадилари фаолиятини ҳам самарали деб бўлмайди. Умумий жиноятчилик кўрсаткичи камайгани ҳолда, айрим тур жиноятларда ўсиш кузатиласпти. Мисол учун, бугунги кунда глобал муаммога айланган одам савдоси айрим ҳуқуқий онги шаклланмаган уюшмаган ёшларимизни ўз домига тортмоқда. Одам савдосидан жабрланганлар ва унга қўл ураётганларнинг аксарияти уюшмаган ёшлардир.

Шунингдек, айрим уюшмаган ёшларнинг турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишига ҳам ҳуқуқий онгиззлик асосий сабаб бўлмоқда.

3. Иқтидорли ва қобилиятли уюшмаган ёшларни кўллаб-кувватлаш, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Шундай бўлса-да, бу йўналишда илмий-техник, ижтимоий фанлар йўналишларида иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уюшмаган ёшлар ўртасида ижтимоий лойиҳалар бўйича танловлар ўтказиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш эътибордан четда қолмоқда.

4. Уюшмаган ёшлар билан ишлашни бевосита яшаш жойларида ташкил этиш масаласи ҳам долзарб. Республика аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшайди. Бу уюшмаган ёшларимизнинг ҳам катта қисми қишлоқ жойларда яшайди дегани. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, айрим мутасадилар ўз худудидаги уюшмаган ёшлар ҳакида тўлиқ маълумотга эга эмас.

Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатидан келиб чиқиб, турли тарғибот-ташвиқот ишларидағи камчиликлар, ёшлар муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уюшмаган ёшларни рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш каби вазифаларда талаб даражасида ижро этилмаган. Шунингдек, кадрларни танлаш, етакчиларни тарбиялаш масалалари оқсамоқда.

Ёшлар ўртасида тадбирлар ташкил этиш бўйича ишлар тўғри йўлга қўйилмаган. Бандлик масаласи долзарблигича қолмоқда. Уюшмаган ёшларининг оммавий равишда шаҳарларга, хорижга иш қидириб кетиши ҳамон давом этмоқда.

5. Ёшлар иттифоқини худудий бўлимларини қўллаб-кувватлаш ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қўйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур:

- худудлардаги ёшлар иттифоқи фаоллари малакасини ошириб бориш;
- таълим муассасаларидан ташқаридаги уюшмаган ёшларни ёшлар иттифоқига жалб этишнинг янги механизмларини амалиётга жорий этиш.

6. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор масалаларидан бири саналади. Ишсизлик - бугунги кун уюшмаган ёшларнинг энг ўткир муаммоси. Бу муаммони ҳал этиш жуда кенг қамровли тадбирлар ўтказишни талаб этади. Ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари бунда яхши самара бермоқда. Янги иш ўринлари яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ республикамизда 30 ёшгача бўлган аҳоли, яъни ёшлар 17 млн.дан ошик. Бу ҳолат муаммонинг ечимиға янгича ёндашувларни талаб этмоқда. 17 млн. ёшларнинг қанчаси доимий иш билан банд, қайси худудларда ишсизлар сони юқори, уларни иш билан таъминлашнинг қандай интенсив йўллари бор? Бу муаммоларга ечим топишни орқага суриш янада кўпроқ ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

7. Уюшмаган ёшларни ҳуқуқбузарликлар, заарли иллатлар, экстремистик ғоялар ва “оммавий маданият” таъсиридан химоя қилиш бугунги глобализация шароитида янада муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, баъзи худудлардаги таълим-тарбия муассасаларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига, турли тўгаракларга жалб этишга, мавжуд спорт майдончалари ва кутубхоналардан тўғри ҳамда унумли фойдаланишга етарли эътибор берилмаганлиги сабабли ўқувчилар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган.

8. Ёш оиласаларни ижтимоий муҳофаза қилиш. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ёш оиласалар жами оиласаларнинг 16%ини ташкил этади. Уларнинг қанчаси бандлик, соғлиқни сақлаш ва туаржой муаммоси билан тўқнаш келиб турибди?

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиздаги уюшмаган ёшлар масалаларини ҳал қилишда қўйидаги хулоса ва назарий умумлашмаларни билдириш мумкин:

- уюшмаган ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига кенг йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига камарбасталик, ислоҳотларга ишонч, демократик қадриятларнинг абадийлигига суюниш фазилатларини тарбиялаш;

- уюшмаган ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётiga тез кўниши, янги йўналишларни қўллаб-кувватлаши каби мавжуд юқори савиядаги ва ижобий йўналтирилган салоҳиятидан ўз вақтида холис ва рағбат асосида фойдаланишга эришиш, ёшлар ташаббусларининг “чўкиб” қолишига йўл қўйиласлиқ;

- уюшмаган ёшларни соғ, пок, меҳрибон қилиб тарбиялаш, уларни ўз ватани ва оиласининг ватанпарварларига айлантириш, ватанпарварликни ҳаёт тамоилини ва мезонига айлантириш, мамлакат ривожи учун жон куйдиришни фуқаролик фазилатига айлантиришга эришиш;

- соғлом авлод тарбиялаш фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва барча зарур имкониятларни яратиш, соғлом авлод тушунчasi сирасига эса нафақат жисмоний соғломлик, ички руҳий, психологик, маънавий ва мағкуравий соғломлик унсурларини киритиш, ёшлар соғломлигини умуминсоний ва миллий қадриятлар негизида қуриш;

- уюшмаган ёшлар сиёсати ва уни амалга ошириш масаласини миллий ва давлат хавфсизлигининг зарурий таркибий қисмларидан бири деб тан олиш;

- уюшмаган ёшлар ўртасида сиёсий онг ва сиёсий тафаккур тамоилларини кенг сингдириш, уларда сиёсий маданият кўникмаларини шакллантириш, уюшмаган ёшларнинг ўз сиёсий онгини ошириши ва кўникмаларга эга бўлишлари учун табиий ривожланиш тизимларини яратиш ва улардан унумли фойдаланиш.

- уюшмаган ёшларнинг кайфиятлари, манбаатлари ва ижтимоий аҳволини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш бўйича турли социологик тизимлар фаолиятини ривожлантириш, уюшмаган ёшлар ижтимоий, иқтисодий аҳволи мониторингини тизимли ўрганиб бориш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир:

- Уюшмаган ёшларда тадбиркорлик билим ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича семинар тренинглар ўтказиши;
- Уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий онг ва саводхонлиги шакллантиришда турли конкурслар, мусобақалар, интеллектуал ўйинлар ташкил этиши;
- Уюшмаган ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами – ногиронлар, ота-онасиз болалар, кам таъминланган оиласалар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланишини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;
- Уюшмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида доимий равишда социологик сўровлар ўтказиши ва унинг якунлари бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Уюшмаган ёшлар муаммолари бўйича доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганишини ташкил этиш ҳамда уюшмаган ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи социологик илмий марказ фаолиятини йўлга қўйиш.

Мамлакатимиз истиқболли захира бойлиги ҳисобланган уюшмаган ёшларнинг келажаги учун лозим бўлган шароитларни яратиш орқали тараққиётимизни янада ривожлантириш имкониятини бериши шубҳасиздир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. <https://www.gov.uz>
2. Закон Украины “О содействие социальному становлению и развитию молодежи в Украине” 1993 г.
3. Закон Республики Казахстан «О государственной молодежной политике в Республике Казахстан» от 7 июля 2004 года № 581
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.
5. Человеческое развития: учебник // Коллектив авторов. - 2-е издание. - Т.: УМЭД, ПРООН, 2011.

### **ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТОЛЕРАНТЛИК МАСАЛАСИ**

**Турсунов Отабек.**

**Тошкент шарқшунослик институти  
Тарих ва фалсафа факультети 1-курс талабаси.**

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. XXI асрни ҳақли равишида инсон тафаккури, илмий-техник ижодкорлиги имкониятларини намоён қилаётган мўъжизалар асри деб атасимиз ўринлидир. Ҳақиқатан хам ақл бовар қилмас даражада содир бўлаётгани жтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ўзгаришлар нисбатан қиска даврда кечаётган жараёнлар инсон интеллекти маҳсулидир. Айниқса, маънавият соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар инсон тафаккурида кечаётган янгиланиш ҳолати атроф-вокелик ҳодисаларига янгича фалсафий мушоҳада меъёрида ёндашувни тақазо этади.

Шу нуқтаи назардан караганда, кейинги пайтларда “диний бағрикенглик ва миллатлараро тутувлик” тушунчасига олимлар ва илмий тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган изланишлар асосида ўзига хос таърифлар бериладиганин кузатиш мумкин.

Толерантлик омили муаммоси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг марказий масаласи ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, демократик жамият тараққиёти йўлида қилинаётган бугунги ислоҳотлар инсоннинг тафаккури, ақлий салоҳияти ва маънавий бойлигини кўтариш билан биргалиқда, унинг амалий фаоллиги, ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган. Шундай экан, ижтимоий барқарорликка эришиш учун бугунги шиддат билан тарақкий этиб бораётган глобаллашув жараёнида ҳар томонлама, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом шахсни тарбияламоқчи эканмиз, уни диний бағрикенглик ғоялари асосида таълим-тарбия топишига хизмат қиладиган жамиятни барпо этишимиз керак. Чунки, одамларнинг дунёкараш, фикрлаш тарзига асосланувчи мураккаб ҳодиса бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат аҳолисининг бағрикенглик даражасига боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизга сўнгги пайтларда турли хил информацион хуружлар орқали одамлар онгига сингдиришга қаратилган хатти – ҳаракатлар, вайронкор экстремистик

ғоялар халқимиз танлаган ўз тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, мушоҳада қилиб кўрайлик, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда. Уларнинг тинч-тотув, аҳиллигининг гарови миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш” деб номланган бешинчи йўналиш доирасида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёsatнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда диний соҳадаги давлат сиёsatи концепциясини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим[1].

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлиш, уларнинг эътиқод эркинлигини тан олиш алоҳида таъкидланиб келинади.

Шунинг учун келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларни бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб билишга ўргатар эканмиз, уларда диний бағрикенгликка қатъий позицияда бўлишни сингдиришимиз даркор. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда ҳалқ ҳамиша фаровон ҳаёт кечиради.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳозирги замонавий кинофильмлар бир вақтнинг ўзида турли давлатларда катта экранларда қўйилади, китоблар кўп тилларга таржима қилинади ва тез оммалашиб кетади. Шунинг учун маданий глобаллашувда катта ўрин интернетнинг жадаллашувига берилса, хато бўлмайди. Бинобарин, сониялар ичida ер шарининг ҳар қандай нуктасидаги воқеа ва ҳодисалардан хабар топишимиз, бугун ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Мана шундай шиддатли суръатларда биз кимнинг авлодлари эканимизни унутмайлик, дунё тан олган мутафаккирлар, юксак саркарда бўлган боболаримизга муносиб ворис бўлмоғимиз лозим. Ахир, минтақамизда асрлар давомида турли дин ва конфессия вакиллари аҳил ва иноқ бўлиб умргузаронлик қилишган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида диний ва этник масалаларни рўкач қилиб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилаётган кўплаб миллий ҳаракат ва партиялар фаол ҳаракат қилмоқда. Миллий озчиликларга, мигрантларга нисбатан чекловчи чоралар кўришга чақираётган сиёsatчилар айrim жойлардаги сайловларда электорат овозларнинг сезиларли қисмини олиб, жамиятлардаги миллатлараро кескинликни кучайтироқдалар. Шуни ҳам айтиш керакки, бაъзи тараққий этган давлатлар ички миллатлараро кескинлик оқибатида узоқ вақтдан бери парчаланиш ҳавфи олдида турибди.

Давом этаётган кескин глобаллашув жараённида мамлакатимиз фуқаролари орасида ҳам турли бузғунчи этник ва диний гурух аъзоларининг учраб туриши инсон дилини хира қилмасдан қолмайди албатта. Улардаги бошқа дин ёки миллат вакилларига нисбатан нафрат ҳамда тоқатсизлик ва муросасизлик ҳолатларини бартараф қилиш қуннинг дозарб масаласига айланмоғи даркор.

Биз жаҳон тараққиёти билан бирга одим ташлашни мақсад қилган эканмиз, мамлакат олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда кўп миллатли жамиятимизнинг хусусиятларини эътиборга олишимиз зарур. Бошқача қилиб айтганда, олга ҳаракатнинг белгиловчи омили бўлмиш миллатлараро иноқлик тажрибасини доимо назарда тутиб, шунга амал қилмоқ лозим бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятда толерантликнинг роли ва аҳамияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Айни пайтда одамлар асосий оммасининг турли мафкуравий назарияларга, маънавий, диний қарашларга, маданий ҳодисаларга, турли миллат кишиларига муносабат йўналиши ва даражаси ижтимоий барқарорликни кўп жиҳатдан белгилаб беради.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. — Т.: Адолат 2018, 36-бет

## **II ШЎЬБА. ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА ДАҲЛДОРЛИК ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРИ.**

### **ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУХИМ ОМИЛИ**

**Яхшиликов Ж. Я.,  
Фалсафа фанлари доктори, профессор  
СамДУ Фалсафа кафедраси мудири.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб вояга етказиш, уларнинг конституцион хуқуқ, эркинликлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва кафолатлаш, уларнинг таълим-тарбиясидаги узвийлик, давомийлик ва изчиликни таъминлаш, ёшларнинг ташаббускорлиги, истеъдод ва қобилиятини рӯёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон ёшларига байрам табригидаги ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида тўхталиб, - Шу асосда ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, ҳалқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулокот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносаб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда,[ 1. 490 бет] - деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташабbusни амалга ошириш доирасида 2019-2020 йилларда 2 миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа обьектини юқори тезлиқдаги интернет тармоғига улаш, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиш ҳамда ахборот кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан ҳалқ кутубхоналари очиш, ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёлларни банд этиш каби вазифалар белгиланган. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва 26 дан ортиқ давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтлари билан шунингдек, 11та хорижий давлат ёшлар ташкилотлари билан ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик битимлари имзоланди. Шунга қарамасдан, замон талаблари ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида бугунги ёшлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш, амалда апробациядан ўтган ҳалқаро тажрибанинг маҳаллий шароитда янгича механизм ва ёндашувлар асосида амалиётга жорий этишда қатор ишларни амалга ошириш вазифаси ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. [ 2. 6 бет]

2016 йил 15 сентябрдан Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Конуни (янги таҳрири) кучга кириб, 4 боб, 33 моддадан иборат бўлган мазкур қонунда ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва тамойиллари, ёшларнинг хуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси, таълим олиш хуқуқи, иқтидорли ёшларга нисбатан давлат кўмагини амалга ошириш каби долзарб масалалар қамраб олинган. Қонунда ёшларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний-ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш ўз ифодасини топган. Қонунда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ёшларни ватанпарварлик, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадрияларга хурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга қилиб тарбиялаш, ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Таълим ва тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш ҳозирги даврдаги замонавий тараққиётнинг етакчи омили бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсати – демократик хуқуқий давлат куриш ва инсонлар эркини таъминлаш борасидаги ҳар бир устувор йўналишларда ўз куч-

кувати, билими, салоҳияти, идроки ҳамда журъатини кучайтиришга қаратилган, ёшлар мавқеи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеликнинг инъикосидир. Бугунги ёшлар ижтимоий фаол, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва қасб-хунарни пухта эгаллаган, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган бўлишлари учун ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланишига имкон яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятига йўл очиш талаб этилади. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган хуқуқий асосларни такомиллаштириш, салоҳиятини юзага чиқаришга доир механизмларни ривожлантириш ва айниқса униб-ўсиб келаётган ёш авлодда етакчилик кўникмаларини шакллантириш баркамол авлод хуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат килади.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу улуг ишни эртага эмас бугун бошлишимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бугун яратиб беришимиз керак, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Шу муносабат билан сизларни ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларнинг орзу-интилишлари, илфорғоя ва ташабbusларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган ишларимизни наинки давом эттирамиз, балки уларни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз. [3. 37-38 бетлар]

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини - ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйгуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, иқтидорли ва истеъоддли ёшларни қўллаб-кувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оиласларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, ёшларнинг хуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ташкил этмоқда.

Шунинг учун ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик масъулиятини шакллантириш улар томонидан жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини таъминлашлари учун муҳим замин яратади. Ёшлар жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшувчи кучли салоҳият ва ғайрат-шижоат соҳибларидир. Ана шу салоҳиятни Ватан равнақи, жамият манфаати, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадини амалга оширишга йўналтириш эса бугунги кундаги долзарб масаладир. Ўзбекистонда жамият барқарорлигини таъминлаш жараёнлари фуқаролик масъулияти ва ижтимоий-сиёсий фаолликни юксалтириш асосида амалга оширилмоқда.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. 2-жилд. — Т.:Ўзбекистон, 2018.
2. Косимов Р.С. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, унинг меъёрий-хуқуқий асослари//”Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. Мақолалар тўплами. — Т.: 2019.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2019.

## **НЕОРГАНИЗОВАННАЯ МОЛОДЕЖЬ: ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЕ**

**Шарипова Д.Д.**

**Доктор педагогических наук, профессор.  
Ташкентский государственный педагогический университет**

На страницах интернета появилось сообщение: “в Ташкенте после окончания карантина в три раза возрастёт число безработной молодёжи” [1]. Появление подобного прогноза еще более актуализирует проблему работы с неорганизованной молодёжью, к числу которой относятся и безработные, требующие решения определенных экономических, социальных, психологических, медицинских и педагогических проблем. Несомненно завтрашний день зависит от проявлений заботы о молодёжи сегодня.

В контексте этого в республике ведется последовательная работа по решению возникающих проблем, связанных с молодёжью. В частности, 4 июля 2018 года под председательством Президента Республики Узбекистан состоялось видеоселекторное совещание, посвященное вопросам адресной и системной работы с молодёжью, создания достойных условий для обеспечения ее деятельности.

Опубликованные статистические материалы свидетельствуют о том, что в Каракалпакской области 70% молодых людей, совершивших преступления,- это не учащаяся и не работающая молодежь. Этот показатель в Андижанской области составляет 57%, в Сурхандарьинской области 43%, в Джизакской области- 42% [2].

При этом подчеркивалось, что хакимы и руководители секторов должны как минимум два раза в неделю лично встречаться с каждым молодым человеком из числа неорганизованной молодёжи, изучать проблемы и прежде всего, предпринимать меры по обеспечению её деятельности.

Одной из основных задач работы Союза молодежи Узбекистана с неорганизованной молодёжью является "создание здорового образа жизни среди молодёжи, особенно неорганизованной молодёжи, формирование экологической культуры, вовлечение их в регулярную физическую подготовку и спорт" [3].

20 июля 2017 года Либерально-демократической партией Узбекистана был организован открытый диалог посвященный вопросам обеспечения деятельности неорганизованной молодёжи путём привлечения её к предпринимательской деятельности, содействия выпускникам профессиональных колледжей в организации бизнеса [4].

1 мая 2019 года неорганизованная молодежь с пользой провела досуг, что проходило в рамках реализации 5 инициатив, выдвинутых Президентом Узбекистана,- в спортивном зале АГМИ преподаватели кафедры реабилитация и физической культуры организовали мероприятия, касающиеся второй инициативы, включающей в себя развитие спорта и физической культуры среди молодёжи, а также создания условий, необходимых для этого, и 3 инициативы, касающейся организации мер по эффективному использованию информационных технологий в интернете. Были также организованы соревнования по спортивной борьбе, перетягиванию каната, шашкам и шахматам. В этих мероприятиях активное участие приняла молодежь махаллей "Саноат", "Ахмад Яссавий", "Кизил Куёш".

Изучение имеющейся литературы и анализ накопленного опыта в работе с неорганизованной молодёжью позволили нам провести комплексные исследования с этой группой молодёжи и охарактеризовать ряд аспектов этой проблемы, в частности, мотивационные подходы к саморазвитию личности, пути духовного оздоровления личности и преодоления негативного воздействия на этот процесс, законодательные основы правового обеспечения молодёжи Узбекистана, роль и место общечеловеческих и национальных ценностей в формировании идеологического иммунитета, значение здорового образа жизни для молодёжи, предупреждение у них вредных привычек и т. д. [6].

Нами приведены социологические исследования по формированию здорового образа жизни у неорганизованной молодёжи, позволяющие вооружить их знаниями об образе жизни и поведении молодых людей, направленных на укрепление и сохранение здоровья, активизацию защитных сил организма, обеспечивающих высокий уровень трудоспособности, достижение активного долголетия, устранение факторов риска [7].

Как известно, основными критериями здорового образа жизни личности являются:

- состояние здоровья;
- качество жизни;

-медицинская и психологическая грамотность;  
-продолжительность жизни.

При проведении семинаров с неорганизованной молодёжью мы стремились расширить осведомлённость молодых людей по этим критериям, выработать соответствующие ценности здоровья и развить мотивацию к здоровому образу жизни. Участниками семинаров после освоения теоретических основ здорового образа жизни в ходе дискуссий, проводимых в малых группах, вырабатывались конкретные рекомендации по формированию основных компонентов здорового образа жизни, касающихся активизации двигательного режима, соблюдения режима дня, основных требований личной и общей гигиены, психогигиены межличностных отношений и др.

Повышение уровня знаний неорганизованной молодёжи о влиянии негативных факторов на здоровье, здоровьесберегающее воспитание, снижение потребления табака, алкоголя, наркотиков и психостимуляторов, привлечение к занятиям физической культурой, туризмом и спортом, использование различных видов оздоровления, повышение мотивации к ведению ЗОЖ представляют возможность правильно организовать свой досуг, сохранять своё здоровье и обеспечить трудоспособность.

#### **Список литературы**

1. <https://upl.uz/economy/15425-news.hini>.
2. [uz.a.uz](http://uz.a.uz). 04.07/2018.
3. Союз молодежи Узбекистана. Таш ПМИ «Работа с молодежью, духовность и просветительство». <https://tashpmi.uz/souz-molodezh>.
4. Обеспечивается занятость молодежи. <https://www.mf.uz/obespechiv...>
5. Неорганизованная молодежь с пользой провела досуг. <https://adti.uz/neorganizovannaya...>
6. Комилова А.Г., Куранов М. Шарипова Д. Д. и др. Уюшмаган ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг методик асослари. - Тошкент, 2019, 224 с.

### **ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**Исройлов Б.Э.**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

**Пирназаров Ф. Н.**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчisi.**

Жамиятимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда, энг муҳим вазифа фуқароларнинг жамият тараққиёти, давлат бошқарувини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш, бунинг учун унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий асосларини яратиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Зоро, фуқаролар, хусусан, ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўзига хос ўрнини, уларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш биз мақсад қилган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир. Бинобарин, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирокини, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютукларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширмоқда.Ҳаракатлар стратегиясида вазифаларни амлга ошириш учун 2019 йил 9 январда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ПФ-5618-сонли “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги[1] фармони халқчил ва ҳаётий хужжат бўлдиолиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг изчил давоми сифатида келгусида бажаришимиз лозим бўлган ишларимизни белгилаб берувчи дастур бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини, яъни 60 фоизини ташкил этадиган ёшлар қатлами бугун миллий ўзига хосликни саклаб қолиша ҳамда давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим куч сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларга глобаллашув даври салбий ҳодисалари хавфини камайтириш ва уларни маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш учун ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарур. Зоро, фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларгина

жамиятнинг асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур англайди.

Фаол фуқаролик позицияси нима деган саволга жавоб берадиган бўлсак,

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида **фаол** (араб. ҳаракат қилувчи, таъсирчан) – 1) бирор гоявий ҳаракат ёки ишга ғайрат билан, астойдил киришадиган, ишчан;

2) бирор жамоанинг ижтимоий ҳаётида, фаолиятида астойдил, берилиб ишлайдиган, жамоатчи;

3) ҳаракатчан, кўп ҳаракат қиласидан каби маъноларни англатадиган сўз эканлиги келтирилган[2].

**Фуқаролик** – фуқаро эканлик; фуқароларга оидлик; фуқаронинг ҳукуқий ҳолати деган маъноларни беради.

**Позиция** (лотин. *positio* – ҳолат, вазият) – 1) ҳар қандай кимса ёки нарсанинг тутган ўрни, ишғол қилиб турган жойи, мавқеи, ҳолати, вазияти;

2) қўшиннинг мудофаа ёки ҳужум қилиш мақсадида эгаллаб турган ва муҳандислик нуктаи назаридан жиҳозланган ер майдони;

3) шахмат ва шашка ўйинида доналарнинг жойлашиш ҳолати;

4) бирор масалада тутилган йўл, нуктаи назар; воқеа-ҳодисанинг муайян баҳоси[2].

Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бу – ҳар бир болада ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, ватанимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ва қадрлаш, ундан фаҳрланиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун дахлдорликни хис қилиш, ўз ҳукуқи билан биргалиқда бурч ва мажбуриятларини яхши билиш ҳамда уларни тўлақонли амалга ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий манбаатларни ҳимоя қила олиш фазилатларини тарбиялаш демакдир. Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “... барчамизнинг асосий вазифамиз – ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига қўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишдан иборат”[3]

Ёшларнинг қонунга итоаткорлиги уларнинг юксак ҳукуқий онглилик, жамият ва давлат манбаатларини чуқур тушуниб етиб, ижтимоий бурч, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлик туйғуларида намоён бўлади. Ёшлар қонун нормаларига жазоланишдан кўркиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилишлари зарур.

Ҳукуқга юксак ҳурмат билан қаровчи ёшлар ҳар қандай ҳукуқий қоида ва талабларнинг бузилишига қарши туради, ҳар қандай ҳукуқбузарликга нисбатан муросасиз бўлади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори билан тасдиқланган Жамият ҳукуқий маданиятини юксалтириш миллий дастурида; мамлакатимизда қонун хужжатларини инсон ҳукуқлари соҳасидаги ҳалқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётний амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижроэтувчи органлар қонун ости хужжатларини қонунга қўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Талаба-ёшларда ҳукуқий маданиятни янада юксалтириш учун таълим муассасаларда ҳукуқий таълим ва тарбиянинг ўрни жуда муҳимдир. Шуни унутмаслик керакки, ҳукуқий тарбияни ҳукуқий таълимдан ёки факат ҳукуқшуносликни ўқитищдангина иборат эмас. Олийгоҳларда ҳукуқий тарбия тизими ва шакли талаба ёшларнинг ҳукуқий тарбиясига ҳар томонлама ёндашишдан келиб чиқади. Ҳудди шу ерда ҳукуқий тарбияга элементар ёндашишдан воз кечиш зарурлигини айтиб ўтишимиз зарур. Ҳукуқий тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқ равиша олиб бориш принципи ёшларни ҳукуқий амалиётига кириб боришига, ҳаётимизда учраб турган ҳукуқий воқеа-ҳодисаларга ёшларнинг ўзларини жалб этилса ва амалиётидаги қўлай олса, ёшларда фаол фуқаролик позицияси шакилланади. Масалан қонуний хужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш, олий таълим муассасаларида ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билиш уларга амал қилиши, сайлов ишларини олиб бориш каби тадбирлар, уларда қонунга бўлган хурматини тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳукуқий тарбияда самарадорлик тушунчасига тўхтадиган бўлсак, уни ижтимоий моҳиятидан келиб чиқиб қўйидагича асослаш мумкин. Ёшларнинг ҳукуқий тарбиясининг самарадорлиги деганда, мавжуд тарбия воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда, оптималь муддатда ва энг кам маънавий, моддий ва ташкилий харажатлар билан ёшларнинг ҳукуқий билимларини эгаллашларини, уларнинг эътиқоди, асослари ва амалий ҳаракати қўрсатмалари

жамият талаблари билан мувофиқлашганлиги тушунилади. Вахоланки, ҳуқукий тарбия ўзининг пировард натижаси билан ҳуқукий билимларни ошириши ва қонунларни изчил бажариш кераклиги эътиқодини шундай жамият воқеалигидан излаш керак бўлар экан, улар ҳуқукий билимлар даражасини, қонун бузилишига мақсад қиласлигини англаади. Ҳуқукий тарбия самарадорлигини оширишнинг яна бир мухим томони шундаки, тарбиячининг ўзлари зарур хажмдаги ҳуқукий билимлар билан куролланган бўлиши ва ёшларда ҳуқукий онгни шакллантириш, уларни ҳуқукий маданиятини ошириш услугубиятини эгаллаши лозим. Ёшлар ҳуқуқни билса, тасаввур қиласо, аммо ҳуқукий қўрсатмаларни ижро этилишида пассив муносабатда бўлса, бундай ёшларда фаол фуқаролик позицияси шаклланмаганлигини яққол қўрсатади.

Бундан ташқари ҳуқукий тарбия самарадорлигини ошириш йўлларидан кенг фойдаланган холда самарадорлик даражасини ўлчаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, таълим-тарбиянинг асосий мақсади – ёшлардашахс сифатида юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборатdir. Ахлоқ бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар вазифаларини онгли равишда бажаришлари давлатнинг ҳуқукий-демократик табиатига мос келади. Аммо буни ҳуқукий маданиятга эришмасдан, яъни қонунларни билмасдан ва уларга изчил риоя қиласдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясин шакллантириш ва ҳуқукий маданиятини янада юксалтиришда олий ўқув юртларидағи маънавий-марифий ишларни самарали ташкил қилиш ва уларни ҳуқуққа оид илмий тўгаракларга, илмий-ижодий изланишларга жалб этиш яхши таъсир қўрсатади. Бу борада талабалар ва олий таълим муассасалари ўртасида турли хил ҳуқуққа доир қўрик танловлар ва махсус илмий-амалий анжуманларни ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари талаба ёшларга қаратилган ҳуқукий таълим ва ҳуқукий тарбия бир-бирига боғлиқ бўлиб уларнинг камол топишида оиланинг ҳам ўрни бекиёсдир.

### **ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон)
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. - Т.: “Ўзбекистонт миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 325-бет.
3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. - Т.: “Ўзбекистон”, 2006. 100-бет.
4. Таджиханов У, Саидов А. Ҳуқукий маданият назарияси Т. 2. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ АКАД 1998 195 б

### **ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҚИЁФАСИНИ ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аманлаев А.Х.**

**Фалсафа фанлари номзоди, доценти. ЖДПИ**

**Тошбоев Б.Э.**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти. ЖДПИ**

Бугунги кунда миллий маънавият ва қадриятларимизни тиклаш бўйича олиб бораётган саъй-харакатларимиз ўзининг дастлабки салмоқли натижаларини бера бошлади. Буни мамлакатимиз ичкарисида маънавий қадриятларни тиклаш бўйича ташкилий ва тарғибот-ташвиқот соҳасида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам, халқаро майдонда олиб бораётган ишларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бироқ миллий маънавият ва қадриятларимиз глобаллашув жараёнлари тезлашиб кетган ҳозирги даврда улар жиддий ўзгаришга учраётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда содир бўлайтган миллий менталитетидаги парадигмалар ўзгариши шахс ижтимоий ва маънавий қиёфасини ҳамда эртанги кун истиқболини белгилаб беради.

Мазкур масала юзасидан тадқиқот олиб борган республикамиз олимларининг қарашларига кўра, ижтимоий қиёфанинг шаклланишига таъсир этувчи цивилизация ва унинг такомиллашишига муайян маънода ғов бўлувчи ижтимоий инерция [1.106-107] ва тафаккурдаги маргиналлик [2.141]

холатларини тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масаладир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги замон цивилизацияси инсоннинг инсондек яшаши, ишлаши учун турли қулайликларни яратди. Ўз навбатида ушбу мўъжиза инсон ижтимоий қиёфасига, айниқса, ундаги мустакиллик туйгулари шаклланиши жараёнинга таъсир кўрсатаётганлигини илгай олмаслик мумкин эмас.

Ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг ўзига хос энг муҳим хусусияти фан ва техника ютуқлари инсон турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётганлиги билан ажралиб туради. Фан ва техника ютуқларининг инсон турмуш тарзига кириб келиши кишиларнинг фан ва техникага бўлган қизиқишини орттириб юборди. Худди шу ҳолат, бир томондан, одамларнинг яшаши, ишлаши учун қулайликларни яратган бўлса, иккинчи томондан, инсоннинг мустакил шахс бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларда амал қилиб келган парадигмалар ўзгаришига ҳам олиб келмоқда.

Бу жараённинг муайян маънода чукурлашиб боришига яна бир сабаб технологиянинг кучайиши, телевидение, компьютер технологияси, интернет тизимидан кириб келаётган шиддатли ахборотлар юки остида қолган кишиларнинг миллий маънавият, умуминсоний қадриятларнинг ҳаётбахш тамойилларидан ибрат олишга бўлган иштиёқининг сусайишига олиб келди.

Интернетнинг жамият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаёт соҳалари тараққиётидаги ўрни бекиёс. Унинг улкан қудратини тан олиш ёки олмаслик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Интернет инсон тафаккури, ақли ва билим қудратининг маҳсули ва инъикосидир. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда унинг инсоният маънавиятига туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Бу нохуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятларидан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан чалғитиши, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган харакатлари билан боғлиқдир. Сўзиз, бундай таъсирга Интернет аудиториясининг энг фаол ва энг кўп қисми – тафаккури, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчан бўлади. Замонавий ёшлар Интернетга маълумот олишнинг асосий манбай ва коммуникациянинг бош воситаси деб қарайдилар. Улар он-лайн тизимида асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш учун кирадилар. Ше ерда ёшларга Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қандай маънавий ва руҳий озуқа бераяпмиз? – деган ҳакли савол туғилиши табиийдир.

Афсуски, хеч биримиз бунга ижобий жавоб бера олмаймиз. Ёшларда ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, “Бу – яхши, бу – ёмон” деган қатъий фикр пайдо бўйлас экан, мафкуравий хатарларга қарши туриш қийин бўлади” [3].

IDC таҳлилчиларининг таъкидлашларича, ёш америкаликлар Россия ва Бразилияликлардан фарқли равишда Интернетга одатдаги ҳол деб қарайдилар. Ўзбекистон ёшлари ҳам дунёдаги тенгдошлари каби асосан янгиликларни ўқиши, курс ишлари ва рефератлар учун материаллар қидириш, дўстлар билан мулоқот қилиш, янги дўстлар орттириш ва ахборот олиш мақсадида Интернетдан фойдаланадилар.

Аммо виртуал макондан ёғилаётган ахборот оқими шунчалик кўпки, унинг қайси бири фойдали, тўғри ва қайси бири ғаразли эканлигини ажратиб олишга ҳар бир йигит-қиз ҳам қодир эмас.

Интернетда жамиятнинг маънавий тараққиёти, шахснинг, айниқса ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёш бўғинларнинг дунёқарашига, ғоявий тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатувчи манбалар оз эмас. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдобида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда [4.7].

Нима сабабдан биз маънавий қиёфанинг шаклланишида ибратнинг ўрнини кўрсатиш хусусидаги мулоҳазаларимизни ҳозирги замон ахборот коммуникацион технологияларининг таъсиридан бошладик? Ушбу жараёнга сабаб бўлаётган ахборот технологиялари тизимидағи миқдорий ўзгаришлар ҳам фикримизни тасдиқлади. Масалан, 2020 йилнинг феврал ойигача бўлган маълумотларга кўра фойдаланувчиларнинг сони бўйича Facebook ижтимоий тармоғи етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда тармоқдан 2,5 миллиард инсонлар рўйхатдан ўтган ҳамда фойдаланувчилар сони бир йилда 8 фоизга ўсган. Ижтимоий тармоқнинг даромади ҳам шунга яраша бўлиб 2019 йилда 70,697 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва 2018 йилга нисбатан 27 фоизга кўпайган. Рекламадан тушган маблағ 69,655 миллиард долларни ташкил этган. Ундан кейинги ўринларда Twitter бўлиб, унда 336 миллиондан ортиқ фойдаланувчи бўлиб, улар ҳар куни 500 миллион твит эълон қиладилар. MySpace (255 миллион фойдаланувчи), Одноклассники (205

миллиондан ортиқ фойдаланувчи), Windows Live Spaces (120 миллион фойдаланувчи) ижтимоий тармоқларни көлтириш мүмкін [5].

Бизнинг шарқона ахлоқ-одобимиз, миллий менталитетимизга ёт ана шундай салбий иллатлардан сақланишимизда ибрат тарбияси ғоят мұхым ахамият касб этади. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкиди билан айтганды, «... бизнинг қадимий ва саҳоватли заминимизда күп асрлар давомида турил мүллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Мемлекеттік, әзгулик, қалб саҳовати ва том маңнодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади» [6.295].

Бугунги баъзи ёшлар менталитетида учраб турадиган миллий қадрият, урф-одатларга беписанлик ва демократик ўзгаришларга нисбатан бефарқлигидан ҳайратга тушамиз. Улар мақсадлари унчалик аник бўлмаган, бирон-бир касб ёки ҳунар, илмни ўрганиш мақсадидан йироқ тоифадаги ёшлардир. Бундай ёшлар нафакат жаҳонда балки мамлакатда бўлаётган ўзгаришларни аник идрок этмайдилар. Уларда жамият ва халқ тақдирига бефарқлик билан қараш кайфияти сезилиб туради. Бефарқ бўлиш уларнинг онгига сингиб, миллий менталитетда мавжуд меъёрлардан тобора узоклашиш ҳолатларини кузатиш мүмкін.

Албатта, бундай ёшлар озчиликни ташкил этади. Аммо мазкур муаммо сабабларини ўрганадиган бўлсак, унинг илдизлари ёшларнинг бевосита оиласи тарбиясига, жамиятда янгича қарашларни онгига сингдира олмайдиган, рухиятида стереотиплар мавжуд шахсларнинг уларга таъсир қилиши ва бошқа омилларга бориб тақалади. Бунинг натижаси ўлароқ, бундай ёшларда бокимандалик кайфияти, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга бефарқлик каби иллатлар кузатилади. Демак, бугун ёшларнинг нимани кўриб, нимани тинглаётгани биринчи навбатда у вояга етаётган оила, шу билан бир қаторда таълим муассасалари эътиборидан ҳам четда қолиши керак эмас [7].

Таъқидлаш жоизки, мазкур жараён миллий менталитетимиз билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ечимини ҳам ўз рухиятимиздан, хатти-харакатимиз ва қундалик турмушимиздаги одатий бўлиб қолган стереотиплар ҳамда фикрлаш тарзимиздан излашимиз керак.

Бугун ҳукумат аъзолари айниқса, юртбошимиз парадигмалар ўзгаришини тўғри англаб етиб унга жамиятда асосий қатлам санаған ёшларни мослаштиришга оид сиёсат юритмоқда. Зоро, янги муаммоларни эски методлар билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис миллий менталитетдаги парадигмалар ўзгариши шароитида бу жараёнга ҳам инновацияларни олиб киришни замон талаб қилмоқда. Табиийки, ҳар бир ёш ўз фуқаролик позициясини аниқлашга, ижтимоий қиёфасини шакллантириб, мукаммаллаштиришга интилмоғи даркор. Бу эса энг аввал ўзида бефарқлик ва бокимандаликни йўқ этишдан бошланади [8.14].

Янгича фикрлаш, ишлаш ва яшаш маданиятига эга бўлган мустақил шахсни шакллантироқ учун, энг аввало, айрим кишилар хулқ-атворида, хатти-харакатида ҳозирча устуворлик қилиб турган, ўтмишдан бугунга ижтимоий инерция туфайли ўтиб келган салбий ҳолатларни бартараф этишимиз лозим. Эскилиқка қарши муросасиз бўлиш, янгиликни зудлик билан жорий қилиш – инсонпарвар, демократик жамият талабидир.

Шунинг учун барча тарихий даврларда менталитетда паригмалар ўзгариши ёшлар хулқ-атвори, юриш туришида сезилади. Шу боис «замонавий ёшлар қиёфаси»ни ўрганиш ва ривожланиб бориш тенденцияларини таҳлил ва тадқиқ қилиб бориш ўта мұхим масалалардан бири ҳисобланган. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, шундай ҳуносага келиш мүмкін:

– ибратнинг ахлоқий тушунча сифатида инсон ижтимоий қиёфасини шакллантиришдаги ахамиятини миллий менталитет хусусиятлари, мүллатнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, илмий-маңнавий қадриятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир;

- менталитет гарчи инсон ва инсоният бутунлигининг индивидуал ифодаси сифатида ҳам консерватив, ҳам прогрессив хусусиятга эга: консервавтилиги унинг аньаналар ва узок ижтимоий-тарихий жараёнлар махсуси ва давоми эканлигига, прогрессивлиги эса, ҳар бир шахс, мүллат ва элатларнинг умумбашарий ижтимоий-маңнавий жараёнларга, умуминсоний тараққиёт тамойилларига бефарқ бўлмаслигига намоён бўлади;

- мүллат ҳаётидаги ижтимоий-тарихий ўзгаришлар, албатта менталитет мазмуни ва характеристика таъсир этади. Шу боис ўтмишдан мерос бўлиб келаётган айрим салбий хусусиятлардан воз кечилиб, янги ижтимоий тарихий ва маңнавий-фалсафий тамойилларга ҳамоханг ментал фазилатлар таркиб топа бошлайди;

– ибрат тарбиясини ижтимоий-фалсафий ва социологик тадқиқ этиш орқали ёшлар маңнавий қиёфасига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий, маңнавий-маърифий омилларни асослаш ва таълим жараёни, ижтимоий амалиёт, оиласи турмуш тарзига сингдирив бориш зарур.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. – Тошкент: Chinor ENK, 2002.
2. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007.
3. Ш.М.Мирзиёев. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш иили бўлади. 2019 йил 27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/3178>
4. Б.Умаров, М.Ахмедова. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Тошкент. “Chashma print”, 2013.
5. <http://xs.uz/uzkr/post/facebook-fojdalanuvchilari-soni-25-milliardga-etdi>
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017.
7. Убайдуллаев Б. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари: ижтимоий қиёфага чизгилар // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2004. – №1.
- 8.<https://cyberleninka.ru/article/n/globallashgan-ahborot-sharoitida-uvchi-yoshlarning-g'oyaviy-mafkuraviy-immunitetini-ommaviy-ahborot-vositalari-asosida-shakllantirish>.

### **ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ**

**Туратов Ш. Б.  
Жizzah Политехника институти ўқитувчиси**

Бугунги кунда Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятияга асосланган ҳуқукий демократик давлат қуриш асосий мақсад сифатида белгиланган бўлиб, ушбу жараёнда фуқаролик масъулиятини шакллантириш ва юксалтириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Фуқаролик масъулияти жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида қўлга киритилган ютуқлар ва муваффақиятларга фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиш жараёнини ўзида ифодалайди. Фуқаролик масъулияти – жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисми бўлиб, жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга фақатгина тенглик, озодлик, биродарлик каби умуминсоний ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, ўз ҳуқуқларидан ижодий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қиласди. Жамият ҳаётида демократия қанчалик тараққий этиб, юксалиб борса, ундаги фуқароларнинг масъулияти ҳам шу даражада юксалиб, ошиб боради. Ўзбекистонда демократик ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фуқаро мавжуд ҳуқуқларга таянган ҳолатда жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашиш имкониятга эга бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон ривожланган давлатларнинг илм-фан, маданият, давлатчилик, ҳуқуқ, сиёsat, дипломатия ва иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги ютуқларидан ижодий тарзда фойдаланган ҳолда ўз фуқароларида фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласига катта эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекистонда ёш авлоднинг фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласи бугунги кундаги долзарб масаладир.

Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни изчил амалга оширишдан иборат, - дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, - Бу принцип мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган конституциявий асосдир. Биз барчамиз – фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнаки учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим. [ 1. 36-37 бетлар ]

Хозирги пайтда фуқароларнинг ҳуқукий саводхонлигини ошириш, ўрта ва майда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларда жамиятга нисбатан, мустақилликка нисбатан масъулият ва фаол фуқаролик позицияси ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларда фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, миллий гурур ва ифтихор туйгуларини юксалтириш асосида мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш асосида

амалга оширилади. Ёшлар томонидан илм-фан ютуқларини чукур эгаллаш, хорижий тилларни, компьютер технологияларини мустаҳкам ўрганиш, ҳалол меҳнат қилиб ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланиш, Ўзбекистоннинг иктиносидий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тараққиётига ўзининг хиссасини қўшиш ёшларнинг фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва юксалтириш жараённида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, - Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ. [ 2. 28 бет ]

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатида ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топшига кўмаклашиш, ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, мафкуравий иммунитети шаклланган, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашлари карор топган инсон қилиб тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларда фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Иқтидорли ва истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, ёшларнинг хуқуқлари ва эркинликларини рӯёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳам давлатнинг ёшларга оид олиб бораётган сиёсатида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистоннинг баркарорлигини таъминлашда ижтимоий-сиёсий, иктиносидий, маънавий ва маданий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини теран тушуниб етадиган, жамиятнинг бугуни ва истиқболи учун жон куйдирадиган, элим ва юртим деб ёниб яшайдиган фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларнинг ғоявий тарбияси, ижтимоий-сиёсий билимлари даражасини юқори даражага кўтариш ёшларда фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилиб, ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларда фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар тарбиясида таълим ва тарбия уйғуналиги масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Ёшларни юксак ахлоқ ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Ёшларда фуқаролик масъулияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва ривожлантириш Ўзбекистонда ижтимоий баркарорлик, жамият тараққиёти ва қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг муҳим асоси бўлиб, миллий ғоя ва мафкура асосида муайян мақсадга йўналтирилган, жисплашган ёшларни тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир //Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018 йил.
2. Эргашев И. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. Тошкент, Йод дунюси, 2002 йил.

## **К ПРОБЛЕМЕ ФОРМИРОВАНИЯ У СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ ПОЗИЦИИ**

**Гафуров Б. А.**

**Гулистанский государственный университет, старший преподаватель кафедры «НИ, ОД и ПО»**

Активная гражданская позиция – осознанное участие человека в жизни общества, отражающее его сознательные реальные действия (поступки) в отношении к окружающему в личном и общественном плане, которые направлены на реализацию общественных ценностей при разумном соотношении личностных и общественных интересов. Компонентами активной гражданской позиции являются социальная активность, гражданское самосознание и гражданские качества.

Социальную активность можно определить как сознательное, творческое отношение к трудовой и общественно-политической деятельности, в результате которой обеспечивается глубокая и полная самореализация личности. Активность рассматривается как гармоничное сочетание трудовой и общественно-политической деятельности

Гражданское самосознание личности развивается с опорой на жизненную позицию личности: осознание, оценка человеком своего знания, нравственного облика и интересов, идеалов и мотивов поведения, целостная оценка самого себя как деятеля, как чувствующего и мыслящего существа по мере осознания им себя в качестве члена общества, носителя общественно значимой позиции.

Гражданские качества формируются под влиянием социальной среды и собственных усилий личности в специально созданных условиях. Это - чувство любви к Родине, чувство ответственности за свои поступки и действия, инициативность, самостоятельность и т.д.

Активная гражданская позиция предполагает наличие интереса к общественной работе, инициативу, исполнительность, осознание личной значимости, наличие организаторских умений.

Становление активной гражданской позиции студентов представляет собой сложный процесс развития интегративного качества личности, характеризующегося социальной активностью и инициативой, органичным сочетанием личностных и гражданских ценностей, предполагающее осознание себя гражданином и активным участником общественной жизни.

Включение молодежи в разные виды общественно значимой деятельности существенно расширяет сферу их социального общения, возможности усвоения социальных ценностей, формирования нравственных качеств личности. Именно в коллективе формируются такие важнейшие мотивы поведения и деятельности молодого человека, как чувство долга, коллективизма, товарищества. Чем содержательнее и целесообразнее построена и организована деятельность, тем больше возможностей для реализации потребности в активной позиции, тем разумнее строится процесс межличностного общения, тем эффективнее будет осуществляться формирование личности в процессе развития.

Проведение в вузах специальных мероприятий даст возможность большинству студентов осознать свое место и значимость в системе принятия решений по важным вопросам совместно с органами власти, научиться диалогу для выявления совместных решений, проявлять свои лидерские качества в работе с населением, формировать активную гражданскую позицию в молодежной среде. Кроме того, гражданская позиция молодежи в дальнейшем будет способна осознавать необходимость самостоятельных действий, правильно определять вектор государственной политики в различных сферах деятельности и позиционировать себя в первую очередь, как активных помощников исполнительной власти.

С изменением политической ситуации в мире, и в частности, в Узбекистане особую актуальность приобретает проблема становления гражданской позиции. Обучаясь в высшем учебном заведении, студент уже имеет право голоса и имеет возможность выразить свою гражданскую позицию. Но зачастую студенты, недавние выпускники школ, не чувствуют себя частью общества, не знают, что такое гражданский долг, идея и т.д. В результате во многих случаях студенты первых курсов оказываются социально пассивными, либо недостаточно активными членами общества.

В связи с этим ведется интенсивный поиск новых подходов к формированию гражданской позиции студентов. Понятие гражданской позиции в современной науке исследуется философами, социологами, психологами, педагогами [2].

Во Всеобщей декларации прав человека дается следующее определение: « Гражданская позиция – ответственное выполнение гражданского долга». В свою очередь, «гражданский долг – это требования, предъявляемые к личности в виде обязанностей перед коллективом, классами и обществом в целом» [6, с. 28].

Следует заметить, что активная гражданская позиция — это приобретенное качество, которое развивается и совершенствуется на протяжении всей жизни человека. Она может изменяться в зависимости от условий, в которые попадает личность. Н.В. Бордовская и А.А. Реан рассматривают гражданское воспитание как формирование у человека ответственного отношения к семье, к другим людям, к своему народу и Отечеству. Гражданин должен добросовестно выполнять не только конституционные законы, но и профессиональные обязанности, вносить свой вклад в процветание страны [3].

В Узбекистане молодежь занимает особое место в процессе формирования правового демократического государства и гражданского общества [1]. Хорошо известно, что большинство населения узбекистанского общества - это молодые люди в возрасте до 30 лет. Признавая, что молодежь является решающей силой в модернизации общества, государство уделяет особое внимание воспитанию и поддержке молодого поколения. Это отражено в законе Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике», принятом в новой редакции в сентябре 2016 г. и нескольких нормативно-правовых актах в стране.

По мнению С.Ш.Саидова, хотя в последние годы политическая активность молодежи Узбекистана значительно возросла, и их участие в политических партиях и общественных организациях растет, социально-политическую активность молодежи можно считать в некоторой степени односторонней [4,с.256]. Сегодня их внимание в основном сосредоточено на поиске достойных рабочих мест и обеспечении своего экономического благополучия и благополучия своей семьи. Вот почему трудовая миграция, особенно среди молодого поколения, растет из года в год [5].

В настоящее время в нашей стране уделяется большое внимание вопросам образования и воспитания гражданской позиции у студенческой молодежи, так как в условиях становления гражданского общества и правового государства задачей высших образовательных учреждений является формирование нового, демократического типа личности.

Вопросы активной гражданской позиции связаны как с общей культурой человека, так и с его политическими ориентациями, политической культурой. Молодежь активно реагирует на социально-политические процессы, происходящие в обществе, и потому эта социальная группа является благодатно средой для активного воздействия на сознание, порой негативного. Именно поэтому ряд исследователей уделяют особое внимание роли школьного обучения и воспитания в формировании духовно зрелой личности, воспринимающей духовно-нравственные ценности народа, социальные нормы поведения.

Формирование активной гражданской позиции у студенческой молодежи включает в себя: ряд воспитательных задач, связанных с воспитанием у них гражданского сознания и мышления, гражданского мировоззрения и патриотических чувств, гражданского долга и ответственности; активной гражданской позиции; нравственно-психологических качеств гражданина и патриота, необходимых при выполнении конституционных обязанностей и защите национальных интересов страны.

Гражданская позиция проявляется во всех сферах человеческой деятельности: трудовой, общественной, духовно-нравственной. Для приобретения студентами активной гражданской позиции необходимо внести определенные нововведения в содержание образования и воспитания. С этой целью исследователями рекомендуется в тематическое содержание отдельных предметов активно включать темы, привязанные к таким понятиям, как патриотизм, привязанность к родине, национальная гордость, готовность к защите родины, и другим подобным проблемам; поднять уровень внеаудиторных мероприятий, силу их влияния; студенческое самоуправление должно стать важным средством формирования активной гражданской позиции.

#### **Литература:**

- 1.Мирзиев Ш.М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. Т.:Узбекистан, 2016. 53 с.
2. Архангельский Л.М. Ценностные ориентации и нравственное развитие личности. М.,1978; Лисовский В.Т. Социология молодежи. СПб., 1996; Михалина О.А. Гражданское образование как проблема социальной философии : дис...канд. филос.наук. Новосибирск, 2004 и др.
- 3.Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. СПб, 2000.

- 4.Сайдов С.Ш. Государственная молодежная политика Узбекистана. // Власть. 2018.07. С.254-257.
- 5.Сайдов А., Тожихонов У. 2001. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: Ўзбекистон, 285 б.
6. Филонов Г.Н. Феномен гражданственности в структуре личностного развития //Педагогика. 2002. С. 24–29.

## **ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Атамирзаев И.Х.  
НамДУ катта ўқитувчиси**

Мамлакатимизда ёшларимизнинг баркамоллиги, эркин билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар алоҳида ижтимоий гурӯҳ сифатида алоҳида мақомга эга бўлиб бормоқда. Чунки бир томондан, бу қатлам ижтимоий етук ва сиёсий фаоллик кўрсатгичи юқори бўлган субъект сифатида олиб бораётган бўлса, бошқа томондан эса, ижтимоий-инновацион ресурс ва ижтимоий ўзгаришлар субъекти сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида аввало жамиятда умумий маданиятни юксалтира боришга инсонларнинг маънавий камолотини ва ҳуқуқий билимларини тобора бойитиб боришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бу борада ёшлар юксак ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга, ҳуқуқий онглилика эришмоғи ҳуқуққа хурмат ва унга амал қилиш одат қоидасига айланиши лозим.

Мазкур қоиданинг янада мукаммал тушунча сифатида қўйидаги тушунчани таклиф қилмоқчимиз. Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда ҳуқуқий ижтимоийлашув атамасига қўйидагича таъриф берамиз: «Ҳуқуқий ижтимоийлашув – индивиднинг жамиятдаги ҳуқуққа оид намунали хулқли бўлиши, ижтимоий-ҳуқуқий норма, ҳуқуқий-руҳий механизм ва ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш жараёни хисобланади». Ҳуқуқий ижтимоийлашув инсоннинг ҳуқуқий ҳаётга яқинлашуви, ҳуқуқий воқеликларни англаш жараёнидир.

Ҳуқуқий ижтимоийлашувни инсон томонидан ҳуқуқий маконда фаолият юритишида (ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишда) унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга имкон берувчи ҳуқуқий билимлар, нормалар ҳамда қадриятлар тизимини ўзлаштириш жараёни сифатида таърифлаш мумкин. Ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасига шахс (ҳуқуқ субъекти) томонидан инсоният цивилизацияси яратган ҳуқуқий маданият анъаналарини, меъёрларини ўзлаштириб бориш ҳам киради. Ҳуқуқий қадрият ва меъёрларни, ҳуқуқий меросни ўзлаштириш инсоннинг бутун умри бўйи давом этади»[1].

Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви масаласи бош мавзуимиз бўлгани боис социологик тадқиқотларни ўтказиш давомида унга оид бир қанча саволлар билан респондентларга мурожаат қилдик. Хусусан, «Ўз фаолиятингиз давомида «шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви» деган тушунчага дуч келганмисиз?» – деган саволга респондентларнинг 36 % – «хуқуқий адабиётларда ўқиганман», 31 % «биринчи бор дуч келмоқдаман», 17 % – «илмий қўлланмаларда учратганман» ва 16 % – бошқача фикрларни билдирганлар. Бу натижалар «хуқуқий ижтимоийлашув» тушунчасини нисбатан янги атама эканлигини яққол кўрсатади.

Шахс томонидан ҳуқуқий маданият андозалари, ҳуқуқий қадриятлар ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, ҳуқуқий меъёрлар, принципларнинг идрок этилиши унда амалдаги ҳуқуқий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажариш имконини берувчи сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Яъни, ҳуқуқий ижтимоийлашув инсонни ҳуқуқий соҳада бажариши лозим бўлган ролларга ўргатиш жараёнидир[2]. Шу билан бир қаторда, бу икки ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ўртасидаги ўхшашликни ҳам кузатиш мумкин. У қуйидагиларда намоён бўлади:

*Биринчидан*, иккала ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисанинг субъекти бир хил, яъни инсон эканлигига, яъни ҳуқуқий ижтимоийлашув инсон ривожининг илк босқичи – индивид шаклида кўпроқ кузатилса, ҳуқуқий онг унга нисбатан кейинги босқичда шаклланади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқий ижтимоийлашув ва ҳуқуқий онг каби икки ижтимоий ҳодисанинг ҳуқуқ билан боғлиқлигига.

*Учинчидан*, мақсадларнинг умумийлигига. Инсонларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришдан кўзланган ягона мақсад ёшларнинг сиёсий ижтимоий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш ва шу орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга эришишдир.

Шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви фуқароларнинг жамият ҳаётидаги турли муносабатларда, айниқса, хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги фаоллигини акс эттиради.

Шахс фаоллиги – барча жараёнларнинг унинг ўз фикри, ўз карашлари, ўз харакати, ўз ташаббускорлиги, жонкуярлик билан иштирокида намоён бўлади. Демак, фуқароларимизнинг давлат ва жамият ҳаётига оид мухим масалаларни ҳал этишда иштирокини таъминлаш мамлакатимизнинг ривожланаётганлигини, ўз мақсадлари йўлида шаҳдам одимлаётганлигини англатади»[3].

Ёшларнинг хуқуқий ижтимоийлашуви хуқуқий давлат барпо этиш жараёнида мухим жараён ҳисобланади. Инсонлар томонидан хуқуқка ҳурмат, хуқуқий, сиёсий, ижтимоий фаоллик каби хусусиятлар хуқуқий ижтимоийлашув натижасида вужудга келади. Хуқуқий ижтимоийлашув ўз навбатида, хуқуқий онг ва маданиятнинг ривожи билан узвий алоқадорликда шаклланади. Инсонлардаги хуқуқий ижтимоийлашув, хуқуқий онг ва маданиятнинг юксаклиги, сиёсий-ижтимоий фаоллиги хуқуқий тизим ва хуқуқий давлат тараққиёти учун мухим омиллардир.

«Хуқуқий ижтимоийлашув даражаси юкори бўлган шахс ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини хуқуқий воситалар ҳамда усувлардан фойдаланган холда кондириш йўлларини пухта ўзлаштиради. Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш жараёнида хуқуқий ижтимоийлашув қўйидаги функцияларни бажаради:

Биринчидан: хуқуқий нормалар ихтиёрий ижро этилишини, қонун устуворлиги қарор топишини таъминлайди;

Иккинчидан: аниқ ижтимоий-тарихий жараёнда ва хуқуқий маконда хуқуқ субъектларини шакллантиради;

Учинчидан: жамиятнинг маърифий тараққиётида хуқуқий мерос қадрланиши ва авлодлар ўртасида ворисийликни, давомийликни таъминлайди;

Тўртинчидан: индивидни ижтимоий-хуқуқий муҳитга мослаштириш орқали хуқуқий коллизия ва зиддиятларни бартараф этади, хуқуқий барқарорликни таъминлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, хуқуқий ижтимоийлашув – нисбатан янги категория ҳисобланиб, унинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин этиш, уни амалда тўғри қўллаш ўта долзарб аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан хуқуқий тафаккур юксалишига хизмат қилса, иккинчидан ёшлар сиёсий ижтимоий фаоллигини оширади бу эса хуқуқий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Одилкориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий хуқуқий тизим ва хуқуқий қадриятлар.–Т.: 2011. Faafur Fулом номидаги нашриёт уйи. –Б. 108-109.
2. Одилкориев Х.Т. Конституция ва баркамол авлод тарбияси.–Т.:Хуқуқ ва бурч. 2010. №1. –Б. 44.
3. Одилкориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий хуқуқий тизим ва хуқуқий қадриятлар. Монография. – Т.: 2011. Faafur Fулом номидаги нашриёт уйи.–Б.109.

### **ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ**

**Ботиров У.А.  
ИИВ Академияси катта ўқитувчиси.**

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида ёш авлодни комил, юксак маънавиятли инсон қилиб шакллантириш, салоҳиятли фуқаролар этиб тарбиялаш бош вазифаларимиздан бирига айланди. Глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган XXI асрда ёшларни бузгунчи ғоялар таъсиридан саклаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш жаҳон ҳамжамияти олдида турган ўта долзарб муаммо эканлиги бот-бот такрорланмоқда. Энг асосийси, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат» [3].

Шу ўринда айтиш жоизки, БМТ 15-24 ёш оралиғидаги шахсларни ёшлар таркибига киритишни мақбул чегара деб эътироф этган. «АҚШ ва Японияда ёшлар 13-14 ёшдан 29-30 ёшгача қилиб белгиланган. Германияда ёшлар «кичик ёшдаги ёшлар» (14-18 ёш) ҳамда «катта ёшдаги

ёшлар» (18-27 ёш)га бўлинади. Болгарияда 15 ёшдан 29 ёшгача, Россияда эса 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча шахслар ёшлар тоифасига тааллуклидир» [5]. ЮНЕСКО 17-25 ёшдаги шахсларни, социолог олимлар ва иқтисодчилар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахсларни ёшлар жумласига киритади [6, 10 б.]. Ўзбекистонда ёшлар деганда маънавий дунёси шаклланиб келаётган 14-30 ёшдаги фуқаролар тушунилади.

Мамлакатимизда ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Эътироф этилганидек, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни интеллектуал жихатдан салоҳиятли, замон талабларига жавоб берадиган комил инсонлар этиб вояга етказиш мақсадида «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинди. Ушбу йилларда қабул қилинган Давлат дастурларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги жами – 20 дан ортиқ қонунлар ва 600дан зиёд қонун ости хужжатларида ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хуқуқий онгини ўстириш, умуман, баркамол авлод этиб тарбиялашнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшларини жисмонан соғлом этиб тарбиялаш мақсадида, 2001 йилдан умумий ўрта мактаблар ўртасида «Умид ниҳоллари», ўрта махсус таълим тизимида «Баркамол авлод», олий таълимда «Универсиада» спорт мусобақалари ташкил этилиб келмоқда.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, улар онги ва қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотиши ва юксалтириши ҳамда хуқуқий тарбиялашда фуқаролик жамияти институтлари – маҳалла, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари етакчи ўринда туриши мухим аҳамият касб этади. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг 18, 19, 20-моддаларида ҳам бевосита фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги вазифалари белгилаб берилди [1].

Мисол сифатида республикамиздаги барча сиёсий партиялар жамиятнинг энг харакатчан ва янгиликка интилувчи қатламларининг фаоллигини янада ошириш, уларни ўз сафларига кўпроқ жалб этиш мақсадида ёшлар қанотини ташкил қилганлар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол», Адолат социал-демократик партиясининг «Ёш адолатчилар», Миллий тикланиш демократик партиясининг «Ёшлар қаноти», Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» шулар жумласидандир. Уларнинг таркибига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган мамлакатимиз фуқаролари аъзо бўлиб киришлари мумкин. Мазкур сиёсий партияларнинг ёшлар қанотини ташкил этишдан бош мақсад ёшларни кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол иштирокини таъминлашдан иборатdir.

Маълумки, ҳозирда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади [4]. Шу сабабли ҳам ёшлар ўртасида маънавий мухитни яхшилашга эътибор қаратиш лозим. Ёшлар турли салбий таъсирларга тез берилувчан бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг қалби ва онгини бунёдкор ғоялар билан бойитиш, хуқукий маданиятини шакллантириш мухим аҳамият касб этади. «Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгидаги соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз лозим» [2, 115 б.]. Фуқаролик жамияти институтлари ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиш орқали жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга бевосита хиссаларини кўшадилар. Чунки ёшлар тарбияси билан фақат оила ёки таълим муассасаларигина шугулланиб қолмай, жамоат ташкилотлари ҳам бу ишни ўзининг асосий вазифасига айлантириши керак.

Ҳозирда сиёсий тизимни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, ёш авлодни ҳар томонлама маънавий баркамол этиб тарбиялашда фуқаролик жамияти институтлари олдида бажарилиши лозим бўлган мухим вазифалар туребди. Булар қўйидагилардир:

*бираинчидан, мамлакатдаги мавжуд фуқаролик жамияти институтлари ёшлар, уларнинг маънавий, сиёсий-хуқуқий тарбияси билан боғлиқ ишларни ўзларининг асосий вазифаларидан бирига айлантириш мақсадга мувофиқ;*

**иккинчидан**, фуқаролик жамияти институтлари ўз фаоллари билан биргаликда ёшларнинг маънавий-мағкуравий тарбиясини юксалтириш мақсадида турли учрашувлар, давра сухбатлари ташкил этишлари керак;

**учинчидан**, хар бир давлат ёшларининг ижтимоий-сиёсий тарбиясига эътибор қаратади, уларнинг ҳукукий маданияти юксак бўлишини, қонунларга ёшларнинг ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, итоат этишларини талаб килади, чунки фуқаролик жамиятининг мезонларидан бири ҳам мамлакат ёшларининг сиёсий-ҳукукий жиҳатдан тарбияланган бўлишидир. Шу жараёнда мавжуд фуқаролик жамияти институтлари ҳам ушбу вазифаларнинг бажарилишида ўз хиссаларини қўшишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол авлодни маънавий жиҳатдан тарбиялаш фуқаролик жамияти институтларининг олдига бир канча вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Ушбу вазифаларни бажариш орқали улар жамиятда ўз ўрнини эгаллади, электорати манфаати ва эҳтиёжларини қондиришга эришади. Бу эса мамлакатни модернизациялаш ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги конуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – 37-сон. – 426-модда.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 115.
3. Мирзиёев Ш.М. Бизнинг мақсад – тинчлик таъминлаш, тараққиёт ва қонун устуворлиги! // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/uzbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-mirmonovich-mirziyoevning-dasturi> – мурожаат қилинган сана – 11.11.2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // URL – <http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016> – мурожаат қилинган сана – 11.11.2016.
5. Олимов Д. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳукукий асослари янада мустаҳкамланди // URL – [http://xdp.uz/oz/\\_news/usb/?ID=40465](http://xdp.uz/oz/_news/usb/?ID=40465) – мурожаат қилинган сана – 26.12.2016.
6. Қаюмов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. – Тошкент: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2011. – Б. 10.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Абдушукрова И.К.**

**Гулистон давлат университети “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси**

Жамият ёшлар билан янгиланиб бораверади. Ёшларимиз ичидаги миллатимиз ҳавас қиласиган канчадан-канча иқтидорлilar бор. Хорижликлар тилини, урф-одатини, тарихини, маданиятини билади, технологиясини сир-синоатигача тушунади. Ватанга керак ҳамма ишни қотиради. Бундай ёшларимиз борлигидан албатта ғурурланамиз. Ислоҳотлар ривожини ёшларсиз тасаввур этолмаймиз. Ёшлар элини, юртини, миллатини жон-дилдан севишидан, қонунларни яхши билишлигидан фаҳрланади. Зоро, улар ўзгаришларга, ислоҳотларга, Ватан тақдирига бефарқ эмаслар.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун, энг аввало, оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. «Ҳалқимиз фарзандлари ниҳоятда истеъдодли, аклу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди... Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш, эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир» [1], деб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ёшларга ҳар томонлама тарбия бериш, келажакда ўзларига муносаб ўрин топишлари учун имконият яратиш мураккаб ва долзарб масала эканлигини таъкидлаган эдилар.

Бугунги кун талабидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон замонавий ёшлари аввало фидоий, ватанпарвар, миллий истиқбол гоясини чукур хис этган, адолатли ва баркамол, дунёвий илмларни чукур эгаллаган, онгу шуурида демократик қарашларни мужассамлаштирган, янгича тафаккурга эга бўлишлари; ўз она тилидан ташқари, камида битта чет тилини мукаммал билишлари; ўз имкониятлари ва салоҳиятини сарҳисоб қилган ҳолда оиласини олдиндан режалаштиришлари; фуқаро сифатида жамият ва давлат тараққиётига ўз хиссасини қўшиши учун маълум бир касбни

пухта ўзлаштиришлари; шахсий фикрга ва ўз сиёсий ва фуқаролик позициясига эга бўлишлари; ижтимоий ҳаётда фаол бўлишлари лозим.

Бу борада айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бугунги баъзи бир ёшларда кечётган жараёнларга, демократик ўзгаришларга нисбатан бефарқлиқдан ҳайратга тушамиз. Улар кўпроқ кундалик юмушлар билан боғлиқ бўлиб қолган, мақсадлари унчалик аниқ бўлмаган, бирон-бир касб ёки хунар, илмни ўрганиш мақсадидан йироқ тоифадаги ёшлардир. Бундай ёшлар мамлакатда бўлаётган ўзгаришларни аниқ идрок этмайдилар. Уларда жамият ва халқ тақдирига бефарқлик билан қараш кайфияти сезилиб туради [2].

Албатта, бундай ёшлар озчиликни ташкил этади. Аммо, мазкур муаммо сабабларини ўрганадиган бўлсак, унинг илдизлари ёшларнинг бевосита оиласидаги тарбиясига, жамиятда янгича қарашларни онгига сингдира олмайдиган, рухиятида стереотиплар мавжуд шахсларнинг уларга таъсири қилиши ва бошқа омилларга бориб тақалади. Бунинг натижаси ўлароқ, бундай ёшларда бокимандалик кайфияти, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга бефарқлик каби иллатлар кузатилади. Бундай ҳолатларда фақатгина ёшларни айблаш нотўғри, сабаби бу муаммоларнинг илдизи аслида одатий турмуш тарзимизга айланиб қолган баъзи салбий одатларга бориб тақалади.

Ёшларнинг фаоллиги долзарб масалалардан биридир. Фаоллик аслида муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг жамият ва давлат ишларига муносабати, унга ёндашуви, масъулият ҳисси, фуқаролик туйғуси намоён бўлади. Фаоллик - айни пайтда ўзликни англаш ҳамдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг фаоллигини ошириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугун давлат сиёсати шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган экан, табиийки, ҳар бир ёш ҳам ўз фуқаролик позициясини аниқлашга, ижтимоий қиёфасини шакллантириб, мукаммаллаштиришга интилмоғи даркор. Бу эса, энг аввало ўзида бефарқлик ва бокимандаликни йўқ этишдан бошланади.

Демак, давлат ва жамият қуришининг барча жабҳаларини эркинлаштириш сиёсати устувор йўналишга айланадиган бугунги кунда ижтимоий-маънавий тикланишимизнинг муҳим қисми бўлган миллий маданият, санъат, спорт ва ёшларимиз туризми, илм, фан, тадбиркорлик каби соҳалардаги ютуқларимизни республика ҳамда халқаро миқёсда кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, ижтимоий фаол, ташаббускор ва иқтидорли ёшларни миллий ғоя атрофида жипслаштириш тараққиётнинг муҳим шартидир.

Бу борадаги барча муаммоларимизнинг ягона ечими эса ёшларимизнинг илмга интилишлари, фаол бўлишлари, энг муҳими, замонавий билимларни эгаллашга интилишлари иборатdir. Замонавий ёшларимизнинг ижтимоий қиёфаси юқорида келтирилган мезонлар асосида шаклланса, улар замонавий, аммо чин маънодаги миллий ғоя атрофида бирлашсалар ва Ватан тараққиёти учун бел боғласалар, шахсий фуқаролик позицияларини белгилаб олсалар, биз том маънодаги фуқаролик жамиятини ривожлантира оламиз.

2017 йил 30 июн ўзбекистон ёшлари ҳаётида тарихий бурилиш содир бўлди. Бир томондан, эндиликда бу кун Ёшлар куни сифатида байрам қилиниши айтилган бўлса, иккинчи томондан Ҳукумат ёшларга ўз эшикларини очди. Ўша куни ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайерлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” вазифасини бажариши керак”, деган вазифани қўйиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайерлаш институти”ни ташкил этиш юзасидан топшириқ берган эдилар.

Бугунги кунга келиб, мазкур Институт томонидан ёш истиқболли кадрларни танлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга кўйилган бўлиб, уларга нафақат Институт балки, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат Бошқаруви Академиясининг профессор-ўқитувчилари таълим бериб келишмоқда. Айни дамда Институтни тамомлаган тингловчиларнинг 55 нафари турли вазирлик ва идораларда, давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбар лавозимларида фаолият юритиб келмоқда [3, б.7].

Хуллас, бугунги кунда республикамизда ёшлар сиесатига асосланган саъй-ҳаракатлар тизими давлат ва фуқаролик жамияти ва унинг бошқа институтлари, миллий ўзликни англаш, миллий тарбия, давлат сиесатида ёшларни бошқаришни институционал тизими ҳамда ўзаро алоқадорлик ўзгаришлари, ижтимоий-сиесий, ҳуқуқий жиҳатлардан давлатимиз ўз сиесатини амалга оширад экан, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қиласиди. Ёшларнинг ўз-ўзини яхши билиб олиши, фуқаролик позициясининг

кучайиши, масъулияти ва зиелилик даражасининг ўсиб бориши асосий вазифалардан ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиетлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуидаги конференция қатнашчиларига табриги.// Республика конференцияси материаллари. –Т.:Ўзбекистон, 1997. 3 б.
2. Фуқаролик жамияти. 2004. №1. 15-16 б.
3. Қосимов Р.С. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, унинг меъерий-хуқуқий асослари. // “Ёшларга оид давлат сиесатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. - Т.: 2019. 640 б. - Б. 5-7 .

### **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

**Р.Р.Қобилов  
О.Б.Хаитов  
А.Т.Қулдошев  
СамДАҚИ ўқитувчилари**

Глобаллашув жараёнининг чукурлашиб бориши натижасида инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг хавфилари инсонларнинг рухиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиҳдий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдидлар шахс ахлоқий онгода салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қиливчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдид” сўзи “хавф-хатар, хуруж ва бузиш” маъноларини англатади.(1) Шу маънода маънавий таҳдидлар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар дейиш мумкин.

Маънавий таҳдидлардан мақсад: биринчидан, шахснинг маънавий-ахлоқий оламини бузиш; иккинчидан, ўз ватани ва жамиятига нисбатан ёвузын фикрини уйғотиш; учинчидан, миллий ахлоқий қадриятларни айнитиш; тўртинчидан, ўзгалар жамиятини идеал деб билиш кўнимасини ҳосил қилиш; бешинчидан, заарли одатларга хуруж қўйишидир. Диққат қилсак, маънавий таҳдидларнинг барча тури носоғлом турмуш тарзи билан боғлиқлигига ва у мафкуравий нуктаи назардан энг хавфли омил эканлигига амин бўламиз. Чунки, унинг негизини шахс тарбиясини издан чиқаришга қаратилган ғоя ташкил этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда маънавий таҳдидлар қўйидагича иллатларни тарғиб қилаётгани намоён бўлмоқда: худбинлик, нопоклик, нафс қуткусига учиш, хузур-холоватга берилиш, енгил-елпи умр кечиришга даъват, гиёҳвандлик, мутаассиблик, тажовузкорлик, молудунёга ўчлик, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни эскилик сарқити деб деб қараш, лоқайдлик, маҳаллийчилик, ҳасадгўйлик, баҳиллик, сотқинлик, иродасизлик ва х.зо.

Глобаллашув яратоётган имкониятлардан ҳозирги кунда маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий ва мафкуравий марказлар фойдаланмоқдалар.(2) Бунинг оқибатида инсоният томонидан катта маънавий ўқотишлар, миллатимизнинг асрий қадриятлари, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига хавф солаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Агарда масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиласидиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан холи бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудхиш хавф-хатарларни англатади.

Лунда килиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлако бегона мафкура ва дунёқарашни аввало бегубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилганлиги билан айниқса хатарлидир.

Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларни йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътиборда эканлиги кишининг кўнглига таскин беради. Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлгани каби глобаллашув жараёни ҳам салбий ва ижобий моҳият касб этаверади. Профессор С.Отамуродов глобаллашувнинг ижобий жиҳатларига тўхталар экан, “кўпгина мамлакатларга фан техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, ҳалқлар турмуш тарзининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқа. Шу тариқа башариятнинг умумий интеллектуал салоҳияти юксалишига ёрдам бермоқда”, деб таъкидлайди.(3)

Глобаллашувнинг миллий маънавиятга кўрсатаётган ижобий таъсирлари тўғрисида билдирилган фикрларни умумлаштириб қуидагича хулоса қилиш мумкин:

-маданий алоқалар ва муносабатларнинг глобаллашуви, бир ҳудудда янги маданий ва маънавий қадриятларни, санъат турларининг вужудга келишига сабаб бўлади, бу эса миллий маънавият таркибини янада бойиб боришига олиб келади;

- иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви эса, мамлакатлар моддий ҳаётини яхшилашга кенг йўллар очиб беради ҳамда фуқаролар фаровонлигининг таъминланишига имкон беради;

- фан ва техника соҳасининг глобаллашуви миллий маънавиятнинг асоси бўлмиш миллий интеллектуал салоҳиятни кучайтиради;

- сиёсий-мафкуравий соҳаларнинг глобаллашуви умумжаҳон маънавий муҳитни ривожланишига замин яратади, бу эса миллий маънавиятни янада такомиллашишига асос бўлади.

Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнларининг миллий маънавиятга кўрсатаётган салбий таъсири хусусида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

- демографик кўчишларнинг айрим ҳудудларда ҳаддан зиёд ошиб кетиши маънавий таъсирлар оқимини ҳам ошишига олиб келади, бу ҳолат шу ҳудуддаги миллий маънавиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади;

-умумжаҳон миқёсида маънавий-маданий неъматларга эҳтиёж ривожланган давлатлар талабига кўра шаклланиши миллий маънавиятга бир кутбли таъсирини кучайтиради;

- трансмиллий компаниялар маҳсулотлари дунё бўйлаб тарқалиши маънавий таъсирлар ташувчиси сифатида, айниқса жамият келажаги бўлган ёш авлод дунёкарашида шаклланиши ўз миллий заминлари хисобига эмас, балки унга зид бўлган “оммавий маданият” хисобига ривожланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида миллийликнинг барбод бўлиш жараёнини тезлаштиради;

-сиёсий-мафкуравий муносабатлар кескинлашуви, бу борадаги рақобат дунё сиёсий манзарасида моддий фан, техник, технологик имкониятлари юксак тараққий қилган мамлакатларнинг маънавий устуворлигини таъминлашга, бу ўз навбатида, миллий маънавиятнинг емрилишига олиб келади .

Буларнинг олиддини олишда биринчи навбатда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналар ва маънавий қадриятларни, Ватанни севиш ва маъсулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, шу билан бирга андиша, ғурур, ор-номус, улуғларга ҳурмат, муросачилик принципига асосланган “шарқона демократия” тушунчасини ёшлар онгига сингдириш, уларни ҳалқимизнинг урф-одатларига, маънавий меросини улуғлаш, умуминсоний тамойиллар ва инсон қадрини ҳурмат қилиш каби фазилатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ёшлар ҳаётига кўринмас, яширин тарзда кириб келаётган глобал ҳуружларга онгли равшда муносабат билдириш, ёшларга “оммавий маданият” ниқобидаги мафкура нима эканлигини тушунтириш ва бу таҳдидларга қарши кураша оладиган баркамол инсонларни вояга етказиш зарурдир.(4) Булардан ташқари жамиятда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни олиб бориш билан бирга буғунги глобаллашув шароитида ёш авлодда мустақил онгни шакллантириш мақсадида қуидаги вазифаларни белгилаш максаддага мувофиқдир:

Биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга тадбиқ этишда сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшлар қизиқишилари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчидан, ёшларнинг инновацион фаолиятини бойитиш, уларнинг хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, билими, ҳарактини хисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонблама ошириши, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;

Учинчидан, ёшларда мустақил фикрлашни шакллантиришда санъат ва маданият соҳасидаги қизиқишларини юксалтириш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

Тўртингичидан, ахборот алмашиниши, алоқа, ёш авлодни ривожлантириш ва тарбиялаш учун ахборот мухитини хатарсиз, қулай тарзда кенгайтириш. Оммавий ахборот воситалари, матбуот, интернет порталларидан ёшларни ижобий ва самарали фойдаланишга жалб этиш зарурдир.

Бу хусусият ва омилларнинг ёшлар камолотида аҳамияти катта. Бу авваломбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини яхши англаймиз.

Мамлакатимизда давлат буюudgetининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълимтарбия соҳасига йўналтирилмоқда. Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлади. Бу имкониятлар ўз навбатида ёшларни бугунги глобаллашув жараёнларида фаол иштирокини таъминлашда, мамлакатимиз тараққиёти ва келажагига ўз билим ва маҳорати билан ҳисса қўшишларида катта амалий ёрдам бўлиб хизмат қиласди.

Унинг учун таълим-тарбия муассасаларида ҳар бир педагог *гуманистик* (инсонга, унинг мавжудлигини таъминлашга, ривожланиши ва ўз-ўзини намойиш қилишга йўналтириш); *акциологик* (жаҳон ва кўп миллатли Ўзбекистонликларнинг қадриятларини сақлаш); *ижтимоий-маданий* (миллий маданият билан бошқа халқлар ва жаҳон маданиятини омухта қилган ҳолда ўз халқи маданиятини эгаллашга кўмаклашиш); *ижтимоий-мослашиув* (динамик янгиланувчан ижтимоий ҳаётга самарали мослашиш, шунингдек, касбий фаолиятга тайёрлашга таъсири кўрсатиш); *инновацион* (инсондаги билимлар ва фаолият усусларини янгилаш, илмий-тадқиқот фаолиятида унинг таянч йўналишларини шакллантириш); *прогностик* (инсон ҳаётида учрайдиган турли таҳдидларни олдиндан сезиш ва унга қарши турба олиш кўнижмасини шакллантириш) асосида ёшларни даврга мослаштиришга барча билим ва маҳоратини қаратишлари лозим.(5)

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасалари фаолияти тизимида бош ҳаракатдаги шахс, педагог, ўз шахсий потенциали ва маҳоратини ишга солган ҳолда талабалар билан ҳамкорликда ижодий ва ҳаётий фаолиятини максадга мувофиқ тарзда ташкил этса, ўрганувчилар унинг барча шакл ва кўринишларида реал субъектга айланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Юлдашева С.М. «Соғлом турмуш тарзи - таҳдидларга қарши кураш омили сифатида” // Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни. Т., 2009. 191-бет.
2. Отамуродов С. Глобаллашув жараённинг миллий маънавиятга таъсири. // Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-хукукий масалалари мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман. Т., Фалсафа ва хукуқ. 2006. 36-бет.
3. Ўша жойда. 37-бет.
4. Самаров Р. Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) Монография. Т., Академия, 2010. 63-бет.
5. Н.С.Сайдаҳмедов. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Т., “Фан ва технология” нашриёти, 2014 й 22-бет.

### **СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЁРСТВО В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**Шпенёва Л.Ю.**

**кандидат исторических наук, старший преподаватель  
кафедры Общественных наук СамГАСИ.**

Социальное партнерство - сравнительно молодо, термин появился после первой мировой войны. Социальное партнерство – система взаимоотношений между работниками (представителями работников), работодателями (представителями работодателей), органами государственной власти, органами местного самоуправления, направленная на обеспечение согласования интересов работников и работодателей по вопросам регулирования трудовых отношений и иных непосредственно связанных с ними отношений.

История становления социального партнерства как специфического типа общественных отношений формировалось в результате длительной социальной эволюции, сопровождалось поиском путей разрешения конфликтов между конфликтующими сторонами. Итальянский государственный деятель Н. Макиавелли (1469-1527) сделал первые попытки системного анализа социальных отношений в условиях конфликтов и способа воздействия на них. Английский философ Ф. Бэкон (1561-1626) дал теоретический анализ системы социально-трудовых отношений. Шотландский экономист и философ Адам Смит (1723-1790) определил противоборство сторон как источник поступательного развития общества. Немецкие философы Г. Лейбниц (1646-1716) и И. Кант (1724-1804) придерживались того мнения, что состояние мира и согласия между людьми должно достигаться на основе компромисса и договора в общественно-экономической жизни [ 3].

В новой и новейшей истории отношения между капиталистом (работодателем) и наемным рабочим в основе своей определялись противоположностью их коренных интересов в условиях и оплате труда, в уровне жизни в целом. При этом классовая борьба была не придуманной, а объективно-естественной формой разрешения возникающих между ними противоречий, где сторонники одного направления выступали за революционное переустройство капиталистического общества, а представители другого — обосновывали возможность капитализма к саморазвитию и выступали за эволюционные преобразования путем реформирования и достижения компромисса. на рубеже XIX-XX вв. исследования проблем формирования социально-трудовых отношений принимают характер противостояния двух основных непримиримых позиций: марксистская, революционная и социал-демократическая, реформистская, существуют они и сегодня [4с.73].

На усиление работы с теорией социального партнерства оказала влияние победа Октябрьской революции. «Остальной мир», чтобы исключить то, что произошло в России, вынужден был выработать стратегию и тактику урегулирования отношений между трудом и капиталом. Для разрешения противоречий пришлось активизировать создание специальных организаций — профсоюзов, а также процесс формирования международных организаций, призванных регулировать социально-трудовые отношения. Одной из таких организаций стала в 1919 году Международная организация труда, являющаяся основной организацией ООН, в рамках которой представители трудящихся, работодателей и правительства на равных участвуют в разработке и принятии решений по широкому кругу социально-экономических вопросов.

Эта старейшая международная организация за десятилетия своего существования не только создала развернутую концепцию социального партнерства, но по существу стала высшим звеном регулирования трудовых отношений на мировом рынке труда. С этого времени термин «социальное партнерство» официально признается и вводится в широкий научный оборот [4].

Распад Советского союза и обретение независимости Узбекистаном, переход к рыночной экономике и, в частности, радикальные преобразования, произошедшие в формах собственности Узбекистана, обусловили необходимость изменения форм регулирования трудовых отношений в постсоветских республиках, поскольку стали формироваться две основные группы общества: работодатели и наемные работники. Поэтому переход на рыночные отношения в Узбекистане сопровождался правотворческой деятельностью органов государственной власти по созданию правовых актов, которые способствовали бы формированию основ системы социального партнерства. Среди законов нормативно-правовых актов главное место занимает Конституция Республики Узбекистан принятой 8 декабря 1992 г., обладающий наивысшей юридической силой, непосредственного прямого действия и применение на всей территории Узбекистана. Конституция является юридической базой для всего действующего законодательства и трудового, в частности. В соответствии с действующей Конституцией Республики Узбекистан (ст. 37): «Каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, несправедливые условия труда и на защиту от безработицы в порядке, установленном законом»[1]. Право человека на труд имеет принципиальное значение, а способы его реализации зависят в значительной степени уровень развития общества.

Первым Президентом Республики Узбекистан Исламом Абдуганиевичем Каримовым в «Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране» определены актуальные задачи, связанные с дальнейшим расширением роли и участия общественных объединений в процессе проводимых в обществе реформ, укреплением их правового статуса, расширением связей социального партнерства[2].

Государственные деятели, предприниматели, профсоюзные лидеры, главы политических объединений стали часто говорить об этом, свидетельством тому является разработка и принятие закона «О социальном партнерстве», который был принят в 2014 г.

Дело в том, что в основе социального партнёрства лежит не только идея разделения ответственности между представителями трудящихся, работодателей и правительством за результаты принимаемых и реализуемых решений, но и механизм ослабления монополии государственных органов власти на управление экономики, их опеки над всеми слоями общества.

В настоящее время реализуется постановление Кабинета Министров "О дополнительных мерах по реализации в 2018-2020 годах ратифицированных Республикой Узбекистан конвенций Международной организации труда" от 31 мая 2018 года, включающее конкретные мероприятия по разделам совершенствования национального законодательства, выполнения ратифицированных конвенций МОТ по вопросам принудительного и детского труда, взаимодействию, разработке и реализации программ сотрудничества, наращиванию потенциала социальных партнеров.

На встрече встреча Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева с Генеральным секретарем Организации Объединенных Наций Антониу Гуттерилем в 2017 г. в Самарканде говорилось о сотрудничестве и деятельности органов самоуправления граждан, об их взаимодействии на основе социального партнерства с органами государственного управления.

Сегодня особое внимание уделяется данному направлению развития нашего общества в стране. В 2020 году подписано генеральное соглашение между кабинетом министров Республики Узбекистан советом федерации профсоюзов Узбекистана, конфедерацией работодателей Узбекистана по социально-экономическим вопросам на 2020-2022 годы. При этом построение действенного социального диалога между социальными партнерами в лице государственных органов, работодателей и профсоюзов служит согласованию интересов всех сторон социально-трудовых отношений, утверждению стабильности и социального согласия в обществе.

Генеральное соглашение является основным документом социального партнерства в сфере труда республики, носит рамочный характер и определяет основные направления сотрудничества Правительства, Федерации профсоюзов и организаций работодателей. Большинство норм соглашения подлежит реализации через отраслевые и территориальные соглашения и коллективные договоры.

#### **Литература.**

1. Конституция Республики Узбекистан. Т. 2018.
2. . Каримов И.А. Дальнейшее углубление демократических реформ в нашей стране. Концепция развития гражданского общества. - Т: Узбекистан, 2010.
- 3.. Социальная политика.//Учебник для бакалавров... Холостова Е.И., Климантовой Г.И. М., 2011.
- 4.Исторические предпосылки и современные исследования социального партнёрства. Сунарчина М.М.// Общество. Среда. Развитие (Тетта Нумана). М.№2, 2010 г.
- 5.<https://kasaba.uz>–Портал Федерации профсоюзов Узбекистана.

## **НОВЫЕ ПОДХОДЫ ВОССТАНОВИТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕДУР ПРИ СОВЕРШЕНИИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ НЕОРГАНИЗОВАННОЙ МОЛОДЕЖИ**

**Базаров А.А.**  
**кандидат юридических наук**

Главное условие процветания нашего государства и народа – укрепление в сознании каждого человека, особенно молодого, только вступающего в жизнь, что он является той личностью, от устремленности, полной самоотдачи и безграничного трудолюбия которой зависит достижение поставленных целей [1; С.48].

Конституция Республики Узбекистан исключительное внимание уделяет воспитанию молодежи, поставив этому вопросу отдельную главу (XIV). Все это диктует необходимость укрепления подрастающего поколения в обществе и, в частности, несовершеннолетних в уголовном процессе. Кроме того, одним из пяти принципов, разработанных Президентом нашей республики является принцип верховенства закона, законопослушания.

Это означает, что принятые демократическим путем законы обязаны уважать и неукоснительно соблюдать все без исключения, а неорганизованная молодежь обладает еще неустойчивыми взглядами. Именно эту часть общества предстоит воспитывать больше всего.

Рассмотрим некоторые аспекты которые необходимо проводить работу в виде профилактике среди той молодежи которые совершили правонарушения с целью адаптировать их в общество:

#### ***Медиация потерпевшего и правонарушителя.***

Это примирение между потерпевшим (жертвой) и правонарушителем, которое достигается на основе их личного согласия и добровольного участия во встречах.

Программа примирения жертвы и правонарушителя может быть использована к достаточно широкому кругу ситуаций: развод супругов и лиц, состоящих в гражданском браке, проблемы между родителями и подростками, ссоры между соседями, проблемы и конфликты у детей в школе.

#### ***Семейные конференции.***

Семейная конференция дает членам семьи возможность осознать необходимость приложения собственных усилий по изменению сложившейся ситуации. Это обсуждение в семье проблемы самого ребенка, его отношений с родителями с участием ведущего (психолога, педагога, юриста, социального работника). Такая процедура помогает, когда например, в семье имеется затяжной конфликт между родителями и трудным ребенком, но эмоциональные связи между ними еще не совсем разрушены, они могут понять друг друга и помириться. Родители и дети в спокойной обстановке с помощью ведущего формулируют и выражают взаимные претензии.

#### ***«Круги заботы».***

Применяется, когда отношения в семье фактически разрушены или когда представляют угрозу для жизни и здоровья ребенка и решается вопрос об его изъятии из этой семьи.

«Круги заботы» включают в решение семейной проблемы родственников, друзей семьи, близких людей и соседей. В ходе встреч возможна договоренность об изменении их отношений и поведения. Реализация процедуры дает возможность членам семьи осознать необходимость собственных усилий и изменения поведения каждого.

Инициаторами «круга» могут стать школа, КДН, подразделения профилактики правонарушений среди несовершеннолетних ОВД, когда требуется повысить ответственность родителей за воспитание ребенка и создание благоприятного семейного климата.

«Круг заботы» можно использовать в случае помещения ребенка в детский дом, интернат с целью сохранения его связей с близкими людьми.

В организации «кругов заботы» необходимо участие социального работника, психолога, представителей КДН, органов опеки и самоуправления граждан.

#### ***«Школьные конференции».***

Стандартным поводом для проведения школьных конференций, являются драки, унижения или издевательства, а также случаи угрозы исключения ученика из учебного заведения в связи с систематическими срывами занятий или прогулами.

Участниками школьной конференции непосредственно являются стороны конфликта, классные руководители, родители, психолог и социальный работник.

Школьные конференции позволяют разрешать конфликтные ситуации, имеющиеся в школе. (Конфликт внутри и между классами, конфликт в системе «учитель - ученик», кражи, драки, порча имущества, вымогательство и т.д.).

Участвуя в различных формах восстановительных процедур, девиантные дети учатся способности самостоятельно преодолевать трудности и справляться с проблемами, что приводит к успешной социализации в обществе.

**Данные программы для Узбекистана являются инновационными. Их реализация предполагает использование данных новых методик (процедур) в практической деятельности специалистов социальной защиты детей на основе международного опыта.**

<b>Цели восстановительного правосудия</b>	
в отношении правонарушителя	в отношении потерпевшего:
– ребенок признает ответственность за свое действие и объясняет причины, толкнувшие его к совершению преступления;	– оказывается помощь и поддержка (социальный работник, психолог, психотерапевт и др.); – возмещается моральный и материальный ущерб; – восстанавливается чувство безопасности,

- ребенок понимает последствия содеянного для потерпевшего (жертвы) и приносит ему извинение, восстанавливает нанесенный моральный, психологический, материальный ущерб потерпевшему;
- ребенок получает руководство и надзор в целях профилактики повторного правонарушения и вовлекается в социально-реабилитационные программы.

предоставляется возможность поделиться эмоциями, возникшими в связи с криминальной ситуацией;

- предоставляется возможность быть услышанным, получить ответы на волнующие вопросы;
- потерпевший и сообщество видят торжество правосудия.

План действий социального работника, психолога по работе с ребенком-правонарушителем в рамках внедрения восстановительных программ



Индивидуальные программы профилактики и реабилитации могут включать:

- 1) вовлечение учащихся в спортивно-оздоровительные объединения, кружки, секции;
- 2) привитие навыков здорового образа жизни, посредством проведения тренингов;
- 3) тренинги, связанные с актуализацией основных жизненных ценностей и нахождением конструктивного выхода из конфликтных ситуаций; работу в малых группах по отработке основных коммуникативных форм, норм общения, позволяющую найти свое новое положение в социуме;



4) просвещение несовершеннолетних в области личной гигиены, антиалкогольная и антитабачная пропаганда, разъяснение последствий наркомании и СПИДа для человеческого организма;

5) проведение профессиональной ориентации и экскурсий (в колледж, лицей, на предприятие).

#### **Литература.**

1. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. -Т.: Узбекистан 1996. Том 1. С.48.

## **“ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ”КОНЦЕПЦИЯСИ –ЁШЛАР ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ МУХИМ ЎРНИ**

**Исройлов Б.Э.**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

**Пирназаров Ф.Н.**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчisi.**

Ҳозирги даврда ёшларда фаол фуқаролик позициясини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун ҳуқуқий-маърифий тарғибот учун зарур асосий ҳаражатларни давлат ўз зиммасига олаётганлиги мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш уларни ҳар томонлама камол топтириш ишларини рағбатлантириш масалалари ҳукуматимизнинг алоҳида эътиборидаги масалаларданdir.

Ўзбекистонда амалга оширилётган демократик ислоҳотларнинг кўлами ва самараси ахолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий фаоллигига боғлиқdir. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>[1]</sup> мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатидан янги ёндашувларни бошлаб берди. Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналишининг 4 бандидажиноятчиликка қарши курашиб ва ҳуқуқбузарларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этишнинг алоҳида ижтимоий буюртма сифатида белгилаб берди.

Ҳаракатлар стратегиясида вазифаларни амлга ошириш учун 2019 йил 9 январда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ПФ-5618-сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги<sup>[2]</sup> фармони халқчил ва ҳаётий ҳужжат бўлди. Мазкур фармон ушбу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан тубдан фарқ килади. Унда озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ижро этиш муассасаларида масофадан туриб таълим олиш имкониятини яратиш ҳам кўзда тутилган. Бу каби қоидалар эса инсонпарварликнинг юксак намунасидир. Фармон билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси, уни амалга ошириш учун “Йўл ҳаритаси” тасдиқлангани унинг ижроси учун катта қулийлик яратди. Чунки ҳарита чукур ўйланган, мантиқий кетма-кетликка эга. Аввал қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида асосий эътибор ҳуқуқий маданиятга қаратилган бўлса, бу сафар нафақат ҳуқуқий маданият, балки ҳуқуқий онгни юксалтириш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳам эътиборга олинган.

Маълумки, ҳуқуқий онг қонун ҳужжатларини билиш, ҳуқуқий саводхонлик даражасини англатади. Ҳуқуқий маданият эса ушбу билимларга таянган холда қонун-қоидаларга амал қилишдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онгсиз ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Шу жиҳатдан фармонда мақбул ёндашув мавжуд. Яъни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг узвийлигини таъминлаш вазифаси кўйилди. Бу эса, шубҳасиз, ушбу йўналишда ўзига хос тизим яратилишига замин яратди.

Эндилиқда жамиятда хукуқиң онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш бүйича мутлақо янги тизим янгича принцип асосида фаолият юритади. Бу жараёнда ижтимоий ҳаёттинг олтита асосий субъекти түлиқ қамраб олинади. Яғни хукуқиң онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бүйича узвийлиқда ташкил этилади.

Мазкур фармон асосида “Жамиятда қонунларга хурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғоя мустаҳкамланмоқда. Фармон билан илк маротаба ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришнинг замонавий, инновацион усуллари жорий этилмоқда. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда ҳуқуқий маълумотлар етказиш тизимини ўз ичига оладиган миллий ҳуқуқий интернет портали, шунингдек, ахолига бепул маслаҳат бериш порталини қамраб олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизими, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш тизими, “Сўров бўйича ҳуқуқий тарғибот” лойиҳаси, яъни ахолининг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларни қизиқтирган ҳуқуқий мавзулар бўйича тарғиботни амалга ошириш механизми, Маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот куни”ни ўтказишшулар жумласидандир.

Жамиятда хуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришнинг муҳим, таъбир жоиз бўлса, бирламчи омили бу – таълим хисобланади. Шу муносабат билан, фармонда ёшларни хуқуқий маданиятини юксалтириш жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Таълим муассасаларининг ушбу йўналишда хукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмлари кенгайтиришга ва ёшларга таълим муассасларида маънавий-маърифий ишлар орқали ҳам уларнинг хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини оширишга алоҳида этибор қаратилган.

Мамлакатимизда фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни шакллантириша ва хукукий тарбияси – стратегик масала эканлигидан келиб чиқиб, бугун мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимида таълим–тарбия усулларини қайта кўриб чиқиш зарур. Фарзандларимизда мураккаб вазиятларда тўғри ечим, қарорлар қабул қила олиш кўнинмаларини шакллантиришимиз керак. Хукукий тарбия миллий тарбиянинг энг мухим ва ажралмас таркибий қисми бўлгани боис уни миллий тарбия билан бевосита алоқадорликга таҳлил ва талқин қилиш мантиқан тўғри бўлади. Миллий тарбия бўйича мутахассис профессор М.Куроновнинг миллий тарбиянинг аҳамияти билан боғлиқ қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Дунёда рўй берган, юз бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, баҳтсиз воеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини оркага қайтарсақ, тарбияга бориб тақалади. “Олдин пул, кейин маънавият” йўлини тутиш бўлиб чиқади. Уларнинг бу хатоси “дунёда бой берилган авлод” – “Lost generation”<sup>1</sup> иборасини пайдо килди. Бутун бошли оиласлар моддий бойлик ортидан кувиб кетишиди. Фарзандлар тарбиясини эса бегоналарнинг кўлига топшириб қўйишиди. Тарбиядан (!) вактларини тежаб, 10 пул фойда топишиди ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вакт бой берилган. Мана, сизга “олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият” деб яшашнинг аянчли оқибати. “Бой берилган авлод” муаммосининг педагогик маҳсули”[3] Афсуски, бундай вазият республикамизда ҳам етарли даражада учраши аччиқ ҳақиқат. Айрим ота-оналар ўзларининг хукукий ниглизими билан фарзандларига ибрат бўлишаётгани ҳам таассуфки ҳақиқат.

Бугунги кунда жамиятимиз ахолининг хукукий маданиятини ошириш масаласини устувор кўйиб, бунда қонунга кўр-кўёна итоаткор бўлишни эмас, балки фуқароларнинг конулар габитилгани нормаларини онгли равишда бажарилишидан манфаатдордир. Шу боис фуқароларимизнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун хужжатлари, Президент фармонлари ва хукумат қарорлари маъноси ва аҳамиятини англаб етишлари катта аҳамиятга моликдир. Аммо янада муҳими шундаки, бу уларнинг эътиқодига айланиши керак, зоро, ана шундагина фуқаро ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун нормаларига маънан ёки жисмонан жазоланишдан, хукуқ-тарғибот органлари олдида жавоб беришдан кўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда, онгли равишда амал қиласи. Мана шундагина ҳақиқий юксак хукукий маданият, хукукий онгнинг муносиб даражаси ҳақида холоса чиқариш мумкин бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, олиб борилаётган тадбирлар натижасида фуқароларнинг конуларга бўлган

<sup>1</sup>Ингл. “Lost generation” – бекарорлик, депрессия шароитида туғилған, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдыган, шафқатсиз аламзада, ичкиликбозликтеке берилған, жтинои ишларға күлурған, күлидан иш келмайдыган, ахлоқсиз кишилар тоифаси.

муносабати, ўз хукуқларини англаш, талаб этиш каби масалалар аста-секин ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бироқ, фуқаролар орасида ўз хукуқларини билмаслик, хукуқий маданиятсизлик, онунларга беписанд муносабат, хукуқий саводсизлик холатлари ҳам учраб турибдики, бу бевосита жинояччиликни кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ёшларда фаол фуқаролик позицияси ва хукуқий маданиятини юксалтириш хақида янада батафсил тасаввур ҳосил килиш учун қуйидаги вазифаларни ажратиб кўрсатиш зарур бўлади:

*биринчидан*, давлат ва хукуқ масалаларига доир билимларнинг зарур тизимини шакллантириш, ёшларни хукуқий воқеликнинг жорий ва долзарб масалалари юзасидан хабардор қилиш;

*иккинчидан*, ёшларда адолат, тенглик, қонунийлик каби принципларга нисбатан ҳурматни шакллантириш;

*учинчидан*, ёшларга қонунга мувофиқ хулқ-атвор кўникмаларини сингдириш;

*тўртинчидан*, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва уларда хукуқбузарликларга нисбатан тоқатсизлик муносабатини тарбиялаш;

бешинчидан, қонунда белгиланган тартибда ёшларнинг, давлат, жамият ва бошқа шахсларнинг манфаатлари ва хукуқларини фаол ҳимоя қилишга эҳтиёжни ва бундай қобилиятни шакллантириш ва бошқалар.

### **ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 й. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон)
3. Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Тошкент: “Маънавият”, 2013. – Б. 44-45.

### **ХУКУҚИЙ МАДАНИЯТ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИДИР.**

**Хўжамов Хайтбой,  
Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.**

“*Биз ҳеч нарсани қонунларни билганчалик ёмон билмаймиз*”.

Оноре де Бальзак.

Хукуқий маданият бу қонунларни мукаммал билиш эмас, аввало қонунларни мукаддас эканлигини билмаган кишида, унга нисбатан ҳурматнинг бўлиши даргумон.

Жамиятдаги тинчлик ва тараққиёт барқарорлигини таъминловчи куч бу қонунларнинг амалдаги ифодасидир. Юксак даражадаги хукуқий маданиятга эга бўлмасдан фуқаролик жамиятини қуриш ундаги барқарорликка бирдик раҳна солиб келаверади.

Янги Ўзбекистоннинг истиқболини белгилаб берувчи ҳаракатлар стратегияси асосида йилма йил қабул қилиниб келинаётган йил дастурларининг моҳияти ҳар бир фуқаро учун англаб етилган шарафли масъулият бўлмоғи шарт. “Ҳаракатлар стратегияси нафақат иқтисодий жабҳаларни тизимли тартибга тушириш, янгилаш ва ривожлантириш, балки турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида жиддий зиён кўрган маънавий дунёмизни ҳам тубдан янгилаш ва юксалтиришни назарда тутади”.[1] Бу механизмни ишга солувчи ҳамда нечоғлик самарадорлигини таъминловчи куч фуқаролар эканлиги, уларнинг зиммасига хукуқий маданиятли бўлишдек масъулиятни юклайди. Бундай фаолият ўз навбатида фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий, сиёсий фаоллигининг ошиб боришига асос бўлади. Бошқачаайтганда, фаолфуқаролик позициясини эгаллайди. Бу эса фуқаролик жамиятининг асосий талаби ҳисобланади. Халқжамият қонунларининг ташаббускорига айланади.

Мамлакатимизнинг Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга килган биринчи мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода ҳалқ бўлмоғи шарт.

Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидаги фуқаролардан, жойлардаги ҳалқ депутатлари кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Конунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўргасида ҳар томонлама мухокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак” [2].

Юртбошимиз томонидан Олий Мажлисга тақдим этилган мурожаатнома бу мамлакатимизнинг барча фуқаролариға қилинган мурожаат ҳамда даъватидир. Бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламдаги ислоҳотларнинг амалга оширилишида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар даврида, ён-атрофимиздаги воқеаликларга бепарволик, лоқайдлик билан баробардир.

Бугунги давр ҳар биримиздан шиҷоатни, ташаббускорликни, фаолликни талаб этмоқда. Даврнинг бундай талабларига амалдаги фаол фаолиятимиз билан ўз ҳиссамизни қўшишимизда, жамиятдаги мавжуд тартиб қоида ҳақидаги ҳуқуқий билимимиз-ҳуқуқий маданиятимизнинг мукаммаллик даражаси асосий ўринни эгаллайди. Кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамияти сари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бирламчи талаби бу-фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг давр талабларига ҳамоҳанглиги хисобланади. Зеро, ҳуқуқий маданият, фуқаролик жамиятининг шарти ҳамда асосидир.

Муолими соний-Абу Наср Фаробий фуқаролик жамиятида яшовчи фуқаролар-фозиллар шахри аҳолисининг умумий фикрлари хусусида шундай дейди, “Фозиллар шахри унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришадиган баҳт, саодат нима эканлигини билиши зарур. Улар неларга эришувини, нелардан сақланишларини билиши зарур. Донишмандларга ишониб, ихлос қўйиб, уларга эргашувчи одамлар ўша нарсаларни (билимларни) донишмандлар билгандай билиб оладилар.

Баъзилари эса бу нарсаларни бошқаларнинг тасаввурларига таҳлид орқали биладилар. Мана шу икки хил тасаввурлар ҳам билим манбаидир, аммо донишмандларнинг билимлари, албатта энг яхши билимлардир” [3].

Фаробийнинг сўзларидан маълумки, барча замонларда ҳам жамият фуқароларининг билимли бўлишлари, шу жамиятнинг тинчлиги ва тараққиёти учун асос бўлган.

Мамлакамизнинг биринчи президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаб ўтганларидек, “Биз учун фуқаролик жамияти-ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга манелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласи, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақоза этади, бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт” [4].

Шу нарса маълумки, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъуллиги, ўз навбатида фуқароларнинг қонунларига нисбатан назорати ҳамда дахлдорлик хиссининг оширилиши, тизимдаги такомилликни таъминлайди. Бошқача айтганда, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларга нисбатан фуқароларнинг дахлдорлик хислари сабаб (жонли) онгли муносабатлари, улар у ёки бу партия ёхуд харакатнинг фаолитида маданиятли иштирок этишлари билан амалга оширишлари мумкин бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамиятда ҳуқуқий маданияти юксак даражага етказишнинг устувор масалаларидан бири кўпгина соҳаларда бўлгани каби кадрлар, илмлитаражибали мутахассислар масаласи хисобланади. Чунки ҳуқуқий маданият тарғиботини амалга оширувчи шахснинг зиммасида чуқур билим билан биргаликда нотиқлик маданияти ҳамда маҳорати мукаммал бўлмоқликни тақоза этади. Ҳозирча бу масала ўз ечимини тўлиқ топганча йўқ. “Алоҳида таъкидлаш зарурки, бир ҳуқуқий демократик давлат кураётган эканмиз, ҳар тмонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак”.

Амалда ҳам жами олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг атиги бир фоизиоридик мутахассислик бўйича эди холос. Яқин-яқингача бу кўрсаткич бир йилда 600 га яқин талаба бўлиб келганлиги, юртбошимиз томонидан танқид билан қаралганлиги бежиз эмас. Харакатлар стратегиясида иккинчи устувор масала хисобланган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимни янада ислоҳ қилинганинг устувор йўналишларида кўрсатилганидек “.... аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш” - деб кўрсатилиб ўтилган вазифанинг моҳияти соҳа ходимларининг ҳаммасига ҳам етиб борган десак хато бўлади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бу масала фақатгина соҳа ходимлари учунми. Нафақат жамиятдаги ҳуқуқий маданият масаласи балки

Ўзбекистонни янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган ҳар бир банднинг амалга ошиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши фуқаролик жамияти фуқароларининг ҳар бири учун шарафли масъулият даражасига етгандагига том маънодаги фуқаролик жамиятини куриш учун асос яралди дейиш мумкин бўлади.

Фуқаролик жамиятининг яна бир асосий хусусияти жамоатчилик назорати ҳисобланиб унинг вазифаси ҳамда масъулияти шу жамиятдаги тинчлик ва тараққиёт барқарорлигини дахлдорлик ҳисси асосида таъминлашдан иборат. Бундай фаолият юксак маънавиятли фуқаролар учун инсонийлик бурчи-ибодатга тенг фаолиятдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиз фуқаролик жамиятига раҳна солиб келувчи иллат ҳеч қачон ўзгармас хавф - маънавиятсизликдир.

XVIII аср кишиси номи билан танилган арбоб Бенжамин Франклун таъкидлаганидек “Маънавиятдан маҳрум сиёсатда қонунлар нима ҳам қила олади”. Мавжуд қонунларни ҳаракатга келтирувчи механизм, фуқаролик жамиятининг ҳар бир фуқаросидир ва уларнинг фаол бўлимлари давр талабидир.

#### **Фойдаланилган адабиётла рўйҳати:**

1. “Ҳаракатлар стратегияси асосида жаҳон тараққиёт ва янгилиниш сари”. Т.. Гофур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодиёт уйи., 2017., 13-14 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т., “Ўзбекистон”, 2017., 26 бет
3. Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” . - Т., “Абдулла Қодирий” номидаги ҳалқ мероси нашриёти., 167 бет
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т., “Ўзбекистон”, 1997., 173 бет

#### **IJTIMOIY XIZMAT VA INKLYUZIV TURIZM MASALALARI.**

**Yusupov R.K.**

**SamDU Ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti, tarix fanlari nomzodi**

**Teshayev D.**

**SamDU Psixologiya va ijtimoiy fanlar fakulteti  
Ijtimoiy ish ixtisosligi III bosqich talabasi.**

XXI asrda rivojlangan mamlakatlar tajribasida aholiga ijtimoiy xizmatlar ko’rsatish, ularning munosib turmush sharoitlarini ta’minalash, imkoniyati cheklanganlarga, ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarga manzilli yordam ko’rsatishdan tashqari yana bir aholiga ijtimoiy xizmat turi rivojlanib bormoqda. Bu inklyuziv turizm sohasi bo’lib, aholining munosib turmush faoliyatini belgilovchi ko’rsatkichlardan biri bo’lib qolmoqda. Bugungi zaminda inklyuziv turizm(to’siqsiz turizm, paraturizm) turini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Turizm jahon iqtisodiyotining eng jadal rivojlanayotgan muhim sohalaridan biriga aylandi. Uning ulushi dunyo bozorida barcha sotilgan tovar va xizmatlarning 27% ini, yalpi milliy mahsulotning 11% ini, jalb etilayotgan investitsiyalarning 10% ini hamda dunyo bo’yicha iste’mol xarajatlarining 11% ini tashkil qiladi[1].

Bizga yaxshi ma’lumki, rivojlangan mamlakatlar tajribasiga e’tibor qilsak, inklyuziv turizm rivoji bu nafaqat aholining yashash sharoitlarini yaxshilashi, dunyoqarashinini yuksaltirishi, o’zga xalqlar madaniyatini o’rganishdan tashqari, davlatning ijtimoiy-iqtisodiy qudratini oshirishga ham, xalqaro doiradagi obro’- e’tiboriga ham o’zining sezilarli darajada ta’siri bor. Juhon turistik tashkilotining ma’lumotlariga ko’ra, bugun dunyoda bir yilda 700 mln. kishi turli maqsadlarda sayohat qilib, turizmga 600 mlrd AQSh dollaridan ko’proq sarf xarajat qilinadi[1]. Shuning uchun inkluziv turizmni rivojlantirish borasida ham mamlakatimizda tub o’zgarishlar amalga oshirilishi zarurdir. Zero, O’zbekistonda 600 mingdan ortiq nogironlar hayot kechirmoqda[2]. Ko’pchilik nogironlar kundalik turmushda turli qiyinchiliklarga duch kelib, bu ularning mamlakat siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotida faol ishtirok etishiga salbiy ta’sir ko’rsatmoqda.

Ushbu demografik vaziyatni hisobga olib, O’zbekistonda ham ijtimoiy xizmat sohasida inklyuziv turizmni rivojlantirishga ham e’tibor tobora jonlanmoqda. Turizmni rivojlantirish davlat qo’mitasi tomonidan mamlakatimizda paraturizmni rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, Qo’mita O’zbekiston nogironlar jamiyati bilan hamkorlikda “Sayohat barcha uchun” xayriya loyihasini amalyotga tadbiq qilmoqda. 2019 yilning 13-15 noyabr kunlari bo’lib o’tgan XXV Toshkent xalqaro turizm “Ipak yo’lida turizm” ko’rgazmasi doirasida Namangan viloyatida istiqomat qilayotgan

25 nafar nogironligi bo‘lgan kishilarning Toshkent shahriga sayohati tashkillashtirildi. Sayohat bilan bog‘liq barcha xarajatlar (transport, ovqatlanish, mehmonxona, gidlar xizmati va b.) Qo‘mita huzuridagi “Turistlarga xizmat ko‘rsatish markazi” DUK maxsus hisob raqamiga kelib tushgan va inklyuziv turizm xarajatlari “Rais buva” kanali, “Art hotel” mehmonxonasi, “Navro‘z” bog‘i, “Muza” kandolatchilik firmasi, ovqatlanish maskanlari va transport tashkilotining homiylik mablag‘lari hisobidan qoplandi[3].

Darhaqiqat, O‘zbekiston turizm sohasi rivojlanishida salmoqli salohiyatiga ega davlat. Bugungi kunda 7000 dan ziyod tarixiy-madaniy yodgorliklar mavjud. Ayniqsa, Samarqand, Buxoro, Xiva, Toshkent shaharlari, Surxondaryo, Qashqadaryo kabi viloyatlarda YUNESKO ro‘yxatiga kiritilgan ko‘plab tarixiy obidalarimiz bor. Shuningdek, ko‘plab noyob tabiat ob‘ektlarining mayjudligi (ko‘llar, tog ‘choqqilar) borligi ham bizning yurtimizning turistik obye’ktlardan biri ekanligini ko‘rsatadi. Bejiz emaski, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2018-yil 22-fevral kuni turizm sohasi istiqbollariga bag‘ishlangan yig‘ilishida xorijiy turistlar oqimini ko‘paytirish va ichki turizmni yanada rivojlantirish, sayyohlik xizmatlarini yaxshilash va turlarini kengaytirish bo‘yicha ko‘rilayotgan choralar natijadorligi tanqidiy tahlil qilingan edi[1]. Ushbu sa'y harakatlar tufayli aholining ijtimoiy himoyasi masalalarini tashkil etish bilan shug‘ullanuvchi ijtimiy xizmat sohasi xodimlarining roli yorqin namoyon bo‘ldi.

Ijtimiy xizmat sohasi xodimlarining fidoiyligi tufayli, Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi qoshidagi “Turistlarga xizmat ko‘rsatish markazi” DUK huzurida maxsus hisob raqami (H/r 2021 0000 3006 0029 0005, “Ipoteka bank” Toshkent sh., MFO 00419, INN 200 524 616 OKED 79120, 100077, Buyuk Ipak yuli 115, tel/faks 95 170 30 35) ochildi. Click, PayMe to‘lov tizmi yordamida “Sayohat barcha uchun” loyihasiga mablag‘ o‘tkazish xizmatlari yolga qo‘yildi. Nogiron sayohatchilar ikki kun davomida Toshkent shahrining diqqatga sazovar joylari (“Xasti-Imom” majmuasi, “Navro‘z” bog‘i, “Humo Arena” va b.) hamda Toshkent xalqaro turizm ko‘rgazmalarining ochilish marosimlariga tashrif buyurishdi. Sayohat davomida mazkur turizm turiga oid infratuzilmaning holati o‘rganildi va kelgusida tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda infratuzilmani nogironligi bo‘lgan kishilar uchun moslashtirish yuzasidan chora-tadbirlarni amalga oshirish belgilandi[3].

Kelgusida ham O‘zbekistonda inklyuziv to‘sqsiz turizm turini rivojlantirishga halqaro hamjamiyat befarq qarab turgan emas. Turizm sohasi koronavirus asoratlarini yumshatishga ham yordam berishga kirishmoqda. Masalan, 2020 yilning ikkinchi apreli dagi ma’lumotlarga ko‘ra, BMTning Butunjahon turistik tashkiloti (UNWTO) hukumatlar hamda tashkilotlarni turizm va sayohatlar sektori orqali ish bilan ta’minlash va iqtisodiyotni qo‘llab quvvatlashga ko‘mak berishga yo‘naltirilgan tezkor choralar qabul qilishga chaqirdi[4]. Ushbu tashkilot rahbariyatining ta’kidlashicha, bu COVID-19 koronavirus asoratlarini yumshatish hamda tiklanish jarayonini tezlashtirish imkonini beradi. Maxsus tashkil etilgan Turizm sohasi bo‘yicha global inqiroz qo‘mitasi tomonidan tasdiqlangan tavsiyalar aynan shu maqsadga yo‘naltirilgan.

Dunyo ahli sog‘liqni saqlash sohasidagi global favqulodda vaziyatni boshdan kechirmoqda va karonavirus xastaligi jamiyat hamda insonlar turmush farovonligi uchun misli ko‘rilmagan asoratlarga olib kelishi mumkin. Turizm va sayohatlar sektori mazkur inqirozdan eng ko‘p jabrlangan sohalar qatoriga kiradi va xavf ostidagi millionlab ish o‘rinlarini saqlab qolish uchun shoshilinch yordam ko‘rsatishni talab qilmoqda. Bunday holat ijtimoiy iqtisodiy sohada millionlab ish o‘rinlarining yo‘qotilishiga olib keluvchi global tanazzulni keltirishi mumkin. Bu ayniqsa nogironlar, ayollar, yoshlar va qishloq joylaridagi aholining zaif qatlamiga og‘ir zarba bo‘lishiga olib keladi.

Yuqoridagilarni hisobga olib, inklyuziv turizm sohasini shakkantirishda, inkluziv ta’limni keng joriy qilish va rivojlantirish masalalarida quyidagilarga asosiy e’tiborni qaratish lozim:

*Birinchidan*, Inqirozni boshqarish va uning ta’sirini yumshatishni rejalashtirishni e’tiborga olgan holda ishni to’xtatmaslik kerak. Biz bunday murakkab vaziyatda hech kim e’tibordan chetda qolmasligini ta’minlashimiz kerak.

*Ikkinchidan*, ijtimoiy ish sohasini o‘rgatuvchi o‘quv reja, dastur va darsiliklarni yaratishda rag‘bat omillarini kuchaytirish va tiklanish jarayonini tezlashtirish imkoniyatlariga moslashuvchan bo‘lishimiz shart.

*Uchinchidan*, maxsus ehtiyojli insonlarni inklyuziv turizmga keng jalb etishimiz talab etiladi. Hozirdan kelajakka tayyorlanish zarur. Bunga esa umumiyl maqsadlarga erishish yo‘lida hozirning o‘zidanoq kelishib, birdamlik bilan harakat qilsakkina maqsadga erishamiz..

Xulosa qilib aytganda, Inklyuziv ta’lim – ham sog‘lom, ham imkoniyati cheklanganga birdek uyg‘unkfshishi kerak. Biz ijtimoiy ish kasbi xodimlari ko‘p tomonlama tashkilotlarni turizm hamda sayohatlar sektori yordamida ishga joylashish va iqtisodiyotni qo‘llab-quvvatlashga ko‘maklashish uchun tezkor choralar ko‘rishga chaqiramiz. Bu COVID-19 koronavirus asoratlarini yumshatish hamda tiklanish

jarayonini tezlashtirish imkonini beradi. Natijada turizm bundan keyin ham iqtisodiyot va taraqqiyotning yetakchi kuchlaridan biri bo‘lib qolishini to‘liq kafolatlaydi.

#### **Adabiyotlar**

1. <https://minsport.uz/post/view/2809> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 28-yanvar kuni turizmni rivojlantirish, jismoniy tarbiya va sportni yanada ommalashtirish masalalari bo‘yicha yig‘ilishdagi nutqi.
2. Prezident nogironligi bor shaxslarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha dasturni tasdiqladi.[https://korrespondent.uz/9320?utm\\_source=uznet.press&utm\\_medium=topic&utm\\_campaign=self](https://korrespondent.uz/9320?utm_source=uznet.press&utm_medium=topic&utm_campaign=self)
3. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=877>
4. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1100>

## **ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА - ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛА**

*Гулбаданбегим Раҳмонова,  
Самарқанд вилояти юридик колледжи 3-босқич ўқувчиси.*

Юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиласидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли ишлаб туриди, унда хотин-қизларнинг бандлиги, ижтимоий фойдали меҳнатдаги фаол иштироки белгиланган. Ўзбекистонда аёллар харакатини кучайтириш, ўзбек аёлларининг жамиятда ўз ўрнини белгилаш, Ўзбекистон аёллари иқтидор салоҳияти юксак эканини дунёга кўрсатиш мақсадида хукуматимиз қатор муҳим ҳужжатларни расмийлаштириди. Қолаверса, бугун халқаро майдонда ўз ўрнини топиб, дунё сиёsatдонлари томонидан эътироф этилаётган мамлакатимизнинг янги парламентида айнан хотин-қизларнинг ўз ўрни, мавқеи, даражаси бўлиши ҳам табиий.

Хақиқатан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий ўналишларидан биридир”,[1. 56- б.] - деган сўзларининг ўзи ҳам юртимизда аёллар масаласи накадар муҳимлигидан далолат беради.

Шунингдек, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган, сенат томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг 562-сонли Қонуни ўз навбатида мустақил Ўзбекистонимизда аёллар масаласи, ҳуқуки, манфаатлари кафолатланганлиги, уларнинг меҳнат қилиши, оила ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча имкониятлар яратилганлигини янада тасдиқлади.

Миллий давлатчилигимиз ривожида Амир Темур ҳукумронлиги даври алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида хотин-қизларга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларга нисбатан файриқонуний ҳатти-харакатда бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўрилганлиги “Темур тузуклари”да ҳам қайд этилган.

Амир Темур ва Бобурлар зукко, нозиктааб, юксак дид, оқила, фаросат соҳибалари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ақл-идрок билан муҳокама эта оладиган аёллари ва қизларини ўта қадрлаганлар [2. 18- б.].

Амиркалик тадқиқочи Дэвид Майерс жинс, генлар ва маданият масалаларини ўрганган бўлиб гендерни – эркаклик ва аёллик хусусиятларини тавсифловчи тушунча сифатида қўллаган. Хотин-қизларни эркакларга нисбатан анчагинга масалаларда устунликка эга эканликларини ҳам алоҳида таъкидлаган. [3www. Ziyonet. Uz].

Инсон ҳаёти оиласидан бошланади. Ҳаётга бўлган барча қарашларимиз оила бағрида шаклланади. Оила муҳаббат, ҳурмат, бирдамлик ва меҳрибонлик манбаи. Айнан шу қадриятларга ҳар бир ривожланган жамият суюнади. Мустаҳкам давлатларнинг асоси ҳам, халқнинг фаровонлиги ҳам оиласидан тутувлиги туфайлидир.

Кузатилаётган муаммолардан бири - қизларни турмушга бериш масаласи. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Улар манфаатини ҳимоя қилиш, баркамол бўлиб вояга етишлари ва қулай шарт-шароитларда ўқиш, меҳнат қилиш ва мамлакат равнақи учун меҳнат қилиш имкониятларини яратиш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Ёшларнинг дунёқараси, ҳаётий мақсадлари, ижтимоий мўлжаллари, ўзларини қандай тута билишлари мамлакатимизнинг келажак тақдири билан жуда уйғун.

Юрт тақдирини билимли, ҳар жабхада етук фарзандлар белгилаб бериши албатта сир эмас. Уларга таълим тарбия берувчи инсонлар меҳнати эса қадрланмоқда, эъзозланмоқда. Мамлакатимизда қандай дастур ва режалар қабул қилинса, уларнинг барчасида ёшлар манфаатлари алоҳида ҳисобга олинмоқда.

Буларнинг барчаси менинг қалбимда шундай юрт фарзанди эканлигимдан ғуурланиш, фаҳрланиш хисси жўш ўради. Биз учун оламшумул имкониятларни яратиб бераётган юртбошимизга содикликни қандай ифода этсам экан экан, деган ўй-хаёллар оғушида изланаман.

Иzlанишларим натижасида гувоҳ бўлгандарим ва хulosса чиқариб ушбу мақолани ёзилишига ундан бир ҳақиқатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимиз ёшлари қатлами ичидаги юрт равнақи йўлида фидоийлик кўрсатишга ўзларини сафарбар қилаётган лидерлар орасида йигитлар билан бемалол спортда ҳам, билимда ҳам, ҳуқуқий соҳада ҳам беллаша оладиган, баҳсга кириша оладиган қизларнинг борлиги айни ҳақиқат. Негаки, қизлардаги жасорат, матонат, мардлик, илмга интилиш, сиёсий жараёнларда ҳам фаол бўлишдек мерос, ўтмишда яшаган Тумарисдек, Заринадек, Барчинойек, Бибихонимдек, Нодира-ю, Увайсийдек, Бобуршохнинг қизлари Гулбаданбегимлар тимсолида қонимизга, онгимизга, тафаккуrimизга сингиб келаётган бўлса ажабмас.

Дунёнинг энг қудратли инсонлари рўйхатида, дейди америкалик журналист Элизабет Макдоналд, бугун нафақат йирик компанияларни, балки бутун бошли давлатларни ҳам бошқараётган хотин-қизларни кўрасиз. Ҳозирда 30 мамлакатга аёллар раҳбарлик қиласи.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш ўринники, бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам туманларга аёллардан ҳокимларнинг тайинланиши, сенаторлар ва сенатни бошқариб турган жамиятимиз аёллари эканлиги юртимизда аёлларга бўлган муносабат қанчалар юксак эканлигини кўрсатиб туриди.

Мақоламга хulosса ясар эканман, қизлар тарбияси муҳим, долзарб масала эканлигини яна бир бора таъкидлаб, қизларнинг келажакда оқил ва доно, ҳалқи учун, келажак учун сиёсий саводхонлиги билан муносабиҳ ҳисса кўшадиган даражада билим олишлари учун маҳсус тайёргарлик зарур эканлигини қуидаги фикр ва таклифларимни билдиromoқчиман. Албатта бу менинг фикрим, хulosса эса ҳукumat раҳбарларидан, мушоҳада эса сиз азиз ўқувчидан бўлади деган умиддаман.

*Биринчидан*, айни вақтда мамлакатимизда ташкил қилинган Президент мактаби ва буюк алломаларимиз номидаги маҳсус мактаблар, худудларимизда атоқли адилларимиз номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, йигитлар учун “Темурбеклар мактаби” очилиб қанчадан-қанча ёшларимиз таҳсил олаётган бир вақтда, “Тумарислар мактаби”ни очиб қизлар учун алоҳида таълим тизимини яратиш масаласи;

*Иккинчидан*, жамиятимизда “Қонун ва адолат – устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар” деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манбаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Ана шу жабхада қизлар учун ҳуқуқий саводхонлигини янада кучайтириш мақсадида “Ҳуқуқшунос қизлар” олийгоҳини ташкил қилиш масаласи;

*Учинчидан*, жонажон Ватанимизнинг янги киёфасини яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижаотли ёшларимиз учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Келажак бунёдкори” каби медаллар таъсис этилди. Қизлар учун эса “Зулфия” мукофотининг таъсис этилганлиги жуда-жуда қувонарли. Аммо, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий ташаббус масаласида юртимиз қизларининг янада фаоллигини ошириш, ватан ҳимоясида бутун азму-шижаотини намоён этган қизларга “Тумарис издоши” каби давлат мукофотларини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиб, ҳаётга татбиқ этилса, биздек бўлажак ҳуқуқшунос қизларнинг фаоллиги юз карра ортиши муқаррар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз». – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
2. Файзиев Т. Темурий маликалар. – Т.:Ўзбекистон, 2012 йил, 18-бет.
3. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz). Фуқаролик жамияти.

# **ИННОВАЦИОН ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**Алиқулов Қ.Х.  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
СамДУ Фалсафа кафедраси.**

Жамиятдаги туб сифатий ўзгаришлар, социокреатив янгиланишлар фуқаролик жамияти талаблари ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага келмоқда. Анъанавий иқтисодиёт янги жамият талаблари ва инновацион мухит таъсирида такомиллашиб, трансформацион жараёнлар туфайли институционаллашиб бормоқда. Бундай институционал, функционал ўзгаришлар ёшларнинг иқтисодий фаоллигига жиддий сифатий таъсир этмоқда. Ижтимоий тараққиёт қадриятлар архитектоникасида янгича сифат баҳш этиб, жамиятнинг янги умумаксиологик қатламини яратади. Эски, анъанавий тафаккурдан янги, инновацион тафаккурга ўтиш айнан жамиятнинг ёшлар қатламидан бошланиши бу табий ҳолдир. “Одам ҳаётда фаровонликка эришиш учун ўзгаришларни англаб яшashi керак. Чунки тараққиётга тургун фикрлар эмас, янгиланишлар хизмат киласи”[1-21]. Ёшларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллаштиришда, аввало, инновацион тафаккур, трансформацион жараёнлар диалектик боғлиқлигини тушунмоқ керак.

Яқин келажакда кўпчиликни ташкил этадиган жамиятнинг ўрта қатламини шакллантириш айнан ёшларнинг иқтисодий онги, маданияти ва тарбияси бир бутун жамлайдиган иқтисодий фаоллигига боғлиқ бўлиб қолади. Ёшларнинг иқтисодий фаоллиги бирдан юзага келадиган тарихий жараён эмас, балки жамиятда трансформацион ва инновацион жадаллашиш туфайли юзага келадиган динамик жараёндир.

Илмий адабиётларда жамиятда турли эволюцион, революцион (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий) ўзгаришлар натижалари “трансформация” тушунчаси билан изохланниб келинади. Бу тушунчаси ўтган асрда пайдо бўлган, аммо бу воқеа-ҳодисаларга, айниқса, ижтимоий борлиқка, инсон фаолияти маҳсулни бўлган жараёнларга трансформация азалдан тааллуқли, уларнинг имманент белгилари, хусусиятлари бўлиб келганини инкор қилмайди. Трансформацион ўзгаришлар ижтимоий тараққиётнинг имманент хусусияти бўлса-да, унинг барча халқлар, миллатлар, давлатлар учун бирдек мос келадиган модели йўқ. Хар бир халқ, миллат, давлат уни ўзининг стратегик мақсадларига мувофиқ ишлаб чиқади ва амалга оширади[2-10].

Мавжуд ўзгаришлар кишиларнинг ахлоқий-эстетик қадриятларида акс этиб бориши табий ҳолдир. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янги мухитга ўсиб ўтишида тизим қисмларининг янгиланиши “инновация” тушунчаси билан изохланса, қадриятлар тизимини танлаши, сараланишини “трансформация” тушунчаси қамраб олади.

Тадқиқотчи Р.Рўзиеванинг фикрича, “ахлоқий қадриятларда икки қатлам – ўзак (ўзгармайдиган) ва устки қатлам (ижтимоий муносабатларга мослашув) мавжуддир. Ижтимоий тараққиёт талабларига мослашув, асосан, устки қатламда юз беради. Ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ трансформацияси ҳам устки қатлам орқали кечади. Биринчи, ўзак қисмни ҳатто социал революциялар ҳам ўзгартиромайди, икkinchi қисмни кунаро эҳтиёжлар, ташки таъсиirlар, интеграцион алоқалар, информацион оқимлар кундалик эҳтиёжларга мувофиқ ўзгартириши, трансформацияга учратиши мумкин”[3-54].

Ижтимоий тараққиёт таъсирида юзага келадиган трансформацион ўзгаришлар ахлоқий, хукуқий, сиёсий ва ҳакозо ижтимоий онгнинг барча шаклларига бирин- кетин сифатий ўзгаришлани киритиб бораверади. Хукуқий, меъёрий тартибга солувчи хужжатлар, Президентнинг фармони ва қарори ёшлар ўртасида фаол ишбилармонлик мухитини яратиш, тадбиркор шахсини таркиб топтириш ишларини назорат қиласи ва бошқаради. Трансформацион ва инновацион жараёнлар кишилардан ҳаётий позициясини танлашга, янги замон учун жуда фаол бўлишга ундейди. Шунинг қаторида жамиятдаги қадриятлар такомиллашуви, онг оқимини бошқариш, таълим-маърифий соҳани назорат қилиш – бу соҳага институционал ёндашишни талаб қиласи. Ҳозирги кунда давлатнинг инновацион сиёсатидан асосий мақсади маҳсулотлар ракобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсиши таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ошириш ва новаторлик бўйича фаоллигини таъминлаш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаоллик устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади. Ёшларнинг инновацион иқтисодий фаоллигидан мақсад эса маҳаллий маҳсулотлар ракобатбардошлигининг ўсиши, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал этишини таъминлайдиган иқтисодий, хукуқий

ва ташкилий шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ёшларнинг иқтисодий фаоллиги ошиб бориши икки жиҳатни намоён қилиши мумкин, *бириңчидан*, жамиятда кечадиган трансформацион ўзгаришлар оқибатида иқтисодий тушунчалар ахлоқий қадриятларни емириши, *иккинчидан*, мавжуд қадриятлар тизимидағи инновацияга интилишга консерватив муносабатнинг кучайиб кетиш эҳтимолини келтириб чиқиши мумкин. Шунинг учун ёшлар иқтисодий фаоллигини у ёки бу таъсиrlардан ҳимоялаш, ишларни мақсадли ривожлантиришда тамойиллар тармоғини, ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш зарур.

Ёшлар иқтисодий фаоллигини бошқаришда мавжуд трансформацион ва инновацион ўзгаришлар ўзаро таъсиrlашиб қуйидаги тамойиллар тармоғини ишлаб чиқишина тақозо этмоқда. Биз буни, тахминан, қуйидагича белгилаймиз: 1) комплекслик тамойили, яъни ёшлар иқтисодий фаоллигига таъсир ўтказувчи ахлоқий-эстетик қадриятларни ҳисобга олиш; 2) тармоқлилик тамойили, яъни ёшларнинг иқтисодий фаоллигини бошқаришнинг умумлаштирилган моделини тузиш, фаоллаштиришнинг назарий моделини тузиш, умумий қўйилган мақсад ҳақиқатдаги ҳолат билан ўзаро алоқасини акс эттириши; 3) инновацион бизнесни ривожлантиришда ёшларнинг иштирокини таъминлаш ва ёшлар сиёсатини амалда татбиқ этиш тамойили; 4) меҳнатга ҳалол муносабатни мақсад қилиб олиш, яъни меҳнат фаолиятининг мақсади касбий кўнкималарни шакллантиришнинг асосий мотиви бўлиши, ёшларни жамиятдаги юқори статусини таъмин этиши тамойили; 5) ёшларнинг иқтисодий фаоллигини динамик куч сифатида мавжуд бўлиши учун давлатнинг узлуксиз бошқарув тармоғини такомиллаштириши, яъни “Ёшлар иттифоқи” билан ишлаш механизмини яратиш тамойили; 6) фаоллик мухитида ёшларни тарбиялаш, уларни бошқариш захирасига қўшиш орқали етакчиликни ривожлантириш, раҳбарлик этикасини шакллантириш, фаол ёшларни тарбиялаш буйича тармоқли ишни давом эттириш тамойили.

Мазкур тамойиллар инновацион ва трансформацион ўзгаришлар даврида ёшларнинг иқтисодий фаоллигини бошқариш ва назорат қилиш имкониятини бериб, айни пайтда уларни такомиллаштиради, йўналтиради ва мотивацион импульслар беради. Тафакурдаги янгиланишлар ўз-ўзидан вужудга келадиган жараён эмас. Бу ерда чукур трансформацияли жараённинг синтези ётади. Тадқиқотчи Н.Жўраевнинг фикрича, жамиятдаги янгиланиш жараёни ижтимоий амалиётга кўчаётгани, янги қадриятларни шакллантиришга қаратилган ишлар айрим ўзаро таъсир маконига айланадиганни таъкидлайди. Буни қуйидагича белгилайди: 1) “Эскилик билан янгилик ўртасида гоҳ ошкора, гоҳ яширин кураш кетади. Эски тузум иллатлари яшашни истайди, шу боисдан ўз ўрнини бўшатишни хоҳламайди. Янги тузум гоялари эса жамиятни янгилаш заруратидан келиб чиқади ва ўзгаришларнинг ҳаёт-мамот моҳиятига, ҳар бир фуқаро тақдирига айлантириб боради, янгидан шаклланаётган турмуш тарзи ва дунёқарашнинг моҳиятини ташкил этиб, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қиласидан фикр сифатида майдонга келади”. 2) “Фуқаролар онги ва тафакурининг жамиятни тубдан ўзгариши ва янгилаш жараёнларига сиёсий ва маънавий жиҳатдан қай даражада шайлигидир”. 3) “Янгиланишлар тизимини ҳаётга жорий этиш ва чуқурлаштириш шароитида фуқароларни демократик жараёнларни ташкил этувчи, бошқарувчи ҳамда фаол ҳимоячиси сифатида тайёрлашдир”[4-317].

Ҳозирги даврда таълим даргоҳида этишиб чиққан мутахассис ёки эркин тадбиркорнинг олдида икки йўл: ижодий, креатив тафакурни ривожлантириш; қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган касб-хунарга оид билимларни янгилаш ва ундан унумли фойдалана олиш сингари трансформацион йўлдир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да кўзга тутилган “хусусий мулк ҳукуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи ўйладаги барча тўсик ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мухитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш[5] ишлари бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Тадбиркорлик, аввало, хулқ-атвор, фаол йўл-йўриклар, қоидалар ва бошқа хатти-ҳаракатларнинг тартибга солинган фаолият бўлиб, ёшларнинг илк таваккалчилиги олдида турувчи мустакил ахлоқий танловнинг мавжудлигини назарда тутувчи эркинликдир. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий мазмунига кўра: ”...кичик тадбиркорлик фаолияти бу – амалдаги мавжуд қонунлар доирасида фаолият юритадиган ҳамда ўзи ва жамият манфаати учун юқори ақлий ва жисмоний салоҳиятга, хусусий мол-мулки ва жамғармасига эга бўлган, турли товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи, ўз фаолияти давомида ихтиrolарни амалга оширувчи, юзага келиши мумкин

бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олиб, фойда кўришни мўлжалловчи, ностандарт фикрлашга мойил бўлган ташаббускорнинг ишбилармонлик фаолияти”[6-13] экани таъкидланади. Тадбиркорлик юқоридан буйруқ асосида юзага келадиган жараён эмас. Тадбиркорлик ёшларнинг шахсини намоён қилувчи, имкониятларини ва эҳтиёжларини бирлаштирувчи ижодий фаоллик натижасидир. Бу фаолият давомида тадбиркор манфаат, ўзини-ўзи тарбиялаш, чеклаш, бурч, шаън хисси, шахсий ахокий жавобгарлик ҳиссига асосланган бўлади.

Иқтисодий фаоллик иқтисодий онгнинг амалий кўриниши, иқтисодий маданиятнинг реал ҳаётда намоён бўлишидир. Ёшларнинг замонавий маданиятни ўзлаштириши ва айни пайтда шу маданият асосида иқтисодий тараққиётта эришиши иқтисодий маданиятда бир погона баландга кўтарилиганини билдиради. Айрим тадқиқотларда айтилишича: “...жамият иқтисодий маданиятини ижтимоий гурухларга хос бўлган иқтисодий фаоллик ва муносабатларнинг такомиллашувини, бир боскич, ҳолатдан бошқасига ўтишини акс эттирувчи тизим сифатида ҳам олиб қараш мумкин”[7-26]. Ушбу қарашга эътиroz сифатида айтиш мумкинки, иқтисодий маданият маълум бир даврнинг иқтисодий борлиғидаги жараёнларни, муносабатларни қамраб олувчи, ўз замони одами иқтисодий хатти-харкатларининг моддий кўринишини билдиради. Иқтисодий фаоллик эса иқтисодий онгнинг амалиётда намоён бўлишини акс эттириб, у маданият даражасига чиқмаслиги ҳам мумкин.

Трансформацион жараёнларда ёшлар иқтисодий фаоллиги бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидан янги муносабатлар тизимини келтириб чиқаради, миллий-этномаданий хусусият қасб этган сифатларни замонавийлаштиради. Бу жараёнда ўтмиш тажрибалар тўла инкор этилмайди, яроқли, синовдан ўтган элементлар сақлаб қолинади. Бунга мисол сифатида ҳунармандчилик, касаначилик, ҳалқ амалий санъати ва турли миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар замонавий технология асосида инновацион ярмаркаларда ўз хардорини топмоқда ва айниқса, туризмнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Мулкнинг позитив, демократик хусусиятларини эътироф этган ҳолда айтишимиз керакки, мулк ҳам эрк, эркинлик ифодасидир.

Мулкни ўз иқтидори, кучи, эркига ишонган кишигина яратса олади. Муте кишига берилган мулк уни баттар мутега айлантиради. Шунинг учун ўз иқтидори, кучи ва эркига ишонган кишигина мулкнинг ҳақиқий эгаси, хусусий мулқдор бўла олади.

Мулки йўқ одам мулки бор одамга ёки бевосита боғлиқ, ҳатто қарам бўлади. Агар жамият ва давлат хусусий мулқдорлар синфини яратишни бош мақсад килиб қўйса, мулки йўқ кишининг мулқдорга қарам бўлиши турган гап. Жамиятнинг барча аъзоларини хусусий мулк эгаси, мулқдор қилишини тасаввур этиб бўлмайди.

Бозор муносабатлари ҳамма нарсани, ҳатто инсоннинг ақлу идроки, қуввати, топқирлигини ҳам олди-сотди обьектига айлантириши мумкин”[3-194].

Бундан кейинги иқтисодий ҳаёт анаъавий тафаккур тарзидан воз кечиб, прагматик, позитив, инновацион тафаккурга ўтишга трансформацион асос яратмоқда. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш тизимлари негизида шаклланадиган замонавий ёшлар иқтисодий фаоллиги корпоратив, силлектив, виртуал асосларга сингиб боради. Энди ёшлар тадбиркорлиги савдо-сотиқни оддий, ибтидоий шаклидан, “брэнд савдоси”, “виртуал магазин”, “интернет дўкон”, “интеллектуал мулк савдоси” сингари янги соҳаларга ўсиб ўтади. Инсон меҳнати тобора ижодий, яратувчанликка ўтиб бориши билан ва шунга мувофиқ равищда ақлий-интеллектуал фаолият билан банд бўлган ёшларнинг сони ортиб бориши рўй бермоқда. Бу ўз-ўзидан ёшларнинг барча имкониятларини, “биринчи навбатда, ижодкорлик қобилиятини намоён қилиши учун шароит яратади, шу билан бирга, фан ва техника ривожининг ўзи ҳам инсон омилига, унинг маданиятига боғлиқ бўлиб қолаверади”[8-123].

### Адабиётлар рўйхати

1. Эргашев И. Фалсафий мулоҳазалар // Жамият ва бошқарув. – 2009. – № 4.
2. Данилов А. Переходное общество. Проблемы системной трансформации. –М.: ООО «Харвест», 1998.
3. Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуныгини шакллантириш масалалари. Фал.фан.Док. дисс. – Т., 2012
4. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: Маънавият, 2008.
5. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036) //2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси.

6. Санакурова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиқса тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. иқтисод.фан.док.дисс.автореферати. – Т., 2016.
7. Валиев Б.Н. Иқтисодий маданият ва уни шакллантириш омиллари. Фал.фан.ном.дисс. –Т., 2004.
8. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. (Пер с англ.) –М.: ВШЭ, 2000.

## **ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТИББИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Юлдашева Д. Ю.**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси**

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, жамият хаётининг барча соҳаларидағи жадал ривожланиш, ислоҳотларнинг муваффакияти ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва интеллектуал билим даражасига боғлиқ бўлиб, ижтимоий-сиёсий, касбий жиҳатдан етук ёшларгина жамият тараққиётига ўзининг муносаб ҳиссасини қўша олади. Бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, улар томонидан дунёвий билимларнинг эгалланиши, илғор технологиялардан унумли фойдаланиш кўникмасининг шакллантирилиши, долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалардир. Шу билан биргаликда жаҳон миқёсида кетаётган глобаллашув жараёнлари, теварак атроф-муҳитнинг заарли даражада ифлосланиши, турли заарли касалликларнинг пайдо бўлиши ёшларда тиббий онг ва тиббий маданиятни юксалтиришни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг юксак эзгу мақсадларга интилиши, кучли иродага эга бўлиши, тинимсиз меҳнат қилиши, жисмоний ва маънавий баркамол инсон сифатида шаклланиши жараённида намоён бўлади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг гоявий, маънавий ва ахлоқий тарбиясига бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошиб, инсондаги маънавий баркамоллик унинг жисмоний баркамоллиги билан уйғун ҳолда шакллантирилиб борилади.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносаб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. [ 1. 126 бет]

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, фуқаролар, энг аввало ёшларнинг тиббий онг ва маданиятини юксалтириш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар тиббиёт онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг ушбу соҳадаги фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни мухим аҳамиятга эга бўлди. Қонуннинг 11-моддасида, Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари келтирилган бўлиб, ушбу орган ва муассасалар қонунга кўра: ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; ёшлар ўргасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этади; ёшлар ўргасида тизимли тиббий текширувларни ташкил этади; имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. [2.<https://www.lex.uz/>]

Қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган, ёшлар ўргасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этишдан иборат бўлган фаолиятнинг ўзи ёшларда тиббий онг ва маданиятини шакллантиришга хизмат қиласи. Қонуннинг 12-моддаси эса, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари, деб номланган бўлиб, ушбу моддада, ёшлар ўргасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилиши ва спортга қизиқиши рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар ўргасида халқаро спорт алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, спорт мусобақаларини ўтказишида иштирок этиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ҳамда

республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда иқтидорли ва истеъодди ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш, каби масалалар ўз ифодасини топган эди. Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш эса уларда тиббий онг ва маданиятни қарор топтириш асосида амалга оширилади.

Биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини сақлашга оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши лозим, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Бу борада малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, патронаж ва скрининг хизматларини замонавий даражага кўтариш, аҳолини арzon ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш биринчи даражали вазифамиз бўлиб қолади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини ва тиббий маданиятни оммалаштириш бўйича ҳам жиддий иш олиб боришимиз зарур. [ 3. 34-35 бетлар]

Ўзбекистонда бугунги кунда жамиятнинг бошқа соҳалари каби соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, ҳалқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика, патронаж ёрдамини янада яхшилаш, тез ва шошилинч тиббий ёрдам ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арzon ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда кейинги уч йил ичida соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш бўйича 170 дан зиёд ҳукуқий хужжатлар қабул қилиниб, бу ҳукуқий хужжатлар фуқаролар, энг аввало ёшлар ҳукуқий онги ва маданиятининг юксалишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. 2018 йил 7 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармон билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Ўзбекистонда тиббиёт соҳасига 2017 йилда 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда соҳага 12,1 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт объектларини қурилиш-таъмиглаш ишларига ажратилаётган маблағлар миқдори 3 баробарга ортди. Бугун дунё тиббиётида олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, касалликни даволашдан кўра, олдини олиш давлат учун ҳам, оила учун ҳам самаралидир. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, кейинги йилларда мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Айни пайтда ҳалқимизга бу йўналишда 1793 та амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 817 та қишлоқ врачлик пунктлари, 798 та қишлоқ оиласиб поликлиникалар, 178 та шаҳар оиласиб поликлиникалар хизмат кўрсатяпди.[ 4. riv.uz/uz/yangiliklar/] Мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантириш Ўзбекистон фуқароларини уларнинг ёшлик чоғларидан бошлаб тиббий онг ва маданиятини ривожлантирган ҳолда фаол фуқаролик позициясида тарбиялашни талаб қиласди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Мана, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Соғлиқни сақлаш тизимини 2019-2025 йилларда ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бугунги куннинг талаби бўлган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар туфайли 2018 йилнинг ўзида 400 дан ортиқ хусусий тиббиёт масканлари ташкил этилди. [ 5. 72-73 бетлар] Ўзбекистонда хусусий тиббиёт муассасаларининг ташкил топиши соҳада рақобатнинг пайдо бўлишига, тиббий фаолиятнинг натижаси учун масъулиятнинг ошишига, хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига, фуқаролар, энг аввало ёшларда тиббий онг ва тиббий маданиятнинг юксалишига ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилиб, ёшларни дунёқарashi кенг, турли билимларни пухта эгаллаган, хорижий тилларни, компьютер технологияларни яхши биладиган, сиёсий, ҳукуқий, иқтисодий, ахлоқий, зстетик онги ва маданияти юксак шахс қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётган экан, инсон баркамоллигининг муҳим мезони сифатида шахснинг тиббий онги ва маданиятини юксалтириш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. Тиббий онг ва маданиятни юксалтириш миллат генофондини тоза сақлашнинг муҳим омили бўлиб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”. 2016 йил, 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон. <https://www.lex.uz/acts/3026246>
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2018.
4. Тиббиёт соҳасидаги улкан ислоҳотлар халқимиз саломатлигини асрашда кенг имкониятлар яратмоқда. [riv.uz/uz/yangiliklar/529.htm](http://riv.uz/uz/yangiliklar/529.htm)
5. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2019.

**ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ - ОСНОВА САМООРГАНИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ**  
**Ризаев И.И.**  
**преподаватель Самарканского государственного архитектурно-строительного института**

Анализируя либерализацию общества с точки зрения ее влияния на жизнь общества и каждого человека, следует отметить, что этот процесс противоречивым образом проявляется в жизни человека и общества в целом. Таким образом, возникает вопрос, почему существует противоречивое проявление? Когда мы думаем об этом, мы видим, что свобода влияет на человеческую жизнь по-разному. В то время как личная свобода повышает способность к самоорганизации, она также может привести к состоянию самоуничтожения. Свобода каждого человека должна быть ограничена в начальной точке свободы другого человека.

Но что, если это не так? Свобода может привести к снижению чувства общности человека. Не каждый может пользоваться свободой по назначению. Именно здесь свобода может привести к хаосу как в обществе, так и в жизни человека. Относительно различных представлений о проблеме членами общества Поппер писал: “Увеличение масштаба свободы заставляет сильных прибегать к насилию против слабых” [1:84]. К этой идеи добавляется тот факт, что «законы джунглей» должны применяться только к животному царству. Потому что в дикой природе действие происходит инстинктивно. Волк, неспособный охотиться, погибнет, а слабый олень умрет как добыча. В обществе, наоборот, то есть общие интересы членов общества способствуют самоорганизации социальной системы, на новый уровень.

Когда мы синергетически анализируем влияние процесса либерализации на существование общества, следует отметить, что рассмотрение проблемы с точки зрения самоорганизации, которая является основной идеей синергетики, позволяет глубже понять общество, его онтологическую сущность. Потому что принцип свободы лежит в основе самоорганизации. Самоорганизация означает, что человек осуществляет свое поведение добровольно, без внешних воздействий и давлений, тогда как свобода по своей сути означает, что человек осуществляет свое поведение добровольно, без внешних воздействий и давлений. Это означает, что самоорганизация и свобода, по сути, взаимосвязаны и взаимозависимы. Следовательно, самоорганизация человека и самоорганизация общества происходят на основе свободы.

“Самоорганизация является закономерным для упорядочения материального и духовного бытия. Переход индивидуального и социального существования человека от беспорядка к порядку происходит на основе самоорганизации” [2:87]. Самоорганизация как философская рефлексия выполняет важные функции, такие как гармония, целеустремленность и реализация творческого потенциала между человеком и обществом. Все вышеперечисленное основано на свободе человека. В процессе либерализации, когда масштабы человеческой деятельности и свободы расширяются во всех сферах жизни общества, возникают условия для самоорганизации человека по мере того, как возрастает возможность свободного творчества и самореализации. Индивидуальная самоорганизация человека ведет к самоорганизации общества, самоуправление человека ведет к самоуправлению общества, потому что единственным фактором, который формирует общество и движет им, является человеческий фактор. Укрепление самоуправления общества рассматривается как одно из важных условий формирования гражданского общества, как один из приоритетов нашего общества сегодня.

Если мы посмотрим на социальный, экономический, идеологический и политический ландшафт современного мира, то увидим, что нестабильность и хаос нарастают во всех этих областях. По нашему мнению, основой наблюдаемого хаоса и нестабильности в вышеупомянутых областях является свобода человека, свободный выбор человека. «На что человечество способно, его будущее, невозможно предсказать или прогнозировать, потому что в конечном итоге все зависит от его свободного выбора» [3:14]. Поскольку у человека всегда есть свобода выбора, и поэтому его жизнь проявляется в нелинейном образе.

«Реальность не может контролироваться традиционным линейным мышлением, и сильные причинно-следственные связи не способны объяснить современный мир и реальность» [4:483]. Нелинейное мышление, подчеркнутое философом В.Васильковой, также является одним из основных требований для либерализации нашего общества сегодня, потому что нелинейное мышление основано, прежде всего, на свободомыслии, независимом мировоззрении. В результате свободного мышления у человека развивается нелинейный образ мышления. Именно нелинейное мышление позволяет человеку находить неожиданные, нестандартные решения различных проблем. Сложные социальные, политические, экологические и экономические проблемы требуют такого решения.

«Процесс либерализации общества - это, прежде всего, стремление улучшить отношения между человеком и обществом» [5:11]. Потому что в процессе либерализации отношения между человеком и государством в обществе координируются. Свободное общество - это общество, о котором мечтает человечество. В результате процесса либерализации общества возникают гармоничные отношения между человеком и обществом, потому что свобода является неотъемлемой частью духовного существования человека, сущностью человеческого существования. Свобода присущна человеческому мышлению, психике, воле и морали. «Когда свободный человек живет в несвободном обществе, в его отношениях с обществом будут противоречия, потому что если общество отрицает сущность человека, то и человек отрицает такое общество» [6:12]. В таком обществе невозможно достичь счастья, невозможно реализовать свой потенциал. По этой причине процесс формирования гражданского общества, к которому стремится мир, параллелен процессом либерализации общества.

Основным достижением синергетического анализа процесса либерализации общества является то, что этот подход рассматривает исследуемый объект как многогранную, сложную систему. В результате процесса либерализации общества формируется свободный человек. А какой же он свободный человек? Может ли свободный человек вести общество только к прогрессу или же он может привести к упадку? Может ли свободный человек навести порядок в обществе, или он только усугубит хаос в нем? Когда мы проводим синергетический анализ влияния процесса либерализации на духовное существование человека, мы должны рассмотреть эти вопросы. Дело в том, что как сложный элемент общества, представляющий собой сложную систему, человек становится источником нестабильности в обществе в результате свободной деятельности. Нестабильность повышает чувствительность системы к внешним воздействиям, флуктуациям. Такая ситуация может привести к появлению в системе творческой активности, активизации некоторых скрытых ресурсов. В этом случае происходит переход от нестабильности в системе к устойчивому развитию.

Как неотъемлемая часть бытия общество играет важную роль в формировании в нем порядка, поскольку общество - это самоорганизующееся, самоосознавшее существование, обладающее творческим потенциалом. «Бытие не может существовать вне самоорганизующегося человека так, как оно не имеет к нему никакого отношения, ибо человек находится внутри бытия и проявляет в себе высшие формы самоорганизации» [7:46]. Чтобы человек был самоорганизующимся, он должен, прежде всего, иметь свободу, жить в свободном обществе, в обществе, где его достоинство оценивается на уровне высшей ценности.

«Для человека нет строгих ограничений. Общество должно выработать способы распознать и раскрыть свою истинную природу, свое свободное существование» [8:78]. Сегодня общество идет по тому же пути. И экономическая, и правовая, и политическая сферы общества либерализуются. Это приносит плоды в общественной жизни:

- 1) частная собственность;
- 2) свобода предпринимательства и выбора;
- 3) личный интерес является основным мотивом поведения человека;
- 4) конкуренция;
- 5) ограниченное вмешательство государства в экономику.

Основная причина этой меры заключается в том, что “Через человеческую свободу проявляется свобода общества и свобода всей вселенной. Потому что мы не беспомощная часть эволюции, а сама эволюция” [9:68]. Свободный человек может правильно использовать сущность своей свободы посредством рациональной самоорганизации и направить свой творческий потенциал в правильном направлении. В результате либерализации общества влияние государства на общество, на жизнь каждого человека уменьшается. Сфера человеческой независимости расширяется. Выше мы отмечали, что расширение сферы человеческой независимости также может оказать негативное влияние на стабильность и равновесие в обществе. Потому что свободность всегда может выбрать не только путь, ведущий к добру и порядку, но и путь, ведущий к злу, разрушению. Мы можем рассматривать человеческий разум как решающий фактор в этом, потому что человек должен рационально организовать себя. Другими словами, человеческая свобода должна быть разумно принята. “Человек - это существо, способное рационально организовываться, ибо это потенциал человеческого разума. Это дается человеку как возможность, а не как имманентная черта. Человек можно использовать это или нет” [10:223].

Поскольку влияние процесса либерализации на общество является противоречивым, многогранным процессом, невозможно сделать однозначный, четкий вывод об этой ситуации. Тем не менее постараемся сделать некоторые выводы:

- человек по природе свободное существо;
- человек всегда стремится к экономической, духовной, психологической и политической свободе;
- процесс либерализации общества, реализация человеческой свободы, которая является сущностью существования, - это деятельность, направленная на раскрытие творческого, внутреннего потенциала человека;
- в процессе либерализации общества появляется возможность для самоконтроля, самоуправления, самокритики, самооценки, самоорганизации;
- человеческое самоуправление является основой самоуправления общества;
- процесс либерализации может стать силой творчества и стабильности для общества только в том случае, если она осуществляется в рамках специфики менталитета, исторических корней, национальности и ценностей каждой нации;
- в результате не рационального принятия процесса либерализации общества могут возникнуть ситуации, которые негативно влияют на порядок и стабильность, в итоге возникает хаос, деградация и деструкция социальной системы.

#### **Литература**

1. Карл Поппер. Открытое общество и его враги. - Москва: Мир, 1992. - С. 84.
2. Аршинов В., Буданов В., Суханов А. Естественнонаучное образование гуманитариев на пути к единой культуре. // Общественные науки и современность. - Москва: Традиция, 1994. № 3. С. 87–95.
3. Киселов Г.С Свобода и эволюция. // Вопросы философии. - Москва: 2005. №10 - С. 14.
4. Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных систем. – Санкт Питербург. Луч, 1999. - С. 483.
5. Ramazonov I., Muminov E. Politologiya. – Toshkent: Adolat, 1997. - С. 11.
6. Сачков Ю.В. Независимость в структуре бытия и познания. // Свободная мысль. – Москва: Мир, 1995.- С. 12
7. Пригожин И. Философия нестабильности // Вопросы философии. - Москва: 1991. № 6. - С. 46–57.
8. Моисеев Н.Н. Современный рационализм и мировоззренческие парадигмы // Общественные науки и современность. - Москва: 1994. № 3. - С. 77–87.
9. Урманцев Н.М. Свобода общества и человека: аспекты самоорганизации. // - Москва: Философия и общество, № 4, октябрь – декабрь. 2007. - С. 68–82.
10. Тейяр де Шарден. Феномен человека. - Москва: Наука, 1965. - С. 233.

## **YOSHLARDA INNOVATSION TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH USULLARI**

**Azimov Sh.B.**

**SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasi katta oqituvchisi.**

Har bir davr yoshlaring bilim darajasi, fikrlashi, dunyoqarashi, ma'naviy qiyofasiga qarab o'sha jamiyatning ertangi kunini aniq tasavvur etish mumkin. Zero, yoshlardan jamiyatning tub negizi, aholining ilg'or qatlami, kelajakning ishonchli egalaridir.

Bugungi globollashuv davrida ustuvor hisoblangan davlat ilmiy-texnika siyosatining mohiyati mamlakatimizda davr talabini tez qondiradigan, jahonda raqobatlasha oladigan, turli tarmoqlarni tubdan yangilanishiga imkon beradigan ilmiy va texnologik tadqiqotlarga ko'maklashishdan iborat. Banday faoliyat innovatsion faoliyatadir.

Innovatsion faoliyat-yangi ijtimoiy talablarning an'anaviy me'yordagi mos kelmasligi yoki yangi shakllanayotgan g'oyalarning mavjud g'oyalarni inkor etishi natijasida vujudga keladigan majmuali muammolarni echishga qaratilgan faoliyat.

Odamzod ongli faoliyat yurita boshlagandan uning faoliyatida innovatsion jarayonlarni sodir bo'la borgan. Ya'ni inson anglagan narsalarini yangilab o'zlashtirib o'zgartirib borgan.

Demak insonlarda innovatsion tafakkurni shakllantirish bugungi kunning muhim masalalaridan biridir. Buning uchun nima qilish kerak? Innovatsion tafakkurni shakllantirish uchun bunga nima ko'maklashadi? Qanaqa asosiy, oddiy usullar mavjud?

Innovatsiyaning asosiy yaratuvchisi inson hisoblanadi. Innovatsiyani yaratish tug'ma qobiliyat, u hammada bor, uni rivojlantirish mumkin va uni zanjirband qilib ongda shakllantiriladi.

Innovatsion tafakkurning tagida, aytish kerakki, o'yash jarayoni, o'ylab topish iste'dodi, yangilik yaratish, yangilikni ochish, uni ishlatish hamda uni qabul qilib, masalani yangi usul bilan yechimini topish yotadi.

Innovatsion fikrlash orqali erishish bu tog'ga to'xtovsiz chiqish jarayonidir, xuddi urganib qolishdir, chunki juda tez eskiradi, har doim doimiy va keng ko'lamlari tajriba kerak.

Bu turli xildagi ijod bilan shug'llanishdir. Ijod ongingin egiluvchanligini va hayotiyligini uzoq muddatli prespektivlikni kafolatlaydi.

Bunga: musiqa yaratish, ashula, musiqa asboblarida o'ynash (chalish), raqs, san'at va rassomchilik, dizayn, fotografiya kasbi, loyihalash, programmalash ovqat tayyorlash, kiyim-kechak modellashtirish, maketalash va boshqalardir. Bu yurtboshimizning besh muhim tashabbusining birinchisi sifatida sanab o'tganlar. "Birinchi tashabbus yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi." [1]

Ma'lumki, turli mavzularda ma'lumotga ega bo'lismi, insonning dunyoqarashini o'zgartiradi, shakllantiradi, yangi metodika qo'llashga undaydi, ongga ta'sir qiladi. Masalan Mendeleevni eslang, u rus olimi, ensiklopedist, kimyogar, fizik metrolik, iqtisodchi, texnolog, geolog meteorolog, pedagog, asbobshunosdir.

Agar yaxshi bir syujet, istasangiz haddan ziyod ma'noli narsalar uchun kitob o'qing. Chunki kitob o'qish orqali inson idealini yaratadi. Kitob orqali ko'glab ma'lumotlar oladi. Bu ma'lumotlar ongda turli kombinatsiyalar orqali yangidan yangi obrazlarni yoki variantlarni keltirib chiqaradi. Bu esa soxalarda xilma-xillikni keltirib chiqaradi. SHu bilan birga kitob o'qish yoshlardan ma'naviyatini yuksaltirishda muhim sanaladi. Buni biz Muxtaram Prezidentimizning besh muhim tashabbusida ham ko'rishimiz mumkin. "To'rtinchi tashabbus yoshlardan ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgan" [2].

O'zlashtiring va jamoaviy ijod bilan shug'llaning. Aytamanki, harqanday bilimning va ilmning, innovatsiyaning birinchi manbai insondir. Eksport kashfiyotchisi, mutaxassis, ishchisi va h.k.lari hisoblanadi. Kitoblarda va tarmoq (Televedinya)da yillarda o'tib yangilikni kech aytishi mumkin. Ammo siz bu ma'lumot va axborotlarni-birinchi manbaidan suhbat orqali bilib olishingiz mumkin. Bunda asosan rivojlangan internet davrida ijtimoiy tarmoqlarda, dunyoqarashi keng bo'lgan, turli xil kasb egalari bilan suhbatlashib, aloqada bo'ling.

Jismoniy mashqlar bilan shug'llanish o'yash jarayoniga jismoniy sog'lom tana alohida ta'sir ko'rsatadi. Sog'lom tanda, sog'lom aql. Masalan mening fikrimcha, jismoniy mashq va sgort insonni fiziologik va sog'lom ruhiyatni rivojlantiradigan muhim omil yoki manbaidir. Bu borada ham yurtboshimizning besh muhim tashabbusidagi "Ikkinchi tashabbus yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sgort sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan". ni misol qilib keltirishimiz mumkin. [3]

Jismoniy mashq ongni harakatchanligini o'ylash jarayonini yaxshilaydi. Boshingizda tura olasizmi? Yana bitta maslahat harakatlaning, sizning tanangizga qanday yoqish, aylaning, qimirlang, buklaning, bukchaying, raqsga tushing, o'zingizni mashqlaringizni o'ylab toping. Atrofingizdagi insonlardan uyalasizmi? Alovida kimsiz hech kim halaqt bermaydigan joyda shug'llaning. O'zingizni bo'sh qo'ying.

Jamiyatni, yangi atmosferani, ranglarni va ularning asosiy manbalarini o'rganish, ochishni ko'rsatadi. Bularning hammasi odamning dunyoga qarashini o'zgartiradi, boshqa ko'z bilan qarashga undaydi. Insonning ongini oolib beradi.

Yoshlar ongida g'oyaviy-siyosiy madaniyatni shakllantirish, mafkuraviy immunitetni rivoj lantirish ijtimoiy masala sifatida e'tirof etilayotgan bugungi kunda, ayniqsa, oilada yoshlar g'oyaviy-siyosiy madaniyatini shakllantirish tizimini takomillashtirishga innovatsion yondashuvni gedagogik muammo sifatida ilmiy asoslash, uning mazmuni, qurilishining mohiyatini oolib berish, yoshlar bilishi zarur bo'lган ma'lumotlarni tanlash, oilada yoshlar g'oyaviy-siyosiy madaniyatini shakllantirish tizimini takomillashtirishga innovatsion yondashuv darajasini belgilovchi qadriyatlarning mazmuni va o'ziga xos xususiyatlarini yoritib berish, ushbu innovatsion yonda-shuvning gsixologik, gedagogik jihatlarini o'rganish, omillari, shartlari va talablarini belgilash, maqbul andozalarini ishlab chiqish uning samaradorligini oshiradi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5328>
2. <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5328>
3. <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5328>

## **ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ**

**Эгамбердиева А.М.  
Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси**

Мамлакатимизда таълим тизимига берилаётган эътиборнинг муҳим самараси сифатида хориж тажрибасини ўрганиш, талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборатdir. Европа университетлари талаба-ёшларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳолатини ўрганиш бу борада танқидий ҳамда таҳлилий фикрларни уйғотди. Бу эса барча университет талабалари ўртасида демократик ташабbusларни ривожлантириши рағбатлантириши керак деган хуносага олиб келди. Бундай рағбатлантириш тизими талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ёрдам берадиган янги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда зарур турткى бўлади албатта. Чунки, айнан университетларнинг бугунги кундаги асосий иши ва хизмати ўзининг демографик таркиби, молиявий хавфсизлиги ва мақомидан қатъий назар талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қайси даражада ўзига хос ёндашувларни жалб қилиш билан боғлик ҳолда намоён бўлади.

Бунда қуйидаги натижаларга эришиш имконияти пайдо бўлади: биринчидан, муайян ташкилот ёки компаниянинг мустақил аъзосини шакллантириш, ҳар бир шахснинг ташки таъсирсиз умумий қабул қилинган хатти-ҳаракатлар стандартларига ихтиёрий равишда риоя қилиши, хатти-ҳаракатлари оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ва шу жамиятнинг аъзоси сифатида маънавий-хуқуқий мажбуриятларни фаол бажариши, фуқаро сифатида ўз мамлакати олдиаги шахсий, сиёсий ва иқтисодий мажбуриятларини қабул қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, бу мажбуриятларга ўзига, оиласига, болаларига ғамхўрлик қилиш, шу жумладан уларнинг таълим олиши, шунингдек ижтимоий муаммолар ҳақида хабардорлик, овоз бериш, солиқ тўлаш ва имкониятларга мувофиқ бошқарув вазифаларини бажариш ҳам киради. Иккинчидан, инсон қадр-қимматини хурмат қилиш, бошқаларнинг фикри, фуқаролик хулқ-атвори, ватандошлар манфаатларини хурмат қилиш ва кўпчилик тамойилига риоя қилиш, озчиликнинг ажralиш хуқуқини эътироф этган ҳолда фаолият юритиши, баъзида жамиятда содир бўлаётган ахлоқий меъёрлар ва ҳаётий қадриятлар тўғрисидаги турли қарашлар тўқнашувида умумбашарий инсоний тамойилларга амал қилиш, фуқаролик ишларида фаол иштирок этиш бу жараён мамлакат тараққиётiga оид умумий баҳс-мунозараларда, сайловларда овоз беришда фаол иштирок этишни, ўз манфаатларини умумий манфаатларга бўйсунишни англатади. Шунингдек, жамиятда демократиянинг соғлом ишлашини қўллаб-куватлаш, умумий ўзгаришлардан хабардорлик ва эътибор, муайян сиёсий раҳбарлар ва жамоат ташкилотларига бўлган содиқлик, ташабbusкорлик, масъулият ва шахсий эркинликлардан фойдаланишда қонунга

нисбатан хурмат билан қараш, танқидий фикрлаш ва мустақил қарор қабул қилиш, ўз нұктай назарини оқилона асослаш ҳам фаол фуқаролик позициясина шакллантиришда мухим натижаларға еришишда катта ўринни әгаллады.

Хозирги даврда биз хорижий университетларда талабаларнинг фаол фуқаролик позициясина ривожлантириш учун қуйидаги чоралар кўрилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

- талабаларни университет таълим тизимини бошқарув сиёсатидаги фаол иштирок этиши ва фаол демократик қадриятларни қарор топтиришдаги фаолиятини университет раҳбари томонидан кўллаб қувватланиши;

- демократик қадриятларни қабул қилиш ва ривожлантириш мақсадида талаба-ёшлар ўртасида фуқаролик компетенциясина шакллантиришга қаратилган самарали ишларни фаол амалга ошириш;

- фаол фуқаролик позициясина шакллантиришда университетнинг ролини янада ошириш;

- университет талаба-ёшларининг атрофдаги жамият вакиллари билан ўзаро муносабатларини яқинлаштириш ва уларнинг ижтимоийлашуви учун кенг имкониятлар яратиш;

- университет ичидаги фаолият кўрсатадиган ўқув юрглари органлари ва тузилмаларини бошқариш усулларига демократик ўзгаришишларни киритиш;

- талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясина шакллантириш бўйича мақсадли ва интеграциялашган ўқув дастурларини жорий этиш[1. р.245-246 ].

Шу ўринда Европа университетларида талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясина шакллантиришга тўсқинлик қилувчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб топдик: биринчидан, Европа университетларида фуқаролик таълими миллий, сиёсий ва этник контекстларда олиб борилади, улар фаол фуқаролик позициясина ва демократияга содикликни шакллантиришга янги ёндашувларни жалб қилишда турли даражадаги муаммоларни келтириб чиқаради. Университетларнинг институт сифатидаги ўрни жамиятни ривожлантиришда жуда мухим, шунинг учун уларда демоқратик қадриятлар ёки фуқаролик жавобгарлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар уларнинг “фойдали” таълим берувчиси субъект сифатида анъанавий ролига зиддир. Иккинчидан, ўзига хос мақоми ва тузилиши фуқаролик таълими соҳасида ислоҳотлар ёки сиёсатнинг ўзгариши сифатида университетлар ишлаши керак бўлган параметрлар ва йўналишларни белгилайди. Ўз навбатида, университетларнинг рақобати жамиятнинг ҳар бир соҳасидаги ўзгариш механизmlарига таъсир қиласи ва уларнинг шарҳлари ва низомларига асосланиб янги ташабbusларга бўлган очиқлигини таъминлади. Бироқ, аксарият Европа университетлари низомида ўрнатилган бошқарувнинг тарихий қоидалари билан бир қаторда, қарорларни қабул қилиш тартиби ва талабалар хукуқларини химоя қилиш кўпинча исталган ва амалдаги ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Ва ниҳоят, тарихан ривожланиб келган маъмурият ва талабалар ўртасидаги анъанавий ижтимоий ва касбий муносабатлар талабаларнинг фаолликка кўпроқ жалб этилиши томон ўзгаришига тўсқинлик қиласи. Учинчидан, Европа университетларида фуқаролик таълими тизимини янада ривожлантиришда Европалик ва Америкалик олимлар, амалиётчилар ва олий таълим соҳасидаги мустақил эксперталар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши мухим рол ўйнайди.

Хозирги босқичда Европа фуқаролик таълим мининг жаҳон амалиётiga мурожаат қилиш фаол фуқаролик позициясина ушлаб туриш билан белгиланади, бу эса ўз навбатида жамият аъзоларининг онгли ва мустақил ижодий фаолиятга ўз минтақасида, шунингдек бутун Европада ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишга тайёрлигини англатади.

Фуқаролик таълими ва ўқитишининг янги концепциясина ишлаб чиқиш бугунги кунда фуқаролик таълими муаммосига учта асосий ёндашувга асосланади:

- фуқаролик - хукукий мақом сифатидаги ёндашув сифатида (АҚШ);

- фуқаролик мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги қонунларни тушуниш ва уларни жамият ҳаётига татбиқ қилишда фаол иштирок этиш (Буюк Британия, Голландия, Венгрия ва бошқалар);

- фуқаролик – бу ўз ватанига нисбатан ватанпарварлик туйғуси шакллантириш маҳсули сифатида (Япония, Сингапур[2. р.35] .

Шундай қилиб, турли мамлакатларда фуқаролик таълимига ёндашув, жамият ва давлат ишларида талаба-ёшларни фаол иштирок этиш нұктай назаридан, ёш авлоднинг ўз мамлакатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишга тайёрлиги билан белгиланишини билиб олиш мумкин. Кўпгина хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай ёндашув замонавий жамият ҳаётига тўла мос келади, бугунги кунда ҳар бир инсонни ўзини тутиши, шахсий қадриятлар ва бошқаларни

танлаш эркинлиги билан алохida ажралиб туради. Шунинг билан бир қаторда талаб-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш уларнинг сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашуви жараёни билан чамбарчас боғлик.

Бизнинг назаримизда эса талаб-ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш улардаги ижтимоий фаоллик ва ташаббускорлик қобилиятини намоён этиш билан боғлик жараён бўлиб, бу нафакат уларнинг фуқаролик бурчининг натижаси бўлиши мумкин, балки уларнинг ҳаёт йўлини барқарор ривожланишида муҳим қадам бўлиб хизмат қиласи. Зоро, жамиятда ёш авлод қанчалик ташаббускор бўлса ва бу хислат ундаги ижодкорлик, жасорат ва ижтимоий масъулият каби фазилатлари билан бирлашса, шахс шунчалик ривожланиб боради, ўзининг фуқаролик позицияси шунчалик фаоллашади. Бугунги кунда мамлакатимизда ўзига хос фуқаролик позициясини намоён этиш учун ёшларга барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Фуқаролик жамияти замонавий демократик шароитда, мамлакат ривожланишининг олдинги босқичларидан фарқли ўлароқ, одамга фаол фуқаролик позициясини намойиш этиш учун катта имкониятлар яратади. Шу боисдан ҳам бу имкониятлардан самрали фойдаланиш ёшларнинг ўзига, қизиқиши, қатъиятлилиги, ташаббуси, иродасига, жасоратига боғлик бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Gilardi, S. & Lozza, E. Inquiry-Based Learning and Undergraduates' Professional Identity Development: Assessment of a Field Research-Based Course/ Innovative Higher Education, 2010,-Vol.34 Issue 4, p.456.
2. Shorten, A. Cultural Diversity and Civic Education: Two versions of the fragmentation objection / Educational Philosophy & Theory, -2010, - Vol. 42 Issue 1. p.144.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**Хашимов Шерахон Жўрахонович,  
СамДУ Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий сайёхлик инфратузилмасини шакллантиришга жамият ҳаётидаги долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мамлакатнинг туризм соҳасидаги самарадорлигини ошириш, туризм инфраструктурасини шакллантириш энг аввало мамлакатдаги тинчлик, ҳавфсизлик, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий барқарорликка боғлик бўлиб, туризм соҳасида мамлакатнинг ички салоҳиятини намоён этиш, тарихий обидалар, мукаддас қадамжоларни обод қилиш, табиий ландшафт, моддий-маданий ва меъморлик намуналарини юксалтириш, турфирмалар фаолиятини, меҳмонхона ҳамда бошқа коммуникация тармоқларини, транспорт инфратузилмаларини, умумий овқатланиш ва кўнгилочар объектлар имкониятларини ошириш, даволаш ва спорт йўналишларини фаоллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим, - дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, - Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакор табиати, миллий кўриқхоналар, тоғли худудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафакат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. [ 1. 37-38 бетлар]

Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июль УРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонунига кўра туризм халқаро ва ички туризм каби шаклларга бўлиниб, халқаро туризм кириш ва чиқиши туризм каби турларга бўлинса, ички туризм Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги саёҳатини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида ташки ва ички туризмни ривожлантиришда ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни туристик саёҳатларга фаол жалб қилиш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Қонунга асосан туризм ташкил этилаётган турнинг ўзига хослиги, мавзуси, давомийлиги, ҳаракатланиш усууллари ва турнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм каби туризм турларига. [ 2. Lex.uz.] бўлинishi кўрсатиб ўтилган. Қонунга кўра ички туризм болалар, ёшлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг кам

таъминланган катламлари учун ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган. 2019 йил 5 январда ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилиниб, ушбу фармонга илова сифатида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу концепцияга асосан “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат кил!” Дастурини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш вазифаси белгиланиб, ёшлар туризмини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилди. 2018 йил 7 февралда “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилиниб, ушбу қарорга кўра, ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича ахборот-тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказилишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

2018 йилдан бошлаб мамлакат миқёсида ташкил этиб келинаётган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат кил!” дастури доирасида 77 та амалий лойиҳалар амалга татбиқ этилиб, ички туризмнинг ривожланишига хиссасини қўшиб келмоқда, хусусан: 1. 70 га яқин катта саноат марказларига ёшлар учун ташкил этилган индустриский дастурлар 5,5 минг нафар иштирокчиларни камраб олди; 2. ички туризмни мамлакат аҳолиси миқёсида кенг тарғиб килиш мақсадида 800 та тарғибот банныерлари ўтказилди; 3. мамлакат миқёсида саёҳат қилувчиларга енгиллик яратиш мақсадида таътил кунлари узайтирилди.[ 3. 90 бет]

Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш учун ёшларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиқадиган инфратузилмани шакллантириш, инфратузилма обьектларини барпо этиш учун инвестрларни жалб қилишга эътиборни кучайтириш зарур. Ёшлар учун турли кўнгилочар туристик дастурларни ишлаб чиқиши, туристик маршрутларни ташкил қилиб уларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббус асосида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, тарихга қизиқишини ошириши, туризм соҳасига жалб этиш мақсадида 2020 йил февраль ойидан “Туризм лабораторияси” фаолияти йўлга кўйилди. Туризм лабораториясида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам берувчи шарт-шароитлар яратилган бўлиб, туризм лабораториясида замонавий кутубхона, коворкинг маркази, бепул Wi-Fi, хорижий эксперталар томонидан ёшлар учун вебинарлар, турли тренинглар ўтказиш ҳамда талабалар учун туризм соҳасидаги китоблар, журналларга бепул обуна ва онлайн кутубхоналардан фойдаланиш имкониятлари яратилади. Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, бу концепцияга асосан 2020-2025 йилларда мамлакатда ёшлар туризмини ривожлантиришга оид мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинган. Ўзбекистонда хорижий ёш сайёҳлар сонини 1,3 миллиондан 2020 йилда 2,2 миллионга, 2023 йилга 3,3 миллионга, ички туризм бўйича ёш сайёҳлар ташрифи сонини 8,1 миллиондан 2020 йилда 10 миллионга, 2023 йилда эса 13,6 миллионга етказиш, 2020 йилда – 20 та, 2023 йилда 60 та халқаро даражадаги тадбир ўтказиш режалаштирилган. [https://kun.uz/news/] Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш турли кўнгилочар машғулотларни ташкил этиш, дельтаплан, парашют спорти, альпинизм каби экстремал туризм турларини ривожлантиришни ҳам талаб қиласиди. Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини шакллантиришда ёшлар туризмини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

#### АДАБИЁТЛАР:

- Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2019 йил.
- Lex.uz/docs/4428097
- Зоҳидов Ф.Ф. Ўзбекистон Республикасида ички туризмнинг ривожи ва истиқболлари//”Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда табиий ва этнографик ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. (2019 йил 13-14 ноябрь). Самарқанд 2019 йил.
- <https://kun.uz/news/> 2020/01/21/ o'zbekiston-xorijiy-yosh-sayyoohlар-sonini-3,3-millionga-yetkazmoqchi.

## **ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУХИМ ОМИЛ**

**Ҳайдаров О.Э.**

**Самарқанд ветеринария медицинаси институти  
“Гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт” кафедраси ўқитувчиси.**

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги туб ислоҳотлар пировардида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Ушбу ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролар, шу жумладан ёшларнинг сиёсий ва хукукий маданияти ҳамда савиясини юкори даражага кўтариш, уларда фуқаролик позициясини шакллантиришда ўз ифодасини топмоқда. Республикаизда ёшлар қатлами аҳолининг умумий таркибида салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 11 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Конунчилигимизда ёшлар (ёш фуқаролар) дейилганда ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушунилади [1, 1 б.].

Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содик, қаттий ҳаётй нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш [2] масалалари ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятида фаол, ташаббускор, ғайратли, фақат яратувчанлик, ижодкорлик руҳи ва кайфияти билан яшовчи шахсларга эътибор ва эҳтиёж катта бўлади. Бундай юксак интеллектуал салоҳият тафаккур эркинлигининг қай даражада шаклланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятнинг инсон учун яратган реал иқтисодий қулайликлари ва имкониятлари, юридик ҳақ-хуқуқлари, қарор топган ахлоқий ва маънавий муҳит унинг тафаккури эркин, илфор ва юксак идеалларни кўзлаши билан уйғунлашмоғи лозим [3, 497 б.].

Бизга маълумки, фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири бу ижтимоий – сиёсий жиҳатдан етук ва фаол фуқароларнинг бўлишидир. Етук фуқаронинг шаклланиши эса узок давом этадиган жараён. Ҳар бир фуқарони болалигидан, айтиш мумкинки оила, маҳалла, таълим муассасаларидағи таълим-тарбия жараёнларидан ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, етук, сиёсий ва хукукий маданияти юкори бўлган шахс сифатида тарбиялашга аоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқотни амалга ошириш, айниқса интернет тармоғи имкониятларидан унумли фойдаланиш яхши самара беради.

Айниқса фуқаролик жамиятини барпо қилишда фуқаро онги, маданияти, дахлдорлик ҳисси ва масъулиятини юксалтириш ҳамда такомиллаштиришни ҳозирги талаб даражасида йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, ёшлар фаолиятида ушбу зарурӣ масала ўзининг долзарб жиҳатлари билан ажралиб туради ва уни самарали тарзда амалга оширишни йўлга қўйишимиз лозим.

Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорт ташкилотлар муҳим рол ўйнайди. Халқимиз мазкур демократик институтларга, уларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳаракатларига катта ишонч боғламоқда. Бунда Ёшлар иттифоқи ва сиёсий партиялар фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришнинг жорий қилиниши уларнинг ёшлар ўртасида кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий фаолият олиб боришини таъминлайди. Ёшлар жамиятни эркинлаштириш ва бошқариш билан боғлиқ ислоҳотларга кўпроқ жалб этилади.

Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда давлат органлари, таълим муассасаларигина масъул бўлиб қолмай, шу билан бирга жамоат ташкилотлари ва бошқа нодавлат тузилмаларини фаоллик даражасини ортишини ҳам тақозо этади. Фуқаролик жамияти институтлари – ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ёшларнинг сиёсий маданиятини, фаоллигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаларини амалга оширишда ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш, энг муҳими, ўзини жамиятнинг ажралмас кисми деб тушуниши улкан аҳамият касб этади. Бу ўз масъуллигини англашга эришишда мавжуд демократик институтлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Чунки, жамиятда яшаётган ҳар бир ёшнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти

мавжуд сиёсий институтлар, партиялар ёки нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали амалга ошириладиган демократик сиёсий жараёнларда акс этади.

Хулоса қилиб айтганда, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган фуқароларнинг бўлиши кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишига ва мавжуд бўлишига хизмат қиласи.

### Адабиётлар

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Конуни. (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2017 й., 6-сон, 70-модда
3. Фуқаролик жамияти (дастур ва дарслик лойиҳаси). 2016. Ziyonet.uz.

## VATANGA DAXLDORLIK HISSI BILAN YASHAGAN INSONNING VIJDONI O'YG'OQDIR

Najimova SH. - SamDAQI talabasi.  
ilmiy rahbar: A.E.Ziyotova

*Faqat ilm va ma'rifat, intellektual salohiyat, har tomonlama bilimli kadrlar hisobidan biz O'zbekistonni yangi taraqqiyot bosqichiga olib chiqa olamiz.*  
*Shavkat Mirziyoyev.*

Oqar daryoga qiyoq etilgan bu hayot, aslida, juda murakkab. Biz, yoshlar, hayotda munosib o'rнимизни topib, yaxshi yashashimiz uchun e兹gulik yo'lida sabot ila intilishimiz lozim. Agar kelajak avlodning hayot kemasi ma'rifat, ilm-fan, jasorat langariga suyanmasa, shubhasiz, barcha shamollar-u dovullarga dosh bera olmaydi...[1.]

E'tibor berib qaraganda, dunyodagi barcha mard va jasur insonlar, avvalo, Vatanni sevgani uchun, qalblarida Vatan tuyg'usi porlagani uchun ham botirlik, qahramonlik ko'rsatib, nom qozonganlar. Shu tuyg'u bois kishilar Vatan haqida kuylaydilar, yurtning taqdiriga kuyunadilar, uning ravnaqidan quvonadilar. Demak, ona yurt insonni o'z bag'rida voyaga yetkazibgina qolmay, unga eng muqaddas tuyg'ularni, eng go'zal taassurotlarni bag'ishlaydi.

O'zbekiston! Tuprog'i zar, hosili gavhar, odamlari saxiy, bag'rikeng-u mehridaryo, mehmondo'st-u insonparvar, xushxulq-u xushsuxan diyor! Butun olamni kezib chiqqanda ham, barcha ajoyib-u g'aroyib, mo'jizakor joylarni tomosha qilganda ham O'zbekistonning kichik bir qishlog'i idagi fayz-u tarovatdan bahra olgandek, lazzatlangandek bo'lmaydi kishi. Dunyoning qay bir go'zal yurtiga bormang, dam o'tmay ona yurt dilingizni o'rtab, o'ziga chorlayveradi. Bu tuyg'u kindik qoni tomgan muqaddas zaminga, uning betakror, mislsiz fazilatli odamlariga bo'lgan muhabbatning sehrli kuchi va qudratidan bo'lsa kerak. Bu o'lkada kimlar yashab o'tmagan?! O'zbek nomini ulug'lab, shon-u shuhratini olamga yoygan, o'z iqtidori, iste'dodi, san'at-u iste'dodidan olam ahlini bahramand etgan har bir sohaning yetuk namoyandalari ham bizning ajdodlarimizdir.

Okean ortidagi mamlakatni birinchi bo'lib kashf etgan kim? Bu - Abu Rayhon Beruniydir. Ne-ne sarkardakar qilich bilan ololmagan joylarni qalam kuchi bilan zabt etgan kim? Shaksiz, Mir Alisher Navoiy! Tib ilmining asoschisi-chi? Abu Ali ibn Sino! Buyuk matematik Al-Xorazmiydek allomani kim voyaga yetkazgan? O'zbekistonning muqaddas tuprog'i! [2] Mirzo Ulug'bek, Ahmad Yassaviy, Al-Buxoriy, At-Termiziy... Eh-he, sanab sanog'iga yetib bo'larmikan, bu donishmand ajdodlarimizni! Ular behad-behisob, bebaho va topilmas mo'jiza, duri-noyob oliymaqom insonlar sirasiga kiradilar. Biz ular salohiyatiga qo'limizni ko'ksimizga qo'yib, hamisha ta'zim qilmog'imiz, misli yo'q iqtidorli kishilarimiz bilan haqli ravishda faxr etmog'imiz lozim.

Mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab butun O'zbekiston ulkan bunyodkorlik maydoniga aylandi, tariximizga daxldor, kattadir-kichikdir, har bir obidani obod etish, tiklash, yoshlarimiz ongini hurriyat ma'naviyati bilan nurlantirish borasida keng ko'lamlı ishlarga kirishildi. Xalqimizni, ayniqsa, yoshlarimizni turli zararli yot ta'sirlardan muhofaza qilish, ularni buyuk kelajakni yaratishdek ulug'vor ishlarga safarbar etish maqsadida milliy istiqlol mafkurasini shakllantirish tadbirlari har qachongidan ko'proq jonlantirib yuborildi. Qaysi sohani olib qaramang, ana shunday yangilanish va o'zgarishlarning guvohi bo'lasiz. Bugungi kunda qanday yutuqlarga erishayotgan bo'lsak, barchasi istiqlol tufaylidir.

Shuning uchun mustaqillikni mustahkamlash, Vatanimiz istiqlolini ko‘z qorachig‘idek asrash, yurtimizning shuhratini oshirish uchun xizmat qilish eng sharaflı va oljanob ishdır. Bu – har bir yurtdoshimizning farzandlik va Vatanga daxldorlik burchidir.

Bugun buzg’unchi g’oyalarga qarshi kurashishning eng asosiy vositasi – bu MA’RIFAT!

Ma’rifat shunday katta kuchga egaki, uni unutish poymol bo‘lishga olib keladi. Aslida, Alloh taolo insonni tabiatan sog‘lom, mukammal qilib yaratadi. Lekin, afsuski, odam bolasining o‘zi, nosoz muhit bu mukammallikni buzadi. Odamzod ko‘pincha nafs, kibr-u havoga berilib, jaholat botqog‘iga botadi, o‘zini turli balolarga giriftor qiladi. Jaholat esa hech qachon yaxshilikka olib kelmagan. Jaholat ilmsizlik, nodonlikdir. Bu yo‘lga kirganlar mustaqil qaror qabul qilish, jamiyatg a naf keltirish haqida o‘ylamaydilar.

Bugungi axborot t exnologiyalari asrida kitob mutolaasiga tutinganlar soni kamayib bormoqda. Hamma o‘ziga kerakli ma’lumotlarni internetdan topadi-qo‘yadi, elektron kitoblardan foydalanadi. Bu yomon emas, ammo ulardan varaqlab o‘qilgan kitob orqali olinadigan z avqni, quvonchni, his-hayajonni topib bo‘lmaydi. Sevimli yozuvchimiz O‘tkir Hoshimov shunday yozadi: ”E’tibor bergenmisiz - yo‘qmi, bilmadim-ku, sizning sadoqatda tengsiz do‘stingiz bor. Qachon xohlasangiz, siz bilan hamsuhbat bo‘ladi. Bilmaganingizni o‘rgatadi. Adashsangiz, to‘g’ri yo‘l ko‘rsatadi... Bu do‘sning nomi - Kitob!”[3].

Demak, biz, yoshlар, o‘qishimiz, izlanishimiz va har bir erishgan yutug‘imizni Vatanimizga tortiq qilishimiz kerak. Asosiysi, marrani doimo baland olib yashashimiz kerak. Chunki ertangi kun bizniki, bizdek shijoatli yoshlarnikidir![4]. Hayot sahifalarini qanday bezash o‘z qo‘limizdadir. Zero, umr o‘lchovi Allohga, mazmuni esa ko‘p jihatdan insonning o‘ziga bog‘liqligini unutmaylik! O‘zbegin yoshlari! Vatan bizni o‘z bag‘rida ardoqlab voyaga etkazayaptimi, biz ham buni dildan his qilib su muqaddas Vatanning har giyohi va turog‘iga daxldor ekanimizni unutmaylik. Zero, vatanga daxldorlik hissi bilan yashagan insonning vijdoni o‘yg‘oqdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh. M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minalash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – T.: “O‘zbekiston”, 2016-yil.
2. Karimov I.A. Yuksak ma`naviyat - yengilmas kuch . - T.: “Ma’naviyat”, 2008-yil.
3. Ma’naviy yuksalish yo‘lida.- T.: “Ma’naviyat”, 2008-yil .
4. B.Aminov, T.Rasulov. Vatan – yurakdagи javohir. – T.: “O‘qituvchi”, 1996-yil.

### **ТАЛАБАЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯНИ ШАКЛАНТИРИШ – ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА**

**Ярбаев Ҳасан**

**Гулистан давлат университети, МҒ, МО ва ХТ кафедраси ўқитувчиси.**

Маълумки, ёшлар жамиятнинг прогрессив қисми. Айнан ёшлар жамиятни сиесий, иқтисодий ва маънавий янгиланишининг энг муҳим омили ҳисобланади. Ёшлар хар доим жамиятимизнинг энг фаол қисми бўлган ва ҳозир ҳам шундай.

Учинчи мингийиллик бошларида ёшлар олдида тарихий вазифалар турмокда: Ўзбекистонни жаҳом ҳамжамиятида етакчи ўринларнинг бирига кўтариш, ривожланган давлатлар сафидан ўрин топишига ўз кучларини йўналтириш.

Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ёшлар ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишлари керак. Ахборотлашув ва умумий глобаллашувнинг шиддатли асри ҳаётимизнинг барча жабхаларига ўз муҳрини босиб қўймоқда. Бугунги кунда ҳам ёшларнинг ғайрати, ташабbusкорлиги, профессионализми, миллатимизни сақлаб қолишининг маънавий асоси ҳисобланган ватанпарварлиги, буюк келажакка ишончи долзарб аҳамият касб этмоқда [4].

Ёшларниг вакиллари ҳаракатчан, атрофдаги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёга тез мосланувчан, янги технологиялар ва янги билимларни тез ўзлаштирадиган кишилардир. Бугун ёш мустакил Ўзбекистонимизга яхши маълумот олган, ўз Ватанига содик бўлган, тўғри қарорларни қабул қила олидаган, мамлакатимизни олға силжита оладиган, авлодлар алоқадорлигини сақлайдиган ёш фуқаролар керак. Мамлакатимизша келгусида ривожлантириш ва амалга ошириш керак бўлган потенциал кзп даражада ёшларимиз масъулиятида, зиммасидадир.

Ҳозирги кунда талаба ёшларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш вазифаси анча мураккаблашиб кетган. Ҳозирги кунда ўзбекистонлик ёш фуқароларида иккита ҳарактерли позиция намоен бўлмоқда. Биринчиси ўзини ўзи такомиллаштириш, танланган фаолият соҳасида

журъат билан меҳнат қилиш, бор кучини сарфлаб меҳнат қилиш тамойилига асосланади. Иккинчиси эса сохта тамойилга – ҳар қандай бўлса ҳам, муваффақиятга, ҳаётй неъматлар ва бойликка эришишга асосланади. Мамлакатимиздаги ёшларнинг асосий қисми мустақилликка, жамиятда ўз мавқеи ва ўрнини белгалиб олишга интилади. Бу уларнинг ишларида, қизиқишларида, ўз қобилият ва иқтидорларини очишга интилишда, Ватанга, ҳалқига фойда келтиришга интилишда, бунда ҳаёт маъноси ва мазмунини топишда намоен бўлмоқда. Бу интилишлар МДҲ мамлакатларида ёшларга ҳам хос [2]. Бироқ, ёшларда намоен бўладиган айrim иллатлар, масалан, раҳмисизлик, шафқатсизлик, эгоизм, қайнадай бўлса ҳам ўз фаровонлигига эришиш, истеъмолчилик позициясининг устуворлик қилиши, қонунларга риоя қиласлик еки бепарво бўлишлик, масъулиятысизлик кабилар ташвишлантириб қўймоқда. Шунинг учун ҳам фуқарони тарбиялаш – бу тарбиянинг энг муҳим ва мураккаб соҳаларидан биридир, чунки унда дунёқараш, идеаллар, тамоийлар, мўлжаллар шакллантирилади, ҳамда ёш фуқаронинг замонавий жамият шароитларидағи ҳаёти ва фаолиятини таъминловчи муҳим шахсий ҳислатлар вужудга келади ва мустаҳкамланади [3, с. 113]. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Ижтимоий баркарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг соғлигини асрар – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқида ёш авлод тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб: "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан", дея таъкидлайдилар [1].

Давлат ёшлар сиёсатида ёшларда ўз салоҳиятини очишга, ҳаётга ўз ўрнини топа олишга, давлат ва ижтимоий фаолиятда ўзларини намойиш эта олишга, фан ва маданиятда ўз иқтидорларини очишга имкон берадиган шарт-шароитларни яратиб бериш устувор аҳамият касб этиши лозим. Талаба-ёшларнинг фаол фуқаролик позициясининг асосий тартибий қисмларига Э.Ф.Шакирова қуилагиларни киритади: муҳим индивидуал қадриятлар; ижтимоий фаоллик негизини таркиб топтирувчи инсонпарвар, ишчан ва фуқаролик ҳислатлар; ижтимоий воқеълик ходисаларига, алоҳида хатти-ҳаракатлар ва қилмишларга баҳоловчи-эмоционал муносабат; ижтимоий аҳамият касб этадиган фаолиятга муносабат [5, с. 28].

Олий ўқув юртларида талабаларни тарбиялашнинг асосий мақсадига мос ҳолда, учта интеграцияланган йўналиш асосий йўналишлар сифатида қабул қилинган. Булар: касбий-меҳнат, фуқаролик-хукуқий, маданий-ахлоқий тарбиядир. Сўнгги йилларда, маданий-ахлоқий

тарбияни иккига бўлиб, маданий-ахлоқий ва маънавий-маърифий тарбия ҳам дейишмоқда.

Тарбиянинг ушбу йўналишлари таълим муассасаси фаолиятининг барча таркибий қисмларида мужассам бўлмоғи керак: маъruzаларда, семинар машғулотларида, курс ва диплом лойиҳаларида, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиетида, талабаларни ўзини ўзи бошқарувида, талабаларнинг ижтимоий ташкилотларида, тарбиявий ишлар режасининг барча босқичларида. Унинг асосий мақсади олий ўқув юрти битирувчисини ҳар томонлама баркамол яхлит шахс, мутахассис, фуқаро, зиёли қилиб тарбиялаш ва шакллантиришдан иборат. Шунингдек, олий ўқув юртида фуқаролик-хукуқий тарбиянинг умумий мақсади шахсда фаол ҳаётй позицияни, юксак фуқаролик ва хукуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Бу борада фуқаролик, ватанпарварлик, хукуқий, байналмилал, сиесий тарбия муҳим ўрин тутади. Бу тарбия натижасида ешларда фуқаролилик, ватанпарварлик, байналмиллаллик, сиесий маданият, ижтимоий фаоллик, оиласа муҳаббат, инсон хукуқлари ва эркинликларида хурмат, хукуқий онг, жамиятда муваффақиятли ижтимоийлашув, ижтимоий компетентлик, толерантлик каби шахсий фазилатлар шакллантирилиши лозим. Мазкур вазифалар олийгоҳ профессор-ўқитувчилар томонидан муваффақиятли ҳал қилинади. Бунинг учун олийгоҳнинг фуқаролик-хукуқий мақоми самарали ташкил қилинган, дидактик жиҳатдан эгилувчан, ўз ичига демократлаштиришни, самарали ташкил қилинган ўқув-тарбиявий жараенни, талабалар ўзини ўзи бошқариш тизимини шаклланганлигини, дарсдан ташкири тарбиявий ишларнинг ривожланганлигини киритади.

Бундан келиб чиқсан ҳолда хулоса чиқариш мумкинки, фуқаролиликни тарбиялаш шахсда фаол фуқаролик позициясини, фуқаролик ўзини-ўзи англашни, ўз сиесий ва ахлоқий танлови учун масъулият ҳиссини англашни шакллантиришни тақозо қиласди.

Талабаларда фаол фуқаролик позициясини, фуқаролиликни шакллантириш бўйича тарбиявий ишлар самарадорлигининг мезонлари улар томонидан намойиш этилаетган фуқаролик жасорат, мардлик, ишонч, ўзгалар фикрига сабр-бардошлиқ, хулқ-атвор қонунлари ва меънерларини риоя қилиш, инсофлилиқда ифодаланади.

Талабаларнинг фаол фуқаролик позицияси уларнинг ижтимоий етуклигидан дарак беради, жамият ишлари учун масъулият хиссини ва ташвишланишини акс эттиради. Фуқаролик бурчи инсоннинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига муносабатида намоен бўлади. Ёш мутахассиснинг ҳуқуқий маданияти нақадар шаклланганилиги даражаси ҳақида олий ўкув юрти битирувчиси ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб олишидан, уларга риоя қилиш заруриятига ишонганилигидан, уларни татбиқ қилаётганлигидан билиш мумкин. Бу борада уларга устозлари, мураббийлари, катталар ҳар томонлама ердам кўрсатишлари керак.

Ёшлар – миллатнинг эртанги куни. Давлатчиликни, миллий бирликни, тинчликни ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши уларга боғлиқ. Ишонамизки, ёшларимиззиммаларига юклатилган ана шу машақкатли, аммо жуда ҳам фахрли вазифани ифтихор билан ҳал қила оладилар.

#### **Фойдаланилган адабиетлар рўйхати:**

1. Шавкат Мирзиёев: ёшлар тарбияси – энг муҳим масалалардан. // [электрон ресурс] URL: <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017>
2. Болотина С.Н. Активная гражданская позиция – залог жизненного успеха. / Материалы Интернет-конференции «Современный преподаватель: личность и деятельность». - Белгород, 2011. // [электрон ресурс] URL: <http://unid.bsu.edu.ru/unid/teach/sbornik/detail.php>
3. Васильева Л.Е., Кириллова О.В. Активная жизненная позиция, ее формирование у студенческой молодежи // Вестник Чувашского университета. 2013. № 1. С.111-114.
4. Семигин Г.Ю. Страна, не воспитывающая патриотов, не имеет будущего. // [электрон ресурс] URL: <http://www.patriot-rus.ru/lider-partii.-ot-pervogo-licza/gennadii-semigin-strana-ne-vospitivayushaya-patriotov-ne-imeet-budushhego.html>
5. Шакирова Э.Ф. Сравнение выраженности характеристик социальной активности студентов в условиях педагогического колледжа // Психологическая наука и образование. 2008. № 5. С.26-37.

## **ЎҚУВЧИЛАРДА ФАОЛ ИЖТИМОИЙ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Бакиров О.  
Жиззах вилоят ХТҲҚТМОҲМ катта ўқитувчиси**

XXI асрда кечеётган глобал интеграция жараёнлари, дунёнинг ғоявий- мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур услубини тақозо қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистонда таълимнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор берилиб, ўқитилаётган фанларнинг мазмунини замон талабларига мослаштирилиши бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида, 2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида ўз ифодасини топмоқда.

Умуман олганда бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар заминида ёш авлодни жисмонан бақувват, ақлан етук, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишларини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон таълим министри мадорнишаси таълим тизими балки, фуқаролик жамиятида ва қонун устуворлиги муҳитида яшайдиган, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни тўлиқ амалга оширадиган одамларни тайёрлаш кераклигини тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан жамиятда фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини реал ҳаётда амалга оширишга қодир бўлган фаол ва билимли фуқароларга эга бўлиш зарурати туғилмоқда. Ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясининг этарли даражада эмаслиги улар орасида зиддият келиб чиқиши, маҳсус шакллантирилган фуқаролик қобилиятининг йўқлиги ёки пастлигидан далолат беради. Агар уларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси бўйича этарлича билим, кўнікма, ва малакаларни шакллантира олсан давлатнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишлари таъминланади. Ушбу қарама-қаршиликни ҳал қилиш йўлларини излаш бартараф этиш бугун нафақат педагоглар балки, ҳар бир инсонда дахлдорлик хиссини уйғотишни тақозо

қилмоқда. Назарий нұқтаи назардан, бу ўқувчиларнинг фуқаролик компетенциясининг таркибий қисмларининг мазмунини асослаш ундаги муаммоларни аниклашдан иборат.

**Ўқувчиларнинг фаол ижтимоий фуқаролик компетенциясими шакллантириш тизими**  
ўзининг қуидаги босқичларини ўз ичига олади.

1. "Мен ва мен". Ўзига нисбатан фуқаролик муносабатини шакллантириш;
2. "Мен ва оиласы". Ўз оиласига фуқаролик муносабатини шакллантириш;
3. "Мен ва маданият". Санъатга фуқаролик муносабатини шакллантириш;
4. "Мен ва мактаб". Мактабга фуқаролик муносабатини шакллантириш;
5. "Мен ва менинг Ватаним". Ватанга фуқаролик муносабатларини шакллантириш;
6. "Мен ва курраи замин." Ер сайдрасига фуқаролик муносабатини шакллантириш.

**Ҳар бир йўналишнинг вазифалари:**

- ✓ “Мен ва мен”: – хукуқий онгни шакллантириш ва фуқаролик масъулиятини тарбиялаш;
- ✓ Ўқувчиларда онгли интизом ва ахлоқ маданияти, масъулиятлилик ва тартиблилик мактабда, уйда, жамоат жойларда ўзини тутиш қоидаларига амал қилишда аниклик моҳиятини тушунишни тарбиялаш;
- ✓ ўз-ўзига таълимга, ўзининг ахлоқий фазилатларини тарбиялашга эҳтиёжни шакллантириш;
- ✓ “Мен ва оила”: – оила аъзоларига хурматни шакллантириш;
- ✓ ўз ота-онасины севадиган оиласапарварни тарбиялаш;
- ✓ “Мен ва маданият”: ўқувчиларда гўзаллик ҳиссини тарбиялаш, уларнинг ижодий тафаккурини бадиий қобилияtlарини ривожлантириш, эстетик дидни шакллантириш;
- ✓ ҳар бир фуқаро ҳаётида маъданият ва санъатнинг аҳамиятини тушунишни шакллантириш.
- ✓ “Мен ва мактаб”: - ўқувчиларда мактаб жамоасига тегишлилигини англашни, шахсий ва ижтимоий муносабатларнинг бирлигига интилишни шакллантириш;
- ✓ ўқишга онгли муносабатни тарбиялаш, билиш фаоллигини ривожлантириш;
- ✓ онгли интизом ва хулқ-атвор маданиятини тарбиялаш;
- ✓ ўқувчиларнинг ўз билимларини доимий равищда тўлдириб боришга, соғлом турмуш тарзини юритишига эҳтиёжини ишлаб чиқиш;
- ✓ давлат қонунларини билиш ва уларга риоя қилишга онгли тайёрликни тарбиялаш, мактаб низомини бажариш.
- ✓ “Мен ва менинг Ватаним”: - ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, уларга халқ мулкига онгли муносабатни, катта авлоднинг жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқликни, Ватанга содиқликни, унинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга тайёрликни тарбиялаш;
- ✓ сиёсий маданиятни, ўз юрти учун масъулият ва ғурур ҳиссини тарбиялаш.
- ✓ “Мен ва курраизамин”: - инсон, жамият, табиат ўртасидаги ўзаро алоқани тушунишни тарбиялаш;
- ✓ болаларнинг атроф мұхитга ва меҳнатга, инсонларнинг қувонч ва ижод манбаи бўлган меҳнатга эстетик муносабатини шакллантириш.

Умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг фаол ижтимоий компетенциясими шакллантириш ва ривожлантириш уч босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқичда (бошланғич таълим) асосий ахлоқий қадриятлар, хулқ-атвор меъёрлари шакллантирилади, ўзини жамиятнинг бир қисми ва ўз Ватанининг фуқароси деб англайдиган шахснинг шаклланиши бошланади, боланинг коммуникатив қобилияtlари ривожланади. Бошланғич таълимнинг мұхим вазифаси бўлган кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ижодий потенциалини ривожлантириш мамлакат ҳаётига ўз ҳиссасини қўшишга қодир бўлган шахсни шакллантиришга ёрдам беради.

Иккинчи босқич (acosий таълим) ўсмирнинг хулқ-атвор қадриятлари ва қоидалари тизимиши шакллантиришни давом эттиради, жамиятдаги келгуси мустақил ҳаёти учун зарур бўлган билимлар ва малакаларни эгаллашга ёрдам беради. Бу босқичда фуқаролик таълим мининг асоси қонунга, бошка инсонлар хукуқларига хурмат ва жамият олдидаги масъулиятни шакллантиришdir. Ўқувчиларнинг онгини ва тафаккурини Ватан тарихи, ахлоқий ва хукукий меъёрлар ҳақидаги билимлар билан бойитиш лозим.

Учинчи босқичда жамиятнинг турли жабхаларида содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги билимлар чукурлаштирилади, кенгайтирилади, инсоннинг фуқаролик позицияси, унинг ижтимоий-сиёсий йўналиши белгиланади. Ушбу босқичнинг вазифаси – ижтимоий фаолият

жараёнида ўқувчилар ўз ҳуқуклари ва бошқа инсонлар ҳуқукларини химоя қилишга тайёрлигини ва буни бажара олиш малакаларини такомиллаштириш, индивидуал ва жамоавий фаолиятни шакллантира олиш.

Хусусан, юкорида кўрсатилган йўналиш ва босқичларини умумтаълим мактабларида, ҳар бир оиласарда ҳамда маҳаллаларда тизимли ташкил этилса, ўйлайманки ёшлиаримизда ўзимиз орзу килган авлод бўлиб етишишларига ишончим комил. ўсиб келаётган ёш авлодни Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойилик кўрсата оладиган, мустақиллигимизнинг моҳиятини ва кадрини англайдиган, уни ҳар қандай хавф-хатардан асрарни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган, муайян мутахассисликни, қасб-хунарни чукур эгаллаган, мустақил, эркин фикрлайдиган, маънавий ва жисмонан баркамол инсонни тарбиялаш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль, Пф-4947
2. Асадов Ю.М., Тайлаков Н.И., “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар диагностикаси ва коррекцияси” –Т.: 2018 йил
3. Асадов Ю.М Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган дарсликларга қўйилган талаблар // “Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув тарбия жараёни сифатини ва самарадорлигини ошириш” мавзусида бошланғич таълим ўқитувчилари Форуми. –Т.: 2016. йил

### **ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙӢ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ**

**Абдуганиев О.Т.**

**Тошкент давлат педагогика университети таянч докторанти.**

Мамлакатмизда бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол шахс бўлиб вояга етказиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январь куни эълон қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномасида ўш-авлод масаласига тўхталар экан: “Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ўшларни она юрга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир” [1;б 2] деган ушбу мурожаатларида ҳам олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўш-авлодни ижтимоий фаол фуқаро сифатида камол томиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сон Фармонида олий таълим тизимининг ривожлантирувчи концепциясида “талаба-ўшлар интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мағкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, ҳалқ манбаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялаш, талаба-ўшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш инсонпарварлик принципларига таяниши керак” [2,] деб бугунги кун ёш авлод-тарбияси энг муҳим масала сифатида илгари сурилган.

Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантириш жараёнини индивидуаллаштириш илмий тадқиқотларда моделлаштириш жараёни орқали тадқиқ этиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Моделлаштириш жараёни ҳодисалар ва объектлар тизими моделларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш орқали тадқиқ этиш каби сифатлар билан таҳлил этиб ўргатиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда таълим жараёнида модель тадқиқ этилаётган объект (ёки ҳодиса) бўлиб, мазкур объект элементлари ўртасидаги структура, хусусиятлар, ўзаро алоқалар ва муносабатларни соддалаштирилган кўринишни ифодалайдиган схема, физик конструкция, белгили шакллар ёки формулалар кўринишида сунъий яратилган объект сифатида таърифланади.

Рус олими В.А.Штоффнинг “Моделлаштириш ва фалсафа” китобида моделнинг таърифи қўйдагича келтириб ўтилган: “Модель тадқиқот объектини акс эттириб ёки ифодалаб, уни шундай ўрнини босадиган ва уни ўрганиш учун бизур мазкур объект тўғрисида янги маълумотларни бера

оладиган ҳаёлан тасаввур этиладиган ёки моддий амалга ошириладиган тизим” деб тушунилади [3;б 22], шу нуктаи назардан келиб чиқсан ҳолда таълим жараёнини моделлаштириш орқали инвидуал таълимнинг сифатларини ошириб бориш мақсадга мувофиқидр.

Педагогик тадқиқотларда моделнинг амалий қиммати, асосан, объектнинг ўрганилаётган томонларига нисбатан унинг адекватлиги билан, шунингдек, моделни қуриш босқичларида моделлаштиришнинг асосий принциплари (кўргазмалик, аниклик, объективлик) қанчалик тўғри инобатга олингандиги билан белгиланади [4,].

Ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантиришнинг мақсади ҳам унинг мезони компетентликнинг аксиологик компонентининг асосини ташкил этувчи у ёки бу қадриятлар меъёрларини пассив ўзлаштириши эмас, ижтимоий ҳатти-харакатга қобилиятилик билан ёндашиш ҳисобланади.

Шу муносабат билан, талабаларнинг ижтимоий ҳатти-харакатлари жамиятнинг ижтимоий ҳаётига кириб бориши, ҳақиқий ижтимоий ҳаётнинг имитациясигина бўлмаслиги жуда муҳим ҳисобланади. Шу тариқа, талаба унинг атрофидаги воқеликка ҳақиқатда таъсир этиш, ўзи иштирок этадиган жамоанинг ҳаёт тарзини шакллантиришда иштирок этиш хукуқига эга бўлади. Тарбиянинг ҳаёт билан боғликлиги принципи айнан шундай амалга оширилади.

Тарбияда узлуксизлик принципи жуда муҳим ҳисобланиб, у ривожланишнинг ҳар бир босқичида аввалги босқичда шаклланган фаол фуқаролик компетенциялари мустаҳкамланади ва кенгайтирилади. Бир вактда янги босқичдаги таълимий вазифаларни бажариш таъминланади, кейингиси учун асос тайёрланади. Шу тариқа, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак компетентликни шакллантириш устида конструктив ишлайди.

Кейинги муҳим принцип ривожлантирувчи таълим ва тарбия ҳисобланиб, унда таълимий ва тарбиявий таъсирларни ташкил этиш орқали ривожланиш суръати ва мазмунини бошқариш мумкин бўлади. Бунда талаба учун шахсий ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини-ўзи актуаллаштириши, ижод қилиш қобилияти ва жамиятда ижтимоий фаоллик кўрсатиши учун шароитлар яратиб бориш керак.

Яқуний мақсад фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш билан, балки айнан фуқаролик компетентлиги, яъни компетенцияларни ижодий амалга ошириш қобилиятиларини камол топтириш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда талабага унинг учун аҳамиятли масала бўйича ўз фикрини ифодалаш, муҳим аҳамиятли ижтимоий ҳатти-харакатни амалга ошириш, унинг учун долзарб муаммонинг ечимини ҳатто кўрсатиб бериш ва тенгдошлари ёки катта инсон ёрдами билан ташкил этиш имкони берилса, унда у бундай қарорни қабул қила олади ёки ҳатти-харакатни мустақил амалга ошира олади. Асосийси у ҳақиқий ҳаётдан узилган ўйинларни ўйнаши эмас, балки ҳақиқатда долзарб ижтимоий лойиҳавий вазифаларни ечишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда, у бошқаларнинг талабаларига мослашиб ҳаракат қиласи ва бошқаларнинг хулқ моделларига тақлид қиласи.

Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча *таълим жараёнида индивидуаллаштириши, индивидуал ёндашувни амалга ошириши принципи* ҳал этувчи аҳамият касб этади. Чунки, талаба шахсининг шаклланишида умуман унинг ривожланишининг индивидуал хусусиятларини ва хусусан фуқаролик сифатларини инобатга олиш катта роль ўйнайди.

Шахснинг субъектив сифатини, компетентлик тушунчасидан келиб чиқиб, биз ҳар бир талабада ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантириш жараёнини самарали ижтимоий-педагогик кўллаб-куватлашни таъминлаш мақсадида индивидуалликнинг барча соҳалари бўйича фуқаролик компетентлигининг барча компонентларининг ривожланиш мониторингини таъминлаш зарур.

Юқорида келтирилган илмий асосларга таяниб, хулоса ўринида шуни келтириб ўтишим керакки, биз томонимиздан аввалроқ аниқланган индивидуаллаштириш омилларини инобатга олиб, таълим муассасаси талabalарида ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантириш жараёни орқали индивидуалл таълимнинг педагогик шарт-шароитлари қўйдагиларда намоён бўлиши мумкин:

❖ машғулот ва машғулотдан ташқари фаолиятда педагогик вазифа сифатида индивидуалликнинг барча соҳаларини ривожлантириш;

❖ ижтимоий фаол фуқаролик компетентлиги компоненти ҳисобланган талабаларнинг психик хусусиятлари ва сифатларини ривожлантиришда таълим мазмунининг имкониятларини амалга ошириш;

❖ ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантириш жараёнида талабани психологик-педагогик кўллаб-куватлаш орқали индивидуаллаштириш тамойилларига таяниш;

- ❖ нафакат ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантириш жараёнининг, балки индивидуаллик соҳалари ва фуқаролик компетентлиги компонентлари даражаларининг доимий мониторингини амалга ошириш;
- ❖ ўқув ва ижтимоий лойиҳалаш фаолияти давомида талабанинг ўзини-ўзи амалга ошириш учун имконият яратиш;
- ❖ индивидуаллик ва компетентликни шакллантириш орқали ижтимоий фаол фуқаролик компетентлигини ривожлантириш жараёнини таҳлил қилиш;
- ❖ таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёнида олиб борилаётган машғулотлар орқали талабаларда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз фаолияти орқали билим, кўнима ва малакаларни мувофиқлигини таъминлаш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Халқ сўзи, 2020 й. 25 январь №-19 сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони //Lex/uz/ 08.10.2019
3. Штофф В.А. Моделирование и философия. - М.: Наука, 1966., с. 22
4. Михеев В.И. Моделирование и методы измерений в педагогике. -М.: Высшая школа, 1987

**YOSHLARDA FAOL FUQAROLIK POZITSIYASI VA DAXLDORLIK HISSINI  
SHAKLLANTIRISHNING SHAHAR EKOTIZIMINI BOSHQARISHDAGI AHAMIYATI**

Xaydarova X.X.

**SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasi o'qituvchisi.**

Insoniyatning ilmiy texnikada qilgan inqilobi urbanizatsiyani kuchaytirib shaxarlarda aholining zichlashuviga olib keldi. Aholining bir joyda to’planib qolishi mamlakar taraqqiyotiga hissa qo’shish bilan birgalikda, ko’plab muammolarni yuzaga keltirayotgani hech kimga sir emas. Ushbu masalani tadqiq etish tobora barcha mamlakatlarda dolzarb masalaga aylanmoqda. Yurtimizdagi shahar ekotizimini bugun boshqara olmasak, tabiat qonunlarini buzush bilan birga insoniyat istiqboliga to’sqinlik qiluvchi tamal toshini qo’yan bo’lamiz.

Hususan, shahar ekotizimiga shaharda iste’qomat qiluvchi aholi va ularning yashash sharoiti kirib, bularga aholi turar joylari, sanoat korxonalari, avtotransport, sog’liqni saqlash muassasalari, ta’lim dargohlari kiradi. Shaharda iste’qomat qiluvchi aholining o’zini esa uch toifaga ajratish mumkin:

Birinchi toifaga asosiy yoki shaxarni tashkil etuvchi guruh kiradi. Ular ishchilardan tashkil topgan bo’lib, shahardagi korxonalarda va muassasalarda faoliyat olib borishadi.

Ikkinchi toifaga xizmat ko’rsatuvchi guruh kiradi. Ular asosan aholiga turli hildagi xizmatlarni ko’rsatadilar hamda savdo-do’konlarida, yoki oshhonalarda, sog’liqni saqlash va madaniy maishiy muassasalarda faoliyat olib borishadi.

Uchinchi toifaga vaqtinchalik yoki umuman ishga yaroqsiz kishilar guruhi kiradi. Ularga maktabgacha va maktab yoshidagi bolalar, nafaqadagi kishilar, uyda band bulgan kishilar, oliy va o’rta o’quv yurtlari talabalari [2,11 b.] (ularning ayrimlari yuqoridagi ikkita toifadan biriga kirishi ham mumkin).

Yuqorida keltirilgan uch toifaning qaysi biriga kirishidan qat’iy nazar shahar ekotizimini boshqaqravida faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo’lgan va dahldorlik hissini tuyadigan shaxsning ayniqsa yoshlarning ahamiyati katta ekanligini unutmasligimiz lozim.

Shahar ekotizimining boshqaqravida faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo’lgan va dahldorlik hissini tuyadigan yoshlarning ahamiyatini quyidagi omillarda ko’rib chiqamiz:

Shovqin inson sog’lig’iga jiddiy zarar ko’rsatuvchi omil bo’lib, shahar ekotizimida ko’proq ishlab chiqarish jarayonida, transport sohasida hamda asosan haloyiq yig’ilganida namoyon bo’ladi. Mutaxassislarning fikriga ko’ra, insonlarning erta qarishiga 30% holatda shovqin sabab bo’lar ekan. Shuningdek, to’rtta nevrologik kasallikdan bittasi aniq shovqin tufayli bo’lib, shovqin inson tanasida to’planib, inson sog’lig’iga o’z ta’sirini ko’rsatadi [2, 29 b]. Bizning hayotimizning bir bo’lagiga aylanishga ulgurgan avtomobillar esa shovqin chiqaribgina qolmay, havoning ifloslanishiga ham o’z hissasini qo’shmoqda. Samarqand viloyati misolida oladiga bo’lsak hududdagi 33237 ta korxona va tashkilotlardan [4] tashqari ko’chalarda mijoz talashayotgan avtoqatnov hodimlari, bozorda mahsulotini sotib olishga undayotgan savdogarlar, jamoat joyida bor ovozi bilan o’zining muammolarini muhokama qilib ketayotgan shaxslar bundanda ko’proq shovqinni hosil qilishga sababchi bo’lib qolishmoqda. Faol

fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan yoshlargina ushbu shovqinlarga nisbiy chek qo'yishlari, madaniyatli kishilar jamiyatini shakllantirishda o'z xissalarini qo'shishlari mumkin.

Yana bir inson sog'lig'iga jiddiy zarar ko'rsatuvchi omillardan biri bu – yorug'likdir. Yorug'lik, xususan quyosh nurlari shahar muhitining holatiga ta'sir etibgina qolmay, shaharda este'qomat qiluvchi shahar aholisining ham fotogeneziga ta'sir etadi. Shahar ekotizimida quyosh nurlanishining umumiy intensivligi qishloq joylariga nisbatan 15-20 foizga kam. Xususan, bunga sabab binolarning maqsadsiz rejalashtirilishi, binolarning zichligi, ko'chalarning noto'g'ri yo'naltirilganligidadir. Shahar ekotizimida binolarning ko'payishi hattoki kunduz kunlari ham quyosh nurlarining to'g'ridan-to'g'ri davomiyligini ta'minlay ololmayotganligi sababli ma'lum aholining sog'lig'ida o'zgarish sodir bo'lmoqda. Bilamizki, "ultraviyole" nurlari ko'plab bakteriya va viruslarni o'ldirib, odamning immunitetini oshirish uchun zarur bo'lgan D vitaminini ishlab chiqarishga yordam beradi. D vitaminini yetishmasligi natijasida esa raxit, egilgan suyaklar va umurtqa deformatsiyalari kabi bir qancha kasalliklarni keltirib chiqarishi fanda o'z tasdiqini topgan. Shunday ekan mamlakatimizdagi qurilish jarayoni ham to'liq nazoratni talab etadi. 2020 yil holatiga ko'ra mamlakatimizda qurilish sohasidagi korxonalar soni 37516 ta bo'lib bu 39,7 % ni tashkil etmoqda. Ushbu korxonalarda shahar ekotizimini inobatga olmay pulning orqasidan chopib binolarni zich hamda zilzilabardoshliligiga ham qaramay baland qurib, binolarni aholiga pullab uzining shaxsiy manfaatini ko'zlovchi shaxslarni emas, shu jamiyatga daxldorlik hissiga ega yoshlarni boshqarsagina shahar ekotizimidagi nafaqat quyosh nuri tanqisligi muammosi o'z yechimini topgan bo'lar edi va shu kabi boshqa muammolarning ham kelib chiqishini oldini olgan bo'lar edik. Yuqorida muammolarni tahlil etayotib yurtboshimizning "Farzandlarimizni mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb hunarlarni chuqur egallagan mustahkam hayotiy pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun hamisha dolzarb masala hisoblanadi" [1,189-b] deb aytgan fikrlari naqadar muhim ekanligi yana bir bor o'z isbotini topdi.

Asosan insonlar tomonidan amalga oshirilayotgan shahar atmosferasining ifloslanishi omilini olib qaraydigan bo'lsak, birgina odam sutkada 10m<sup>3</sup> ishlangan va tarkibida (SO<sub>2</sub>) 4 foiz bo'lgan havoni nafas olish organlari orqali chiqarib [2, 27 b] shahar atmosferasining ifloslanishiga qanchalik salbiy ta'sir etayotganini ko'rishimiz mumkin. Afsuski yana qo'shimchasiga chekuvchilarning roli ham kun sayin ortmoqda. Statistik ma'lumotlarga ko'ra 2019 yilda Samarqand viloyatida 52,1 ming tonna ifloslantiruvchi moddalar atmosferaga chiqarilgan.[4] Albatta insonning nafas olishini yoki tashkilotlar faoliyatini cheklash mumkin emas, biroq tabiiy muhitni shakllantirish evaziga bu kamomatni yopish mumkin. Bunda tijoratni ko'zlab daraxtlarni kesayotgan odamlarga ular ham shu jamiyat a'zosi ekanligini bot-bot eslatish, kerak bo'lsa ularga tegishli chora ko'rishga ko'maklashish lozim. Ularning aybini yashirish bilan ham o'zimizga ham kelajak avlod taqdiriga qora chiziq tortayotganimizni unutmaslik har bir fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan yoshlarning vazifasidir.

Keng ko'lama o'tkazilgan global tadqiqotlarda 50 ta shahar aholisi shaharning urbanizatsiyalashuvini salbiy baholadi. [3, 3b] Shunday ekan, shaxar ekotizimini boshqarishda quyosh nurlarini teng taqsimlanishi va davomiyligi, havoning ifloslanish darajasi, shovqin, elektromagnit nurlanish, chiqindining to'planib qolish holati, binolarning bir-biriga zich joylashuvi insonlarning ham sog'lig'iga, ham ularning kayfiyatiga o'z ta'sirini o'tkazdirishini inobatga olsak, insoniyat kelajagi uchun shaxar ekotizimini to'g'ri boshqarish mazkur maqolaning dolzarbligini ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizdagi mavjud barcha shaharlar o'zining ekotizimiga ega bo'lib, uni boshqarishda birgina shahar davlat idoralarining zimmasiga tashlab qo'yish o'sha jamiyat fuqarosi tomonidan amalga oshirilgan nahaqlikdir. Buni oldini olishda galadagi vazifalarni unutmasligimiz lozim:

Birinchidan, insonni yoshligidanoq ekologik tafakkurini shahar darajasida shakllantirish kerak.

Ikkinchidan, har bir shahar o'zining ekologik ahloqiy me'yorlarini ishlab chiqishi va aholi o'rtasida ommalashtirishi lozim. Bunda shaharlararo hamkorlik o'rnatsa ham eng maqbul ish bo'lar edi.

Uchinchidan, shaxar ekotizimi haqida gap borganda diniy omillarni ham inobatga olish lozim. Zero, din tozalikka davat etishi bilan birgalikda insonlarni shu muammo atrofida birlashtirish vazifasini ham bajaradi. Xususan, bugungi dolzarb muammolardan biri bo'lgan "COVID 19" nomli koronavirusning dunyo bo'ylab keng tarqalishi shahar aholisining diniy e'tiqodini mustahkamlash bilan birga, aholini yagona bir g'oya "Sinov" asosida birlashtirib turibdi. Aytaylik islom dinining muqaddas kitobi "Qur'oni karim" dagi Baqara surasining 184 oyatida "Sanoqli kunlar" deb aytib o'tilgan bo'lib, mumin va muslimalarni bu "sanoqli kunlar"da sabrli bo'lishlari so'ralgan.

Yurtimizda shaxar ekotizimining axvolini aniqlash, uni to'g'ri boshqarish, nazorat qilish tizimini yaratish va bunda faol fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish insoniyat istiqbolini belgilovchi hayotiy zaruriyatdir.

## **Adabiyotlar ro'yhati**

1. Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, O'zbekiston, 2017. 486 bet.
2. Yodgorova D.Sh. Egamberdiyeva L.SH., Azimova D.O. Shahar ekologiyasi. Toshkent, 2013. 91 bet.
3. Xabitat III исследовательские доклады. Конференция Организации объединенных наций по жилью и устойчивому городскому развитию. Нью-йорк, 31 май 2015.
4. <https://stat.uz>

## **"SOFT SKILLS: BUGUNGI SHAROITDA LIDERLARGA KERAK BO'LADIGAN KO'NIKMALAR"**

**Boymanov Sohib Alisher o'g'li,  
SamDAQI 2-bosqich talabasi**

Bugungi sharoitda, ya'ni pandemiya davri va buning natijasi bo'l mish depressiyadan keyin davlat xizmatchilariga, menejerlarga, biznesmenlarga, liderlarga qanaqa ko'nikmalar kerak bo'ladi? Nima uchun aynan bu savol qo'yilayapti? Sababi biz, xudo xohlasa ertami, kechmi karantindan chiqib hammasi o'z holiga qaytgach, oldingiday yashay olmaymiz. Munosabatlar o'zgaradi, biznes o'zgaradi, qarashimiz va kelajakka intilishimiz o'zgaradi. Aynan mana shunday o'zgarishlarga dosh berib, inqirozdan chiqib ketish hammaning ham qo'lidan kelavermaydi. Bu borada esa davlat xizmatchisimi u, biznesmenni, o'z tashkilotining liderimi ularga o'zgarishlarga moslashuvchanlik (adaptatsiya), o'zgarishlarni boshqaruvchanlik (change management), kreativlik, vaqtini to'g'ri boshqara olish (time management) ko'nikmalari zarur bo'ladi. Chunki biz qisqa vaqt ichida ko'proq natijaga erishishimiz, "ko'p ishslash" tushunchasidan "samarali ishslash" tushunchasiga o'tishimiz, ko'nikishimiz zarur. Shu o'rinda aytishim joizki, "soft skills" va "hard skills" tushunchalari mavjud. Ular va o'talaridagi farqlar haqida quyiroqda to'xtalib o'taman.

Hozirgi paytda texnologiyalar kun sayin emas, balki soniya sayin rivojlanmoqda. Bunday sharoitda biz kasbni egallab, shu kasb bilan nafaqaga chiqaman, degan maqsad o'zini oqlamayapti. Sababi bakalavrdan olgan bilimimiz oliy ta'lim muassasalaridan chiqmasimizdan, ya'ni qo'limizga diplom olgunga qadar eakirib qolmoqda.

Endi yuqoridagi tushunchalarga ta'rif berib o'taman. Oxirgi 20 yillikda mutaxassislarini ishga qabul qilishda ko'proq "hard skills" ga qarab ishga qabul qilishadi. 2030 yillarga kelib hard skillsning o'zi kamlik qiladi. "Hard skills"ga quyidagilar kiradi:

- Chet tilida malaka oshirish;
- Yozish tezligi;
- Kompyuter daaturlari;
- Biron daraja yoki sertifikat va boshqalar.

Boshqa tomondan, "soft skills" (yumshoq ko'nikmalar) miqdori ancha murakkab bo'lgan subyektiv ko'nikmalardir. Bundan tashqari, "odamlar ko'nikmalari" yoki "shaxs qobiliyatları" deb nomlanuvchi yumshoq ko'nikmalar boshqa odamlar bilan qanday munosabatda bo'lishingiz va ular bilan ishlappingizga bog'liq. Butun jahon iqtisodiy forumi 2020 yildagi quyida keltiriladigan malakalarni (soft skills) qayd etdi:

1. Muammoni yechish;
2. Tahliliy fikrlash;
3. Kreativlik;
4. Odamlarni boshqarish;
5. Ularga ta'sir o'tkazish;
6. Emotsional intellekt;
7. Qaror qabul qilish;
8. Muloqot;
9. Moslashuvchan tafakkur;

10. Vaqtini boshqara olish (time management).

Bularning barchasi hammamiz ham bilmaydigan - oddiy malakalar. Garvard universitetining tadqiqotlariga ko'ra, mazkur malakalar 85% muvaffaqiyat garovidir. 77% rahbarlar uchun bu qobiliyat har qanday murakkab qarashlardan muhim.

Inson o'zgaradigan, o'zini o'zgartiradigan vaqt keldi. Inson o'zgarmasa, jamiyat o'zgarmaydi. Siz va biz yashayotgan jamiyatda harakatdan to'xtashimiz, o'zgarishlarga befarq bo'lishimiz mumkin emas. Endi hayotimizni birgina kasb qanoatlantirmaydi. Dunyo o'zgarmoqda, qarashlar ham... Shvetsiyada 62%,

Germaniyada 42%, Rossiyada 15% yoshi kattalar ta'lim olmoqda. Ta'lim, maktab yoki OTM zimmasida, balki inson har kuni, har doim o'sishi, o'rganishi lozim. O'zingizdag'i oddiy malakani rivojlantiring, har kuni nimanidir o'rganing, o'zningizning ta'lim startegiyangizni barpo eting! Barqarorlik endi yo'q, ammo endi erkinlik, ijod va hayotimizda yanada ko'proq ma'no bo'ladi.

### **Adabiyotlar**

1. Otabek Xasanov. "Halollik vaksinasi to'g'ri ta'lim tarbiyada namoyon bo'ladi". // "Yangi O'zbekiston" gazetasi, 2020 yil 8 mart
2. M.A. Rahmatov, B.Z. Zaripov. "Iste'dodli insonlar mamlakatning bebaho boyligidir". 2019y.
3. How to ensure artificial intelligence benefits society: A conversation with Stuart Russell and James Manyika. McKinsey Global Institute January 2020.

## **YOSHLARDA FAOL FUQAROLIK POZITSIYASI VA DAXLDORLIK HISSINI SHAKLLANTIRISHDA HUQUQIY MADANIYATNING O'RNI**

**Xushmurodova Ch.A.**

**SamDAQI yoshlar bilan ishlash, ma'naviyat va ma'rifat bo'limi boshlig'i.**

**Muratova M.I.**

**SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasи o'qituvchisi**

Ma'lumki, muhtaram Prezidentimiz mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlariimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish hamda zamonaviy bosqichga ko'tarish maqsadida 2020 yilga "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili", deb nom berdilar [1,2].

Bu esa, qaysidir ma'noda bizning kelajakda amalga oshirilishi kerak bo'lgan ishlarimizning yo'naliшини belgilab berdi desak xato bo'lmaydi va sohamiz doirasida, xususan, yoshlar ma'naviyatini yanada yuksaltirish, ularda vatanparvarlik tuyg'usini va daxldorlik hissini yanada kuchaytirish, fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish va uning shakllanishida, avvalo, huquqiy madaniyatning rolini kuchaytirish kabi oldimizga ko'pgina vazifalarni ko'ndalang qilib qo'ydi.

Demak, oldimizda o'z haq-huquqlarini yaxshi biluvchi, o'z layoqatiga tayanuvchi, voqeahodisalarga nisbatan o'zining mustaqil fikriga ega bo'lgan, ayni vaqtida, o'zining shaxsiy manfaatlarni mamlakat va xalq manfaatlari bilan uyg'unlashtira olgan erkin, har tomonlama rivojlangan kishilarni tarbiyalash vazifasi namoyon bo'lib turibdi [2,3]. Zero, faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan yoshlar mamlakat taqdiri, uning barcha jabhalarda rivojlanishi hamda fuqarolarning erkin va farovon yashashi uchun o'zida katta mas'uliyat sezadi. Bu mas'uliyatning zaminida esa yuksak huquqiy madaniyat yotadi desak yanglismaymiz. Shu o'rinda huquqiy madaniyat tushunchasiga chuqurroq to'xtalib o'tsak.

Huquqiy madaniyat o'zi nima? Ma'naviyat izohli ilmiy-ommabop lug'atida bu tushuncha "kishilarning huquqiy bilim darajasi, huquqqa nisbatan ongli munosabat, huquqni hurmat qilish va unga rioya qilishni ifodalovchi atama" sifatida talqin qilinadi. Qolaversa, "huquqiy madaniyatni takomillashtirish uchun barcha fuqarolarning siyosiy, huquqiy ongini o'stirish, dunyoqarashini kengaytirish, ma'naviyatini yuksaltirish ham muhim ahamiyat kasb etishi, huquqiy madaniyat insonning bilim va tajribalari orqali narsa va hodisalarni, ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni, ularning mazmun-mohiyatini anglash, to'g'ri yoki noto'g'riliqini farqlash va shu asosda xulosa chiqarish imkonini berishi" aytib o'tilgan edi [3, 755].

Bundan kelib chiqadiki, kuchli fuqarolik jamiyatiga erishish uchun fuqarolar o'zlarining huquq va erkinliklarini yaxshi bilgani holda, Vatan oldidagi burch va majburiyatlari borligini ham unutmasliklari lozim. Zero, fuqarolarning qabul qilinayotgan qonunlarga itoat etishi jamiyat va davlat manfaatlarni chuqur anglab yetganidan dalolat beradi.

Bugungi kunda mamlakatimizda huquqbazarliklarning ayrim turlari kamaygan bo'lsa, ayrim turlarining ko'rsatkichlari hamon kamaymayotgani kuzatilmogda. Yoshlar o'rtasida huquqbazarliklarning ayrim turlarini sodir etilish holatlari hamon uchrab turibdi. Xo'sh, yoshlar o'rtasida huquqbazarliklarning sodir etilishiga nimalar sabab bo'lmogda, degan savolga birgalikda javob topaylik.

Yoshlar o'rtasida huquqbazarlikning kelib chiqish sabablari haqida gapirganimizda bir necha sabablarni ko'rsatishimiz mumkin. Jumladan, oilada bolaga to'g'ri tarbiya bermaslik, ya'ni, ularga insoniylik, bag'rikenglik, halollik, gunoh, uyat, or-nomus kabi tushunchalarning berilmasligi.

Ikkinchidan, oiladagi muhitning yaxshi emasligi va o‘zaro janjallarning ko‘pligi. Bu har qanday holatda ham farzand tarbiyasiga salbiy ta’sir qiladi.

Uchinchi sabab oilada bolalarning nazoratsiz qoldirilishi hamda ularning xatti-harakatlari jamoatchilik tomonidan nazorat qilinmasligi. Bu holatda ota-onalarning noto‘g‘ri yo‘l tutishi, ya’ni nohaq bo‘lsa ham bolasining tarafini olishi.

To‘rtinchisi esa yoshlarning sodir etgan xatti-harakatlarining oqibatlari haqida to‘g‘ri, to‘liq tasavvurning yo‘qligi va yoshlarning huquqiy bilim darajasini pastligi yoki umuman mavjud emasligi kabi sabablarni keltirib o‘tishimiz mumkin.

Xo‘sish, huquqbazarliklar sodir etilishini kamaytirib, ularga barham berib, mamlakatimizning rivojlanishi va chinakam fuqarolik jamiyatini barpo etish uchun o‘z hissamizni qo‘shishimiz mumkinmi?

Albatta mumkin, buning uchun yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, fuqarolar (yoshlar)da eng avvalo, huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish uchun barcha huquqbazarliklarga qarshi kurashishga qaratilgan qonunchilik normalarini mukammal o‘rganishimiz, huquqbazarlikni sodir etilishi uchun imkon beruvchi shart-sharoitlarni bartaraf etishga qaratilgan qoidalarni kuchaytishimiz lozim.

Bundan tashqari qonun ustuvorligini ta’minalash va qabul qilinayotgan qonun hujjatlarini sharhlar asosida yoritilishini ta’minalash maqsadida ommaviy axborot vositalaridan ham unumli foydalanish lozim. Chunki, bugungi taraqqiyot asrida ommaviy axborot vositalari bu jarayonlarni yoritishda asosiy manba hisoblanishi hech kimga sir emas.

Yoshlar tarbiyasi masalasida jamoatchilik nazoratini kuchaytirish, ularga javobgarlik belgilash, yoshlar tomonidan huquqbazarlik sodir etilgan holatlarda jamoatchilik nazorati olib borilganligi ham tekshirilishi lozim.

Xulosa qilib aytganda, yoshlarda faol fuqarolik pozitsiyasi va daxldorlik hissini shakllantirishda yoshlarning huquqiy bilim darajasini oshirish, bu borada ularning dunyoqarashini to‘g‘ri yo‘naltirish lozim. Bunda huquqiy bilim berishni aynan soha mutaxassislarigagina yuklatib qolmay, balki, hammamiz bu yo‘lda birdamlikda harakat qilsak, o‘ylaymizki, kutilayotgan marra sari bir qadam tashlagan bo‘lamiz.

#### **Adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, 19-сон.
2. Қаюмов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида ўзбекистон ёшлирининг ижтимоийлашув жараёнлари. - Т.: “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, 2011. Б.3.
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: “Фафур Фулом”, 2010. Б.755.

**ІІІ ШЎЬБА. ЁШЛАРНИНГ МА’ННАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ  
ҮЙҒУНЛАШУВИ.**

**ДАВЛАТ ТИЛИ – МИЛЛИЙ ҮЗЛИКНИ АНГЛАШ АСОСИДИР**

**Абилов Ӯ.М.**

**фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Соғлиқни сақлаш вазирнинг ма’ннавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси**

Ўзликни англаш бу осон кечадиган воқелик эмас. Ўзликни англаб, уни намоён этиш янада мураккаб ва анча вақтни талаб этадиган ҳодисадир. Биз мустақилликка ўзлигимизни ангаш натижасида эришдик. Лекин уни тўлиғича намоён этиш жараёни ҳали ҳануз давом этмоқда.

Буни давлат тилини оммавий равишда Ўзбек давлатчилигини ҳар жиҳатдан ривожлантириш асоси сифатида қўллашимизнинг айни пайтгача бўлган даврда сустлигига кўришимиз мумкин. Негаки, бу ҳолат 1989 йилда давлат тили тўғрисида қабул қилинган қарорнинг 30 йилдан ошиқ вакт ўтганлигига қарамасдан ҳали ҳануз ўзининг тўлиқ ижобатини топа олмаганингидан кўринади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тугрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда ма’ннавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишига эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг ма’ннавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди ва ушбу янги лавозимни эгалаган мутахассисларга юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича жуда катта масъулият юклатилди.

Аввало, масаланинг назарий жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсақ, Ўзбек тили мақомининг давлат тили сифатда тан олиниши замонавийлик нуқтаи назаридан Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг миллий тили ва маданиятининг тенглигини назарда тутади. Шу жиҳатдан ўзбек тили асосий тамойил бўлган миллий үйғониш жараёнининг бир бўғини даражасида қаралади ва унга миллий ўзликнинг юксалиши сифатида тушунмоқ ҳамда қаралмоқ лозим. Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлатда Давлат тили доимо унинг амалий жиҳатларини бойитишни ҳамда номини берган миллат давлатчилиги нуқтаи назаридан уни янада мустаҳкамлаш заруратини юзага чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу мақомнинг мустаҳкамланиши натижасида, у БМТ томонидан тан олинган дипломатик мулокот тили мақомини олди. Бу ўз навбатида ҳалқаро муносабатларда қўлланиш мавқеи нуқтаи назаридан унинг қўлланилиш доирасини давлат ва нодавлат ташкилотларнинг давлат тилидаги ички ҳужжатлар ва улар ўртасидаги ёзишмалар борасида кенг қўлланишини мамлакат бўйлаб кенгайтиришини қонунан тақоза этади.

Албатта, дастлабки вактларда давлат тили мақомини ҳаётга татбиқ этилиши муайян қийинчиликлар, чекинишлар, ўзбек тилида сўзлаша олмайдиган аҳоли учун руҳий қийинчиликлар туғдирган ҳолатлар ҳам бўлиб ўтганлиги сир эмас. Бундай ҳолатлар давлатга номини берган миллат тили давлат тили сифатида мустаҳкамланган кўпгина давлатларда бўлиб ўтганлиги ҳам маълум. Лекин, айни пайтда, Ўзбекистонда уни ҳаётга татбиқ этишнинг демократик услубияти ҳам намоён бўлди ва бу бағрикенглик имкониятидан Ўзбекистон фуқароси сифатида мамлакатимизда яшаётган бир юзу ўттидан ошиқ миллат вакилларининг қанчалик даражада фойдаланганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Буни биз, давлат тилини тўлиқ татбиқ этилиши муддатларининг узайтирилиши, уни ўрганиш бўйича курслар ва мактаблар тармоғининг кенг ёйилиши, энг асосийси эса, русийзабон ва бошқа миллат вакилларидан иборат ахолининг ўзбек тилини ўрганиши учун аниқ фаолиятнинг амалга оширилиши, ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли

ўртасида эса - бу осон кечмайдиган ишда уларга ёрдам беришдаги ижобий интилишида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда, энг асосийси, тил мансублиги бўйича зиддиятлар туғилишига йўл қўймаслик лозимлиги асосий мезон сифатида олиб қаралди. Зоро, тил асосидаги қарама-қаршиликнинг вужудга келиши сиёсий маданияти етарлича бўлмаган шарт-шароитларда яхшиликка олиб келмаслиги мумкинлиги доимий эътиборда бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам ушбу ҳолатни қатъий назорат қилмоқда ва бу соҳадаги ҳар қандай чекиниш ва суннотларнинг олдини олмоқда.

Журнал, рўзнома, радио ва телевиденияда турли тилда сўзлашувчи муаллифлар чиқиш қилмоқдалар, ушбу оммавий ахборот нашрлари турли тилда фаолият юритмоқда ва шу тарзда миллий мансублигидан қатъий назар ҳар бир фуқаро учун Республикализ ҳаётидан хабардор бўлиб туриш учун имконият яратилмоқда. Шу туфайли, алоҳида олинган инсон кўпмиллатли мухитда ўзига хос миллий дунёқарашга эга бўлмаслиги ва шунинг учун ҳам бегона бир элементга айланиши тўғрисидаги фикрлар етарлича асосга эга эмасdir.

Ҳамма гап шундаки, ушбу умуминсоний тамойил ўтмиш амалиётида ҳисобга олинмай келинарди ва бу ҳол алоҳида шахс манфаатларини инкор этилишига олиб келиб, масалан, миллий кадр-қимматнинг камситилишига, аксарият ҳалқ учун ўзининг миллий “Мен”лигини йўқотилишига ҳам олиб келарди. Инсон ва унинг манфаатлари устидан на ижтимоий-синфий, на миллийлик тушунчалари оғир гурзи бўлиб турмаслиги лозим. Шу тарзда, унинг ижтимоий ва миллий танлови нафакат объектив шарт-шароитлар, шу билан бирга келажакка ишонч, ижтимоий ҳимояланганлик туйгуси акс этадиган унинг ички руҳий дунёқарashi билан белгиланади. Миллий ўзликни танлаш ҳуқуки, қадриятлар тизимини англашнинг миллий шаклини танлови, маданий ўзига хосликнинг аҳамиятини англаш - бу инсон эркинлиги тамойилининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

**Эркинлик, Амир Темур айтганларидек, фақат қонун устувор бўлгандагина мавжуддир.**

Демак, мамлакатни барча соҳаларда ривожлантириш ва уни муҳофаза қилиш борасида давлат тили, виждон, матбуот, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ихтиёрий жамоалар ва фуқаролар уюшмалари, ҳаваскорлик ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳаллалар) тўғрисида қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини изчиллик билан жорий этиш зарурати туғилади. Бу ҳол бир томондан суннотларнинг олдини олса, иккинчи томондан - ҳар бир ҳалқ ва ҳар бир фуқарога миллатидан ва диний мансублигидан қатъи назар, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлади.

Энг асосийси бугунги кунда тил ўрганиш, миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилувчи давлат тилига бўлган муносабатни масъулият билан ривожлантириш, ўтмиш аждодларимиз маънавий меросига ижодий ёндашган ҳолда янги, замонавий, жаҳон маданияти ва технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади. Бу ўналишда маориф, маданият ташкилотларигина эмас, балки барча жамият аъзоларининг иштироки зарурдир. Лозим бўлса, жойларда шахсан ҳокимларнинг бевосита ҳалқ билан маънавият ва маърифат, Давлат тилининг нуфузи ҳамда заруратлиги тўғрисидаги сұхбатларини уюштириш, имконият даражасида телевидение, радио ва умуман, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Бунда маҳаллий оммавий ахборот воситалари зиммасига раҳбариятнинг давлат тили ва маънавий ва маърифий соҳада ҳалқ билан бирга эканлигини намоён этувчи чиқишининг ранг-баранглигини ошириш, унинг ҳақиқий ва ҳаётий кўринишларини батафсил оммага етказиш вазифаси тушади. Бизнинг назаримизда, шаҳар, туман ҳокимлари ўрнак бўлсалар, маънавий янгиланишни давлат тилига бўлган салоҳиятли ижобий муносабат, мухитни ўзларидан бошласалар, кўзланган максадга янада муваффакиятга эришган бўлар эдик.

**Негаки, маъжозий маънода айтганда ўзи сувда сузишни билмаган киши кемада ишлагани билан дengizchi бўлолмайди.**

Шу маънода яна бир бор таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ахолиси миллий таркибининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, унинг фуқаролари бир юз ўттиздан ошиқ миллат, элат, этник гуруҳларнинг бирлашмасидан ташкил топган. Шу боис, биргаликда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий ўзига хослигини тан олиш ва ҳурмат қилиш давлат тили орқали маънавий салоҳиятимизнинг янги қирраларини очишида ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллади.

Ҳадиси Шарифда айтилишича “Тил миллат кўзгусидир”. Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавиятимизнинг ва тараққиетининг асосини ташкил қиласди. Шу нуқтаи назардан, давлат тили кўп миллатли мамлакатимиз ҳалқларининг бир бутун бўлиб, жипсланиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир, қалитидир.

Шундай экан, ҳали ҳанузгача кўпгина давлат тилида иш юритиш имконияти етарли бўлган ташкилотларда ҳам ҳамон иш рус тилида юритилаётганлигини қандай тушуниш ёки баҳолаш мумкин?! Давлат тили тўғрисидаги қонунга, Президент фармонига муносабат шу даражада бўлиши керакми? Мутасадди ташкилотлар ва жавобгар раҳбар шахсларнинг нега бу ҳолатга эътиборлари суст? Булар барчаси давлат тилининг амалга жорий қилиниши жараёнини сустлаштиради, муддатини узайтиради, охир оқибатда миллий давлатчилик хусусиятига путур етказади. Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижаоти ва омилкорлигини ишга солган ҳолда қонун устиворлиги асосида мақсадимиз сари йўналтириш талаб қилинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни беками кўст бунёд этишимизнинг адолатли ва қонуний шартларидан биридир.

Юқорида билдирилган давлат тили тўғрисидаги мулоҳазаларимизни адолат нуктаи назаридан миллий давлатчилигимиз ривожланишининг фарз бўлган идеаллари ёки бўлмаса қадриятлари бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда уни шак-шубҳасиз самарали тарзда юзага чиқариш лозимлигини эътиборга олган ҳолда, кўпчилик хукмига ҳавола этдик. “Ҳолва, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлиб қолмайди” деган ҳалқ мақоли бор. Ушбу қароргача бўлган даврда Давлат тили масаласида ҳам шундай ҳолат бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиларининг масъулиятини оширади ва улар томонидан жиддий қадамлар ташланишига умид қиласиз. Албатта Давлат тилини тўлақонли давлат тили даражасига кўтариш бу фақатгина соҳа мутасаддиларининггина ижро қилиши лозим бўлган масала эмас, балки барча Ўзбекистон ҳалқининг - фуқароларининг умум вазифаси эканлигини ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз ва бу ишга қамарбаста бўлишимиз лозим.

## ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ГЛОБАЛЛАШУВИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Очилов Ж.А.*

*Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириши марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиали кафедра мудири,  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

*Аминов О.А.*

*Самарқанд давлат университети 2-курс талабаси*

Техноген цивилизация глобаллашувида ижтимоий эҳтиёжлар тизими миллийлик ва умумисонийлик интеграциясини ташкиллаштирувчи асос, мотив сифатида жамият тараққиётининг ҳосиласидир. Тадқиқ қилинаётган мавзу доирасида эса, кишилар тарихий бирлигининг муайян типи, муқаррар равишда, миллийлик ва умумисонийлик интеграцияси этнослараро, давлатлараро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг горизонтал ва вертикал йўналишларда ривожланганиш даражасига, боғлиқ бўлади. Энг муҳими, техноген цивилизация глобаллашуви шароитида, бу потенциал имкониятларнинг реалликка айланиши учун турли миллат “қадриятлари интеграцияси майдонини” яратишни тақозо қиласи.

Луғавий-мантикий мазмунига кўра, инсоният ҳаётида кузатилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги: интеграция – “марказга интилма”, глобаллашув – “марказдан қочма” харакатни ифодалайдиган тушунчалар сифатида фойдаланилади. Шу нуктаи назардан, дунёвий жамиятни ташкил қилган структуравий элементларни, муайян мақсад доирасида функционал интеграциялаштирувчи ва глобаллаштирувчи жараёнлар бирлиги ҳар қандай миллат, элат ва давлатнинг мавжудлик ҳолатини, ижтимоий-сиёсий қиёфасини, ривожланиш тенденциясини ва истиқболини белгилайди. Бунда “глобаллашув ўчғи”нинг ривожланиш даражаси техноген цивилизация тенденциясини ҳам, суръатини ҳам, келажагини ҳам белгилайди.

Техноген цивилизация глобаллашуви турли ҳалқлар, миллатлар маънавий-маданий қадриятларининг интеграцияси натижасида содир бўлади. Бошқача айтганда, глобал техноген цивилизация маҳаллий, миллий, ҳудудий маданиятлар интеграциялашувини намоён қиласи. Мазкур жараёнларнинг асосида умумисоний универсал-интегратив маънавий қадриятларга эҳтиёж ва уни қондиришга йўналтирилган ҳаракат ётади. Шу нуктаи назардан, маънавий-маданий интеграциянинг ҳосиласи бўлган техноген цивилизация глобаллашуви, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишининг детерминлаштирувчи омилларидан биридир.

Техноген цивилизациянинг ҳозирги босқичида жамият ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий муносабатлари интегрциялашуви ва глобаллашуви универсал умуминсоний қадриятлар шаклланишига олиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, глобал қадриятларда миллийлик шартли ва хусусий ҳолга айланиб, умуминсоний тамойиллар устуворлашмоқда. Лекин, иккинчи томондан, глобаллашув шароитида, миллатларнинг ўзаро ассимиляциялашиб, миллий киёфаси йўқолиб кетишига қарши: ўзлигини англаш, тарихий хотирасини тиклаш, ўз-ўзини сақлаш “ижтимоий рефлекси ва инстинкти” ҳам кучаймоқда.

Ҳозиргача бўлган техноген цивилизацияларнинг тажрибалари ҳар қандай миллат ижтимоий-иктисодий, интеллектуал потенциал имкониятларини маънавий-ахлоқий қадриятларини ривожлантиришга йўналтириш билан ўз истиқболини таъминлаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди”[1;29-30 б].

Шунинг учун ҳам, мустақилликка эришгандан кейин ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни тиклаш ва ривожлантириш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бугунги кунда бу борада айниқса, маънавият соҳасида амалга оширилаётган ишлар миллий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим омилига айланмоқда. Лекин бу соҳадаги қийинчиликлар узок давом этган мустамлакачилик тузуми барбод қилган муқаддас миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, ўзлигимизни англаш, қарамлик стереотипларини бартараф қилиш ва мустақилликка руҳий кўниши эффиқтини шакллантириш жараёни мураккаблиги билан ҳам изоҳланади.

Шу қийинчиликларга қарамасдан, “халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ ҳалқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узок вақт давом этган мағкуравий тазийикқа қарамай, Ўзбекистон ҳалқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди” [2; 137-138 б.].

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ҳалқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳалқимизга миллий ўзлигини англашиб, руҳий-маънавий юксалтириш учун тарихий қариятларни тиклаш ва ижодий ривожлантириш, давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу ҳакда Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишинган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: “биз жаҳондаги илфор тажрибаларни чукур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни давлатлар, шу билан бирга, ҳалқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз”[3; 27 б.], деб таъкидлади.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғулаштиришнинг, умуман инсоният тарихий тараққиётида, хусусан глобал техноген цивилизацияни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, муҳим илмий-методологик аҳамиятга эга. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятлар интеграциялашиш хусусиятларини, уларнинг жамият ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий жараёнларига таъсир имкониятларини, йўналишларини ва механизмларини аниқлашда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий маданий қадриятлар тарихини ўрганиш хусусидаги методологик тавсияларига, назарий хулосаларига, айниқса, “маданий меросни, олис ўтмишни чукур ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди. Келажакка интилиш учун ўтмишни ўрганиш, тажрибаларни ўзлаштириш даркор. Лекин, бунда бир ёқламалишка йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмиш маданиятни хаспўшлаш ҳам, идеаллаштириш ҳам, мумкин эмас”[4; 84 б.], деган фикрига қатъий амал қилиш зарур.

Ўзбекистонда буюк аждодларимиз яратган бой моддий-маънавий мерослар тикланиб, ривожланишидан, нафакат бу ерда яшаётган миллат ва элат вакиллари, балки дунё ҳалқлари ҳам манфаатдордир. Зеро, мамлакатимизнинг моддий-иктисодий, руҳий-маънавий жиҳатлардан янгиланишига шу ижтимоий маконни Ватан қилган барча ҳалқ ва этник бирликларнинг асрлар давомида шаклланган ва интеграциялашган тарихий мероси, интеллектуал салоҳияти асос бўлмоқда.

Ўзбекистонда техноген цивилизациянинг бугунги даражаси ва унинг истиқболи ўзбек ҳалқи томонидан яратилган моддий-техник, маънавий-маданий меросини ижодий ривожлантириш, умуминсоний тарихий қадриятларни, замонавий илм-фан ва техника ютуқларини

ўзлаштиришга боғликлиги исбот талаб қилмайдиган аксиоматик ҳақиқатлиги маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда яшаётган халқлар томонидан минг йиллар давомида шакллантирилган техноген цивилизация тарихини барча ижтимоий қатламлар ўрганиб, унинг қадриятларини ўзлаштиришлари ва ҳурмат билан муносабатда бўлишлари фуқаролик бурчи даражасига кўтарилиши керак.

Дарқақиқат, муайян Ватанда яшаётган этник бирликларга ҳурмат, аввало, унинг титул миллати тарихий меросига, анъаналарига, урф-одатларига, қадриятларига муносабатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, этник мансублигидан, иқтисодий ахволидан, сиёсий мавқеидан, диний эътиқодидан қатъий назар, Ўзбекистонда туғилиб, шу заминни Ватан деб билган ҳар қандай фуқаронинг ўзбек миллати қадриятларига муносабати – манфаатларидаги умуумийликни ифодалайди. Аксинча, бошқа миллат тарихий меросига беписандлик ёки локайдлик этноэгоистик, этноцентристик кайфиятнинг намоён бўлишидир.

Умуман, ҳар бир кишининг ўзи яшаётган Ватандаги миллий ва умуминсоний тарихий қадриятлар интеграциясидаги фаол иштироки, унинг фуқаролик позициясини баҳолаш мезони бўлиши керак. Чунки инсоннинг бошқа миллат маданиятини, қадриятларини, урф-одатларини, тарихий анъаналарни билиши, ижтимоий-маънавий моҳияти ва аҳамиятини англаши цивилизациялар натижаси сифатида эътироф қилишга муносиб. Шунинг учун, умуман ижтимоий тараққиёт, хусусан техноген цивилизация глобаллашуви жараёнида тарихий меросга ворислик ва уни ижодий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

#### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.:Маънавият,2008.29-30 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б. 137-138.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк. – Т.: Ўзбекистан, 2016. - 27 бет.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 84 бет.

### **ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ**

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич  
Фалсафа фанлари доктори, профессор  
Самдчи Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори**

Ўзбекистонда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи долзарб ижтимоий-фаслафий жараён бўлиб, янгича ижтимоий муҳит, маънавий дунёкарош, ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришга барча имкониятлар яратилган. Бу жараён бевосита жамиятда содир бўладиган объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро алоқаси, нисбати ва диалектик бирлигидан ташкил топади. Чунки жамиятда ёшлар табиий-ижтимоий борлиқдаги қадриятларни кўриши ёки эшитиши натижасида янгиликка интилади, жамиятнинг ички кечинмаларидан роҳатланади. Натижада ҳаётнинг долзарб масалалари, сир-синоатларини ўрганишга интилаётган ёшларнинг маънавий олами кенгайиб бориши эвазига жамиятнинг соғлом ижтимоий муҳити ҳам янгиланиб, замонавий ғоялар билан бойиб боради.

Дунё халқлари билан ҳамнафас ва тенг хукукли тарзда фаолият олиб бораётган ёшларимиз жамият маънавий ҳаётига янгича кўриниш ва қиёфа олиб киришга, миллий ва умуминсоний қадриятларни маънавиятимизга сингдиришга интилмоқдалар. Бугунги кунда «Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади”[1. 88-89 б]. Бундай ҳолат янги асрда барча миллат вакилларининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб бораётганлигини жаҳон оммавий ахборот воситаларидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Шундай экан, халқимизни, айниқса, ёшларни ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом дунёкарошга, мустақил иродали, бой маънавиятга эга инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳар қандай мафкуравий тазъийиқ ва маънавий таҳдидларга зарба

беришга тайёр этиб тарбиялаш вазифаси долзарб бўлиб хисобланади. Ёшларда жамиятнинг маънавий ҳаётини келажак авлод руҳи билан боғлаб шакллантириш, уларнинг «маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгидаги соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат – эҳтиром туйгусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур»[2. 115].

Маънавий таҳдидларни вужудга келтирувчи мамалакат ва субъектлар турли таъсир воситаларидан фойдаланадилар. Масалан, бу борада, одамларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларини бузишга қаратилган эмоционал-хиссий ва тасаввур-тушунчаларига кучли таъсир этувчи турли омиллардан, масалан, «оммавий маданият»дан фойдаланадилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда бундай жараён «Маънавий-маданий ҳаёт таълим тарбия, маданий мерос, тарихий тажриба, диний, ахлоқий, маърифий қарашлар, турмуш тарзи, ранг-баранг муносабатлар, илм-фан, ҳалқ байрамлари, сайллари, томошалари ва удумлари, санъат, адабиёт каби соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Ҳалқнинг, миллатнинг ўзига хос этник хусусиятлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳам аслида ана шу маънавий-маданий қадриятлар билан ўлчанади»[3. 119].

Ана шундай глобаллашув шароитида, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти кураётган даврда ҳақиқий жамият соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданиятга зид бўлган, гоявий-бадиий тазиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган, никобланган «оммавий маданият»дан огоҳ бўлиши керак. Мафкуравий тазиқ этишга мўлжалланган гоялар негизида миллат, Ватан туйгуси, тарихий жараён, аждодлар мероси ва ўғитига ихлосмандликни йўқотиш, яшашдан мақсад бир лаҳзалик гўзал ва ахлоқсиз ҳаётни шакллантириб, жамият маънавий маданиятини ўзгартиришга қаратилган дунёқарашиб мавжудлигидан огоҳ бўлишимиз лозим.

Бинобарин, оила қобилиятлар шаклланишининг, одоб юксалишининг, атроф-муҳитни билишга қизиқишининг, ўз ўрнини ҳаётда топишнинг ижтимоий асоси бўлибгина қолмай, айни чоқда, боланинг ижтимоий идеаллари, дунёқарашиб ва онгини ҳам шакллантириб боради.

Агар ота-оналар ўз фарзандларининг қизиқиши ва интилишларини, онгу тафаккурида бўлаётган ўзгаришларга, маънавий-руҳий ва ижтимоий-ахлоқий, диний эҳтиёжларига аҳамият бермаса бу эҳтиёжларни қопловчи ўзга гоялар, интилишлар ва ниятлар ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Оилада ўзаро хурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар, маънавий маданиятини қарор топтириш учун аввало ҳар бир хонадонда маънавий муҳитни соғломлаштириш, инсонийлаштириш билан боғлиқ бўлиши зарур.

Инсоният тарихида илк жамият сифатида қарор топган оила мустаҳкам бўлса бугунги кундаги ўта мураккаб ва сертармоқли бўлган жамият ҳам мустаҳкам бўлади, жамиятнинг мустаҳкам ва инсонпарварлиги мамлакат ва ҳалқ тинчлиги, фаровонлиги барқарор эканлигини кўрсатади. Ана шундай ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-маънавий муҳитгина жамиятнинг соғлом турмуш тарзи, юксак маънавий маданият равнақининг асосий ва объектив омилига айланади.

Бизнинг демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишимизда ҳар бир шахснинг юксак маънавий маданиятга эга бўлишини таъминлашимиз долзарб хисобланади. Ўзбекистонда яшаб келаётган ҳар бир шахснинг, айниқса, ёшларнинг соғлом фикри, жисмонан бақувватлиги, маънан теранлиги, интеллектуал салоҳияти, сиёсий онги ва фалсафий тафаккури билан бефарқ қолдирмайди. Чунки маънавий тазиқ ўтказишга ҳаракат қилувчи «кучлар, аввалимбор, бизнинг энг азиз, энг катта бойлигимиз, кўзимиз қораси бўлмиш ёшларимизни турли никоблар, биринчи галда, сўз ва фикр эркинлиги, инсон ва жамият эркинлиги, деган никоблар остида ҷалғитишга, замонавий усул-услубларни қўллаган ҳолда, уларнинг мурғак онгига ўз мафкурасини сингдиришга, минг йиллик азалий ва муқаддас қадриятларимиздан Фарб қадриятларини устун қўйишга урунади» [4.27].

Фарб мамлакатларида бундай мутлақ эркинлик ақидасига асосланган ҳолат бевосита жамият маънавий ҳаётининг салбий қиёфасини ҳам вужудга келтироқда. Биз ёшларимизни ана шундай миллий қиёфасиз, паст савиядаги «оммавий маданият»га таклид қилишидан огоҳ бўлишимиз керак. Ҳар қандай жамият ўзининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, янги маънавий муҳит ва жараёнларга асос солишда, ўзининг маънавий маданиятини ёшлар дунёқарашибига айлантиришда ва уларни амалга оширишда, биринчи навбатда, бу омилларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади. Бундай маънавий фаолиятни амалга ошириш, «унинг давомийлишини таъминлаш шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамоҳанглигини қай тариқа ривож топишига боғлиқ» [5. 114].

Глобаллашув асосида мамлакат ёхуд миллатнинг истиқболи бунёдкорликка асосланган гоялар негизида шаклланадиган маънавий маданиятдан баҳраманд бўлмас экан, бундай манзара

жамиятда ёшлар онги ва қалбидан жой олмагунича ўзининг ижтимоий-тариҳий моҳияти ва аҳамияти билан ер қаъридаги олтин захиралар тарзида ётаверади. Жамиятнинг соғлом турмуш тарзи, идеаллар, назария ва тамойиллар негизида ёшларнинг муайян мақсадларини амалга оширад экан, жамиятдаги диалектик алоқадорликнинг ҳаётйлиги ва амалий аҳамиятини белгилайди. Шунинг учун ҳар бир ёш авлод ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги соғлом мухит билан қуроллантириш, бунёдкорлик ишларига жалб қилиш лозим.

Ёшларимизнинг миллий қадриятларга муносабатларини глобаллашув масалалари билан уйғунлаштирган ҳолда соф шарқона маънавий ҳаёт билан бойитиш, жаҳон цивилизациясининг илфор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизлари, ақлий бойликларини энг яхши намуналаридан фойдаланиш янги авлодни тарбиялаш учун кенг имкониятларни очди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд –Т.: Ўзбекистон, 2018. 592 бет.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 176 бет.
3. Мусаев Ф. Демократик давлат куришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Т., Ўзбекистон, 2007. 272 бет.
4. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2006. 160 бет.
5. Шер А., Хусанов Б. Эстетика. -Т.: 2010. 192 бет.

### **ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ РУҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Мамажонов А.**

**тарих фанлари номзоди, доцент, Андижон давлат университети.**

**Мухтаров С. С.**

**Андижон давлат университети III курс талабаси.**

Мустақиллик Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда ёшлар тарбиясига, уларни соғлом қилиб ўстиришга, маънавий-аҳлоқий руҳиятни шакллантиришга ижобий таъсири кўрсатди. Юртимизда янгича дунёқараш асослари шаклланди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “...биз улуғ боболари-мизнинг мунособ давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбияламоқ камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унитишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани-бу ҳам ҳаққиқат” [1:72-б.]- деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларнинг таълим-тарбияси, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш Ўзбекистон давлат сиёсати янги босқичида устувор аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яхши аён, бугунги шиддатли замон, дунёдаги аёвсиз рақобат мухити биздан жуда катта масъулият ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма соҳада янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Мана шундай кескин шароитда биз юртимизда тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик мухитини кўз қорачигидек асраримиз зарур. Айникса, ёшларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга энг долзарб вазифа деб қараримиз лозим [2:349-б.].

Сир эмаски, бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари ёшларни ўқиб-ўрганиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу ўринда биргина глобал ахборот тармоғи-интер-нетнинг дунё интеллектуал салоҳияти, жумладан, илм-фан ва техника ютуқ-ларидан баҳраманд бўлиш, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янги-ликлар билан тезкор танишиш борасидаги мавжуд имконият ва қулай-ликларни эслатиб ўтиш жоиз. Бироқ, танганинг икки томони бўлгани каби, мазкур ҳолат ёшлар тарбияси, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол шахслар бўлиб шаклланишига ўзининг салбий таъсирини ҳам кўрсатмоқдаки, бу давлат ва жамият олдига ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор масалаларни қўймоқда.

Хозирда “оммавий маданият” ниқоби остидаги аҳлоқизлиқ, худбин-лик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи фильмлар, мусиқа ва клиплар ҳамда бошқа ахборотлар, қолаверса, субмаданият сингари иллатларни ўз ичига қамраб олган ғоялар маънавий таҳдид сифатида юртимиз ёшларига

хавф туғдирмоқда. Бундай иллатлардан ёшларни химоя қилиш ва бу иллатларга қарши курашишда маънавий-аҳлоқий рухиятни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, маънавий-аҳлоқий рухиятни шакллантириш ёшлар онгига бир хил ғояни зўр бериб тиқишириш эмас, балки уларда оқ-корани ажратиш, ёт ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир.

Бугун комил инсонни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширап эканмиз, бунда асосий вазифамиз ёшлар қалбида маънавий-аҳлоқий рухиятни уйғотиш асносида жамият ишига даҳлдор, миллат тақдирига тақдиридош, Ватан истиқболи учун жавобгар шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун маънавий-аҳлоқий рухиятга муносабат билдириш, таъсир этиш, йўналтириш, жавобгарлик хиссини уйғотиш, даҳлдорлик туйғусини ошириш вазифаларини билмоғимиз лозим.

Инсондаги энг чиройли фазилатлар, аввало, оила бағрида куртак ёяди. Фарзандларимизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши оиласидаги тарбияга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ота-боболаримиз оиласий тарбияга ғоят нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган. Фарзандлар баҳт-саодати, келажаги учун ҳалол касб илиа ҳалол луқма топишга ҳаракат қилишган. Яхши устозлар кўлида таълим олишини таъминлашган[3:56-б.].

Фарзандни болалиқдан меҳнатга ўргатиш лозим, шунда уни тарбиялаш ҳам осон кечади. Ота-она иқтисодий томондан қанча бой бўлмасин, ҳеч қачон фарзандни ҳаддан зиёд эркаласлик ва истрофгарчиликка ўргатмаслик керак. Бу дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлгани боис, инсон томонидан яратиладиган ва табиат инъом этадиган ноз-неъматларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Шундай экан, фарзандни инсон томонидан, табиат томони дан яратилган ноз-неъматларни қадрлашга ва истроф қилмасликка ўргатиш лозим. Агар доимо болага хоҳлаган нарсаларни муҳайё этсангиз, у бу нарсаларнинг қадрига етмайдиган бўлади. Агар ўзи меҳнат қилиб, ҳалол меҳнат билан ўша нарсаларга эришса, у буларни қадрлайди ва эҳтиёт қилади. Шунингдек, бу унга асалдан ҳам ширин ва олтиндан ҳам киммат туюлади[4:65-б.].

Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавият соҳасидаги ишлари-мизни аниқ тизим асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширмасак, эртанги кунимизни куролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз. Ҳар бир инсон алоҳида ва тўлақонли тизим экан, унинг ана шу серқирра, ранг-баранг ва зиддиятли оламига мос равишида ғоявий таъсир комплекс тарзда, кенг миқёсли, ёшлар оламини яхлит ҳолда қамраб олган шаклда олиб борилмоғи лозим. Бу борада “Бир болага етти маҳалла ҳам ота ҳам она” деган шиор доимий кун тартибида туриши лозим. Биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим. Бунда қуидаги учта ўзига хос вазифани амалга оширишимиз лозим.

**Биринчиси - таъсирчанлик.** Бизнинг ҳар бир сўзимиз таъсирчан, жози-бали, ёшлар қалбини жунбушга келтирадиган, уларнин онги шуурида мустаҳ-кам ўрнашадиган, феъл-атворини яхшилик сари буришга таъсир ўтказадиган бўлмоғи керак.

**Иккинчиси - ҳозиржавоблик.** Маълумки, ахборот асирида ёшларни ҳай-ратлантириш осон эмас. Хусусан, уларнинг кенг имкониятларини, интернет тизимидан фойдаланишга бўлган катта қизиқишини, ғоявий-тарбиявий ишларда ҳозиржавоблик, бугуннинг гапини айта олиш, даврнинг муаммосига объектив ёндоша олиш, ёшларни бунга ишонтира билиш, алоҳида тайёргарликни ва қобилиятни, юксак маънавиятни талаб қилади.

**Учинчиси - конкретлик.** Фикрларимиз аниқ, лўнда, ёшлар онгига тез кира оладиган, қалбини забт этадиган бўлмоғи лозим. Сўзамоллик моҳиятини чуқур англашни, мавжуд фикр ва хулосаларни етарли даражада жозибадор қилиб етказа олиш тажрибасини тақозо этади. Ёшларда маънавий-аҳлоқий рухиятни шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти бекиёс. Асрлар давомида ҳалқнинг маънавий эҳтиёжлари асосида шаклланган қадриятларда олға сурилган илгор ғояларни ўз онгига жо қилган уларни моҳиятини амалий фаолиятида намоён қиладиган, оила, ҳалқ, жамиятнинг маънавий ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган шахсина маънавий етук, юксак маданият соҳибидир. Мустақил юртимиз истиқболи ҳар бир ёшда ўз бурчи ва мажбуриятини чуқур англаган ҳолда, ўзбек ҳалқи асрлар мобайнида яратган маданий бойликларни, ноёб тарихий обидаларни авайлаб сақлаш ва келгуси авлодга етказишга интилиш-ни уларга ҳурмат билан карашни, она тилига бошқа ҳалқлар маданиятига, тилига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб этади[5:10-б.].

Ёшларда маънавий-аҳлоқий рухиятни шакллантирап эканмиз, улар ота-оналар кўлида болалар азиз омонатлардир. Шунинг учун буларни гўзал тарбия этмоқ, яхши хулқларга ўргатмок

ва кўркам одатларни тушунтироқ лозим бўлади. Тарбия ила бир болани олтин этмоқлик мумкин, тупроқ қилмоқ ҳам мумкин [6:18-б.], деган тушунчаларни ўргатишимиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганимизда, бугунги замоннинг ўзи воқеълика очик кўз билан, теран ва чуқур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, хушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шунинг учун халқимизни турли ғоявий таҳдид-лардан асраш, айниқса, ёшларда маънавий-аҳлоқий руҳиятни ҳосил қилиш ва янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятларимиз, миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга ёт тушунча ва ғоялар кириб келиши, тарқалишига тўсқинлик қилиш барчанинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади.

Жамиятимизда яшаётган кишиларга динимизни мусаффо ҳолда етказиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш уларни биз учун ёт бўлган маънавият ва мафкура таъсиридан ҳимоя қилиш, ўз қатъий қарашлари ва эътиқодига эга маънавий баркамол этиб тарбиялаш вазифаси доимо долзарб эканлигини унутмаслигимиз лозим.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Маж-лисга Мурожаатномаси. - Т.: “Ўзбекистон”. 2018. - 80 б.
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. 1- жилд. - Т.: “Ўзбекистон”. 2017. - 592 б.
3. Тинчлик ва осойишталик- олий неъмат. - Т.: “Мовароиннахр”. 2013.-144 б.
4. Файзулла Абдуазимов ва бош. Бахтингиз ўз қўлингизда: ҳаётий воқеалар ва суд очерклари.-Т.: “Akademnashr”. - 2012.-192 б.
5. Шухрат Хотамов. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари. - Тошкент. / Postda. 3-сон. 2018 йил. - 12 б.
6. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. - Т.: “Мехнат”. 1991. - 32 б.

### **ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН БОРЛИГИ МУАММОСИ**

**Бозоров Мустафо Джабборович  
Самдчи Ижтимоий фанлар кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари номзоди.**

Тасаввув мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг илм аҳли унинг инсонпарварлик ғояларидан озиқландилар. Чунки, таъсаввув таълимоти негизида инсон баркамоллиги, руҳий-маънавий юксалиши масаласи турган. Шунинг учун Биринчи Президентимиз И.А. Каримов шу заминимизда туғилиб, вояга етган пири комилларни намуна қилиб, маънавиятимиз такомили шуларга боғлиқлиги, бу мутафаккирларнинг маънавий меросидан халқимиз “...жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит” яратиш муҳимлигини таъкидлайди. [1;353]

Тасаввув тарихида инсон маънавияти масаласи ҳар доим диққат марказда бўлган. Хусусан, тасаввув намоёндалари инсоннинг зоҳирий ва ботиний олами орасидаги зиддият ва курашга бефарқ қарамаганлар. Улар- нинг фикрича, инсон табиатидаги қарама-каршилик- раҳмоний ва шайтоний кучлар мавжудлиги билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, бу модда ва руҳ ўртасидаги курашдан иборатдир. Инсоният тарихи бу икки куч ўртасидаги кураш азалий эканлигидан далолар беради. Инсон қўпинча шу моддий кучнинг таъсиридан халос бўлишига қийналади. Тасаввувшунос олим Н.Комиловнинг таъкидлашича “Агар моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун келса, илоҳийлик ривожланади. Руҳ жисм кулига айланиб қолмаслиги керак, аксинча, жисм руҳ учун бир асбоб-улов, восита бўлиб хизмат қилсан. Руҳлари тараққий этган инсонлар ақлу эakovati, илҳом-ижодкорлиги, илоҳий табъу фаросати билан ажралиб турадилар”. [2;42]

Тасаввув фалсафасида инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, жамиятдаги зиддиятлар, мулкий тенгсизликнинг моҳиятига шу нуқтаи назардан ёндашилади ва таҳлил қилинади. Демак, буларнинг ҳаммаси инсон табиати ва сийрати билан боғлиқдир. Шунинг учун тасаввув одамларнинг мансаб, мол-мулк учун ўзаро курашини қаттиқ қоралайди. Тасаввув фалсафасига

биноан ҳар бир одам энг аввало нафс маънавий дунё кушандаси эканлигини тушуниши ва унга қарши сабр-тоқат билан ва қатъий қураш олиб бориши керак. Нафс қанчалик тийилса, эзгулик шунчалик барқарор бўлади. Инсон ўз ахлоқий таназзулини бартараф этиши учун табиатидаги иллатларни енга олиши керак. “Тасаввуфчилар инсон табиатидаги салбий кучларни умумий ном билан «нафс» ёки «нафси аммора» деб атадилар ва унга қарши уруш эълон қилдилар. Мол-дунё тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб юриш; хирсу хавас катъий кораланди, инсонни (демакки, инсониятни ҳам) ноқислик ва фалокатлардан қутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли - нафсни ўлдириб, қаноат билан ҳалол яшаш, рух-иродани чиниқтира бориб, инсонда инсонийликни, яъни илоҳийликни тантана эттириш зарур”, деб хисоблайдилар.[3;121-122]

Шуни таъкидлаш жоизки, тасаввуфда нафс доираси кенгdir. Унда фақат одамларнинг қорин тўйдириши назарда тутилмайди, балки у бойлик, мол-мулк масаласига ҳам бориб тақалади. Чунки инсонда жаҳолат устунлик қилади. Жаҳолат устунлик қилган жойда эса маърифат чекинади. Шунинг учун тасаввуф ахли тасавурича одамларни мулки ва мансабига кўра табақага бўлиш жамият ахлоқий муҳити асосига путур етказади. Тасаввуф назариётчиларидан бири, Ғаззолий одамнинг дунё ҳой-ҳавасларига берилишини капалакнинг ўзини ўтга уришига киёслайди. Унинг, фикрича, одам ҳою ҳавасларнинг зоҳирий суратидаги зийнат нурларини кўради, аммо унинг остида кучли ўлдирадиган заҳар борлигини билмайди. Ғаззолий инсон, “Шу сабабли ўзини ҳой-ҳавасларга уради, унга шўнгийди, қаттиқ боғланади ва натижада абадий ҳалокатга учрайди. Қани энди одамнинг жаҳолати капалакнинг жаҳолати каби бўлса. Чунки капалак чироқнинг нурига алданиб, ёниб қуйса, дарҳол кутилади. Одам эса, жаҳаннам ўтида(агар иймонсиз бўлса) абадий,(гуноҳкор мўмин бўлса) узоқ муддат куяди”-деб ёзади Ғаззолий.[4;68].

Нафс ва ахлоқ бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Агар инсон нафсга берилиб кетса, ёмон иллатлар авж олади. Нафс билан ижобий ахлоқий сифатлар ўргасида қарама-қаршилик бор. Инсон ўзининг нафсини чегаралай олса, унда намунали ахлоқий сифатлар кўпаяди. Тасаввуфда инсон ҳатти-ҳаракатлари муҳим ахлоқий категория бўлган виждан мезонлари билан баҳоланади. Шунинг учун тасаввуфда қуруқ ақидаларга кўр-кўронга тақлид қилувчи, мустақил фикрға эга бўлмаган кишилар қаттиқ кораланди. Тасаввуф фалафасига кўра бундай одамларда на Алоҳга ва на ўзгаларга нисбатан муҳабbat мавжуддир.

Тасаввуф таълимотининг йирик вакили Абдухолиқ Ғиждувоний, инсон учун фоний дунё ишлари билан банд бўлиш, меҳнат килиш билан ҳалол яшаш муҳим эканлигини таъқидлайди. Унинг фикрига кўра, инсон Аллоҳ васлига етиши мумкин, бунинг учун у олийжаноб ахлоқий хислатларга эга бўлиши, муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзиши зарур. Ғиждувоний ёмон одамларга нисбатан ҳам меҳр-шафқатли бўлиш тарафдори, чунки ёмонлик яна ёмонликка йўл очади, яхшилик эса инсондаги иллатнинг бартараф бўлишига ижобий таъсир кўрсатади, деб қатъий ишонади. Мутафаккирнинг фикрига кўра, “агар бирон киши бошқа одамнинг кўнглини оғритган ёки унга озор берган, зарар етказган бўлса, зинҳор ундан қасд олиш фикрида бўлмаслик керак. Аксинча, инсон ўзгаларга озор бермасдан, иложи борича хайрли ишлар билан машғул бўлгани маъкул”. [5;10].

Тасаввуфдаги инсонпарварлик ғояси муҳабbat, одамийлик, баҳт-саодат, адолат каби ахлоқий категория ва мезонларни қамраб олади ва шулар орқали жамият маънавий қиёфасини шакллантириш мумкинлигини назарда тутади. Бу инсон шахсиятини юксалтириш ва улуғлаш нафақат ўша даврда, балки ҳозир ҳам муҳимлигини кўрсатмоқда. Демак, нафақат Ғиждувоний, балки бутун тасаввуф ахлиниң маънавий-ахлоқий ва инсонпарварлик ғоялари интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда, ёшларга “Вақтида меҳр кўрсатсан, ишга, илмга, касбу хунарга, эзгу фазилатларга ўргатсан, уларнинг йўлини очиб берсан, эртага фойдаси, ўзимизга, жамиятимизга тегади. Акс ҳолда, улар бошқаларнинг қўлидаги қуролга айланиб қолиши мумкин”. [6;135].

Абдухолиқ Ғиждувоний асосланган фалсафий-ирфоний қарашлар XIV- XV асрга келиб нақшбандийлик таълимоти учун дастурамал бўлди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Ғиждувоний тариқатини ривожлантириб, уни янги ғоялар билан бойитди. Нафақат Марказий Осиё, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалган нақшбандлик таълимоти ҳам ҳалол меҳнат, адолат, камтарлик, тўғрилик каби ахлоқий меъёрларни тарғиб қилди. Нақшбандия таълимоти ҳам Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимотини, ҳам Аҳмад Яссавийнинг йўлини бирлаштириш ва ҳаётга мослаштиришдан иборатдир.[7;14].

Нақшбандик таълимотида ҳалол меҳнат билан яшаш ва нафс тарбияси асосий ўринда туради. Шунингдек, бошқа тариқатлардан ҳаётга яқинлиги билан фарқ қилади.

Нақшбандийликдаги “дил ба ёру, даст ба кор” шиори унга таркидунёчилик хос эмаслигидан далолат беради. Нақшбандияда фойдали меҳнат билан шуғулланиш ва тариқат солиҳи бўлиш имкониятининг уйғунлиги мавжуддир. Шунинг учун ҳам бу тариқат аҳолининг кенг қатлами шуурини эгаллай олди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. -Т.:Ўзбекистон, 1999.
2. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф.Тошкент.”Мовароуннахр-Ўзбекистон” 2009.
3. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф.Тошкент.”Мовароуннахр-Ўзбекистон”. 2009.
4. Абу Ҳомид Фаззолий. Иҳйоу улумиддин. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби.Таржимон: Ғиёсиддин Жамол.Тошкент. “Мовароуннахр”. 2005.
5. Ҳ.Алиқулов. Абдухолик Фиждувонийнинг тасаввуфий таълимотида инсонпарварлик ғоялари:// Абдухолик Фиждувоний ва тасаввуф.Илмий конференция маъruzалари тезислари. Тошкент-2003.
6. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017.
7. Мираҳмедова З.Ш, Эргашев Қ. Баҳоуддин Нақшбанд – тасаввуф илмининг султони. Илмий – рисола. Тошкент. Иқтисодиёт. 2009.

## **НАВОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИННИНГ ЁШЛАР АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ**

**Туробов Бекпулат Нусратуллаевич**

**Самдҷти Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлим бошлиғи**

Ўзбекистоннинг истиқболи, тараққиёти ва равнақи ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги, ақлий салоҳиятининг етуклигига ҳам бевосита боғлиқдир. Бу Шарқ ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий тафаккур тараққиётига катта хисса кўшган мутафаккир ва алломалар маънавий меросини ўрганиш ва ундаги ахлоқий ғояларни ёшларимиз онгига сингдириш мухимлигидан далолат беради. Шундай мутафаккирлардан бири Алишер Навоий бўлиб, у ўзбек адабиёти асосчиси, файласуф ва ахлоқшуносидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Алишер Навоий бобомиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш, ул зотнинг табаррук меросини ўрганиш, ёш авлодимизга безавол етказиш” зарурлигини таъкидлайди. [1;113 б.]

Навоий чуқур мазмунга эга бўлган ҳаёт фалсафасини яратган. Навоийнинг ҳаёт фалсафаси олға сурган фалсафий, сиёсий ва ахлоқий мазмундаги ғояларида ўз аксини топган. Алишер Навоийнинг бадиий асарларида илғор фалсафий-ахлоқий ғоялар ижобий қаҳрамонлар образлари орқали намоён бўлади. Бу мутафаккир ахлоқни, амалий фан (илми амалия), деб ҳисоблайди. Бу ижтимоий феноменнинг амалий ҳарактери жамият аъзоларини тарбиялашда кўринади. Алишер Навоийнинг фикрича, ахлоқ-яҳшилилка (фазилат) қўшилиш (ижтииноб) ва нуксонлар (разолат)дан тийилиш (ихтисоб) усулидир. [2;13 б.]

Алишер Навоий нуқтаи назарича ахлоқ инсонлар ўртасидаги мавжуд муносабатларни, оила ва жамиятдаги ҳатти-ҳаракатларни ва хулқ-атворни тартибга солиб туради. Навоий ижодининг асосий мазмуни инсоннинг моҳияти, маънавий дунёси, гўзаллиги, одоби, хулқ-атвори, қобилияти каби масалалардан иборатдир. Буюк мутафаккир ўз асарларида комил инсонга хос мезонларни таҳлил қилиб, жамият аъзолари фаолиятига шу нуқтаи назардан баҳо беради.

Навоий ғазалларида кўпроқ ишқий туйғуларни ифодаласа, рубоийда фалсафий қарашлари, қитъада ижтимоий-сиёсий, ахлоқий кечинма ва фикрларини акс эттиради. Буюк шоир асарларида “Куръон” ва ҳадислар ғояларидан унумли фойдалангани ҳолда “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Насойимул-муҳабbat” асарларини ёзган ҳолда динни никоб қилиб, ҳалқни алдашга уринган, гирромлик билан бойлик тўплашга интилган нопок кишиларни танқид қиласиди. Бу эса улуғ шоирнинг ғоят адолатли бўлганлигидан далолат беради. Алишер Навоийнинг жамият маънавий етуклиги тўғрисида билдирган қимматли фикрлари Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида янада ҳам долзарб характер касб этади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзбек ҳалқи маънавий дунёсининг шаклланишига таъсир кўрсатган улуг зотлардан бири Алишер Навоий эканлигиги эътироф этиб, қўйидагиларни ёзади: “Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг бокийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб юрамиз.[3;47 б.]

Мутафаккирнинг ахлоқий қарашлар тизими фақат ўз даври учунгина эмас, балки ҳозирги даврда ҳам ўзининг назарий ва амалий аҳамияти жиҳатидан қимматлидир. Навоийнинг фикрича, инсон энг аввало ҳалол ва ҳақгўй бўлиши лозим. Ҳақгўйлик инсон моҳиятидан келиб чиқадиган ахлоқий фазилатлардир. Шунингдек, инсон ким бўлишидан қатъий назар унинг ҳаёти мазмуни ҳалоллик ва ҳақгўйликдан иборат бўлиши керак. Ёшларимизни ҳалоллик ва ҳақгўйлик тамойиллари асосида тарбиялаш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай сифатларнинг ёшлар онгидаги қарор топиши ва ҳаёт мезонига айланиши жараёни узлуксизлик ва узвийликни тақазо этади. Умуман олганда, ахлоқий тарбия инсоннинг генетикасига боғлиқ, деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо шуни таъкидлаш билан бирга, ахлоқий тарбияга тизимли ёндашувга эътибор қаратишни назардан сокит этмаслик зарур. Жамият, оила, боғча, маҳалла, ўқув юртлари, хуллас, ижтимоий тизимдаги ҳамма бўғинлар ҳамкорлиги уйғунылигига эришиш ёшлар ахлоқий тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Навоий фақат сўздагина эмас, балки дилда ҳам ҳалол ва ҳақконий бўлиш керак, деб ҳисоблади. Бундан инсонниг ташки қиёфаси маънавий дунёсига монанд бўлиши мақсадга мувофиқ, деган фикр келиб чиқади. Ахлоқшунос олим Й.Ж.Жумабоевнинг фикрича, “Шоирнинг ана шу ғояларидан иккита хулоса чиқариш лозим: биринчидан, Навоийнинг фикр, сўз ва иш бирлиги ҳақидаги ғоясининг илдизлари жудауз үтмишга бориб тақалади; чамаси, мутафаккир Авестонинг худди шу хилдаги ахлоқий таълимоти билан етарлича таниш бўлган: зоро Авесто ахлоқи ҳам ана шу учлиқда ифодаланган эди, иккинчидан, Навоий ҳатто ёлғон ҳукмронлик қилиб турган шароитда ҳам инсон ҳақ сўзни айтиши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари суриб, эртами, кечми, бари бир, ғалаба ҳақиқат томонида бўлишини исботламоқчи бўлган”.[4;34 б.]

Навоий назарида ёмон нуқсонлар бир табака ёки тоифагагина хос эмас. Шоир ёмон нуқсонлар подшо, шайх, саркарда ва савдогарда ҳам бўлиши мумкинлигини, таъкидлайди. Навоий бундай кишилар қаттиқ кораланиши лозим, деб ҳисоблади. Мутафаккир ўз асарларида ёлғончилик ва адолат тушунчаларини таҳлил қилиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Шоирнинг бу мушоҳадасида улар ўртасида муттасил, муросасиз кураш мавжудлигини кўрамиз. Ёлғоннинг умри қисқа, у ҳақиқат олдида ожиз, ҳақиқатнинг ғалабаси мукаррар, деган хуносага келади.

Навоий жамият аъзоларининг билим даражаси тараққиётнинг муҳим омилларидан бири, деган фикрга асосланади. Шунинг учун мутафаккир билим даражаси паст, билим олиш, уни бойитиш ва бошқаларга беришга интилмайдиган кишилар ҳурматга сазовор эмас, деган фикрни билдиради. Билимли кишилар жамиятида самимий муносабатлар шаклланади, ҳалқ фаровон яшайди, баҳт-саодаттага эришади, умуман олганда тараққиётда ижобий тенденциялар намоён бўлади. Шунинг учун мустақиллик йилларида мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёшларни вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмокда. Бу соҳада муайян ижобий натижаларга эришилди. Аммо жаҳон миқёсида ракобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи муҳимдир. Шунинг учун Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошлирига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.[5;14 б.]

Навоийнинг фикрича, инсонда сабот-қаноат, матонат, саховат ва ҳиммат ва мурувват каби ахлоқий фазилатлар мужассам бўлмоғи лозим, чунки унинг улуғлиги шулар орқали кўзга ташланади. Бундай ахлоқий фазилатлар инсоннинг чин қалби билан боғлиқдир. Бундай фазилатли киши жамоавий ахлоқ белгиларига эга бўлади.

Навоий наздида ҳаёт мактабга ўхшайди, шунинг учун инсон бу макон ва замонда билим олишга интилиши, ижобий ахлоқий сифатларга эга бўлмоғи лозим. Навоий “Хамса”сининг биринчи поэмаси “Ҳайратул-аброр”да асосан ахлоқий таълимотни ёритиш, унинг жамият ҳаётида қўлланилишини кўрсатишни максад қилиб қўяди. Асарда Навоий ўз даври ахлоқини ёритди. Бу ерда Навоийнинг улкан композицион санъатини кўриш мумкин. Ҳамма асарларида юксак ахлоқий сифатларни тараннум этиш хосдир.[6;164 б.]

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017.
- 2.Арипов М. Философские и этические воззрения Алишера Наваи. Автореферат канд. дисс.-Л., 1971.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т., “Маънавият.2002.

4. Жумабоев Й.Ж. Навоийнинг ахлоқий қарашлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991. 2-сон.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016.
6. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Из-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. Составитель и редактор Э.Р.Рустамов. Избранные труды. Том.4. М. 1965.

## **ГЛОБАЛ МЕДИАХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ЁШЛАР МАҲНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ**

**Норов Саид,  
СамДАҚИ доценти, фалсафа фанлари номзоди.  
Норова Наргиза,  
Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби махсус фан ўқитувчisi.**

*“Ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўптармоқчи соҳага  
айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари учун глобал медиа  
маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданлик  
позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаши олдимизда турган энг  
муҳим вазифадир”.*

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев*

Инсоният тарихи – ахборот яратиш ва трасформация технологияси ривожланиши тарихидан иборат бўлиб, унинг ҳозирги босқичи жамоатчилик томонидан: “ахборот технологиялар асри”, “интеллектуал ресурслар асри”, “юксак технология ва замонавий билимлар асри”, “техноген цивилизация асри”, “дунё медиаахборот макони” деган атамаларни умумий ном билан – глобаллашув жараёни деб тавсифланмоқда.

Лугавий маъносига кўра, жамият ижтимоий-иктисодий муносабатлар “дунёвийлашуви” жараёнини ифодаловчи бу ходисада ижобий ва салбий томонлар бирлигини кўрамиз. Яъни, унинг позитив моҳияти ва аҳмияти: Ер юзидағи барча давлатлар, ҳалқлар ўртасидаги интеграция ва хамкорлик алоқаларининг кучайиши, трансмиллий бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланиши учун қулайликлар вужудга келиши, ахборот айрибошлиш коммуникацияси ва технологиялари ривожланиши, илм-фан ютуқлари оммавийлашуви, турли миллий қадриятлар уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши, экстремал шароитларда ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятлари ортаётганлигини ифодалайди.

Шу билан бирга, бу жараённинг негатив оқибатлари: глобал муаммолар каскади кескинлашувига, маънавий инқироз, “оммавий маданият”, ғоявий-мағкуравий хавф таҳдидлари эскалацияси кучайишига, ахлоқий қадриятлар деваливациясига, ксенофобия, экстремизм, терроризм, этноэгоцентризм, этноэгоизм, “гуманизм қашшоқлиги” ва бошқа ҳалқаро девиант хулқатворлар шаклланишига олиб келмоқда. Зоро, дунё ҳалқлари лексиконига: “ахборотлашган жамият”, “виртуал олам”, “ахборот босими”, “ахборот агрессияси”, “ахборот экспансияси”, “ахборот хуружи”, “ахборот хавфсизлиги”, “медиаахборот маданияти” “ахборот бозори”, “ахборот маркетинги”, “ахборот бизнеси” ва бошқа шу каби атамаларнинг кириб келиши ҳам тасодифий эмас.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2919 йил “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” билан табригida таъкидлаганидек: “ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойиллариага асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий гараз ва хусуматга, сохта обрў ортириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак”. [1.]

Фарб медиаҳборот мутахассисларининг “медиасавдоҳонлик” (media literacy) тушунчасини: медиаматнларни шарҳлаш – таҳлил этиш ва яратиш қобилияти, [5.] турли шакллардаги ахборотни олиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти, [6.] одамни замонавий дунёдаги кодли ва репрезентацион тизимлар фаолиятида медианинг ижтимоий-маданий, сиёсий контекстини тушунишга, медиаматнларни идрок этиш, яратиш, таҳлил этиш, баҳо беришга тайёрлаш жараёни, [7] инсонларга аудиовизуал ва босма матнларнинг маданий аҳамияти, мазмунини тушунишга, яратишга ва баҳолашга ёрдам беришга ундовчи ҳаракат, [3] деган умумий классик изоҳларини медиамаданият таърифида [6.] методологик асос килиб оладиган бўлсак: “медиамаданият”

атамаси, унинг: ижодкори ва истеъмолчиси, обьекти ва субъектининг медиаахборот мазмунини тушунишда қарашлари уйғунылигини ифодалайди, яъни медиаматнларни баҳолашда танқидий ва таҳлилий ёндашувии асосида “оммавий маданият” манипуляциясига қаршилик қилиши керак [7] деган холосага олиб келади.

Бошқача қилиб айтганда, глобаллашув жараёни натижаларидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузык йўлида фойдаланиш мумкин. Яъни жамият тарихинининг тадрижий ривожи инсониятни камолотга, юксак мэрраларга чорлайдиган бунёдкор гоялар билан бирга ёвуз вайронкор гоялар ўртасида азалдан кураш бўлиб келгани ва бугун ҳам давом этаётганини кўрсатади

Глобаллашув жараёнининг ижобий томонларини кучайтириш, салбий оқибатлари профилактикасида жамият ахборот маданиятини ва таълим-тарбияни ривожлантиришга муқобил йўл йўқ. Бу борадаги энг муҳим вазифа – ҳар бир инсоннинг маънавий ҳаётимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш масаласида ўз бурчи ва масъулиятини аниқлаб олишидан иборат. Чунки ёшлар онгу шуури, қалби ва дунёқараши ривожида ахборотлар, маълумотлар айрибошлиш муҳим роль ўйнайди.

Глобаллашув шароитида индустрисал ривожланган давлатларнинг медиаахборот технологияларни яратиши, трансформацияси коммуникацияси ва инфраструктурасини такомиллаштириб, ахборот бозорида хукмонлик мавқега эга бўлишидан икки асосий мақсад кўзга ташланади. Яъни: **биринчиси** – дунёда сиёсий ва мафкуравий гегемонликка давогар давлатларнинг “демократик” тараққиёт моделини, ҳаёт тарзини ёшлар онгиға сингдиришга доир гоявий-мафкуравий буюртмани бажариш; **иккинчиси** – стхияли ахборот бозори конъюктураси талаблари, эҳтиёжлари асосида бойлик орттиришдан иборатдир. Зоро, сўнгги пайтларда медиаахборот бозори осон пул топиб бойлик орттиришда муҳим манба, восита бўлиб қолмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, дунёда: ноконуний қурол-яроғ, наркотик моддалар, одам савдосидан кейин турадиган ахборот бизнеси трансмиллий характер касб этиб, тўртингчи ўринда турар экан. Хусусан, дунё медиаахборот бозорини эгаллаган йирик компаниялар орасида Quest Net компаниясининг 16 мингга яқин дистрибуторлари планетанинг барча худудларда фаолият олиб боришишмоқда. Масалан, тармоқ маркетинги (рус тилида – “сетевой маркетинг”) деб аталадиган бундай ташкилотларнинг асл мақсади ёшларда **утилитар-меркантил машни ҳаёт психологисини** шакллантириш учун, уларни меҳнатдан бездириш, енгил ҳаёт кечиришга ўргатиб, мустакил ҳаёт куришга бўлган интилишини сўндиришдан иборатлиги маълум.

Глобаллашув шароитида ахборотнинг, жамият мафкуравий манзарасига таъсир ўтказиш имконияти сифатида, муайян сиёсий куч ва марказ манфаатларига хизмат қилиши сир эмас. Айниқса, бугунги кунда ОАВ тизимида интернет ижтимоий тармоқларининг ривожланиши турли-туман медиаахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бундай шароитда инсон: мустакил фикрига, синовлардан ўтган ҳаётий миллий қадриятларига, соғлом илмий дунёқарашига, мустаҳкам иродасига ва ҳаётий позициясига эга бўлмаса, ҳар хил ошкора ва яширип аххборот таҳдидлари хуружи жамиятни маънавий инқирозга олиб келади.

Шунинг учун ҳам жамият ҳаётини бекарорлаштиришдан манфаатдор сиёсий қучлар ёшларнинг тарихий қадриятларга нигилистик муносабатни шакллантириб, маргиналлаштириш (манқуртлаштириш) учун турли қўнгил-очар теледастурлардан ва бошқа салбий ахборот тарқатиши манбаларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Россиянинг 5 та умуммиллий телеканаллари информацион дастурлари кунига, ўрта ҳисобда 302 марта ғайриахлоқий негатив маълумотни эълон қиласи. Хусусан, бу телеканалларда намойиш қилинган фильмларда бир кунда: 160 – муштлашув, 202 – қотиллик, 6 – ўғрилик, 10 – зўравонлик, 66 – ичкиликбозлик саҳналари учрайди. Ёшларда негатив эмоционал ҳиссиётни уйғотадиган оммавий нашрларнинг тарқатилаётганлиги ҳам бундан кам эмас.

Ҳозирги даврда, ривожланган мамлакатларда сунъий йўлдошлар ахборот узатишнинг энг қулий ва самарали воситаси бўлиб қолган. Жумладан, АҚШда – 30 та, Японияда – 21 та, Россияда – 12 та, Хитойда – 9 та, Хиндистонда – 9 та сунъий йўлдошлардан узатилаётган ахборотлар катта иқтисодий фойда манбасига айланган ва айрим сиёсий қучларнинг глобал медиаахборот мақонини бошқариш ва назорат қилиш имкониятини кучайтирмоқда. Энг муҳими, тарқатилаётган маълумот ва ахборотларнинг катта қисми ғайриахлоқий мазмунга эга. Хусусан, “Рамблер” ахборот кидирив тизимида 317537 та порнографик сайт бўлиб, уларда 8029267 дан ортиқ материал тўпланган.

Айниқса, кейинги вақтларда жаҳонда информацион воситалар салоҳияти ва балансининг ривожланаётган “учинчи дунё” мамлакатлари фойдасига ўзгараётгани, замонавий глобал медиаахборот ижтимоий тармоқлари кўпайиб бораётганлиги, уларнинг ёшлар мафкуравий

киёфасига, маънавий дунёсига таъсир кўрсатиш имкониятларини ва географиясини янада кенгайтироқда.

Медиаахборот технологияларининг ёшлар тарбиясига салбий таъсири миллий урф одатларга, анъаналарга, умуман маънавий қадриятлар тарихий меросига нигилистик муносабатни шакллантиришга, одамларни: жаҳолат, шафқатсизлик, номуссизлик, хаёсиз шахвоний хирс руҳида тарбиялашга қаратилганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам, медиаахборот трансформацияси технологияси ривожланишини: демократик-гуманистик тамойиллар асосида ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш зарурияти, глобал миқёсда маънавий хавфсизликни сақлаш муаммосини долзарблаштироқда.

Глобал медиаахборот маконида: “ижтимоий тармоқ”, “блогерлар” деган тушунчалар, пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ, лекин уларнинг кишилар, айниқса ёшлар онгига, дунёкарашига таъсирини аниқлаш ва баҳолаш мураккаблашиб бормоқда. Чунки жаҳон ахборот майдони шиддат билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда ёшларнинг изчил шаклланаётган онгини таъқиқлар билан чеклаб: “буни ўқима”, “уни кўрма”, деб бир томонлама тарбия бериш, замон талабига ҳам, эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.

Кишилар орасида Интернет ижтимоий тармоқлари оммалашиб бормоқда. Бу форматдаги тармоқлар, асосан, ўзаро “танишиш”, “бирлашиш”, “дўстлашиш”, “мулоқот” учун ташкил этилган бўлса ҳам ҳозир улар, кенг жамоатчилик томонидан ёшлар маънавий дунёсини қашшоқлаштирувчи, турли бузгунчиликларни, девиант хулқ-атворларни тарғиб-ташвиқ қилувчи таҳдид сифатида баҳоланмоқда.

Айниқса, ёшлар ўз вақт бюджетининг асосий қисмини Интернет ижтимоий тармоқлари орқали тарқатилаётган ахборотлар билан танишишга ажратишлари, уларнинг онгини заҳалашдан ташқари жисмоний ва руҳий соғлигига жиддий зарар етказмоқда. Англиялик олим Арик Сигманнинг фикрича, “Ижтимоий тармоқлар инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатади, Чунки одамларнинг жонли мулоқоти кескин камаяди ва интернетга боғлиқлик ортиб бораверади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, йигирма йил ичida муҳим масалаларни юзма-юз ҳал қиласлик холати уч баробарга кўпайган”. [2]

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда 2017 йил 8 сентябрда “Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. [8] Қонуннинг мақсади болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибиға солишдан иборат.

Бугунги кунда дунёда 3 миллиардга яқин аҳоли ижтимоий тармоқлар аъзосидир. Ўзбекистонда 13 миллиондан ортиқ киши, яъни аҳолининг 38 фоизи Интернетдан фойдаланади. Биргина “Facebook” ижтимоий тармоғида ҳозир 1 миллиард 366 миллиондан ортиқ фойдаланувчи бўлиб, улардан 140 минг нафари ўзбекистонликлардир. [2.] Кундан-кун уларнинг сони кўпайиб юртимиздаги: president.uz, gov.uz, lex.uz, yi.uz, uza.uz, ziyoronet.uz, edu.uz, islam.uz, senat.uz веб-сайтларидан тўғри ва аниқ ахборотларни олиб ёшларимиз бу борада ўз билимларини ошириб келмоқдалар.

Интернет маълумотларидан фойдаланиш маданияти “қашшоқлиги” оқибатида ёшлар ўртасида бузгунчи ғоялар, ёвуз қарашлар ва беҳаё маълумотлар тарқалиб, уларни оилаславий ҳаётдан, ижтимоий муносабатлардан бегоналашувга, бефойда сухбатларга вақтни зое қилиб маргиналлашувига олиб келмоқда. Зоро, бундай ахборотлар ёшларнинг психологик ва жисмоний соғлигига таъсир этишга, уларда жамиятга норозилик ҳиссини уйғотишга қаратилгани билан ажралиб туради.

Мағкуравий рақибларимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик мухитини бекарорлаштириш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали тарқатаётган ҳар хил мишишлари, ваҳимали хабарлари, ўсмиirlар ва ёшлар маънавиятига салбий таъсир этадиган, миллий қадриятларни емирадиган порнографик суратлар, матнлар медиаахборотлар мазмунини ташкил қиласи. Бу медиаахборот, муайян даражада ўз мақсадига эришмоқда, яъни статистик маълумотларига кўра, 8-15 ёшдаги ўсмиirlарнинг 10 нафаридан 9 таси порнографик маҳсулотларни кўрган ёки кўришни истайди. 17 фоиз ёшлар эса таъкиқланган ресурсларни кўради ва уни бевосита амалда кўллашга тайёр.

Бугунги глобаллашув жараёнида: ахборот ишлаб чиқариш, узатиш, қабул қилиш ва ўзлаштириш усул-воситаларининг ишончлилигини аниқлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлашда асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Зоро, “ахборот хавфсизлиги”, **бир томондан**, жамиятни: табиий ёки сунъий, тасодифий ёки қасддан қилинган ахборот хуружидан муҳофаза қилиш инфраструктурасининг ривожланиш даражасига, **иккинчи томондан**, унинг ҳуқуқий-маъмурий,

сиёсий-ташкилий, интеллектуал-дастурый асосларини такомиллаштиришга, педагогик-дидактик техник-технологик базасини ривожлантириш муаммолари комплекс-системали ва дифференциаллашган ёндашувни тақозо қилади.

Шу нұқтаи назардан, медиаахборот маданиятининг жамият ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаси, миллій маънавиятта потенциал таҳдид манбаларини аниқлаш ва улардан химояланиш чораларини кўллашдан иборат. Бунинг учун, умумлаштириб айтганда: **бираинчидан**, ҳозирги пайтда дунёда ягона глобал медиаахборот маконининг вужудга келиши, нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечеётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқарища гегемонликка давогар томонлар пайдо бўлишига олиб келди; **иқкинчидан**, медаахборот технологиялари ривожланган ва демократик бошқарув тизими тараққий этган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, умуминсоният цивилизацияси манфаатларига мосдир; **учинчидан**, медиаахборот тизимини ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишларини ва мутахассислар тайёрлашни кучайтириш мағкуравий иш самарадорлигини таъминлаш шартидир; **тўртинчидан**, ёшларнинг Интернет ижтимоий тармоқ маълумотларини “селекция” қилиб, ўзлаштириш маданияти, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини белгилайдиган мезонга айланиши керак; **бешинчидан**, ёшлар маънавиятига салбий таъсир килаётган ахборот хуружларидан химоя қилиш учун миллій доменларимиз ижтимоий тармоқларини янги миллій медиаахборотлари билан бойитиш, уларни ёт оқимлардан химоя қилиш самарадорлигини оширади; **олтинчидан**, Интернет тармоғи жадал ривожланиб, глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ахборот истеъмоли маданиятининг маънавий маданият таркиби қисмига айланиши муҳим аҳамият касб этмоқда; **еттингчидан**, мамлакатимизда “хорижий медиа компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эл веб-ресурслари ва сайтларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, ... ахборот майдонидаги фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш” [1] бу соҳани ривожлантириш шартидир.

#### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” билан табриги. [www.president.uz](http://www.president.uz)
2. Мухаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. Тошкент. “Мовароуннаҳр”. 2016 йил. 177-бет.
3. Aufderheide, P., Firestone, C. (1993). Media Literacy: A Report of the National Leadership Conference on Media Literacy. Queenstown, MD: The Aspen Institute, p.1.
4. Duncan, B. (Ed.) (1989). Media Literacy Resource Guide. Toronto: Ministry of Education of Ontario, Publications Branch the Queen’s Printer, 232 p.
5. Worsnop, C.M. (1994). Screening Images: Ideas for Media Education. Mississauga: Wright Communication, 179 p.
6. Kubey, R. (1997). Media Education: Portraits of an Evolving Field. In: Kubey, R. (Ed.) Media Literacy in the Information Age. New Brunswick & London: Transaction Publishers, p.2., [http://uza.uz/oz/politics/akhborot-kommunikatsiya-tehnologiyalari-so-asi-rivozhiga-ba-09-01-2018?phrase\\_id=3245025](http://uza.uz/oz/politics/akhborot-kommunikatsiya-tehnologiyalari-so-asi-rivozhiga-ba-09-01-2018?phrase_id=3245025)
- International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences, 2001, p.9494
7. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 сентябрь.

### **YOSHLARDA MA’NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI (yoki G’azzoliy qarashlarida ma’naviy tarbiya masalalari)**

**Allayarova M.M.  
SamDU Falsafa kafedrasи dotsenti, falsafa fanlari nomzodi  
Haitova Lola - SamDU talabasi**

Bugungi kunda yoshlar tarbiyasini dolzarb vazifalardan biri bo’lib qolmoqda. Ayni globallashuv davrida tajribasiz, ishonuvchan yoshlar ongi, dunyoqarashi “оммавий маданият” bilan sug’orilib bormoqda. Bu sug’orishni har bir ijtimoiy hayotning barcha sohalarida -texnikada, undagi dasturlarda, axborot almashish vositalarida, OAVlarda yaqqol ko’zga tashlanadi. Xolbuki, bunday “sug’orilish” yoshlar tarbiyasiga o’z ta’sirini ko’rsatib, biz qurayotgan fuqarolik jamiyatini barpo etishga salbiy aks etmay qolmaydi. “OAVlarda tarqatilayotgan axborot qay darajada yoshlar ma’naviy tarbiyasiga ta’sir etishi va ko’lamiga ega?” degan tashvishli savol tug’ilishiga va uni hozirdan yechimini hal qilish choralarini o’rganish va joriy etishni talab etadi

“Bizni hamisha o’ylantirib keladigan muhim narsa bu – yoshlarimizning odob axloqi, yurish-turishi, bir so’z bilan aytganda ma’naviy dunyoqarashi bilan bog’liq. Bugun zamon shiddat bilan o’zgaryapti. Bu o’zgarishlarni hammadan ham ko’proq his etadigan kim? Yoshlar. Mayli, yoshlar o’z davrining talablari bilan uyg’un bo’lsin. Lekin ayni paytda o’zligini unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug’ zotlarning avlodidanmiz, degan da’ vat ularning qalbida doimo aks – sado berib o’zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobida”, -deya ta’kidlaydi Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev.[1]

Shubhasiz, tarbiya o’zlikni anglash mohiyatining asoslardan ekan, xo’sh, biz bunga qanday qarayapmiz? Qay darajada e’tibor berayapmiz? Sir emaski, bugungi kun aksariyat yoshlarimiz tarbiyasi kishini hayratga soladi, ranjiteti ham.

Ma’naviy tarbiya o’choqi avvalo, oiladan boshlanadi. Inson yashab turgan muhitida tarbiya shakllanib boradi. Yoshlikda olingen tarbiya keyingi hayot yo’llarida inson uchun bir umrlik dastur bo’ladi. Bu borada ma’naviyat yulduzlaridan bo’lgan Imom G’azzoliyning bu boradagi ijodiy merosiga murojaat qilish o’rinlidir. XI asrda yashab ijod etgan G’azzoliyning bizgacha 10 dan ortiq asarlari yetib kelgan bo’lib, tarbiyaga oid “Ihyou ulumid ad – din “ ( “Din ilmlarini jonlantirish” ) asarining tarkibi bo’lmish Qalb kitobi, Ilm kitobi, Tavba kitoblari, shuningdek, “Riyozat un –nafs” (“Nafs tarbiyasi” ) kabi asarlarida axloq tarbiyasi, yaxshi va yomon xulq mohiyati, go’zal xulqqa erishish, farzand tarbiyasi masalasida e’tibor qaratgan. Imom G’azzoliy asarlarida tarbiya masalasida uni nafs bilan bog’laydi. “Kishi hech qachon nafsi tiya olmaydi, lekin uni tarbiyalash kishi shaxsiga bog’liq” deb e’tirof etadi.[2, B.84-85]

G’azzoliy insonlarni xulqiga qarab to’rt martabaga ajratadi: birinchisi, haq bilan botil ( soxta ) qanday yaratilgan bo’lsa shundayligicha qolgan odam. Bunday odam tez qabul qiluvchi bo’ladi, uni harakatga undaydigan ichki undovchiga muhtoj bo’ladi. Bu undovni uyg’otish uchun muallim darkorligini aytadi. Ikkinchisi, yomon ishlarning yomonligini aniq bilib, lekin yaxshi amallarni qila olmagan, to’g’ri yo’ldan ozgan kishi. Bunday kishini tarbiyalash , avvalo, o’z nafsi tiyishdan boshlanadi. Uchinchisi, yomon xulqlarni haq deb biladigan va shunday xulq bilan tarbiya topgan kishi. Bunday insonni ham tuzatib bo’ladi, faqatgina adashganlarining oldi olinsa, to’rtinchisi, tarbiyasi buzuq ulg’aygan va shunga yo’naltirilgan kishi. Bunday kishilar yomon ishlari bilan faxrlanadi. Bu martabalarning eng qiyinrog’idir deya ta’kidlaydi, qarilikda xulqi, tarbiyasi ustida o’zini qiyash, ayblarni tozalanmoqchi bo’lish bu o’zini azoblashdir deydi. [3, B. 84-85] Har qanday xulqni ham tarbiya vositasida tuzatish mumkinligini yoqlaydi.

Imom G’azzoliy farzand tarbiyasi eng muhim ishlardan biri ekanligini o’z qarashlarida yoritib bergen. Farzand tarbiyasida ota-onaning o’rni juda muhimligini, ayni yoshlik davridan unga oq-u qoran tanitishi, behuda so’zlamaslik, kattalar gapini jim tinglash, o’zini tutish, muomola odobi kabi tarbiyaning xususiyatlarini ochib beradi. Bunda ota-onalar bolaga boshidan singdirish kerakligini uqtiradi.[4, B.35-39] Shu o’rinda G’azzoliyning qarashlari, ijodiy merosini shunigdek, axloqiy qarashlari davr mohiyatidan kelib chiqib ma’naviy tarbiya tizimning zaruriy elementi, ma’naviy tarbiya konsepsiysi deb aytish mumkin. Oradan o’n asr o’tishiga qaramasdan G’azzoliy meroslarda ma’naviy tarbiyaning o’q ildizlari va haqiqiy mohiyatini ko’rishimiz mumkin.

Agar tarbiyani siyosiy tarbiya, estetik tarbiya, axloq tarbiyasi, g’oyaviy tarbiya kabi turlariga ajratsak, barchasi uchun bosh bo’g’in va mezon ma’naviy tarbiyadir. Ma’naviy tarbiya, umuman, tarbiya jarayoni bola yoshiga qarab olib boriladigan jarayondir. Agar bu jarayonni ota-onalar, o’qituvchilar to’g’ri tashkillashtira olgandagina bola barkamol inson bo’lib voyaga yetishi mumkin.

Bu borada G’azzoliy shunday fikr bildiradi: “ Bilingki, go’dakni tarbiyalash eng muhim va eng ta’kidli ishlardandir. Go’dak ota-onasining oldida omonatdir. Uning pokiza qalbi har bir naqsh va suratdan xoli, qimmatbaho gavhardir. U har bir naqshni qabul qiluvchi va har bir moyil etuvchi narsaga moyil bo’lувchidir. Agar u yaxshilikka odatlantirilsa, o’rgatilsa, shunga ko’ra ulg’ayadi. Dunyo va oxiratda baxtli bo’ladi. Uning savobiga ota-onasi, unga ta’lim bervchi, odob o’rgatuvchilarning hammasi sherik bo’ladi. Agar unga yomonlik o’rgatilsa, chorvalar tashlab qo’yligandek, o’z holiga tashlab qo’yilsa, badbaxt va halok bo’ladi. Gunohi uni boshqarib turuvchi va unga egalik qilib turuvchilarga bo’ladi”[5, B.109].

Demak, bola tarbiyasi nafaqat uning ota-onasi, balki uni o’rab turgan muhitdagi insonlar, jumladan o’qituvchisi, tarbiyachisi, mahalla ahli ham katta rol o’ynaydi. Biz yashab turgan jamiyat, buyuk keljakka ishonch yoshlarimizning bugunidan boshlanadi. Bunga befarqlik va loqaydlik ertangi kunimizga loqaydlik deganidir. Rivojlangan davlatlarni bizdan bir asr oldinda deya aytga olamiz, lekin shu bilan birga axloqiy qusurlari bilan birgalikda rivojlanayotganini ham bilamiz. Buni bot- bot rivojlanishning kamchiligi sifatida tilga olamiz. Oddiy suhbatlashish. muomala madaniyatini unutib

qo'yayotgan xalqimizning kamchiligichi? Lekin har qanday taraqqiyotning mezoni ma'naviy tariya bilan voyaga yetgan sog'lom ruhdagi yosh avloddir, ularning intellectual salohiyati va vatanparvarligidir.

Tarbiyani uzviylikdagi bog'liqligini quyidagicha izohlash maqsadga muvofiqdir: Ilk bolalik davri (1-3 yosh)da ota-onas farzandiga ham ruhan, ham jismonan, ham aqlan yaxshi munosabatda bo'lishlari, qiziqsan savollariga tarbiyaviy jihatdan yondashib javob berishlari lozim bo'ladi.

Bolalikning ikkinchi davri (3-7 yosh)da ota-onalar ma'suliyati yanada oshadi. Bu yosh davrida ularga ertaklar o'qib berib tafakkurini o'stirish lozim. Barkamol shaxs bo'lib voyaga yetishi uchun uning tafakkur tarzini boyiish, ya'niki fikrashga, mustaqil o'z fikrini bayon eta olishga undamoq lozim. Masalan, Alisher Navoiyning Xamsasi "Hayrat ul -abror" da "Sher ila Durroj" hikoyasini misol qilib durrojning yolg'on gapirishi natijasida unga kelgan ofat haqida hikoya qilib berib ma'lum vaqt o'tgandan so'ng unga bolaning bu borada qarashlari qandayligini durrojning ishidan u qanday xulosa chiqargani, fikrini bilish orqali nima yaxshi, nima yomonligini o'rgatish mumkin bo'ladi.

G'azzoliy "Qachonki bolada chiroyli xulq, maqtovga arzigelik bir fe'l sodir bo'lsa, uni hurmat bilan sharaflamoq, ko'nglini quvontiradigan narsa bilan taqdirlamoq, ko'pchilik orasida bu fe'lini izhor etmoq zarur. Ba'zi holatlarda bir marta bu fe'liga xilof ish qilib qo'ysa, uni ko'rмагanga olish foydaliroq. Ayniqlisa, bola bu ishini yashirishga harakat qilsa. Chunki, bola bunday holda aybida ortiqroq jazoga tortilib qolsa, jazo aks ta'sir etishi, aybining ochilib qolishiga o'rganib, xatoga jur'atli bo'lib qolishi mumkinligini aytadi.[6,36]

Bolalikning uchinchi davri (8-12yosh)da bola ko'p vaqtini maktabda o'tkazadi. Bunda ota-onalar va o'qituvchilar bola tarbiyasiga birday javobgardirlar. Ota-onalar bolaning yoshligini ta'minlab, o'z qiziqishlari bilan shug'ullanishiga imkon yaratib bersalar, shuningdek, ma'naviy ozuqa manbasi bo'lmish kitoblarni o'qishga ko'proq jalb qilish lozim bo'ladi va bu ozuqani kim bilandir hazm qilish lozim. Ayni vaqtida ota-onalar bosh-qosh bo'lsalar, qachondir bu ularning e'zozlanishiga sabab bo'ladi. Zero, g'oyaviy, ma'naviy tarbiya o'z kuchini yillar davomida ko'rsatadi, faqat bu tarbiya uzviy singdirilib borilsagina.

O'smirlik davri (13-16 yosh) ancha murakkabroq bo'lib, bu davri o'tish davri hisoblanadi. Aynan shu yoshda suitsid holatlari talaygina. Bunga sabab bolaning ma'naviy ozuqasi yetishmasligida. Bu davrda bo'sh vaqtlar kamroq bo'lsa (ko'proq bandlik ta'minlansa), ortiqcha hayollardan holilikka erishiladi. Aynan shu davrlar farzand uchun tarbiya dasturi tizim sifatida shakllanadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, biz yashab turgan zamon va makonda loqaydlik, tarbiya borasidagi tajriasizlik, ilmsiz jamiyat tarraqiyotini beqarorligiga, tanazzuliga sababchi asosiy omildir. Komil insonlarni tarbiyalar ekanmiz, avvalo ularni o'zligini anglatishdan boshlanadi. O'zlik "yot" g'oyalarda emas, ma'naviy, milliy, axloqiy, ilm bilan yo'g'rilgan ma'rifiy g'oyalarda shakllanadi. Bu g'oyalarning ma'naviy merosimiz, badiiy adabiyotimiz, tariximizda, ilmiy asarlarimizda bong urib yetibdi. Buni eshitish uchun uni o'qib tahlil qilish, tafakkurni boyitib, undan xulosa chiqarish lozim.

#### **Adabiyotlar ro'yxati:**

1. "Ittimoiy barqarorlikni ta'minlash – muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi" ilmiy-amaliy anjuman materallari. Toshkent. 2018-yil.
2. Abu Homid G'azzoliy. "Ihyou ulum id-din" Qalb. Toshkent. Mavarounnahr. 2008. 84-85- betlar.
3. Abu Homid G'azzoliy. "Ihyou ulum id-din" Qalb. Toshkent. Mavarounnahr. 2008. 84-85- betlar.
4. Abu Homid G'azzoliy. "Riyozat un- nafs". Toshkent: Mavarounnahr. 2006. 35-39- betlar.
5. Abu Homid G'azzoliy. "Ihyou ulum id-din" Qalb. Toshkent: Mavarounnahr. 2008. 109- bet.
6. Abu Homid G'azzoliy. "Riyozat un- nafs". Toshkent: Mavarounnahr. 2006. 36- bet.

### **ЁШЛАР МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИННИ ЎҚСАЛТИРИШДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИННИНГ АҲАМИЯТИ ("Маҳбуб ул-қулуб" асари мисолида)**

Турсунов Б.,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Кўп асрлик миллий ва диний қадriятларimizni асраб-авайлаш, дунё илм-fani ва madaniyati rivojiga ulkan xissa қўshgan ajddodlарimizning beba xo merosini urganiш, uning asosida ёшларни komil inson etib tarbиялаш жamiyatda barkaror ijtimoiy-maъnaviy muхитni taъminlashning muхim shartlariдан biri xisoblanadi.[1] Shu nukta nazaridan қaраганда, ҳazrat Alisher Navoyning maъnaviy merosini, xususan, uning "Maҳbub ul-кулуб" (Қalbga maҳbub xikmatlar va xikояtlar) [2] asarini чуқур тадқиқ этиш ва mazmun-moҳiyatini keng жамoатчиликка, xususan, ёшlarغا etkaziш катта ilmий aҳamияt kасb этади.

“Маҳбуб ул-кулуб” асарида мутафаккир жамият ҳаётини юксалтириш, уни тўғри йўлга солиш ва шахс маънавиятини тарбиялаш каби армонларини ифодалайди. Инсонларни, айниқса ёшларни огоҳликка, ҳаётда ўрнак сифатида кимга эргашиш масаласида адашмаслиkkа чақиради ҳамда ўзининг аччиқ ҳаёт тажрибасига асосланган қимматли панд-насиҳатларини баён қилади.

Жумладан, инсон табиатидаги қусурлардан покланиш йўллари ҳамда комиллик сари юксалиш воситалари сифатида адолатпарварлик, тўғрилик, ҳаллолик, саҳоватпешалик, мардлик, ростгўйлик, эзгулик, яхшилик, бағрикенглик кабиумуминсоний қадриятларни улуғланади ва ёлғончилик, тамагирлик, пораҳўрлик, очкўзлик, инсофизилик, диёнатсизлик, бузғунчилик каби иллатлар кескин танқид қилинади.

Асарнинг “Халойиқнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг кайфияти ҳакида” деб номланган дастлабки қисмида кишилик жамиятини ташкил этган табака ва тоифаларнинг феъл – атворига хос бўлган жиҳатлар кирқ фаслда тавсифланади. Жамият ҳакида ўқувчида яхлит тасаввур уйғотиши мақсадида тижорат аҳли, мунажжимлар, дехқонлар, навкарлар, шайхлар, дарвишлардан тортиб, вазиру подшоҳгача ҳар бирининг аслида қандай фазилатларга эга бўлишлари талаб этилиши ва ўша даврда уларнинг табиатларида зохир бўлган қусурлар ҳам санаб ўтилади. Мутафаккир жамиятдаги бундай мураккаб иерархик погоналанган структурали жараёнларни очишида “мураккабликдаги оддийликни топиш” тамойилидан фойдаланган. Чунки, Алишер Навоийнинг мазкур жараённи жуда оддий ва тушунарли қилиб тасвирлаб берганлиги, унинг тил имкониятларидан нақадар маҳорат билан фойдалана олганлиги, юқоридаги синергетик (синергетика - қадимги грек тилидан *sinergeia*, яъни ҳамкорликдаги фаолият маъносини англатади, фанлараро илмий тадқиқотлар йўналиши бўлиб, унинг асосий вазифаси табиат ҳодисалари ва ижтимоий жараёнларни тизимнинг ўз ўзини ташкиллаштириши асосида ўрганишидан иборат-Б.Т.) тамойилни амалда кенг кўллай олганлигининг исботидир.

Хусусан, асарнинг одил (*адолатли*) подшоҳлар зикрига багишлиланган фаслида “Одилу оқил подшоҳ Оллоҳнинг ердаги сояси” эканлиги, одил подшоҳнинг даражасига таъриф ожизлиги, бир соатлик адолат икки дунё (*инсонлар ва жинлар*) ибодатидан афзалроқлиги, адолатли шоҳ ҳалқни рози қилса, Ҳақ (Оллоҳ)нинг розилигини топишини башорат қиласи. Навоий ҳукмдорлар мисолида кенг оммага мурожаат қилиб, барчани адолат-парварликка чақиради. Юрт тинчлиги, жамият равнақи ва ҳалқ фаровонлигини таъминлашда адолатпешаликнинг муҳимлигига оид ҳаётий далиллар келтиради. [2; 14 б.]

Асарнинг “Яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида”ги ўн бобдан иборат иккинчи қисмида тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозе, одоб, зикр, таважжух, ризо, ишқ каби ўта мураккаб эзгу амаллар содда ва тушунарли тарзда шарҳланади. Инсон ўзини англаш асосида феъл-атворидаги иллатлардан покланса, яхши хулқ ва фазилатларни ўзлаштиrsa, ҳаётда яхшилик ва тўғриликни ўзига шиор қилиб яшаса, унинг зоти албатта комиллик сифатлари билан безатилиши башорат қилинади.

Мутафаккир тавба (*айбига иқрор бўлиши; гуноҳлари учун кечирим сўраб ёлвории*) зикрида “ҳақиқий тавба ёмон феъллар туфайли келадиган балонинг олдини олмоқдир ва тангри берган тавфиқ (*ёрдам, мадад, иноят*) туфайли у феъллардан қутулмоқдир. Тавба бахтсизлик йўлининг охири ва ҳидоят йўлининг бошланишидир. Тавба такаббурлик гафлатидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойик аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ ва кўзга қўринмас ярамасликларни ҳис қилмоқ ва нокерак даъвалардан кечмоқ ва қабиҳ амаллар шармандалиги ва расвогарчилик туфайли келадиган хижолатдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба инсонга хос саркашликдан воказиф бўлмоқ. Инсонни тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан (*ёмонлигидан, бузуқлигидан*) ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир”, деб ёзади. [2; 64 б.]

Навоий наздида киши Худонинг инояти билан ўзини англаши асосида ҳаёти давомида қилинган ножоиз амаллари учун тавба келтириб, уларни такрорламаслиkkа ҳаракат қиласи. Феъл-атворидаги мавжуд қусурлардан, нафс балосидан ва бошқа беҳуда даъвалардан кутилиш фурсати келганлигини тушуниб етади ва улардан фориг бўлиб, мукаммаллик сари юзланади.

Асарнинг “Ҳар хил фойдали маслаҳатлар ва мисоллар (ҳикматлар, танбеҳлар)” деб номланган учинчи қисмида келтирилган 127 та танбеҳларда муаллиф инсонларда учрайдиган манманлик, мактансоқлик, жоҳиллик, худбинлик, такаббурлик, фосиқлик, баҳиллик, ҳасадгўйлик, ёлғончилик, қўполлик, чакимчилик, бадфеъллик, баднафслик, бадқовоқлик, нодонлик, вафосизлик, андишасизлик, майхўрлик, тамагирлик, ношудлик каби иллатлардан уларнинг соҳибига ва бошқаларга етадиган зарар ва оғатни, шунингдек, бундай қусурлардан кутилишнинг нажот йўллари камтарлик, донолик, инсонпарварлик, яхшилик, саҳоватлилик, олийжаноблик, мардлик, мурувватлилик, вафдорлик, мулойимлик, саодатмандлик, дўстлик, шириңсўзлик, тақводорлик,

урзохлик, хушфеълик, қаноатлилик, сабрлилик, хотиржамлик каби фазилатларни ўзлаштиришдан иборатлиги айтилади.

Жумладан, мутафаккирнинг саховатлилик, ҳимматлилик, сахийлик тўғрисида билдирган фикрлари эътиборга молиқдир, - “саховат фақат ҳиммат аҳлида бўлади ва бу улуғ сифат покиза кишиларга хосdir. Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдир, аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир. Истроф қилиш саховат эмас, ўринсиз совиришни ақлли кишилар сахийлик демайдилар. Тилагандан сўнг бериш ҳам саховатдан эмас, қистов натижасида бергандан кўра бермаган яхшироқдир. Битта кулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга берганни сахий деб, ўзи емай ҳаммасини муҳтож одамга берганни ахий (*ошина, биродар, дўст; Ахий - XII-XIII асрларда Онадўлида вужудга келган “ахийлик” диний-ижтимоий ҳаракати аъзоси бўлиб, уларнинг олий мақсади одамларга хизмат қилиши, муҳтожс ва мискинларга ёрдам беришдан иборат бўлган-Б.Т.)деб билгин*”, деб ёзганлари Навоий даҳосининг нақадар улуғлигини кўрсатади.[2; 107-108 б.] Мутафаккир сахийликни улуғлар экан, унинг меъёрида бўлишини маъқуллайди. Эҳтиёждан ортиқ қилинган саховатни ўринсиз совириш, истроф қилиш эканлигини айтиб, ундан тийилишга чақиради, саховат ва истрофгарчиликнинг аниқ чегараларини кўрсатиб беради.

Хулоса қилганда, Алишер Навоий маънавий меросини, хусусан, унинг“Маҳбуб ул-кулуб” асарини илмий асосда ўрганиш, ҳаётда мутафаккир васиятларига оғишмай амал қилиш инсонни ўз ўзини ташкиллаштириш орқалимаънавий-ахлоқий жиҳатдан такомиллашувида ва жамиятда ўзининг мунособ ўрнини топишида йўлчи юлдузбўлиб хизмат қиласи. Инсонларни ўзидағи ёмон хислатлардан воз кечиш ва эзгу сифатларни ўзлаштириш орқали комиллик сари юксалишга чорлади.

#### АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги“Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонфармони./lex.uz/docs/3686277
- 2.Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб (Қалбга маҳбуб ҳикматлар ва ҳикоятлар). –Тошкент: “Sano-standart”, 2018. 189 бет.

### ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МИЛЛИЙ, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҲАҚИДА ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Алиқулов Ҳ.А.

СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти в.б., фалсафа фанлари номзоди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ миллий қадриятларни қайта тиклаши билан бирга умуминсоний қадриятларга содиқлигини, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда, баркамол авлодни шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларга таянишини эълон қилди. ”Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшиничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқ-да. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тик-лаш, уларга янги мазмун бағишилаши, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, вижедон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топти-ришга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратишидир. Шу билан бирга халқнинг айниқса ёшларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаши ва юксалтиши–Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”.

Мустақиллик туфайли тобелик ва қарамлиқдан озод бўлган давлатимиз ички ва ташки сиёсатда ҳеч кимнинг аралашуви, тазиқи ва кўрсатмаларисиз халқ манфаатларини кўзлаб иш юритмоқда. Мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий гуур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди.

Биз бугун миллий, умуминсоний қадриятлар ҳақида гапирад эканмиз яқин ўтмишмимизга назар ташлайласак, 1988 йили ЎзСЭ Бош таҳририяти чоп этган 50 минг сўзлик «Ўзбекча-руслча лугат»га ҳам «қадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби тушунчаларнинг кирит-маган.Шуниси борки, ҳатто баъзи русча – ўзбекча лугатларда ҳам «қадрият» сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «ижтимоий – сиёсий терминлар лугатида» «ценность» сўзининг тўртта маъноси алоҳида лугат мақоласи тарзида белгиланганни ҳолда уларнинг бирортаси «қадрият» маъноси ўз ифодасини топмаган.

Хўш, сабаби нимада? Бизни фикримизча, бундай вазият ўз-ўзидан ёки тасодифий туғилгани йўқ. Бу мустабит тузумнинг минтақамиз халқарини ўзларининг кўп асрлик тарихи, бой ва ноёб миллий мероси, қадриятлари, маънавиятидан жудо этиб, манқуртларга айлантиришга қаратилган сиёсати натижасидир.

Ҳукмрон сиёсат тарафдорлари «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий ғуур» “қадрият”каби атамаларни кишида миллатчилик кайфиятини уйғотадагин тушунчалар деб баҳоладилар ва уларни ифода этувчи маҳаллий миллат вакилларини миллатчиликда айланиб, тазиқ остига олинган. Шунинг учун миллий маънавият ва хурфиқрилигини мадҳ қиласиган тушунчалар кўп йиллар давомида ижтимоий – сиёсий, маънавий-мағфӯравий ҳаёти-мизда ишлатилмай келинди. Ҳатто уларни миллий сўз бойлигимиздан чиқариб ташлаш хавфи туғилди.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир каторда, илгари тақиқланиб келинган кўпгина миллий тушунчалар ҳам ҳаётимизга қайтарди.

Хўш, қадриятлар тушунчасининг ўзи нима? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало шуни қайд этиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчага турлича ёндашувларни учратишими мумкин. Масалан, «Файлласуф энциклопе-дияси»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуидагича тавсифланади: Қадрият-лар ичida энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётда муҳим бўлиш бошқа барча қадриятлардан фойдаланишини йўққа чиқаради, қолган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир. Инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади дейилган. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати хакида сўзлаш беъманилиқдир. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади Ёшлар онгида ахлоқий қадриятлар шакллантириш учун:

1. Ватанга, ота-онага хурмат, муҳаббат тушунчаларини ва тасаввурларини кенгайтириш;
2. Бурч, виждон, инсоф ҳақидаги тасаввурларни вужудга келтириш;
3. Ўртоқлик, дўстлик ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш;
4. Табиатнинг нозик нафис гўзалликларини кўриш, ҳис этишини ривожлантириш.

**Миллий қадриятлар** халқимизнинг тенгизиз бойлигидир. Уни авайлаб-асараш, ривожлантириш, бойитиши мұқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. Ўзбекдиёрида, тарихда кўп марта бўладиган яна янгидан ўзимизни бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз тизими барпо этилмоқда.

**Умуминсоний қадриятлар** миллий ва минтақавий қадриятлардан мазмун жиҳатдан чукур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб эта-ди. Умуминсоний қадриятлар жаҳондаги барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувоғиқ келади. Улардан энг асосийлари ер юзида илм фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, ядрорий қуролларнинг пойгасини тўхтатиши, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка бар-ҳам бериш, саноат ҳом ашёси, энергия манбалари ва озиқ овқат билан таъминлаш, коинотни ва жаҳон океани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз томонидан яратилган бадиий, маънавий асарлар ҳар қанақа дур-у жавоҳирлардан ҳам қимматлироқ бойликдир. Умуминсоний қадриятлар сарасига кирадиган дўстлик ҳакида Кайковус, аввало, инсон дўстсиз бўлгандан кўра, биродарсиз бўлгани дурустдир, дейди. Икки-юзламачи киши билан дўст бўлмаслик; ёлғончи киши билан муомала қилмаслик; муҳтож бўлган одамни ҳожатини чиқариш, кечиримли бўлиш, кичикларга меҳрибон бўлиш; каби ҳаётий тавсиялари бугунги кунда ҳам қадрлидир.

**Минтақавий қадриятлар** иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарақ бўлган халқлар манфаатлари-га хизмат қиласиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуаси ташкил этади. Эрамиздан олдин Афинада ижтимоий – сиёсий, хукуқий тафаккур тарихида биринчи бор «инсон-олий қадрият» деб кўрсатди. Буюк мутафаккир Суқрот эса «қадрият нима?» деган саволга «ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши» деб жавоб берди. Бу борада Беруний билим умуминсоний қадриятларни ўрганишнинг қалити эканлигини алоҳида таъкидлайди. Алишер Навоий наздида одамгарчиликнинг энг юксак белгиси сахийлик ва ҳимматдир. Юксак инсонийликнинг ўлчови бу виждан ҳисобланади.

Бизнингча, миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамлана-ётган ҳозирги шароитда миллий қадриятларининг ўрни ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётир. Бу боада Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25-йиллигига сўзлаган нутқида: "Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, Хотин-қизлар кўумитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб ташкилотлар ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бугун барчамиз учун хаётий муҳим вазифадир", деган сўзлари давлат сиёсати ҳамма тарбия билан ишлайдиганлар учун дастурриамал бўлиб қолиши керак.

Хулоса килиб айтганда умуминсоний қадриятлар жамият ривожига ва уни негизи, миллатнинг тарихий тарақкиётига эришилган мувафаққиятларини авлоддан етказувчи кудратли омилдир. Бу миллий қадриятлар ёшлар онгига ахлоқий тарбияни шаклланишига хизмат килади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25-йиллигига сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи, 25.01.2017.
2. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, II жилд. –Т.:1963.35-б.
3. Абу Али Ибн Сино. Ахлоқ, таълим тарбия ҳикматларидан. –Т.:135-137 б.
4. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош Ред., -Т.: 1977.155-2

### **ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Бердикулов Ч.**

**СамВМИ “Гуманитар фанлар, жисмоний  
маданият ва спорт кафедраси” ўқитувчиси.**

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти глобаллашув жараёнлари авж олиб, инсонлар онгини эгаллашга уринаётган бир даврда яшамоқдамиз. Албатта, бу жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлаётгани йўқ. Чунки XX асрнинг 80-йилларда фан-техника тараққиётида катта ўзгаришлар юзага келди, жисмоний меҳнат ўрнини ақлий меҳнат эгаллай бошлади, яъни сунъий интеллект (сунъий ақл) такомиллаша бошлади. Бу эса, ўз навбатида ахборот олиш ва узатишни осонлаштириди, демоқчи бўлганимиз бугун барчамиз ахборотлар оламида яшамоқдамиз. Миллатимиз, айниқса, ёшларимиз ўша кенг кўламдаги ахборотлардан фойдаланишда нималарга эътибор бериши керак, биз баркамол авлодни тарбиялашда, диний ва дунёвий қадриятлар қандай аҳамиятга эга, эканлиги хусусида фикр юритамиз. Негаки, инсониятнинг кўп мингийиллик тарихи ва тажрибаси шундан далолат берадики, қадриятлар ҳар бир миллат ва давлатларнинг ўзлигини англатиб тургувчи мезони бўлиб ҳисобланади. Ва бунга ўз салбий таъсирини ўтказиб турувчи кучлар, кўролмайдиган кимсалар ҳам азалдан мавжуд бўлган. Мана шундай тажовузкор кучлардан бири “диний экстремизм”дир. “Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт, диний ташкилотлардаги ўта мутаассиб гурухларнинг ашаддий реакцион, динни никоб қилиб олган, унинг қонун-қоидаларига мафкуравий тус бериб, ундан ўзларининг стратегик геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида фойдаланишга қаратилган диний-сиёсий ходиса”. [1. 291-бет] Ёшлар бизнинг келажагимиз экан, бир соҳада эмас балки ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, диний ва дунёвий билимларни эгаллаши, айниқса, тарихимизни чуқур билиши керак бўлади. Тарихимизни билиш орқали эса кўп мингийиллик қадриятларимизни, урф-одатларимизни билиб олади. Чунки қадриятлар ҳам ўзидан ўзи пайдо бўлмайди. Бунинг замирида ота-боболаримизнинг улкан заҳматлари ётиби. Жаҳон илм-фанига, маънавиятига улкан ҳиссасини қўшган буюк сиймоларимиз диний ва дунёвий билимларни мукаммал билган ва тўғри талқин қилганлар. Хусусан, муқаддас ислом динимиз ҳам Арабистонда вужудга келган бўлса ҳам унинг ривож топиши асл моҳияти бизнинг юритимида тушунтириб берилиган. Жумладан И мом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, И мом Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби ислом оламининг буюк намоёндаларининг хизматлари катта бўлган. Хусусан, И мом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳақида “Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга қўшган бетакор ҳиссаси тўғрисда сўз юритганда, энг аввало, - дейди биринчи президентимиз Ислом Каримов – ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган И мом

Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами - “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Куръони Каримдан кейинги иккинчи мұқаддас манба бўлиб, ахли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи хисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда.[2.55-бет] Деган сўзларида ҳам сиймоларимизнинг ислом оламидаги накадар теран тафаккур соҳиби эканлигидан далолат берса, яна бир буюк сиймомиз Амир Темур бобомизнинг Марказий Осиёда йирик марказлашган давлатга асос солганилиги, диний ва дунёвий билимлар равнақ топганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳақида файласуф олим Иброҳим Мўминовнинг таъкидлашича, соҳибқирон Амир Темур илм-фан, адабиёт ва санъат фидойиларини қадрлар, хусусан, риёзиёт, ҳандаса, меъморлик, география, адабиёт, тарих, тиббиёт, мусика, геология ва дин соҳасидаги соҳиби ҳунарлар билан сұхбатлашишни, баҳсласишишни, улардан фикр-маслаҳат сўрашни ўзи учун фарз деб билган. Замондош тарихчиларнинг эътироф этишича соҳибқирон Темурнинг энг характерли хусусиятлари – давлат, мамлакат ва фуқаролар ҳақида ғамхўрлик қилиш бўлган. Жаҳонгирлик қоидаси эса ҳақиқат-сихат саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат-адолат деб тушунилган. [3. 44-бет] Демак ота-боболаримизнинг ҳам маънавий, ҳам моддий қадриятларни яратишда улкан меҳнатларининг борлигини унутмаслигимиз ва уларга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз бўлиши лозим. Бугун юртимиздаги имкониятлар бошқа давлатларда ҳам борлигини ишонч билан айтиш қийин. Негаки, ҳалқимиз азал-азалдан илм маърифатга интилган, оила ва фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Ўз даврининг етук уламолари бўлишган, улар бугунги кунда ҳам бутун дунё томонидан ўқилади, ўрганилади. Биз ёшлиаримизни мустақил фикрлайдиган, аниқ бир мақсадга эга бўлган ҳаётда тўғри йўлни танлашда адашмайдиган диний ва дунёвий қадриятларимизга содик бўлган баркамол авлодни вояга етказишимиз, бунинг учун эса қадриятларимизнинг ўрни бекиёс даражада катта эканлигини унутмаслигимиз керак. Яъни, биз тарбияламоқчи бўлган “Баркамол авлод” ҳар тамонлама етук, теран тафаккур, ўткир мушоҳадали узоқни кўра-биладиган мустақил фикрига эга, ёшлиар бўлиши, бошқалар олдида, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигни яна ва яна исботлашимиз керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай тарбиянинг замирида ота-боболаримизнинг буюк, моддий ва маънавий меросининг ўрни катта, фарзандларимизни бундан айри ҳолда тарбиялаб бўлмайди. Чунки фарзандларимизни баркамол авлод қилиб тарбиялашда, уларни ўз кучига қобилиятига ишонтиришимиз, бунинг учун эса маълум бир асосларимиз бўлиши керак. Ҳар қандай инсонга ҳам ўз-ўзидан сен ундан бўлишинг керак, бундай бўлишинг керак деган билан бирон бир натижага эришиб бўлмайди. Керак бўлса, бу гапларни айтишга бизнинг ҳам ҳаққимиз йўқ. Дунёда қайси миллат ёки ҳалқ бўлмасин қадриятларини ўрганмаган уни таълимда, тарбияда қўлламаган бўлса, ўша ҳалқ албатта таназзулга учрайди, маънавий парокандалик авж олади. Ҳалқнинг норозилиги кучаяди. Буни яқин ва узоқ тарихдан ҳам яхши биламиз. Оллоҳга шукурки бугун юртимиз ҳар соҳада дунё ҳавас қиласиган ислоҳотларни амалга оширмоқда, ҳалқимиз “БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи маркази The World Happiness Report 20 март бутунжаҳон бахтиёрлик куни олдидан “Баҳт индекси”ни эълон қилди. Унда дунёнинг 156 давлати аҳолисининг ҳаётига баҳо берилган. Хисобатга кўра МДҲ мамлакатлари орасида ўзбекистонликлар биринчи ўринда экани маълум бўлди. Юртимиз жаҳондаги энг баҳтили 50 мамлакатдан бири сифатида эътироф этилди ва 44-ўринни эгаллади”[4.63-бет] натижалар албатта қувонарлидир, лекин биз бу кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб қолмасдан, буни улкан маъсулият деб қарашимиз, буни барчамизнинг бурчимиз деб билишимиз керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга багишланган илмий-оммобоп қўлланма. - ТОШКЕНТ “МАЪНАВИЯТ” 2019 291 бет
2. Ж.Я. Яхшиликов, Н.Э. Муҳаммадиев. Миллий ғоя ва мафкура. – Т.: Фан, 2015. 55-бет.
3. Г. Ниёзов, Қ. Ахмедов, Қ. “Тожибоев Шарқ алломалари ва маърифатпарвар адиларининг баркамол авлод тарбиясига оид маънавий-ахлоқий қарашлари”. – Т.: “Ўзбекистон” – 2010. 44-бет
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга багишланган илмий-оммобоп қўлланма. – Т.: “Маънавият” 2019. 63 бет

**ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТҮЙГУСИ МАСАЛАЛАРИ**  
**Ҳамраев Сирожиддин**  
**ЎФМЖ эркин тадқиқотчиси,**

Ҳозирги даврга келиб мамлакатимизда жамият ҳаётини янгилашда жараёнда барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда янгиланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилинди. Кейинги йиллардаги ўзгаришлардан кўриниб турибдики, янги жамият қуриш ислоҳотлари тобора чукурлашиб бормоқда, улар ривожланган давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг барча йўналишлари ва турли жиҳатларини қамраб олмоқда.

Ушбу масалалар ҳар томонлама ва чукур таҳлил қилинган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб, ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб бергани билан ниҳоятда муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.[1] Ушбу стратегиянинг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари жамиятимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори, фуқароларда юксак даражадаги миллий ифтихор туйғусини шакллантириш омилларига нисбатан эътибор янада кучайиб бораётганидан далолат беради.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараённида давлат бошқарув тизимидағи институтлар, тузилмалар фаолиятида фуқароларнинг фаол иштирокининг кенгайиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари томонидан бошқарувни эркинлаштириш ва номарказлаштириш жараёнлари янги қиёфадаги жамиятини қуришга имкон беришидан ташқари фуқароларда миллий ифтихор туйғусини мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратади, ҳар бир инсоннинг ўзлигини намоён этиши учун пухта замин ҳозирлади.

Бундай шароитда бошқарувни адолат тамойиллари ва масъуллик ҳисси асосида ташкил этиши миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири сифатида янада муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида, миллий ифтихор туйғусининг ошиб бориши фуқаролар зиммасига янада кўпроқ масъулият юкланганини англашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам мустақиллик даврида аҳолининг барча қатламларида миллий ифтихор туйғусини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур жараёнлар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ислоҳотларнинг негизига айланди. Шунингдек, фуқаролик жамияти қуришга доир ислоҳотлар ҳам ўз ўрнида миллий ифтихор туйғуси мазмунига ҳам сезиларли таъсир кўрсата бошлади, унинг моҳияти тизимиға кўплаб умуминсоний қадриятлар кириб кела бошлади.

Мустақиллик даврида миллий ифтихор туйғусини янада ошириш масаласини энг долзарб вазифалардан бири даражасига кўтариб, уни ҳал этишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга муҳим эътибор қаратиб келинаётгани асло бежиз эмас. Айни пайтда, бу даврда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга доир ҳуқуқий асослар ҳам ривожлантириб борилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа ҳуқуқий меъёрий хужжатларнинг ижросини амалга ошириб бориш асосида муайян институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Қонунлар ва турли низомларда миллий ифтихор туйғусини самарали шакллантириш ва уни такомиллаштириш муаммоси ечимларини топиш бу соҳадаги ислоҳотларнинг доимий дикқат марказида турди.

Мамлакатда аҳолининг миллий ифтихор туйғусини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратиб келинаётгани давлат органлари ва фуқаролик институтлари тузилмаларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида бошқарувни эркинлаштиришга доир ислоҳотлар ўтказилишини тақазо этгани сир эмас. Бу жиҳатдан, ҳокимликлар, вазирликлар ва бошқа органлар ходимлари масъулиятини ошириш бу ислоҳотларнинг устувор йўналиши эканлигидан келиб чиқиб, унинг ташкилий, қонунчилик ва улар фаолиятини назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Албатта, миллий ифтихор туйғусини янада ошириш масаласи демократик ислоҳотлар даврида тезда ўз ифодасини топадиган соҳа эмаслиги жаҳон тажрибасида ўз исботини топган. Баъзи олимлар бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилганида кутилган натижаларни бериши мумкинлигига доир таклифларни илгари сурмоқда. Маълумки, ҳозирги даврда миллий ифтихор туйғусини янада

ошириш тизими ўзининг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари ва жамият ҳаётидаги вазифаларининг моҳиятини англаш масаласига юзаки ёндашиш ўзининг самарасини бермаслиги у ёқда турсин, ҳаттоки, бу соҳани такомиллаштиришнинг янги шакллари ва усусларига ўтишнинг ҳам имкони бўлмай қолади. Шу сабабли ҳам ушбу масалага доир илмий тадқиқотларни ривожлантириш, уларга мувофиқ равишда тадқиқотчилар масъулиятини оширишнинг амалий чоралари ва механизмларини шакллантириш мухим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган бундай ишларнинг барчаси аслида, жамиятимиз аъзоларининг истиқололга хос ва мос келадиган тафаккурга эга бўлиши, мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта бориши билан боғлиқ мухим масалага қаратилгани шубҳасиз. Бугунги кунда миллий ифтихор туйғусини янада ошириш тизими такомиллашуви жараёнини маънавий ҳаёт ўзгаришлари динамикасини таъминлаш ўйналишидаги фаолият билан уйғунлаштириш бу борадаги ўзгаришларининг асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Хуллас, ҳозирги даврда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнини фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш, нафақат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар, балки маънавий-маърифий ва ижодий соҳаларга ҳам бевосита таалуқли бўлаётгани яққол кўриниб турибди. Бундан ташқари, демократик янгиланишларнинг фаоллашуви маънавият, маърифат, бадиий ижод соҳаларига давлат эътиборини кучайтирди, бу борадаги ўзгаришларга миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга катта таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида қарала бошланди. Шунга мос равишда оммавий ахборот воситаларининг, тури ва сони ортиб бормоқда, нашриётлар, газета ва журнallар кўпаймоқда.

Айни пайтда ушбу ўзгаришларга мос ижтимоий-сиёсий янгиланишларни ифодалайдиган янги ва замонавий тузилмаларни такомиллаштириш, миллий ифтихор туйғусинининг ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларидаги бундай серқирра жараёнда нафақат ижтимоий даражада, балки шахсий даражада ҳам маънавий баркамоллик ва миллий ифтихор туйғуси ўсиши учун мухим аҳамиятга эга бўлмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». - Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2017
2. Мирзиёев Ш.М. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз». - Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асрлар. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. 478 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси, 2017-2021 йилларга мўлжалланган харакатлар дастури. - Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
5. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 28 январь.

## **ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Суннатиллаев А.С.**

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Фольклор ва этнография” кафедраси ўқитувчиси.**

Халқ маданияти ва маънавиятининг энг қадимий кўриниши бўлган фольклор намуналарида ўша халқнинг турмуш тарзи, ҳаётий тажрибаси, ютуқ ва муваффакиятлари акс этади. Шу боис у асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, ёшлар тарбиясида “ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаб келмоқда. Халкона рух, бетакор самимияти ва қадимий маданиятимизнинг гўзаллигини намоён этувчи фольклор чинакам маънавий хазина, туганмас булоқ сингари асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитиб, онгу тафаккури ва ҳис-туйгуларини теранлаштириб келган. Асрлар давомида шакллантириб ва ривожлантириб келинган анъана ва маросимларда Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, ота-онага ва қарияларга ғамхўрлик, меҳмондўстлик, қон-кариндошлиқ ва ўзаро ёрдам, оила шарафини ва аёллар шаънини сақлаш, ҳаётдан кўз юмган узоқ-яқин кишилар хотирасини ёдга олиш каби ижтимоий хусусиятга эга бўлган қадриятлар мужассамлашган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг маънавият ва маърифат ҳамда маданиятимизни ривожлантириш йўлида олиб бораётган сиёсатидан келиб чиқиб, миллий руҳни

ўзида асрлар бўйи ортмоқлаб келаётган, қадимий анъаналарни бугунги кунда кўз-кўз этаётган, ўз ортидан миллионлаб кишиларни эргаштираётган ҳар томонлама ибрат мактаби бўлиб, омма меҳрини қозонаётган, ёшлар қалбига маънавият уругини сингдираётган ижодкорлардан бири бу - фольклор-этнографик жамоаларидир. Бугунги кунда фольклор-этнографик жамоалари халқимизнинг қадимий анъаналари, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлашда, уларга сайқал бериб, яна халқимизнинг ўзига қайтаришда жонбозлик ва фидойилик кўрсатувчи ижодий лаборатория вазифасини ўтаб келмоқда.

Инсон қайси жамиятда яшамасин, у турли моддий ва маънавий қадриятлар қуршовида бўлиб, ўз турмуш тарзи, муносабати ва хатти-харакати, хулқ-одоби ва урф-одатларини намоён этади. Одам ибтидосидан бошлаб сон-саноқсиз қадриятлар оламида яшаб келмоқда. Умумбашарий, миллий ва шахсий қадриятлар мажмуаси мавжуддир. Қадрият “инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”дир. [4; 89 б.]

Маънавий-ахлоқ қадриятларнинг жамият, халқ ҳаётида тутган ўрни бекиёсдир. Бунда айниқса, умуминсоний қадриятлар алохиди ўрин тутади. Умуминсоний қадриятлар сермазмун ва серкирра бўлиб, ижтимоий маъно касб этади. Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан ҳар бир шахсга хос бўлган қадриятларни боғловчи халқалардан бири, жамият ва унинг фуқароларини комилликка йўналтирувчи ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили миллий, маънавий ва ахлоқий қадриятлардир.

Ўзбек халқининг миллий қадриятларига асосланган урф-одатларимизнинг моҳиятини ёшларга ўргатишида, улар қалбida меҳр ва мурувват чечакларини ундириб-ўстиришда фольклор-этнографик жамоалари дастурларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Сўнгги йилларда фольклор-этнографик жамоалар репертуарида миллий қадриятлар ва анъанавий маросимларининг воситаси бўлмиш меҳр-мурувват, саховат ва инсоний фазилатларни акс эттирувчи саҳна кўринишлари шаклланди. Юзага келган ижодий эркинлик, руҳий янгиланиш фольклор асарларини ҳаётга янада кенг тарғиб қилиш жараёнини бошлади. Масалан, халқимиз бадиий салоҳиятининг энг гўзал намуналарини ўзида мужассамлаштирган умумхалқ шодиёнаси – Наврўзи олам билан боғлиқ қўшиклар, удумлар ва маросимлар қайта тикланди. Наврўз байрамининг келиб чиқиши тарихи, тараққиёт босқичлари, унинг таркибидағи фольклор асарларини бадиий хусусиятлари, байрамни ўтказилиши билан боғлиқ локал рӯёбга чиқди. “Йил боши”, “Қозон тўлди”, “Сумалак пишириш”, “Ҳашар уюштириш”, “Лола сайли”, “Гул сайли” каби ўзлигимизни тараннум этувчи қадимий удумларимиз яна ҳаётга қайтди.

Асрлар давомида шакллантириб ва ривожлантириб келинган анъана ва маросимларда Ватанга муҳаббат, катталарга хурмат, ота-онага ва қарияларга ғамхўрлик, меҳмондўстлик, қон-қариндошлиқ ва ўзаро ёрдам, оила шарафини ва аёллар шаънини сақлаш, ҳаётдан кўз юмган узоқ-яқин кишилар хотирасини ёдга олиш каби ижтимоий хусусиятга эга бўлган қадриятлар мужассамлашган.

Фольклор-этнографик жамоалари қаерда ташкил қилинган бўлса, ўша ерлик халқнинг миллий анъаналарини, оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлашда, унга сайқал бериб, халқнинг ўзига қайтаришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳридаги «Бувижонлар» фольклор-этнографик халқ жамоаси дастуридан жой олган «Болангизга алла айтинг оналар» мавзуидаги дастурида меҳр-мурувват тушунчалини она алласи орқали тараннум этилган. [1; 316.] Аллада илтижо-ю сехр, меҳр колаверса, бу дунёда энг нозик хис-туйғулар, эзгу тилаклар мужассам. Чунки, она алласигина жажжи чақалоқнинг қалбига меҳр-мурувват, муҳаббат, оқибат, иймон ва инсоф туйғуларини сингдира олади. Она алласидан баҳраманд бўлган юртимиз ёшлари момолари, ота-боболари яратган қадриятларига меҳр кўйиб, улар анъанасини давом эттирадилар. Бундан ташкари жамоода «Сумалак сайли», тўй маросимлари билан боғлиқ удумлар «Келин салом», «Бешик тўйи» каби бир қатор дастурларидан қадимий урф-одат ва анъаналаримиз ўз ифодасини топган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фольклор этнографик жамоалари фаолиятида юксак инсоний фазилат бўлиши меҳр-мурувватни акс эттирувчи фольклор саҳна кўринишлари кўпайиб бормокда. Фольклор-этнографик жамоалари ўз дастуридаги маросимлар, қўшиклар, расм-русумлар, халқ ижодиётининг турли хил намуналарини ўз муҳлисларига танишириш орқали она диёромизнинг муқаддас анъаналарига содик қолиш, уни эъзозлашни ибрат қилиб кўрсатишлари аҳамиятлидир.

Айни пайтда ватанпарвар, инсонпарвар, комил инсонни умуминсоний миллий қадриятлар уйғунылигига тарбиялаш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунда миллий ўзликни

англашга эътибор қаратиш, кишида миллий ғуурни тарбиялаш, бошқа инсонларга хурмат туйғусини қарор топтириш мухим саналади. Зотан, туғилиб ўсган жойига муҳаббат, оиласа, она тилига, миллий одатлар ва анъаналарга муносабат шахсни фуқаро сифатида характерлайди. Шу боис фольклор-этнографик жамоалари ота-боболаримиз асрлар бўйи асрраб-авайлаб келган қадриятлар орқали ёшларни маънавий-аҳлоқий қиёфасини шакллантиришда, келажаги буюк ўзбек юртининг ҳақиқий эгалари бўлган ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. С. Йўлдашева. Фольклор-этнографик жамоалар услубиёти. Т.: Navro‘z – 2014. – 162.
2. Номоддий маданий мерос ва этномаданий қадриятлар. Илмий семинар материаллари. Тузувчи ва масъул муҳарир: С. Йўлдашева. – Т.: Navro‘z – 2014. – 191.
3. Ўзбек ҳалқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий қадриятлари. Илмий тўплам. Тузувчи ва масъул муҳарир: С. Йўлдашева. – Т.: Navro‘z – 2014. – 184.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи – 2007. – 707.

## **QADRIYAT - FALSAFIY KATEGORIYA SIFATIDA**

**Omonturdiyev O.**

**SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasи o`qituvchisi.  
Meglinazarova Sh.- SamDCHTI talabasi.**

Qadriyatlarning mohiyati, mazmuni, namoyon bo’lish shakllari bilan bog’liq muammolarning tahlili uzoq tarixga ega. Kishilar qadim zamonlardanoq o’zlarini o’rab turgan olam, undagi narsa, voqeа va hodisalar, odamlar o’rtasidagi munosabatlarga baho bergenlar, ularning qadri to’g’risida fikr yuritganlar. Zamonlar o’tishi, jamiyat rivoji davomida bu boradagi muammolar ko’paygan, ularni hal qilishning ahamiyati ortavergan. Qadriyatlar mavzusi bir qator dunyoqarashning asosida yotgan, ularning markaziy qismini tashkil qilgan. Ko’pgina falsafiy oqimlar va mutafakkirlar ham bu mavzuni chetlab o’tmaganlar.

Jamiyat taraqqiyotining muayyan bosqichlarida ijtimoiy hodisalarga munosabat xilma-xil tarzda namoyon bo’ladi. Xususan, mustaqilligimizning birinchi kunidan boshlab, hayotimizning barcha jabhalarida «qadriyatlar», «milliy tiklanish», «milliy ong», «milliy g’urur», «milliy iftixon» kabi atamalar tez-tez ishlataladigan bo’lib qoldi. Bu bejiz emas. Zotan, mustaqillik ayni paytda milliy tiklanish hamdir. Uni esa mazkur tushunchalarsiz tasavvur etib bo’lmaydi.

Istiqlol xalqimizga so’z va fikr erkinligi bilan bir qatorda, ilgari taqiqlanib kelingan ko’pgina milliy tushunchalarni ham hayotimizga qaytardi. Endilikda «qadriyatlar», «mustaqillik», «istiqlol», «milliy iftixon» kabi tushunchalar o’zining asl mazmuniga ega bo’lmoqda. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov inson qadriyatlarni o’z hayoti davomida qanchalik ulug’lasa, o’zi ham ulug’lanib, sayqallanib borishini quyidagicha ta’kidlaydi: «Qadriyat deganda biz ming yillard davomida shakllangan, odamlarning hayoti, ichki dunyosidan mustahkam o’rin olgan, hech qaysi rasmiy hujjatda aks etmagan bo’lsa-da, unga barcha amal qiladigan, insonlarning qon-qoniga singib ketgan an’ana va udumlarni tushunamiz»[1;B.113].

Mustaqillikkacha bo’lgan davrda yaratilgan O’zbek Sovet Ensiklopediyasida quyidagicha bayon etilgan: «Qadriyat (falsafa va sotsiologiyada)—voqelikdagi muayyan hodisalarning insoniy, ijtimoiy va madaniy ahamiyatini ko’rsatish uchun qo’llaniladigan tushuncha... Qadriyatlarni mazmuni va harakteriga ko’ra progressiv va reaqion tiplarga ajratish mumkin»[2.B.7]. Bu esa, mazkur kategoriyanı o’ta sig’imdon qilish bilan birga uni izohlashni mushkullashtiradi. Turli chalkashliklar keltirib chiqaradi.

SHu jihatdan taniqli rus faylasuf olim V.P.Tugarinovning fikri ehtiborga loyiqidir: «qadriyatlar muayyan jamiyat yoki sinfga mansub kishilar turmushi va madaniyatining haqiqiy yoki ideal nehmatlari bo’lgan tabiat va jamiyat hodisalarining mohiyati (yoki hodisaning bir jihatidir). Bu nehmatlarning qadriyatlar deyilishiga sabab kishilar ularni qadrhaydilar, chunki bu qadriyatlar ularning shahsiy va ijtimoiy turmushini boyitadi. SHuning uchun ham kishilar o’z tasavvurlaridagi qadriyatlarni ximoya qiladilar va o’zlarini uchun maqsad yoki ideal bo’lgan qadriyatlarni amalga oshirishga intiladilar.

Qadriyatlar ichida eng birinchi va eng umumiysi hayotning o’zidir, chunki hayotdan mahrum bo’lish qolgan barcha qadriyatlardan foydalanishni yo’qqa chiqaradi. Qadriyatlarning boshqa turlari, aslini olganda, hayot nehmatlarning mohiyatidir, madaniy qadriyatlardir» [3; B.3].

Mustaqillik yillarida chop etilgan “Falsafa qomusiy lug’at”ida qadriyat tushunchasiga quyidagi ta’rif keltirilgan: «Qadriyat – voqelikdagi muayyan hodisalarning umuminsoniy, ijtimoiy – axloqiy,

madaniy-ma'naviy ahamiyatini ko'rsatish uchun qo'llaniladigan falsafiy – sotsiologik va aksiologik tushuncha. Jamiyat, inson va insoniyat uchun ahamiyatlari bo'lgan barcha narsa, hodisa va voqealar: erkinlik, ezhgulik, tenglik, tinchlik, haqiqat, ma'rifat, madaniyat, moddiy va ma'naviy boyliklar, obida-yodgorlik, go'zallik axloqiy xislat hamda fazilatlar, an'ana, urf-odat, udum va boshqalar hisoblandi» [4; B. 476.].

Taniqli olim, qadriyatshunoslikka katta hissa qo'shgan Q.Nazarov o'zining bir qator ishlarida, ushbu muammoning o'ta dolzarbigini ta'kidlash bilan birga, uning mazmuni, tuzilishi, asosiy shakllari, namoyon bo'lish xususiyatlari va umuminsoniy qadriyatlar tizimidagi o'mi hamda ahamiyatini ilmiy tahlil qilish bilan bir qatorda mazkur masalalarga e'tibor kam ekanligini ko'rsatib o'tgan, qadriyat tushunchasini - voqelikdagi muayyan hodisalarning umumbashariy, umuminsoniy, ijtimoiy-axloqiy, madaniy-ma'naviy ahamiyatini ko'rsatish uchun qo'llanadigan falsafiy-sotsiologik va aksiologik tushuncha, deb tushuntiradi. [3; B. 476.].

Tadqiqotlar orasida qadriyatlar to'g'risidagi bilimlarga nisbatan turli munosabatni kuzatish mumkin. Bu munosabatni shu sohada qo'llaniladigan atamalarda ham namoyon bo'lmoqda. «Aksiologya», «qadriyatshunoslik», «qadriyatlar falsafasi», «qadriyatlar nazariysi» kabi atamalarda xilma-xil ma'no va mazmun ifodalananadi. Masalan, «aksiologya» va «qadriyatshunoslik» atamalari muayyan fan sohasi yoki bilimlar sistemasini ifodalandi, «qadriyatlar falsafasix» esa, qadr va qadriyatlar bilan bog'liq falsafiy yo'naliishni anglatadi, ammo bunda alohida fan sohasi to'g'risida gap bormaydi.

Bundan shunday xulosa chiqarish mumkin: tabiat va jamiyat hodisalarini qadriyat turkumiga kiritish va kiritmaslik kishilarning ehtiyojlari, manfaatlari, orzu-istiklari, maqsadlari bilan belgilanadi.

Demak, qadriyat deyilganda inson va insoniyat uchun ahamiyatlari bo'lgan, millat, elat va ijtimoiy guruhlarning manfaatlari va maqsadlariga xizmat qiladigan tabiat va jamiyat hodisalari majmuini tushunmoq lozim.

Bizning fikrimizcha qadriyat deyilganda, inson va insoniyat uchun ahamiyatlari bo'lgan, ayrim xalq, millat, elat yoki ijtimoiy guruhlarning o'zlarining tarixiy taraqqiyot jarayonida yaratgan, o'z manfaatlari va maqsadlari yo'lida xizmat qiladigan barcha moddiy va ma'naviy boyliklar majmuini tushunmoq lozim. Qadriyatlar sermazmun va ko'p qirrali tushuncha bo'lib, o'z ichiga tabiiy, ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, moddiy va ma'naviy, diniy, axloqiy, badiiy-estetik kabilarni o'z ichiga oladi. Har qanday qadriyat inson faoliyatining mahsuli, uning atrof-muhitga nisbatan bo'lgan munosabatining ifodasidir. Qadriyat jamiyat ijtimoiy va ma'naviy taraqqiyotining zaruriy mahsulidir. Har bir qadriyat muayyan bir davr, sharoit va ehtiyojning mahsuli bo'lishi bilan birga, uning ko'zgusi hamdir.

Qadriyatlar mavzusi ko'hna va navqiron Sharq, uning tarkibiy qismi bo'lgan Markaziy Osiyo va O'zbekiston mutafakkirlari hamda olimlar uchun ham tegishlidir. Qadriyatshunoslik tarixining eng teran jihatlarini faqat G'arbda emas, balki Sharqda ham tadqiq qilingan. Xorazmiy, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Najmuddin Kubro, al-Buxoriy, at-Termiziyy, Yassaviy, Ulug'bek, Jomiy, Navoiy, Mashrab, Bedil, Maxtumquli, Abay, Behbudiy, A.Avloniy kabi mutafakkir va olimlarning ijodida ham bu mavzuning izlari bor. Gap ana shu izlarni izlab topishda, ularni unutmaslikda, yangilab turishda, zamona reallikkari nuqtai nazaridan xolisona talqin qilishdadir.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Karimov I.A. Biz tanlaran yo'l – demokratik taraqqiyot va ma'rifiy dunyo bilan hamkorlik yo'li. T.11. – T.: O'zbekiston, 2003. – B.113.
2. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 – жилд. -Т.: 1980, 7- бет.
3. Тугаринов В.П. О ценностях жизни культуры.- Л.,1960, 3-бет.
4. Falsafa Qomusiy lug'at. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. 2004, 476-b.
5. Falsafa Qomusiy lug'at. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. 2004, 476-b.

#### **СПОРТ ОРҚАЛИ ЁШ АВЛОДГА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ СИНГДИРИШ ХУСУСИДА**

**Дилбар Ибрагимова,**

**Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчisi.**

Республикамиз мустакилликка эришган кундан бошлаб, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг сабъя ҳаракатлари билан миллий қадriятlarimizni tikkaniishga катта эътибор берилди. Натижада кўпгина миллий қадriyatlarimiz tikkandi. Бугун миллий қadriyatlarimiz

халқимизнинг миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда бош омиллардан бири бўлиб, хизмат қилмоқда. Жумладан, “Мустақиллик”, “Навruz”, “Рўза ҳайити”, “Қурбон ҳайити” каби миллий байрамларимизни кенг нишонланиши, барчамизга ўзлигимизни англашга ёрдам бермоқда. Шундай экан, миллий қадриятларимиз тикланишига ҳамда тарғибот қилинишига ижобий таъсир кўрсатаётган жараёнларни илмий ўрганиш, олинган натижаларни замонавий талаблар асосида холисона таҳлил қилиш ва амалда кўллаш мұхим муаммолардан биридир. Бу борада биринчи президентимиз томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасида “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида “...болаларда спортга меҳр ўйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгода спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш, ҳамда заарали одатлардан холос этиш, болаларни барқарор феъл- авторли, Ватанига меҳр мухабbat ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора тадбирлар комплексини амалга ошириш” деб алоҳида кўрсатма берилгани, бугунги замон талабларидандир. Ушбу илмий мақоламизнинг мақсади, қадриятларимизни тикланишига, уларни ҳалқимизга, айниқса болаларимизга, кенг тарғибот қилишда жисмоний маданият таълим жараёнларининг аҳамиятини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларимизнинг натижаларини баён қилишдан иборат.

Таъкидаш лозимки, бугунги кунда миллий қадриятларимиз бўйича анчагина маълумотлар, тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Натижада миллий қадриятларимизни тикланишида жисмоний маданият таълими ҳамда, спорт фоалияти жараёнлари мұхим аҳамият касб этаётганлигини кўрамиз. Миллий қадриятларни тикланиши билан бир қаторда жисмоний маданиятнинг спорт мусобақалари жараёнида кўплаб миллий қадриятларимиздан фойдаланиб, уларни ҳалқимизнинг кенг қатламлари айниқса, ёшлар орасида тарғибот қилишда хизмати бекиёсdir. Жумладан. Республикамиз мустақилликка эришган кунидан бошлаб мамлакатимизда кўплаб янгича номларга эга бўлган спорт мусобақалари ташкил қилиниб, бу мусобақаларни юз минглаб катта-ю ёш ҳамюрларимиз мароқ билан тамоша қилиб келмоқдалар. Масалан, Термиз шаҳрида кураш спорт туридан “Ал-Ҳаким, Ат-Термизий ҳалқаро турнири” спорт мусобақасини “Алпомиш” ўйингоҳида юз мингга яқин одамлар иштирок этадилар. Ана шу мусобақа муносабати билан минглаб одамларга миллий қадриятимизнинг сарчашмаларидан бўлган “Ал-Ҳаким, Ат-Термизий”, “Алпомиш” ҳақида маълумот беришади. Буларни ўз қулоги билан эшитган ҳар бир инсонда ўз юрти, ўтмиши тўғрисида ўзликни англашда ижобий ҳис-туйғу пайдо бўлиб, миллий ғурурни, миллий қадриятларимизга ҳурмат эҳтиромни шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир мутахассис, спорт фоалияти жараёнида кўлланилаётган қадриятларни билиши ва уларни ўқувчиларга етказа олиши мұхим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жисмоний маданият жараёнларида миллий қадриятларнинг кўлланиши қўйидагича кузатилади.

Масалан:

- Спорт мусобақаларнинг номланиши,  
“Мустақиллик кубоги”,  
“Мустақиллик марафони”,  
“Президент соврини”,

Самарқанд юлдузлари, ёки ўлуғ инсонларни хотирлашга бағишлиб ўтказиладиган хотира турнирларига қўйиладиган номлар орқали;

“Амир Темир хотира турнири”,  
“Ал-Ҳаким, Ат -Термизий хотира турнирлари” ва бошқалар.

Бундан ташқари, спорт мусобақалари ўтилаётган шаҳарлардаги диккатга сазовор тарихий обидаларни зиёрат қилиш орқали, Масалан; Бухорода ўтказилган “Универсиада”, Хоразмда - “Умид ниҳоллари”, Самарқандда-“Универсиада ” ва бошқаларда, ушбу шаҳардаги тарихий обидаларга, барча мусобақа иштирокчилари, ҳакамлар, вакиллар, меҳмонлар зиёрат қилиб, уларни ўз кўзлари билан кўриб кўпгина маълумотларга эга бўлиши, спорт иншоотларига қўйилган номлар орқали; “Юнус Обод спорт мажмуаси”, “Алпомиш ўйингоҳи”, “Даҳбед спорт мажмуаси”, “Паҳлавон спорт мажмуаси” ва шу каби. Спорт мусобақалари жараёнида турли миллат вакиллари билан танишиб, ҳалқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш орқали, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш “дўстлик”, “биродарлик”, “саломлашиш”, “кўл бериш” кабилар. Спорт мусобақаларнинг тантанали очилиши, ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросимида Давлат байроғини кўтарилиши, мадхиянинг янграши ва шу пайтда нигоҳни байроққа қаратиб, ўнг кўл кафтини кўкракка, юрак остига қўйиб тинглаш орқали; “Давлат байроғи”, “Давлат мадхияси”, “Она юрт”, “Она ватан”, “Ғалаба”, “Ватан шон- шухрати” кабилар.

Юқорида келтирилган мисоллардан келиб чикиб, қўйидагича хуносалар қилиш мумкин.

- Жисмоний маданиятнинг барча жараёнларида қадриятлардан фойдаланиш билан бир қаторда, қадриятларни тикланиши ҳам амалга оширилмоқда.
- Жисмоний маданиятнинг спорт мусобақалари жараёнларида кўплаб қадриятлардан фойдаланиш орқали, уларни тикланиши ва тарғибот қилиниши кўзатилмоқда.
- Спорт фанларини ўқитишда спорт мусобақалари жараёнида тикланиб кўлланилаётган қадриятларни бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнида чукур ўргатиш, жисмоний маданият таълимида ёшларга миллий истиқлол ғояси, ўзликни англашни шакллантириша мухим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги 1992 йил 14 январ. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ҳалқ сўзи 1992 йил 15 январ.
2. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги 2000 йил 26 май. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ҳалқ сўзи 2000 йил 27 май.
3. “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 ноябр қарори. Ҳлақ сўзи 2003 йил 5 ноябр.
4. “Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори. Ҳалқ сўзи 1999 йил 27 май.
5. “Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси фаолиятини кўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги РР 3434 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти 2004 йил 25 майдаги фармони, Вазирлар Махкамасининг 299-сонли қарори.
6. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. М.С.Ахматов. Тошкент 2005й.
7. Мустаҳкам оила жамият таянчи. Республика илмий амалий анжумани материаллари. 2012й 30 май. Самарқанд.
8. Мактабда жисмоний тарбия машғулотларини миллийлаштириш. (Илмий методик тавсиялар) Тошкент 1992й.

### **JISMONIY TARBIYA VA SPORTNI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY-MA’NAVIIY QADRIYATLARNING AHAMIYATI**

**Berdiyev Farxod Ochilovich,  
O‘zDJTSU o’qituvchisi**

Jamiyatimizda boshlangan o‘zgarishlar diqqat markazida doimo inson qadr-qimmatini yuksak qadriyat sifatida qaraladi. O‘zbekiston Respublikasida sportning rivojlanishida milliy qadriyatlarining ham o‘rnini beqiyosdir. Qadriyat haqida so‘z ketar ekan, “Qadriyat” - tabiiy va ijtimoiy hayotda namoyon bo‘ladigan, odamlar tomonidan qadrlanadigan, ular uchun foydali, ahamiyatlari, moddiy-iqtisodiy, madaniy-ma’naviy, mafkuraviy, siyosiy, huquqiy, diniy, milliy, ijtimoiy omillar yig‘indisidir.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan keyin ma’naviy qadriyatlari, milliy urfatdarlar va an'analar tiklandi. Ayniqsa, jismoniy tarbiya va sport ommaviyligini ko‘tarish, jismoniy madaniyat harakatini rivojlantirish, xalq milliy o‘yinlarini qayta tiklash, sog‘lom turmush tarzini shakkantirish va ularning sport mahoratini oshirish bo‘yicha ilmiy-nazariy anjumanlar o‘tkazildi.

Jumladan 1991 yil Jizzax viloyati Forish tumanida xalq o‘yinlari, milliy sport turlarining birinchi festivali o‘tkazildi. Ana shu munosabat bilan har yili milliy sport o‘yinlarini o‘tkazish an‘anaga aylandi. “O‘zbekiston Respublikasida sportchi o‘rinbosarlar tayyorlashning oqilona yo‘llari” (Toshkent, 1992 yil), “Jismoniy tarbiya va sportda qo‘llaniladigan o‘zbek tilidagi atamalar” (Termiz, 1993 yil) bunga yaqqol misol bo‘laoladi.

Birinchi va eng muhim tamoyil - biz barcha islohotlarni hayotga tatbiq etishda o‘tmishimizni teran his etib, xalqimizning ruhiyatini, uning tarixiy va milliy o‘ziga xos jihatlarini, an‘ana va urfatlarini, O‘zbekistonning buyuk xalqi o‘zining ko‘p asrlik boy tarixi davomida to‘plagan fazilatlarni imkon qadar inobatga olgan holda ish tutamiz.

Ikkinchidan, O‘zbekiston butun dunyo uchun ochiq va biz sayyoramizda ro‘y berayotgan jarayonlarni teran va puxta idrok etishga, demokratik qurilish, bozor munosabatlariiga asoslangan xo‘jalik yuritish borasida rivojlangan davlatlar to‘plagan ulkan tajriba asosidagi zamonaviy sivilizatsiya yutuqlari bilan tanishish, Evropa va jahon hamjamiyatiga yanada faol qo‘shilishga harakat qilamiz”.

Shu bois, barcha sohalardagi singari jismoniy tarbiya va sport sohasida ham ulkan islohotlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat

boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2018 yil 5 martdagি PF-5368 sonli farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish va takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020 yil 24 yanvardagi PF-5924 farmoni belgilangan ustuvor vazifalar mazmunidan kelib chiqqan holda tuzilgan bo‘lib, jismoniy tarbiya va sportni insonlar ongiga singdirib, sohaga oid xorijiy tajribalar, yangi bilim va malakalarни o‘zlashtirish hamda amaliyotga joriy etish ko‘nikmalarini takomillashtirishni maqsad qiladi.

Insonning jismonan, qalban va ruhan salomatligi jamiyat taraqqiyotining asosiy negizini belgilab beradi. Biz iqtisodiy rivojlangan, boshqalardan kam bo‘lmagan qudratli davlat, demokratik jamiyat qurishni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘yganmiz. Bu ezgu niyatlar har jihatdan barkamol avlodni ro‘yobga chiqara oladi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017yil 7-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonida 2017-2021-yillarda mamlakatimiz taraqqiyotini yanada rivojlantirishga doir ustuvor yo‘nalishlari belgilab berildi. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishining beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqildi. Shunga asosan, ijtimoiy sohani rivojlantirishga yo‘naltirilgan aholi bandligi va real daromadlarini izchil oshirib borish, ijtimoiy himoyasi va sog‘ligini saqlash tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, arzon uy-joylar barpo etish hamda ijtimoiy infratuzilmalarni rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish bo‘yicha maqsadli dasturlarni amalgalash oshirish, ta‘lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san’at va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish bo‘yicha jismoniy tarbiya va sport haqida Prezidentimizning ko‘plab farmon va qarorlari qabul qilingan. Xalqaro musobaqalarda O‘zbekiston bayrog‘i balandga ko‘tarilganda har bir yurdoshimiz qalbida Vatan tuyg‘usini jo‘sh urdiradi, ko‘ngillarga cheksiz g‘urur va iftixor bag‘ishlaydi. Shu bois, bayrog‘imizni baland hilpiratib, dunyonı hayratga solayotgan sportchi yigit-qizlarimizning g‘ayrat-shijoati, orzu-intilishlarini ko‘rib, hamisha tasannolar aytamiz. Ularga havas bilan qaraymiz. Zero, O‘zbekiston azal-azaldan chinakam pahlavonlar, mardlar, alplar yurtidir. Ularning kamol topishida esa birinchi prezidentimiz Islom Karimov tashabbusi bilan joriy etilgan dunyoda o‘xshashi yo‘q uch bosqichli tizim - “Umid nihollari”, “Barkamol avlod” hamda “Universiada” sport o‘yinlarining ahamiyati beqiyos chunki, ayni shu bellashuvlar o‘z nufuzi, ahamiyati va miqyosiga ko‘ra “Kichik olimpiada” degan e’tirofni qozondi. Qolaversa, mazkur an’anaviy o‘yinlar xalqaro Olimpiada talablariga qat’iy amal qilgan holda hamda xolislik, halollik, adolat, totuvlik kabi mezonlar asosida o‘tkazilishi bilan ajralib turadi.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach, ma’naviyat va ma’rifiy qadriyatlarni qadrlash, jismoniy tarbiya va sport masalalariga birinchi darajali ahamiyat berishimiz, mustaqillikni mustahkamlash vazifalari, tarbiya sohasida sog‘lom avlod, ma’naviy barkamol inson, komil inson kabi tushunchalarga izoh berishni, ularning mohiyatini ochib berishni taqozo etmoqda.

Sog‘lom deganda, biz faqatgina jismonan baquvvat farzandlarimizni emas, balki ma’naviy boy avlodni, aqliy rivojlangan, axloqiy pok, ma’rifatli farzandlarni, avlodni tushunmog`imiz kerak. Bunday kishilar o‘zlarida xalqimizning eng ardoqli fazilatlari-iymon va insof, mehr-oqibat, shafqat va rahmdillik, uyat va andisha, or-nomus, o‘zaro hurmat, yuksak vatanparvarlik, eliga va xalqiga sadoqat kabi qadriyatlarni va g‘oyalarni mujassamlashtirgan bo‘lishlari lozim.

## **ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ МАЊНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ** **Фарида Эшназарова**

**Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси.**

Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғояси-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фарновонлиги каби юксак foяларнинг мањно-мазмунини теран англаб этишга хизмат қилади.

Миллий мањнавиятимизга хос хусусиятлар шундан иборатки, бизнинг Ватанимиз жаҳонга машҳур минглаб улуғ зотларни, улуғ давлат арбобларини берди. Улар умумбашарий маърифатпарварликни яратишда фаол иштирок этдилар, ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Хозирги давр талаби мањнавий ҳаёт ва жамиятдаги янгича муносабатлар мохиятини англаш, уларнинг ечимини топиш, таҳлил қилиш ва тўғри йўлни танлаш қобилиятига эга бўлган комил инсонни тарбиялашdir. Комил инсон мањнавий ҳаётни яққол кўра олиши, ҳаётда содир

бўлаётган воеа ва ҳодисаларни тасавур этиши, унинг моҳиятини тушуна билиши лозим. Тарбиявий ишнинг асосий ғояси эса, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, Ватанпарварлик, миллий ифтихор, иймон-етиқодлилик, ахлоқий поклик, одиллик, билимлилик, онглилик, биродарлик, байналмилаллик ғояларидан иборат.

Таълим жараёнида ўқувчилар маънавият, инсонпарварлик, Ватанпарварлик тушунчаларининг мазмуни ва таркибини билиб олишлари керак. Шундагина улар бу тушунчаларнинг моҳиятини пухта англаб, бу улуғ фазилатларни эгаллашга онгли равиша ҳаракат қиласидар.

Маънавиятимиз таркиби миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, хулқ-атворимиз, ғуруримиз, ижтимоий ҳаётимиз, динимиз, туйгуларимиздир.

Ўқувчиларда миллий маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш жараёни қўйидаги босқичларда амлга оширилиши мумкин:

- а) ўқувчиларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш;
- б) ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларни шакллантириш;
- в) ўқувчиларда маънавий-ахлоқий одатларни шакллантириш;
- г) ўқувчи характерининг маънавий-ахлоқий қирраларини таркиб топтириш кабилардир.

Мазкур босқичлар педагогик жиҳатдан бир қатор ўзига хосликларга ҳам эга. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш учун уларга маънавий тамойилларга оид билимларни тақдим этиш, ўзининг жамиятдаги маънавий ҳолатини англаш, мушоҳида қилишга ўргатиш, маънавий ахволи, хис-тўйғулари, хиссиётларини таҳлил қилишга одатлантириш лозим.

Ўқувчининг маънавий-ахлоқий онги унинг маънавий ҳолати ва бошқаларга нисбатан муносабатини акс эттирувчи фаол жараёндир.

Одатга айланган хулқ-атвор меъёрлари замирада кўпдан-кўп ҳаётӣ, дидактик вазиятларда, мақсадга йўналтирилган педагогик таъсир воситасида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий тафаккур шаклланади. Шу билан бир қаторда, унинг ёрдамида маънавий-ахлоқий хиссиётлар негизида ўқувчи шахсининг онги, эркинлиги, маънавий-ахлоқий сифатлари ва ўзига хослиги таркиб топади.

Бундай сифатлар сирасига қўйидагилар киради: фидоийлик, раҳмдиллик, интизомлилик, ғурур, виждонлилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрилик, поклик, ростгўйлик, адолатлилик, ҳаққонийлик, ватанпарварлик, тартиблилик ва ҳоказо. Ўқувчининг бундай сифатлари руҳий жиҳатдан унга янгидан куч-кувват ва шаклланиш имконини беради. Бунинг натижасида ўқувчи ташки олам билан фаол алоқага киради, атрофдагилар ва жамият аъзолари билан ишчан мулоқот ўрната олади.

Хозирги даврда ўқувчиларнинг миллий маънавий қадриятларни ўзлаштиришлари жараёнида бир қатор қийинчиликлар ҳам кузатилмоқда, улар:

- ўзбек ҳалқининг миллий маънавий қадриятлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ўқувчилар маданий бойликларни билишга эҳтиёж сезмаятилар, аксарият ўқувчилар ижобий хулқ-атвор меъёрларининг ҳаётӣ аҳамиятини англаш етмаятилар;

- ўқувчилар аксарият ҳолларда фарбона маданият элементларини ўзлаштириш натижасида миллий-эстетик қадриятлардан узоқлашмоқдалар;

- айрим ўқув адабиётларида маънавий-ахлоқий тажрибанинг мувофиқлашмаганлиги туфайли ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари уларни ўзлаштириш имконини бермаяти.

Юкорида баён этилган қийинчиликларни бартараф этиш йўллари:

- қийинчиликни ўқув предметлари мазмунига миллий маънавий қадриятларни сингдириш орқали бартараф этиш мумкин.

- қийинчиликни бартараф этиш учун ўқувчи аниқ мантиққа эга бўлган маънавий фаолиятга киришиши лозим.

- қийинчиликни ўқувчининг ўзи ўқиган бадиий асарларидаги миллий қадриятларни ўзлаштириши ва асар қаҳрамонлари билан мулоқотга киришишлари орқали бартараф этиш мумкин.

Шунинг учун ҳам, ўқитувчилар ўқув жараёнида ўқувчиларнинг миллий маънавий қадриятларни ўзлаштиришларини фаоллаштиришлари мақсадида:

- ўқув тарбия ишларининг фаол шаклларини қўллашлари;

- ўқувчиларга миллий маънавий қадриятларни тақдим этишда фанлараро алоқадорлик имкониятларидан кенг фойдаланишлари;

- ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзларини шакллантиришга мақсадли педагогик раҳбарлик қилишлари;

- ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларнинг таркиб топиши ва уларда маънавий эҳтиёжларнинг шаклланишида педагоглар шахсиятининг таъсирини кучайтиришлари;

- ўқитувчилар ўқувчиларни маънавий - ахлоқий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қиласидан вазиятларни олдиндан кўриб режалаштира олишлари ниҳоятда зарурдир.

Ўқувчиларда миллий-маънавий қадриятларни шакллантиришда қўйидагиларга этибор беришимиз керак:

-ўқув жараёни мазмунида ифодаланган кўпгина тушунчалар, атамалар ва иборалар маъноларини изоҳлаш, уларни кенгайтирилган ҳолда баён этиш, улар сирасига диёнат, диндорлик, тақводорлик, мўминлик, яхши фазилат, яхши ҳислат саҳоват, ҳиммат, эзгу иш каби атамаларни киритиш мумкин. Бундай сўзларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига етказмасдан туриб, уларни яхшилиқ, эзгуликка ундаш мумкин эмас.

Миллий ахлоқ-одоб қоидаларини ўқувчиларга тақдим этиш натижасида ҳалқ ақл-иродаси маҳсули сифатида яратилган қадриятларни ўзида мужассамлаштирилган ахлоқий меъёрлар сингдирилади.

Ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми сифатида жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва миллий менталитет асосида таркиб топади.

Ўқувчиларда миллий маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантиришда уларни гўзаллик билан ошно қилиш, нафосат тўйғусини таркиб топтириш алоҳида аҳамиятга эга. Инсон маънавиятини шакллантиришда илм-фан ва диний таълимотлар билан бир қаторда, адабиёт ва санъат ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек ҳалқининг миллий маънавий қадриятлари кенг кўламли ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб, уни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар ижтимоий-ахлоқ меъёрларини ўз фаолиятларига сингдирадилар. Миллий маънавий қадриятлар сифатида қўйидагилар алоҳида этироф этилган: сабот, итоат, эътиқод, меҳрибонлик, сабитқадамлик, ростгўйлик, иродалилик, ҳожатбарорлик, ихлосмандлик, тоат-ибодат, ҳимматлилик, ғайратлилик, сабр-қаноатлилик, илмпарварлик, ҳақгўйлик,adolatлилик, некбинлик, хушёрлик, мўминлик, муҳаббат, беозорлик, маърифат, солихлик, холислик, нафсни жиловлаш, устозга ҳурмат, маънавий юксаклика интилиш, хоксорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ғамхўрлик, оққўнгиллилик, саховатлилик, меҳроқибатлилик, интилувчанлик, қўнгил поклиги, кечиримлилик, хушмуомалалик, фидокорлик, ҳалоскорлик, мулоқот маданиятини эгаллаш, ёмон одамлардан қочиш, ҳалол луқма топиш кабилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз ёшларни маданий меросимизга ҳурмат, унинг яратувчиси бўлган ҳалқ оммасига, миллатга, унинг ўтмишига чексиз ифтихор руҳида тарбиялашимиз зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ж.Туленов, К.Юсупов, З.Гафуров. Истиқлол ва тараққиёт мағкураси: мақсад ва йўналишлари. Т. “Ўзбекистон”, 1993.
- 2.Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т.,”Фан”, 1995.
- 3.Мунавваров А. Педагогика (Дарслиқ). Т.,”Ўқитувчи” 1996.
- 4.Очилов М. Муаллим-қалб мемори. Т.,”Ўқитувчи”, 2001.
- 5.Зуннунов А. Миллий қадриятлар асосида ўқувчи шахсини шакллантириш. Т.,” Ўзбекистон”, 2006.

## **ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Алимов А.Н.  
СамИСИ Ижтимоий фанлар  
кафедраси ўқитувчиси**

Бутун жаҳон жамоатчилигига сир эмаски, Темур ва Темурийлар илм-фан, маданиятнинг ривожига улкан ҳисса қўшдилар, натижада XIV асрнинг охири ҳамда XV аср Марказий Осиё ҳалқлари маданияти ривожида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган давр сифатида тарихда муҳрланди. Бу давр ҳам жаҳонга, ҳам ҳалқимиз маънавий ривожи учун буюк сиймоларни берди ва улар жаҳон маданияти тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Темурийлар даврининг йирик мутафаккири Ҳусайн Воиз Кошифий Шарқнинг машхур алломаларидан биридир. Ҳусайн Воиз Кошифий (1442-1505) ислом динининг йирик назариётчиларидан бири бўлиши билан бир қаторда фалсафа ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёsat, тарих, кимё, астрономия, математика,

мутика, воизлик, шеър санъати, дин тарихи, фикх, тиббиёт каби фанларга оид 200 дан ортик асар ёзганлиги манбалардан маълум[1;241-245 б]. Уларнинг аксарияти 500 йил давомида ахлок-одоб дастури сифатида қўлдан-қўлга ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқиб келинмоқда. Кошифийнинг ижодини ўрганар эканмиз, унинг серкирра фаолиятида ахлоқ масалалари алоҳида қўзга ташланиб туради. У ўзига хос бўлган ахлоқ тамойилларини ишлаб чиқдики, бу ҳозирги кунда хам ўз кадрини йўқотган эмас. Энг муҳими инсон ва унинг ахлокий баркамоллигини беш сифат билан, яъни олийжаноблик, соғдиллик, сабрлилик, ростгўйлик, сахийлик, меҳнатсеварлик каби сифатлар эканлигини таъкидлаш билан бирга бу тамойилларнинг ижтимоий моҳияти ҳақида тўхталиб ўтади.

Ҳусайн Воиз Кошифий асосан ўзининг «Ахлоқ Мухсиний», «Китоби Ҳатамнома», «Анвори Сухалий», «Ахлоқий Карим» ва бошқа асарларида ахлоқни алоҳида тамойил сифатида ишлаб чиқади ва баён қиласди. Қизиги шундаки, бу асарлар асосан Шарқ фалсафаси анъаналарининг талаб ва тартиблари асосида ёзилган бўлиб, 40 бобдан иборат ва инсон учун зарур хисобланган қўйидаги ахлоқий фазилатлар ҳақида тўхталади: «ихлос», «ибодат», «дуо», «шукур», «сабр», «ризо», «таваккул», «ҳаё» («ибо»), «покизалик», («ҳалоллик»), «адаб», «баланд ҳимматлилик» («сахийлик»), «қасд қилмоқ», «жадду жаҳд» («ҳаракат»), «собитқадамлик», «адолат», «афу», («кечириш»), «ювошлиқ», «хулки мулојимлик», «шакқат ва марҳамат», «хайрли ва яхши ишлар», «жуд» («инъом») ва «саховат», «эҳсон», «тавозе» («ўзини камтарлик билан тутиш»), «омонат ва диёнат», «вафо аҳди», «ростгўйлик», «ҳожатраво қилмоқ», «оҳисталик ва шитоб», «кенгаш қилиш», «андиша қилмоқ ва ҳар ишнинг охирини қўзламоқ», «шижоат», («ботирлик»), «ғайрат», «сиёsat», «бедорлик ва огоҳлик», «фаросат», «асорор», («сир яшироқ»), «фурсатни ғанимат билмоқ», «хуқуқларга риоя қилиш», «яхши (кишилар) билан сұхбатлашиш», «ёмон кишиларни йук этмак», «тобелар ва хизматкорлар тарбияси» ва ҳоказо.

Энг муҳими Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Ахлоқи Мухсиний» асарида ахлоқшуносликни маҳсус амалий фан тармоғи сифатида қараб ва тан олиб унинг вазифаларини белгилаб беради. Кошифий назарида амалий фан бўлган ахлоқшуносликнинг асосий вазифаси инсонларда яхши инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилишидир. Шу билан бирга Кошифий ахлоқни дунёвий фазилат сифатида қараб уни кишиларнинг кундалик турмуши ва улар ўртасидаги муносабатлардан ажратади. Шунинг учун хам ахлоқ Кошифий фикрича доимо ақлга бўйсениши керак ва шарт. Чунки ахлоқий масалалар ҳар доим ақлга буйсиниши керак ва шарт, чунки ахлоқий масалалар ҳар доим ақл кучи билан ҳал қилинади. Кошифийнинг назарида хам ислом динига сифинган киши, унга эътиқод қилган мўминингина дунёда энг хушбахт ва покиза инсондир. Хушбахтлик ва покизаликнинг мезони эса Кошифий талқинида факат Худога эътиқод ва ибодатдир (номоз ўқишидир).

Бу ҳақида Кошифий шундай ёзади:

Дунёда хушбахтлик сармояси ибодатдир(намоз ўқишидир).

Покизалик кароматнинг зийнати ибодатдир.

Шу билан бирга абадийлик қадамидир. Чунки, бундай кишини Кошифий замонининг тирик Исоси, деб таърифлайди.

Хар ким ихлос билан қадам ташласа,

Замонанинг тирик Исосидир[2;12 б].

Кошифий назарида ислом дини чин меҳр-муҳаббат, соғ имон-эътиқод, биродарлик, буюк инсоний фазилат, ахлоқий сифат, таълим-тарбия асосига қурилган. Шунинг учун Кошифий муқаддас Куръни Оллоҳнинг Муҳаммад (с.а.в.)га инсонларни ҳидоятга бошқариш учун нозил қилган буюк тухфасидир, дейдию худди шу маънода биз Кошифийга ҳам Навоий, Қосимийдаги каби мўмин киши ҳақиқий имонга ва покликга, Оллоҳ таоло ризолиги билан ундан адаб, сабоқ ўрганиш билан эришилади, деган ғояни уқамиз. Мутаффакиришимиз назарида ҳар бир мўмин Худодан сабоқ ва адабни Куръон ва Ҳадислар орқали ўрганиш мумкин. Кошифий адаб ва сабоқ берувчи Худони «олий инсон» деб, таърифлайди.

Адаб ўрган ўшал адидан ким,

Адабни ҳазрати Худодан ўрган, деб ёзса бошқа бир жойда Кошифий ҳар қандай сабоқ ва адаб Худоан келади, деб таъкидлайди;

Сабоқ ўшаки кишидан ўрган,

Ки хамма ҳолда сабоқни олий инсондин олди.

Кўриниб турибдики, Кошифий илохиётчи мутаффакир сифатида ахлоқни моҳиятан диний тушунча деб қарайди ва диндан ажратилган ҳеч қандай ахлоқнинг бўлиши мумкин эмас деб, ахлоқни илохийлаштиради. Кошифий назарида дин йўқолса , ахлоқ хам йўқолади.

Кошифий ҳам ўз устози Навоий сингари гўзал, комил инсонни тасвирлайди ва уни орзу қиласи. Кошифий назаридаги энг гўзал инсон ўн икки сифатни ўзида мужассам қилган бўлиши керак. Булар, биринчи – элга мухолиф иш қилмаслик; иккинчи-ўз нафсига инсоф тилаш; учинчи-киши айбили очмаслик; тўртинчи-хар кишида учрайдиган (номуносиб, ёмон) хулқ-одат бўлса, уни яхшилик томонига буриш; бешинчи-бир одам ўз айбига икрор бўлиб узр этса, узрини қабул килиш; олтинчи-очюпинларни хожатини чиқармок; еттинчи-инсон учун машаққат тортиш; саккизинчи-ўз нафсини тийиш; тўққизинчи-кишиларга ва халққа тоза юз билан кўриниш; ўнинчи-кишиларга яхши сўз айтмоқ.

Кўриниб турибдики, Ҳусайн Воиз Кошифий инсонпарварликни жуда кенг маънода тушунади ва инсонни ҳакиқий инсон сифатида ҳар бир соҳада ўзини намоён қила олиши мумкинлигига ишона олади. Ҳусайн Воиз Кошифий инсонпарварлик концепциясининг яна бир муҳим томони, у ҳар қандай оғир шароитда ҳам кишиларни иноқликка, тинч-тотув яшашга чақиради. Унинг назаридаги ҳар қандай қон тўкишга сабаб бўлувчи чиқиши норозиликлар халққа қарши исёндир.

Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талабаларга таълим-тарбия берган, Ҳурросон шаҳарларида ахлоқ-одобдан ваъз айтган. Кошифий ўз асарларида ижтимоий-ахлоқий хаёт, маънавият масалаларига катта ўрин ажратади, сиёсат, давлатни бошқариш, шоҳ билан фуқаролар ўртасидаги муносабат, жамоани идора этиш, етук инсонни тарбиялаш муаммолари унинг ижодида катта ўрин эгаллади. Уларда инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғояларини илгари суради. Мутафаккир асарларида ўзининг ҳаётдан олган собоклари, тажрибалари асосида халқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, адолат, ҳалоллик, соғдиллик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик ҳақидаги фикрларини ўқимишли, қизиқарли ҳикоятлар, ривоятлар ёрдамида баён этади. Бу асарлар Кошифий тили билан айтганда “Ҳикмати амалий” асосида ёзилганлигидан бугунги кунда ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ҳусайн Воиз Кошифий инсонни дунёдаги энг юксак олижаноб мавжудот деб билади. Бирок, шуни айтиш жоизки, адаб ахлоқий ғоялар, фикрларни қаторасига баён этиш, гап уқтириш билан шуғулланган эмас. Кошифий асарларининг фазилати шундаки, у жамиятни, одамларни таҳлил этади, ҳикмат ва фалсафа асосида мушоҳада юритади. Натижада бани одам авлодига хос жуда кўп умумий хусусиятлар, оқизлик ва улуғлик сифатлари очилади. Бу Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқий таълимотининг етакчи ғоясидир. У салбий ахлоқий ҳислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаётида ва жамият учун катта зарап олиб келишини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади. Ҳусайн Воиз Кошифий яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждан, бурч тушунчалари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритади. Ахлоқ нормаси инсонларнинг хулқ, феъл атворларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Кошифий ижобий ҳислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, иффат, покизалик, событқадамлик, сахийлик, саховат, ростгўйлик, шижаот, камтарлик, хушёрлик, баланд ҳимматлик, диёнатлилик, ахдига вафолик, андишалилик, иззат-хурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Кошифий ахлоқли инсон деганда, илм-мърифатга интилувчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, адолатсизликка қарши қурашувчи, мард, ҳаракатчан, олижаноб, сахий, очиқ қалб инсонни тушунган. Ахлоқ масалаларини ёритишида Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” (Ҳусайн Бойқаронинг ўғли – Абдулмуҳсин Мирзога багишиланган) асари энг машхур ва муҳим аҳамият касб этади[3;89 б]. Унинг жамият, давлат, тинчлик, ихтилофларни осойишталик билан ҳал этиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини саклаб келмоқда. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг маънавий даврасида бўлган XV аср Ҳурросон ва Мовароуннаҳр маданиятигининг ривожига катта ҳисса кўшган ҳамда ўз асарлари билан сўнгги авлодларга катта таъсир кўрсатган машхур алломалардан бўлиб тарихда қолди. У қомусий ижоди билан ўз даври маънавий юксалиши йўлида фаол хизмат қилди ва нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ умуминсоний, маданий бойликларини кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмудов Р.Ж. Ҳусайн Воиз Кошифий / Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. Б.241-245.
2. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқий Муҳсиний. Футувватномаи сultonий. -Т.: 2019. Б .42.
3. Хайруллаев М. Буюк сиймолар, алломалар (Марказий Осиёдаги машхур мутафаккир ва донишмандлар). А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. -Т.: 1996. Б.89.

## СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ

Меликова М.Н.

Доктор философии (PhD) по философским наукам,

Доцент кафедры общественных наук

Самаркандский государственный институт иностранных языков

В современных условиях высшие учебные заведения призваны реализовать важнейшую задачу воспитания у будущих специалистов тех нравственных качеств, которые обеспечат успешное развитие высококвалифицированных специалистов.

Следует особо отметить, что в формировании нравственных качеств и в воспитании будущего поколения большую роль играют произведения великих мыслителей нашего народа, которые своими творениями внесли большой вклад в скоровищницу мировой культуры.

Большое значение для формирования моральных и духовных качеств молодежи является социально-политическое наследие Алишера Навои. Великий поэт, мыслитель, видный государственный деятель Навои прославил себя и свою страну тем, что весь свой талант, силой и знания поставил на службу народу, прогрессу. Он был страстным обличителем, беспощадным критиком феодального общества, гнёта и социальной несправедливости современного ему общества.

Алишер Навои, живя в очень сложное время, вел самую энергичную борьбу за объединение страны в единое централизованное государство; за прекращение и предотвращение междоусобиц, за улучшение жизни трудового народа, за распространение просвещения в стране. Его заслуги перед историей, перед своим народом этим не ограничиваются. Алишер Навои нам оставил богатое творческое наследие – более тридцати крупных трудов, которые являются лучшими образцами творения человеческого гения как по форме, так и по содержанию. В них поэт с удивительным мастерством воспевает истинные человеческие качества и стремления: дружба, любовь, свобода, равенство, счастье.

Политические воззрения мыслителя сложны и противоречивы так же, как его эпоха. Однако в его наследстве рядом с идеалистическими мыслями уживаются на редкость самые прогрессивные идеи, которые принадлежат настоящему и будущему.

Политические взгляды А. Навои раскрываются в поэме «Стена Искандара», в которой в концентрированном виде излагается общественно-политические идеалы мыслителя о справедливом государстве. Другая широко известная поэма «Фархад и Ширин» примечательна тем, что в ней всесторонне воспеваются истинные, благородные черты человека – дружба, любовь, трудолюбие, героизм, скромность, честность.

Величие гения Навои заключается в том, что отмечая важность и необходимость проявления милосердия и щедрости, в то же время он призывает людей жить не с надеждой на щедрость богачей, а самим стараться чего-либо добиваться в жизни. Несомненно, что быть щедрым и милосердным это значит иметь высокие нравственные качества, но если человек старается зарабатывать на свою жизнь честным трудом, добиваться этим путем благоденствия, в этом случае человек будет получать удовольствие от достигнутых результатов своей деятельности и в конечном итоге будет счастлив. Навои в своей поэме в рассказе о Хатаме Тайском описывает именно эти высокие нравственные качества, которые должны быть присущи каждому человеку в обществе на примере старика, который отказывается от щедрот богача в пользу своего тяжелого, но благородного труда, которым он добывает себе на жизнь:

*Поверь: мой тяжкий труд не тяжелей,*

*Чем иго благодарности твоей.*

*И лучше мне трудом дирхем добыть,*

*Чем от Хатама стадо получить! [1, с. 79]*

Большой интерес представляет также такие работы поэта как «Махбубул-Кулуб», «Муншоат», «Вакфия», в которых он выражает свою ненависть к феодальному государству, шаху и духовенству.

В поэме «Смятение праведных» Навои затрагивает вопросы природы человеческих отношений в обществе. Поэма отражает целостную систему мировоззрений поэта. В центре ее

стоит отношение мыслителя к человеку, его концепция гуманизма, идеи о справедливости, великой миссии добра и мира.

В работе «Возлюбленные сердца», поэт разоблачает подлинное явное покрытое лицо духовенства, чиновников, воров и мошенников. В этой поэме возвеличивается роль трудового народа, простого крестьянина. В своих знаменитых «Письмах», адресованных другу, шаху Хусейну Байкаре, даются конкретные практические советы, обеспечивающие, по мнению Навои, укрепление и централизацию государственной власти, расширение и улучшение просветительной деятельности в стране.

Путь к совершенству долг и тернист, не все могут достигнуть этой заветной цели, но все же поэт призывает каждого пуститься в этот путь, ведь человек, пройдя столь сложный путь в конце концов до истины дойдет:

*Счастливец! Пусть под солнцем капля он,  
В нем океан познаний заключен!  
Он все науки в мире изучил,  
На всех языках он заговорил.  
Душа он, обнимающая мир,  
Он – капля, отражающая мир. [1, 139]*

Великий поэт и мыслитель Алишер Навои в своих бессмертных трудах выразил идеи о совершенной личности, идеальном обществе и справедливом правителе. Его взгляды на гуманизм, духовность и нравственность, мудрые советы о необходимости овладения знаниями, профессией не утратили своей актуальности и воспитательного значения с тех времен и до сегодняшнего дня. Идеи Алишера Навои призваны развивать у нашей молодежи принципы гуманизма, любви к Родине, самоотверженности, борьбы за справедливость.

#### **Библиография:**

1. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Смятение праведных. Том III. Т. 1968. 271 с.
2. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Фархад и Ширин. Т IV. -Т.: 1968. 408 с.
3. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Стена Искусства. Т VII. -Т.: 1968. 414 с.
4. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Язык птиц. Т VIII. -Т.: 1968. 344 с.
5. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Возлюбленный сердце. Т X. -Т.: 1970. 198 с.

## **YOSHLARIMIZ TARBIYASIDA MILLIY-MA`NAVIY MEROSIMIZNING O`RNI VA AHAMIYATI**

Suvanova D.K.,  
Zohidova M. Sh.

Samarqand Veterinariya meditsinasi instituti asisstentlari.

*“Bizni hamisha o`ylantirib keladigan muhim masala yoshlarimizning odob axloqi, yurish-turishi bir so`z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog`liqdir.*  
*Shavkat Mirziyoyev*

Xalqimiz ma`naviy merosini o`rganish, ezgu an`ana va qadriyatlarimizni asrab-avaylash, yosh avlod ma`naviyatini yuksaltirishda ulardan keng foydalanish, nomoddiy madaniy merosimiz durdonalarini targ`ib etish borasida izchil ishlar amalga oshirilmoqda

Hozirgi kunda mamlakatimiz aholisining 60 foizidan ziyodrog`ini yoshlar tashkil qiladi. Bu bilan bog`liq holatlarni yanada mustahkamlash uchun yoshlar siyosiy e`tiqodini mustahkamlash, siyosiy madaniyatini shakllantirish, bir so`z bilan aytganda, yetuk barkamol, komil insonni tarbiyalash zarur bo`ladi. Biz ijtimoiy va umumbashariy vaziyatlar, sharq falsafasi, yuksak axloqiy, estetik ideallar, milliy an`analar asosida tarbiya maktabini bunyod etgan mutafakkirlarimiz ma`naviy me`rosidan ham unumli foydalanishimizni davrning o`zi taqazo etadi. Bejiz emas, hurmatli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev A.Navoiy haqida gapirib quyidagi fikrlarni aytgan edi: “Ulug` shoir ijodiy merosi xalqimiz ma`naviyatini yuksaltirish, yosh avlodni Vatanga sadoqat va milliy qadriyatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalashda alohida ahamiyat kasb etadi.”[1] Bizni hamisha o`ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so`z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog`liq. Bugun zamon shiddat bilan o`zgaryapti. Bu o`zgarishlarni hammadan ham ko`proq his etadigan kim? – yoshlar. Mayli, yoshlar o`z davrining talablari bilan uyg`un bo`lsin. Lekin ayni paytda o`zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug` zotlarning avlodimiz, degan da`vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o`zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat

tarbiya hisobidan deb aytadi Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev.

Bu fikrlarning barchasi o`z navbatida yosh avlodni chuqr bilimli, zukko, teran qolaversa, o`z o`tmish durdonalaridan va urf –odat an`analaridan xabardor, vatanparvar, xalqparvar, fidoyi qilib tarbiyalash yo`lida poydevor bo`ladi. Bugungi kunda komil inson shaxsini tarbiyalash esa eng murakkab va qiyin jarayondir. Zero milliy mafkurasi ham ana shu milliy qadriyatlarimizga asoslanib yaratilgani bejiz emas. Bu borada Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov “ har bir fuqaro ajdodlarimizning bebafo merosi, milliy qadriyat va an`analarimizga munosib bo`lishga erishish, yuksak fazilati va komil insonlarni tarbiyalash, ularni yaratuvchanlik ishlariga da`vat qilish, shu muqaddas zamin uchun fidoyilikni hayot mezoniga aylantirish- milliy mafkuramizning bosh maqsadidir” [2] degan edi. Qadriyatlar, biz yaxshi bilamizki, nafaqat o`tmish davrlar uchun muhim ahamiyat kasb etib qolmasdan hozirgi kun va kelajakdagি taraqqiyotimizga ham ijobjiy ta`sir ko`rsatadigan, insonlar ongiga singib, ijobjiy ahamiyat kasb etib, moddiy, ma`naviy, tabiiy, diniy, axloqiy, falsafiy va boshqa boyliklar majmuini qamrab olishni tushunamiz. Barcha davrlarda, jamiki ijtimoiy hayotda ham inson eng oily qadriyat hisoblanadi, ayniqsa bugungi kunda yurtimizda barpo bo`layotgan huquqiy demokratik jamiyatda bu alohda o`ringa ega. O`zbekistonda amalga oshirilayotgan tub o`zgarishlarning negizida eng avvalo insonlar yotadi. Bu esa islohatlarning mohiyatini xalqqa tushuntirish talab etadi. Shu boisdan rivojlangan mamlakatlarda mafkuraning targ`iboti “hukumat siyosatining tashviqoti” ko`rinishida amalga oshiriladi. Davlatning bosh islohotchi ekanligi ham O`zbekiston hukumatining maxsus targ`ib qilishni talab etadi. Bunday targ`ibot islohotlarni “ mafkuraviy asosda ta`minlash”ga xizmat qiladi.

Mustaqillik davrida yoshlarimizni tarbiyalashda milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o`rni beqiyosdir. Birinchi Prezidentimiz I.Karimov aytganlaridek: “Mustaqillik biz uchun avvalo o`zligimizni anglash, insoniy qadrimizni, urf- odat va qadriyatlarimizni, muqaddas islom dinimizni, buyuk ajdodlarimiz, aziz-avliyo va allomalarimizning tabarruk nomlari va merosini, g`urur va iftixorimizni tiklash, yosh avlodimizni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash kabi beqiyos imkoniyatlar ochib bergenini alohida ta`kidlash zarur[3: Б.35]

Milliy qadriyatlarimizni tiklash, urf-odat va an`analarimizni asrab- avaylash, xususan, yosh avlod qalbi va ongiga Ona yurtga muhabbat tuyg`ularini chuqr singdirish, milliy g`oya targ`ibotini hamda ma`naviy-ma`rifiy ishlar samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Barpo etilyotgan yangi muhitda yoshlarda ma`naviy ehtiyojlarning ortib borayotganligini ham sezish mumkin. Ma`naviy ehtiyojlarning shakllanishi, ularni qondirish moddiy ehtiyojlarga nisbatan ancha qiyin va murakkab kechadigan jarayondir. Ma`lumki, jamiyat taraqqiyoti barcha davlatlarda rivijlanishning mohiyati uning sur`ati, insonlarning odobi, tarbiyasi, xulqi va ma`naviy kamolot darajasiga bog`liq bo`lgan. Qayerda ma`naviy- madaniy, axloqiy kamolot yuksak bo`lib, ma`rifiy- tarbiyaviy tadbirlar oqilona yo`lga qo`yilgan bo`lsa, shu yerda jamiyatning ijtimoiy adolat mezonlari tez rivojlanganligi tarixdan ma`lum [4;Б.3]

Ma`lumki, kuchli, qudratli davlat ma`naviyat zaminida vujudga keladi. Bunday qudratli davlatning kishilari ham o`z g`ururi, or-nomusi va qadriyatlarini himoya qilishga qodir insonlar bo`lishi lozim. Shunday ekan, biz tarbiya jarayonida inson sha`ni, g`ururi, uyati, or-nomusi va uni asrash, himoya qilishni yoshlarga o`rgatishimiz hamda oldimizga asosiy maqsad qilib qo`yishimiz kerak. Bugungi yoshlarimiz o`z taqdirining chinakam egasi, o`z tarixining ijodkori, o`ziga xos milliy qadriyatlarning sohibi sifatida, odob-axloqimiz namunasi asosida ish tutadilar.

Bugungi yoshlarimizda Yevropa madaniyatiga taqlid qilish odatlari kam bo`lsada, uchrab turadi.Bunday hollarni bartaraf etish uchun har bir yosh avlod o`z eliga, xalqiga, yurtiga nisbatan kuchli g`urur, or-nomusni shakllantirishi maqsadga muvofiq.

Xulosa qilib aytganda, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ijtimoiy hayotning ma`naviy borlig`imizning muhim va serqirra sohasi bo`lib, yoshlar kamolotida juda katta ahamiyat kasb etadi.

### Foydalangan adabiyotlar.

1. Xalq so`zi 2017 y 9 fevral
2. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo`lida xizmat qilish eng oily saodatdir. T: “O`zbekiston”. 2015.
3. S.Sermuxamedov. Biz qanday jamiyat barpo etmoqdamiz. T., “O`zbekiston”, 1999 y. 35-bet
4. Yu.F.Mahmudov, X.J.Xudoyqulov “Milliy g`urur-ma`naviy komillik mezoni” T:2011 3-bet

## ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ КУРАШ ЎЙИННИНГ ЎРНИ

Бердиев Ф.О.  
ЎзДЖТСУ ўқитувчиси.

Бугунги кунда юзтимизда ёшлари онгидаги жисмоний тарбия ва спорт орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни янада ривожлантириш зарурияти юзага чиқмоқда. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш ишларини йўлга қўйишда олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мухим аҳамият касб этмоқда.

Ёш авлодни жисмоний тарбиялашда ва баркамол камол топишида миллий спорт турлариниг хусусан курашнинг ўрни каттадир. Кураш спорти қадимий спорт турларидан биридир. Кураш ўзининг муайян тарихига эга бўлиб, у доимий равишда халқимиз тамонидан мазмунан бойитилиб, ҳар тамонлама эзозланиб келинмоқда. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум. Кураш азалдан ўзбек турмуш тарзининг узвий қисми бўлганлигини археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар тасдиқлади. Қадимий Бақтрия (Ўзбекистон жануби) ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндросимон сопол идишда икки полвон ва улардан бири иккинчисини чалиб ийқитаётгани тасвирланган. Шу даврга мансуб бошқа археологик топилмада эса полвонларнинг кураш усусларини намойиш қилаётгани акс эттирилган. Бу ноёб топилмалар милоддан 1,5 минг йил илгари ҳам кураш аждодларимиз турмуш тарзининг бир қисми бўлганидан далолат беради. Юнон ёзувчиси Клавдий Елияннинг (II—III аср) ёзишича, шу ҳудудда умр кечирган Сак қабиласи қизлари ўзларига күёвни йигитлар билан курашиб танлаганлар. Кейинчалик қизлар күёвни шарт қўйиш йўли билан аниқлашган ва бу шартда кураш мусобақаси бўлган. Бунга ўзбек халқ қаҳрамонлик достони — "Алномиш"даги Барчин шартларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида ёзган: "курашнинг турлари деярли бир ҳил бўлиб, унда икки курашувларининг бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга ўз рақибидан кутулишнингchorасини қиласи...". Бу таъриф замонавий кураш қоидаларига яқиндир. Шунингдек, Махмуд Кошгариининг "Девону луготит турк", Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Алишер Навоийнинг "Ҳамса", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", Зайнiddин Восифийнинг "Бадоеъул-вақоєъ", Хусайн Воиз Кошифийнинг "Футувватномаи сultonий", Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарларида ушбу спорт тури ҳақида қимматли маълумотлар бор. IX—XVI асрларда кураш халқ ўртасида кенг оммалашган. Шу даврда Паҳлавон Махмуд, Содик полвон қабилар кураш довругини оширишган.

Эрамизнинг IX асрида кураш ривожи янги босқичга кўтарилиди. Ўша кезларда замонавий Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли анъанавий байрамлар, тўй-ҳашамлар ва йирик жамоатчилик тадбирлари давомида курашдан кўнгил очиш ва дам олиш воситаси сифатида фойдаланганлар. Кейинроқ кураш кўнгил очиш воситасидан мустақил спорт тури ва жисмоний чиникиш усулига айланди. Энг кучли курашчилар халқ орасида маълуму-машхур бўлиб, улар ҳақида афсоналар тўқила бошланди. XIII асрда яшаб ўтган Паҳлавон Махмуд бунинг яққол намунасиdir. Ҳали-ҳануз унинг қабри зиёратчиларнинг севимли маскани ва мукаддас қадамжолардан бири ҳисобланади. XIV асрда инсоният тарихида ёрқин из қолдирган тенги йўқ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ўз аскарларини чиниктириш ва жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида курашдан фойдаланган. Маълумки, Амир Темур армияси замонасининг энг қудратли ва енгилмас қўшини ҳисобланган. Вақт ўтиши билан кураш замонавий Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг энг севимли ва ардоқли анъаналаридан бирига айланди. Шу маънода кураш ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган, деб айтиш муболаға бўлмайди. Ушбу спорт турига бўлган муҳаббат оталардан болаларга мерос сифатида ўтиб келади. Бугунги кунга келиб биргина Ўзбекистонда кураш билан мунтазам шугулланувчиларнинг сони икки миллионга етган. Ушбу спорт ишқибозлари ва ҳаваскорларнинг сони эса беҳисобdir. Зоро, полвонлик амалу тадбирлари, унинг фалсафаси кишини ўз-ўзидан комиллик сари етаклайди. Кураш ўзбек халқи билан бирга туғилиб, у билан бирга яшаб келаётган бўлса, миллий истиқлол халқимизнинг ана шу қадриятини, таъbir жоиз бўлса, маъnavият гавҳарини етти иқлимга кўз-кўз қилди. Кураш ўзбек миллий спорти сифатида дунёга юз тутди ва ўзининг жозибали усуслари, мукаммал тарбиявий аҳамиятини исботлади. Бирок курашни янада ривожлантириш, унинг фалсафасини, тарихини, тарбиявий аҳамиятларини илмий жихатдан мукаммал ўрганиш заруратидан холи эмас. Курашни Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олиши максадга мувофиқдир. Ўзбекистон раҳбарияти ва спорт жамияти, кураш фидоийлари ушбу йўлда самарали ҳаракат қилмоқда. Ишонамизки кураш

Олимпия ўйинлари дастуридан муносиб ўрин олади. Ўзбек кураши Умуминсоний қадрият сифатида тан олинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ахмедов Ф.К, Абдулахатов А.Р.” Ўзбек кураш миллий ва умуминсоний қадриятлар дурдонаси”. Тошкент 2017 йил.

2.Ахмедов Ф.К, Абдулахатов А.Р.Хайитов О.Т. Кураш-спорт, қадрият, манаъвият ва тарбия воситаси. Тошкент 2020 йил.

## **YOSHLARNING MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING UYG’UNLASHUVIDA SHAXMAT TARIXI AHAMIYATI**

**Xoliqov U.K.**

**Guliston davlat universiteti «Pedagogika va psixologiya» kafedrasи**

Shaxmat birinchi marta kaerda paydo bo’lgan? Jahonning juda ko’p olimlari bu masalani hal qilish uchun bir necha asrlar davomida urinib keldilar. Hozirgacha saqlanib kelgan ko’pgina afsonalar shaxmmatning birinchi vatani Hindiston ekanligidan dalolat beradi. Shaxmat donalari orasida Hindistonga hos fillarning bo’lishi, qadimiy qo’l yozmalarda «radja» shoh «xanga» qo’r kabi hindcha so’zlarning qo’llanilishi bu o’yining tarixi bilan shugullanuvchilarni yuqoridagi fikrga olb keldi. Shaxmatning boshlangich shakli – chaturanga eramizning dastlabki asrlarida Panjob va Kashmir viloyatlarida paydo bo’lgan deyishga etarli asos bor. Chaturanga hozirgi shaxmatga ancha o’xshasa ham, lekin undagi donalar soni va o’yin taxtasining ko’rinishi jihatidan farq qilardi Eng katta farqi shunda ediki, hind shaxmatida maxsus shashqol bo’lib, o’yinda yutish bu shashqolning qay holatda tushishiga bog’liq edi.

Faktlarni yaxshi o’rganish va taqqoslash – O’rta Osiyoning Panjob va Kashmirga yaqin viloyatlarda, tahminan, 4-5 asrlarda hind chaturangasining qandaydir formasi asosida bu o’yinning takomillashgan turi – shatrang paydo bo’ldi, degan xulosaga keladi. Shatrang takomillasha borib, donalarning soni jihatidan ham, bu donalarning taxtaga terilish tartibi jihatidan ham hozirgi shaxmat tusiga kiradi. Shoh, ruh va otni xuddi hozirgidek yuritiladigan bo’lib qoladi: lekin farzin bilan diagonal bo’yicha bir xona tashlab, ikkinchisiga sakragan; piyodalar ikki xonaga surilmagan; rokirovka bo’lmagan. Shunday qilib, bu farqni nazarga olmaganda, shatrang hozirgi zamon shaxmatiga juda yaqin bo’lib qolgan. Shatrang o’yinida shashqol bora-bora qo’llanilmaydigan bo’ldi, unda kurash raqib donalarining barchasini qirib tashlaguncha emas, balki shohni mot yoki pot qilguncha davom ettiriladigan bo’ldi.

Shatrang to’g’risidagi dastlabki ma’lumotlarning O’rta Osiyo adabiyotlarida 600-yillarda tilga olinishi va hind chaturangasi haqidagi dastlabki ma’lumotlarning esa VII asrda paydo bo’lishi hamda VIII-IX asrlarda shatrang to’g’risidagi ma’lumotlar O’rta Osiyo adabiyotlarida ko’plab uchrashi bu o’yinning O’rta Osiyoda tobora avj ola boshlaganidan dalolat beradi. Keyinroq butunlay shatrangga bag’ishlangan debyut va masalalarni o’z ichiga olgan qo’lyozmalar ham paydo bo’la boshlaydi.

Shatrang tez orada Hindiston va O’rta Osiyo bilan chagaradosh mamlakatlarga yoyila boshladi. Eron sultanati va O’rta Osiyoning bir qismini bosib olgan arab istilochilari shatrang bilan VII asrda tanishadilar va «shatrang» so’zini «shatranj» tarzida talaffuz qiladilar.

Darhaqiqat uyg’onish davri mutafakkirlari o’z davrlari uchungina emas, balki kelgusi avlodlar, keljak zamon va davrlar uchun ham ma’naviy kuch-quvvat manbasi, bebafo meros qoldirib, Abu Nasr Forobiyning falsafaga doir, al-Xorazmiyning hisob ilmiga doir, Abu Ali ibn Sinoning tibbiyat ilmiga doir, Abu Rayxon Beruniyning aniq fanlar va tarixga doir, Alisher Navoiyning adabiyot sohasiga doir va yana ko’plab olimu fozil ajdodlarimizning ilmiy, adabiy va falsafiy meroslari o’z davrlaridan keyin ham dunyo xalqlariga yo’l ko’rsatib kelayotganligini butun jahon jamoatchiligi e’tirof etadi.

O’rta Osiyo xalqlari shaxmat(shatranj) rivojida muhim o’rin egallagan. Amu-Sirdaryolari oralig’ida joylashgan mamlakatda shunday ilk xalqaro musobaqa 819 yilda o’tkazilgan va unda vatandoshimiz As-Suli y g’alaba qozongan. 1972 yilda Surxondaryo viloyati hududidagi Dalvarzintepada olib borilgan arxeologik qazilmalar vaqtida Kushon davri(1-2-asrlar)ga oid chaturanga donalari topildi. 1977 yilda Afrosiyob (Samarqand atrofi)da o’tkazilgan arxeologik izlanishlar chog’ida 7-8-asrlarga oid ettita shatranj donasi topilgani bu o’yin bizning zaminimizda chuqur ildiz otganidan darak beradi. Chindan ham 9-asr boshidagi eng kuchli shatranjchilar – Zayrab Katay, Abu Naim al-Xodimiy, Abu Bakr as-Suli O’rta Osiyoda tug’ilgan. Ko’plab shatranj haqidagi rivoyatlarga qahramon bo’lib kirgan Abdulfaroj Laylojga As-Suli ustozlik qilgan. Ajdodlarimiz aqlni charqlaydi shaxmat o’yinining ahamiyatini yaxshi bilganlar. U paytlarda ko’pincha 100 katakli shaxmatda o’yinash nufuzli hisoblanardi. Abubakr as-Suli X asrda eng kuchli shaxmat ustasi bo’lgan. Boshqa kuchli o’yinch-Abulfatx Admad XI

asrda shaxmat bo'yicha qo'llanma yozadi, bu risola bir necha asrlar davomida qayta-qayta ko'chirilib unga qo'shimchilar kiritiladi. Firdavsiyning "Shoxnoma"sida shaxmat o'yinlari mahorat bilan ifodalangan edi.

Bag'dodda 9-10-asrlarda kuchli shatranjchilar o'rtasida muntazam ravishda musobaqalar uyushtirilib turilgan. Ularda o'z davrining kuchli shatranjchilari bo'lgan As-Suli, Az-Roziy, Al-Adliy g'olib chiqishgan. Bundan tashqari, arablar o'yin yozuviga asos solishgan. Ana shu yozuvlar tufayli ko'plab tarixiy o'yinlar matni saqlanib qolingan. Keyinchalik o'yinda «tarbiya» («debyut»), «mansuba» («mittelshpil») kabi tushunchalarning paydo bo'lishi shatranjni sifat jihatdan yangi pog'onaga ko'tardi. Shatranjchilar bilim va mahoratiga qarab saralana bordi. Eng kuchli shatranjchilar oliya(grossmeyster) deya nomlangan.

Buyuk alloma Abu Rayhon Beruniy (973-1050) Hindiston safari chog'ida chaturangani to'rt kishi o'ynayotganini ko'rib, hayron qolgan ekan. Axir, u Xorazmda doim ikki kishi o'ynaydigan shatranjni ko'rgandi-da. Shundan keyin Beruniy shatranj haqida kitob yozgan. Bu kitob bizgacha etib kelmagan. Shatranj nazariyasiga oid eng qimmatli, qadimiylitob — 300 dan ortiq mansubalar kiritilgan Abulfath Ahmad as-Sijziy(12-asr)ning «Shatranj kitobi» sanaladi. Unga As-Suli, Al-Xodimiy kabi oliyalarning tuzgan mansubalari ham kiritilgan.

Ulug' davlat arbobi va sarkarda Amir Temur davrida kuchli shatranjchilar yana O'rta Osiyoda — Samarqandda to'planishgan. O'sha davrning kuchli shatranjisi Oloviddin at —Termizi (15-16-asrlar) Samarqandga kelib, Ali ash-Shatranjiy nomi bilan shuhrat qozongan. U Amir Temur uyushtirgan e'tiborli musobaqlarda g'olib chiqqan. Ash-Shatranjiy bu qadimiylitob o'yin haqida kitob yozib, unga o'zi tuzgan 19 ta mansubani va o'sha davr oliyalarining sara mansubalarini jamlagan. Amir Temur bobomiz shatranjni mehr bilan o'ynagan. Hatto oddiy shatranj o'yinidan qanoat hosil qilmay Ali ash-Shatranjiy bilan murakkab sanalgan shatranji kabirda (unda 128 katak va 64 ta dona bo'lgan) kuch sinashgan.

Shohmotning Sharqda paydo bo'lgani va uning taraqqiyotiga O'rta Osiyo xalqlari katta hissa qo'shgani isbot talab qilmaydigan haqiqat. 1882 yilda Toshkentda birinchi shaxmat to'garagi ochildi. 1885 yilda shaxmat to'g'risida qo'llanma kitobcha nashrdan chiqarildi.

Yurtimiz shaxmat jonkuyarlari haqida gap ketganda, O'zbekistonning birinchi championi(1930 yilda) Azmidden Xo'jaev(1892-1946)ni eslashimiz lozim. U shaxmatga bog'liq barcha tashkilotchilik ishlarida etakchilik qildi: to'garaklar ochdi, yig'ilishlar, musobaqlar o'tkazdi. Xullas, yurtimizda shaxmatchilarining yangi avlod etuklikga etishiga uchun umrini bag'ishladi.

O'zbekiston shaxmat taraqqiyotining keyingi davrini Mamajon Muhiddinov(1927-2002)siz tasavvur etib bo'lmaydi. U to'rt bor O'zbekiston championi, respublikada xizmat ko'rsatgan murabbiy, xalqaro toifadagi hakam unvonlariga erishdi, shaxmat tarixiga oid nomzodlik dissertatsiyasini yoqladi, sehrli o'yinga bag'ishlangan besh mingdan ziyod maqola, ellikka yaqin kitob yozdi. Shu bilan birga, 40 yildan ortiq davrda Respublika shaxmat federatsiyasini boshqardi, yurtimizda yuzlab musobaqlarni uyushtirdi. Aynan uning qo'llab-quvvatlashlari tufayli Georgiy A'zamov (1954-1986) O'rta Osiyoda birinchi bo'lib, xalqaro grossmeyster unvoniga erishdi.

Biz O'zbekistonimizni qudratli shaxmat mamlakatlari qatorida ko'rishni orzu qilib yashadik. Orzularimiz mustaqillik yillarda ro'yobga chiqdi. 1992 yil Manilada o'tkazilgan 30-Butunjahon shaxmat olimpiadasida ilk bor qatnashgan O'zbekiston terma jamoasi faxrli ikkinchi o'rindan joy oldi. 1994 yilda yosh iqtidorli shaxmatchimiz -Rustam Qosimjonov Osiyo birinchiligidagi g'alaba qozondi, jahon birinchiligidagi bronza medalini qo'lga kiritdi. 1996 yilda Erevanda uyushtirilgan Butunjahon shaxmat olimpiadasida Saydali Yo'ldoshev uchinchi taxtada oltin medal bilan taqdirlandi va xalqaro grossmeyster unvoniga munosib ko'rildi. 1997 yilda Rustam Qosimjonov ham xalqaro grossmeyster talabini bajardi va u 1998 yilda ilk bor o'tkazilgan Osiyo championatida g'olib chiqdi. 1999 yilda O'zbekiston shaxmat terma jamoasi Osiyo championi bo'ldi...

2004 yil 13 iyul! Liviya poytaxti Tripolida o'tgan jahon championatida Rustam Qosimjonov 17-jahon championi deb e'lon qilindi. O'sha kun juda katta intellektual salohiyat, iroda va jasorat talab qiladigan shaxmat o'yinida o'zining zafar quchgan farzandi bilan birga butun o'zbek xalqi, butun O'zbekiston dunyo shohsupasiga ko'tarildi. Sport tarixiga zarhal harflar bilan yozilgan bu g'alabasi uchun Rustam Qosimjonov Prezidentimiz Farmoniga ko'ra, Vatanimizning oliy mukofoti — «Amir Temur» ordeni bilan taqdirlandi.

Shaxmat insoniyat kashf etgan eng qadimiylitob, qiziqarli, jozibali hamda go'zal o'yindir. Shaxmat qizikarli va maroqli o'yin. Bola yoshligidan shaxmatda yuzaga keladigan variantlarni □isbotlay boshlaydi. Uлarni solishtiradi, yaxshisini tanlaydi, vaziyatga baho beradi, har doim band bo'ladi. Uning vaqt miya uchun kerakli va foydali mashg'ulot bilan to'ldiriladi.

Shaxmat – katta sport, murakkab fan va jozibali san'at ham. Shaxmatning ijtimoiy maqomi, falsafiy va psixologik masalalari, fanlar bilan aloqadorligi yirik olimlar, nufuzli ilmiy markazlar tomonidan uzoq yillar davomida atroflicha o'rganib kelinmoqda. So'nggi yillarda jahonning ko'plab rivojlangan davlatlarida, jumladan, mamlakatimizda ham shaxmatni ommalashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda.

### **Adabiyotlar ro'yxati**

1. .Karimov "Istiqlol va ma'naviyat". T., 1994.
2. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T., 1998.
3. Ma'naviyat yulduzлari. Akademik M.Hayrullaev tahriri ostida. T.
4. Ibn Arabshox. Ajoyib al maqdur fi ahbori Taymur. (Temur tarixid.Oa taqdir ajoyibotlari). 2-kitob. –T.: Mehnat, 1992. 69-70 betlar.
5. Muhiddinov M. Kataklarda yashiringan olam. -T.: O'zbekiston, 1976. 66 bet.

## **ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ – АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Ибайдуллаев Т.Г.**

**Жиззах политехника институти**

**“Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

Бугунги кунга келиб жамиятнинг ҳар бир аъзосини, жумладан, ёшлар мањнавий – ахлоқий маданийатини юксалтириш ва такомиллаштириш зарурий эҳтиёж сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳеч бир жамият ўз келажагини юксак маданий, мањнавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирумасдан ва кучайтирумасдан кўра олмайди. Шу ўринда миллий лиbosларни ёшлар онгига сингдириш ва уни келажак авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Глобаллашув жараёни XXI асрга келиб барча соҳалар каби ёшларнинг мањнавий – ахлоқий маданийатига ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади. Хусусан, ижобий оқибати барча ёшлар дид билан яхши кийина бошлаган бўлса, салбий оқибати эса бизнинг одатларимизга зид бўлган лиbosларни жамиятимизга кириб келаётгани, яъни ўзини “ўта замонавий” ҳисоблаган ёшлар “Оммавий маданият” ниқоби остида миллий лиbosларимизни эскилик сарқити, шахс эркинлигини бўғувчи занжир, маданийтсизлик каби нотўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилаётганларидан кўрса бўлади.

Шу ўринда ҳинд ҳалқининг давлат арбоби Махатма Ганди глобаллашув жараёнига «Мен ташқаридаги бўрондан кўрқиб, деразамни ёпиб кўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан, деб деразамни катта очиб ҳам кўя олмайман, чунки менинг уйимни чанг – тўзон босиб кетишини хоҳламайман»[1] деган фикрларини билдирган.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “... фарзандларимизнинг қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни кучайтириш, “Оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало – қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим – тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз кераклиги. Бу борада бизлар асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой мањнавий меросига таянишимиз” [2; 89 б.] кераклигига алоҳида тўхталган.

Юқоридаги давлат арбобларининг фикрларини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, М.Ганди шиддат билан ривожланаётган даврда мамлакатни тараққиётдан ажратиб олиш ёки ўзининг қобигига ўзи ўралиб қолиши давлатни ривожланишдан чеккада қолиб кетишига олиб келиши мумкинлигига қиёсий ўхшатиш қилган бўлса, Ш.М.Мирзиёев ёшларни чегара билмас, вакт, макон ва худуд танламайдиган мањнавий таҳдидларнинг салбий жиҳатларига қарши турища анъана ва қадриятларимиз, мањнавий – маърифий соҳалар билан мафкуравий иммунитетини кучайтиришга асосий эътиборни қаратиш кераклигига тўхталиб ўтган.

Шу ўринда келажагимизнинг таянчи ва пойдевори бўлмиш ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, уларнинг онги ва тафаккурига ватанпарварликни сингдиришда миллий лиbosларни ўрни бекиёсдир. Маданийтнинг таркибий қисмларидан бири бўлган лиbos инсоннинг ички ва ташқи гўзаллигини акс эттирувчи, ўтмишдан то ҳозирги кунга қадар ўзида муайян халқлар ва элатларнинг қадрият даражасига кўтарилиган маданийтни сақлаб келувчи муҳим воситалардан биридир. Жумладан, ўзбек этник либоси – халқнинг миллий ўзликни

англаш ва этник такомиллашиш шароити тақозоси билан вужудга келган тарихий фаолияти ва маҳорати натижасидир [3; 100 б.].

Қадимдан миллий лиbosларга қараб кишиларнинг қайси миллат, элатга мансуб эканлиги аниқланган. Хусусан, ҳар бир миллат ва элат ўзига хос бўлган кийиниш маданиятига эга бўлиб, улар шакл ва кўриниш жиҳатидан бир биридан фарқ қилган. Шунингдек, бизнинг ўзбекона миллий кийимларимиз ўзининг одоб – ахлоқ, миллий ўзига хослиги, гўзаллиги, қадрият ва анъналар мазмунидан келиб чиққани билан аҳамиятлидир.

Ёш авлодни тарбиялаш, кийиниш маданияти ҳақидаги одатларни сингдириш дастлаб оиласдан бошланади. Хаттоқи, фарзанд дунёга келган куниданоқ одатларимизга кўра “чилла кўйлак” ёки “ит кўйлак” деб номланган анъанавий кийимларда чақалоқ 40 кунлик бўлгунга қадар кийинтирилган. Бичими содда, юмшоқ матодан тикилган бу кўйлаклар айрим жойларда 40 кундан сўнг боланинг устидан ечиб олиниб итга кийдирилган. Бу одатнинг сабаби боланинг жони тошдек қаттиқ, умри узоқ бўлсин, унинг бошига тушадиган барча кулфатлар итга ўтсин, деб тиланган [4; 40-41 б.].

Бола оила муҳитида миллий лиbosларга ҳурмат ва қадриятлилик руҳида тарбияланиб, ижтимоий жараёнларга киришиши билан, яъни, мактаб, лицей, касб – хунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва кейинги босқичларда ўз мустақил йўлига эга бўлган, жамиятдаги одатларимизга ёд лиbosларга қарши тура оладиган авлодга айланади. Аммо, ҳозирги кунда бизга Европа мамлакатларидан кириб келаётган ҳамма томони очиқ, қалта ва тор лиbosлар ёшлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ўғил болаларнинг қалта шортик, кийимларидаги турли хил иборали ёзувлар, йиртқич хайвонларнинг расми туширилган кийимлар, қиз болалар эса “Европа модаси”га тақлид қилиб қалта юбка ва тор синтетик кўйлаклар, йиртиқ шимлардан иборат лиbosларни кийиши уларни маданиятимиздан узоклашишига олиб келади.

Тарихдан маълумки, маданияти кучсизлашган миллатни кучлилар маданияти эгаллаган ва унинг маданияти остида қоришиб кетилган. Натижада миллат ва элатлар ўзининг маданиятидан айрилиб ўзгалар маданиятидан баҳраманд бўлган. Ўзбек миллатининг бой тарихий лиbos маданияти доимо ўзга халқларга таъсир этиб келган.

Ҳозирги вақтга келиб эса минг йиллик тарихга эга бўлган миллатимизнинг миллий лиbosларини ёшлар маънавиятининг ажралмас қисмига айлантириш мамлакатимизни миллий юксалишига сабаб бўлади.

Мана шулардан келиб чиқиб **биринчидан**, лиbos маданиятини ёшларга оиласдан сингдириб бориш ва меҳрини уйғотиш керак, **иккинчидан**, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, уларнинг миллий лиbosларимиз ҳақидаги билим ва қўникмаларини ошириш, **учинчидан**, анъанавий ўзбек лиbos маданияти асосида замонавий лиbosларни тайёрлашнинг услубий асосларни ва кийимнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида замонавий кийимларни яратишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш, **тўртинчидан**, таълим муассасалари ва ёшлар ташкилоти миллий лиbosларни аҳоли ва кишилар ўртасида тарғиб қилиш учун талаба – ёшлар иштирокида ҳафта ёки ойда бир маротаба миллий лиbosлар куни сифатида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий лиbosлар ёшларни маънавий – ахлоқий маданиятини шакллантиришда, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаши билан аҳамиятлидир.

#### **Адабиётлар.**

1. [http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT\\_ID=35603](http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=35603)
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. –592 бет.
3. Усмон Ҳосил (Қорабоев). Одатнома. 2-китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – 288 бет.
4. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. –Тошкент: “Фан”, 1978. –56 бет.

## **ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ НЕГАТИВ АҲБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Норов Сайд – СамДАҚИ доценти, фалсафа фанлари номзоди.  
Бойкулова Насиба - СамДАҚИ ўқитувчиси.**

Бугунги кунда, кучайиб ва глобаллашиб бораётган маънавий-ахлоқий инқироз, бевсита ёки билвосита, бошқа умуминсоний муаммолар асоси ҳисобланади ва ҳақли равишда, жаҳон илмий

хамжамиятини таҳликага, саросимага солмокда. Дарҳақиқат, *бир томондан*: фан-техника, инновацион технологияларнинг илғор ютуклари, замонавий ахборот коммуникациялари ва инфраструктураси ривожланиши, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги ахборот айрибошлаш чегараларини очиб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига катта ҳисса кўшаётгани тарихий факт.

**Иккинчи томондан**, хозир Интернет тармоғи дуёда “учинчи кучлар”нинг деструктив ғояларни илгари сурувчи ва тарқатувчи асосий қуролига айланди. Яъни узоқ масофадан туриб ўз ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун ижтимоий тармоқлар орқали: миллий урф-одатларни, оила мукаддаслигини, одоб-ахлоқ каби маънавий қадриялар емирилишини, лоқайдлик, танбаллик, бепарволик каби иллатларни кучайтириб юбораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Умуман, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ОАВ ходимларини “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” билан табригида: “матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда”, дегвн фикри муаммо долзарблигини ҳам, ечимининг ахамиятини ҳам, кўрсатиб турибди..

Интернетнинг ижобий томонлари билан бир қаторда унинг салбий томонлари мавжудлигини ижтимоий тармоқлар фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Айниқса, Интернет ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсан, унинг салбий томонлари, айнан ёшлар дуёқарашига таъсир ўтказаётгани, жамият маънавий хавфсизлигига таҳдид соаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ҳозирги даврда инсон маънавиятига “оммавий маданият” таҳдидлар хуружи комплекс характерга эга бўлиб, шахс онгиди: салбий тушунчаларни, эмоционал ҳиссий туйгуларни, амалий фаолиятида ғайриинсоний, ғайриахлоқий девиант хулқ-авторни шакллантиришга йўналтирилган мақсадли ҳаракатлар мажмуидир. Зеро, “таҳдид” сўзининг мантикий мазмуни, умуман хавф-хатар, хуруж ва бузиш маъноларида ишлатилади.

Шу нуқтаи назардан, умумлаштириб айтганда, инсон маънавиятига таҳдидлар, муайян манфаатларга асосланиб, шахсни маънавий-ахлоқий қашшоқлаштиришга қаратилган мақсадли ғоявий-мафқуравий хуруж хисобланади ва агрессив характерга эга. Ўз навбатида, лексиконимизда улар билан боғлиқ: “ахборот хуружи”, “ахборот хавфсизлиги”, “ахборот босими”, “ахборот агрессияси” “ахборот экспансияси” ва бошқа шу каби тушунчаларнинг кенг қўлланилиши тасодиф эмас.

Интернет сайtlари орқали ижтимоий тармоқларнинг ёшлар онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлари – ахборот хуружлари тобора авж олмоқда. Айниқса, бугуннинг асосий хавф-хатарлари: “оммавий маданият”, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, диний экстремизм, оммавий ахлоқсизлик кучайиб, инсоният цивилизацияси келажагига жиддий хавф солмоқда.

Интернет ижтимоий тармоқлари орқали тарқатиладиган порнографик суратлар, ғайриинсоний ҳаёсиз лавҳалар ёшлар ижтимоий онгини манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадрияларни емириш, халқимиз менталитетга мутлақо ёт, бегона “қадриялар”ни тарғиб этиб, тарихий хотирасини сўндириш ва ўзгартириш, шафқатсиз девиант хулқ-автор тарғиб қилинаётган онлайн ўйинларини кўпайтириб, террористик ва экстремистик гурухлар фаолиятларини кенг тарғиб-ташвиқ қилмоқда.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, интернет тармоғи орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг ярми зўравонлик ва ёвузлик кўринишига эга. Менталитетимизга мос ва хос бўлмаган, жанговар ”қаҳрамонлик”ни, ваҳшийликни тарғиб-ташвиқ қиласидан ўйинлари фарзандларимиз маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсири натижасида инсоннинг манкуртлашуви, шахс маргиналлашуви содир бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам ёшлар маънавиятига таҳдидлар профилактикасида: 1) инсоният цивилизацияси тарихида яратилган маънавий-ахлоқий қадриялар меросини тарғиб-ташвиқ қилишнинг педагогик-дидактик функциясини кучайтириш; 2) ахборот маданиятини ривожлантиришга мутасадди давлат ва оммавий фуқаролик институтларнинг ташкилий-бошқарув фаолиятини мувофиқлаштириш ва интеграциялаштириш; 3) ёшлар маънавиятига таҳдидлар олдини олиш – профилактикаси учун ҳар бир инсоннинг бурчи ва масъулиятини шакллантириш; 4) фуқароларнинг “оммавий маданият” моҳиятини англаб, унинг таҳдидини бартараф қилиш борасида муайян назарий-методологик билимларни, амалий кўникмаларни эгаллаш имкониятини

яратиш; 5) маънавий хавфсизликларга таҳдидларга қарши курашда жаҳон ҳалқлари илғор тажрибаларидан фойдаланиш ва амалий ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга..

Шу билан биргаликда, кейинги вақтларда тарқатилаётган ахборотлардан мақсадли фойдаланиш, уларни оқилона “истеъмол қилиш” эҳтиёжи ва зарурияти *ахборот истеъмол маданияти* деган тушунчани пайдо килди. Яъни, ҳозирги давр воқелиги ҳар қандай ахборотни кўр-кўрона қабул қилиш эмас, балки шахс, жамият, давлат (қолаверса, глобал цивилизация) манфаатларига мослиги нуқтаи назаридан баҳолаб танлаш, талқин этиш ва фойдаланиш маданиятини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Зоро, Интернет тармоғи жадал ривожланиб, глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ахборот истеъмоли маданиятининг маънавий-маданият таркибий қисмига айланиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106 сонли Фармонида: бугун дунёда глобаллашиб бораётган маънавий хавфсизликка турли таҳдидлар олдини олиш, “оммавий маданият”нинг заарли таъсиридан ёшлар онгу тафаккурини ҳимоя қилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятининг устувор йўналишларида ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизикишини янада ошириш; хукукий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация инновацион технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт гояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш вазифалари белгилаб берилган эди [1].

Бу стратегик вазифаларни амалга оширининг ташкилий-хукукий асослари, ёшлар тарбияси учун: ота-оналар, жамоатчилик институтларининг масъулияти ва бурчини ошиишни; ёшларнинг Ватанга меҳр-садоқатини мустаҳкамлашда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришни; шиддат билан ўзгараётган даврга мос назарий билимларини, инновацион технологик тафаккурини ривожлантиришни; илмий дунёкарашини, мустақил, эркин ва танқидий фикрлаш маданиятини шакллантиришни; соглом ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини оммалаштиришни; диний ва дунёвий билимларини ўйғуллаштиришни қонуний-хукукий таъминлашни тақозо қиласди.

Шу талаб асосида Ўзбекистонда 2017 йилнинг 15 августда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди[2]. Қонуннинг мақсади – болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга мутасадди давлат ташкилотлари ва оммавий фуқаролик институтларни муносабатларини хукукий тартибга солишдан иборат бўлиб, юкорида кўрсатилган вазифаларни бажаришнинг қонуний асосларини мустаҳкамлади.

Хулоса қилиб айтганимизда, глобал цивилизациянинг ҳозирги босқичида юртимиз ёшларини негатив ахборот хуружларидан ҳимоялаш учун, уларнинг замонавий билим ва тафаккурини оширишда, ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишларда, энг аввало: ота-оналар, устоз ва мураббийлар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик ролини ошириб, кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот олиб бориш лозим

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоки фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106 сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 6 июль.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. //“Халқ сўзи”, 2017 йил 17 август.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ЁШЛАРНИ АХБОРОТ, МАФКУРАВИЙ, МАЪНАВИЙ ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Мирзаева М.Қ.  
СамДУ Фалсафа кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари номзоди.  
Зайнев А. - СамДУ талабаси.**

Бизга маълумки Ўзбекистон ўз ҳалқи фаровонлиги, тинчлиги, мамлакат равнақи йўлида фаол фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда. Аммо ҳозир қуриб турибмизки глобаллашув жараёнида ахборот, мафкуравий, маънавий хуружлар билан бир қаторда бутун инсоният бошига

яна бир хатар хавф солиб, тобора кескинлашиб, унга қарши кураш бугуннинг долзарб вазифасига айланди.

Чунки глобаллашув жараёни мисли қурилмаган ахборот хуружларини хар хил алоқа воситалари орқали жаҳон миқёсида тинимсиз айлантириб, ижтимоий тараққиёт, миллий-маданий мерос, мағкуравий қарашлар, диний - ахлоқий тамойиллар хусусан ёшлар онгига жиддий ўзгаришларни руй беришига сабаб бўлиб, хар бир давлат, ҳалқ, миллат, ёки жамият олдига янгича талабларни қўйди. Шу боис фуқаролик жамияти барпо этиш вазияти янада мураккаблашиб, хар биримизни огоҳликка чорламоқда.

Бундан ташқари жамият ривожида «ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча давлатларда кўриш, хис этиш мумкин. Айниқса, у ўтмиш меросимиз ва замонавий қадриятларимиз ва ёшлар онгига таҳдид солувчи куч сифатида, миллий-маънавий ҳаёт, ахлоқий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг емирилишига таъсири ўtkазди. Шу боис фаол фуқаролик жамияти қуришда ҳалқимизни сергакликка тортиш, миллий маънавий, диний қадриятларни, хусусан ҳимояга муҳтоҷ қатламни ҳимоя қилиш зарур ва шарт. Чунки, давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик оғатлар пайтида ўзаро ёрдам кўrsatiш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасида глобаллашувнинг роли билан боғланиб, шу билан бир қаторда хавфи ҳам кучайиб қолди.

Жаҳон сиёсий саҳналарида рўй берадиган ҳар қандай янгилик ёки ўзгариш қай даражада мамлакатлар ҳаёт тарзи ва тақдирига мақбул ёки хавф солаётганини чуқур идрок этиш, катта империяларнинг миллат ва элатлар тақдирига салбий таъсирини англаш, ёш давлатлар ўз миллий қадриятлари ва тарихини тиклашга интилаётган бир даврда глобаллашувни пеш қилиб, ўзгача маънавий-ахлоқий ёт қадриятларни жаҳон миқёсида ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилаётган мағкуравий кучларнинг куплиги ва глобаллашув жараёнига таъсири, рухияти аста-секинлик билан «оммавий маданият» сифатида жаҳонга тарқалиб, мураккаб вазиятларни вужудга келишига сабаб бўлганлигини илмий асослаш жуда муҳимдир.

Хусусан, ҳалқимиз турмуш тарзи, маънавияти, маданиятига кириб келишга интилаётган моддий, маънавий маҳсулотларни олиб қарайдиган бўлсак, беозоргина кўринган бирор буюм, бадий фильм ёки оммавий маҳсулот одамлар қалби ва онгига таъсири этиши, миллий, ахлоқий маданиятига путур етказиши ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Аммо бу маҳсулот сифатида тарқатилаётган «ташвиқотларнинг максади катта фойдага эга бўлиш, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиёти ва моддий ресурсларини кўлга киритиш, уларнинг миллий маънавиятини эгаллаш, ўз урф-одат, анъана, ахлоқий қадриятларини ўзгалар онги ва қалбига сингдириш, уларни амалга ошириш йўли билан ўзга миллатни маънавий қашшоқ, ўзлигидан маҳрум қилишдан иборат эканлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатdir.

Бундан ташқари ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ҳаётда ҳозирги замон технотрон, информацион цивилизацияси шаклланишининг таркибий қисми сифатида жаҳон глобаллашуви намоён бўлиб, информацион алмашинув аввалги замон шароитидан бутунлай фарқ қиласи. Чунки аввал ҳар бир мамлакат фуқароси асосан ўз давлати, миллати, Ватани томонидан шакллантирилган ахборотлар тизими таъсирида ривожланган бўлса, энди У жаҳон миқёсида бутун инсоният яратган ахборотлар оқимининг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланмоқда.

Шу боис ахборотлар хуружи ҳалқимизни ижтимоий маданиятини ўзгаришига сабаб бўлиб, айниқса, миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъаналар, маросим ва урф-одатларга турли кўринишда таҳдид солмоқда. Яъни, глобаллашув жаҳоннинг мағкуравий манзарасини ўзгартириб, янги-янги гояларни вужудга келтирди ва рўй берадиган ўзгаришларнинг тезлиги ва чуқурулиги инсон иқтидори ва инсониятга ён-атрофга мослашиш, содир бўлаётган ўзгаришларнинг йўналишини белгилаб олиш тасаввурини заруратга мослаштиришни талаб этди. Натижада инсоният ўзи учун кулаги ижтимоий мухит ахтариб, ўзи англамаган ҳолда миллий, ижтимоий, ахлоқий маданиятига салбий таъсири этувчи маконга тушиб қолди.

Бундай ҳолатлар янги асрда кўпроқ миссионерлик, диний экстремизм ва терроризм ҳаракатларида намоён бўлиб, глобаллашув даври терроризми ўзининг никобланган моҳиятини «рангли инқилоблар» куринишида юзага келтирди ва бунинг оқибатида баъзи бузғунчи кучлар

халкларнинг тақдири ва келажагига таҳдид солиб, азалий миллий қадриятларини поймол қилиб, ўзларини «қўғирчоқ»лари сифатида сиёсий ўйинларга жалб этди. Бугунги кунга келиб бу хуруж “пандемия” кўринишида барча давлатларнинг тақдирини ўзгартириб турибди.

Ахборот хуружларидан миссионерлик, экстремизм ва терроризм доимо маданият, маърифат, маънавият душмани бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки уларнинг манфаатларидан «оғзинг бир марта мойландими, экстремизм, терроризм тузогига бир илиндингми, бас, бу қабоҳат тўридан тирик кутула олмайсан. Сен уларнинг қўлида бамисоли қўғирчоқка айланасан. Керак пайтда ўйнатишади, керак пайтда сайратишади, керак пайтда эса–бомба қилиб портлатишади». Аммо ҳозирги “COVID-19” вируси барча хавфларни ортда қолдирди.

Шу боис жаҳон миқёсидаги халқаро тажовуз, таҳдид ва хуружларга нисбатан пассив кузатувчи бўлиб турис мумкин эмас ва унга қарши илмий, амалий-ташкилий, маънавий-маърифий, тарғибот ишларини фаол олиб бориш ва бу курашда ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларни фаол иштирок этишга чақириш бугунги куннинг зарурий шарти бўлиб, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва унинг келгуси тараққиёт йўналишини белгилаш учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК

Шамуратова Э.С.

Самарқанд давлат чет тиллар институти таянч докторантни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев дунё хамжамияти эътиборини қўйидаги шарт-шароитлар таҳлилига қаратдилар: “Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир”[3].

Мазкур хужжатда ёшларни тарбия қилиш омиллари таҳлили жараёнида ислом ақидалари ва қадриятларини ўрганиш не чоғли муҳим эканлиги қайд этилди: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиши энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз мұқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз мұқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” деб мамлакатимиз таълим тизими олдига ислом маърифати тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш вазифасини қўйилди. Демак, таълим тизими, хусусан оилавий таълим ва тарбия жараёнидан талаф этилаётган долзарб вазифаларидан бири бу ўсиб келаётган янги авлодларни ислом қадриятлари асосида тарбия қилиш, улар тафаккурини шакллантириш, улардан соғлом эътиқод килувчи фарзандларни улғайтириш вазифасидир.

Мустақиллик йилларида диний эътиқоднинг роли масалалари қайта баҳоланди, дин тарихи ва унинг жамият ривожидаги, инсон дунёқарашидаги ўрни янгича идрок этилди. Динларнинг тарихига оид масалалар мактаб таълимидан бошлаб олий таълимгача бутун маориф тизимининг турли босқичлари ўқув дастурларига киритилди. Ўқув жараёнига биринчи бор киритилган таълим дастурлари ва янги предметларда динга янгича ёндашувлар ўз аксини топди. Улар орасида диншунослик, ислом дини тарихи, жаҳон динлари тарихи фанлари бор. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида ислом дини асослари, давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари, диний муассасаларнинг ҳозирги замон жамиятидаги ўрни ва роли каби муаммолар янгича ечимини топмоқда.

Ёшларда таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилиш ва самарали олиб боришда, унинг натижадорлигини таъминлашда **тизимлилик ва изчиллик, узвийлик ва узлуксизлик тамойили** муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнининг изчил ва тизимли бўлиши зарурлиги борасидаги қараш Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида талқин қилинган.

Бинобарин, таълим ва тарбия жараёнининг оиласида ҳам изчил ва тизимли бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга[2; 87 б]. Унинг изчиллиги ислом қадриятларига доир билимларнинг аста-секинлик билан, узвий алоқадорлик ва оддийдан мураккабга қараб бола тафаккурида шакллантириш жараёнидир. Унинг тизимлилиги оиласи таълим-тарбия жараёни бизнинг мамлакатимизда инкор қилинмай, балки шахс шаклланишининг узвий таркибий қисми сифатида тан олиниши билан алоқадордир. Тарбиянинг изчил ва тизимли бўлишида маълумдан → + номаълумга, осондан → + қийинга, оддийдан → + мураккабга, яккадан → + умумийга, умумийдан → + жузъийга, конкретдан → + абстрактга, мисоллардан → + қоидаларга ўтиш унинг самарадорлиги асосидир. Олимнинг таъкидлашига кўра, «Ҳакиқатан ҳам ўқитишда ўқув материалларини тушириб қолдирмаслик, шошмаслик, бир ўқув материали болаларга тамом сингмагунча, бошқа нарсага ўтмаслик, ўқитишнинг изчил ва системали бўлишида катта роль ўйнайди».

Халқ ардоқлаган сифатлар, хусусиятлар ҳалқ мақоллари, ибратли сўзлар, маталлар, ҳалқ ашуалари, достонлари, эртак, ривоят, топишмоқ, тез айтиш, қўшиклар, маросим фольклори каби катта ва кичик жанрлари таркибида, шунингдек ҳалқ ўйинлари, айтишувлари, мусобақалари тарзида бизнинг давримизгача етиб келган ҳамда тарихий шаклланган маънавий-маърифий дунёқараш маҳсули саналади [1; 676].

Халқ қадриятлари ичди меҳнатсеварлик, дўстлик, яхшилик, одоб ва ахлоқ, камтарлик, поклик, тўғрилик, одамийлик, сахийлик, ростгўйлик, сабр, ҳурмат кабилар бош ўрин эгаллаб, уларни авлоддан авлодга ўткизиш ва тарбия қилишга хизмат қилади.

Юқорида санаб ўтилган хислатларнинг кўпчилиги эса ислом қадриятлари билан ўз уйғуналигини акс эттиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусурмонова О. Оила маънавияти - миллий ғурур. -Т.: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.;
2. Ян Амос Коменский. Буюк дидактика. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1975. – Б. 159.
3. <http://hordiq.uz/2017/09/20/shavkat-mirziyoevning-bmtdagi-tarixiy-nutqi-tuliq-matn/>

## **ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Тоғашарова К.М.**

**СамДАҚИ** катта ўқитувчиси,  
**Зияев Ш.Н.** - СамДАҚИ талабаси.

Маданий тараққиётга хос бўлган умумий қонуниятлардан бири – инсоннинг тўхтовсиз равища маънавий жиҳатдан юксалиб бориши билан белгиланади. Маънавий ҳаётнинг шаклланиб бориши ва яшовчанлиги, авваломбор, шу жамият фуқоролари зиммасига юкландиган маъсулиятдир. Маъсулият эса инсоннинг маънавий фазилатлари билан янада мукаммалашади. Шахснинг маънавий ва ахлоқий фазилатлари унинг иймон-эътиқоди асосида ҳалоллик-поклик, меҳр-шафқат,adolat ва ҳакиқатгўйлик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, камтарлик ва шу кабиларда намоён бўлади.

Миллий маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашнинг муҳим мезони “Ўзингга нима тилассанг, ўзгаларга ҳам шуни тилагин” деган ҳикматда мужассамлашган. Улуг аждодларимиз Ином Бухорий ва Ином Термизий ҳикматларида юксак маънавий фазилатлар тавсифлаб берилган. Абу Наср Фаробий жамият ҳаётида раҳбарларнинг энг муҳим ўн икки маънавий хислатлари? фазилатлари, аҳолининг ҳар бир табақасига хос маънавий фазилатларни таҳлил этган бўлса, [1.17] Юсуф Хос Хожиб ва Махмуд Қошгари фуқороларнинг одобини, Кайковус эса фарзандларда, ёш авлодда маънавий фазилатларни шакллантириш ўйларини батафсил баён этган. [2.]

Муқаддас китобларимизда ҳам маънавий фазилатнинг комил инсонни вояга етказиш ҳамда уларнинг жамият тараққиётидаги тутган ўрни таъкидланади. Маънавий қадриятлар ижтимоий-тарихий, маданий тарққиёт натижасида шаклланади, такомиллашиб бойиб боради. Шу тариқа миллий маданият ривожланади. Бу жараёнда маънавият аҳли: алломалар, адиб ва зиёлиларнинг миллий онг, миллий рух, миллий ўзига хосликни таъминлаш ва ривожлантиришда тутган ўрни бекёёсдир.

Улуг аждодларимиз И мом Бухорий, Ат-Термизий, Гиждувоний, Нақшбанд, Мухаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби зотларнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий-маърифий, илмий мероси нафақат ҳалқимиз, балки жаҳон маданияти хазинасидан муносаб ўрин олиб, инсониятни эзгулик сари етаклаб, ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз “Тилинг бирла кўнглингни бир тут” [3]дер экан, ўзи ҳамиша бунга риоя қилди. Тил ва дил, сўз ва амал бирлиги Навоий дахосининг мумтоз хислатларидан, маънавий фазилатларидандир.

Улуг аждодларимиздан бири Абу Наср Фаробийнинг “Инсонни баҳт-саодатга элтувчи жамоа – фазилатли, етук хосиятли жамоа, чунки инсоннинг ўзи дунё тараққиётининг энг мукаммал ва энг етук якунидир”[4.49.] дея таъриф бериши жамиятда ҳам маънавий фазилатларнинг ўрни бекиёс эканлигини белгилаб беради. Бинобарин, юксак маънавий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бу улуг зотларнинг ўзи ҳам биз учун абадул-абад маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолди.

Инсоннинг маънавий ва ахлоқий фазилатлари доирасида ор-номус ҳам мухим ўрин тутади. Ор-номус – бу ўзига номуносаб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш туйғусидир. Орият бу – ор-номус тушунчаларидан ташқари иззат-нафс, қадр-қиммат туйғуларини ҳам ифодалайди. Чунки, ориятли одам ўзи, оиласи, маҳалласи ҳамда ватанинг манфаатлари ва қадр-қимматини юксак тутади. Номус эса иффат, бокиралик маъноларини мужассам этган ҳолда инсоннинг жамиятда ўз мавқини сақлаш, кўпчилик манфаатларини хурмат қилиш ва ардоқлаш, ноўрин ҳатти-ҳаракатлардан хижолат тортиш туйғуларини, оила, жамоа ва аждодлар шаънига доғ тушурмасликдир.

Маънавий фазилатли бўлишнинг яна бир сифати виждондир. Кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-авторида мужассамлашган оила, маҳалла, жамоа, жамият, миллат ва Ватан олдида маънавий маъсулиятни ҳис этиш туйғусидир. Инсоф эса адолат ва виждон амри билан фаолият юритиш туйғуси бўлиб, ўзаро муносабатларда ҳалоллик, тўғрилик, тенглик, соғдиллик ва тўғрисузликни ифода этади.

Яна бир ҳалқимизга хос бўлган ахлоқий фазилатлардан бири ҳаёдир. Улуг донишмандларимиз, хусусан Абу Лайс ас-Самарқандий, Фаззолий, Абдулла Авлоний ва Фитрат каби маърифатпарварлар ҳаёни юксак фазилат сифатида баҳолаб, уни одамлар олдидаги ҳаё ва Аллоҳ олидаги ҳаёга ажратганлар ҳамда ҳаёни комиллик белгиси, номус тимсоли, вафо билан муштарак туйғу деб таърифлаганлар. Абдулла Авлонийнинг фикрича “Ҳаё дилни равshan қиласурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига мухтождир, ...иффатнинг пардаси, виждоннинг никоби ҳаёдир”[4], дея марҳамат қилганлар. Шу боис оила ва таълим тарбия жараённида улуг аждодларимиз меросидан ўқтириш, ёшларнинг маънавий фазилатлари саналмиш ҳаёлилик, хулқий гузаллик, назокат, андиша, ор-номус, виждон ва иймон тушунчаларини ўзгаларга нисбатан муносабатда маъсулият билан боғлиқлигини изчил равшда тушунтириб бориш мухим вазифалардан ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. – Т.: 1993 й. 167-бет.
2. Кайковус. Одабнома. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 2017 йил..
3. Алишер Навоий. “Махбуб ул-Қулуб”. – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983 й. 3-бет.
4. Буюк сиймолар, алломалар,(Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар), 1-китоб, – Т.: 1995, 38 бет ва 48 бет.

### **МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА АМИР ТЕМУР ДАВРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

**Ганиев К.  
Самдақи доценти, т.ф.н.  
Мухитдинова Ш. - Самдчи талабаси**

Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаб турган Буюк Ипак йўлиниң тарихий чорраҳасида жойлашиб, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Самарқанд узоқ умри даврида бир неча марта Осиёлик ҳукмдорлар салтанатларига пойтахтлик вазифасини бажарган. Улар Самарқанддан

туриб юртни бошкарғанлар. Бунга күхна тарих гувоҳ. Бу борада буюк Амир Темур ва Самарқанднинг қисматлари ўзаро боғланиб кетган десак муболага бўлмайди.

Амир Темур 1370 йилда амир Ҳусайнни енгиб темурийлар давлатига асос солди. Амир Темур олдида мамлакатдаги парокандаликка чек қўйиш, мўғуллар босқини даврида узилиб қолган миллий давлатчиликни, вайрон бўлиб, харобага айланган шаҳарлар шон-шуҳратини тиклаш каби машаққатли вазифалар турарди. Амир Темур мўғуллар босқини натижасида бутунлай вайрон этилган ва аҳолиси томонидан ташлаб чиқилган Самарқандни янгитдан барпо этишга киришар экан, том маънода қадимги шаҳарсозлик маданиятини қайта тиклади, унга янгича жило, нафас бағишилади, десак хато бўлмайди. Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб танлар экан уни ҳар томонлама ўрганиб чиқди, жойлашиш ўрни, табиати, иклими ва сув ресурсларини ҳар томонлама таҳлил қилди. Ҳузурига меъморлар, қурувчи-усталар, олимларни чорлаб улар билан кенгаш ўтказди ва сўнгра меъморларга шаҳарни қуришнинг бош режасини ишлаб чиқиши топшириди. Бўлгуси Арк ва маҳаллалар, кўчалар, бозор ва майдонларнинг ўрни белгиланди. Француз тарихчи олими, Люсьен Керен ёзганидек “Амир Темур Самарқандни кўркамлаширишга эҳтирос билан ўзини баҳшида этди. Бу борада у меъморлар тақдим этган лойиҳалар орасидан энг яхшини танлаб олиш, улар билан режани муҳокама этиш, ўзига хос тўхтамга келиш, қурилишни ташкил этиш, баъзан эса қуришга бевосита раҳбарлик қилиш, қайси юртлардан келганлигидан қатъий назар энг моҳир усталарга ишонч билдиришдек ажойиб истеъодини намоён этди”.[1,207 б] Шу тариқа Самарқандда ободончилик ишлари бошланиб кетди. Амир Темур фармонига биноан 1370 йилда шаҳар атрофиға улкан мудофаа девори қурилди, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Феруза, Сузангарон ва Коризгоҳ дарвозалари ўрнатилди.

Амир Темурнинг бевосита раҳбарлиги ва ташабbusи билан Самарқандда 20 дан ортиқ маҳобатли меъморчилик иншоотлар барпо этилди. Бу иншоотларларнинг лойиҳаларини унинг ўзи кўриб чиқиб, зарур ўзгаришишлар киритганини, лойиҳалар мукаммал ҳолатга келтирилганидан сўнггина тасдиқланганини Шарофиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий каби тарихчи олимлар ҳам қайд этганлар. Оқсарой, Рухобод, Амир Темур, Бибихоним, Кутби Чоҳорда-хум, Шоҳи Зинда каби мақбаралар, шаҳарнинг аркида Кўксарой, Бўстонсарой каби саройлар, Жомеъ масжид, Туман оғо хонақоҳи, Бибихоним ва Муҳаммад Султон мадрасалари Самарқандга салобат ва кўрк бағишилаган. [2, 135 б] Аркнинг ичига Кўксарой, Бўстонсарой каби ҳашаматли саройлар шаҳарни безаб турган. Кўксарой ҳакида Мирзо Бобир: “Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибдур, тўрт ошёнлик, кўк саройга мавсум ва машхур ва бисёр олий иморатдир”-деб ёзган эди. Ушбу саройда Соҳибқирон хориждан келган элчиларни ҳамда сарой аъёнларини қабул қилган. Амир Темурдан кейин ҳам Кўксарой темурий хукмдорлар учун расмий сарой вазифасини ўтаганлиги тарихий манбалардан маълум.

Амир Темур даврида Самарқанднинг теварак-атрофида кўркам маъмурий, маърифий ва жамоат бинолари, сув иншоотлари қуриш билан бирга бофу бўстонлар барпо этилди. Моҳир меъмор, тажрибали соҳибкорларнинг ақл-заковати, маҳорати билан 1378-1404-йилларда Боги Баланд, Боҳи Беҳишт, Боги Давлатобод, Боги Жаҳоннамо (Жаҳон кўзгуси), Боги Диљкушо (Кўнгил очувчи), Боги Майдон, Боги Нав (Янги боф), Боги Чинор, Боги Шамол каби 12 та боф-сарой яратилди. Манбаларда таъриф этилишича, шаҳар атрофи ўша вактларда Самарқанднинг энг гўзал ва баҳаво ва хушманзара қисми ҳисобланган. Бу ҳақда Шарофиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий асарларида ва 1404 йили Самарқандга Амир Темур саройига ташриф буюрган испан элчиси Клавихо кундаликларида қайд этилган. Таъкидлаш жоизки, боф-саройлар юкорида таъкидлаганимиздек пухта ишланган лойиҳалар асосида қурилиб унда “чорбог” усули қўлланилган. Қурилишда мукаммал геометрик ва математик ҳисоблашлар тўғри ҳал қилинган. Боф-саройлар ўзига хос бетакрор бўлиб, уларнинг шакли кўпинча квадрат ёки тўғри тўрт бурчакли бўлган, боғларнинг марказида ҳашаматли саройлар, унинг олдида эса сарҳовузлар барпо қилинган. Уша даврнинг моҳир наққош, ҳунармандлари ҳамда мусавиirlари боф-саройларни безашга жалб қилинган. Боф-саройларнинг деворларига рассомлар Эрон, Даشتி Қипчоқ ва Ҳиндистондаги жанг, қамал эпизодларини, Амир Темурга элчилар томонидан совгалар келтириш маросимларини, ов манзараларини ва сайиллар, базмлар саҳналарини чизганлар. Бог-саройларга ўсимлик ва ҳайвонот дунёси алоҳида кўрк бағишилаб турган. Шуни таъкидлаш зарурки Амир Темур томонидан Самарқанд шаҳрининг ичига ва атрофида барпо қилинган боф-саройлар Шарқ шаҳарсозлиги ва меморчилигидаги янги, илғор ғоя эди. Бу ғоя Амир Темурдан кейин Мовароуннахр, Хурросон, Ҳиндистонда ҳам темурий хукмдорлар томонидан амалга оширилди, янада бойитилиб юқори чўққига кўтарилиди.

Самарқанд йирик ва құдратли давлатнинг пойтахти бўлиш билан бирга у алоҳида мақомга эга эди. Соҳибқирон шаҳарни бошқариш учун алоҳида ҳокимларни, пойтахт аҳолисвинг осойишталигини таъминлаш, адолатнинг бузилмаслигини таъминлаш учун маҳсус муҳтасиб лавозимларини тайинлар эди. Алоҳида муҳтасиблар бозорлардаги тартиб-қоидаларни, тозаликни, тарози тошларининг тўғрилигини, нарх-навони назорат килиб борарадилар. Яна бир гурух муҳтасиблар эса диний масалаларни, шариат конунларинининг бузилмаслигини ва вакф ишларини кузатиб борганлар.

XIV аср охирларига келиб Самарқанд шу даражада обод ва гўзал, бой шаҳарга айландик, унинг кўрки олдида Шарқнинг гўзал шаҳарлари: Шероз, Миср, Бағдод, Султония ва Дамашқлар ўз кўркини йўқотгандай бўлди. Шу туфайли Соҳибқирон шаҳар атрофидаги бир неча қишлоқларга юқоридаги шаҳарлар номини берди. Бу даврда Мовароуннахр шаҳарларида, айниқса унинг пойтахти Самарқандда савдо ва хунармандчилик ғоятда ривожланди, янги бозорлар ва савдо расталари барпо қилинади. Бу даврда савдо ва хунармандчилик жуда ҳам ривож топганлиги испан элчиси Гонзалес де Клавихони ҳайратда қолдирган эди. Самарқанд бозорларидағи арzonчилик ҳақида гапириб, у шаҳар хунармандчилиги маҳсулотларини қайд килиб ўтган. “Бу ернинг бойлиги факат емакларнинг мўл-кўллигига эмас, балки ўзида кўплаб ишлаб чиқариладиган ипак матолар: атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ва бошка молларнинг сероблигидадир”, деб таъкидлайди.[3, 232-233 б]

Амир Темур юксак маданият ва маънавият соҳиби бўлганлиги учун ўзининг бепоён давлати худудларидан олим, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар ва иқтидорли турли соҳа усталари ҳамда хунармандларни Самарқандга чорлади. Бу эса ўз навбатида Самарқандда илм-фан, санъат ва маданият, меъморчилик, поэзия, илм-фан, монументал рангтасвир, тўқимачилик санъати, нақошлик, кандалорлик, ҳаттотлик, тоштарошлик, шишасозлик, кулолчилик ўта улуғворлик билан ривожланишига олиб келди. Бу даврда Самарқандда Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Нұймониддин Хоразмий, Ҳўжа Афзал, Аловуддин Коший, Жалол Хирий, Ҳўжа Муҳаммад аз-Зоҳид каби машхур олимлар яшаб ижод қилдилар. Абдумалик Самарқандий, Ислам Бухорий, Бисотий, Лутфуллоҳ Нишопурий каби шоирлар бу даврда ўз ижодлари билан машхур эдилар. Амир Темур хукмронлиги даврида шаҳарда санъат ва маданиятнинг барча соҳалари юксак даражада ривожланди. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик рангтасвир, миниатюра, бадиий кулолчилик, заргарлик, металлга бадиий ишлов бериш каби санъат турлари гуркираб ривожланди. Бу даврда Самарқандда бир неча минг жилд ноёб қўлёзмаларни ўзида жамлаган Амир Темурнинг улкан кутубхонаси фаолият кўрсатди. Бу ерда моҳир ҳаттотлар, миниатюрачи рассомлар, қўлёзмаларни безайдиган нақошлар, муковаловчилар меҳнат қилдилар. Улар ноёб китоблар ва қўлёзмаларни қайтадан Самарқанд қофозига кўчирдилар, янги китобларни эса кўп нусхада кўпайтиридилар.

Мұхтасар қилиб айтганда, Соҳибқирон Амир Темур раҳнамолигида мамлакат пойтахти Самарқанд нафақат Мовароуннахр балки кўхна Шарқнинг йирик шаҳарларидан бирига айланди. Шаҳарнинг шон-шуҳрати ва құдрати агадиятга муҳрланди. Самарқанд илм-фан, юксак ғоялар, тафаккурлар, нодир санъат асарлари, бунёдкорлик марказига айланди. Самарқандда – инсоният маданияти тарихидаги энг нодир ҳодиса Ренесанс – Уйғониш жараёни бошланди ва ривожланди. Самарқандда туғилган “Темурийлар ренесанси” Шарқ ва Farb мамлакатларига тарқалиб кетди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Амир Темур Farb адилари нигоҳида / Масъул муҳаррир А. Саидов. Тузувчи Фулом Мирзо. - Т.: Давр сервис НМУ, 2016.
2. Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар (мақолалар, сұхбатлар, тадқиқотлар) / Масъул муҳаррир Т. Ширинов. - Т.: Маънавият, 2015.
3. Мұхаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача). - Т.: F. Fулом номидаги матбаа-нашириёт ижодий уйи, 2014.

### МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕРОСНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Сайдкулов Н.А., Кенжаев Ш.Х.  
Гулистон давлат университети катта ўқитувчилари.

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланади. Бундай уйғунлик халқнинг ривожланишини янги босқичларга кўтаради. Унинг истиқбол омилларини кенгайтиради. Мустақилликка эришилганидан сўнг таълим-тарбия

тизимида давр талабларига монанд ҳолда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу тизимнинг норматив ҳуккуқий асосларини 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-биринчи чакирик, 17 сессиясида қабул қилинган мамлакат «Таълим түгрисидаги қонун»и ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий Даствури» ташкил этади. Бу жамиятда қандай янги норматив-ҳуккуқий ҳужжатларни яратмайлик, барибир, таълим тизимида ворисийлик нұктай назаридан бу масалага ёндошадиган бўлсак, ҳалқимизнинг асрлар мобайнида яратилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган маънавий-ахлоқий мероснинг аҳамияти, ўрни ва роли кучайса кучаядио, лекин сусаймайди. Аждодларимиз томонидан Ўзбекистон ҳудудида яратилган “Авесто” таълим-тарбия соҳасидаги илк қарааш сифатида инсоният тарихини англашда алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистан Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов тарихий олим ва журналистлар билан бўлган учрашувида: «Ҳозир Ўзбекистан деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафакат Шарқ, балкъ тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан бўлган алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар етишиб чиқсан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»-деганди. Дарҳақиқат, Мовароуннахрда пайдо бўлган маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий таълим-тарбиявий маданият сифатида маълум. Мустакиллигимиз шарофати билан бундай меросни миллий, тарбиявий қадриятларимизнинг муҳим замини<sup>1</sup> сифатида ўрганиш имкониятлари очилди.

Маълумки, Ўзбекистонда таълим-тарбия тўғисидаги энг қадимги манба “Авесто” эрамиздан олдинги 3 мингинчи йилларида аждодларимиз томонидан яратилган тарбия тўғрисидаги ижтимоий қарааш ҳисобланган. “Авесто”да илгари сурилган ғояларга эътибор берадига бўлсак, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ғоялари билан ҳамоҳанг эканлигини қўришимиз мумкин. Таълим тизими асосларини шакллантириш борасида «Авесто» деярли барча иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, давлат тузуми асослари, Зардуштийликнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Бу тарихий манбада аввало, инсон эрки, унинг руҳий комиллиги масалалари устувор тарзда қўйилади. Масалан, “Мен яхши фикр, яхши сўз, янги ишга шон-шавкат баҳш этаман” дейилади. Ясна (14) китобида. Ахурамазда инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимилик, ҳурмат, беғаразлик, меҳр-оқибатли бўлишга, ёмон фикрлардан ҳоли бўлишга чақиради. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, булар миллий таълим тизимининг асосий тамойилларига уйғун келади. ”Авесто”да таълим-тарбия ҳуккуқий таълим-тарбия билан узвий алокадорликда чиқилади. Унда ҳуккуқий муносабатлар назарий жиҳатдан шаклланган. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгу ишга интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва баҳт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи Тангри - Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қиласи.

Оила ёки жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланади.

“О, Спитама шартномани бузувчи мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулк-у молларга путур етказади. Спитама, ахдингни бузма...” (“Яшт”, Х боб).

Маълумки, таълим тизими давлатда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва тамойилларнинг тизими яхлитлиги мавжудлигига намоён бўлади. Айни ҳпайтда улар ууминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда бўлишига асосланади. «Авесто»да бундай қадрият ва тамойиллар шакллантирилганлигига гувоҳ бўламиз.

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Кишилик жамиятининг урушлар ва ихтилофлар билан боғлик даврларида янги маърифий таълимотлар ҳалоскор ғоя сифатида ҳам вужудга келган. Айнан IX ва XII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Ҳалқнинг ўз мустакиллиги учун кураши, бунда ҳуррият ва инсон эркинлиги билан боғлик ғоялар миллатни маънавий юксалишга чакиради. Дунёга машҳур Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуфлар сиёсатчи, тарихчи олимлар шу даврда яшаб ижод этдилар. Бу давр ўз мазмуни, салмоғи жиҳатидан Осиё Уйғониши даври деб киради.

Бу давр таълим назариясиниг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар бу назарияни такомиллаштиришда қуйидагиларга асосланган ҳолда талқин этилади.

1.Дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва кўшни мамлакатларнинг маданияти ютукларидан кенг фойдаланиш, айникса, табиий-фалсафий, диний ишларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожи, рационализм акл асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларни бериш, ҳақиқатнинг инсон тасаввури, илмининг асоси деб ҳисоблаганлар.

3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, рухий, бадиийлик, маънавий фазилат. асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил тарбиялаш.

4. Универсаллик-қомусийлик, баъзи табиат ҳодисалари билан қизиқиш ва унинг моҳиятини билишга интилиш<sup>1</sup>.

Таълим тизими ҳақидаги фикрлар ривожи ҳақида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, таълим-тарбия тизими фаолиятни ташкил қилишда ҳалқ томонидан яратилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган маънавий-маданий, ахлоқий меросдан фойдаланиш зарур. Чунки таълим-тарбия жараёни жуда нозик ва мураккаб жараённи ўз ичига олади.

## **ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ, ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Намдӯ тадқиқотчиси И.Х.Атамирзаев  
Намдӯ 1-босқич талабаси А.Абдурахмонов**

Янгиланаётган жамиятда ҳуқуқиий онг ва ҳуқуқиий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқиий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқиий таълим, ҳуқуқиий тарбия ва ҳуқуқиий қадриятларнинг такомиллаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқиий онги ва ҳуқуқиий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқиий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқиий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқиий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида караб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқиий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқиий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик хиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Ҳуқуқиий таълим, ҳуқуқиий тарбия ва ҳуқуқиий саводхонлик – ҳуқуқиий маданиятни юксалтиришнинг асосий омили, ҳуқуқиий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартидир. Ҳозирги ҳуқуқиий модернизация шароити ҳамда бу босқичдаги ислоҳотлар ҳуқуқиий таълим ва ҳуқуқиий саводхонликни янада ривожлантиришни тақазо этмоқда. Зоро, «жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир».

Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқиий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиласи. Ҳуқуқиий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқиий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир»[1]

Ҳуқуқиий таълим, ҳуқуқиий тарбия ва ҳуқуқиий саводхонлик мамлакатни ҳуқуқиий модернизация қилишга, аҳолининг ҳуқуқиий онги ва маданиятини юксалтириш орқали уларнинг ҳуқуқиий ижтимоийлашувига самарали таъсир этади. Бу эса ўз навбатида, умумдавлат миқёсида ҳуқуқиий мезонлар асосида фаолият юритилишига, қонунийлик муҳитини қарор топишига хизмат қиласи.

Ҳуқуқиий демократик давлатни барпо этиш доимо узлуксиз ҳуқуқиий таълим, мақсадли ҳуқуқиий тарбия, тизимли ҳуқуқиий саводхонлик, юқори даражадаги ҳуқуқиий онг ва юксак ҳуқуқиий маданиятни талаб этади.

Ҳуқуқиий таълим узлуксиз жараён бўлиб, ёшликтан бошлаб амалга оширилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-автор қоидаларидан хабардор бўлиши,

маънавий ва баъзи хуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўкув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган хуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Хуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, хар кимга ўзининг хуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз хуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий-хуқуқий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради.[2]

Хуқуқий таълимни юксалтиришда унга илмий-назарий ғояларни, йўналишларни белгилаб берувчи юридик фан муҳим ўрин эгаллайди. «Илм фан соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимиз ҳам дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаниши лозим. ...Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир»[3].

Аҳолининг ижтимоий, сиёсий-хуқуқий фаоллигини ошириш, фуқаролариинг давлат ва жамият бошқарувидаги кенг қамровли иштирокини кенгайтириш - мамлакатда демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ўтказилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Ана шу вазифаларни рўёбга чиқаришда юридик фанлар жиддий роль ўйнаши керак. Бинобарин юридик фанлар, бир томондан, аҳолининг хуқуқий саводхонлигини, сиёсий маданиятини оширишга, фуқароларнинг турли ахборотлардан кенг фойдаланиши учун имкониятларни таъминлашга кўмаклашишга, иккинчи томондан эса давлат-хуқуқ ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши лозим.[4]

Хуқуқий таълимнинг хуқуқий тизимдаги ўрни ва унинг самарали ҳаракатига таъсири масаласида фикр юритганда шуни алоҳида қай этиш жоизки, у хуқуқий тарбияга ва хуқуқий саводхонликка асос бўлади ҳамда юқоридаги таркибининг барчаси биргаликда хуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга хизмат қиласи. Хуқуқий маданият хуқуқий тизимнинг фаол ҳаракатини ифода этади. Шу ўринда, хуқуқий тарбия масаласига тўхтalamиз.

Хуқуқий таълим ва тарбияни амалга ошириш жараёнини «оила-маҳалла-мактаб» концепциясига таянган ҳолда олиб бориш лозим. Ижтимоий таълим ва тарбия каби хуқуқий таълим ҳам илк бор оиладан бошланиши зарур. Оилада ота-она ёки бошқа катта оила аъзолари томонидан берилган таълим шахс онгининг шаклланишига асос бўлади. Шу билан бир каторда оилавий муҳит шахснинг ижтимоийлашувига турлича (ижобий ёки салбий) таъсир этади. Бунинг учун албатта, оиладаги муҳитни ижобий томонга ўзгартириш лозим. Хар бир оилада хуқуқий этикани шакллантириш лозим.

Хуқуқий тарбия ва хуқуқий қадриятларнинг дастлабки босқичи оилада шаклланади. Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлганлиги туфайли боланинг шахс сифатида шаклланиши, келажакда жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда маънавий баркамол инсон бўлиб этишишида асосий пойdevor хисобланади. Оила хуқуқий таълим ва тарбияни шакллантиришда, бола ривожланишининг ҳар бир босқичидаги мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўзига хос ўрин тутади. Бу борада олдимизда турган айрим муаммолар мавжудки, унинг оқибатида бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан турли хуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Уларни бартараф этишни аввало, оиларда хуқуқий саводхонликни оширишдан бошлашимизни тақозо этади.[5]

Ўзбекистонда аҳолини хуқуқий тарбиялаш ва уларнинг хуқуқий саводхонлигини юксалтиришда ўзига хос янги институтут хисобланган маҳаллалар қошидаги милиция таянч пунктлари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Ушбу тузилмаларнинг янги тизими ташкил этилганига кўп вакт бўлмаган бўлсада, улар тегишли маҳалларда хуқуқий-тарбиявий тадбирларни ташкиллаштиришда, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишда, хуқуқбузарликларни олдини олишда ҳамда фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш жараённада фаол иштирок этмоқдалар.

Шунингдек ёшлар тарбиясида хуқуқий қадриятларнинг такомиллаштириш аввало Бош қомусимизни тушуниш ва унга қатъий амал қилишдан бошламогимиз лозим. Бу ўринда:

**Биринчидан**, етарлича хуқуқий билим ва савияга эга бўлган шахс аввало Конституцияни англаб етади, Асосий қонун унинг бахти ва иқболи кафолати эканлигини ҳис эта олади;

**Иккинчидан**, умумий хуқуқ ва ўз шахсий хуқуқларини биладиган инсон кундалик ҳаётда юзага келадиган турли нохуш вазиятлар олдида ожиз бўлиб қолмайди, ўз-ўзини дадил ҳимоя эта олади;

**Учинчидан**, қонунларни билиш, қонунда жазо мұкаррар эканлигини аңглаб етиш хар қандай ҳуқуқий билимдан хабардор бўлган шахсни турли ёмонликлардан, бирорга озор етказишдан, жиноят йўлига кириб қолишидан асрайди;

Демак, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий қадриятлар, тарбия ва саводхонлик аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилгани ҳолда мамлакатимизни янада ривожланишида, тараққий этишида энг мухим ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида мухим омиллардан бири сифатида майдонга чиқади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1.Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5618-фармони 9 январь 2019 йил

2.Каримов И.А. Фан ватан равнақига хизмат қилсин // Биздан озод ва обод ватан қолсин.Т.2. –Тошкент. Ўзбекистон. 1996. –Б. 80.

3.Турсунов А.С. Юридик фанлар илмий тадқиқотлари натижаларини амалиётга жорий этишининг долгзарб муаммолари // Фалсафа ва ҳуқук. 2006. № 3. –Б. 20.

4.Ахлидинов Р.Ш. Вояга етмаганларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш: муаммо ва ечимлар // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммо ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2008. –Б. 21.

5.Хусанов О.Т. Ҳуқуқий баркамоллик – давр талаби: муаммо ва ечимлар // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммо ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2008. –Б. 298.

### **МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АНЌАНАЛАРНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ТАЃСИРИ**

**Мамадалиев М.М.  
СамДУ мустақил тадқиқотчиси.**

Мањнавий-ахлоқий тараққиётини маълум босқичлари аввалги ахлоқий анѓаналарни маҳсулдор имкониятларини ўз ичига олган ҳолда давом этади. Тарихий тараққиёт зинапоясида қадама-қадам кўтарилаётган инсоният ҳар сафар ахлоқий маданият ютуқларини янгидан яратмайди, балки ахлоқий маданият олдин эришган ютуқларига таянади. Шунинг учун ахлоқий маданият тараққиёт тарихидан битта босқични ўчириб бўлмайди. Чунки тараққиёт динамикаси олдинги босқич таѓсирида бўлади.

Жамиятда бундай анѓаналарни кетма-кетлиги, трасформацион хусусияти бир катор саволларни юзага келтиради: 1) мавжуд ахлоқий тамойиллар ўтмиш ахлоқий мероси билан қандай алоқадорлик жиҳати бор? 2) мањнавий маданият, ахлоқий мерос хазинасидан нима олиш керак? 3) ўтмиш қадриятлардан қандай фойдаланиш керак.Faқатгина тарихийлик ва мантиқийлик, анѓанавий ва замонавийликнинг бирлиги ва қарама-қаршилигини ҳисобга оладиган бўлсақ, бундай ёндашув бу мавзу бўйича объектив манзарани очиб, унинг ривожланишини асосий ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаб олиш мумкин.

Кишилик жамиятияда авлодлар алмашиниши ўз-ўзидан анѓаналар тизимини яратиб, урф-одат тизимини яратган. Кекса авлод янги авлод билан шу урфлар ва одатлар орқали танишган, бир-бирини англаш жараёни кечган. “Анѓанадан фарқли равишда одатлар муайя вазиятда нима қилиш керакли ҳақида батафсил кўрсатма беради ва шу билан бирга инсонни руҳий фазилатларига ортиқча талаб қўймайди. Маросим иштирокчилари одатларни бекамиқўст амалга ошириш ҳақида ўз анѓанавий тарбиясида маълумотларни олган бўлиб, у маълум шароитларда ўзгариши мумкин эмас. Инсон ҳаёти ана шундай урф-одат каби фомулалар асосида тартибга солинган”[1. с. 542]. Анѓаналар жамият учун дастлабки цензура ролини ўтаган, қонун, қатъий талаблар асосида шаклланган қадриятлар жамланмаси сифатида шаклланган инсониятни дастлабки мањнавий-ахлоқий ютуқларидандир.

Инсоният умуминсоний ахлоқни ўзлаштириб анѓанавийликни ривожлантирган, шу ахлоқий анѓаналар таѓсирида унинг бадиий-эстетик маданиятини шакллантириб, ўз онгини ривожлантириб юқори босқичга чиқарган. Олдинги авлоднинг ютуқлари панд-насиҳат (дидактика), ўгит, ҳаёт фалсафаси сифатида тарбияда гавдаланади, мањнавий ютуқларни энг афзаллари ўзлартирилади. Бундай трансформацион жараёнга миллий, диний ва худудий тус бериш мағкуравий аҳамиятга эгадир.

Ўтмиш ахлоқий қадриятлари нафақат оддий шахс ижтимоий-мањнавий қиёфасида акс этади, балки бутун жамият томонидан максимал даражада ўзлаштириш натижасида бутун миллий-

этник ахлоқ назариясида акс этади, такомиллашади. Бу масалалар ахлоқнинг фалсафий масалаларини тўлиқ қамраб олади. Анъана авлоддан-авлодга ўтадиган ва муайян ижтимоий муносабатлар туфайли келиб чиқиб, кишларни хис-туйғуларини, жинсларо, кишилараро фикрларни тартибга солиш тизими, одатлар йиғиндисидир[2. с. 118].

Анаъналарнинг хусусиятларидан бири бу – узлуксизликдир. Инсоннинг маънавий борлиғидаги узлуксизлик ва узлуклилик моддий ва маънавий хаётда акс этади. Унинг маънавий олами турли ижтимоий воқелик туфайли ўз моҳияти бутун тизим сифатида ўзгарганда, яъни у бир ҳолатдан иккинчисига ўтганда, ҳозирни ўтмиш билан боғлаб турганда унинг ташкил этадиган айрим омиллар, унсурларини сақлаб қолиши узлуксизликка мисол бўла олади. Ахлоқий анъаналар ёки анъанавий ахлоқ, норма, меъёрий тузилмалар ўтмиш ва келажакни боғлаб, бу орқали доимийликни бутуннинг барқарорлигини белгилаб беради.

Ўтмишдан аниқки бирор авлод ўз ижтимоий тараққиётини бўш жойда бошламайди. Янги авлод мерос бўлиб ўтган қадриятлари заминида, бағрида шаклланади ва янги сериотипни яратади. Ўтмиш ахлоқий қадриятлар эвазига авлодлар бир-бири билан генетик яқинлиги, хулқий мансублиги ҳақида маълумотга эга бўлади. Авлодлар ахлоқий кодлари орқали анъаналар таъсирида “назарий ассимляция”га учрайдилар. Ўтмишдан ҳозиргача келган ахлоқий қадриятлар синовдан ўтганлиги, кучлилиги туфайли бу ҳозирги кишилар учун ижодий энергия беради, замонавий ижтимоий тараққиётга мослашиб янги яратувчи кучга айланади.

Бундан ташқари, анъаналар давомий ва узлуксизлик тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, бу ижтимоий ҳодисала объективдир. Ўтмиш мероси консерватив назарий характерга эга бўлғанлги билан, кейинги анъаналар янгилигига муносасиз муносабатда бўлади. Ахлоқий қадриятларни танқидий баҳолаш, қайта кўриб чиқиш ва ўтмиш меросни замонавий муҳитга мослаш бу трансформациян жараёнлардир. Агар узлуксизлик объектив бўлса, демак, ҳар бир янги даврнинг ахлоқий маданиятидаги одамларнинг ҳоҳишиларидан қатъи назар, дастурлаштирилганда мукаррар равишда янги авлоднинг хулқ-атворига кирадиган таркибий қисмлар, шунингдек нафақат фойдасиз бўлиши мумкин, балки таркибий қисмлар ҳам ижтимоий тараққиёт учун заرارли бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ривожланиш нуқтаи-назаридан кўриб чиқилаётган маънавий мерос асрлар оша ўзгаришсиз қолмайди, балки ҳар қандай тарихий даврнинг ўз ахлоқий маданияти мавжуд ва у ўз ичига барча урф-одат, меросни олади ва яратади. Бугунги кунда яратилган ахлоқий қадриятлар, ахлоқий муносабатлар ўтмишдан ривожланиб келаётган меросни бир бўлаги бўлиб, ўтмишдан назарий ва амалий жиҳатларни қабул қилиб олган бу ижтимоий тараққиётни намоён намоён қилади. Ахлоқий қадриятлар анъанаси, тизими диний қадриятлар билан чамбар-час боғланганлиги инсоният ўтмиши қанчалик ижтимоий вазиятларга бой бўлғанлигини, тараққиёт босқичларидан мерос бўлиб бизгача етиб келганлиги бу ижтимоий фалсафий таҳлил обьекти сифатида майдонга чиқади.

Кишилик жамиятида оддий турмуш тарзида ахлоқий анъаналар бошқалари билан биргаликда пайдо бўлган ва маълум ижтимоий функцияларни бажарган. Бундай ижтимоий функцияларни маънавий қадриятлар деб таснифлаш мумкин. Одатий дунёқарашдан ўтиб, анъаналарда ифодаланган ижтимоий меъёрлар инсон ва одамлар жамоасининг ҳатти-харакатларини тартибга солувчи кучли восита бўлиб хизмат қилган. Инсон ҳаётида аҳамияти бўлган ва аҳамияти жиҳатидан турли хил ижтимоий нормалар ёрдамида тартибга солинмайдиган фаолият деярли бўлмаган. Анъаналар худди шу ижтимоий ҳаракатни амалга ошириган. Бу ахлоқий анъаналар инсонни оиласа, оиласи жамоага, жаамоани жамиятга бирлаштирадиган ижтимоий “клей” ролини бажариб келиб, тарихий бурилиш палласида янги замон учун кўприк воситасини ўтаган.

Анъаналар одамларнинг хулқ-атворини бошқариш орқали ўзига хос ижтимоий механизмини шакллантиради. Бундай тизим инсоннинг барча фазилатларини, унинг фикрлаш тарзини ва хулқ-атвор табиатини шакллантириш ва амалий равишида амалга оширишга фаол таъсир қилувчи ғоялар, қарашлар, принциплар, қадриятлар ва нормаларнинг бирлашмасидир.

Ижтимоий-сиёсий тизим назорати қонуни сифатида ишлайдиган урф-одатлар ўтмишдан берилган буйруқларнинг бажарилиши билан кишиларнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳатти-харакатларини тартибга солувчи жамоатчилик назоати, ижтимоий норма бўлиб, урф-одатлар инсоний муносабатларни бир тизимга солишида ўзига хос “ижтимоий буюртма”дир. Кишиларнинг ўтмиш хотирасига асосланиб, урф-одатлар, нормалар, қоидалар авлоддан-авлодга ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, урф-одатларнинг тартибга солувчи роли улар кишиларнинг маълум бир жамоасининг хис-туйғуларини, кайфиятларини, хис-туйғуларини, иродасини, ҳатти-харакатлари

ва эътиқодларини, ижтимоий психологиясини органик равища бирлаштирганлиги билан фалсафий аҳамиятга эгадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тейлор Э. Б. Миф и обряд в первобытной культуре. – Смоленск: Русич, 2000. С. 670.
2. Яковлева Т.В. Традиции как модель системы моральной регуляции // Вестник КЕМГУКИ, 2012. с. 256.

### **АЛИШЕР НАВОЙ ЏАРАШЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

**Эгамбердиева Н.М.  
Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси.**

Халқимизнинг севимли шоири Алишер Навоий ўзининг адабий-эстетик қарашларида ёшларнинг камолоти масалалари билан боғлиқ кўплаб шеърий мисраларини яратган. У “Лайли ва Мажнун” достонининг хотимасида шундай ёзади:

Инсонга эрур камол матлуб,  
Андин доғи дарди ҳол матлуб.

Яъни, инсон бу ҳаётда комилликка интилиб, уни истаб яшамоги, бунинг учун эса дард ва ҳол эгаси бўлмоғи лозимлиги таъкидланмоқда. Агар инсон бир неча илмларни эгаллаган бўлсан, олган илмига ихлос, муҳаббат билан амал қилмаса, қалбида эл-юрт, Ватан, унга самимий ва холис хизмат қилиш қайфуси, дарди бўлмаса, бундан не фойда:

Ҳар кимга улум бўлса восил,  
Гар дарди-ю ҳали йўқ, не ҳосил?

Олинган илмни амалга оширишда эса авваламбор, “одамзот бу дунёда рухан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай мањноси қолади?”, - деган саволга жавоб излаши лозим. Мана шу савол ҳар бир соғлом фикрлайдиган одамни ҳамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб туриши зарур. Бундай эзгу мақсадларга эса, фақат юксак мањнавият, узлуксиз мањнавий тарбия орқалигина эришиш мумкин”[1. 28 б]. Юксак мањнавият, узлуксиз мањнавий тарбияни сидку дилдан ўрганмоқчи ва мақсад сари яшамоқчи бўлган инсон Ҳазрат Навоийнинг асарларидан баҳраманд бўлса айни муддаодир.

“Хамса”асарининг биринчи достони “Ҳайратул – аброр” достонида жуда муҳим фалсафий, ахлоқий, сиёсий масалалар ҳакида фикр юритилиб, шоир уларга ўз муносабатини жуда таъсирили тарзда билдирган. Шу ўринда ёшларнинг мањнавий тарбиясида муҳим аҳамият касб этувчи одоб масаласида шоирнинг билдирган фикрлари билан танишсак:

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,  
Паст этар ул хайлни ҷархи баланд[2. 48 б].

Одоб инсонларгагина хос бўлган юксак ахлоқий фазилатлардан бири саналади ана шу фазилатдан бебаҳра колган киши ҳеч қачон жамиятда эътибор қозона олмайди, тақдирнинг ўзи бу каби инсонларни одамлар орасидаги ўрнини белгилаб беради.

Айнан Навоий шахсига эътибор берадиган бўлсак, унинг комил инсон бўлиб вояга етишларида, илмий-ижодий ютуқларга эришишларида диний билимларни пухта олганликлари ва тасаввуф оламидан баҳобарликлари, нақшбандия тариқатига амал қилганликлари энг асосий сабаб десак, ҳеч адашмаймиз. А.Навоийнинг дину диёнатга, тасаввуф одобларига қизиқишлари ва амал қилганликларини ижодий фаолиятлари орқали билиш қийин эмас. Биргина “Насойим ул-муҳаббат” асарини оладиган бўлсак бу асарнинг тўлиқ номи “Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват”dir. Бу асарда 770 шайх ҳаёти ва фаолияти ҳакида маълумот бериб, айрим диний ва тасаввуфий атамаларга изоҳ ҳам бериб ўтилган. Мазкур асарда Навоий Ҳожагон Нақшбандия тариқатининг асосий шиори саналмиш “Дил ба ёру, даст ба кор”ни маъқул кўриб, ўzlари ҳам унга амал қилганликларини билдириб ўтадилар. Масалан “Насойим ул-муҳаббат”нинг бошланиш қисмида Навоий “Луқма хиллияти” тушунчасига тўхталиб, айтадиларки, барча шайхларнинг бу даражага эришишларида биринчи ўринда тавбага амал қилиш бўлса, иккинчи ўринда луқма хиллиятига амал қилишдир. Луқма хиллияти бу ҳалол меҳнат эвазига кун кечириш, ҳалол луқма истеъмол қилиш деганидир. Жумладан, А.Навоий шундай мисоллар келтирадилар:

“Ва Шайх Мұхаммад Саккок қ.с.[3] ким, ўз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдир.

Ва Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод қ.р.а.[4] темирчилик қилибдур.

Ва Шайх Абубакр Хаббоз қ.с. ўтмакчиликка[5] машхурдир.

Ва Шайх Абулаббос Омилий қ.с.ким, ўз замонасининг қутби ва ғавси [6] эрмиш ва султони тариқат Шайх Абусайд Абулхайнинг хирқа пири [7] эрмиш, қасоблик қилибдур.

Ва Шайх Иброҳим Ожурыйки, хишт авалабдур.

Ва Марчай Сафолғуришки, Хурносон элининг пири эрмиш, дошгарлик [8] қилибдур.

Ва Шайх Абулхасан- музайин [9] ва Шайх Баннон ҳаммол [10] ва Шайх Абулхасан – наjjор [11].

Ва мутааххир [12] машойихдин замонанинг ягонаси Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.р.а.ки, кимхो нақшини [13] боғламоққа машхурдирлар”[14. 15 б].

“Луқма хиллияти” тушунчаси хозирги замон учун ҳам хосдир. Мехнат қилган инсонни хор бўлмаслигини, ўзгаларга қарам бўлмай олға харакат қилишини, ҳалолликнинг мевасини ширинлигини бугун ҳам хис қилишимиз лозим. Зеро, меҳнат ила машғул бўлган инсоннинг хаётида руҳий ва жисмоний бўшлиқ бўлмайди ва бутунлай инсон қалби янгиликка интилиш ихтиrolар билан банд бўлади. Муҳими атрофида ҳам бир қанча инсонларни бирлаштириб, лоқайдлик, дангасалик, боқамандалик каби муаммоларни бартараф этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “Насойим ул-муҳабbat” да бир қатор Шайхлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб ўтилган. Жумладан, Абдуҳолиқ Ғиждивонийни 442- шайх сифатида тилга олиб, қўйидагича таъриф берадилар: “Аларнинг равиши тариқатда хужжатдур. Барча форукнинг мақбулидурлар. Ҳамиша сидку сафо йўлида ва Мустафо с.а.в. ўаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво мухолафатида қадам урубурлар ва пок равишиларин агёр кўзидиняшурувдурлар ...” [15. 253], яъни, Абдуҳолиқ Ғиждивонийнинг қилган ишлари тариқатда алоҳида йўналишга эга. Барча тасаввуфчиларимизнинг маъқулидурлар. Ҳамиша пайғамбаримиз буюрганларига амал қилиб, ёмонликларга қарши курашар эдилар, лекин асло ўзларини ҳалқ орасида кўз-кўз қилмас эдилар. Ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждивонийнинг йигитлик чоғларида Хожа Ҳизр а.с. дан ишорат олганлари, Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф таълимени ўрганганликлари, ҳалқ билан муносабатлари, қароматлари, умуман ҳолатлари, ривоятларти ҳақида ҳам “Насойим ул-муҳабbat”да келтириб ўтадилар. “Бир ниёзманд дедики, Хожа бизга иймон дуоси била мадад қилсалар бўлғайки. Бу шайтон домҳоҳидин саломат жон элтгайбиз. Алар буюрдиларки, вада андоқдурки, фаройиз адосидин сўнгра дуо мустажоб бўлур. Сен ишда бўл ва бизни хайр дуоси била йўқ қил! Фаройиз адосидин сўнгра биз ҳам сени ёд қиласи. Бўлғайки, бу орада ижобат асари зоҳир бўлғай ҳам сенинг ҳақингга, ҳам бизнинг ҳақимизга!” Яъни бир киши Абдуҳолиқ Ғиждувонийгага айтдики, бизни дуо қилиб, ёрдам берсалар, шайтон мақридан омон юргайсиз. Ҳазрат айтдики, сизга ваъда бераманки, фаройизни адо қил, бажар, дуо ўз-ўзидан мустажоб бўлур. Фаройиз адоси бу сен доимо меғнат қиласан ва бизни хайри дуолар ила қалбингда ёдга оласан, биз ҳам сени эслагаймиз. Ана шунда бизнинг ҳаққимизга ҳам, сенинг ҳаққингга айтиладиган дуолар ҳам ижобат бўлгай. Бу ривоятда, факатгина дуойи илтижоларнинг ўзи эмас, амалда ҳам сидку дилдан меҳнат қилса, мashaққат чекса, сўраган нарсаларига офишмай эришиш мумкинлиги назарда тутилган.

Шоир асарда инсоннинг, айниқса, ёшларнинг такомили учун курашади. Инсон ўзининг шу юксак даражасига муносаб бўлиши лозим. Инсон образининг шоирона таснифи унинг тўла очилмаган фазилатларини кашф этиш, харакатга келтиришда шоир фалсафий ва тарбиявий таълимотининг мағзини ташкил этади. Инсонга ҳаёт деб аталмиш гўзаллик баҳш этилган, уни қадрлаш керак деб уқтирилади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ислом динига эътиқод қилувчиларнинг ижтимоий, хуқуқий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, маърифий ҳаёт тарзининг асосий манбаи ҳисобланган “Қуръон”да инсонларнинг турли миллатларга ва динларга мансублиги жиҳатидан бир –бирларидан фарқ қилишлари табиий эканлиги, лекин бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўла олмаслиги, зеро Оллоҳ барча инсонларни азиз-мукаррам қилиб яратганлиги, миллатлар ва динлар ўртасидаги тафовут уларнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашларига ҳалақит бермаслиги ҳафида кўпгина оятлар мавжуд.

Навоий ёшлар маънавий тарбиясида барча миллатларни хурмат қилишни, ҳамманинг тинчтотув яшашини, барча ҳалқлар катта –кичиклигига қарамасдан, ўзаро тенг бўлиши ва бир-бiri билан савдо-сотиқни, ижтимоий алоқани ривожлантирган ҳолда яшashi кераклигини таъкидлайди. Энг муҳими, тинчлик учун кураш ҳар бир ёш авлоднинг вазифаси эканлигини, душманлик эмас дўстлик учун, уруш эмас тинчлик учун кураш ғояларини илгари суради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч // -Т.: Маънавият, 2008. 176 бет.
2. Навоий А. Ҳайратул-аббор -Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 212 бет.
3. Қаддасаллоҳу сирраху – Аллоҳ сиррини мұқаддас қылсın.
4. Қаддасаллоҳу рұҳаҳул азиз- Аллоҳ унинг азиз рұхини мұқаддас қылсın.
5. Нонвойлик.
6. Рахнамо ва мададкор.
7. Либосни ҳадя этган пир.
8. Хумдон қуювчи.
9. Безовчи (рассом).
10. Юк ташувчи.
11. Дурадгор.
12. Сұнгги.
13. Ипок матога гул солиши.
14. Алишер Навоий “Насойим ул-мухабbat” Мукаммал асарлар түплами 17-жилд, –Т.: Фан, 2001. 348 бет.
15. Алишер Навоий “Насойим ул-мухабbat” Мукаммал асарлар түплами 17-жилд, –Т.: Фан, 2001. 348 бет.

### **“АРБАЬИН” БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ДОИР МУХИМ МАНБА**

**Кадирова С.Б.**

**Самиси қошидаги академик лицейи ўқитувчisi.**

Ислом ва ислом фалсафасида инсон камолоти масаласи мұхим ўрин тутади. Қайси мавзуда сүз юритилмасин унинг ижтимоий мөхияти, диний-илмий аҳамияти инсонни такомиллашуви орқали, унинг жамият билан муносабатларини тизимга солиши орқали очиб берилади. Ушбу анъана буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди учун, хусусан, унинг “Арбаъин” [2] асари учун ҳам хосдир. [1]

«Арбаъин» асарида исломнинг мұхим манбаларидан ҳисобланмиш ҳадислардан энг ишончли ва ҳалқчил бўлган қирқ та ҳадис саралаб олиниб, ҳар бирининг мазмуни шеърий усулда бир рубоийда баён қилинади. Асарда келтирилган ҳадисларнинг аксарияти комил инсонни тарбиялашга хизмат қиласиган одамийлик, дўстлик, меҳр-мухабbat, ўзаро ёрдам, муруват, сахийлик каби инсонпарварлик ғояларини тарғиб қиласи. [1]

Жумладан, “Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўйламайди” ҳадиси Навоий талқинида кўриниш касб этади:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин  
Рўзгорида юз сафо кўргай,  
Токи қардошига раво кўрмас —  
Ҳар неким ўзига раво кўргай. [1]

Навоий иймонда событиги туфайли ҳаётида юзлаб ёруғлик ва яхшиликлар кўрган инсон ҳам гарчанд ўзига раво кўрганини бошқаларга раво кўрмас экан, у ҳеч қачон ҳақиқий мўмин бўла олмайди, дея инсонларни инсофга, бағрикенгликка ва меҳр-оқибатлиликка даъват этади. Фикримизча, мутафаккир ҳақиқий мўмин, деганда комил инсонни назарда тутади.

Шунингдек, “Қўли очиқлик – фойдадур” ҳадисига оид рубоийда тухфаю-эҳсонлар орқали фойда кўришни истаганлар ҳам охир - оқибатда ўлимдан қутила олмайди, шундай экан, ўзгаларга беминнат ҳадия улашиш орқали охиратда яхши амалларни ўзингга хамроҳ қилиш имконини фойда сифатида асрарин, дея куйидаги рубоийни битади:

Мол базл ила суд агар тиласанг,  
Оқибат чун ўлум эрур мавжуд.  
Асрарон қолур, улки базл эттинг  
Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд.

Шоир “Миннат – сахийлик оғатидур” ҳадисига бағишлиланган рубоийсида эҳтиёжманларга қилинган яхшилик, улашилган ҳадия - совғалар орқали эришилган савобдан киши миннат туфайли маҳрум бўлиш ҳавфидан огоҳ этади:

Ҳар кишига риояте қилсанг,  
Миннат ўткармагил гумонингга.  
Негаким ул кишига оғат эрур,

Юкла миннат ва лек жонингга.

Агар кишига бирон-бир сахийлик қилсанг асло миннат қилмагин, бу унинг жонига озор етказади ва қилинган яхшилигингга оғат бўлади, қанчалик миннат лозим бўлса, сен буни ўзингга нисбатан қилгинки, бундан ўзгаларга озор етмасин, деб инсонларни қилинган эзгу амал ва хайрли ишлар туфайли олинган савобни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро хурмат ва меҳр-оқибатни асраб-авайлашга чакиради.

Навоийнинг “Қўлидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина ҳақиқий мусулмондир” ҳадисига оид рубоийси ҳам чин маънода комиллик ғояларини ўзида мужассам этган. Бунда шоир ҳақиқий мўмин-мусулмон кишини комил инсон сифатида талқин этиб, мусулмонликка даъво қилувчи киши жонини фидо қилган тақдирда ҳам чин мусулмон бўла олмаслигини, балки тили ва қўлидан мусулмонларга озор етмаган кишигина ҳақиқий мусулмон (*комил инсон*) эканлигини баён қиласди:

Ким мусулмонлиғ айласа даъво  
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.  
Ул мусулмондууркни, солимдур.  
Тилию илгидин мусулмонлар. [1]

Ушбу рубоий орқали шоир инсонларни ўзгаларга тили ва қўли билан озор етказмасликка чақириб, инсон қалбига етказилган тил жароҳати унга қўл ва амал орқали етказилган жароҳатдан асло кам эмаслигини уқтиради. Муаллиф ўзининг эзгу фикрини сахих ҳадис орқали ўта мохирона ифодалайди.

Навоийнинг “Инсонларнинг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганидир” ҳадиси:

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?  
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин,  
Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Етса кўпрак улусқа нафъ андин. [1]

баёнига оид рубоийда Тангридан раҳм истасанг аввал элга раҳм қилгин, зеро одамларга раҳм қилмаган кишига Худо ҳам раҳм қилмайди, дея ўзгаларга ёрдам ва силай раҳм кўрсатишнинг илохийлигини ва халқ орасида одамларга кўпроқ нафи теккан кишини - чин инсон, дейиш мумкинлиги айтилади.

Навоий “Оллоҳ хушфеъл ва очиқ юзли бандаларини севади” ҳадиси шархига оид рубоийда тил ва дилни бир қилиб, эл билан биргаликда шоду-ҳандонлик илиа гўзал сўзласанг ва чиройингни очиб, гулгун яшасанг Оллоҳ ҳам албатта сени севгай, дейди:

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,  
Тилу кўнглунгни қилиб якрўй,  
Нукта сурсанг шукуфтау хандон,  
Зист қилсанг күшодау хушрўй. [1]

Шоир мазкур рубоий орқали кишиларни ҳамжиҳатликка, халқнинг корига ярашга, очиқ юз ва очиқ кўнгил билан шоду-ҳандонликда баҳтли ҳаёт кечиришга чакиради.

“Динор ва дирҳам (молу давлат)га қул бўлғанларга лаънатлар бўлсин” ҳадисига оид рубоийда шоир:

Раҳмат озодағаки ул олмос,  
Даҳр динору дирҳамин ғамға.  
Лек лаънат ангаки кул бўлғай:  
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға. [1]

Динор ва дирҳам деганда шоир пул ва бошқа бойликларни назарда тутади. Молу давлатга қул бўлмаган ҳамда бойликларини эзгу амалларга сарф килаётган карам (*комиллик*) вакилларига раҳматлар айтиш билан бирга, динору - дирҳамларга қул бўлғанларни, яъни бойликка ҳирс қўйиб қул бўлғанларни, бойлик орттириш илинжида эртаю-кеч зир югуриб, ўз ҳаловатини йўқотганларни кескин танқид остига олади. Мол-дунё ризқнинг энг кичик кўриниши эканлиги, ризқнинг энг аълоси саломатлик, оғият, хотиржамлик эканлигига далолат қиласди.

“Ўз айбини билиб, бошқалар айбини қидирмайдиган одам – хўб яхши одамдур” ҳадисига битилган тўртлиқда шоир яхши одам шуки, ўзгалар айбини кўрмаслик билан хурматда юз хунар эгаси эришган даражага ва мартабага етади, ўз айбига ўзгаларнинг айбини қидирмаслик орқали парда тортади, дейди.

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила  
Юз хунарвар маротибин топқай.  
Яъни ўз айби пардаси кўзига

Ўзга эл айби чехрасин ёпқай. [2]

Ушбу рубоидда шоир беайб фақат Парвардигор эканлигига ва бандалар айбларини бир-бирларининг юзига солиши оқибатида ўзаро хурмат, меҳр-оқибат қўтарилишига сабабчи бўлишини ва шунингдек, киши ўз айбини билган ҳолда, бошқалар айбига эътибор қаратмаса, ўзгалар назарида унинг хурмати юз карра ошишини маълум қиласди.

“Курашда ғолиб чиқкан паҳлавон эмас, балки ғазаби келганда ўзини босиб олган одам паҳлавондир” ҳадисига битилган рубоидда шоир ўз қадрини нафс ҳукмига бош эгиш билан хор қилган эмас, балки ғазабни ва ёмон йўлга ундовчи нафсни инсон паҳлавондир, дейди:

Эмас ул паҳлавонки ўз қадрин

Бош уза элтибон нигун қилгай.

Паҳлавон они билки етса ғазаб

Нафси амморани забун қилғай. [1]

“Инсон кексайган сари унда икки хил хислат яшарид боради: дунёга муҳаббат ва орзу-хавас” ҳадисига битилган рубоидда шоир:

Одамига агарчи воқеъ эрур

Қариган сори барча ишда халал.

Икки феъли vale йигитрак ўлур:

Бири хирсу бириси тули амал.

Одамга шу нарса воқеки, киши кексайган сари феълидаги икки хислат: нафс ва бехуда хаёл кучайиб, ёшариб бораверади ва ҳар ишда халал бераверади, дейди. Шоир кишиларни кексаликда мавҳ этиши мумкин бўлган бу каби салбий сифатлар хавфидан огоҳ этиб, уларни хушёрликка ва ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан иш тутишга чакиради.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, Алишер Навоийнинг “Арбаин” асари инсонларни, аввало ёш авлодни инсонпарварлик, бағрикенглик, эзгулик, одамийлик каби умуминсоний қадриятларга хурмат ва садоқат руҳида баркамол этиб тарбиялашга хизмат қиласиган мухим манбадир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Арбаин. /e-adabiyot.uz/kitoblar/nazm/779-navoy.html

### ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ФОЯНИНГ ЁШЛАР МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

Бурхонов Мажнун.

СамДУ этика ва эстетика йўналиши магистранти.

Ўзбекистонда глобаллашув жараёнлари халқимизнинг маданий мероси, ижтимоий тузуми ва мағкуравий қарашларини ўзида ифодалайди. Бу жараёнда ёш авлодни юксак миллий ғоя асосида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб этишишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидаги Ҳаракатлар стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий ғоянинг ёшлар мањнавий-ахлоқий қиёфасига таъсирини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш долзарб вазифалардан биридир.

Миллий ғояни ҳар бир шахс, хусусан ёшлар қалбига сингдиришда жамият хаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилди. Бугунги кунда глобаллашувнинг ижтимоий ҳаётимиз билан боғлиқлиги хусусида Президент Ш.М.Мирзиёев ўз фикрларини билдирадар экан, «Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнлари, бошимиздан қечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз қийин бўлади[1. 192 б.], деб таъкидлайди.

Глобаллашув жараённида ахборотлашган жамиятда миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали оширилади.

Бунда қуйидаги вазифалар негизида ёшларнинг мањнавий-ахлоқий қиёфаси миллий ғоя асосида шакллантириши лозим:

- Барча таълим муассасаларида ўқувчилар ва талabalарнинг ёшига мос равища миллий ғояни онгига сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик ва илмий дастурини яратиш;

- Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқкан ҳолда ўқувчи-талабалар онгидай миллий ғояни сингдиришда ахлоқнинг шаклланиб боришини узлуксиз тарзда назорат қилиб бориш;
- глобаллашув билан узвий равишида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий ғоянинг моҳиятини теран акс эттириш;
- ахборотлашган жамиятга монанд тарзда ўқувчи ва талабаларда мафкуравий ва ғоявий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;
- ҳар бир таълим муассасасида педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш ва ахборот асри ғояларини аввало улар онги ва қалбига чуқур сингдириш.

Ёшларнинг маънвий-ахлоқий қиёфасини оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикрини шакллантириш марказлари билан боғлиқ равишида миллий ғоя билан боғлаш ҳамда ёш авлод онгига сингдириш алоҳида аҳамиятга эга. Улар маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. “Тўртинчи ҳокимият” хисобланган оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз берадётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб иш юритиши лозим.

Ахборотлашган жамиятнинг шиддат билан ўзгариб бориши натижасида «XX асрда глобаллашув жараёнининг тезлашиши ва умумсайёравий цивилизациянинг шакллана бошлиши жаҳон мафкураларининг характеристини ўзгартириб юборди. Уларнинг ўрнини босадиган қудратли мафкуранинг йўқлиги, геосиёсий мақсадларнинг ўзгаргани эса бу ғояларнинг салбий таъсирини янада кучайтируди. Бундай шароитда ўз мақсадини аниқ белгилаб олган, эҳтиёж ва манфаатларини яхши англаб етган, ўз эътиқодига эга бўлган, бир сўз билан айтганда ўз миллий ғоясини шакллантирган миллатгина келажагини сақлаб қолади ва истиқболини белгалайди»[2. 27 б]. Шундай миллат сифатида шаклланган ўзбек халқи ўзининг асрлар оша яшаб келаётган миллий ғояси асосида ўшлар маънавий-ахлоқий қиёфасини илгор технологиялар билан бойитиш, турли таъсиrlар негизида ўзликни англаш, миллий қадриятларни эъзозлаш ва умуминсоний қадриятларни келажакка ўз ҳолича етказишга доимо тайёрдир.

Бугунги кунда энг нозик ва мураккаб бўлган дин соҳасида, аввало, дин маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири эканлигини барча замонларда миллий ғоя ва мафкура диний қарашлар билан уйғун ривожланишини назарда тутиш лозим. Дин ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий истиқлол мафкурасининг ғояларини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиради. Муқаддас динимизга соғлом ва мўътадил муносабатни шакллантириш – бу борадаги энг муҳим мафкуравий вазифадир.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мафкуранинг асосий ғояларини шахс онгига сингдиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Инсоният тарихида турли ғоялар, улар асосида шаклланган мафкураларнинг юзага келиши ва курашиши тарихдан маълумдир. Шу асосда айтишимиз мумкинки ғоя ва мафкура инсонга ўз моҳиятини, шахсий ва умумий манфаатлар нисбатини аниқлашга, шу асосда ўз ҳаётий мўлжалларини фаолиятининг моҳияти ва мақсадларини белгилашга имкон беради. Миллий ғоя ўшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига шахсий, ижтимоий, миллий ўзликни англашда имкон берадиган маънавий омилдир. Ўзбекистон мустақил тараққиёт жараёнинда миллий уйғониш даврини бошдан кечираётганлигига, маданий меросимиз, миллий урф-одат, қадриятларимизни тиклаётган бир пайтда дунёда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият кучайиб бораётганлигига гувоҳ бўляпмиз.

Ҳар қандай ғоя халқнинг маънавий руҳий эҳтиёжларини миллий анъаналари ва турмуш тарzinи ҳисобга олган тақдирдагина яшовчан, таъсиран бўлади. Шу ўринда глобаллашув жараёнинда ўшларнинг янгича маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси миллий ғоя асосида бизнинг дикқат марказимизда турибди.

Аждодларимиз тарихини билишимиз ҳамда жаҳон халқларининг ғояларидан хабардор ва тарихини билишимиз ҳар бир ёш авлод онгидай миллий ғояга хурмат туйғусини шакллантиришнинг кучли воситасидир. Ватан ҳар биримиз учун буюк саждагоҳдир, шу асосда ахборотлашган жамият ва давлат қурилиши тизимидағи ғоявий ғунашлар, турли маданий-

маърифий алоқалар шахс эстетик маданиятида гўзалликка интилиш, хаётдан завқланиш туйгуларининг ўрни ва аҳамияти ортишида катта рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараённида ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини миллий ғоя билан узвийлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир жамият аъзоси учун унумли ва фойдали бўлишини таъминлаш, шунингдек, миллийлик билан умумисонийликни уйғунлаштирган ҳолда замонавий ютуклардан баҳраманд бўлиб боришни абадийлигини амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон халқини ягона байроқ остидаги эзгу мақсадлари сари даъват этувчи куч эканлигидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд –Т.: Ўзбекистон, 2018. 592 бет.
2. Сафоева С. Глобаллашув жараёнининг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири // Глобаллашув жараённида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-хукуқий масалалари. -Т.: 2006. 184 б.

## **ҚАДРИЯТ – КИШИЛАР ҲАЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТЛИ ҲОДИСА**

**Эшмуродов X.М.**

**Каттақўрғон тумани 63-мактаб “Тил ва адабиёт” фани ўқитувчиси**

**Курбонов А.У.**

**“Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчиси**

**Эшмуродов М.Х.**

**СамДАҚИ ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари**

Айрим тадқиқотчилар қадрият тушунчаси даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни тарихий хусусият касб этади деб ҳисобласа, бошқа бир тадқиқотчилар, жумладан, Рикерт аксинча, қадрият доимий, универсал хусусиятга эга, дейди. Т.Парсонс қадриятни меъёрий андоза деб айтади. Бу каби турли хил қарама-қарши фикрлардан қадриятнинг маъноси кўп киррали эканлиги англашилади.

Қадрият – кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ҳодиса. Ундаги тушунчанитаълимнинг, жумладан тарбиянинг барча соҳалари билан боғлиқ ҳодиса сифатида англаш мумкин. Шунда хўжалиқ, техник, ижтимоий, сиёсий, бадиий, илмий, ахлоқий қадриятлар мавжуд бўлади. Расмий нуқтаи назардан қадриятни ижобий ва салбий, ўзига хос ва доимий, мустақил ва шартли тарзда фарқлаш мумкин. Айрим қадриятлар давр ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб туришини батағсилроқ ўрганиш чоғида аниқлаш қийин эмас, бошқа қадриятлар эса(ахлоқий, бадиий) доимий, универсал хусусиятга эга.

Юқорида таъкидланганидек, қадрият ижтимоий фаолиятни тартибга солиб, индивидлар, гурухлар ва жамиятнинг муҳим ютуқларига эришувини белгилайди. Ижтимоий кўламдаги мазмун даражаси бўйича қадрият узвийликка эга. Қадриянинг дастлабки даражаси оддийлари орасидан ажралган аниқ нарсалар, ҳолатлар, ҳаракатларнинг афзалликлари билан боғлиқ. Иккинчи даражаси эса, маълум индивидга яқин бўлган ижтимоий гурухлар қизиқишига мос келувчи образлар ҳаракати ёки фаолиятнинг танланиши билан боғлиқ. Учинчи даража – бу энг юксак умумисоний мақсадлардаги танланиши бўлиб, бунда эзгулик, ҳақиқат, гўззалик, адолат, тартиб ва унга қарама-қарши тушунчалар, яъни ёвузлик, ёлғон, хунуклик, бетартиблиқ, қашшоқлик мужассамлигига намоён бўлади .

Қадриятларнинг иерархияга асосланган мураккаб тизимда индивиддаги сингари турли тоифадаги умумнинг ҳам ўзига хослиги асосий ва такорий, марказий ва четдаги, устунликхолатдаги шаклларга ажратиш мумкин.

Қадриятлар рўйхати ҳар бир жамиятнинг миллий ва ўзига хос цивилизацияси билан боғлиқ ҳолда кескин фарқланади. Ҳамма даврларда барча ҳалқларда энг юксак қадриятлар эзгулик, ҳаёт, меҳнат, севғи, ҳақиқат, баҳт сингари мезонларда ифодаланган. Бу меъзонлар педагогик таълим-тарбиянинг ҳам асосига боғланади.

Қадриятларнинг муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамиятга хос педагогик таълим-тарбиянинг моҳиятидан келиб чиқади. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб кишилар таълим ва тарбия тушунчасини юксакқадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади.

Қадриятлар ичидә энг асосийси ва умумийси педагогик таълим-тарбиядир. Педагогик таълим-тарбиядан маҳрум бўлиш барча қадриятлардан фойдаланиши йўққа чиқаради, зеро барчақадриятлар аслида, таълим-тарбия неъматларининг моҳияти билан боғланади.

Қадриятнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишлиаридан келиб чиқади. Айрим холларда эҳтиёж ва манфаатлар бир-бирига зид келиши мумкин. Муайян ижтимоий гурӯҳ, миллат, синвлар учун олий қадрият хисобланган ҳодисалар бошқалар учун қадрият бўлмаслиги мумкин. Табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-истаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гурӯхларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи ҳам тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнда шаклланади ва ривожланади. Улар моҳиятига кўра турларга бўлинади. Аввало, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият хисобланади. Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар: ер ва ер ости бойликлари, бошқа табиат неъматлари катта аҳамият касб этади.

Инсон меҳнати, ақли билан яратилган моддий бойликлар моддий қадриятлар хисобланади. Маданий-маънавий қадриятларга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар яратган бойликлар мансуб. Шунингдек, жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар: эркинлик, тенглик, биродарлик кабилар ҳам ўрин тутади. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичидә истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамитга эга.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади. Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-рухий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олади. Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиласиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний қадриятлар мазмуни жиҳатидан чукӯр ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад интилишига мувоғиқ келади.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Булар: ер юзида илм-фанны тараққий эттириш, тинчлик сақлаш, қирғин куролларини тўхтатиши, табиатни муҳофаза қилиш ва хоказолар.

Маданий мерос - бу ўтмишда колган қадриятлар ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аникроғи маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг харакатдаги асосий қонунларидан бири хисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф қилиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аждодлар қилган ишни тақрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини амалга оширишининг қисқа йўлларини танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва хиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қиласиган. Бундай хусусиятларни инсонлар онгига сингдиришда ҳам педагогик таълим –тарбия асосий ўрин эгаллади.

Хуллас, қадрият тушунчаси кенг турли соҳалар билан боғлиқ бўлиб, унинг ижобий хусусиятлари педагогик таълим тарбияда намоён бўлади.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Аждодлар ўғити / тўпловчи ва изоҳлар муаллифи Б.Ахмедов. - Т.: “Чўлпон” 1991 й
2. Қобуснома, нашрга тайёрловчи С.Долимов. - Т.: “Ўқитувчи”, 1968 й
3. Қадимий ҳикматлар, тузувчи Н.Рахмонов . - Т.: 1987 й.
4. Хайруллаев М.М. Форобий. - Т.: «Ўзбекистон» 1991 й.
5. Абулқосим Махмуд аз – Замахшарий, Нозик иборалар. / Шархлар муаллиф ва таржимон У.Уватов, нашрга тайёрловчи А.Дилмуродов. - Т.: “Камалак” 1991 й.
6. Ҳомидов Ҳ. Олис – яқин юлдузлар. - Т.: “Чўлпон” 1990 й.

7. Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. / Нашрға тайёрловчи ва изохлар муаллифи К.Каримов. - Т.: 1971 й.
8. Махмуд Кошғарий Девони луғатит турк .Ўзбек тилида нашрға тайёрловчи ва изохлар муаллифи С.М.Муталлибов. - Т.: 1963 й.

## ЁШЛАР АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИГА ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪСИРИ

Аҳмедов И.Н.  
ЖДПИ катта ўқитувчиси  
Исокова Ш. - ЖДПИ талабаси

Глобаллашув ҳақиқатда инсоннинг нафақат моддий ҳаёт тарзига, шу билан бирга маънавияти, руҳий оламига ҳам сезиларли таъсири ўказмокда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо булиши, унинг ҳар дақиқа сайн үсib бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсониятга туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Бу ноҳуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқдага ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятлардаи фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манбаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиши борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзиз, бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми тафаккури етилиб, дунёқарashi пухта шаклланиб улгурмаган ёшлардир. Таасуфки, ана шундай жиддий муаммони мукаммал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида, "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиё етказиши мумкин"(1). Бундан шу нарса англашиладики, ҳозирда ҳар қандай ахборот чегара билмаслик ҳусусиятага эга, шундай экан эндигина онги, дунёқарashi шаклланаётган ёш авлодни маънавий олами дахлсизлигини асраш муаммо бўлиб кўпчиликни ўллантираётir.

Агар яқин ўтмишимизда асосий ахборот манбалари сифатида даврий босма нашрлар, радио ва телевидение бўлган бўлса, айни пайтда бу қатордан интернет мустаҳкам жой олди ва қисқа фурсатдаги жадал ривожи билан том маънода улардан илгарила бетди.

Бугун юртимизда 1053 та Интернет-кафе, 945 та Интернет провайдер, 187 та ахборот-ресурс маркази,(2) «ZiyoNET» ёшлар ахборот портали фаолият юритмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса 9 миллиондан ошган(3). Баъзи бир таҳлилларга кўра уларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади.

Ҳар бир янгилигу қашфиётнинг ижобий ва салбий оқибатлари бўлганидек, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсири этувчи жиҳатлари йўқ эмас. Бугунги ёшлар интернет тармоғидан фақат илм эгаллаш, ахборот олиш йўлида фойдаланмоқда десак, янглишамиз. Интернет клубларига кирганда, уни тўлдириб ўтирган ёшларни кўриб хурсанд бўламиз. Аммо аксарият оила даврасида кўриб бўлмайдиган шахвоний ёки вахшиёна видеофильмларни томоша қилиш, турли вилояту шахарлардаги қиз ва йигитлар билан севги номалари алмашиш, ушбу тармоқка ўз суратларини киритиб реклама қилиш билангина бандлигига гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимиз ёшларининг фойдаланиш холатини таҳлил қилиб кўрсак: уларнинг 421 минг нафари «Одноклассники.ru», 129 мингга яқини «Fasebook» сайтида, 165 мингдан ортиги «Мой мир», 250 мингдан зиёди эса «Вконтакте.ги» сайтининг доимий фойдаланувчилари хисобланади. Ваҳоланки, Россия ИИВ томонидан «Вконтакте.ги» сайта Рунетдаги болалар порнетрафиясини сақловчи ижтимоий тармоқ сифатида тан олинган, «Одноклассники.ги» ва бошқа ижтимоий тармоқларда ҳам порнография ва шафқатсизликни тарғиб этувчи ресурслар мавжуд.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугун бутунжакон Интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 млн, эротик мазмунга эга 4 млн.дан зиёд сайтнинг мавжудлиги ҳар биримизни мушоҳада қилишга ундаши табиий. Мутахассислар эътирофича, дунёдаги болалар ва ўсмирларнинг 42 фоизи «онлайн-порнография» таъсирига тушаётган экан. Ёки компьютерларга киритилган ўйинларнинг 49 фоизи зўравонлик ва ёвузликни, бешафқат урушлар, отишмалар, портлашларни тарғиб қилиши нимадан далолат беради?

Бу каби таҳдидлар, аввало, ёшларнииг онгини эгаллашга йўналтирилган бўлиб, халқимизнинг маънавий хазинаси бўлган одоб, ахлоқ, шарм-ҳаё, иффат-андиша каби юксак

фазилатларимизга тажовуз қилиб, кўп минг йиллик миллий қадриятларимизнинг илдизига путур етказаётгани ҳам, таассуфки, бор гап.

Ахборот узатиш, алмашиш ва қабул қилиш жараёнида тезкорлик, аниқлик, сифат ва таъсирчанликни таъминлаш, ахборотни дунё бўйлаб кенг ёйилиши имкониятини яратишда “Бутун жаҳон ўргимчак тўри” нинг аҳамияти катта ва айнан мана шу омил ундан фойдаланиш эҳтиёжини тобора орттироқда. Янги юз йилликда Ўзбекистонга ҳам интернет шиддат билан кириб келди ва кундалик ҳаётда ўз ўрнига эга бўлди. Фан-техника ютуқлари инсон манфаатлари, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиши лозим, албатта. Бироқ айрим кучлар виртуал оламдан ғаразли ниятлари йўлида фойдаланилаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Европа мамлакатларида интернет ҳам умумевропа қонунчилиги, ҳам ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқукий-меъёрий хужжатлари билан тарtabга солинади. Масалан: “Кибер жиноятлар тўғрисида”ти Конвенция, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет тўғрисида”ти Европа Итгафоқи парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Франция каби илгор давлатларда вояга етмаган ва ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар шулар жумласидандир.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Мисол учун, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ёшлар орасида одоб-ахоқни бузишга, шу жумладан, порнография, шафкатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, болаларга заарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши белгилаб кўйилган. Бироқ бугун ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган тезкор даврда соҳага оид қонунчилигимизни ҳам шунга мутаносиб равищда такомиллаштириш лозимлигини замоннинг ўзи тақазо этмоқда.

Интернетни чеклаб кўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Бу хусусда яна президентимиз “... ёшларимиз нафақат ўкув даргоҳларида, балки радио – телевидиния, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг – баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони тоборо кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб – чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб, бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад – муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб кўйганмиз ва бу йўлда ҳеч қачон қайтмаймиз”(1).

XXI аср бошида ҳаёт суратларининг бекиёс даражада тезлашуви, ахборот оқимиининг кучайиши оқибатида авторитар – нуфуз масаласи ҳам янгича маъно касб этаёттир. Баъзи ёшлар ўзининг билим олиш ва ҳаётга муносабатини белгилашда ота – она, устоз – мураббийини эмас, ОАВ ҳамда интернетни авторитар сифатида эътироф этиши, улардаги ахборот ва маълумотларни мутлоқ чин деб ишониши ташвишланарли ҳолдир. Бугун ҳақиқатни уйдирмадан ажратса олмайдиган, бу борадаги ҳали тажрибаси ҳам бўлмаган ёшларнинг ҳаётий тушунча ва тасаввурларини асосан таълим – тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда.

Сир эмаски, интернет тез ва арzon ахборот ёки маълумот олиш, етказиши ҳамда қайта ишлашда бекиёс манба саналади. Кундан – кун сафи кенгайиб, фойдаланувчилар сони ортаётган мазкур тизим дунё ҳамжамиятининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. “Узокни яқин қиласиган” манба сифатида қараладиган интернетнинг кўпроқ ёшлар кирадиган сайтларини тубдан янгилаш зарур. Сабаби — соглом турмуш тарзини шакллантириш, юксак маънавият, пок ахлоқ асосида ўғил–қизларни тарбиялаш вазифаси ана шуни тақазо этади. “Оммавий маъданият” никоби остида гарбона кийиниш, гарбона муомала сингари миллий – маънавий қадриятларимизга зид ғоялар ёшларимиз онгини заҳарлашига лоқайд қараб туриб бўлмайди. Шунинг учун, айниқса, таълим тизимидағи сайтларнинг маълумотлар базасини соглом тарзи талабларига мос равищда гиёхвандлик, кашандалик, ичкиликбозликка карши курашга оид ахбороту маълумотлар билан бойитиш, янгилаш зарур.

Ёш авлодда бу жихатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиласиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Факат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин қилишининг олди олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда

бундай ахборотларга нисбатан мустахкам мафкуравий иммунитет шаклланади. Дунёда ёшлар камоли ҳақида қайғурмайдиган миллат, уларнинг келажаги учун жон койитмайдиган давлат топилмаса керак. Ёшлар ҳар бир миллатнинг давомчилари бўлиши баробарида, давлатнинг таянчи, келажагани ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўладилар. Аммо, шундай кучлар ҳам борки, улар ўз қарашларини сингдириш йўлида ҳар қандай усуллардан ҳам воз кечмайди. Вундай кучларнинг кўлида инсоният онгининг маҳсули бўлган энг юксак технологиялар, усуллар ҳам курол воситасини ўтаётганлиги барчани ташвишга солади.

Айникса, ҳозирги даврда интернет сайтларида ёшлар дунёкарашига ижобий таъсир килувчи ахборотлар оқимидан ташкари бузгунчи гоялар асосида шакллантирилган материаллар ҳам учраб туради. Интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуидагича таснифлаш мумкин.

Биринчи тоифадага ахборотлар сирасига ёт, бузғунчи гоялар (диний экстремизм ва террорчилик гоялари, миллатчилик, иркчилик, садизм кабилар)ни киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадаги ахборотлар эса ғарб ҳаёт тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва қўникмаларни тарғиб этади. Бу айникса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб килувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага эса порнографик ахборотларни киритиш мумкин.

Тўртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли хужумкор ахборотларни киритиш мумкин.

Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт гоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул килинаётганлиги ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлари ҳалқини ҳам ташвишга солмокда.

Ёш авлодда бу жихатлар шу дараҷада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиласиган, уининг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Факат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин қилишининг олди олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустахкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

“Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қиласи”, - деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътароф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Келгусида ёшларнинг ахборот мухитидаги ижтимоий онгини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш, “виртуал” ахборот ҳудудида уларнинг устувор нуктаи-назарларини ўрганинг, келажак авлоднинг ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан аҳолини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг медиа-саводхонлигини мунтазам ошириб бориш, ёшларнинг маънавиятига таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият” таҳдиди ва ёт оқимларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб берувчи маълумотларни етказиш тизимини йўлга қўйиш бўйича фаолиятни янада ривожлантириш каби масалалар жамиятимиз олдида турган вазифалардан бўлиб қолади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 114-115б.
2. АҚТ: тезкор, кулай ва илфор// Халқ сўзи. - 2012. - 24 апрель.
3. Алока ва ахбороглаштириш масалалари мукокамаси //Халқ сўзи. - 2012. - 24 июль.

### **ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Эргашев С.**

**Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази  
кўлёзмалар билан ишлаш ва музей бўлими илмий ходими.  
Қаюмова Н. - 19- умумий ўрта таълим мактаби инглиз  
тили ўқитувчиси.**

Ўзбекистон Республикаси ўзининг бой маданий мероси билан нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон ҳалқлари ўртасида қизиқиш ўйғотмоқда. Бой номоддий маданий меросимиз, яъни урф-одатлар, ҳалқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа), ҳалқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар билан бирга, моддий маданий мерос объектларимиз ота-боболаримиз томонидан бизгача имкон даражасида сакланиб келинди. Ўзбекистон Республикасининг Маданий мерос обектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунида ҳам

“тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар давлат ҳимоясида”-деб бу меросимизни кейинги авлодга етказиш учун алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. [1. 6-б.]. Шунингдек, бой маданий меросимиз объектларни таъмирлаш, қайтатдан тиклаш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Республикамизнинг вилоятлари ичida Самарқанд вилоятининг бой маданий мероси ЮНЕСКО томонидан юксак эътирофга олинган. Самарқанд вилоятида 8 та давлат музейлари, 3 та ҳалк музейлари, 10 дан зиёд ташкилотлар (8 дан зиёд жамоатчилик музейлари, ва 3 шахсий (хусусий) музейлари, жами 40 дан зиёд музейлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу музейларни замонавий музейларнинг ажralmas қисмига айлантириш учун уларни музейлаштириш, яъни музей кўргазма обектига айлантиришни давр тақозо этмоқда. Музейлаштириш асосида музей жойлашган худуд маданияти ва қадриятлари нафақат юртимиз ҳалқларини, балки чет элдан келаётган сайдёнларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этишига хизмат қилади.

Самарқанд худудида жойлашган тарихий қадамжолар ва меъморий обидалар ичida ҳам музейлаштириш амалга оширилган. Лекин бу ҳали етарли даражада эмас. Мавжуд тарихий ва археологик ёдгорликлар билан бирга бизгача сақланган қадриятларни музейлаштириш билан бой тарихимиз қайта тикланиш имконига эга бўлади. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида -“Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мағкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур”-деб таъкидлаб ўтдилар. Бу нутқларидан келиб чиқиб бой тарихимизни музейлаштириш асосида биз ёшларга тарихимиз, урғодатларимизнинг бунёдкор ғояларини етказиш билан бирга, маънавий-ахлоқий қиёфасини ўстирамиз. Музейлаштириш асосида тарихий, маданий қадриятларни сақлаш ва аниқлаш имкони кенгаяди. Зоро Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов-“Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиник бир кузгу. Унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йўлини белгилаймиз” -деб кўрсатма берган эдилар. [2, 112-б.].

Хозирга қадар аксарият музей бўлимларининг ўкув дастурлари ва дарслик матнлари фондларни, экспозицияларни, кўргазма ишларини, яъни тўпламлар билан ишлашни кўриб чиқишига бағищланган. Лекин, архитектура ёдгорликларини музейларга мослаштириш муаммоларига кенг жой берилмаган. Шунингдек, археологик ёдгорликларни музейлаштириш муаммолари деярли музейга оид ўкув адабиётларида ўз аксини топмаган. Кўпинча кўчмас мулк муаммолари ҳозиргача табиат қўриқчилари ва меъморлар томонидан мухокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев “Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий консепсиясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарур. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайдёнлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим”-деб таъкидлаган эдилар. [3, 1-б.]. Бу вазифани амалга оширишда археологик маданий меросимиз ва бой қадриятларимизни музейлаштириш алоҳида ўрин тутишини таъкидламоқчимиз. Мисол учун интернет маълумотларида -“Дунёда ўн минглаб музейлар мавжуд. Улар орасида музейлаштириш йўли билан яратилган ёдгорлик уйлари, қадимги мулклар, монастирлар, ҳарбий шон-шараф далалари.... каби музейлар ажralиб туради. Янги асрда бундай музейларнинг сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, улар тобора хилма-хил бўлиб, ташриф буюрувчилар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда..” -деб кенг тушунчалар бериб ўтилган. [4, 19-б.]

Бу муносабатлардан музейлаштириш туризмни ривожлантиришга муваффакиятлар келтириши билан бирга, ҳар бир зиёратчи ва сайдёнларни мазмунли ўтказишларига хизмат қилишини алоҳида таъкидламоқчимиз. Мисол тариқасида биргина миллий либосларимизга назар ташлайлик. Либослар миллий бойлик сифатида эзозланиши билан бирга тарихимизни (Қадимги Суғд, Хоразм, Довон ҳалқлари маданияти) мадҳ этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Либосидаги нақш ва безакларнинг мазмун-моҳиятини музейда намойиш этиш билан ўша давр ҳалқ ҳаёти, турмуш-тарзи ёшлар онгидаги гавдаланади.

Музейлаштириш давомида тасвирий санъат намуналарига ҳам алоҳида жой ажратиш лозим. Ҳар бир мусаввир моддий оламни ижодий тасаввурида қайта ишлаб тасвиirlайди ва бўёклар ёрдамида кўзи билан кўрган оламни, тарихий жараённи ёритади. Бу ёшлар қалбida ўтмиш тарихига, ҳаётга, авлодлар меросига муҳаббатини оширади. Алишер Навоий санъат -инсон маънавий олами, камоли учун калит эканини таъкидлагани бежиз эмас.

Хуллас, ҳозирги замон ёшлар маънавий дунёсини юксалтириш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳини сингдириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ёшларнинг онги ва қалбини турли хел вайронкор ғоя ва хуружлар эгаллашидан асраш учун, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда музей экспозицияси катта ўрин тутади. Миллий ва моддий меросимизни музейлаштириш асосида мавжуд осори атиқалар, археологик маданий ёдгорликларни кейинги авлод учун бутунлигича саклашнинг имконини ошади. ЮНЕСКО томонидан юксак эътирофга сазовор Ўзбекистонимиз тарихий обьектларини музейлаштириш баробарида ёшлар онгига мозий ҳақидаги бой тарихимизни қайтатдан жонлантирамиз.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Моддий маданий мерос обектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон Қарори. 2018-yil 19-декабр.
2. Каримов И.А. “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир” Т-Ўзбекистон-2015 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// // Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2019 йил.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

### **МУЗЕЙ ВА ЎЛКАШУНОСЛИК ЭКСКУРСИЯЛАРИ ТАЛАБА ЕШЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА**

**Рахматов Х.Б.**

**ЎзМУ Жиззах филиали, “Психология” кафедраси асистенти.**

Олий ўқув юритидаги тарбия жараёни онг ва фаолият бирлиги тамоилига қурилиб, шахснинг турғун хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш унинг фаолиятда фаол иштирок этиши натижасида самара бериши мумкин. Бугунги кунда олий ўқув юртларидаги маънавий-ахлоқий тарбия катта аҳамият касб этмоқда. Чунки сўнгги йилларда хурсандчилик ва қалбдаги тотувлик манбаи ҳисобланган эзгулик, евузликдан воз кечиш ва тавба-тазарру, раҳм-шафқат ва раҳмдиллик, яқинларга меҳрибонлик кўрсатиш ва бошқа тушунчалар тилга кам олина бошланди. Бугунги кунда коронавирус деган иллат туфайли бутун дунё каратинда бўлиши оқибатида бу ҳолат кўзга ташланмоқда. Айрим олимларнинг таъкидлаганидек, кишилар, шу жумладан ешлар ҳам эгоизм, прагматизм, атрофдаги оламга парвосизлик каби иллатларга чалина бошладилар. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда маънавият, маънавий ва ахлоқий тарбияга катта эътибор берилиши бежиз эмаслиги яққол кўзга ташланди. Фуқароларимиз ва ешларимиз онгига сингдирилган миллий ғоя, миллий қадриятларимиз тикланиши, турли нодавлат нотижорат жамғармалари томонидан тушунтириш, тарғибот ишларининг олиб борилиши натижасида уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, бирдамлиги шаклланганлигидан дарак бериб, республикамиз ахолисининг бошдан кечирилаётган оғатга қарши туришида қўл келмоқда.

Замонавий таълим тизимининг муҳим мақсадларидан бири ҳамда давлат ва жамиятнинг устувор вазифаларида бири юксак маънавиятли, ахлоқли, масъулиятли, ижодкор, ташаббускор, компетентли фукарони тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ҳалқимизнинг ижтимоий-тарихий, маданий, оиласий анъаналарида сақланиб келинаётган, авлоддан авлодга ўтказилаётган миллий қадриятлар ахлоқий ва маънавий ривожланиш ва тарбиянинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Ватанпарварлик – фуқаролик – ижтимоий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик – инсоният – оила – меҳнат ва ижод – диний эътиқодлар – санъат ва адабиет – табиат буларнинг барчаси умуминсоний қадриятлар ҳисобланади ва кишиларда болалик чогидан бошлаб тарбияланиши зарур. Шунингдек, базавий қадриятлар мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари ҳаётининг асосий қисмларидан бири бўлиб, талаба ва ўқувчиларнинг дарсдаги ва дарсдан ташқаридаги фаолиятини белгилаши лозим. Бакалавриат йўналиши талabalарининг педагогик амалиетлари пайтида мактаб ўқувчиларини тарихий ва ўлкашунослик музейларига экспурсияларини уюштирилиши, уларни тарихни тушунишга, ўлка ҳақидаги билимларини бойитишга, тарихий дунёқарашни кенгайтиришга хизмат қиласи. Айниқса, ўлкашунослик музейига ва тарихий шаҳарларимизга саехатлар пайтида ёшларимизда ватанпарварлик ҳисси тарбияланади. Улар ўтмишни ҳозирги кун

билин таққослаб, тарихимизни ва ҳозирги кунимизни тўғри тушунадилар ва баҳолайдилар, халқимизнинг ва Ватанимизнинг муваффақиятларини кўрадилар. Ўлкашунослик бўйича фаолият шахсада маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган. Экскурсия пайтида билиш ва тарбиялаш обьекти бўлиб кўргазмалилик воситалари, асосан тарихимиздаги ҳақиқий едгорликлар ва музей экспонатлари хизмат қиласи. Шунинг учун экскурсия ва музейга саехат талаба ешлар ва мактаб ўқувчилари билиш фаолиятини фаоллаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади [2].

Яна шуни таъкидлаш керакки, ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Педагогларга бу конун муқаддас дастуриламал бўлиб хизмат қиласи. Биз ёшларни ёдгорликларни авайлаб асраршга, тарихий обидаларга меҳр-муҳабbat билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва маданиятни янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак [4].

Музей педагогикаси ёшларнинг маънавий-ахлоқий ривожланишида катта роль ўйнайди. Чунки музей педагогикаси ўқитувчига, илмий ходимга музей коммуникациясининг турли шакл ва усуслари ердамида ташриф буорган ешлар, экспонатлар, тарихий даврлар ва ташқи дунё билан ўзаро алоқани таъминлашга, ешларга тарих билан ҳамнафас бўлишга имкон беради. Тарих эса маънавият ва ахлоқ пойдеворини қуришга қодир бўлган фан ҳисобланади.

Ҳаммамиз биламизки, маънавий ва ахлоқий тарбия экологик, фуқаролик, хукуқий, ватанпарварлик ва бошқа йўналишлардан иборат. Музейдаги машғулотлар ёшларга ҳақиқат, гўзаллик, эзгулик каби умуминсоний қадриятларни, Ватанга муҳабbat, ўз халқи жасоратлари билан ғурурланиш хисси, аждодлари меҳнати ва ижодига хурмат каби миллий қадриятларни ўзлаштиришга кўмаклашади. Музей катта таълимий потенциалга эга бўлиб, хужжатлаштириш функцияси орқали воқеалар, далиллар, одамларнинг тақдирларини танлаб олади ва намойиш қиласи. Эсталик, едгорлик нарсаларини, раритетларни ва бошқаларни сақлайдиган жой бўлиб хизмат қилувчи музейлар ёшлар учун мулоқот қилишнинг самарали базаси, маданий-таълимий жараенни оширишнинг маданий-таълимий муҳити бўлиб қолади [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038 сонли “2018–2022 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори билан 2018–2022 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди. Унда З-боб “Миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” деб номлаган бўлиб, унда жумладан, миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида маданий мерос соҳасида маданий меросни аниқлаш, асрар ва оммалаштириш соҳасида жамоатчилик ташабbusларини кўллаб-қувватлаш; тарихий ва маданий меросни сақлаш ҳамда уни ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва таълим тизимида қўллаш; шаҳарлар ва аҳоли турар жойларининг тарихий муҳитини асраб-авайлаш, маданий-маърифий туризмни ривожлантириш учун шароит яратиш; фуқароларнинг этнографик, ўлкашунослик ва археологик экспедицияларда иштирок этиш, моддий ва номоддий маданий меросни аниқлаш, ўрганиш ва сақлаш бўйича ташабbusларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш асосий вазифалар сифатида белгиланган. *Музейлар соҳасида:* музейлар ишининг давлат аҳамияти ва жамоатчилик мақомини юксалтириш, уни давлатнинг миллий устувор вазифалари қаторига қўшиш; аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологиялари кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шаклларини яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш каби вазифалар белгиланган [1]. Бу вазифалар амалга татбиқ этилиб, жамиятимиз аъзоларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини, дунёқарашларини ва билимларини янада бойтади, деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиетлар:**

1. 2018–2022 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш Концепцияси / <https://lex.uz/docs/4084926>
2. Жарков А.Д. Экскурсия как педагогический процесс.- М.: ЦРИБ «Турист», 1983.
3. Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: учеб. пособие. – М.: Высшая школа, 2004. – 216 с.
4. Носиров Х. Ёшлар тарбиясида музейларнинг ўрни. Т., 2015. // <http://audio.ziyonet.uz/uzc/book/1506>

## YOSH AVLODNI MA'NAVIY YETUK VA JISMONIY BARKAMOL QILIB TARBIYALASHDA OILANING O'RNI

Eshdavlatov O. G'.  
NavDPI katta o'qituvchisi

Ma'lumki, hozirgi global muhit, zamonaviy hayot yosh avlodni ma'naviy yetuk va jismonan sog'lom hamda barkamol qilib tarbiyalashga alohida e'tibor qaratishni, jamiyatimizda bu boradagi ishlarni tizimli va izchil amalga oshirishni taqoza qilmoqda. Aynan globallashuv jarayoni va ob'ektiv shart-sharoit farzandlarimiz ta'lim-tarbiyasi masalasiga alohida e'tibor qaratish lozimligini hamda oilaviy burch va mas'uliyatda ota-onalar mas'uliyatini oshirishni talab qilmoqda.

"Bugungi kunda farzandlarimizning ma'naviy olamini yuksaltirish, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash masalasi biz uchun eng dolzarb vazifa bo'lib qolmoqda.

Ayniqsa, hozirgi murakkab va tahlilikli zamonda milliy o'zligimiz, azaliy qadriyatlarimizga yot va begona bo'lgan turli xil xurujlar, yoshlarimizning ongi va qalbini egallashga qaratilgan g'arazli intilishlar tobora kuchayib borayotgani barchamizni yanada hushyor va ogoh bo'lishga da'vat etishi tabiiydir.

Shu sababli yoshlar o'rtaida sog'lom turmush tarzi tamoyillarini qaror toptirish, ularni giyohvandlik, axloqsizlik, chetdan kirib kelayotgan har xil zararli ta'sirlardan, "ommaviy madaniyat" niqobi ostidagi tahdid va xatarlardan asrash masalalari bir zum ham e'tiborimizdan chetda qolmasligi darkor." [1, 267-268-b]

Mustaqillik yillarda mamlakatimizda yangi dunyoqarashga ega, mustaqil fikrlashga qodir bo'lgan barkamol avlod tarbiyasi borasida keng qamrovli chora-tadbirlar belgilandi, samarali ishlar amalga oshirildi hamda bu boradagi ishlar tizimli ravishda davom ettirib kelinmoqda.

Mamlakatimizning Birinchi Prezidenti Islom Karimov jamiyatda, yosh avlod ta'lim-tarbiyasida oilaning roli xususida to'xtalib shunday degan edilar: "... yoshlarimizni har tomonlama sog'lom va barkamol etib tarbiyalash, hayot abadiyligi, avlodlar davomiyligini ta'minlaydigan ma'naviyat qo'rg'oni bo'lmish oilani mustahkamlash bugungi kunda barchamizning nainki asosiy vazifamiz, balki insoniy burchimizga aylanishini istardim.

Shu bois biz mustaqillik davrida oila institutini jamiyatning boshqa muhim ijtimoiy tuzilmalari, yurtimizdagи ma'naviy o'zgarishlar bilan uyg'un tarzda rivojlantirish, uning nufuzini oshirish masalasiga davlat siyosatining eng muhim va ustuvor yo'nalishi sifatida doimiy e'tibor berib kelmoqdamiz." [2, 56-57-b]

Oila har bir xalqning, millatning davomiyligini saqlaydigan, milliy qadriyatlarning rivojini ta'minlaydigan, yangi avlodni dunyoga keltirib, uni ma'naviy va jismoniy barkamol qilib tarbiyalaydigan, jamiyatning asosiy negizi hisoblanuvchi muqaddas maskandir.

Yosh avlodni jismoniy va ma'naviy jihatdan kamol toptirish eng muhim va ustuvor hamda doimiy ravishda bajarishimiz lozim bo'lgan vazifamiz ekan, oilada farzandlar tarbiyasi va kamoloti bobida avvalambor, oilada ruhiy muhit sog'lomligi va farzandlar nazoratiga muhim e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Chunki insonning komil inson bo'lib shakllanishida, hayotda o'z o'rnini topishida, el-yurt ichida izzat-hurmatga sazovor bo'lishida, yuksak odob-axloq qoidalari o'zida mujassam etishida oila asosiy o'rinni egallaydi. Oila shunday makonki, unda hayotning davomiyligini ta'minlovchi shaxs shakllanadi, etnik madaniyat, urf-odatlar, axloqiy-ma'naviy qadriyatlar saqlanadi va rivojlantiriladi, jamiyat taraqqiyotini belgilovchi iqtisodiy va ma'naviy hayot poydevori qo'yiladi.

Barchamizga yaxshi ma'lumki, bugungi shiddatli zamon, globallashuv jarayonlari va uning salbiy ta'sirlari, dunyodagi keskin raqobat muhitini bizdan juda katta mas'uliyat va safarbarlik bilan ishlashni, hamma sohalarda yangicha yondashuvni, ayniqsa, yosh avlod ta'lim-tarbiyasi borasida farzandlarimizning jismonan sog'lom, ma'naviy yetuk va barkamol qilib tarbiyalashga alohida e'tibor qaratishni, jamiyatimizda bu boradagi ishlarni tizimli va izchil amalga oshirishni taqoza qilmoqda.

"Mana shunday keskin sharoitda biz yurtimizda tinchlik va osoyishtalik, fuqarolar va millatlar o'rtaida hamjihatlik muhitini ko'z qorachig'idek asrashimiz zarur. Ayniqsa, farzandlarimizning qalbi va ongini yovuz xavf-xatarlardan himoya qilishga eng dolzarb vazifa, deb qarashimiz kerak.

Agar biz ta'lim-tarbiya, madaniyat va ma'naviyat sohasidagi ishlarni aniq tizim asosida tashkil etib, ularning samaradorligini oshirmsak, ertangi kunimizni qurolmaymiz, o'z maqsadlarimizga yetolmaymiz.

Bu borada "**Bir bolaga yetti mahalla ham ota, ham ona**" degan shior doimiy kun tartibida turishi lozim. Biz yoshlarimizni milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etishimiz zarur." [3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat

Mirziyoyevning Xalqaro xotin-qizlar bayramiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi. Xalq so'zi gazetasi 2017 yil 7 mart, № 47 (6741)]

Bizning asosiy maqsadimiz hech kimdan kam bo'limgan demokratik, huquqiy davlat, ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot qurish ekan, bu borada oila va uning mustahkamligini ta'minlash, farzandlarimizning hech kimdan kam bo'lmaydigan, kuchli, bilimli, aqli, dono va albatta, baxtli bo'lishlari masalasiga doimiy ravishda e'tiborli bo'lishimiz darkor. Zero, aqli, bilimli, yuksak ma'naviyatlari barkamol avlod yurtimiz ertasi va kelajagidir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliv saodatdir. – T.: “O'zbekiston”, 2015.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. – T.: “Ma'naviyat”, 2008.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xalqaro xotin-qizlar bayramiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi.// Xalq so'zi gazetasi 2017 yil 7 mart, № 47 (6741)

### **YOSHLARNING MA'NAVIY-AXLOQIY QIYOFASINI SHAKLLANTIRISHDA OILANING O'RNI**

**Normo'minov B.U.**

**SamVMI Gumanitar fanlar, jismoniy madaniyat va sport kafedrasи o`qituvchisi.  
Abdualimova Rushana- SaMVMi talabasi.**

Inson bolasi dunyoga kelar ekan u mustaqil harakatlanishi, yurish, o`qish, yozishdan boshlab tabiat va jamiyatning barcha murakkab qonunlari bilan yuzma-yuz kelganda nimalar qilish kerakligiga o`rgatiladi, yoki bunga maxsus o`qitiladi. Shaxs sifatida shakllanib, so'ng o`zi yashayotgan davlatining fuqarosi sifatida o`z davlatining iqtisodiyoti, ijtimoiy hayoti taraqqiyotini ta'minlovchi, hal qiluvchi omil bo`lgan yoshlarning ma'naviy-axloqiy kamolotida oilaning o`rnini beqiyosdir.

Oilada shaxsni axloqiy shakllantirish bolaning tug'ilishidan boshlanadi. U ko'pgina omillar ta'sirida tarkib topadi. Bu omillar oilaviy munosabatlardan xarakteri, ota-onalarning namunasi, ulardagi umumta'lim darajasi, umummadaniy saviyasi hamda ularning pedagogik madaniyati va nihoyat oilaviy hayotning tashkil etilishidan iborat.

Oila boshqa turdag'i kichik guruhlardan o`zining bir qator jihatlari bilan ajralib turadi: **birinchidan**, oila ko`p muddatga, ya'ni bir necha o'n yillar va ko`p yillarga mavjud bo`ladi;

**ikkinchidan**, oilada shaxslararo munosabatlarning bir necha turlari amalga oshadi, ya'ni milliy mafkuramizga oid ilk tushunchalar, avvalo oila muhitida singadi va bu jarayon bobo-lar o`giti, ota ibrati, ona mehri orqali amalga oshadi. Bunda oilaviy munosabatlarda tarbiyaviy, psixologik, hissiy, moliyaviy, jinsiy va boshqa vazifalarining amalga oshirilishi kuzatiladi;

**uchinchidan**, oiladagi barcha munosabatlardan zaminida salbiy yoki ijobiy holatlar yuzaga keladi, ya'ni oila a'zolaridan kimningdir kimadir ta'siri oqibatida shaxs yoki yaxshi shakllanishi va komil inson darajasiga yetishi yoki tarbiyasi og'ir, xulqi buzuq odam bo`lib tarbiyalanishi mumkin.[1; 14 b.]

O`zbek oilasining yuqorida ijtimoiy-psixologik klassifikatsiyasi, ularga xos psixologik xususiyatlar mutaxassis (sotsiolog, psixolog)lar tomonidan ilmiy o`rganilishi va yoshlarning ma'naviy-axloqiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qilishi kerak. Buning uchun hozirgi zamон oilasining asosiy vazifalarini yoshlar ongida to'g'ri shakillantirishga e'tiborni kuchaytirish lozim: Jumladan:

- **Oilaning iqtisodiy vazifasi** oilada o'sayotgan bola ham oila iqtisodi, budgeti, daromadini rejali sarflash, mana shu malaka va ko`nikmalarga ega bo`lib borishi zarurligi-ni unutmagan holda bolaga iqtisodiy masalalarni hal etishni o`rgata borish lozim.

- **Oilaning reproduktiv vazifasi** Oila faqatgina yangi avlodni dunyoga keltiribgina qolmasdan, ularni insoniyat paydo bo`lgan davrdan boshlab yashab kelayotgan ilmiy va madaniy yutuqlari bilan tanishtirish, ularning salomatligini saqlab turishdan ham iboratdir.

- **Oilaning tarbiyaviy jarayonidir.** Bolalarning aqliy, jismoniy, axloqiy, estetik tarbiyasiga asos soladigan bo`g`inidir.

- **Oilaning kommunikativ vazifasi** oila a'zolarining o'zaro muloqot va o'zaro

tushunishga bo`lgan ehtiyojini qondirishga xizmat qiladi. Psixologik tadqiqotlarda ta`kidlanishicha, turli ijtimoiy yo`nalganlik, ustanovkalar, hissiy madaniyat, odamning axloqiy, ma`naviy va psixologik salomatligi-oiladagi o`zaro, ichki muloqot xarakteri, oiladagi katta a`zolarning muloqotda psixologik ustanovkalarni namoyon qilishlari, oiladagi axloqiy-psixologik iqlimga to`g`ridan to`g`ri bog`liqidir.

• **Oilaning felitsitologik vazifasidir** (italyancha «felitsite» — baxt). Shaxsiy baxtga erishishga intilish hissini yosh avlodda shakillantirishda oilaviy munosabatlar tizimida ko`p jihatdan hal qiluvchi o`ringa ega.[1; 47-57 b.]

Oilada axloqiy tarbiyaning rolini ko`rsatish, unda ota-bobolarimizdan meros bo`lib qolgan axloqiy fazilatlarni egallashning naqadar ahamiyatli ekanligini ilmiy-nazariy jihatdan tahlil etish juda muhimdir. Donishmandlar fikricha, mehnat insonni uch balodan: **yurak siqilishidan, axloqiy buzilishdan, muhtojlikdan saqlaydi**.[2. 29 b.]

Xalqning axloqiy mezonlari uning yillar davomida erishgan ulkan ma`naviyati bilan uzviy bog`langan. Ana shuning uchun axloqiy tasavvurlarimiz, axloqiy qadriyatlarimiz millat uchun, uning obro`yi va istiqboli uchun xizmat qilsagina, o`z o`tmishini, ma`naviy merosini, qadriyatlarini unutmaydi.

Axloqiy ongni rivojlanishi yaxshilik va yomonlik, axloqiy ideal, axloqiy qadriyat va hayotning mazmun haqidagi qarashlarni ijobjiy o`zgarishiga olib keladi. Axloqiy ruhda tarbiyalangan inson o`zining axloqiy burchini anglab etmog`i zarur. Ana shundagina o`zining har bir xatti-harakatiga o`zi baho beradi, natijada axloqiy mezonlarning buzilganligini, xatti-harakatining noto`g`ri tanlanganligini o`zi tushunib etadi.

#### Foytalanilgan adabiyotlar

1. G` . B. Shoumarov. “Oila psixologiyasi”. – T.:«SHARQ», 2010.
2. A. Zunnunov. O`rta osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotidan lavhalar. – T.: Fan, 1996.

### ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ОШИРИШДА- ОИЛАНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Турсунова Ш.Б.  
УрДУ таянч доктаранти

Бугунги ривожланишда бўлган жамият, жумладан ёшлар кундалик ҳаёти, таълим жараёни, иш фаолиятида ҳам турли мазмундаги маълумотларга оммавий ахборот воситалари орқали эга бўлмоқдалар. Улар кўраётган фильmlar, кўрсатувлар, тинглаётган радиоэшиттиришлар мазмун-моҳияти нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, уларнинг маънавий оламига турлича таъсир кўрсатади. ОАВлар орқали таъсир этишнинг ижобий ва салбий кўринишларини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, инсон маънавий камолотида у қабул қилаётган ахборот мухитининг роли катта. Демак, бугун ёшларнинг нимани кўриб, нимани тинглаётгани биринчи навбатда у вояга етадиган оила, шу билан бир қаторда таълим муассасалари эътиборидан ҳам четда колиши керак эмас.

Ахборот маконининг энг жадал воситаларидан яна бири интернет ҳисобланиб, ахборот алмашишда жуда кенг имкониятларни беради, ҳамда зарур бўлган ахборотлар билан бир қаторда миллий мафкурамизга ёт бўлган, маънавиятимизга мос келмайдиган вайронакор ва тажовузкор ғояларни тарғиб қилувчи саҳифалар ҳам бор. Айниқса, кейинги йилларда халқаро тизимда инсон онгини заҳарловчи маълумотлар – тажовузкорлик, жангарилик қотиллик руҳидаги, ёлғончилик ҳамда инсонийлик, жамиятга зид бўлган бошқа ахборотларни тарғиб қилувчи саҳифаларнинг кўпайганлиги ҳар биримизни огоҳликка чорлайди. Odnoklassniki, Facebook, Twitter, You Tube каби ижтимоий тармоқларда ёшларнинг бирор масала -китоблар, суратлар, фильмлар қўшиқлар ҳақида баҳслашаётганига кўп гувоҳ бўламиз. Албатта, фикр алмашиб онгни чархлади. Лекин баъзи ижтимоий хавфли ахборотнинг акс таъсири унинг ўзидан ҳам хавфлироқ эканлигини катта-ю, кичик тушуниб етмоғи лозим.

Маълумки, кўп фанлар ибтидоси оиласда ўргатилади. Эшитган эртакларимиз – адабиёт фани ибтидоси бўлса, санашни ўрганиш – математиканинг ilk сабоғидир. Шулар қаторида турли хил “ахборот хуружлари”дан химояланиш учун мафкуравий иммунитетни ошириш муамmosи ҳам оила тарбиясидан четда қолмаган. Оналаримиз ilk бора нима яхши-ю нима ёмонлигини ўргатишган. Мана бу яхши, буниси – ёмон... Ёмон болаларга қўшилма, мана бу гапдан эҳтиёт бўл, унга ишонма ва ҳоказо. Шу тариқа мурғак қалбимизда ёмон нарсаларга, бўлмағур гап-сўзларга қарши иммунитет пайдо қилишган.[1.]

Кўриниб турибдики, фарзандларида илк мафкуравий иммунитет ҳосил қилиниши оила тарбиясининг табиий жараёнига айланган. Яхши ва ёмонни фарқлаш, ёмон гаплардан эҳтиёт бўлиш мавзуси куйидаги мақолу наклларимизда ҳам ўз ифодасини топган: “Яхшига эргашдинг – етдинг муродга, ёмонга эргашдинг – қолдинг уятга”, “Қозонга яқин юрсанг – кораси юқади, ёмонга яқин юрсанг балоси уради”, “Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади”, “Мишишга ишонган – харом ўлармиш”, “Яхши гап – жон озиғи”, “Яхши гапдан илон инидан, ёмон гапдан қилич қинидан чиқар”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир”, “Гапни гапир уққанга – жонни жонга сукқанг”, “Бир ёмонни кўрмай яхшининг қадрига етмайсан” ва ҳоказо. Бу мақолу накллар замирида одамнинг онги заҳарланиб қолишидан сақланиш ғоялари ҳам мужассам.

Оила – ҳаёт бешиги. “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Faразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев.–таъкидлаганларидек, «Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этдиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбida доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга унданб турусин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан».

“Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бирорларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим-деб таъкидлайди. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнida шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз.

Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз” деб таъкидлайди.[2.]

Буюк мутафаккирларимиз А.Авлоний, А.Фитратлар таъкидлаганидек, тарбия, аввало, оиласдан бошланади. Ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашда оила биринчи ўринда туради. Оила асосий тарбиянинг ўчоғидир. Оила ҳар бир ҳалқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, маънавий, моддий тарбиясида асосий омил ва восита оила ҳисобланади. Бунда ота-она санъаткор, бола эса санъат асари, тарбия эса санъатнинг ўзидир. Оиласдан соғлом мухитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Баъзан жаҳл чиққанда бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга кўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда маъсуллик ота-онанинг оиласдан бурчидир.[3,38-б]

Хеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, чунки, ҳалқимиз айтганидек фарзанд юракнинг ёғидан яратилган. Фарзанд тарбияси ҳақида Фитратнинг «Оила» асарида мукаммал кўрсатмалар берилган. У, «ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу ҳалқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик шу миллат оиласларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муazzам бўлади», -деб ёзади. [4,13-б] Бу фикрларга қўшилган холда, яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, оиласда ҳар бир фарзанднинг юксак онги, янгича тафаккур ва дунёқараши, одоб-ахлоқи, юксак ижтимоий муносабат ҳуқуқий бурчидир.

Оила тарбияси мактаб таълимига пайваста бўлади. Яъни, оиласдан илк тасавурлар мактабда фан сифатида тушунтирилади.

Собиқ мустабид тузум даврида қардош республикаларда, жумладан, бизда ҳам тарих, фалсафа каби ижтимоий фанлар бутунлай ўзгача тушунтирилар эди. Миллий маънавият ҳақида гапириш ҳам мумкин эмасди. Худо йўқ, дин – афьюн, деган соҳта “назариялар” мажбуран ёш авлод онгига сингдириларди. Шундай оғир шароитда мафкуравий иммунитет ҳақидагап бўлиши мумкинми? Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, “ноинсоний ғоя хукмон бўлган

мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйгуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди”.[5, 371-б]

Ўша даврда миллатимизга, миллий ғуруримизга нисбатан меҳр уйғотиш ўрнига аксинча унга қарши давлат сиёсати даражасида даҳшатли “ахборот хуружлари” қилинар эди. “Миллий ўзликинглашга бўлган табиий интилиш жоҳил она инкор этилар эди. Наврўз, Рамазон, Курбон Хайити каби кўплаб муқаддас байрамлар тақиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имомат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддий Кубро, Махмуд аз-Замаҳшарий, Ҳожа Аҳорори Валий, Абдулхолик Фиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди”[6,372-б]

Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир пайтда бугуннинг ота-онаси, бугуннинг устоз-мураббийлари даврнинг масъулиятини хис килмоғи зарурдир. Шундай бир шароитда фарзандларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, хеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий биноси мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса, энг аввало, фуқароларни, айниқса, ёшларни чукур билимли, терак фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий қадриятларидан хабардор, ватанпарвар, ҳақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялашни тақозо этади. Комил инсон шахсини тарбиялаш эса энг мураккаб ва қийин жараёндир. Бу жараённи амалга ошириш улар онгига миллий қадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқдир. Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, тилини, динини ва урф-одатларини мукаммал билсагина, мустақилликнинг асл моҳиятини чуқурроқ англаб етадилар. Фуқаролик жамияти ҳам ана шу миллий қадриятларимизга асосланиб ривожлантирилиши бежиз эмас. Зоро, “Мадомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги XXI асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз шундан келиб чиқмоғи даркор, яъни эркин фуқаро-онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур”. [7,303-б] Ёшлар -жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари хисобланади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳар бир давр ёшларнинг билим даражаси, дунёқарashi, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Шу боисдан ҳам 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ёшларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиган эди. Шунингдек, 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорнинг янги таҳририга кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётганилоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соглом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда янада кенг кўламдаги имкониятларни ўзида мужассамлаштириди.

#### Адабиётлар:

1. Эшбеков Т. “Ўргамчак тўри”. //Жамият, 2007 йил 27 апрель.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фарновонлигининг гарови.
3. Авлоний А. Танланган асарлар 2-жилд. - Тошкент Маънавият 1998 йил Б-38
4. Фитрат. Оила. – Тошкент. Маънавият. 1998 йил Б-13
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз: Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 371 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз: Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 371-372 бетлар.
7. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмокдамиз. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 303-б.

## ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Мелиқулова М.А.  
Мухаммадиева Н.,  
Ислом Каримов номли ТДТУ Термиз филиали ўқитувчилари.

,,Меҳнат ҳамишиа инсон ҳаёти ва маданиятининг асоси бўлган”.

Оилавий қадриятларда меҳнат тарбияси мухим рол ўйнайди. Ҳар бир ота -она ўз фарзандини баҳтини ўйлаб уларга илм касб - хунар ўргатишни ўзини бурчи деб билади. Бола тарбияси инсондан маъсулятни талаб қиласди. Бола тарбиясини тўғри шакллантиришда меҳнат тарбиясини ўрни бекиёс, меҳнатсиз яшаш кундалик турмуш тарзимида бокимандаликни вужудга келтиради, бу болада дангасалик, ишёқмаслик, ялқовлиқ, лоқайдлик хислатларини вужудга келтиради. Бу хислатлар инсоннинг ўз олдига қўйган максадларидан узоклаштиради, инсон ҳаёти учун фожейанинг бошланишига олиб келади. Бундан ҳар бир ота - она тўғри хulosса чиқариш лозим. „Шахс маънавияти, унинг дунёкараши, инсоннинг тасаввур ва эътқодига алоқадор кўнимкамалар мажмуи асосан оилада шакилланади. Шу маънода, оила ҳақиқий маънавият ўчоги, тарбия омили ва муҳитидир. Миллий мағкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига ва оила муҳитига сингади бу жараён боболар ўгити, ота- ибрати она -меҳри орқали амалга ошади. Болаларда ёшлиқдан меҳнатга муносабат тарбиясини оиладаги муҳит орқали шакилланади.”[1. 365-б] Ота - оналар болаларнинг келажагини ўйлаб, уларни илк ёшларидан меҳнатга солиб чиникитириб борадилар. Тўғри тарбиянинг энг таъсирили, энг самарали усули ҳам меҳнатdir. Ота -оналар болаларнинг меҳнатига ҳамма вақт ҳам муҳтож бўлавермайдилар, меҳнатга кўникитириш зиммаларидағи бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар. „Маълумки ҳар бир оиланинг ўз хўжалиги бўлади ва ўз хўжалигини соф, ҳалол меҳнати билан қуради: бу хўжалик даромади оила аъзоларининг қандайдир доимий фойда олиб туришлари орқасидан эмас, балки иш ҳақининг ошуви ва оила харажатларидан орттириб, тежаб қолиш туфайли кўпаяди. Биздаги оила хўжалиги рўзгор учун керакли бўлган буюмлардан, ашё ва жиҳозлардан иборатдир. Ҳар бир оила ўз хўжалигини тузатиб олиш йўли билан ўз турмушини яхшилашга уринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ мамлакат эришган ютуқларга боғлиқ бўлади” [2. 212-б]. Ўзбекистон республикаси биринчи президенти Ислом Каримов сўзлари билан айтганда „Биз фидойи ватанпарварларни тарбиялашимиз”, „Элим деб юртим деб яшовчи шу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайдиган” „ўзидан сўнг Озод ва обод ватан қолдирадиган” фарзандларни тарбиялашимиз мустақиллик давр талабидир, Ислом Каримовнинг „Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” номли китобида имон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятининг шакиллантиришдир. Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур зукко, ишбилармон, ишchan кишилар зарур. Юртдошларимизнинг техникавий билими, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавият баркамоллик мустақил тафаккур билан бориши керак. „Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти бўлади”. [3. 25- б] Оилада тежамкорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар ҳалқа ҳам, ота- оналарига ҳам ўзларига ҳам шунчалик кўп фойда етказадилар. Ҳар бир оиланинг тенг ҳукуқли аъзосидир. Демак оила хўжалигининг иштироқчисидир биз фарзандларимизнинг оилада қобилиятли қилиб тарбиялаб қолмай бутун жамият хўжалигини ҳам тежаб тергаб юрадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмоғимиз лозим. Ота- оналар ўз фарзандларини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб тарбиялаш учун қўйидагиларга амал қилишлари керак;

1. Бола ота- онасини қаерда ишлашини билиш керак;
2. Болани оила бюджети билан мумкин қадар эртароқ танишитириш керак;
3. Оилавий шароит ҳақида бола тенгдошлари олдида мақтанмаслиги;
4. Ота -она болаларни софдил қилиб тарбиялаш керак;
5. Бола оилада тежамкорликни ўргансин;
6. Бола буюмларни эҳтиёт қилишни ўргансин;
7. Тежаб -тергаб иш кўриши керак;
8. Пулни тежаш керак;

Оилада бола тежамкор бўлиши учун ота- оналар ўrnak бўлиши керак. Болаларда меҳнатга бўлган қизикиш ва эҳтиёж анча барвакт пайдо бўлган, мактабга келган ўғил ва қизларда эса муайян меҳнат кўнимкамалари таркиб топган бўлади. Бу кўнимкамалар мактабдаги таълим ва тарбия

таъсирида янада мустаҳкамланади. „Дарс ўқувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Меҳнат тури ўқувчидан қатъиятни, қунт ва ақлий зўр беришни талаб қиласди. Дарс ўқувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Меҳнат тури ўқувчидан қатъиятни, қунт билан ишлашни ақлий билимни талаб қиласди. Ўқитувчи ўқувчининг фикрлаш қобилятини ўстириб боради. Баъзи ўқувчиларга ақлий меҳнат қилиш меҳнатининг бошқа турларига нисбатан оғирдек туюлади”. [3. 11-б] Улар дарсда дарров зерикадилар, материалларни ўзлаштиришда сускаштлик қиласдилар, ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўлган ана шу ҳолатни дарров пайқаб олиши, дарсни қизиқарли мазмунда, шаклда, усулда олиб бориши, бор билими, маҳоратини ишга солиш зарур. Меҳнат дарсларида қизлар учун „Пазандачилик сирлари”, „Салатлар тайёrlаш“, „Дастурхон тузаш“, „Мехмон кутиш“ одоби, ўғил болаларда ҳунармандчилик сирлари ўргатилиган. Ўқувчиларни жисмоний меҳнатга қизиқтириш усуулларига қуидагилар киради:

- 1.Касбим - Фахрим тўғрисида иншолар танловини ўтказиш.
- 2 Мехнат фаҳрийлари билан учрашув ўтказиш
- 3 Ишлаб чиқариш корхоналарига олиб бориш
4. Завод фабрикаларига олиб бориш
- 5.Далага олиб чиқиш
6. Боғларга олиб бориш
7. Чорвачилик ва паррандачилик фермаларига экскурсияга олиб бориш.
8. Тадбирлар ўтказиш
9. Меҳнатни инсон ҳаётидаги ўрнини тушунтириш ишларини олиб бориш.

10. Инсон истагини амалга ошириш учун сабр –тоқатли, чидамли ва ғайратли бўлиши керак. Ғайратли, ишchan болаларни ҳамма севади. Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган инсон, жасорат кўрсатишга қодирдир. Чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга, ўзида иродা ҳам ва бунга куч ҳам топа олади. (*Эюль Верн*) Инсон жамики бойликларини меҳнат туфайли яратади. Шу боис кишилар меҳнатини кадрлайдилар.

„Меҳнат туфайли баҳт топадилар”. Халқда „Меҳнатсиз -топилган ошдан, меҳнат билан топилган- тош яхши” деган мақол бор. Меҳнатсеварлик фазилати улуғланади, меҳнат қилган инсон ҳеч қаҷон хор бўлмайди, бирор нарсага зор бўлмайди. Фуқароларда меҳнатга муносабат тушунчаси ижтимоий шериклик асосида юзага келади, ижтимоий меҳнат муносабатлари тизимини биринчилардан бўлиб Англиялик Фрэнсис Бекон назарий таҳлил қиласди. Меҳнат қонунчилиги меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муносабатлар мамлакатимизда дунёнинг кўп мамлакатларда бўлгани сингари бипартизм -икки томонлама ва жамоа шартномалари ҳамда трипартизм -уч томонлама шартнома тузадилар, шартномалар ҳақида билим бериш, меҳнат шартномалари ҳақида болада ҳуқуқий саводхонлик бўлиши керак. „Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси 37- моддасида қуидагича қайд этилган: Меҳнат тарбияси инсонни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш эркин касб танлаш адолатли меҳнат шароитларда ишлаш ва конунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.”[4. 15-б]

#### **Адабиётлар:**

1. Педагогика.- Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев. – Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. И.Эргашов, Э.Набиев, Н.Комилов, С. Отамуродов, Н.Бекмуродов. - Миллий истиқлол ғояси. – Т.: “Академия”-2005
3. С.Отамуратов, Ж.Раматов, С.Хусанов, - Маънавият асослари. – Т.: 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: - 2017;

**ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ - МИЛЛИЙ ҒУРУР МАСАЛАСИДИР**  
**Бурхонов И.М.**  
**Фарғона политехника институти**  
**“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси**

Миллий характернинг даврда тутган ўрни, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий-эстетик қиммати унинг умумбашарий аҳамияти билан ўлчанади. Буларсиз характер ҳатто ўз миллатининг такомили учун ҳам хизмат қила олмайди, маҳдуд, пассив ва келажакдан маҳрум нарсага айланиб қолади. Маълум халқ илгор характерининг белгиларини миллий ва умуминсоний деб, арифметик равиша

ажратиш мумкин эмас. Ҳаракат ва дунёқарашнинг баъзи кўринишларини миллий, баъзиларини эса ўзгача деб қатъий чегараловчи классификация тузилмайди. Ҳақиқат шундаки, уларни бир-биридан йироқлаштириб ёки якка ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Улар биргаликда яхлит жараённи ташкил этади.[1.19.]

Инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларга содиклик, уларни асраб-авайлаш билан бирга, янги замон талабларига мое равишида такомиллаштириб бориш - умуман олганда ахлоқий маданият мезони, миллий равнақ асоси, ёшлар камолотининг энг муҳим омилидир. Бундай рухиятдаги одам ҳеч қаҷон бировга тазиқ қилмайди, шафқатсизлик ва зўравонлик каби гайриинсоний иллатларга ҳамиша нафрат билан қарайди. Уз табиатига мос равишида бағрикенг ва муруватли бўлади.

Умуминсоний нуқтаи назардан ёшларнинг ахлоқий маданият мезонлари қуидагиларда акс этади. Мавзуни тадқиқ этиш бизга ушбу мезонларни, тўғрироғи, йўналишларни қуидагича тасниф қилиш имконини беради:

1. Ахлоқий маданият йўлида жаҳон аҳли, бошқа халқлар, давлатлар, маданиятлар билан интеграцион алоқалар ўрнатиши.

2. Минтақавий ахлоқий қадриятларни асрар ва уларни ривожлантириш учун этнорегионал алоқаларни олиб бориши.

3. Жаҳон динига айланган ва ўзида умуминсоний ахлоқий қадриятларни сақлаётган исломий маънавий қадриятларга таяниш.

4. Жаҳон халқлари сафида тинчлик, барқарорлик, инсоният ахлоқий маданиятини юксалиши учун курашиш.

5. Демократик тамойилларга содиклик, умумжаҳон амал қилаётган тамойиллар, ҳуқуқий меъёрлари, ахлоқ қоидаларига риоя этиши.

6. Иқтисодий интеграция орқали умумий ижтимоий-маданий макон яратишида иштирок этиши.

7. Илм-фан, маърифат ва ахлоқий таълим-тарбия соҳаларида жаҳон аҳли эришган ютуқларни жорий этишга интилиш кабилардир.

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар негизида, энг аввало, дунёдаги давлатлар билан ҳамкорлик барча халқлар, миллат ва элатларга хос ранг-баранглик асосига қурилган интеграцион алоқалар ётади.[2.93.] Айни шу маънода, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг ҳамжамият томонидан эътироф этилиши мужассам бўлмоқда".[3.199.]

Ахлоқий маданиятнинг умуминсоний хусусиятлари, асосан, қуидаги парадигмалар замерида ўз ифодасини топади:

- миллий ахлоқий маданиятни сақлаган ҳолда барқарор умумий хусусиятларга эга бўлиш;

- ўз миллий ахлоқий меъёрларига, шунингдек, ўзга макон ва замонга хос бўлган ахлоқий муносабатларнинг инсонпарвар жиҳатларига таяниш;

- жамият ахлоқий онгига ҳамда ахлоқий маданият замерида умуминсоний қадриятларни қарор топтириш;

- ахлоқни миллий рух негизида тушуниладиган ва амал қилинадиган умуминсоний қадриятларга қартиш ва йўналтириш. Бу ерда умуминсоний қадриятларни миллий, ахлоқий маданият замерида тушуниш, айни пайтда, умумий сифат ва хусусиятларга эга бўлиш асосий мезон ҳисобланади;

- муайян миллий ахлоқий муносабатларга ўзга ахлоқий қонун ва қоидаларни конструктив томонларини интеграциялаштириш;

- глобаллашув асрининг энг характерли жиҳати - бу XXI аср "инсонпарварлик харита"сининг тузилишидир, у бир ахлоқий муносабатлар яхлитлигига "умуминсоний ахлоқий маданият" тушунчасидаги замонавий тасаввурнинг туб моҳиятини акс эттириш хусусиятига эга бўлади.[4.87.]

Ҳозирги даврда умуминсоний (умумбашарий) алоқалар, муносабатлар мамлакатларнинг ўзаро тенглиги, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаши каби тамойилларга таянади. У умуминсонийлик тамойили билан чамбарчас боғлиқдир. Дунёдаги барча халқ ва миллатларга хос ранг-баранглик уларни бир-биридан ажратиш эмас, балки умумий уйғунликни шакллантирадиган муштарак белгилардир. Бу тамойилга кўра, ахолисининг

таркиби ранг-бараг, худудида 136 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайдиган Ўзбекистон умумётник қарашлар ва умуминсоний қадриятлар уйғунылигини ўзида ифодаласи табиийдир.

Инсоният жамиятининг ҳар бир янги босқичи тарихга муносабатни янгидан кўриб чикишни талаб этади. Маънавий ҳаётдаги янги ҳодисалар умумий бўлиб келган тушунча ва ўлчамларни гуёки инкор этгандек бўлади. Бироқ шу ўринда таъкидлаш лозимки, тарих "чиғириғи"да ўз синовидан ўтган, барча даврлар ва ҳалкларга хос бўлган умуминсоний қадрият ва мезонлар тизими мавжуд бўлиб, улар орқали ҳар қандай янги даврда аввал кузатилмаган ҳодисаларнинг ўлчами ва андозаси чиқарилади. Кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ёшлар тарбияси энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

- 1.Каримов И. “Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., “Ўзбекистон”, 1997 й., 115 бет
- 2.Каримов И. “Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т., “Ўзбекистон”, 1997 й., 112 бет
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳетишдир. Ўзбек ҳалки ҳеч качон, ҳеч кимга карам бўлмайди. Т.13. -Т.: Узбекистан, 2005. -Б. 199.
4. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.. Современный экономический словарь. — 2-е изд., испр. М.: ИНФРА-М. 479 с.. 1999

## **ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Азизова Л.С.**

**СамДУ Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси.**

**Тоғаев Н.Э.**

**СамДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси.**

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғланган бўлиб, ёшлар эртанги куннинг яратувчилари сифатида ўзларининг миллий давлатчилиги тарихини чуқур англаб етиши, ўз қалбларида ватанпарварлик туйгуларини барқ урдириб яшашлари лозим. Шу боис ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда авваломбор ватанпарварлик муҳим эканлигини ҳеч ким унутмаслиги лозим. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси хисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” - деб таъкидлаб ўтади[1: 10].

Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшлар тарбиясига алоҳида эътиборини қаратди. Ёшларни миллий ифтихор, миллий ғурур, миллатпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор бериш “Таълим тўғрисида”ги қонунимизда, шу билан биргалиқда ушбу қонун асосида яратилган қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ёш авлодни меҳр-оқибатли, саховатли, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик ҳамда келажакка ишонч билан қараш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Биздаги бундай миллий туйгулар бевосита аждодларимиз томонидан яратиб қолдирилган бой тарих ва унинг маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлари орқали келажакка муҳрланиб қолади. Бу борада биринчи Президентимиз И.А.Каримов: „Биз истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни - иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакам танидик. Эндиғи вазифа - боболаримизнинг паймол этилган орзу-умидлари ҳакки, авлодларимизга, сизу- бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппатенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир“- дея таъкидлайди[2: 81].

Бугунги кунда юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига Она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйгуларини чуқур сингдириш, миллий ғоя тарғиботини ҳамда маънавий-маърифий ишлар

самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим-тарбия соҳасида миллий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутади. Тарихимиз, маданиятишимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустахкамлашга алоҳида аҳамият бериладётганлиги фикрларимиз исботидир.

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда она-юрга мухаббат туйғуларини, уни ҳимоя қилиш, асрар-авайлашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам беради. Миллий жиҳатдан ўзлигини англаган инсонгина давлати олдида турган асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, ҳалқ олдидаги масъулиятини чукур англайди. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунылигига эришиш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш, маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантириш, уларда аждодларимиз меросига нисбатан фарх ва ифтихор туйғуларини уйғотиш давр талабига айланмокда. Бу ҳақда мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов: “Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда” - деб таъкидлайди[4: 267].

Хозирги пайтда мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга йўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга хизмат қиласиган иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқукий, ғоявий-мағкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда, давлат дастурлари доирасида ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган заرارли таъсиirlар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ҳам юксак самара ва сифат билан рўёбга чиқарилаётганини қайд этиб ўтиш лозим.

“Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қиласи, - дейди биринчи Президентимиз И.А.Каримов, - Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”[3: 81].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳаётининг маънавий янгиланиши жаённида ҳалқимиз онгига юксалиш юз берди. Айниқса, бугунги ва эртанди кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунылиги асосида тарбия олаётган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол ёш авлодимиз тимсолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдигини топмоқда.

### Адабиётлар

1. [www.xs.uz](http://www.xs.uz) // 2017 йил. 14 январ. №10
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994, - 83 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура.-1-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.- 364-бет.
4. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir. – Т.: Ўзбекистон, 2015, - 304 б.

## ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЁЖИ

Хатамова З.Н.  
Ферганский политехнический институт

Прогрессивное развитие всего человечества в последние десятилетия неотъемлемо связано с прогрессом в сфере информационно-коммуникационных технологий. Информационные технологии стали частью большинства видов деятельности, в которых трудится человек. И именно суждения связанные с формированием личности, при которых человек тесно взаимосвязан с информационным пространством, становятся всё более актуальными. Наиболее яркое влияние информационной среды заметно на молодежь, которая наиболее уязвима влиянию, поскольку зачастую у молодёжи не сформировались жизненные ориентиры и предпочтения как у независимой гармонично развитой личности.

В связи с этим, приобретает актуальность процесс формирования нравственных ценностей старшеклассников при максимально полном использовании потенциалов информационной культуры в формировании личности.

В формировании у подростков системы нравственных ценностей, немаловажную роль играет социализация «молодого» человека, связанная с воспитанием. Процесс социализации подростков в первую очередь проходит в семье, являющейся ячейкой общества. Немаловажное значение в этом процессе занимают образовательные учреждения. Но наиболее обширным фактором формирования личности является окружающая среда индивида, общественная среда, массовая культура в целом. В современном мире индивид получает всё больше и больше информации через информационные технологии, в частности через сеть интернет. Предоставляя непрерывный поток информации, который день ото дня имеет тенденцию к увеличению, глобальная сеть одновременно расширяет свои сервисы, становясь всё более привлекательной для молодого поколения.

Одним из важных аспектов становится информационная культура представляющая собой, знания и навыки эффективного пользования информацией. Информационная культура предполагает разностороннее умение поиска нужной информации и ее использования, от работы с библиотечным каталогом, компьютерной грамотности до просмотра информации в сети интернет. [1.479.]

Наибольшую опасность, по мнению экспертов, приобретает фактор снижения нравственных ориентиров, в условиях масштабного увеличения информационных потоков без должного критического осмысления. Наиболее остро это опасность проявляется в формирующейся личности, подросткового периода.

Воспитание нравственных ценностей у подростков необходимо рассматривать как постоянно действующую полиструктурную систему, состоящую из следующих элементов:

- социальных факторов;
- духовно-нравственного поведения;
- социально-педагогической системы общеобразовательной школы;
- интеллектуально-нравственного сознания.

В целях формирования нравственных ценностей в информационном пространстве необходимо отметить, важность базирования информационного пространства на педагогических, духовных и нравственных аспектах формирования личности.

Важность процесса формирования нравственных ценностей личности характеризуется тем, что именно нравственные аспекты лежат в основе самоопределения и самореализации личности.

Как отмечает Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов: «Думаю, сегодня нет необходимости кого-то убеждать в том, что наступила эпоха Интернета, динамичного развития Интернет-телевидения, Интернет-радио, электронной почты, онлайн-видео и многих других новых информационных технологий и что сегодня значительно расширяются рамки их влияния и аудитория пользователей. Если учесть, что проявляет наибольший интерес к подобным информационным средствам и широко их использует в основном молодежь, то несложно представить, насколько важное значение обретает этот вопрос». [2.3.]

Глобальное информационное пространство формирует пользователю практически неограниченные возможности перемещения по информационным сетям любой информации, создание какой либо системы, которая сможет фильтровать информационный поток, на уровне глобальной сети интернет невозможно.

Важность формирования информационной культуры у молодёжи Республики Узбекистан становится всё более злободневной. Становится очевидным необходимость выработки комплексных мер по дальнейшему развитию культуры молодежи в условиях глобализации информационного пространства, к реализации которых должны быть привлечены не только профессорско-педагогический состав учебных заведений, но и широкие круги общественности: государственные органы, институты гражданского общества, органы самоуправления граждан, родители и др.

#### **Литературы:**

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.. Современный экономический словарь. — 2-е изд., испр. М.: ИНФРА-М. 1999. С. 479.
2. Поздравлении работникам печати и средств массовой информации, Президента Республики Узбекистан И.А.Каримов от 27.06.2011. Электронный ресурс: [www.aza.uz](http://www.aza.uz)

# **ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ОБЛИКА МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА ПУТЕМ ГАРМОНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ**

**Гребенюк Мартин Валентинович**

**Студент 3-го курса, Государственный институт искусств и культуры Узбекистана.**

Идея как системанаучныхзнаний,выражающая интересы, убеждения и желания народа, играет роль цели, идеология же в качестве совокупности мнений о путях реализации в жизнь подобной идеи – роль средства [1]. Основу национальной идеи, воплощающей интересы узбекского народа, составляет самое великое и самое дорогое благо – независимость страны. Укрепление независимости, к которой стремился Узбекистан на протяжении многих веков, является священным долгом каждого гражданина. Исходя из этого, узбекистанцам необходимо придерживаться принципа активной гражданской позиции во имя воплощения вжизнь интересов Родины, ее процветания.

Посредством своего сознательного мышления человек может стать созидателем этого мира, повлиять на его процветание и развитие или, наоборот, разрушить его. В целях прогресса общества разум человека должен служить исключительно добру, справедливости и спокойствию. Но для этого в сознании человека должны быть высокое мышление и духовность. Именно поэтому сегодня «с идеей можно бороться, спорить только вооруженным идеей, с мыслью – только мыслью, с невежеством – только просвещением» [2]. Социально-философские основы национальной идеи неразрывно связаны с воодушевляющими наш народ духовным наследием и нравственными ценностями. Так, девиз великого государственного деятеля Амира Темура «Сила–справедливости» стал составной частью национальной идеи. Эта же идея в свое время считалась социально-философским фундаментом построения централизованного государства, обеспечения целостности страны, управления обществом на основе справедливости.

Важно отметить, что социально-философские основы национальной идеи базируются в первую очередь на достижениях мировой философской мысли, религиозных, устоях нравственности, традиционных ценностях народа. Еще древнегреческий философ Гераклит охарактеризовал Древний Восток как «колыбель философской школы» [3]. Впервые взгляды о важности национальной идеи и философских убеждений, о борьбе добра со злом, сотворении мира и человечества, человеке и госсовершенствунашли свое отражение в священной книге предков узбекского народа - Авесте. Указанные в ней достоинства гармоничной личности – чистота, честность, мужество – остаются актуальными спустя тысячелетия. Нельзя не отметить вклад ученых Востока в развитие философской мысли. Абу Райхан Беруни является отцом восточной натурфилософии. Абу Наср Фараби развил идеи о справедливом обществе, впервые разработав философскую систему, ставшую прообразом социологии. Велик вклад в формирование основ национальной идеи и идеологии таких мыслителей, как Алишер Навои, Захиридин Мухаммад Бабур, Боборахим Машраб, Ахмад Дониш.

Необходимо учесть, что важное значение в формировании общественной идеологии должны иметь идеи процветания Родины и спокойствия в стране, которые в жизни каждого гражданина нашего общества, вне зависимости от его национальности и религиозных убеждений, преобразуются в надежную опору и уверенность не только в свое будущее, но и в будущее всего народа. В связи с этим, руководством Узбекистана уделяется огромное внимание воспитанию гармоничной личности, формированию у молодого поколения чувств национальной гордости и патриотической любви к Родине, что, без сомнений, дает свои положительные результаты. Сложным и многогранным процессом является формирование духовности в сознании молодежи, который предусматривает проведение в данном направлении культурной, просветительской и воспитательной работ. Юношеские годы, годы молодости – это время огромных возможностей, полных смелости, активности и созидательности, создающих основу будущего развития страны. И в данном случае уместно высказывание «Молодежь – будущее общества» [4], раскрывающее сущность изначание рассматриваемой сферы в современных условиях.

Процесс построения демократического правового государства возможен лишь при правильной организации воспитания и повышения правовой культуры. Правовая культура в общем смысле – это уровень знаний и объективное отношение общества к праву. Правовую культуру определяют, прежде всего, внутренний мир человека, его внутренняя культура, отношения к общечеловеческим традициям и правовым знаниям. Внутренняя культура человека

отражается посредством его внешнего поведения, и, тем самым, обладатель правовой культуры характеризуется своим уважительным отношением к правилам и требованиям общества и активным участием в его управлении, используя свои правовой опыт и знания.

Исключительно совокупность нормативной базы и активной гражданской позиции узбекистанцев сможет сформировать такую национальную идею, которая станет девизом великого государства.

### **Список литературы**

1. Мамадалиев Ш. О. Миллий гоя ва миллий мафкура тушунчаларига муроҳаза // Ҳуқуқ–Право–Low. – 2001. – № 4. – С. 11–12.
2. Каримов И. А. Свое будущее мы строим своими руками. – Т.; 1999. – С. 86.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар / Қ. Назаров ва б. – Т.; 2001. – Б.132.
4. Очилдиев А. Миллий фазилатларимиз ватанпарварлик. – Т.; 2008. – Б.28.

## **ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА - АХЛОҚИЙ ЕТУКЛИК ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАСИ**

**Омонтурдиев О.Ф.**

**Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиши.**

Бугунги кун ҳар биримиздан янгича фикрлашни талаб қилмоқдаки, бу фалсафий тафаккурнинг узлуксиз янгиланиб бориши негизида амалга ошадиган жараёндир. Янгича фикрлаш бу асло дунё манзарасини онгу-тафаккуримизда қайта кашф килиш эмас, аксинча, билим ва тафаккур кучи билан ўз дунёқарашимизда уни илмий-ижодий акс эттириш демакдир.

Бу борада мустақиллик тафаккурини шакллантириш, дунёга янгича ёндошув, теран ақл ва тафаккур кучи билан воқеа ва ҳодисаларни баҳолай оладиган, масъулият ҳиссини чуқур англаб, лоқайдлик ва бефарқликка карши турға оладиган баркамол авлод тарбияси масаласи ушбу муаммони ҳал этишнинг мухим омилидир.

Тарихдан маълумки, буюк аллома боболаримиз ўз фалсафий таълимотларида инсон комиллиги мезонлари, инсон шахсини карор топтирадиган ижтимоий муҳит, инсон қадри ва эрки масалаларига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий инсон комиллигининг таянч манбаи сифатида етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият ғоясини илгари суради.

Абу Наср Форобий улуғ гуманист, инсонпарвар файласуф сифатида инсон қадр-қимматини камситувчи ва ўзга мамлакатларни босиб олишга асосланган жамиятга қарши чиқади. Мутафаккир одамларни тинч-тотув ва ўзаро ҳамкорликда яшашга, инсонпарвар бўлишга даъват этади

Фозил инсон ғояси Форобий таълимотида фозиллик хислатларини тарбия этувчи фозил жамият ғояси билан уйғунлашиб кетган. Мутафаккир «Фозил одамлар шахри» асарида ахлоқий етукликка эришган инсон ўн икки фазилатга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди.[2] Булар: соғломлик; фаросатлилик; кучли хотира; зукколик; сабр-қаноатлилик; маърифатпарварлик; нотиқлик; ҳақиқатгўйлик; олийжаноблик; молпараст бўлмаслик; мардлик; адолатпарварлик.

Абу Наср Форобийнинг комиллик фазилатлари туркумида келтирган ушбу инсонийлик фазилатлари аввало инсоннинг мањнавий етуклиги хислатлари билан узвий боғланиб кетгандир. Мутафаккир фикрича, комилликка элтувчи йўл - барча иллатлардан фориғ бўлиш, эзгу фикрларга ва эзгу амалларга таяниш, ҳақ йўлида илм – маърифатга интилиш орқали боради. Барча фазилатлар манбанини ўқиш, ўрганиш ва маърифат ташкил этади.

Ваҳоланки, бугун биз ўзида комиллик фазилатларини мужассам этган баркамол инсон тарбиясини мањнавий – маърифий ишларимизнинг пировард мақсади деб билар эканмиз, ёшлар тарбия инсонпарварлик, ватанпарварлик, эркпарварлик ва фидойилик туйғуларини карор топтиришда буюк аждодларимиз белгилаб ўтган ахлоқий фазилатларни устувор деб биламиз.

Ўзининг инсоний фазилатлари, илмий салоҳияти билан дунё ахли эътиборига тушган буюк аллома боболаримиз намунаси мустақиллик йўлида эзгу мақсадларимиз ифодаси ҳамда таянчи бўлган баркамол авлод тарбиясига ибрат мактаби бўлади. Ўрта асрлар Шарқ алломалари – буюк боболаримиз тарихий ва маданий меросининг бугунги кун учун қанчалик аҳамиятли эканлигига эътибор қаратар экан, биринчи президентимиз Ислом Каримов 2014 йил 15 – 16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтдики, «Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асрарб авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб – ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида

тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустакил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндошувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб кўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз»[1]

Тарих сабоқлари асосида бунёд этилаётган бугунги кунимиз келажак тараққиётимиз учун замин вазифасини ўтайди. Шу боис, ўзлигини тикламоққа азм қилган ҳар бир миллат бу йўлда ўзига хосликни, мустакил ривожланиш йўлини танлайди. Бу йўлда аждодлар ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури, яратган моддий ва маънавий бойликлари миллат ва жамият тараққиёти учун ишончли ва мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса қилиш айтиш керакки, буюк юртдошларимиз, Шарқ мутафаккирлари фалсафий тафаккур меросининг замонавий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти, мустакиллик мағкурасини қарор топтиришда маънавий пойdevor эканлигини асослаш орқали қўйидагиларга эришиш мумкин бўлади:

- минтақада илк фалсафий билимлар шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий, гоявий, маънавий-ахлоқий заминлари тўғрисидаги илмий билимлар, хулосалар мустаҳкамланади;
- тарихий манбалар ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали янги маълумотлар, манбалар, қўлланмалар яратилади;
- миллий ва умуминсоний қадриялар уйғунлигига халқимизга хос миллий-маънавий қадрияларимизнинг жаҳоншумил салмоғи аниқланади;
- ҳозирги замон илм-фани, маданияти ривожида буюк боболаримиз тарихий меросининг мавқеи ва ҳиссаси белгиланади;
- аждодларимиз қолдирган диний ва дунёвий билимлардан иборат бебаҳо меросининг бугунги кун учун аҳамиятини жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганлиги таъкидланади;
- мустакиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳатларда тарихий меросимизни аҳамияти ўрганилади;
- Шарқ алломаларининг тарихий мероси, ҳикматлари ва доно фикрлари баркамол авлод тарбиясида намуна ва ибрат мактаби эканлиги билан белгиланади.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Каримов И.А. 2014 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуига бағищланган халқаро конференциясида сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи газетаси,, 2014 йил 16 май.
2. Abu Nasr Forobiy “Fozil odamlar shahri”. Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993, 159-160-betlar.

#### **BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA VATANPARVARLIK TUYG‘USINI YANADA KUCHAYTIRISH IMKONIYATLARI**

Muratova M.I.

SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasи o‘qituvchisi.

Xushmurodova Ch.A.

SamDAQI yoshlar bilan ishlash, ma’naviyat va ma’rifat bo‘limi boshlig‘i.

Ma’lumki, so‘nggi yillarda mamlakatimizda barkamol avlodni voyaga yetkazish, yoshlar tarbiyasida Vatanga sadoqat tuyg‘ularini shakllantirish, ularda milliy vatanparvarlik tuyg‘usini rivojlanтирish borasida samarali ishlар amalga oshirildi.

Jumladan, birinchi navbatda Prezidentimizning bu jabhadagi quyidagi gaplari dasturul-amal bo‘lmog‘i kerak: “Biz yoshlarga doir davlat siyosatini hech og‘ishmasdan, qat’iyat bilan davom ettiramiz. Nafaqat davom ettiramiz, balki bu siyosatni eng ustuvor vazifamiz sifatida bugun zamon talab qilayotgan yuksak darajaga ko‘taramiz.

Yoshlarimizning mustaqil fikrلайдиган, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”, - deydi Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev [1,14].

Darhaqiqat, bugungi kunda bizning qilayotgan barcha ishlаримиз farzandlarimizning baxt-u saodati, ularning yorug‘ kelajagi uchun amalga oshirilmoqda. Lekin baxt-u saodat faqat boylik, mol-u

mulk bilan belgilanmaydi. Odobli, bilimdon va aqli, mehnatsevar, iymon-e'tiqodli farzand nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning eng katta boyligidir [2, 56].

Buning amaldagi ifodasi sifatida davlatimiz tomonidan yoshlarni ish bilan ta'minlash, ularga yanada ko'proq bo'sh ish o'rinalarini yaratish, ijtimoiy jihatdan himoya qilish, sportga yo'naltirish, bo'sh vaqtini samarali o'tkazishga jalg etish bo'yicha 5 muhim tashabbus, mafkuraviy immunitetni yanada mustahkamlash hamda ma'naviyat va ma'rifat sohasida olib borilayotgan qator amaliy chora-tadbirlarni ko'rishimiz mumkin.

Ma'naviyatli odam o'z-o'zidan paydo bo'lib qolmaydi. Uni shakllantirish, tarbiyalash va yetuklik darajasiga ko'tarish lozim bo'ladi. Ma'naviyatimizni yuksaltirishda ziyolilarning mas'uliyatli va sharafli o'rni bor. Ular xalqimizning, xususan, beg'ubor yosh qalbga ma'rifat, poklik, chin insoniylik, mehnatsevarlik urug'larini ekmoqlari lozim. Toki bu qalblar mustaqil va ozod diyorimizda chin sadoqat hamda iymon nuri bilan munavvar bo'lsin.

Bugungi kun yoshlaring hayotiy pozitsiyasini shakllantirishda ham, avvalo, ma'naviyatga bo'lgan diqqat-e'tiborni yanada kuchaytirish lozim bo'ladi. Negaki, ma'naviyat bilan qurollanish orqali umumbashariy taraqqiyot yo'lidan ildam borish mumkin bo'ladi.

Kelajak avlodning ma'naviyatini yuksaltirishda, ularni ajdodlarimiz orzu qilganlaridek, vatanparvar, rostgo'y, haqsevar bo'lishida bobolarimizning ma'naviy merosini o'rganish kerakligini yodda tutib, yoshlaringizning tarbiyaviy masalalarida ham ularning fikrlaridan oqilona foydalanishni joiz deb topdik. Axir ular ham "milliy tariximiz va umumbashariy taraqqiyot rivojiga unutilmas hissa qo'shgan olimu fuzalolarning mafkura va uning jamiyat hayotidagi ahamiyati haqida qoldirgan ilmiy merosi, falsafiy qarashlarini har tomonlama o'rganish darkor", - degan edilar [3, 79].

Ma'naviyat izohli ilmiy-ommabop lug'atida: "Vatanparvarlik – Vatanining ozodligi va obodligi, uning sarhadlari daxlsizligi, mustaqilligining himoyasi yo'lida fidoyilik ko'rsatib yashash, ona xalqining or-nomusi, shon-sharafi, baxtu saodati uchun kuch-g'ayrati, bilim va tajribasi, butun hayotini baxsh etishdek dunyodagi eng muqaddas va oliyjanob faoliyatni anglatadigan tushuncha", -deb ko'rsatilgan [4, 104].

"Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillari" kitobida milliy mafkuramizning asosiy g'oyalaridan biri Vatan ravnaqi ekanligi ko'rsatilgan. Vatanning ravnaqi, avvalo uning farzandlari kamoliga bog'liq. Bu esa har bir yurtdoshimizni o'zining ma'naviy kamoloti uchun yuksak mas'uliyatni his etishga, o'z manfaatlarini shu yurt, shu xalq manfaatlari bilan uyg'unlashtirish yashashga da'vat etishi aytilgan.

Mamlakatimizda jismoniy sog'lom, ma'naviy yetuk, mustaqil fikrga ega bo'lgan barkamol avlodni tarbiyalashdek ulkan vazifalar amalga oshirilmoqda. Mamlakatimiz aholisining asosiy qismini yoshlardan tashkil etadi. Bugungi kunning asosiy vazifalaridan biri ana shu yoshlarda Vatan tuyg'usini yanada kuchaytirish asosiy vazifalardan biriga aylangan. Sababi, davlatimizning kelajagi iymon-e'tiqodli, bilimli, yuragida yurt tuyg'usi jo'sh urgan, milliy g'ururi yuqori bo'lgan yigit va qizlarga bog'liq.

Talaba-yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini tarbiyalash milliy pedagogikamiz oldida turgan asosiy vazifalardan biri. Bu borada bilim yurtlarida auditoriyadan tashqari o'tkazilayotgan tarbiyaviy tadbirlar ham talaba-yoshlarda ona Vatanimizga mehr-muhabbat tuyg'usini tarbiyalashning asosiy shakllaridan biridir.

Talaba-yoshlarda vatanparvarlikni tarbiyalash bilan bog'liq jarayonlarni o'rganish va tahlil qilish natijasida masalaning quyidagi jihatlariga e'tiborni qaratish lozimligini angladik:

- talaba-yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini tarbiyalashda auditoriyadan tashqari o'tkaziladigan tarbiyaviy tadbirlarning mazmun-mohiyatini, saviyasini oshirishga e'tiborni qaratish;
- talaba-yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda ta'lim muassasalarida faoliyat ko'rsatayotgan o'qituvchilar uchun namunaviy dars ishlanmalari, o'quv uslubiy qo'llanma va uslubiy tavsiyalar ishlab chiqish;
- o'quvchi-yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini tarbiyalashda ommaviy-axborot vositalarining imkoniyatlaridan yetarli darajada foydalanish;
- oila, ta'lim muassasalarini va mahalla hamkorligi imkoniyatlaridan oqilona foydalangan holda urush va mehnat faxriylari, ishlab chiqarish ilg'orlari, harbiy qismlarda o'z yigitlik burchini o'tayotgan askarlar va harbiy xizmatchilar bilan talaba-o'quvchilarning uchrashuvlarini muntazam yo'lga qo'yish tadbirlarini amalga oshirish talaba-o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga xizmat qiladi.

Ma'naviyat tarbiyaning eng ta'sirchan quroli ekan, undan oqilona foydalanish, bolalarimizni vatanparvarlik, rostgo'ylik, haqsevarlikka o'rgatish kerak bo'ladi. Aslini olganda axloq – ma'naviyatning o'zagi. Inson axloqi shunchaki salom-alik, xushmuomalalikdangina iborat emas. Axloq – bu avvalo insof

vaadolat tuyg'usi, iymon, halollik deganidir. Kishi qalbida haromdan hazar, nopoliklikka, adolatsizlikka nisbatan murosasiz isyon bo'lishi kerak. Shunday odamgina lafzini saqlaydi, birovning haqiga xiyonat qilmaydigan sadoqatli inson bo'ladi.

Xulosa o'rniда esa Prezidentimizning quyidagi so'zlarini keltirib o'tishni joiz deb topdik. "Xalqimiz shuni yaxshi bilishi kerak: oldimizda uzoq va mashaqqatli yo'l turibdi. Barchamiz jipslashib, tinimsiz o'qib-o'rgansak, ishimizni mukammal va unumli bajarsak, zamonaviy bilimlarni egallab, o'zimizni ayamasdan oldinga intilsak, albatta, hayotimiz va jamiyatimiz o'zgaradi. Men bunga qat'iy ishonaman..."[5].

#### **Adabiyotlar:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. Б.14.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. - T.: Ma'naviyat, 2010. В. 56.
3. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Б.78-79.
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: "Фафур Ғулом", 2010. Б. 104.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь, 19-сон.

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннақулов Ж., Абатова Ш.**

**СамДАҚИ «КХАЛТЭ» кафедраси ўқитувчилари  
Аминова Р. - СамДАҚИ 101-КХАЛТЭ гурухи талабаси.**

**"Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё најсом – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир"**  
*Абдулла Авлоний.*

Таълим ва тарбия масалалари доим муҳим бўлиб, тарбия хақида ўзбек классик педагогикасининг ажойиб намунаси ҳисобланган Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асариидан кўйидаги сатрларни келтирмоқчиман: «Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур, баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсралар, табиат ўзгармас, – демишлар. Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоқга, албатта, таъсири бўладур»[1, Б.6]. Кишилик тараққиётининг ҳар бир босқичида ёш авлод тарбияси доимо долзарб масала бўлиб қолган. Чунки, шахснинг ривожланиши қийин ва мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, у кўплаб ички ва ташки таъсиirlар ҳамда омиллар орқали рўёбга чиқади. Аслида шахс тарбиясининг муҳим асосий йўналиши – бу гоявий тарбиядир. Бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг мафкуравий ва сиёсий фаоллигини юксалтириш долзарб масалалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий тадбирлар моҳиятан шунга қаратилган. Бирок, бу ўз – ўзидан рўй берадиган жараён эмас, айниқса мафкуравий таҳдид ва хуружлар авж олган ҳозирги пайтда ёшларни эстетик тарбиялаш, уларда маънавий иммунитетни, эстетик дидни шакллантириш ёрдамида ҳар қандай таҳдидларни олдини олиш мумкин.

Дарҳақиқат, таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчи ёшларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равищда фаолият кўрсата олишга, маънавий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Шу жиҳатдан олиб қарагандаҳар бир ёш авлодни мафкуравий иммунитетини шакллантириш учун ҳам уларга таълим-тарбия берувчи устозларнинг, ота-оналарнинг, маҳалла муҳитининг хуллас, барча ватанпарвар инсонларнинг ўзларини гоявий, мафкуравий тафаккурлари юкори бўлиши талаб этилади. Бу соҳада айниқса оиласининг аҳамияти катта жуда каттадир. Чунки, оила қадим – қадимдан ўсиб келаётган авлодга аждодлар анъаналарини узатиш, миллий тарбия асосларини сингдиришда тенгсиз маскан бўлиб келган. Бугунги кунда ёшлар ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам аҳамиятли бўлиб, улар ёрдамида ёшларда келажакка умид, ишонч уйғотадиган, уларда энг эзгу инсоний қадриятларни улуғлаш, атрофдагиларга нисбатан инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиш, Ватан равнақи, жамият тараққиёти йўлида меҳнат қилиш каби сифатларни тарбиялайдиган кўрсатув, эшиттириш ва мақолаларнинг берилишига эришиш зарур. Шундагина, мамлакат худудига бузгунчи, экстремистик гояларнинг кириб келиши ва кенг ёйилишига чек қўйилади. Оммавий ахборот

воситаларида ёшлар учун материаллар таркибини тайёрлашда қатор психопедагогик талабларни ҳисобга олиши лозим. Бунда жанр, мавзуу ранг-бараңглиги талабларига риоя қилмаслик шунга олиб келадики, мафкуравий мавзудаги күпгина материаллар ёш томошабинлар ва тингловчиларнинг сиёсий қизиқишларини ҳар томонлама қондира олмайдилар. Бугунги “Мафкуравий кураш” тобора авж олиб бораётган бир даврда ёшларда “мафкуравий иммунитет”ни шакллантиришнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишдолзарб масала сифатида каралмоқда. Чунки, республикамизнинг биринчи президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганидек “Мафкуравий полигонлар бугунги кунда ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”(2 ). Мафкуравий-гоявий иммунитетини шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири маънавий аҳлоқий тадбирларни мактабларда, коллежларда, маҳалла даргоҳларида кўплаб ташкил этилишидир. Кучли мафкуравий таъсир кўрсатиш воситаси бўлган интернет тизими жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқармокда. Ушбу тизимдан қўпорувчилик, гояни «экспорт» қилиш, одамлар онгини заҳарлаш мақсадида фойдаланиш эса мафкуравий курашни янада кескинлаштиради, одамларни электрон хуружлар кибертероризм қаршисида чорасиз қилиб қўяди. Бугунги кунда ёшларни Интернетнинг салбий оқибатларидан асраш масаласи юзасидан кўплаб тавсиялар берилган бўлиб, уларни умумлаштириб қўйидаларни санаб ўтиш мумкин. Ота-она ўз фарзандиниг ҳатти-ҳаракатидан доимо ҳабардор бўлиши лозим. Маҳалла, жамоатчилик кўча-кўйда ёшлар хулқини назорат қилиши керак бўлади. Таълим муассасаси маъмурияти билан ота-оналарнинг доимий ҳамкорлиги, бир бирларининг иш фаолияти, турмуш-тарзидан боҳабар бўлиши. Таълим муассасалари билан ота оналарнинг амалий ҳамкорлиги бўлиши керак. Фарзандларининг компютерида, телефонида қандай маълумотлар сақланаётганигидан ота-оналар ва таълим муассасалари ходимлари ҳабардор бўлишлари керак..Ёшларнинг комьютер ёки телефонида мавжуд маълумотларни билишни зўрлик кучи билан эмас, тушунириш йўли билан амалгаоширилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда ёшлар тарбиясига оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик асосида ёндашиш уларда гоявий иммунитетни шакллантиришда муайян ютукларни қўлга киритишга имкон беради. Оммавий ахборот воситалари хизматининг мазкур жараёнга йўналтирилиши эса фожиалар содир бўлишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

#### **Адабиётлар:**

- 1.Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” (Электрон китоб ) 6 б.
- 2.Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т. : Маънавият, 2008. 113-б.

## **YOSH AVLODNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI**

**Namazova U.N.,  
Sultonova O.**

Samarqand veterinarinariya meditsinasi instituti  
“Gumanitar fanlar, jismoniy madaniyat va sport” kafedrasи o'qituvchilari.

Har qanday millat, xalq o'z mustaqilligini qo'lga kiritishi bilan o'zining yashashini va kelajagini ta'minlovchi asoslarini yaratadi. Mustaqillik yillarda mamlakatimizda huquqiy demokratik davlat, kuchli fuqarolik jamiyati qurishga, erkin bozor munosabatlariغا va xususiy mulk ustuvorligiga asoslangan iqtisodiyotni rivojlantirishga, xalqimizning osoyishta va farovon hayot kechirishi uchun shart sharoitlar yaratishga, xalqaro maydonda O'zbekistonning munosib o'rın egallashiga qaratilgan kompleks chora tadbirlar amalga oshirildi. Xususan, yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning Vatanimizga munosib voris bo'lib yetishishlari borasida alohida chora tadbirlar ishlab chiqilib, bosqichma bosqich amalga oshirilmoqda.O'zbekistonning jahon hamjamiyatida munosib o'rın egallashiga nafaqat uning boy madaniy tarixi, qulay geografik joylashuvi, jahon sivilizatsiyaga qo'shgan hissasi, yoki boy tabiiy resurslari, balki, barkamol avlodni tarbiyalashdagi harakatlari va bu sohada erishayotgan yutuqlari sabab bo'lmoqda.

Mustaqil O'zbekistonda amalga oshirilayotgan ma'rifiy-tarbiyaviy tadbirlarning maqsadi, ona yurtimiz istiqboli yo'lida fidoiylik namunalarini ko'rsatishga qodir bo'lgan vatanparvar shaxsni shakllantirishga qaratilgandir.Yoshlar ongida vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish va ularni umuminsoniy qadriyatlarga sadoqat ruhida tarbiyalash bugungi kunimizning dolzarb vazifasi ekan, Vatanimiz tinchligining posbonlari hisoblangan harbiy yoshlarimizning ham faol fuqarolik poizitsiyasini shakllantirish va rivojlantirishda hamda ularda vatanparvarlik tuyg'usini mustahkamlashda ta'lim muassasalarida va harbiy bilim yurtlari hamda harbiy qismlarda o'tilayotgan ijtimoiy sohaga oid

fanlarning interfaol uslublarni qo'llagan holda tashkil etilishi, shuningdek, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarning bugungi kun talablariga javob bera oladigan darajada o'tkazilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, bugungi kunda ona Vatanimiz sarhadlarini aynan, butun jahon tan olgan ajdodlarimiz kabi mard va jasur, irodali va ma'nан yetuk, bugungi kun talablari darajasidagi kuchli bilim va tajribaga ega bo'lgan, jahoning ilg'or davlatlari harbiylari bilan har qanday sohada o'zlariga bo'lgan yuksak ishonch bilan raqobatlasha oladigan kadrlarimiz qo'riqlamoqdalar.

O'zbekiston Respublikasining mustaqil davlat sifatida shakllanish jarayonida uning tarixdagi siyosiy mavqeい, iqtisodiy taraqqiyoti va madaniy yuksalishi, ajdodlarimiz tarixini chuqur o'rganish katta ahamiyatga ega. O'zbek xalqining jasorat timsollarini sifatida tarixda nom qoldirgan Tumaris, Shiroq, Spitamen, Temur Malik, Najmuddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur va qatag'on qurbanlari hisoblangan jadid maktablari namoyandalarining hayot yo'llari, erk uchun kurashlari va Vatanga sadoqati bugungi kun avlodlari uchun ibrat, tarbiya vositasi bo'lib xizmat qilmoqda.

Asrlar osha milliy qadriyatlarimiz sifatida qadrlanib o'rganib kelingan ajdodlarimiz qoldirgan boy ma'naviy merosimiz bugungi kunda ham mamlakatimiz yoshlarini har jihatdan yetuk kadrlar bo'lib yetishishlarida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu bilan birgalikda davlatimiz mustaqilligining ilk yillardanoq Yoshlarga oid davlat siyosatining alohida soha sifatida e'tiborga olinganligi ham yuqoridagi fikrlarimizning yaqqol isbotidir.

Zotan, birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek, har qanday islohotning eng muhim samarasi, avvalo, xalqning ma'naviy-ruhiy qarashlaridagi yangilanish jarayonlari, uning ong-utafakkurining yuksalishi, mamlakatda yuz berayotgan o'zgarishlar uning hayotiga, taqdiriga daxldor bo'lganligini chuqur his qilishi va shundan xulosa chiqarishi bilan belgilanadi.[1]

Respublikamizning iqtisodiy-ijtimoiy, siyosiy-huquqiy yuksalishida ta'limning o'rni beqiyosdir. Xususan "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi asosida yaratilgan va amalga oshirilayotgan yangi ta'lim modeli, shuningdek Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2017 yil 7 fevralda chiqarilgan "O'zbekistonni rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni ham mamlakatimizda yosh avlodni tarbiyalashda yangicha ta'lim va tarbiyaviy jarayonni shakllantirishga xizmat qilmoqda.

Fuqarolik jamiyatasi asoslari shakllanayotgan respublikamizda, yoshlarimizning faolligini yuksaltirish, ularda millat, xalq va jamiyat oldidagi burch hamda mas'uliyatini yurakdan his qilish tuyg'ularini kamol toptirish hamda ularning ongu shuurida mustahkam hayotiy pozitsiyani, e'tiqod hamda irodani shakllantirish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. Shuning uchun ham bugungi kunda ta'lim tizimining barcha bosqichlarida yoshlarning intellektual salohiyatini yuksaltirishga qaratilgan dars soatlari, o'quv kurslari yo'lga qo'yilgan. Mazkur sa'y-harakatlarni amalga oshirish, egallagan bilimlarini amaliyotda qo'llash ko'nikmalarini mustahkamlash, qolaversa, bu borada faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan yoshlarni qo'llab-quvvatlash kelajakda natijalar keltiradi.

Yoshlarda fuqarolik madaniyatini shakllantirish - ularga mustaqil davlat tuzilmasining xususiyatlari, mamlakatning xalqaro maydonda tutgan o'rni, vatanparvarlik va millatlararo do'stlik tuyg'ulari, respublikamiz iqtisodiyotini rivojlantirish yo'lida amalga oshirilayotgan ijtimoiy harakatlar, mehnat an'analari, milliy istiqlol g'oyasi va mafkura asoslari haqidagi bilimlarni berish asosida ularda fuqarolik hissini, zimmalaridagi burch va majburiyatlarni bajarishga nisbatan mas'uliyat, yot mafkuraviy qarashlarni anglash va unga qarshi bo'lish, ijtimoiy faoliyot va fidoyilik kabi sifatlarni mujassamlashtirgan yaxlit bir tarbiya jarayoni hisoblanadi.

Fuqarolik jamiyatining institutlari - o'z-o'zini boshqarish organlari, nodavlat va jamoat tashkilotlarini mustahkamlash hamda rivojlantirish yoshlarning siyosiy madaniyatini, faolligini oshirishning muhim shartlaridan biridir. O'zbekistonda davlat qurilishi va fuqarolik jamiyatini erkinlashtirish, kuchli davlatdan kuchli jamiyatga o'tish vazifalarini amalga oshirishda har bir yoshning jamiyatda o'z o'rni bo'lishini bilish, eng muhimi, o'zini jamiyatning ajralmas qismi deb, tushunishi ulkan ahamiyat kasb etadi. Jamiyatda yashayotgan har bir yoshning ijtimoiy-siyosiy faoliyati mavjud siyosiy institutlar, partiyalar yoki nodavlat va jamoat tashkilotlari orqali amalga oshiriladigan demokratik siyosiy jarayonlarda aks etadi. Bu, bir tomondan, yoshlarning siyosiy faoliyot darajasiga, ularning siyosiy qarashlarini idrok etib, uning ishtirokiga bog'liq bo'lsa, ikkinchi tomondan, jamiyatdagi mavjud o'z-o'zini boshqarish organlari, nodavlat va jamoat tashkilotlarining ish faoliyatiga, yoshlarni o'z atroflariga birlashtiradi. Mustaqillik yillarida "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida"gi Qonunning qabul qilinishi bilan mamlakatimizda yoshlarga e'tibor masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. [2] Mamlakatimizda voyaga yetib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama sog'lom va mustahkam ruhda tarbiyalash, ularning huquq va erkinliklarini ta'minlash, qonuniy manfaatlarini muhofaza etish davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligi Vatanimiz kelajagi bo'lgan yoshlarga ulkan

imkoniyatlar eshiklarini ochib berdi. Keyingi yillarda yoshlarga oid davlat siyosatining huquqiy asoslari mustahkamlanib, Yoshlar masalalari bo'yicha idoralararo Kengashi tuzildi. O'zbekiston Yoshlar Ittifoqi tuzilib, 30- iyun Yoshlar kuni deb e'lom qilindi. Bugungi kunda Ittifoqning 7 million 690 ming nafar a'zosi mavjud.Joylarda 8 nafar yosh avlod vakillari hokim o'rnbosarlari etib tayinlangan, 2019 yilning dekabr oyida bo'lib o'tgan saylovlarda Oliy Majlis qonunchilik palatasi deputatligiga 9 nafar yosh yigit qizlarimiz saylangan, mahalliy kengashlarda g'alaba qozonganlarning qariyb 10 % ini yoshlar tashkil etadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2019 yil 27 dekabr kuni Muhammad al Xorazmiy nomidagi mактабда yoshlar bilan o'tkazilgan uchrashuvida yoshlar hayotidagi muammolar, dolzarb vazifalar muhokama qilindi. Zero Prezidentimiz ta'kidlaganidek: "2020 yil O'zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatida tub burilish yili bo'ladi".[3]

Davlatimiz rahbarining tashabbusi va rahnamoligida yoshlar tarbiyasining ustuvor yo'naliishlari belgilab olindi va bu borada tub islohotlar amalga oshirilmoqda.Bundan tashqari, 2020 yil 6- yanvarida mamlakatimiz hukumati qarori bilan "Uzluksiz ma'naviy tarbiya Konsepsiysi"ning qabul qilinishi yosh avlodda mustaqil hayot uchun zarur ijtimoiy ko'nikma va fazilatlarni yoshiga mos bosqichma – bosqich shakllantirish asosida yuksak fazilatli, barkamol avlodni voyaga yetkazish borasida dasturul amal bo'ladi.[4]

Mazkur masalada amalga oshiriladigan ishlar albatta Respublikamizning jahon hamjamiyatidagi o'rniyanada mustahkamlanishida asos bo'lib xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Birinchi Prezident I.A.Karimovning "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 15 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosim"dagi ma'rurasasi. 2007 yil.
2. O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risidagi" Qonun, O'zbekiston Respublikasining Oliy sovetining Axborotnomasi № 2 son, 80 modda 1992 yil.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2019 yil 27 dekabr kuni Muhammad al Xorazmiy nomidagi mактабда yoshlar bilan o'tkazilgan uchrashuvida so'zlagan nutqi.
- 4 .Adliya vazirligining "Huquqiy axborot" kanali.

## **ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ БАБУРА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ И В СОКРОВИЩНИЦЕ МИРОВОЙ КУЛЬТУРЫ.**

Эрназаров Т.Р.  
Переподаватель СамГАСИ

За свою 47- летнюю жизнь Захириддин Мухаммед Бабур (1483-1530 гг) оставил богатое литературное и научное наследие. Его перу принадлежит знаменитое «Бабур-наме», снискавшая мировую признательность, а также оригинальные и прекрасные лирические произведения (газели и рубаи), трактаты по мусульманскому законоведению- Мубайин, поэтике- «Арузрисоласи», музыке, военному делу, а также специальный алфавит «Хатти Бабури».

Бабур-старший сын правителя Ферганского вилаята Омар Шейха Мирзы–родился 14 февраля 1483 года в городе Андикане в разгар междуусобной борьбы различных тимуридских правителей в Средней Азии и в частности, в Хорасане за передел обширной территории созданного Тимуром государства.

О личности Бабура как великого государственного деятеля можно очень много излагать, однако мы хотим остановиться на литературном наследии этой исторической личности.

Поэтическое наследие Бабура многогранно и богато. В его стихотворениях реалистически отражены исторические события эпохи, его личная жизнь, отношение к человеку, религии, обычаям.

Можно утверждать, что стихи Бабура- это автобиография поэта, в которых поэтическими языками очень трогательно излагаются глубокие чувства, мастерски рассказывается о переживаниях, порождённых в результате столкновения с жизненными обстоятельствами. В своих газелях и рубаи поэт поднимает такие проблемы человеческих взаимоотношений, как самое высокое человеческое достоинство.

Поэт утверждает, что ради свидания с возлюбленной он готов вынести любые трудности. Без своей возлюбленной он не представляет себе жизни.

«Увидев новый месяц и лицо друга, люди радостны в праздник.

Мне же, вдали от твоего лика и бровей, достались одни заботы в месяц праздника.

Пользуйся, Бабур, Наурузом её лица и праздником встречи с нею,

Ибо лучше этого не будет для тебя дня, будь хоть сотня Наурузов и праздников»[1. Стр. 174]

С большой искренностью поэт выражает готовность пожертвовать ради любви самим собой, всем своим существом.

«Проходя, я увидел девушку с лицом пери и стал от нее безумным.

Как её имя- не знаю, и где её дом»[2.стр.192]

Любовь для Бабура превыше всего: богатства, общественного положения и всех земных благ. Поэт в своих газелях создаёт образ прекрасной возлюбленной, наделяя её небывало красивой внешностью, богатым внутренним и духовным содержанием.

«О глазах ли её, бровях ли, языке ли скажу,

О росте ли её, о ланитах или кудрях скажу?»[1:Стр.377]

Также в лирике Бабура особое место занимает тема Родины, Отечества. В его газелях и рубаи с большой впечатляющей силой выражены тоска по Родине и беспредельная любовь к ней.

«Ты на чужбине- и забыт, конечно человек!

Жалеет только сам себя сердечно человек,

В своих скитаньях ни на час я радости не знал!

По милой Родине скорбит извечно человек!» [1: стр.402]

В поэзии Бабура также затронуты и вопроса нравственности и духовного совершенства человека. Поэт возвышает человека, относится к нему с великим уважением, высоко ставит человеческое достоинство. В своих рубаион говорит о том, как человек должен воспитывать в себе лучшие моральные качества.

«Избегнет зла хороший человек,

Каждый кто зол, тот и кару обретет»[2; стр.140.]

Говоря о художественном языке произведений Бабура необходимо подчеркнуть его простоту, общедоступность и ясность. Простота языка Бабура способствует ясному восприятию читателями его творений, богатой палитры чувств и переживаний. Поэт не применяет громких фраз и сложных выражений.

Поэтическое мастерство Бабура выражается в художественном стиле, в умелом использовании наиболее выразительных средств родного языка и в творческом воссоздании источников народного творчества.

«Берегись тревожить открытые раны,

Ибо скрытая рана в конце концов становится явной;

Не расстраивай, пока можешь, ничьего сердце,

Ибо один вздох расстраивает весь мир»[1; стр.35.]

Научные работы Бабура позволяют составить всестороннее представление о географии, этнографии, флоре и фауне Центральной Азии, Афганистане, Индии конца XV- начала XVI века.

«Дела следует делать вовремя: дело сделанное не вовремя, выйдет плохо» [1; стр. 89.]

Узбекский народ гордится шедеврами выдающегося поэта и блестящего учёного Бабура, который внёс огромный вклад в развитие филологических основ поэзии.

«Когда ты сделал дурное, не считай себя в безопасности от беды, ибо возмездие-неизбежный закон природы»[1; стр. 37.]

И поныне его произведения являются связующим звеном культурных отношений народов Центральной Азии с Афганистаном и Индией. В этих государствах нашему гениальному соотечественнику посвящены сотни научных и литературных трудов, а также художественных фильмов.

Рукописные сочинения поэта хранятся в музеях Франции, Великобритании, США и других стран. Так например, в Иране обнаружен уникальный экземпляр произведения Бабура по названию «Вакойи-и-Бобури», которое включает в себя «Мубайнин»-трактат по мусульманской юриспруденции. В фондах Саларджангского музея в Хайдарабаде (Индия) найдены неизвестные ранее списки рукописей дивана Бабура.

В результате совместных научно-практических исследований узбекских и зарубежных ученых копии основных рукописей произведений нашего выдающегося предка были доставлены в Узбекистан, благодаря чему здесь были изданы «Парижский список дивана Бабура», альбом «Миниатюры к «Бабурнаме», удостоенный наград на международных книжных ярмарках.

Независимость дала нам неограниченные возможности глубже и полнее изучить труды нашего великого полководца поэта политика Захириддина Мухаммада Бабура. Его имя в истории Узбекистана стоит наравне с такими деятелями политики и военного дела как

Джалолиддин Мангуберды, Амир Тимур, Улугбек, Алишер Навои. Каждый год 14 февраля по всему Узбекистану отмечается как день рождения великого поэта и государственного деятеля Захириддина Мухаммада Бабура, внесшего значительный вклад в развитие мировой науки и искусства.

Говоря о достоинствах Бабура, нельзя не отметить его восхитительной труд «Бабурнаме» («Записки Бабура») стоит много выше исторических хроник, составленных придворными летописцами тимуридской эпохи. В основном Записки посвящены описанию экспедиций Бабура его военных предприятий и походов, удач и неудач, изложению всех перипетий его богатой приключений жизни. Значительное место отводится описанию окружающей природы, растений и животных; в них автор проявил себя тонким, вдумчивым наблюдателем. Не меньше интересуют его и люди-их привычки и обычаи. «Записки» Бабура полны ярких, с большим остроумием набросанных портретов целого ряда его современников-государственных деятелей, поэтов, художников, музыкантов; особенно интересны и ценные по обилию исторических деталей меткие характеристики Гератского правителя Хусейна Байкары и его окружения, знаменитого Алишера Навои, сторонников и врагов самого Бабура в Индии.

С первой до последней страницы «Записки» Бабура проникнуты личностью её автора – с широкими и разнообразными интересами человека.

Как литературный и исторический памятник изучения феодальных отношений на территории Средней Азии конца XV-начала XVI вв. «Бабурнаме» не имеет себе равных, между прочим, и по степени самостоятельности содержащегося в этой книге материала в противоположность большинству авторов современной и предшествующей ему эпохи, которые зачастую лишь повторяют сведения более ранних историков. Бабур от начала до конца «Записок» остается вполне оригинальным – всё, что он пишет, исходит только от него самого и является плодом его собственных наблюдений и выводов.

Несмотря на обилие имён названий, дат и событий, встречающихся в «Бабур-наме» эта книга читается легко, с неослабевающим интересом. «Записки» Бабура до того насыщены важным и ценным материалом, что только прочитав эту книгу, можно оценить её по достоинству, а также познакомиться с жизнью и творчеством великого представителя классической узбекской литературы – Захир ад-дин Мухаммада Бабура.

#### Использованная литература:

1. «Бабур-наме». Т-1958 г. Стр.174
2. Путь к счастью. Коллектив авторов Т-2016, стр.140

### GUMANIZM G' OYALARINING INSON VA JAMIYAT HAYOTIDAGI AHAMIYATI

Alimbaeva Liza

Usnatdinov Azamat

Berdoq nomidagi Qorqalpoq davlat universiteti  
Tarix fakulteti 4-курс Falsafa yo'nalishi talabalari.

#### «O'zingga ravo ko'rmaganni o'zgaga ravo ko'rma». Konfutsiy

Olamning rivojlanishini belgilovchi ilmlar evolyutsiyasida ko'pgina masalalar ilimiylar tarafda organilip, o'zining ilmiy yechimlarini topgan. Barcha davrda ham ilmlarni qiziqtirgan masalalar markazida inson muammosi bo'lган.

Inson masalasining qo'yilishi har turli ilmlar asosida principial izlanishlar bo'lsa ham, asosiy ahloqiy o'lcham sifatida gumanizm tamoyili olib qaraladi. Gumanizm - falsafiy yo'nalish sifatida renessans (XIV-XVI) davrida paydo bo'ldi, insonni erkin mavjudot sifatida, ozining erdag'i borlig'i yaratuvchi, bilish bilan harakatning sub'ekti sifatida, o'z aqli bilan yaratuvshanlik potenciallariga tayanadigan yaratuvchi sifatida ham qaraladigan yangi dunyoga nuqtaiy-nazarning asosini tashkil etdi. Shunday bo'lsa ham, gumanizmning asosi antik madaniyatda ko'rinadi. Sababi unda erkinlikning ruxi va inson borlig'ining maqsadi ham eng muhimmi uning qadri yaratiladi.

Uyg'onish davrida, boyliklar qayta qaraldi [2; 47 б]. O'sha davrdagi odamlar haqidagi ilmlarga odamning avtonomligi, uning yaratuvchanlik imkoniyatlarining cheksizligiga xos bo'lib hisoblanadi.

Gumanizm har bir davrda har turli qadriyatlarga yo'naltirilgan va rivojlanib kelgan. Taniqli yunon filosofi Aristotel – yaxshi odam aql ongi yordami bilan, o'ziga gina xos bo'lgan imkoniyatlarni o'z harakatida ko'rsatib, o'ziga yo'l ochib oladigan odam. Gunohkorlik, ojizlik, o'z kuchini to'g'ri foydalana olmaslik» - degan fikrni bildiradi. [1; 55 б.] Haqiqatdan ham har qanday masalaning asosi inson bo'lishi

shart. Shuning bilan bиргаликда гуманизм яни инсонпарварлик г'оялари ҳозирги даврда ham o'z аhamiyatiga eга hamda гуманизм masalasi ҳозирда dolzarb masalalarning biriga aylandi. Sababi dunyo uchun xavf solib tурган terrorizm muammosining yechilishining yagona yo'li bu гуманизм tamoyillariga tayanish hisobланади.

Gumanizm g'oyasining jamiyatda ko'rinishi гуманизацийаланish dep nomланади. Ya'ni гуманизация ishtimoiy jarayon. U orqali гуманистик g'oyalari jamiyatda amalga oshadi, bu progressiv jamiyatning ta'rifi bo'lib hisobланади. Inson qadri boshqa qadriyatlardan past bo'lган holat degumanizaciya jaroyani deb nomланади, ya'ni u jamiyatda гуманистик qarashlar yo'naliшidan bosh tortishga undovchi omillar bor. Shuning bilan u insoniylik qadriyatining buзilishi hisobланади.

Bu holat ikki tomonlama rivojланади: birinchisi, burmalangan qadrga manfiy, keri ta'sir paydo bo'ladi, odam qadri pasayadi, uning yakka erkinlarining uzoqlashish asosida ushbu holatdan chiqish yo'llarin izlash yuz beradi. Ikkinchidan, bul holatda to'g'ri bo'lган harakat shakllanadi. Uning asosida erkin, har taraflama rivojланган, yuqori ijtimoiy qadr bo'lib hisobланадиган odam ideali shakllanadi.

Shu ikki tendenciya ijtimoiy rivojланishning гуманизация qilishning ma'nosи bo'lib hisobланади. Jamiyatni гуманизация qilishning ahamiyati insonning erkinligi hisobланади.

Hozirgi axborot vositalari jamiyatta texnologik va ekologik omillarning ta'siridan insonlar orasida aloqa, insonning tabiat, jamiyatga bog'likligi degumanizaciya jarayoni ustun bo'lib hisobланади. Ilm bilan texnika olamni bilish qobiliyatiga eга, u esa o'z harakatiga bog'liq. Ya'ni dunyonи bilishning yolg'iz individning qadriyatidan ijtimoiy guruuning manfaatlaridan uzoqlashganin ko'rishimiz mumkin.

Hozirgi kunda гуманизм axborot-texnologik darajaning shartlariga asoslangan bo'lib, uning ma'nosи insonning asosiy masalalarin hal qilish bilan, uning va moddiy va ma'naviy imkoniyatlarin ko'rsatishi bilan bog'liq. U insonning maqsad bilan to'g'ri qaratilgan aktiv harakatining asosida ijtimoiy zarurligiga egaligi bilan aniqlanadi. U ijtimoiy odillikka asoslangan jamiyatning ma'nosin anglatadi.

Bugungi kunda гуманизм jamiyatning tamoyillariga tayanadigan ijtimoiy amaliyot bilan bog'liq. A.Pechchey ushbu гуманизмни «Yangi гуманизм» deb atadi. [3; 163-176 b.] Bu koncepciyaning vakillari moddiy zaruriyatlarni qanoatlandirishga asoslangan jamiyattan, eng asosiysi insoniy rivojланish bo'lган, insonning borliq ehtimolligi imkoniyatlari bilan qobiliyatlarin ko'rsata oladigan jamiyatga o'tishning zarurligin olg'a suradi. «Yangi гуманизм» shakllanishi insonning har taraflama rivojланishiga zaruriyat tug'diradigan jamiyatni talab qiladi. Farqli turda гуманизмнинг realizaciyalanishi mamlakatimizda ta'lim sohasida ko'rindi. Bunga biz ikki omilni ajratib korsatsak bo'ladi: Ob'ektiv va sub'ektiv omillar.

Ob'ektiv omilga ta'lim sohasining davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanganligin, ya'ni ta'lim sohasi xodimlarining maoshlarining oshirilishi misol bo'la oladi. Sababi pedagogika professiyasi asosida tурган maqsad bu гуманизмga yo'naltirilgan. Bu esa sub'ektiv omil bajaruvchi sub'ekt - ya'ni pedagog bilan bog'liq. Sababi pedagog bag'rikeng, sabrli, aktiv, e'tiborli va shunga o'xshash asosiy yakka ijtimoiy psixologik xarakterga eга bo'lishi zarur, ya'ni гуманизм qadriyatlari tegishli bo'lган. Demak, bu ikki omil ijtimoiy sferanering rivojланishi uchun ahamiyatli ekanligin anglashimiz mumkin. Гуманизмning ta'lim sohasida shakllanishi bo'lsa, mamlakat fuqorolarining insoniy qobiliyatlarining takomillashishiga turtki bo'ladi.

Hulosa qilib aytganda, гуманизм, shuning bilan birga ijtimoiy гуманизацийаланish jarayonlari har bir davr uchun ahamiyatli, sababi bu ikki tushuncha asosida inson hamda uning borlig'i masalasi turadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Bazarbaev J. Odob falsafasi. - Nukus: «Qoraqalpog'iston», 2010.
2. Choriev A. «Renessans davri Evropa falsafasi». – T.: 2015.
3. Yojeff A. “Гуманизм в культуре и культура в гуманизме. - M., 2004.

### **“ХАТАР ГУРУҲИГА” КИРУВЧИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ЙОЗАСИДАН ОТА-ОНАЛАРГА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР**

**Мухаммадиев А.А.  
Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

Бугунги кунда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг тақдири, унинг ijtimoiy ҳимояси давлатимиз сиёсатининг асосий ва устувор йўналишларидан биридир. “Ўзбекистон Марказий Осиёда ахолиси таркибининг 40% ини болалар ташкил қиладиган энг йирик давлатлардан бири хисобланади”. [1]. 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида “Ижтимоий

баркарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, “Ўзбекистон шлар иттифоқи кенгаши”нинг фаоллари, ҳокимликлар, ҳукуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндлари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Мухтарам Президентимиз ўз нутқида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлаб ўтди. “...Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган “Ўз уйингни ўзинг асрар!” деган дъяватга бугун “Ўз болангни ўзинг асрар!” деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман” [2 ]. деб таъкидлайдилар.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташабbusлари билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш куни деб эълон килинди. Шу муносабат билан таълим муассасаларда профилактика куни доирасида муентазам равишда ўкувчиларнинг давомати, мобиль телефонлари қаътий назорат қилиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида вояга етмаганларнинг “Кўк кит”, “Тинч уй” каби ўз жонига қасд қилишга ундовчи гурухлар таъсирига тушишининг олди олинмоқда.

Ҳар бир ота-онанинг ҳаётдаги энг олий мақсади фарзандини яхши инсон этиб вояга етказиш саналади. Албатта, оилада фарзанд дунёга келганда келажакда “яхши инсон бўлсин”, “ота-онасига, халқига, ватанига хизмат қиласидиган инсон бўлиб етишсин”, деб дуо қилинади. Жамоат жойларида ёшларимизнинг ижобий хислатларини кўрганимизда, кексаларимиз “тарбия берган ота-онангга, устозларингга раҳмат”, – деб айтишади. Бу эса ота-она учун фарзанд тарбиялашда берилган энг аъло баҳодир. Баъзан ҳаётда бунинг акси ҳам бўлади. Не-не орзу-хаваслар билан дунёга келтирган болаларимиз ёмон йўлларга кириб қолиши ҳоллари учраб туради. Бунинг сабабини излайдиган бўлсақ, аксарият ҳолларда муаммонинг илдизи тарбияга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бежизга “тарбияда майдо ишининг ўзи бўлмайди”, деб айтишмаган. Фарзандимизнинг ҳар бир хатти-харакатига эътиборли бўлишимиз лозим.

Илм-фанда “тарбияси оғир бола”, “хатар гурухига кирувчи бола” деган атамалар мавжуд. Бу атама бугунги кунда нафақат педагог, психолог, социологлар, балки ижтимоий иш ходимларини ҳам ўзига жалб этади. Сабаби бу атамалар замирида муайян шахснинг тақдирига боғлиқ ҳолат мужассам. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида “ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиги учун хавф түғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бориш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳукуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этаётган вояга етмаган”, – деб таъриф берилади.[3]

Хатар гурухидаги болалар билан профилактик иш олиб бориш масалалари ҳамиша долзарб бўлган. Бу борада хорижий ва ҳамдўстлик давлатларининг тадқиқотчилари каби маҳаллий олимларимиз ҳам турли тадқиқотлар олиб борганлар ва ҳанузгача ушбу мавзуни ёритиш юзасидан илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ишлари давом этиб келяпти. Чунки болаларнинг қонун билан низолашуви, турли йўлларга кириб кетишилари сабаби ниҳоятда хилма-хил бўлиб, бунинг олдини олишда нималарга эътибор қартиш лозимлиги кўплаб соҳа мутахассисларини қизиқтириб келади. Фаласафа фанлари номзоди Н.Исраилова “хатар гурухидаги болаларни қайта тарбиялаш ва реабилитация қилишда, ота-она ва педагогларнинг болани фаолиятнинг ижтимоий фойдали турига жалб қилиш йўли билан мақбул ривожланиш, ўз-ўзини энг юкори даражада намоён қилиши учун шароит яратиш ва ноxуш омилларни бартараф этишга йўналтирилган зийрак эътибори керак”, деб таъкидлайди [4].

Хатар гурухига мактаб, лицей, коллежда ўзлаштириши ёмон, ҳукуқбузарликка мойил, ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этган болалар киради. Баъзан ота-оналаримиз фарзандининг кўпол муомалада бўлаётганилиги, жаҳлдор, агресив бўлиб қолганлигини айтиб, барча танбеҳлар кор қилмаётганилигидан нолишади. Бу тоифадаги болалар билан тарбиявий профилактик ишларни олиб боришда ҳар бир ота-онадан билим, малака ва тажриба талаб қилинади. Бу борада хатар гурухидаги болалар билан ишлаш бўйича ота-оналар ва мутахассисларга қуйидаги тавсияларни бериб ўтамиз:

1. Шифокорларимиз “касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган яхши”, дейишади. Сиз ҳам шунга амал қилинг. Ойда бир марта оиласи туринг. Ҳар бир боланинг заиф кирралари бўлгани каби, албатта, кучли томонлари ҳам бўлади.

3. Фарзандингизнинг бўш вақтини тўғри ва самарали тақсимланг.

4. Фарзандингизни диққат билан эшитинг. Унинг фикрлари билан қизиқинг. Баъзан у билан ҳам хисоблашинг. Чунки унда менинг ҳам фикрларимни инобатга олишяпти, деган ишонч ҳосил бўлиши ниҳоятда муҳим.

5. Фарзандингизнинг тарбияси юзасидан устозларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам тингланг. Улар билан маслаҳатлашинг ва биргаликда ёрдам беринг.

6. Сизнинг мақсадингиз муаммонинг ечимини топиш – буни эсдан чиқарманг. Боланинг камчиликлари тўғрисида эмас, балки унинг феъл-атвори, айни вақтдаги қилиқ, ҳаракатлари ҳақида ҳам суҳбатлашинг.

7. Боланинг ҳар бир йўналиш бўйича устозлари, мураббийларига унинг тарбияси бўйича барча масалалар юзасидан сизга мурожаат қилишларини илтимос қилинг.

8. Агар ижтимоий ҳимоя масаласида муаммолар туғилса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва у ерда фаолият юритаётган ижтимоий иш ходимига мурожаат қилинг (масалан: оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолсангиз, ижтимоий ёрдам ва ҳоказо).

9. Ўзингизга нисбатан бағрикенг бўлинг. Чунки сиз жуда мураккаб ишни бажармоқдасиз.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, азиз ота-оналар фарзанд тарбиясида хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилинг. Фарзандингизга доимо намуна бўлинг. Дарҳақиқат, доно ҳалқимиз бежизга “Куш уясида кўрганини қиласи”, дейишмаган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Достижения и перспективы в области охраны здоровья детей в Республике Узбекистан/ “Болалар учун ижтимоий ҳамкорлик: миллий ва ҳалқаро илғор тажрибалар” мавзусидаги ҳалқаро форум материаллари. – Т.: 2014.

2. Мирзиёев Ш.М. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар Иттифоқи фаоллари, ҳокимликлар, хуқук-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил, 15 июн.

3. [www.lex.uz//](http://www.lex.uz/) Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Конуни. 2010 йил 29 сентябрь, ЎРҚ-263-сон.

4. Исроилова Н.А., Хурвалиева Т.Л. Ўқувчиларда хулқи оғишликни бартараф этишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни. / Услубий қўлланма. – Т.: 2016.

### **МИЛЛИЙ МАЊНАВИЯТИМИЗ ТАКОМИЛИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА ФИКР-МУЛОҲАЗА**

**Ахмедова З.  
СамДУ Ўзбекистон тарихи  
кафедраси ўқитувчиси**

Ёшларни миллий ғоя ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ватан тарихининг роли ва имкониятлари бекиёсdir. Мустақиллик Ватан тарихининг объектив ва субъектив равишда пайдо бўлган муаммоларини ёшларга тўғри тушунтириш, уларни объектив, тарихийлик тамойиллари асосида талқин қилиш заруратини кун тартибига кўйди. Бу соҳада Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов ташаббуси билан катта ишлар амалга оширилиб Ватан тарихини урганишнинг янги концепцияси яратилди, мамлакатимиз етакчи тарихчи олимлари томонидан янги дарслклар, ўкув қўлланмалар ва бошқа ўкув-услубий, илмий адабиётлар нашр қилинди.

XVII-XVIII асрларда юртимизда рўй берган турғунлик, миллий парчаланиш фожиалари натижасида Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олиниб мустамлакага айлантирилди.

1917 - йилдан бошлаб мустабит Совет тузуми ҳамда коммунистик мафкура хукмронлиги ўрнатилди, ҳалқимиз ҳам маънавий, ҳам иқтисодий камситилди, оёқ ости қилинди.

Элни озод қилишни Феруз ва Фурқатлар маърифатда курган бўлса, Мухам мад Али Эшон кабилар ҳалқни бевосита жиходга чорладилар. Беҳбудий, Фитрат, Файзула Хўжаев каби миллат ва Ватан фидойилари жоҳиллик ва ижтимоий адолатсизликни маърифат воситаси билан енга олмагач, аввал Россия империяси босқинчилари, сўнг мустабид совет тузуми билан муроса қилишга мажбур бўлдилар, охир оқибатда нафақат эзгу ниятлари, балки ўзлари ҳам мунофиқлар қўлида ҳалок бўлдилар. Миллий истиқлолчилик ҳаракати, Туркистон Муҳторияти мунофиқ Совет тузуми томонидан тутгатилди. Ўрта Осиё сунъий равишда бир неча «мустақил республика»ларга бўлиб ташланди. Мустабид тузум даврида янги «миллий республикалар» ташкил топганлиги факти тантанали равишда кўрсатиб ўтилди. Масалан, қўзбек ҳалқи тарихда биринчи марта ўз миллий давлатчилигига эга бўлди», деб таъкидланди. Лекин, ўзбек давлатчилиги ҳали қадим замонларда ёк вужудга келганлиги ҳақида лом-мим дейилмасдан, Ватанимиз тарихини сулолар тарихидан иборат килиб кўрсатилди. Совет воқелиги шароитида эса унга сунъий соҳта миллий давлат чилик тиқиширилди. Ўзбек ҳалқи ўзининг миллий тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, деб конституцияда ифодаланган тарғиботчилик баёнотларига зид ўлароқ, реал ҳаёт ҳақиқий мустақил давлат ташкил этиш имкониятидан маҳрум этилган эди, марказга мустамлака тарзида тобе ҳолатда яшарди.

Миллий маданиятнинг М.Абдурашидхонов, Чўлпон, А.Фитрат, А.Қодирий, А.Авлоний каби таникли арбоблари; Р.Иногомов, С.Қосимов, Ш.Бадриддинов, Р.Худайберганов каби сиёсий раҳбарлар минтакада ВКП (б) МК Ўрта бюросининг хукмронлиги, маҳаллий ҳалқлар ёзувини ислоҳ қилиш, пролетар маданиятини маъмурий тарзда сингдирилиши, социализм реализм методи ва хокозоларга қарши ошкора чиқишига журъат қилдилар. Бироқ мустабид тузум бунга жавобан «Иногомовчилик», «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик», «Худайбергановчилик» каби советларга қарши «миллатчи» гурухлар ва оқимларни ўйлаб топди, оқибатда улар қатағон қурбонлари бўлдилар. Бундай қатағонлар 1937-1939 йилларда айниқса кучайди. Қатағонлар урушдан кейинги йилларда ҳам янги куч билан давом этдирилди. 1949 йилда ёк туқиб чиқарилган буржуа миллатчилиги ва ҳокозаларда айбланиб, ёзувчилардан Мирза Калон Исмоилий, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шуҳрат Мақсад Шайхзода 25 йилга хукм қилинди. 50-йиллар бошларида ҳалқ эпослари ва мақомларини, республика олиму адиларининг Ватанимиз тарихий ўтмишига ижобий муносабатда бўлишларига доир фактларни мутлақо асоссиз қораловчи ғайриилмий ва ғайритарихий мақолалар чоп этилди. Ойбек, Х.Зарифов, В.Зоҳидов, И.Султон, А.Қаҳҳор, Х.Сулеймонов, А.Бобоҳўжаев, Т.Тўла, С.Абдулло ва Миртемирларнинг тутган йўли ва асарлари таҳқирловчи танқидга дучор қилинди.

Буларнинг ҳаммаси тарих, фалсафа ва филология фанлари бўйича ўқув дастурларини буюк давлатчилик ва якка партиявиийлик нуқтаи назардан қайта куриб чиқиш, газета-журнал мақолаларининг марказга интилиш ўйналишини кучайтириш билан бир қаторда, миллий зиёлилар муайян қисмини миллий ватанпарварлик кайфияти ва ижодий жўшқинлигини сезиларли даражада заифлаштиришга олиб келди, маҳаллий аҳолининг миллий ўз-ўзини англаш жараёнига салбий таъсир қилди. Айрим тарихий ходисалар ва шахслар фаолиятини холисона ёритишга бўлган айрим уринишлар кескин қораланди. Худди шундай воқеа, масалан, академик И.М.Муминовнинг Амир Темурга бағишлиган рисоласи муносабати билан содир бўлди. Тарих коммунистик мафкура талаблари асосида қайтадан кўриб чиқилди. Ҳалқларнинг икки «олтин асли» улар Россияга қўшилгандан кейингина бошланди, деган фикр расман қарор топди. Ўша даврда «ягона совет маданияти», «шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналминал маданият» концепцияси вужудга келди ва кейинги совет ўн йилларидан даврида хукмрон концепцияга айлантирилди. Мазкур концепцияни амалда руёбга чиқариш мақсадида, 30-йилларнинг бошларидан ўқув юрганинг барча ўқув режалари ва дастурларига маҳаллий материаллар киритилмади, асосий ўрганиладиган фанлар қаторидан Ватан тарихи чиқариб ташланди, ўзбек ҳалқининг буюк ўтмиши, бузилган давлатчилиги тарихи тарзда талқин этилди. Буларнинг ҳаммаси тарихий хотирага салбий таъсир кўрсатди, тарихий замонлар ва даврлар ўртасидаги боғлиқлик йўқолишига олиб келди. Ёш авлодлар ўз миллатининг чинакам тарихидан тобора ўзоклаштирилди.

Ўзбекистон аҳолиси табии тарихий миграция хисобига эмас, балки сунъий миграция хисобига ортиб борди. Сунъий миграция секин-аста республика туб жой аҳолисининг миллий негизларига путур этишига олиб келди, аҳолининг миллий маданияти ва тили заминини ўпирашиб кетди. 30 йилларнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистонга узоқ Шарқдан кўплаб корейслар, Шимолий Кавказ, Грузия ва Кримдан крим татарлари, месхети-турклари ва бошқа элатлар кўчириб

келтирилди. Ўзбекистонга доимо яшаш учун минглаб ишчилар ва мутахассислар кучирилди. Жумладан, биргина 1929-1939 йилларнинг ўзида ўлкада 650 минг киши юборилди.

Марказ томонидан 80-йилларнинг ўрталарида эълон қилинган «қайта қуриш» даврида ҳам маҳаллий аҳолига, биринчи маҳаллий раҳбар ходимларга нисбатан ўзоқ давом этган ошкоро шовинистик компания, хуқуқий-сиёсий ўзбошимчаликка кучайиб борди, «ўзбеклар иши», «пахта иши» ўйлаб топилди ва кўплаб гуноҳсиз раҳбар ходимлар қамоққа олинди, уларнинг ўрнига Марказда «қадрлар десанти» юборилди.

Россияси империяси маъмурлари бизнинг маънавиятимизни турғунлик ва қолоқлика тутуш мақсадида ноёб ва қимматбаҳо илмий манбалар, маънавий-моддий ёдгорликларни Туркистондан Марказга ташиб кетдилар. Натижада Петербург ва Москва музейлари ҳамда кутубхоналари энг йирик қадимий, нодир қўлёзмалар, ноёб ёдгорликлар хазиналарига айландилар. Жумладан 1865-1917 йилларда Ўрта Осиёдан 3000 шарқ қўлёзмалари марказга олиб кетилди. Хивага юришда Кауфманга ҳамкорлик қилган шарқшунос А.Кун шарқ қўлёзмалари ва ҳужжатларидан иборат ниҳоятда ноёб коллекция яъни шарқ қўлёзмаларидан иборат 300 китоб, 18 нусха Қуръонни 1873 йили Император ҳалқ кутубхонасига топширган. А.Кун Россия империясининг Кўконга юришида иштирок этган тарих, тиббиёт, ҳуқуқ ва илохиётга доир 130 та қўлёзмани олиб ўзлаштирган ва уларни ҳам Император ҳалқ кутубхонасига топширган. Босқинчилар томонидан VII асрнинг ўрталарида яратилган ноёб Усмон Қуръони 1869-йилда Самарқанддан Петербургга олиб кетилди. Ушбу қуръон совет даврида Петрограддан Қозонга, кейин Тошкентга олиб келинган. Хозирда у Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармасида сақланмоқда.

Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қолоқлика тутишга ўринган бўлса, большевик-шовинистлар, мустабит Совет тузуми маҳаллий ҳалқларни ўз миллий маънавиятидан, маданиятидан бегоналаштириш сиёсатини тутдилар. «Шаклан-миллий, мазмунан социалистик» «совет мада-нияти тўлиқ мунофиқлик заминига қурилди. Ҳалқнинг кўп минг йиллик эътиқоди рад этилди, ҳалқлар «шахсга сифиниши» балосига дучор қилинди.«Пахта мустакиллиги» учун кураш, «Оқ олтинни олтин қўллар яратади» каби чакириқлар ҳалқни иқтисодий қарамллик ва ноҷорлик, ўлка табиатининг вайрон бўлиши, сув, ҳаво ва тупроқнинг заҳарланишига, Орол фожиасига олиб келди. «Ҳалқлар дўстлиги», «Интернационализм» байроғлари асосида миллий ўлкаларда руслаштириш сиёсати қаттиқ қўллик ва изчиллик билан амалга оширилди. Ўзбекистон ҳам ана шундай балодан четда қолмади. Мустабид тузум даврида Ўзбекистондаги барча ҳал қилувчи мансабларда маҳаллий бўлмаган миллат намоёндалари ҳукмрон эдилар ва Москва кўрсатмаларини бажарар эдилар. Маҳаллий ҳалқ вакиллари эса «хўжа кўрсинг»га тайинланар ва улар Москва сиёсатига вафодорлик ва садоқатлик руҳида тарбияланар эдилар. Маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар, таълим тизими ҳам коммунистик мағкурага, ёлғон социализм ва коммунизм ғояларига бўйсндирилган эди. Тўғри миллий зиёлиларимиз Ватанимиз тарихини, аждодларимиз меросини ўрганишга ҳаракат қилишди. Бунда асосан ўтмишни қоралаш, ўтмишдаги тарихимиз «иллатларини» фош этишга асосий эътибор қаратилди. Кўпчилик зиёлиларимиз онги совет мағкураси билан заҳарланган, жаҳон маданияти, ўтмиш миллий маънавий меросимиз билан бевосита танишиш имкониятидан тил билмаслик, ёзув билмаслик орқасида мавҳум этилган эди. 50-60-йилларда Сталин шахсига сифиниши фош қилиниши натижасида, зиё аҳлига озгина бўлса ҳам эркинроқ нафас олиш имкони туғилди. «Совет социалистик ғоялари» чегарасида ўтмиш тарихимизни, маънавий меросимизни ўрганишга эътибор кучайди. Фидойи зиёлиларимиз миллат, манфаат учун қайғуриб бой тарихимизни, улкан миллий маънавиятимиз унсурларини имкон доирасида ёшлиар онгига етказишга харакат қилдилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки Ўзбекистон факат давлат мустакиллигини қўлга киритгандан кейингина ўзбек ҳалқи маънавий ривожланиш йўлига қайтди. Мустакиллик ўлкамизни мустамлака империя тузумининг оғир кишанларидан озод қилди, миллий маданияти ва анъаналарни қайтариш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда ўз ҳаётини миллий манфаатлар ва қадриятларга мувоғик равища қайта қуриш имконини берди.

## КЕКСАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Тагиева Г.Г.

СамДУ “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти в.б.,  
Социология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Жамият тараққиётда турли ўзгаришлар юз берганлиги туфайли, маълум жиҳатдан кексаларни, авваламбор, ёши улуғ инсонларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-куватлашни кучайтириш, биринчи навбатда, ёлғиз қарияларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш, умуман бу муаммони ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб жараён хисобланади. Инсоният умрининг узайиши, кексаларнинг ҳаёт тарзи, эҳтиёжи ва талабларини қондириш ҳар қандай жамиятининг муҳим масалаларидан бўлиб, ушбу масалани ўрганиш геронтологлар учунмуҳим аҳамиятга эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Аҳолишунослик жамғармасининг маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 12,3 фоизи 60 ёшдан юкори бўлган кексалардир. Жаҳонда 60 ва ундан юкори ёшдаги кексалар 2030 йилда 16,5 фоизга ва 2050 йилда 22 фоизга ўсиши кутилмоқда. Дунёда тугилишлар сони камайиб, Ер аҳолисининг “кексайиш жараёни” давом этмоқда[1].

Жаҳондакексалар сони болаларсониданошли. Демографларнинг таъкидлашича, энг кўп кексалар ривожланган мамлакатларда яшайди. Яна бир қонуният — энг кам тугилиш ҳам шу мамлакатларда. БМТ тадқиқотига кўра, энг кўп кексалар Японияда яшайди — аҳолисининг 27 фоизини ташкил этади. Япониянинг геронтология (геронтология – тирик организмларнинг қаришини ўрганувчи фан) жамиятининг ишчи гуруҳи раиси, доктор Ясуёси Оути ҳозиргида гидек 65 ёшли кишиларни эмас, балки 75 ёшдан ошганларни расман кекса одамлар деб хисоблашни таклиф қилган. Иккинчи ўринда Италия — аҳолисининг 23 фоизи кексалар, учинчи ўринда Европа иттифоки — 19,7 фоиз. Кейинги ўринларда АҚШ (15,4 фоиз), Россия (14,1 фоиз), Хитой, Бразилия, Туркия, Хиндистон, Эрон[2]. БМТ маълумотларига кўра, 2018 йил охирига келиб, 65 ёшдан ошганларнинг миқдори 5 ёшли болалаларнинг миқдоридан ошиб кетган. Ҳозирда Ер сайёрасида 65 ёшдан ошган 705 миллион кексалар яшамоқда. 5 ёшгача бўлган болалар миқдори тахминан 680 миллионни ташкил этади. Бугунги жараён шундай давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб 5 ёшгача бўлган ҳар бир болага 65 ёшдан ошган иккита кекса тўғри кела бошлади. Бу жараённи олимлар анчадан бери кузатиб келишмоқда ва ҳозир кўплаб мамлакатларда одамлар узокроқ умр кўрмоқда, болалар сони эса камаймоқда[3].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, изчиллиги, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя тизимини янада яхшилаш, ҳар бир фуқарога, яъни ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш, муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “...нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш, жумладан, пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотни яхшилаш, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади”[4], деб таъкидлаганлари мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг нақадар кучли юритилаётганидан дарак беради. Шу сабабли республикамизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар, яъни кексаларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, аҳолининг кекса қатламига юксак эътибор ва ғамхўрлик, тинч-осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашнинг илмий-назарий асосларини, усул ва воситаларини такомиллаштириб борища объектив зарурат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонига асосан 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Устувор йўналишлардан тўртинчиси “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланиб, ушбу йўналишда[5]: ...аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини

таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш каби долзарб масалалар белгиланган.

Кексаларни ижтимоийхимоя қилишга доир масалаларнинг методологик асоси қадимдан олимларни қизиқтириб келган. Маънавий меросимиз «Авесто»да[6] ҳам кексаларни қадрлаш, уларга хурмат-эхтиром кўрсатиш инсон ҳаётининг маъно-мазмунини белгилайдиган фикрлар баён этилган.

Кексаларни эъзозлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини янада улуғлаш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, шунингдек, “Геронтология” фанининг ҳам эътиборга молик бўлган вазифаларидан биридир. Бизга маълумки, “**Геронтология**” [юн. geron, gerontos – кекса, қари ва logos-таълимот] – тирик организмлар, жумладан, одамнинг қариш жараёнини ўрганадиган фан; тиббиёт ва биология фанларининг бир бўлими. Геронтология замонавий ёш фан ҳисобланиб, қариш муаммоларини тадқиқот марказига қўяди ҳамда геронтология кўпгина илмий назарий ва амалий билимларнинг “чорраҳасида” жойлашган.

Мамлакатимизда кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Зеро, мамлакатда бўлаётган ўзгаришларнинг асл мақсади ҳам кекса қатламга, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларидағи кексаларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришдан иборатдир. Ёрдамга муҳтоҷ кекса қатламларни қаровсиз ва ўз ҳолига ташлаб қўйиш асло мумкин эмас. Бугунги ислоҳотлар шароитида кексаларни ижтимоий ҳимояси тизимини такомиллаштириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, изчилиги, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя тизимини янада яхшилаш, ҳар бир фуқарога, яъни ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш, муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутади. Ўтган давр мобайнида республикада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам беришни ташкил этишининг таъсирчан тизими шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июнь, ПҚ-3787-сонли “Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 июлдаги 455-сон қарорининг 1-иловаси ««Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини кўллаб-кувватлаш Республика васийлик кенгаши тўғрисида»ги Низоми ҳамда ахолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

- тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация чораларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали ахолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича уларнинг имкониятлари кенгайтирилди;
- тиббий-ижтимоий муассасалар ва ўқув-меҳнат устахоналарини замонавий диагностика қилиш, даволаш, спорт ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланди;
- маҳаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифати яхшиланди ҳамда уларнинг турлари кенгайтирилди;
- протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишини таъминлайдиган кучли илмий ҳамда методологик база яратилди;
- тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий тадқиқотларни чуқурлаштирияпти, кадрлар тайёрланаяпти ва қайта тайёрланаяпти;

- протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартлари кенг жорий этиляпти.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ижтимоий сиёсатнинг нақадар кучли юритилаётганидан дарак беради. Шу сабабли республикамизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар, яъни кексаларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, ахолининг кекса қатламига юксак эътибор ва ғамхўрлик, тинч-осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашнинг илмий-назарий асосларини, усул ва воситаларини такомиллаштириб боришда объектив зарурат ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “9-май-Хотира ва қадрлаш куни”га бағишлиланган қабул маросимидағи нутқидан, 2017-йил 9-май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017-йил 7-феврал.
3. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/333>
4. <http://archive.qalampir.uz/news/dunyoning-yangi-global-muammosi-er-axolisi%E2%80%9Cqarimoqda%E2%80%9D-12614>
5. <https://zamin.uz/dunyo/52794-qarietgan-sayera-jahonda-keksalar-soni-bolalar-sonidan-oshdi.html>
6. <https://sof.uz/post/keksalar-miqdorining-ortishi-sayyoramiz-kelajagiga-qanday-ta-sir-ko-rsatadi>

**IV ШЎБА. ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РАҶАМЛИ  
ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ҲАМДА  
ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA YOSH MUTAXASSIS KADRLARNING  
ROLI**

**Maxmudov N.M.**

iqtisodiyot fanlari doktori, professor.  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
“Makroiqtisodiyot” kafedrasi

**Avazov N.R.**

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
“Iqtisodiyot” fakulteti talabasi

Hozirgi kunda har bir mamlakat o‘z iqtisodiyotini rivojlantirishga mamlakatda raqamli iqtisodiyotnni rivojlantirish asosida erishishni maqsad qilib qo‘ymoqda. Chunki mamlakatda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi jadal iqtisodiy o‘sish sur’atlariga olib kelishi bilan birgalikda ham davlatga, ham aholiga va eng muhimmi tadbirkorlarga qo‘srimcha imkoniyat va rivojlanishi uchun sharoit yaratib beradi. Shundan kelib chiqqan holda hozirgi kunda O‘zbekiston iqtisodiyoti oldida turgan eng dolzarb masala bu – mamlakatda raqamli iqtisodiyotni rivojantitishdir.

Raqamli iqtisodiyot bu – iqtisodiyot tarmoq va sohalariga raqamli texnologiyalarning kirib kelishidir. Yoki boshqacha qilib aytganda iqtisodiyotning raqamlashish darajasi hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi iqtisodiyot tarmoq va sohalarida raqamli texnologiyalarning ko‘payishini talab qiladi. Buning uchun yuqori malakali mutaxasislarga talab ko‘payadi. Chunki aytib o‘tilgan raqamli texnologiyalarni yaratuvchisi ham, u texnologiyalarni amaliyatda qo‘llovchi ya’ni uni ishlatuvchisi ham shu mutaxasislardir. O‘zbekistonda ham hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot sohasida mutaxasislarga talab juda yuqoridir. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish eng dolzarb masala hisoblaniladi ekan, o‘z kasbining ustasi bo‘lgan mutaxasislarga talab yuqori bo‘lib qolaveradi. Bu mutaxasislar kimlar? Albatta yetishib chiqayotgan yosh avlod hisoblanadi.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’biri bilan aytganda: “Biz O‘zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantirishni maqsad qilib qo‘yan ekanmiz, bunga faqat jadal islohotlar, ilmma’rifat va innovatsiya bilan erisha olamiz. Buning uchun, avvalambor, **tashabbuskor islohotchi bo‘lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini** tarbiyalashimiz zarur. Shuning uchun ham bog‘chadan boshlab oliy o‘quv yurtigacha – ta’limning barcha bo‘g‘inlarini isloh qilishni boshladik. Nafaqat yoshlар, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi” [1]. Bu fikrlardan kelib chiqadiki, mamlakatda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bevosita yoshlarga bo‘g‘liqdir.

Hozirgi kunda O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun quyidagi yo‘nalishlar bo‘yicha yosh mutaxassis kadrlarga talab yuqori:

- yuqori darajada dasturlash tillarida ishlay oladigan dasturchilar;
- elektron platformalar va ekotizimlar bo‘yicha mutaxassislar;
- AR (qo‘srimcha reallik) va VR (virtual reallik) bo‘yicha mutaxassislar;
- moliyaviy texnologiyalar bo‘yicha mutaxassislar;
- digital banking mutaxassislar;
- ijtimoiy tarmoqlarda ishlash bo‘yicha mutaxassislar;
- bilimlar bazalari bo‘yicha mutaxassislar;
- ma’lumotlar xavfsizligi bo‘yicha mutaxassislar;
- turli xil sohalardagi raqamli transformatsiya bo‘yicha mutaxassislar;
- bulutli texnologiyalar bo‘yicha mutaxassislar;
- masofaviy ta’lim bo‘yicha mutaxassislar;
- raqamli logistika bo‘yicha mutaxassislar;
- aqlli texnologiyalar bo‘yicha mutaxassislar;
- BIG DATA bo‘yicha mutaxassislar;
- Digital analitika bo‘yicha mutaxassislar va h.k.

Yuqoridagi yo‘nalishlar bo‘yicha mutaxasislar yetishtirib chiqarish asosida O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni yanada jadal rivojlantirish mumkin. Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun O‘zbekistonda yuqori potensial mavjud. Faqat bu potensialni samarili sarflash evaziga mamlakatda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga erishish mumkin.

Yosh mutaxassis kadrlarning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda ishtirotini kengaytirish hamda raqamli iqtisodiyot sohasida yosh kadrlarni yetishtirib chiqarish bo‘yicha quyidagi takliflarni amaliyatga joriy qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- ✓ birinchidan, raqamli iqtisodiyot sohasida yangi zamonaviy yo‘nalishlar (yuqorida sanab o‘tilgan va h.k)ni ochish hamda bu yo‘nalishlar bo‘yicha kadrlar tayyorlashni yo‘lga qo‘yish;
- ✓ ikkinchidan, aholining axborot texnologiyalari sohasidagi bilimni oshirish hamda bu sohada kadrlarni ko‘paytirish maqsadida TATU va INHA ga o‘xhash dasturchi tayyorlaydgan OTM filiallarini va fakultetlarini viloyatlarda ko‘paytirish va bu yo‘nalishlarga yoshlarni ko‘proq jalb qilish;
- ✓ uchichidan, yoshlar innovatsion g‘oya va biznes rejalarini qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada yaxshilash va yoshlarni innovatsion fikrashga qiziqishini orttirish. Bunga turli innovatsion g‘oyalar tanlovlarni ko‘paytirish va so‘vrinlli o‘rinlarni sonini oshirish asosida erishish mumkin.

Xulosa o‘rnida aytish mumkin-ki, mamlakatda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda yosh mutaxassis kadrlarga talab doimo yuqori bo‘ladi. Bundan tashqari raqamli iqtisodiyotning kelajakda rivojlanishini belgilab beruvchii asosiy omil ham shu mutaxassislardir. Yosh mutaxassis kadrlarni ko‘paytirish va ular malakasini oshirish asosida mamlakatda raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlanishiga erishish mumkin. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi esa bu mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishi demakdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. 2020-yil 24-yanvar. <https://president.uz/oz/lists/view/3324>
2. Abdullayev O. Raqamli iqtisodiyot. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Moliya”, 2020. 686 b.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

**Аликулов С.А.  
Самдақи ижтимоий фанлар кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди.**

Бугунги кунда жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодиётни барқарор ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучга айланганлигини кўрсатмоқда.

Хозирги даврда бутун ривожланишнинг инновацион моделлари ва раҷамли иқтисодиётни татбиқ этаётган ва уни амалга ошираётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор хисобланмоқда. Бундай мамлакатларнинг барқарор ижтимоий иқтисодий тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлилиги барча табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланиш эмас, балкин инновацион ғоялар ва технологияларга асосланган раҷамли иқтисодиётга асосланганлигидир. Ушбу мамлакатларда раҷамли иқтисодиётни- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равишда «Келажак вазирlikлари», «Келажак истиқболлари» деб номланувчи маҳсус идоралар томонидан амалга оширилмоқда.

Бизда яъни Ўзбекистонда президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек «Жамият ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чукур кириб бормоқда. Шундай экан Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан ушбу масалаларни Ўзбекистон иқтисодиётига хам жорий этиш долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган мухим ижтимоий иқтисодий масала эканлигини англаб, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси олий мажлисига мурожаатномасида 2020 йилни «Илм маърифат ва раҷамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном беришда хам жуда катта рамзий маъно бор деб уйлаймиз.

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган мухим ижтимоий-иқтисодий сиёсий масала нима учун керак.

**Биринчидан,** дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки агарда мamlakatda илм фан ривожлантирилmasa унга биринчи даражали аҳамият берилmasa ёшлар билим, юксак маънавият ва

маданиятга эга бўлмайди, натижада инсон ресурсларининг ахамияти пасаяди ва мамлакатда ишлаб чиқариш потенциали ўсмайди, иқтисодиёт барқарор ривожланмайди.

**Иккинчидан**, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш кўп жихатдан илм фаннинг ривожланишига боғлиқ, шунинг учун бундай ислохотларни энг аввало бор боғча бошидаги болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш масаласи кўтарилид ва 2020 йилда уни 60 фоизга етказиш хамда бюджетдан 1,8 триллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Шарқ донишмандлари айтганидек «Энг катта бойлик бу акл заковат ва илм энг катта мерос бу яхши тарбия энг катта кашшоклик бу билимсизликдир» (1:3 бет)

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев шарқ донишмандларининг ғояларини инобатга олиб Олий мажлисга мурожаатномасида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 2020 йилда бюджетдан 1,7 триллион сўм маблағ хисобидан 36 та янги мактаб, 211 тасини капитал таъмирлаш шунингдек 55 та хусусий мактаб ташкил этилиши, 340 та касб хунар мактаби, 147 та коллеж, 143 та техникум ташкил этиш, шунингдек мактаб битирувчиларини Олий таълим билан камраб олиш даражасини камида 25 фоизга ва келажакда 50-60 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. ( 1:3 бет)

Мамлакатимида илм фан соҳасида хам муҳим ислохотларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда, жумладан жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий татқиқотлар фаоллаштирилади, илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, махаллий ва хорижий илмий ишламалар базаси шакллантирилади, нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан хамкорлик янада кучайтирилади натижада мамлакатда илм фан яна ривожланади ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришга фундаментал асос бўлиб хизмат қиласи. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасида 2020 йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича тубдан бурилиш қилишимиз керак деб тақидлаган. (1:3бет)

Бунинг учун биринчи навбатда қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соглиқни сақлаш, таълим, архив соҳалари рақамлаштири вазифа қилиб белгиланган хаттоқи «рақамли Ўзбекистон 2030» дастурини ишлаб чиқиш вазифасини 2020 йилнинг апрел ойигача белгиланган.

Рақамли иқтисодиётга ўтишдан белгиланган асосий мақсад нималардан иборат :

**Биринчидан**, рақамли иқтисодиётга ўтиш жуда катта миқдордаги ресурсларни тежашга эришилади, жумладан жуда катта миқдорда қофоз тежалади, чунки Ўзбекистон қофоз маҳсулотларини чэт эл валюталари хисобига чет элдан сотиб олинади.

**Иккинчидан**, сафар ҳаражатлари тежалади, хужжатлар, ҳар хил хисботлар, маълумотлар, ахборотлар ва бошқа турдаги ишлар ахборот ресурслари орқали онлайн тизимида амалга оширилади.

Барча турдаги ҳалқаро симпозиум, конференция, семинарлар, йиғилишлар шу жумладан.

**Учинчидан**, корупцияни олди олинади, оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда корупция Дунё иқтисодиётига йилига 2.6 триллион доллар зарар келтирмоқда бундан Ўзбекистон хам ҳоли эмас.

**Тўртинчидан**, вақт тежалади, меҳнат унумдорлиги ўсади, натижада барча турдаги ишлар тез ва ўз вақтида сифатли бажарилади;

**Бешинчидан**, энг яхши мутахассис кадрларни танлаб олиш ва жалб қилишни тақазо этади ;

**Олтинчидан**, миллий иқтисодиётнинг меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиш учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларинг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланишга таъсир этади.

Макроиқтисодий жихатдан қаралганда миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши мамлакатда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари; Уларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ажralиб чиқган иқтисодий субъектлар ўртасидаги тақсимот ҳажми; мазкур субъектлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлиш ва истеъмол қилиш жараёнларида шаклланувчи таркибий қисмлари ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлганлиги учун хам рақамли иқтисодиётнинг ўзаро алокадорлигига содир бўлади.

Рақамли иқтисодиёт миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг ривожланишида қуйидаги омилларига ижобий таъсир кўрсатади: мавжуд бозор конюктурасининг янги товар ва хизматлар билан тўлдирилишига, бозор сифимининг кўпайишига ва монополиялашув даражасининг пасайишига, мамлакатнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини кенгайтиришга (жахон меҳнат бозорларидаги талаб ва таклифни аниқлаб беради), ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига, фан-техника тараққиётининг миқёслари, тавсифи ва ривожланиш

суръатларига ишлаб чиқариш ресурсларинг сифатига, худудларнинг ер майдонлари инфратузилма объектлари билан таъминланганлигига ва экологик ҳолатига.

Еттингчидан, экспорт ва импорт жараёнларини енгиллаштиради, божхона хизматларининг аниқ ва сифатли амалга оширишини янада яхшилайди, валюта тўловлари тез ва ўз вактида аниқ бажарилишини таъминлайди, банклар фаолиятини мувофиқлаштирилишига хизмат қиласди. Рақамли иқтисодиёт–ракамли иқтисодиётларнинг ўзаро интезрациялашувини таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш муносабати билан мамлакатда 2020 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляция даражасини жиловлаш масаласи вазифа қилиб белгиланди, бунинг учун иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, ташки хавф-хатарларини инобатга олиш 37 турдаги маҳсулоти ва хизматлар нархларини тартибга солиша корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтириш ва сифатини ошириш, “Яширин иқтисодиёт” улуши юкори бўлган алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш, инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш бунинг учун 23 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштирилиши назарда тутилган. (1.4 бет) Банк тизимига рақамли технологияларини қўллаш, янги банк маҳсулоти ва хизматларини жорий этиш, молия бозоридан арzon ва узок муддатли ресурслар олиб келиш, экспортни қўллаб қувватлаш, аҳоли даромадларини ошириш, кўшимча иш ўринларини яратиш иқтисодий интезрацияни кучайтириш, замонавий инфратузилмани барпо этиш, бизнес муҳитини янада яхшилаш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, ташки савдони янада кучайтириш ва бошқа муҳим соҳаларни ривожлантириб мамлакатда ялпи ички маҳсулотни келажакда 100 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. (1.4 бет)

Демак Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг аҳамияти шундан иборатки миллий иқтисодиётнинг асосий функционал аҳамиятини янада кучайтириш орқали мамлакат барча аҳолисининг доимий равишда ўсиб борувчи ижтимоий иқтисодий эҳтиёжларини оқилона ва мақсадга мувофиқ, тўлароқ қондириб боришдан иборатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи 2020 йил 24 январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони.// Халқ сўзи 2017 йил 8-феврал.
3. Фуломов С.С. Инновацион иқтисодиётда янги терминология.// “Ақлли таълим ” илм фан ва инновацион ривожланиш журнали.- Т.; 2018 №3, Б 17-22
4. Самарқанд давлат университети илмий ахборотномаси, 2019 йил №6 сон Б. 80-83
5. “Бозор пул ва кредит” илмий амалий ойлик журнали, 2020 йил 1 –сон, 10-20 бетлар
6. [www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)
7. [www.economist.com](http://www.economist.com)

#### **РАҚАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Собиров И.Х.  
иқтисод фанлари номзоди, СамДАҚИ.  
Собиров П.И.  
YEOJU институти Тошкент филиали 2-курс талабаси.**

Тараққиёт истеъмол бозорини ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг истак ва хоҳишлиари ҳам замонда пайдо бўлаётган тенденцияларга хос бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чукур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиш. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат махсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”.

Президент таъкидлаганидек банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк махсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сотиш бозори ўзгариш билан биргалиқда, банк сектори ҳам ўзгариб бормоқда. Умумий олиб қараганда – бозор виртуал оламга трансформация бўлиш жараёнида.

**Рақамли банк** – Банк бизнесидаги янги модель. Интернет технологияларга асосланган холда масофадан банк хизматларини мижозларга етказиб бериш тушунилади.

**Рақамли банкка ўтиш - банк бозорида рақобатдош бўлиш ва самарага эришиш учун қўйдагилар талаб этилади:**

**Мижоз учун ишлаш**

- Мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш (“золотая запись”)
- Мижоз харакатларини ва тарихини тахлил қилиш
- Ўз фокусини юқори технологияларга йўналтириш

**Рақамли хизматларни кўрсатиш:**

- “Қийин” махсулотлар бўйича ягона дарча
- Товар ва хизматлар учун Маркетплейс
- Роботизацияни жорий этиш

**Офисларда хизмат кўрсатишдан рақамли каналларга ўтиш**

- Сайт ва мобил иловалар
- Талабларни олдиндан била олиш
- бир нечта турли хил тизимларни, хизмат каналларини ёки коммуникацияларни ягона ойна (дарчада, хавола, тугмача) орқали тақдим этиш (Омниканальность) принципларини жорий этиш

**Онлайн тахлил ва ўзини ўзи ўқитувчи технологияларни (искусственный интеллект) жорий этиш**

- Нейрон тизимлардан фойдаланиш
- Очиқ маълумотлар базаларидан фойдаланиш
- Big Data тахлили асосида прогнозлаштириш

Ижтимоий тармоқларда актив позицияга эга бўлиш, рақамли маркетинг инструментларидан фаол фойдаланиш – рақамли банкнинг харакатлантирувчи воситаси ҳисобланади. Чунки рақамли банкнинг асосий истемолчилари интернет тармоғини фаол фойдаланувчилариур.

**Ижтимоий тармоқларнинг рақамли банкни ривожлантиришдаги ахамияти қўйдагилардан иборат:**

1. Банк махсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тез тарқалишига олиб келади;
2. Банкнинг молиявий маслаҳатчи сифатида роли ортиб боради;
3. Ахолининг молиявий саводхонлигини тез ривожланади;
4. Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро таклиф ва тавсияларга ишонч ортиб боради;
5. Ижтимоий тармоқда банк фойдаланувчилар билан хамкорликда хеч қандай коррупциясиз мулоқот қилиш майдони юзага келади. Улар билан фақат сотиш эмас балки таклиф ва тавсияларга асосланган муносабат ўрнатилади. Бунинг натижасида фойдаланувчилар – потенциал мижозлар ўртасида банкга нисбатан ишонч пайдо бўлади, банк промоуторлари сони оргади.

Рақамли технологиилар даврида мижозларни жалб қилиш ва банк имиджини оширишнинг энг самарали воситаси – бу банкнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш ва ривожлантиришидир.

**Ўзбекистонда рақамли банк жорий қилишдаги муаммолар:**

1. Жисмоний шахслар ва ЯТГлар учун ягона идентификация тизимининг мавжуд эмаслиги;
2. Банк махсулот ва хизматларини масофадан сотиш имконини беришга тўскинлик килувчи норматив хужжатларнинг мавжудлиги;

3. Бизнес жараёнларнинг тўлиқ автоматлашмаганлиги;
4. Скоринг тизимининг мавжуд эмаслиги;
5. Мажбурий ташқи тизимлар (НИКИ, гаров реести ва бошқалар) билан интеграция йўлга кўйилмаганлиги;
6. ЕОПЦ билан маълумотлар алмашишдаги муаммолар.

**Рақамли банкингни жорий қилишда амалга ошириш лозим бўлган ишлар:**

1. Чакана банк маҳсулот ва хизматларини стандартлаштириш. Барча худудларда ягона тариф сиёсатини юритиш.
2. Банкни ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш.
3. Интернет маркетинг (SMM) командасини ташкил қилиш.
4. Банк сайтида белгиланган маҳсулот ва хизматлар учун онлайн заявкаларни амалиётга жорий қилиш.
5. Масофадан банк маҳсулотларини сотиш ва ривожлантириш командасини ташкил қилиш.
6. Мижозларни сегментларга ажратиш ва хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.
7. Масофавий сотиш каналлари: веб-сайт, мобиль банкинг, ижтимоий тармоқлар, колл центр функционалларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш. CRM билан интеграция қилиш.
8. Масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимлари (мобил ва интернет банкинг) тизимларини такомиллаштириш.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожатномаси. <https://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

### **САНОАТ КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИ**

**Тухтабаев Ж.Ш.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Украмов Х.Ф.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси асистенти

Жаҳон амалётидан маълумки, ҳар қандай давлат ўз иқтисодиётида саноат корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш орқали мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни кўзлайди. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва уларни интенсив ривожлантириш, замонавий техника-технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, корхоналарни иқтисодий хавсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Иқтисодчи олимларнинг турли тадқиқотлар ўтказиш натижасида саноат корхоналари иқтисодий хавфсизликнинг турли кўрсаткичлари ва унинг миқдорини шакллантириш учун зарурий мезонлари шакллантирилган. Шунинг учун иқтисодий соҳадаги энг муҳим вазифалардан бири иқтисодий хавфсизлик фанини ривожлантириш ва қўллаш вазифаси иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг миқдорий усуллари, унинг ўзгаришини башорат қилиш, шунингдек мустаҳкамлаш усуллари назорат параметрлари ёрдамида хавфсизлик, яъни оптималлаш усуларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий хавфсизлик баҳоланади, кўриб чиқилган ҳолатда саноат корхонасининг иқтисодий хавфсизлиги мезони сифатида танлаш тавсия этилади, бу ўз навбатида иқтисодий хавфсизликнинг асосий кўрсаткичларини ташкил этади.

Нисбатан содда, аммо шу билан бирга жуда умумий шаклда рентабеллик кўрсаткичини қўйидагича ёзилиши мумкин:

$$\Pi = \mathbb{P} - Z \quad (1)$$

бу ерда:  $\Pi$  - маҳсулот ёки хизматнинг бирлик нархи,  $Z$  - ишлаб чиқариш ҳажми,  $\mathbb{P}$  - харажат. Саноат корхоналари иқтисодий хавфсизликнинг яна бир муҳим кўрсаткичи соғ соғ фойда кўрсаткичи ҳисобланади ва у қўйидагича топилади:

$$\mathbb{P}_t = \sum_{t=1}^T (D_t \cdot r_t) \frac{1}{(1+r)^t} \quad (2)$$

бу ерда:  $P_t$  - корхонанинг йилига кутилаётган қиймати,  $D_t$  - йилига кутилаётган нақд пул тушумлари,  $r_t$  - йилига кутилаётган харажатлар, р - чегирма қиймати, яъни инвеститсия қилинган капитал бўйича ҳисобланган фоиз ставкаси, Т - корхонанинг режалаштирилган ҳисоб-китоб даври.

Иқтисодий хавфсизлик баҳолаш учун, авваламбор, кўрсаткичлар тизимини тузиш керак бўлади.

Хар бир объект X вектори билан тавсифланади деб тахмин қиласиз:

$$X = (x_1, x_2, \dots, x_n) \quad (3)$$

бу ерда:  $x_1$  - ўрганилаётган объектни тавсифловчи кўрсаткичлар.

Агар микдорий кўрсаткичларни ҳисобга олсан иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини, биз иккита асосий гурухни ажратиб кўрсатишими мумкин:

- 1) қиймати мумкин бўлмаган кўрсаткичлар тизими ўрганилаётган корхона томонидан бевосита назорат қилинади ва ташки омилларга ҳам боғлиқ бўлиб (бозор шароитлари, рақобатдош даражаси, корхоналарнинг кадрлар сиёсати, инвестиция муҳити ва бошқалар) киради;
  - 2) кўрсаткичлари ўрганилаётган объект томонидан бевосита бошқариладиган ва қабул қилинадиган қарорга қараб ўзгариши мумкин (масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, ишчиларнинг иш ҳақи даражаси, товарларни бозорга чиқариш учун харажатлар ва бошқалар).
- Буларни инобатта олган ҳолда, биз иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларни, шунингдек параметрларни ҳам кўрсатиб ўтамиш. Иқтисодий хавсизлик кўрсаткичларнинг энг асосийи функцияси сифатида фойда функциясини олиш мумкин:

$$\Pi = D - P = f(x_1, x_2, \dots, x_n) \quad (4)$$

бу ерда:  $\Pi$  - даромад,  $\Pi$  - харажатлар қисми,  $x_1$  - таъсир қилувчи н кўрсаткичлар сони. Қандай шароитларда яъни:

$$F(x_1, x_2, \dots, x_n) \geq F \quad (5)$$

бу ерда:  $F$  - бу объект учун иқтисодий хавфсизликнинг доимийлиги, объект иқтисодий хавфсизликка эга, у қанчалик юқори бўлса, функция қиймати шунча катта бўлади.

Агарки:

$$F(x_1, x_2, \dots, x_n) < F \quad (6)$$

Ушбу объект учун инқирозга учраётган ёки иқтисодий хавфсизликка эга эмас.

Агар саноат корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги кўриб чиқилаётган бўлса, унда корхона бюджетининг харажатлар ва даромадлар қисмининг асосий моддалари куйидагича талқин қилиниши мумкин: иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари ёки параметрлари. Албатта, уларнинг ҳар бири кўп сонли омилларнинг доимий ва мураккаб функцияси бўлиши мумкин. Масалан, корхонанинг ўз капиталига нисбатан қарз маблағларининг катта бўлиб кетиши молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Айланма маблағлар, ушбу турдаги кўрсаткичлар иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичининг қийматини тегишли доимий компонентга камайтиради.

Иқтисодий хавфсизликка сезиларли даражада номутаносиб таъсир кўрсатадиган ижтимоий эҳтиёжлар, ишчиларнинг иш ҳақи харажатлари каби харажатлар турлари ҳам иқтисодий хавфсизликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бундай харажатларнинг роли алоҳида ҳисобланади. Бир томондан, корхоналарнинг иқтисодий фаолияти асосий мезони - даромад, фойда, шунингдек, ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфларнинг нисбий микдорининг ўсиши эмас. Бошқа томондан қараганда, бу эрда яқинлашганди ижтимоий омилнинг таъсири кескин ошадиган бўлса харажатларни камайтириш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи коэффициентини  $r_c$  билан белгиласак, унда саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи куйидагича ифода этилади:

$$r_c = \frac{1}{1 - \frac{P_c}{P_{kp}}} \quad (7)$$

бу ерда:  $P_c$  - ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфларнинг харажатлар,  $P_{kp}$  - харажатларнинг таҳликали қиймати. Бундай харажатларнинг таъсир коэффициентлари ўхшаш хусусиятга эга

бўлади, буларга касбий ривожланиш, соғлиқни сақлаш харажатлари (компенсация ва хар хил турдаги суғурта харажатлари), тахликали қийматта яқинлашиши ортиб боради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Перекресюва Л.Б. Внешние и внутренние финансовой безопасности предприятия. Ж.Финансы и кредит, 2007. - с. 68-75.
2. Экономическая безопасность России. Учебник // Под ред. В.К.Сенчаков. - М.: Дело, 2005. – с. 896.
3. Тухтабаев Ж.Ш. “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш”: икт.фган.бўйича фалсафа док. (PhD). дисс. - Т., 2019. - 156 б.
4. Подмолодина И.М. Подходы к опенке экономической безопасности предприятий. Вестник Воронежского государственного университета инженерных технологий, 2012. - № 4(54). – с. 156-161.

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА ТИББИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Рахимова Садоқат Мамутовна**  
**УрДУ Туризм ва иқтисодиёт факультети**  
**1-босқич таянч докторанти**

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ўзининг бозор иқтисодиётига асосланган янги стратегик иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни назарда тутувчи тизимларни ташкил этмоқда. Давлатимиз ана шундай узоқ йилларга мўлжалланган максадлари негизида халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, аҳолининг ҳар томонлама иқтисодиётда фаоллигини ошириш, турмуш кечириш сифатини ва самарадорлигини таъминлаш асосий йўналиш ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда товарлар бозори ривожланиши билан хизматлар бозори ҳам ўз йўналишларини белгилаб олди.

Иқтисодиётда фаол турмуш тарзини амалга оширувчи ҳар қандай шахс бевосита тиббий хизматлардан фойдаланишини ҳисобга олиб ,Ўзбекистон бу борада сифатли тиббий хизматлар бозорини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Иқтисодиётда тиббий хизматлар бозори ҳозирги кунда фаол бозорларга айланмоқда. Минтақанинг иқтисодий ривожланишида бошқа бозорлар сингари тиббий хизмат бозори ҳам ўзининг самарасини кўрсатмоқда.Тиббий хизматлар бозори кейинги йилларда тиббий туризмнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатмоқда.Аҳоли ишчанлик фаолияти даврида йўқотилган меҳнат сарфини қайта тиклашга бўлган эҳтиёжи натижасида соғлигини яхшилаш масаласига дуч келишади.

Ҳозирда мамлакатимиз асосан тиббий туризм бўйича ҳалқаро тажрибаларни ўрганмоқда. Масалан,Туркия,Исроил,Сингапур давлатларининг тиббий туризм бўйича ҳалқаро тажрибаларини ўрганиб қўйидаги ўзига хос хусусиятларини кўриш мумкин:

-аҳоли саломатлигини қайта тиклашга бўлган эҳтиёжи тиббий хизматлар бозори имкониятларининг юқори даражасига олиб бориши;

-тиббий хизматлар кўрсатишда замонавий тиббиёт технологияларидан самарали фойдаланиш;

-тиббиёт соҳаси ходимларини малака даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши;

-мамлакатдаги табиий ва антропоген ресурсларнинг мавжудлиги кишиларнинг соғлигини қайта тиклашга янада кенг шароит яратиши;

-минтақаларда тиббий туризмни ривожлантиришга алоҳида давлат томонидан сармояларнинг йўналтирилиши;

-тиббий хизмат кўрсатувчи санатория, пансионат, меҳмонхона, тоғ-ён бағирлари, кўллар, денгиз бўйларида жойлашган туристик зоналардаги хизматлар сифатининг юқори даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиётида тиббий туризм энг истиқболли соҳалардан бири бўлиши кутилмоқда. Айниқса, улкан туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакатимизда ҳам тиббий туризни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2018 йил давомида 5 миллион нафар чет эллик сайёҳ ўзбекистонга келиб, шундан 94 фоизи МДҲ давлатларидан бўлса, қолган 6 фоизи бошқа мамлакатлардан.Улар асосан, маданий-тарихий ёдгорликларни кўриш истагида бўлсаларда, табиий туристик ресурсларимиздан фойдаланиб соғликларини тиклаш имкониятига эга бўлмоқдалар.Тиббий туризм кишиларнинг

асосий яшаш жойларидан ташқарыда дам олиш билан бирга юқори малакали тиббий хизмат истеммол қилиши хисобланади. Кишилар тог ён бағирларыда, ўрмонзорларда, сув ҳавзалари атрофида, табиат кўйнида дам олиб соғлигини тиклаши, шу вақтнинг ўзида профессионал медицина хизматидан фойдаланиши мумкин."Пациентс Беёнд Бордерс" халқаро тиббий туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, бу соҳа даромади халқаро туризмга ҳар йили ўртача 40 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирмоқда.

Тиббий хизматини кўрсатиш бўйича ҳозирги кунда Хиндистон, Венгрия, Мексика, Сингапур, Таиланд, Бразилия, Жанубий Корея, Туркия давлатлари машхур хисобланади. Тиббий хизматларнинг айрим турлари масалан, Бразилияда 4500 дан зиёд косметология жарроҳлари 180 мингдан зиёд сайёхларни даволаган бўлса, тиббий сайёхлар сони Туркияда 110 минг, Хиндистонда 400 минг, Сингапурда 600 минг, Мексикада бир миллион, Таиландда 1,2 миллион кишига етган.

Ўзбекистон Республикасидаги соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан берилган таклифга асосан чет эл фуқаролари учун 3 ой муддатга янги виза "Медисал Виса" жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам дам олиш ва соғлиқни тиклаш масканлари мавжуд. Чорвок, Белдирсой оромгоҳлари, "Мерсиан", "Ботаника", "Турон", "Зомин" каби 100 дан зиёд санаторийлар бутун дунёга машхур. Ҳозирги кунда юртимизда 150 дан зиёд хусусий клиникалар, даволаниш марказлари аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббий туризмни янада ривожлантириш учун бу каби клиникаларни қўпайтириш билан бирга яна бир қатор ишларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

- нуфузли тиббий марказлар қошида пуллук ва бепул тиббий ёрдам тизимини жорий этиш;
- туристлар учун тиббий катологларни яратиш;
- медицина сугуртасини йўлга қўйиш;
- аҳолига медицина хизматини ташкил этишда нафақат давлат ёки хусусий мулк формаларидан фойдаланиш, балки қўшма мулкчиликка асосланган (масалан, давлат ва хусусий, чет эл) касалхона, кооператив, ҳиссадорлик жамиятлари каби бошқа мулк шаклларига асосланган касалхона, профилактория, санаториялар, соғломлаштириш марказларини ташкил этиш;
- тиббий туризм соҳасида банд бўлган чет эл шифокор мутахассисларини жалб этиш;
- маҳаллий медицина ходимларини чет элда ўқитиш, малакасини оширишни рағбатлантириш;
- бу йўналишда кетган сарф харажатлар учун солиқ юкини камайтириш;
- нодавлат тиббий туризм обьектлар барпо этиш лозим.

Мамлакатимизда инсон қадр-қиммати юксак даражага кўтарилаётган даврда аҳолига сифатли ва кафолатли тиббий хизматларни кўрсатиш хукуматимизнинг бош масалаларидан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Р.Е.Владимировна.Медицинские услуги: понятие и особенности. Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал) 3(39)2017г .Библиотека e-library.ru
- 2.Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш. дисс. и.ф.н.,-Т.: Гул.ДУ, 2001,-156 б.; 36.
- 3.Рахмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш: и.ф.н. .... дисс. автореферати Т.: Ўз.Р. БМА-2012.-22 б.
- 4.Ш.Ҳамдамов "Хорижий мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари" Т. "Молия" журнали 2014 йил 6-сон 128- 135 бетлар
- 5.Джуманазаров Отабек Абдиазизович."Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбалари ва уларни барқарорлаштириш" номли диссертацияси 2017й.
6. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахбортономаси. – Тошкент, 2017-2019 й.й

## **РОЛЬ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ**

**Исмагулова Г.Н.**

Независимый соискатель, Ташкентский Государственный Аграрный Университет  
**Турсунова А.А.**

Ташкентский финансовый институт Студент группы мм-11

В настоящее время цифровая экономика и многие эффективные технологии, связанные с ней, стремительно входят в нашу жизнь. Следует отметить, что цифровая экономика играет важную роль в обществе. По этой причине в целях дальнейшего развития государства и общества

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев поставил ряд важных задач. В частности, в Послании Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года нам необходимо разработать «Национальную концепцию цифровой экономики», которая предусматривает модернизацию всех секторов экономики на основе цифровых технологий [1]. Исходя из этого, по его словам, «нам необходимо реализовать программу «Цифровой Узбекистан-2030». В связи с этим важную роль играет постановление от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан». В связи с этим цифровая экономика, работающая на платформах информационных технологий, стремительно развивается, что обуславливает необходимость создания новых моделей этих платформ.

В этой статье мы теоретически рассмотрим роль цифровой экономики в обеспечении макроэкономической стабильности. Цифровая экономика является формой экономической деятельности, в которой основным фактором производства и услуг является использование данных в виде чисел, обработка больших объемов информации и анализ результатов при производстве различных услуг, технологий, устройств хранения, доставки продуктов, заключается в реализации более эффективных решений [2]. Другими словами, цифровая экономика - это система, которая соединяет онлайн-сервисы, электронные платежи, электронную коммерцию, краудфандинг и другие отрасли промышленности с цифровыми компьютерными технологиями [3]. Действительно, развитие информационных и коммуникационных технологий заложило основу для внедрения современных технологий в нашу жизнь, для радикальных позитивных изменений в жизни человека. Например, благодаря развитию цифровых технологий мы можем получить много удобства и сэкономить время. Мы можем совершать необходимые покупки онлайн, получать и читать книги в электронном виде, избавляться от ненужных документов и заказывать еду и закуски, не выходя из дома. Развитие цифровой экономики окажет положительное влияние на нашу повседневную жизнь, создав множество дополнительных возможностей для рядового пользователя, а также широкий спектр возможностей для развития обрабатывающей промышленности и сферы услуг.

Повышение уровня использования современных информационных технологий является одним из основных условий стабильности экономики страны, экономического роста и повышения благосостояния населения. В то же время он стремится предпринять правовые шаги для стабилизации экономики, ее оживления и развития в процессе перехода к инновационной экономике. Сегодня цифровая экономика играет очень важную роль в развитии нашей экономики и поддержании макроэкономического баланса, предотвращении спада производства, создании новых рабочих мест и поддержании сбалансированного платежного баланса. В цифровой экономике цифровые данные являются ключевым элементом производства во всех социально-экономических сферах, и переход к такой экономической системе повысит глобальную конкурентоспособность нашей страны, еще больше улучшит качество жизни, открытость и прозрачность, быстрый экономический рост.

#### **Список литературы:**

1. [www.aza.uz](http://www.aza.uz) // Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Олий Мажлис. 28.12.2018.
2. Тухтабаев Ж.Ш. Организационно-экономический механизм повышения эффективности труда на промышленных предприятиях в условиях развития цифровой экономики. – Т.: 2020. – с. 182.
3. Азизов У.У., Тошматов З.Х., Аюпов Р.Х. “Основы цифровой экономики”. – Т.: 2019.

#### **INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH XUSUSIYATLARI**

**Djalilova Shaxnoza Salmovna,  
SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasi katta o'qituvchisi**

Iqtisodiy taraqqiyotga erishishning yangi sifat bosqichiga o'tishi yuzasidan iqtisodiyo islohatlarni chuqurlashtirish va modernizatsiyalash bo'yicha belgilangan ustuvor yo'nalishlarning amalga oshirishi natijasida bugungi kunda iqtisodiyotimizning tarkibida bo'layotgan ijobjiy o'zgarishlardan dalolat beradi.

O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.M. Mirziyoevning Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga murojaatnomasida ta'kidlanganidek: “Tadbirkorlar huquqlarini ta'minlashda Oliy Majlisning ikkala palatasi ta'sirchan parlament nazoratini yo'lga qo'yishi zarur. Tadbirkorlik sohasida ijtimoiy xavfi katta bo'limgan ayrim jinoyat turlarini jinoyat toifasidan chiqarish siyosatini izchil davom ettirishimiz

lozim”. [1] Demak ushbu fikrlardan kelib chiqqan holda soxta tatbirkorlik , raqobatchi obro’sini tushurishi kabi qilmishlari uchun jinoiy javobgarlik bekor qilinadi. Shuningdek, bojxona qonun hujjalarni buzish jinoyatini birinchi marta sodir etgan, lekin to’lovlarini to’lamagan shaxslarni, jinoiy javobgarlikdan ozod qilish kerakligining ham ushbu ma’ruzada ta’kidlanganligi tadbirkorlar uchun alohida qo’llab-quvvatlovchi e’tibor ekanligini anglatadi.

Mamlakatimizda ishbilarmonlik muhitini shakillantirish kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni har tamonlama qo’llab-quvvatlash va kelgusida rag’batlantirish, aholi turmush tarzi va daromadlarning ortishiga ham kichik va xususiy tadbirkorlikning o’rni tobora ortayotganligi sabab bo’lmoqda.

Hozirgi vaqtida davlat o’z navbatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash va rivojlantirish siyosatini quyidagi yo’nalishlarda amalga oshirmoqda:

—Ustuvor faoliyat bilan shug’illanuvchi tadbirkorlarga soliq imtiyozlari va rag’batlantirishlar yaratildi;

—tadbirkorlik subektlarini imtiyozli kreditlash va sug’urta qilish;

—moliyaviy yordam berish;

—kichik innovatsion tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash va rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish va boshqalar.

Jahon mamlakatlarida aholining katta qismi kichik biznes sohasida faoliyat ko’rsatadi. Jumladan, Xitoy 80%, Yaponiya 48%, AQSH 50%, O’zbekistonda esa 78% aholi kichik tadbirkorlik sohasida band. Jahon mamlakatlarida kichik tadbirkorlikning iqtisodiyotdagi ulushi ham yuqori darajada, jumladan, Xitoyda 60%, Italiyada 68%, Germaniyada 53%, Rossiyada 21%, O’zbekistonda esa 56% ni tashkil qiladi. Har bir 1000 aholiga to’g’ri keladigan tadbirkorlik sub’ektlari Yevropa ittifoqida 57 birlikni, AQSHda 90 birlikni, Rossiyada 27.2 birlikni 2, O’zbekistonda esa 22 birlikni tashkil qiladi.[2]

Taxminlardan ko’rinib turibdiki, rivojlangan mamlakatlар iqtisodiyotida kichik biznesning ulushi yuqori darajada. Chunki yangilanib borayotgan ehtiyojni aniqlab, uni qondirish uchun tezlik bilan innovatsion g’oyalarni amaliyatga tadbirkorlik sub’ektlari etadi. Innovatsion mahsilotni birinchi ishlab chiqargan mamlakat iqtisodiy o’sadi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik orqali xizmat ko’rsatishni yaxshilashga alohida e’tibor qaratish maqsadida Prezidentimizning jonkuyarlik asosidagi quyidagi fikirlariga to’xtalishimiz mumkin. “Shu bilan birga, hamma ham tadbirkor bo’la olmaydi. Shu sababli bunday odamlar bilan tizimli ishlab, ularni kasbga qayta tayyorlash orqali munosib ish joyi bilan ta’minalash lozim. Ushbu maqsadlar uchun 700 mln dollar jalb qilinadi. Biz yangi ish o’rinlarini yaratadigan tadbirkorlarni har tomonlama qo’llab-quvvatlashimiz, ta’bir joiz bo’lsa, ularni yelkamizda ko’tarishimiz kerak”.[3]

Xulosa o’rnida, iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida ham kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan qo’llab-quvvatlash bu – tuzilmalarning moddiy-texnik-asosini barpo etish, ularga ko’maklashish, tashqi iqtisodiy faoliyatni yuksaltirish, iqtisodiy-ruhiy jihatdan kafolatlash, sug’urta tizmi, zarur axborotlar bilan ta’minalash, tashqi iqtisodiy faoliyatni yuksaltirish kabi omillar orqali amalga oshirilishi lozim, deb o’ylaymiz.

#### **Foydalanaligan adabiyotlar ro’yxati:**

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. // Xalq so’zi gazetasi, 2020 yil 24-yanvar.

2.Vladimir Ruvinskiy. Почему малый бизнес не растёт.  
<https://www.vedomofti.ru./opinion/articles/2019/05/08/>.

3. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. // Xalq so’zi gazetasi, 2020 yil 24-yanvar.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ И ИНИАТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ И СТАНОВЛЕНИИ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Парпиева Н.Т.**

**Ст.преп.кафедры общественных наук ТФИ**

**Турсунова М.**

**Студентка ТФИ-ПГУ СФФ - 52**

На сегодняшний день один из самых важных вопросов в сфере экономике Республики Узбекистан является цифровая экономика. Как нам известно, во многих развитых странах проводится внедрение цифровизации во все сферы деятельности. Нужно отметить, что с помощью цифровой экономики открываются возможности для создания новых инновационных технологий, моделей торговли, здравоохранения, образования, развитие экономики и всего

общества. А также способствует эффективности государственного и общественного управления, развитию социальной сферы, одним словом, кардинальному улучшению жизни людей. Благодаря этому уменьшается доля теневой экономики в ВВП, снижается уровень коррупции, ускоряется процесс перехода в систему безналичного расчета. Экономика становится прозрачной, формируется образовательная и трудовая система, отвечающая требованиям современных технологий. Надо подчеркнуть, что это также дает возможность на повышение активности молодёжи в сфере деятельности экономики страны. В конечном итоге служит развитию страны, повышению благосостояния жизни народа, особенно для повышения интеллекта и активности молодёжи.

Одна из самых приоритетных задач, определенных в Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису на ближайший 5 лет, является активный переход на цифровую экономику. В целях подтверждения и введения на новый современный уровень работы по развитию сферы науки и просвещения, воспитания молодежи личностями, обладающими глубокими знаниями, высокой культурой и духовностью, формирования конкурентоспособной экономики Республики Узбекистан 2020 год был назван «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики».

По индексу развития ИКТ Узбекистан занимает 103 место из более чем 170 стран, опережая, например, Египет, но уступая Турции и Бразилии. [1] «Несмотря на то, что в 2019 году в международном индексе по развитию информационно-коммуникационных технологий наша страна поднялась на 8 позиций, мы все равно очень отстаем в этой области. Не будет преувеличением сказать, что большинство наших министерств и ведомств, предприятий все еще далеки от полноценного внедрения цифровых технологий»- отметил глава государства Республики Узбекистан. Экспорт услуг в сфере телекоммуникационных и информационных технологий в 2018 году составил 154,5 млн долларов (5,1% от общего объема экспорта услуг), а импорт — 47,1 млн долларов (2,1% от общего объема импорта услуг).

Доля специалистов в сфере ИКТ среди занятого населения в 2019 году составила 0,5%, что почти в семь раз меньше, чем, к примеру, в среднем по странам Евросоюза (3,7%). При этом спрос на ИТ-специалистов в стране стремительно увеличивается, а дефицит кадров в этой сфере может привести к негативным последствиям как для частного сектора, так и для эффективного госуправления. [2]

Конечно, формирование цифровой экономики потребует соответствующей инфраструктуры, огромных средств и трудовых ресурсов. И президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиев утверждает – “ Но, как бы, ни было трудно, мы обязательно должны уже сегодня приступить к этой работе, иначе завтра будет поздно. Поэтому ускоренный переход на цифровую экономику станет нашей приоритетной задачей на следующие пять лет ”. А также Ш.М. Мирзиев отметил в своём послание Олий Мажлису - “ Учитывая, что в прошлом году завершились работы по подключению всех городов и районных центров к сетям высокоскоростного интернета, нам следует в ближайшие 2 года обеспечить такой возможностью все села и махалли. Сегодня высокоскоростной доступ к интернету имеют более 7 тысяч учреждений здравоохранения, дошкольного и школьного образования, а через 2 года их число увеличится еще на 12 тысяч ”. В течение двух месяцев Президент поручил завершить разработку программы “Цифровой Узбекистан – 2030”. [3] В настоящее время в Ташкенте создается “ИТ-парк” с современной инфраструктурой. Мы уже видим первые результаты его работы. Такие «ИТ-парки» будут также организованы в Нукусе, Бухаре, Намангане, Самарканде, Гулистане и Ургенче.

Безусловно, на настоящее время в стране более 60% населения составляет молодёжь. Исходя из этого, внимание обращено на то, чтобы нынешнее поколение развивался и показывал свои интересы в экономике страны. В 2017 году у 32 студентов из 1000 есть персональные компьютеры. Более того, нехватка компьютеров в школах еще более усугубляется показателем количества домохозяйств в Узбекистане, имеющие персональные компьютеры, 50 компьютеров на 100 домашних хозяйств . Это также подтверждается тенденциями рынка труда — согласно недавнему исследованию, посвященному оценке нехватки квалификационных навыков на узбекском рынке труда, 68% опрошенных компаний отметили важность ИТ и компьютерных навыков в качестве одной из ключевых причин при найме новых кандидатов. В 2018 году было предложено 127 онлайн-услуг от различных государственных учреждений, а количество заявлений достигло 3,2 миллиона. Однако из 32 миллионов количество пользователей составило всего 57,7 тысяч человек. Начиная с 2019 года, получение государственных услуг онлайн обходится на 10% дешевле.[4] Во-первых, мы видим, как молодежь XXI века отличается со своим экономическим

поведением, которое выявляет свое индивидуальное мнение. Таким образом, главными приоритетом целями молодёжь является получение доходной работы, большей прибыли, и естественно облегчение работы с помощью инновационных технологий. В целях подготовки высококвалифицированных специалистов в области информационных технологий совместно с нашими зарубежными партнерами был запущен проект "1 миллион программистов".

Ярким примером, можем увидеть, какие возможности проявляются со стороны главы государства для молодёжи страны. Как известно по указу президента до 1 мая 2020 года надо разработать порядок проведения в каждом регионе не менее одного конкурса на тему «Лучшая учебная программа».[5] В связи с этим проводится максимальная поддержка для актуальных вопросов повышения активности и инициативности молодежи в обеспечении экономической стабильности и становлении цифровой экономики. Например, недавно 28 29 февраля и 1 марта были проведена конференция на тему "C7-World Economy and Business" в котором были вовлечены 550 делегатов. "Цель международной конференции - ознакомить молодежь с деятельностью крупнейших мировых организаций, найти и представить научно обоснованные решения современных глобальных и социально-экономических проблем. Кроме того, впервые в модели Кабинета Министров организован и обсужден среди молодых экономистов проект "бюджетные ассигнования на 2020 год" среди молодежи. У них будет четкое понимание механизма, по которому работает государственная организация"

В заключение следует отметить, что в условиях развития цифровой экономики в Республике Узбекистан является одной из наиболее значимых возможностей для инициативности молодежи. В современных конкурентных условиях на рынке труда телекоммуникационной отрасли необходимо проводить оценку своих рабочих мест с позиции определения их привлекательности для молодежи.

В сфере совершенствования системы государственного и общественного строительства президент Республики Узбекистан предлагает: [6]

- внедрить с 2020 года в деятельность Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан систему «Электронный парламент», позволяющую использовать электронный портал и мобильное приложение в целях формирования парламентских и депутатских запросов на основе обращений граждан в сети Интернет, а также осуществления прямого диалога с избирателями;

Однако для развития цифровой экономики необходимы решения следующих актуальных задач:

- развитие телекоммуникационной инфраструктуры и связи;
- создание экосистемы для развития и внедрения цифровых технологий;
- обеспечение подготовки высококвалифицированных кадров для цифровой экономики;
- разработка образовательных программ для распространения цифровых компетенций;
- отмена государственной монополии на международные шлюзы;
- безопасные и доступные интернет-услуги и получать выгоду от цифровой экономики.

#### **Список использованной литературы:**

1. <https://kommersant.uz/tsifrovaya-ekonomika-uzbekistana/>. Дата доступа: 21.08.2019
2. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/28/e-transformation/>. Дата доступа: 28.11.2019
3. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 24.01.2020г. <http://aza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respublik-i-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020> . Дата доступа: 25.01.2020
4. <https://kommersant.uz/tsifrovaya-ekonomika-uzbekistana/> . Дата доступа: 21.08.2019
5. Государственную программу по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/03/23609/> . Дата доступа: 3.03.2020
6. Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах  
<https://www.pv.uz/ru/documents/2017-2021-yillarda-ozbekiston-respublikasini-rivojlantirishning-beshta-ustuvor-yonalishi-boyicha-harakatlar-strategiyasini-ilm-marifat-va-raqamli-iqtisodiyotni-rivojlantirish-yilida-amalga-oshirishga-oid-davlat-dasturi-togrisida>

## **БИРЖАВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Турсунова Азиза Азамиддин қизи,  
Тошкент Молия институти ММ-11 гуруҳ талабаси.**

Мамлакатимизда биржавий қимматли қоғозлар бозори савдо тизими сифатида “Тошкент” Республика фонд биржаси фаолият кўрсатади. “Тошкент” Республика фонд биржаси ташкил этилишига хукукий асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-745-сонли Фармони ҳисобланади [1]. Мазкур Фармонга мувофиқ “Тошкент” Республика фонд биржаси 1994 йил 8 апрелда ташкил топган.

Хозирги кунда “Тошкент” Республика фонд биржасининг акциядорлари бўлиб қуйидаги ташкилотлар ҳисобланади:

- ⊕ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги – 50,0 фоиз + 1 та акция;
- ⊕ Корея фонд биржаси – 25,0 фоиз - 1 та акция;
- ⊕ Ўзбекистон Республикаси Давлат акциядорлик тижорат банки “Асака” банк – 6,25 фоиз;
- ⊕ Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллый банки – 6,25 фоиз;
- ⊕ Очиқ акциядорлик тижорат банки Ўзсаноаткурилишбанк – 6,25 фоиз;
- ⊕ Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки – 6,25 фоиз [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 марта таддиги “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-1727-сонли Қарори қабул қилинди [3]. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси (хозирги давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корея фонд биржаси (KRX) ўртасида бош шартнома тузилди. Ушбу келишувга асосан бутун республика фонд бозори учун корпоратив қимматли қоғозлар билан савдолар ва депозитар операцияларни амалга оширувчи фонд бозорининг Ягона дастурий-техник комплекси (ЯДТК)ни етказиб бериш ва ишга тушириш эвазига “Тошкент” Республика фонд биржаси давлат акциялар пакетининг бир қисмини, яъни 1 та акция кам 25 фоизи тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси фонд бозорининг ЯДТК қуйидаги тизимларни ўз ичига олади:

- депозитар модулли брокерлик тизими;
- фонд биржанинг савдо тизими;
- биржадан ташқари электрон савдо тизими;
- қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан тақдим этиладиган депозитар тизим;
- “Тошкент” РФБ ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан тақдим этиладиган клиринг тизими;
- Ташқи иқтисодий фаолият Миллый банки томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар тизими;
- Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат организининг назорат тизими.

Фонд бозорининг Ягона дастурий-техник комплекси жорий этилиши қуйидаги ижобий ўзгаришларга сабабчи бўлди:

- ЯДТК қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчиларини яхлит бир тизимга бирлаштириди;
- қоғоз хужжатларининг қисқаришини таъминлади;
- қимматли қоғозлар билан операцияларнинг тезлиги ошиди;
- депо ҳисоб варагини бир неча дақиқада очиш имкониятини яратди;
- HTS (home trading system) ва MTS (mobile trading system) тизимлари ишга тушишига;
- ягона интеграллашган маълумотлар базаси яратилишига олиб келди.

“Тошкент” Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти кузатув кенгashi қарори (08.10.2018 йилдаги 5-баённома) билан тасдиқланган “Тошкент” Республика фонд биржасининг биржа котировка рўйхати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ биржа котировкаси рўйхатининг 4 та тоифаси мавжуд. Булар А, В, С ва Р тоифалардир [2].

Биржа котировкасининг “А” тоифаси – биржа листингидан ўтган ва ушбу тоифадаги листинг талабаларига жавоб берадиган эмитентларнинг қимматли қоғозлари рўйхати.

Биржа котировкаси – биржа листингидан ўтган ва ушбу тоифадаги листинг талабаларига жавоб берадиган эмитентларнинг қимматли қоғозлари рўйхати.

Биржа котировкаси – биржа листингидан ўтган ва ушбу тоифадаги листинг талабаларига жавоб берадиган эмитентларнинг қимматли қоғозлари рўйхати.

Биржа котировкаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан биржа савдоларига қўйиладиган давлат акциялари ва қимматли қоғозлари рўйхати (агар эмитент ва унинг қимматли қоғозлари илгари “А”, “В” ёки “С” тоифаларга киритилмаган бўлса).

“А”, “В”, “С” ва “Р” тоифалари бўйича биржа листингига кириш қуидаги тартиблар (процедураларни) ни ўз ичига олади:

- қимматли қоғозлар эмитентининг унинг қимматли қоғозларини биржа котировкаси рўйхатига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш;
- қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ҳолатини баҳолаш;
- қимматли қоғозларнинг ликвидилигини баҳолаш.
- қимматли қоғозларни биржа котировкаси рўйхатига киритиш ва уларни биржа аъзоларига етказиш.

Биржа котировкаси рўйхатига киритилган қимматли қоғозлар биржа савдоларига қўйилган деб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар биржа котировкаси рўйхатининг тегишли тоифаларига листинг комиссиясининг хulosасига кўра чиқарилган биржа бошқарув кенгашининг қарорига биноан кейинчалик биржанинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали киритилади.

2019 йил 20 июнь ҳолатига “Тошкент” Республика фонд биржасида котировка рўйхатига кирган 105 та эмитент мавжуд. Шундан А тоифада - 14 та эмитент, В тоифада – 10 та эмитент, С тоифада – 69 та эмитент, Р тоифада – 12 та эмитентлар рўйхатга кирган [2].

Биржа листингидаги корхоналарнинг камайиши паст ликвидли акциядорлик жамиятлари ва “ўлик жон”ларни делистинг бўлганлиги билан изоҳланади.

“Тошкент” Республика фонд биржасининг ҳам жаҳондаги бошқа биржалар каби листинг талаблари мавжуд. Қимматли қоғозларни биржа котировкаси тегишли тоифасига киритиш учун эмитентларга қўйиладиган талаблар қуидагилардан иборат.

#### **“А” тоифа учун:**

- сўнгги йиллик ҳисботга мувофиқ эмитентнинг устав капитали камида 16 млрд. сўм бўлиши;
- эмитентнинг акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиши муддати камида 3 йил, сўнгги уч молиявий йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижаларга эга бўлиши;
- эмитентнинг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 80 фоиз ва ундан ортиқ бўлиши;
- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;
- давлатга, давлат акциядорлик жамиятларига, холдинг компаниялари ва хўжалик бирлашмаларига тегишли бўлмаган, шунингдек мажбуриятлари юкланмаган, эмитент томонидан чиқарилган акцияларнинг камида 15 фоизи эркин муомалада бўладиган акциялар (free float)ни ташкил қилиши;
- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;
- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида 120 фоизини тақшил этиши лозимлиги;
- ички аудит хизматининг мавжудлиги;
- корпоратив бошқарув бўйича алоҳида таркибий бўлинманинг мавжудлиги;
- молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) бўйича ҳисботларни тузиш;
- корпоратив бошқарув кодексининг мавжудлиги.

#### **“В” тоифа учун:**

- сўнгги йиллик ҳисботга мувофиқ эмитентнинг устав капитали камида 8 млрд. сўм бўлиши;
- эмитентнинг акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиши муддати камида 2 йил, сўнгги икки молиявий йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижаларга эга бўлиши;
- эмитентнинг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 50 фоиз - 80 фоиз оралигига бўлиши;

- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;
- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;
- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камидаги 110 фоизини ташкил этиши лозим.

**“С” тоифа учун:**

- эмитент устав капиталининг микдори мазкур тоифага киритиш учун ариза ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлиши лозим;
- эмитентнинг фаолият кўрсатиш муддати белгиланмаган. Шу билан бирга, агар эмитент икки йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатган бўлса сўнгги икки йил учун, агар икки йилдан кам муддатда фаолият юритган бўлса сўнгги молиявий йил учун, агар эмитент бир йилдан кам муддатда фаолият юритаётган бўлса охирги квартал учун биржа хужжатларни ушбу тоифага киритиш учун кўриб чиқади;
- эмитентнинг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 5 фоиз - 50 фоиз оралигига бўлиши;
- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;
- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;
- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камидаги 100 фоизини ташкил этиши лозим.

**“Р” тоифа учун:**

- эмитент устав капиталининг микдори мазкур тоифага киритиш учун ариза ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлиши лозим;
- Кимматли қоғозлар пакетини сотиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг қарорининг нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (илгариги Давлат Рақобат қўмитаси)нинг биржа савдоларида давлат акция пакетларини жойлаштириш тўғрисидаги қарори (буйруғи) нусхаси;
- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги каби талаблар мавжуд.

Хорижий фонд биржаларнинг фаолияти таҳлили листинг тоифаларини оптималлаштириш кераклигини кўрсатмоқда. “Тошкент” Республика фонд биржаси листинг тоифаларини “А”, “В”, “С”, “Р” тоифаларидан халқаро амалиётда бўлгани каби соддалаштириш ҳамда “Премиум” ва “Стандарт” тоифаларига ўтказиш лозим. Мазкур ўзгаришлар листинг тоифаларини содда, тушунарли бўлишига ва жаҳон амалиёти андозаларига яқинлашишига олиб келади.

Куйида биз “Тошкент” Республика фонд биржаси котировкаси рўйхати тоифаларига таклиф этилаётган ўзгаришларни келтириб ўтамиз.

**“Премиум” тоифа учун:**

- сўнгги йиллик ҳисоботга мувофиқ эмитентнинг устав капитали камидаги 20 млрд. сўм бўлиши;
- эмитентнинг акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиши муддати камидаги 5 йил, сўнгги беш молиявий йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижаларга эга бўлиши;
- эмитентнинг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари биржа томонидан белгиланган ушбу тоифадаги биржа котировкаси рўйхати талабаларига мувофиқлиги – 80 фоиз ва ундан ортиқ бўлиши;
- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;
- давлатга, давлат акциядорлик жамиятларига, холдинг компаниялари ва хўжалик бирлашмаларига тегишли бўлмаган, шунингдек мажбуриятлари юкланмаган, эмитент томонидан чиқарилган акцияларнинг камидаги 10 фоизи эркин муомалада бўладиган акциялар (free float)ни ташкил қилиши;
- эмитент томонидан биржага афилланган шахслар рўйхати ва бошқа муҳим маълумотларни тақдим этилиши;
- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камидаги 120 фоизини ташкил этиши лозимлиги;

- ички аудит хизматининг мавжудлиги;
- корпоратив бошқарув бўйича алоҳида таркибий бўлинманинг мавжудлиги;
- молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) бўйича ҳисботларни тузиш;
- корпоратив бошқарув кодексининг мавжудлиги.

#### **“Стандарт” тоифа учун:**

- эмитент устав капиталининг миқдори мазкур тоифага киритиш учун ариза ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

- эмитентнинг фаолият кўрсатиш муддати белгиланмаган. Шу билан бирга, агар эмитент икки йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатган бўлса сўнгги икки йил учун, агар икки йилдан кам муддатда фаолият юритган бўлса сўнгги молиявий йил учун, агар эмитент бир йилдан кам муддатда фаолият юритаётган бўлса охирги квартал учун биржга ҳужжатларни ушубу тоифага киритиш учун кўриб чиқади;

- эмитентнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги гурухининг камида 3 та кўрсаткичи ва камида 1 та талабларга жавоб бериши;

- эмитентнинг корпоратив веб-сайтининг мавжудлиги;

- эмитентнинг ўз капитали (маблағлари) устав капиталининг камида 100 фоизини ташкил этиши лозим.

Юкоридаларни инобатга олган ҳолда, шунда хulosа қилиш мумкинки мазкур ўзгаришлар “Тошкент” фонд биржаси листинг тоифаларини соддалаштиришга, жаҳон амалиёти андозаларига яқинлаштиришга, хорижий фонд биржалар билан интеграциясини таъминлаш жараёнида бир хил стандартда фаолият юритишига ва фаолият механизмини такомиллаштиришга олиб келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-745-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) (“Тошкент” Республика фонд биржаси расмий сайт)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 марта “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1727-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАЛҚАРО ТРАНЗИТ СОҲАЛАРИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ ТАРИХИДАН**

Бегалиев Ж.Т.

СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро алоқалари чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, Буюк ипак йўли асрлар давомида мамлакатларимиз халқларининг моддий ва маънавий маданияти ютуқларини умумлаштиришда, илм-фан ва санъатда эришилган муаффақиятларни ўзаро баҳам кўришда муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда ҳам бу анъаналар изчиллик билан давом эттирилаётган бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда мавжуд транспорт коммуникация тармоқларини қайта тамирлаш ва уларнинг транзит имкониятларини ошириш, ҳамда темир йўлларни барпо этиш долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон ўзининг кўра миңтақанинг қуруқлик ва ҳаво йўллари кесишув нуқтасида жойлашган бўлиб, Хитойнинг жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида Хитойнинг транспорт йўллари Ўзбекистоннинг Тинч океани бандаргоҳларига чиқишига ёрдам беради. Савдо йўлларининг мамлакат тараққиётидаги аҳамиятини тўғри баҳолаган Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов 1992 йилнинг март ойида Хитойга қилган ташрифи чоғида: «Хитой – буюк давлат, Хитой ҳалқи қадимий маданият ва тарихга эга. Бизни Хитой билан жуда кўп жиҳатлар боғлаб туради. Шарқ билан Фарбни боғлаган қадимги «Ипак йўли» ана шундай мисолардан биридир. Биз ана шу қадимий йўлнинг яна гавжум бўлиб, янгича мазмун касб этишини истаймиз» - деган эди.[1] Ўз навбатида ХХР (Хитой Ҳалқ Республикаси) раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг биринчи президенти транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-куvvatlandi. Бу ҳақида ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Пен шундай деган эди: - “ҳозирги кунда Хитойда теран иқтисодий янгиланишлар жараёни бормоқда, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий алоқалар кўнгилдагидек ривожланмоқда. Келгусида ҳам Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни давом эттирамиз.

Ўтмишда «Буюк ипак йўли» мамлакатларимиз халқларини бир-бирига боғлаб турган. Эндиликда биз янги Буюк ипак йўлини барпо этишимиз лозим. Бизнинг дўстлик алоқаларимиз аждодларимизнидан ҳам мустаҳкамроқ бўлади, деб умид қиласан». [2]

Ушбу эзгу мақсад йўлида 1997-йил 24-28 апрел кунлари Тошкентда 18 мамлакат иштирокида транспорт йўлларини таъмирлаш, ундан фойдаланиш ва шу йўналишда темир йўл қуриш масалаларига бағишлиган халқаро конференция ўтказилди. 1998-йил 19-февралда эса Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобил йўлида халқаро автомобил транзит қатнови тўғрисида Битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди.

Шунингдек, 2000-йил 20-августдан 4-сентябргача бўлган 14 кун давомида Ўзбекистон давлат акциадорлик компанияси Хитойда ташкил этилган “Буюк Ипак йўли бўйлаб” илмий экспедицияси Ўзбекистон билан XXR ўртасида муносабатларни ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилди. Экспедициянинг вазифаси XXRда “Буюк Ипак йўли”ни қайта тиклаш ва уни замонавий йўлга айлантириш борасидаги ишлар, йўлларнинг ҳозирги ҳолати ва бу борада Хитой тажрибаларини ҳамда техникавий имкониятларини ўрганиш билан бирга келажакда бу соҳада ҳамкорликнинг муҳим бўлган масалаларини аниқлашдан иборат эди.[3]

Транспорт-коммуникация алоқаларининг ривожидан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор бўлиб, XXRнинг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси Ли Цзинсян бу хақида фикр билдириб - ”Хитойнинг миллий компанияларига Тошкент аэропортини ва Ўзбекистон темир йўл транспортини қайта қуриш лойиҳаси бўйича тендерларнинг ғолиблари бўлганлигини кўрсатиб ўтган ҳолда, Андижон-Ўш-Қашқар (Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой) автомобил йўлининг қайта қурилганлигини биргаликда олиб борилаётган ишнинг реал самараси деб атади ва ушбу маршрут бўйлаб темир йўл магистрални қурилишини “узоқ муддатли ва истиқболли” лойиҳа, деб атаган эди. [4]

Хитой ҳукумати 2003-йилда “ТЕО” (Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон) темир йўл магистрални лойиҳаси учун дастлабки 20 млн.юан (2,4млн.АҚШ доллари) миқдоридаги маблағни ажратган. Ушбу темир йўл магистрални лойиҳаси: - Хитойнинг Қошғар (Каши) шахридан бошланиб, жанубий Цинцзян нуқтасига етиб келади ва Қирғизистон чегарасидаги Торугарт орқали Арпа водийсига ва ундан Фарғона водийсидаги Ўзганга келиб, Қорасув мавзейида Ўзбекистон чегарасидан ўтиши режалаштирилган. Ушбу темир йўлнинг 268,4 км қисми Қирғизистон, 165 км қисми эса Хитой ҳудудидан ўтади. Аммо лойиҳа юзасидан айrim келишмовчиликлар ҳам мавжуд. Хитой томони темир йўлни 1435мм. кенгликда, Қирғизистон томони эса магистрални 1520мм. кенглик стандартида қуришни истаганлиги сабабли, 2010-йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур машрутнинг қурилиши кечикирилди. Қирғизистон ва Хитой ҳукуматларининг 2011-йил май ойидаги келишувига кўра, - Қирғизистоннинг Тузбел бекати темир йўллар айланадиган жой бўлиши ва магистралнинг бир йўналиши бўлиши режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йил 5-7 июн кунлари XXRга расмий ташрифи пайтида Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл магистралининг қурилишига оид битимлар имзоланган. Унга кўра ТЕО лойиҳасининг сўнгги вариантини 2013 йилнинг охири ва 2014 йилнинг бошида якунлаш режалаштирилган. Қурилиш муддати 4-5 йил давом этиши мумкин. Шунингдек, лойиҳанинг бир қисми бўлган Қамчиқ довонидан иккита туннел (19км.) орқали ўтадиган янги електрлаштирилган “Ангрен-Поп” темир йўлининг (узунлиги 129 км.) қурилишига Хитой кредитини ажратишга келишилган эди. Шу асосда 2013-йилнинг июнь ойида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциадорлик компанияси ва Хитойнинг “China Raiway Tunnel Group” компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган “Ангрен-Поп” темир йўли линиясини қуриш учун умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.[5] Бу туннел Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, мамлакатимиз ҳудудиди ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш бўйича ишларни якунига етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўйини бўлиб хизмат қиласан.

Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл магистрали (ТЕО) лойиҳасининг қурилиши Хитойнинг “China National Manichery Imp.& Exp.Corporation” компанияси (раҳбари Чжу Сяомей) томонидан амалга оширилади. Хитойлик мутахасисларнинг фикрича ТЕО темир йўл магистрали юкларнинг транспортда ташиш вақтини ва масофасини ҳозирда фойдаланилаётган йўлларга нисбатан 7-8 кунга ва 900 км.га қисқартириш имкониятини яратади. Мутахассислар томонидан Қирғизистон ҳудудудан ўтадиган темир йўл магистрали қурилишининг дастлабки қиймати 1млрд.

340млн. АҚШ долларига баҳоланган. Аммо Қирғизистоннинг молиявий имкониятларининг етарли эмаслиги сабабли, унинг худудидан ўтадиган темир йўл магистралини Хитой сармояси ҳисобига қуришга келишилган. Ўзбекистонда эса темир йўлни давлат бюджети, “Ўзбекистон Темир йўллари” ДАКнинг маблағлари ва ҳалқаро молиявий институтларнинг кредит маблағлари ҳисобига қуриш режалаштирилган. Мутаҳассислар томонидан лойиҳа амалга оширилгандан сўнг, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг қитъа транзитидаги мавқейининг ортиши, дастлабки босқичнинг ўзида ташиладиган юклар ҳажми йилига 5 млн. тоннани, кейинчалик эса бу кўрсатгич 17-20 млн.тоннани ташкил этиши мумкинлиги айтилмоқда.

Бундан ташқари мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо-иктисодий алоқаларни яхшилаш мақсадида, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобил йўлини тамирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўлнинг умумий узунлиги 940 км.ни ташкил этиб, Ўзбекистон (408км), Қирғизистон (272км), Хитой (260км) худудларидан ўтади. Йўлда денгиз сатҳидан турлича баландликдаги 6 та довон бўлиб, шундан Ўзбекистонда Қамчик (2268м) ва Резак (2254м) довонларида туннеллар қурилган. Қирғизистонда эса йўл Чайирчиқ (2406м), Толдиқ (3645м), Таунмуран (3536м) довонлари оша ўтилади.[6] 2012 йилда Ўзбекистонда “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 75 км икки полосали асвалт йўл қисмини тўрт полосали цементбетон йўлга айлантириш мақсадида таъмирлаш ишлари бошланган. Узунлиги 450 км бўлган “Тошкент-Андижон”(А-373) автомобил йўлини таъмирлаш ишига хорижий сармоялар ҳам жалб қилинган. Хусусан XXP томонидан Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига 37,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Аммо ушбу йўлнинг Қирғизистон ҳудуди орқали ўтувчи қисмини қайта тамирлашда маблағлар тақчиллиги муаммоси мавжуд. Йўлнинг Хитой ҳудудидаги 260км. қисми А-IV тоифали ҳалқаро аҳамиятли, асвалт-бетон қопламали бўлиб, Хитойнинг жанубий машрути (Хитой-Марказий Осиё-Эрон-Туркия-Европа) ҳисобланади.

Умуман олганда Ўзбекистон ва Хитой жуғрофий маънода яқин қўшнилар, сиёсий жиҳатдан яхши дўстлар ва иктисодий маънода ишончли шериклардир. Шак шубҳасиз бу икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро фойдали ҳамкорликлар бундан кейин ҳам янада кенг ривож топади. Ҳозирги шароитда Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши ва тўла кувват билан ишга туширилиши дунё иктисодиётидаги вазиятнинг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Шу жумладан экспортчи давлат саналувчи Хитой учун Қора денгиз, Каспий денгизи, Форс кўрфазига йўл очилади. Ўз навбатида бу йўллар Ўзбекистон учун Тинч окени бандаргоҳларига чиқишнинг энг қисқа йўли бўлиб, маҳсулот ташишнинг муддатини ва ҳаражатларини қисқартириб, мамлакатимизнинг ҳалқаро транзит-юқ ўтказмалари соҳасидаги аҳамиятини оширади ва ватанимизнинг тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.



#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Тенг ҳукукли ҳамкорлик. // Ўзбекистон овози, 1992 йил 13 март.
2. Ўзбекистон овози//, 1994 йил 21 апрел.
3. А.Хўжаев.Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар.Т.,Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007, 211б.
4. Я.Х.Фаффоров, А.Холлиев. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.Т.: 2003, 88-90 б.
5. Бобоев А.,Самадов А. Ўзбекистон-Хитой: Стратегик ҳамкорликнинг янги уфклари. // Халк сўзи.2013 йил 10 сентябр. N% 178(5852)
6. А.Хўжаев.Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар... 211б.

**ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ТАРАҚҚІЁТ БОСҚИЧИДА МИГРАЦИОН  
ХАРАКАТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ  
(1917-1991 йилларда Ўзбекистон мисолида)**

**Ўқтам Худаяров  
Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси**

Ўзбекистон аҳолисининг кўпайишида миграцион алоқаларнинг ўрни ниҳоятда катта. Республикада яшаётган аҳоли жуда қадимги даврлардан бошлаб миграцион алоқаларда иштирок этиб келган. Миграция туфайли янги-янги табиий бойликларни ишга солиш, янги ерларни ўзлаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мумкин. Аммо миграциянинг мақсадга мувофиқ бўлмаган йўналиши (аҳоли ишчи кучи етишмайдиган худудлардан меҳнат ресурслари билан тўлиқ таъминланган худудларга кўчиб ўтиши) эса, айrim хўжалик тармоқларини тайёр ишчи кучи билан таъминлаб, четдан қараганда ижобий кўринса-да, аслида умумдавлат нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу жараён ана шу худудлардаги меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга тўлиқ жорий қилиш ва улардан оқилана фойдаланиш вазифасини янада қийинлаштиради. Миграциянинг яна бир муҳим томонларидан бири шундаки, миграцион алоқалар кучли бўлган худудлар аҳолисининг миллий таркиби хила-хил бўлади. Бу жараён турли миллатларнинг бир-бири билан яқинлашувини, ассимиляция (миллатлар қоришуви) жараёнини кучайтиради. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан сўнг республикамиз аҳолисининг миграцион алоқалари кучайди. Бу даврда асосан Россиядан дехконлар кўчиб кела бошлади. Дехконларнинг Россиянинг Европа қисмидан Туркистонга кўчиб келиши, 1891 йилги Марказий Россиядаги ҳолсизлик ва очарчилик муносабати билан айниқса кучайди. Е.С.Волков маълумоти бўйича, Туркистон худудида бошқа жойдан (acosan Россиядан) кўчиб келганлар сони 1915 йилда 7,6 минг киши, 1916 йилда 29,6 минг киши, 1917 йилда 54,5 минг киши, 1918 йилда эса 68 минг киши бўлган. Ўша йилларда ҳозирги Ўзбекистон худудида бошқа жойлардан кўчиб келган қанча аҳоли яшаганлигини айтиш қийин. 1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Ўзбекистон ССР худудида бошқа жойлардан кўчиб келган аҳолининг сони 437 643 киши бўлган [1; Б.393]. Ана шунинг ўзи ҳам Ўзбекистон кўпмиллатли республикалардан бири бўлган эканлигини асослайди. Ўзбекистон аҳолисининг сони айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида миграция хисобидан анча ортди. Масалан, 1941 йилнинг ёзидан 1942 йилнинг декабр ойигача юртимизга 786 866 киши эвакуация қилинди. Миграцион ҳаракатлар урушдан кейинги йилларда ҳам давом этди. Масалан, 1943 йилдан 1971 йилгача Ўзбекистонга яна 882 929 киши кириб келдилар. Биргина 1960-1970 йиллар оралиғида республика аҳолисининг сони миграция хисобидан 11,6 фоизга ортди. [2; С.112] Республикализация деярли доимо мусбат миграцион қолдиққа эга бўлиб келган. Масалан, 1970 йилги рўйхатнинг Ўзбекистонга таъвуқли материаллари шуни кўрсатадики, 1968-1969 йилларда республикамизга кўчиб келган аҳолига нисбатан кўчиб кетганлар сони кўпроқ бўлди. Республикализда ана шу йилларда миграцион ҳаракатда иштирок этган барча аҳолининг 64-70 фоизи Ўзбекистоннинг ўз ичидан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб жойлашганлардир. Бошқа республикалар билан миграцион алоқада (кўчиб келганлар сони бўйича ҳам, кўчиб келувчилар сони бўйича ҳам) РСФСР, Қозогистон, Ўрта Осиёдаги қўшни республикалар асосий ўринни эгаллайди. Рўйхат маълумотларидан яна шу нарсани қўриш мумкинки, 1968-1969 йиллар давомида Ўзбек миллатига мансуб бўлган 127.5 минг киши миграцион ҳаракатларда иштирок этган. Миграцияда қатнашган Ўзбекларнинг 76,0 фоизи Ўзбекистоннинг ўз ичидан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтган, 14.8 фоизи Тожикистон териториясига, 3.9 фоизи Қирғизистон, 3.3 фоизи Туркманистон ва 2.0 фоизи Қозогистонга кўчиб ўтган. Ўша даврлардаги республикамиз аҳолисининг миграцион алақалари ҳакида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон аҳолисининг ўсишида унинг роли унча катта бўлмаса-да, у муттасил мусбат характерга эга бўлиб келган.

Шундай қилиб, республикамиз учун миграцион қолдиқ ўша йилларда доимий мусбат ҳарактерга эга бўлиб, ўртacha ҳар йили 20-30 минг кишини ташкил этган. Ўзбекистоннинг 1970-1980 йиллардаги миграцион ҳаракатдаги иштирокини янги шаҳарлар бунёд этилиши, завод ва фабрикалар қурилиши ҳамда уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида СССРнинг марказий районлардан кишиларни кўплаб кириб келиши билан боғлашимиз мумкин. Кириб келган аҳоли асосан санат ривожланган худудларга барча қулайликларга эга бўлган шаҳар худудларига жойлашганлар. Қишлоқ жойларида яшаётган аҳолининг шаҳарларга кучиб ўтиши оқибатида собиқ СССРда яшаётган қишлоқ аҳолисининг умумий сонидаги хиссаси 43,7 фоиздан 34,2 фоизга тушиб қолган. [3; Б.124] Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган

бўлсак, 1974 йили ҳар минг киши ҳисобига қишлоқлардан шаҳарга кўчиб ўтиш собиқ иттифоқ бўйича 17 кишини ташкил этган бўлса, Белоруссияда-25, Молдавияда-9, Ўзбекистонда эса 4 кишини ташкил этган. [4; Б.125] Маълумотдан кўриниб турибдики Ўзбекистон аҳолисининг миграцион ҳаракатлардаги иштироки анча паст сабаби бир жойдан иккинчи жойга кучиб юриш ўзбек миллатига хос ҳусусият эмас. Агарда 1939 йилги аҳоли рўйхати натижаларига қарайдиган бўлсак Ўзбекистон ССР ҳудудида 94 миллат вакиллари яшаётганлиги қайд қилинган аммо, 1959 йилги маълумотда эса уларнинг сони 113 тага, 1970 йилларга келиб 121 тага етганлиги кўрсатилган. 1959 йилги аҳоли рўйхатига кўра собиқ ССР ҳудудида 6 015416 та ўзбек миллатига оид бўлган аҳоли рўйхатга олинган. Ана шу аҳолининг 83,8 фоизи Ўзбекистон ССР ҳудудида, 7,6 фоизи Тожикистон ССР ҳудудида, 3,6 фоизи Қирғизистон ССР ҳудудида, 2,1 фоизи Туркманистон ССР ҳудудида, 0,5 фоизи РСФСР ҳудудида яшаётганлиги қайд қилинган.[5; С.58] Аҳолининг кўпроқ шаҳарларда тўпланиши турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги никоҳларнинг кўпайишига имконият яратади. 1959 йилдан 1979 йилгача ўтган давр ичida собиқ ССР бўйича бундай оиласлар шаҳар манзилгоҳларида икки баравардан зиёд, қишлоқ жойларида қарийб бир ярим баравар кўпайди. 1959 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра Ўзбекистонда этник жиҳатдан аралаш оиласлар сони ҳар минг киши ҳисобига 82 тани 1979 йилда эса 105 тани ташкил қилган. Ушбу ҳолатни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафоввутини қарап эканмиз. Ўзбекистон шаҳарларида этник жиҳатдан аралаш оиласлар 1959 йилда ҳар минг киши ҳисобига 147 тани 1979 йилда 173 тани ташкил қилган. Қишлоқ ҳудудларида эса 1959 йилда ҳам 1979 йилда ҳам турли миллатлар ўртасидаги никоҳлар 47 тадан иборат бўлган.[6; Б.93] 1970 йилги аҳоли рўйхати натижаларига кўра Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ аҳолиси таркибида 152 минг татар миллатига мансуб аҳоли рўйхатга олинган. Ана шу аҳолининг 86 мингтаси хотин-қизлар, 66 мингтаси эркаклардан иборат бўлган. Кўриниб турибдики хотин-қизлар эркакларга нисбатан 20 мингтага ортиқ. Натижада татар хотин-қизлари бошқа миллат вакилларига турмушга чиқадилар. Айниқса, ушбу миллат вакиллари билан рус миллатига мансуб аҳоли ўртасидаги никоҳлар сони кўпчиликни ташкил этган.[7; С.127; 8; С.273] Совет тузуми даврида иттифоқнинг турли республикаларидан ишчи кучларини олиб келиб Ўзбекистонга жойлаштирилиши натижасида республикада ортиқча ишчи кучи сони йилдан-йилга ортиб борди. 1980 йилларнинг ўрталарида ўлкамиз маҳаллий аҳолиси орасидаги ишсизларнинг ўртача йиллик миқдори 1 миллион кишидан ортиқ бўлди. Улар орасида ёш авлод вакиллари 50 фоиздан ортиқ бўлган. Ишсизлар сони ана шундай кўп бўлган бир шароитда иш кучини тўхтовсиз четдан келтириш давом этар эди. Масалан, 1981-1985 йилларда Тошкентда иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилятли ўртача 200 мингдан ортиқ киши бор бўлгани ҳолда, янги ишга туширилган корхоналарга 125 мингга яқин ишчи ва мутахасислар РСФСР, Белоруссия ва Украинадан жалб қилинган.[9; Б.215]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак совет тузуми даврида янги ерларни ўзлаштириш, саоатни ривожлантириш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг турли ҳудудларидан ишчи кадрларни республикамизга кириб келиши. Ўзбекистонда ишсизлар сонининг ортиши, аҳолининг турмуш даражасини собиқ ССР республикалари орасида энг паст даражага тушиб қолишига олиб келди. Миллий масалага келадиган бўлсак мустабид тузум раҳнамолари ўз хукмронлиги йилларида империя таркибидаги миллатлар тақдирига оид бир қатор қарорлар қабул қилдилар. Уларнинг барчаси миллатларни камситиш, марказга қарамлигини таъминлаш, европалаштириш каби ғаразли мақсадлар билан сугорилган эди. Чунки совет давлатининг ўзи табиатан шундай асослар асосида қурилган эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўзбекистон, 1960. 393 бет.
2. Мулляджанова С.Х, Турсунов Х.Т, Фазылходжаев К.Ф. Край, преображеный октябрем. Историко-экономический и демографический очерк о советском Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 1973. стр.112.
3. Бобоҷонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Т.: Шарқ, 1999. 124 бет.
4. Бобоҷонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Т.: Шарқ, 1999. 125 бет.
5. Мулляджанов И.Р, Вороновский Ю.В, Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973.стр.58.
6. Волков А.Г, Дмитриева Р.М, Зайончиковская Ж.А. и др. ССР аҳолиси:справочник. – Т.: Ўзбекистон, 1984. 93 бет.
7. Ташбаева Т.Х, Савуров М.Д. Новое традиционное в быту сельскую семью Узбеков. – Т.: Фан, 1989. стр 127.

8. Вопросы совершенствования национальных процессов в СССР. – Т.: Фан, 1987. Стр. 273.
9. Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: Шарқ, 2011. 215 бет.

## RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH- YANGI KELAJAK POYDEVORI

Samadov O.A.

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti Moliya yo'nalishi talabasi  
Hamrayeva Z.H.

**Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institute Buxgalteriya hisobi va audit yo'nalishi talabasi**

Ma'lumki, hozirgi globallashuv jarayonida an'anaviy iqtisodiyotdan raqamli iqtisodiyotga o'tish tobora keskin tus olib bormoqda. Bu esa iqtisodiyotning barcha jabhalarida raqamli texnologiyalardan foydalanishni nazarda tutadi. Raqamli iqtisodiyotni ko'pchilik turlicha talqin etishi, hech shubhasiz albatta. Masalan, ayrimlar raqamni ketidan quvish deb tushunsa, boshqalar soxta raqamlar yasash deya talqin qiladi. Ammo, raqamli iqtisodiyotning asl mazmun-mohiyati tubdan farq qiladi. Raqamli iqtisodiyotning globallashuv sharoitlarida masofaning ahamiyati pasayishi va makonning «sinqilish» tamoyili– zamonaviy iqtisodiyotning eng muhim tamoyilidir. Internetning rivojlanishi sharoitida uy xo'jaliklari o'zlarining iqtisodiy faoliyatini davlat organlarida ro'yxatdan o'tkazmasdan va soliq yukini optimallashtirmasdan savdo bozoridagi korxonalar bilan teng sharoitlarda raqobatlashishlari mumkin. Biroq, shuni ta'kidlash kerakki, raqamli iqtisodiyotga o'tishning ayrim nuqsonli jihatlari yo'q emas albatta. Raqamli iqtisodiyotga o'tish, ishlarni qisqartirish va ishlab chiqarish jarayonini avtomatlashtirish natijasida bir qator kasblarning yo'q bo'lib ketishi bilan bog'liq bo'lgan ma'lum ijtimoiy va iqtisodiy xavflarni keltirib chiqarishi, yaqqol misoldir. Lekin, shunday holat kuzatiladigan bo'lsa ham, raqamli iqtisodiyot jamiyatning iqtisodiy hayotidagi moddiy va virtual dunyolarning yaqinlashuvi jarayonining uzlusiz rivojlanishiga olib keladi va iqtisodiyotning ko'p sohalarida innovatsiyalar va o'zgarishlarning asosiy harakatlantiruvchi kuchiga aylanadi. Xorijiy mamlakatlarning tajribasi shuni ko'rsatadiki, raqamli iqtisodiyot bir vaqtning o'zida turli sohalarda rivojlanib bormoqda va cheklangan kompaniyalar tomonidan qurilishi mumkin emas, hatto ularga maxsus vakolatlar va resurslar berilgan bo'lsa ham. Shu sababli, raqamli iqtisodiyotda asosiy rolni kuchli tadbirkorlik va innovatsion yondashuvga ega bo'lgan xususiy biznes o'ynashi kerak va davlat infratuzilma va xususiy tashabbus uchun sharoit yaratishi kerak.

Xususan, mamlakatimiz prezidentining 2018 yil 21 noyabrda PQ 4022 sonli **“Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risi”** da qarorining ommaga bayon etilishi zamirida ham raqamli iqtisodiyotning mazmunini anglab yetishga qo'llanma bo'lib xizmat qiladi, deya aytishimiz mumkin. Shuningdek, qarorga muvofiq mamlakamitimidza raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sohasidagi, shu jumladan, “blokcheyn” texnologiyalarini joriy etish bilan bog'liq loyihalarni davlat-xususiy sheriklik shartlarida amalga oshirish uchun investorlarning mablag'larini jalb etish va birlashtirish asosiy vazifalaridan biri hisoblangan davlat muassasasi shaklidagi “Raqamli ishonch” raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etilib, ushbu jamg'armaga O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Xususiylashtirilgan korxonalarga ko'maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi, Agentlik, Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo'mitasining “Universal Mobile Systems” MChJ ustav kapitalidagi davlat ulushini 100 foiz miqdorda beg'araz asosda topshirish to‘g'risidagi taklifiga rozilik berishlari ta'kidlab o'tilgan. Asosiy muammolardan biri bu zaif telekommunikatsiya infratuzilmasi va aloqa. “AKTga investitsiyalarning kamligi (2017 yildagi umumiyligi investitsiyalarning 2,8%) tufayli respublikada bazaviy aloqa stansiyalarining zichligi juda pastligicha qolmoqda (1600 aholi uchun 1 ta baza stansiyasi). Aksincha, Qozog'istonning bunday bitta baza 643, Rossiyada esa 235 aholiga AKT ehtiyojlarini qondiradi”[4]. Bu yomon internet va mobil xizmatlar raqamli iqtisodiy o'sishni sekinlashtirishi va raqamli tafovutni kengayishiga olib keladi. MDH davlatlari bilan taqqoslaganda, 2019 yilda O'zbekistonda internetning o'rtacha tezligi (mobil va belgilangan keng polosali aloqa) taxminan ikki baravar past. O'zbekistonda raqamli ko'nikmalarining yetishmasligi raqamli transformatsiyaga jiddiy to'siq bo'lishi mumkin. “O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotning YAIMdag'i ulushi 2,2% ni tashkil qiladi. Shu bilan birga, o'rtacha maqbul ko'rsatkich 7-8% deb hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasining “Elektron hukumat” tizimini rivojlantirish konsepsiysi loyihasiga muvofiq 2025

yilga kelib YAIMda AKT ulushini 5,0% ga, 2030 yilga kelib esa 10% gacha oshirish rejalashtirilmoqda”<sup>5</sup>. AKT sohasini rivojlantirish va ularni tovarlar va xizmatlarni yetkazib beruvchilar va iste’molchilar o’rtasidagi iqtisodiy munosabatlarga kiritish bilan bog‘liq bo‘lgan raqamli iqtisodiyot ulushining o’sishi mamlakatning tegishli infratuzilmaning mavjudligi va iqtisodiy jarayonlarga ilg‘or internet texnologiyalarini joriy etish bilan bevosita bog‘liqdir. Infratuzilma rivojlanishini baholashda internet tezligi va undan foydalanish imkoniyati iste’molchilar uchun muhim ahamiyatga ega.”Raqamli O‘zbekiston – 2030” milliy raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish strategiyasida asosiy vazifalar raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni jadallashtirish va mamlakatimiz aholisi doiralarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bo‘yicha shakllantiriladi.

Yuqorida fikrlarimizdan kelib chiqib xulosa qilsak, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish nafaqat mamlakatimizni boshqa rivojlangan davlatlar qatoriga qo’shamdi, balki xalqimiz uchun, kelajak avlodlarning barkamol o’sib-ulg’ayishlari uchun ham poydevor hisoblanadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

- 1.«Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish muammolari» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. 2020 y 21-22.02 , “SAMARQAND – TAMBOV – 2020” II qism, 23-24 b
- 2.2018 yil 21 noyabrda PQ 4022 sonli “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi qaror.
- 3.S.S. Gulyamov, R.H. Ayupov, O.M. Abdullaev, G.R. Baltabaeva. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. T.: TMI, “Iqtisod-Moliya” nashriyoti, 2019, 404 b
4. Ayupov R.X. , Baltabayeva G.R. Uzbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari. –T: “Iqtisod-moliya” nashriyoti, 2015, 144 bet.
- 5.Юрий К. Узбекистан о цифровывается. ЦЭИР Экономическое обозрение №10. 2019 г.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ**

**Тўхтаева У.М.**

**СамДУ Ижтимоий иш йўналиши З-босқич талабаси.**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги жамиятимизнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай ислоҳотларни амалга оширишда ёшларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кундажамиятимизнинг барча соҳаларида рақамлихизматларни ташкил этиш асосида рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосий мақсадларимиздан биридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “2020-йил 24-январь мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси”да “...рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”[1] деб таъкидладилар. Жамиятимиз барча соҳаларда тараққиётга эришиши учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт.

Биз рақамли иқтисодиётга ўтар эканмиз, аввало, уларнинг мазмун-моҳиятибилиб олишимиз лозим.

Рақамли иқтисодиёт бу – рақамли компьютер технологияларини ривожлантиришга қаратилган фаолият бўлиб, электрон тижорат, онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар тизимини жорий этиш, интернет савдони йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор ишларни ўз ичига олади [2].

Ижтимоий соҳада рақамли иқтисодиёт бу - ижтимоий соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, инсонлар учун ҳаёт ва қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал тизим бўлиб, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилашга эришиш.

Барча соҳаларда рақамли иқтисодиётни ривожлантирилиши тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимизгаҳамда ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Шу боис рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда жамиятнинг барча қатламлари, айниқса ёшлар фаоллигини ошириш ва ташабbuskorligini шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда ёшлар улуши 64 фоизни ташкил қиласди. Ўзбекистон ёшлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий умуман барча соҳаларда “Бундай давр ҳали бўлмаган” тамойили асосида ҳаракат қилиши, ўқиши, ўрганиши, энг муҳими, рақамли иқтисодиёт билан анъанавий иқтисодиётнитақкослаб ҳар бир жараёнда ташабbuskor бўлиши лозим. Ёшларнинг бундай

ижтимоий-иктисодий фаолиятда ташаббускорлигини ошириш учун мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ахборот технологиялари соҳасини кўпроқ шакллантириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош ишларимизни жадал давом эттиришда уларнингижтимоий-иктисодий фаоллигини ошириш устувор вазифа ҳисобланади.

Президентимиз 2020-йил Давлат дастурини ишлаб чиқишда ёшларга эътиборни хар йилгидан кўпроқ кучайтирилар. Жамиятимиз анъанавий иктисодиётдан рақамли иктисодиётга ўтиш босқичида экан, ҳар бир соҳамизни янги тизимга мослаштиришни тақазо этади. Бунда хизмат кўрсатиш ва иктисодий муносабатларда инсон омилининг таъсири кескин камаяди. Инсон омилини таъсирини камайтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишда ёшларнинг хиссаси мухим аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар ҳар доим ҳам миллат ва мамлакат учун, унинг тараққиёти ва бугуни, эртаси учун йўлчи юлдуз ва маёқ вазифасини ўташи керак. Кўплаб соҳаларда ёшларимиз хорижий мамлакатларда ўқиш имкониятига эга бўлиб, тажрибалар алмашишга сабаб бўлмоқда. Олий таълим тизимини модуллаштиришга ўтказиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бу билан ёшларни ракамлаштирилган тизимга ўтказиш ва масофавий таълим тизмини йулга кўйиш асосий мақсад қилинганд. Президентимиз томонидан математика, кимё биология, геология каби йўналишларда самарали фаолият юритиш учун олимлар ва ёшларга кенг имконият яратиб берилди. Биз биламизки, асосий мақсад битта –янгина ёндашувлар, янги ғоялар, яъни рақамли иктисодиётни ривожлантириш жамият тараққиётининг мухим омилларидан бири ҳисобланади. Ёшлар эса ҳамиша бу жараённинг энг фаол ва асосий иштирокчилари бўлиб келган. Давлат барча ишларда ана шу фаол ва интилувчан ёшлар миллатнинг ва давлатнинг мулки, ҳазинасиdir.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иктисодиёт жамиятимизнинг юксалишида мухим аҳамиятга эга ва пойдевор бўлиб ҳисобланади. Биз ёшлар мана шундай пойдевор яратувчилари эканмиз, эртанги кунимиз учун ҳалқимиз фаровонлиги, жамиятимиз мустаҳкамлиги учун доим ҳаракатдамиз ва ҳалқимиз рози бўлиб яшашлари учун меҳнат қиласиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24 –январ.
2. Бахтиёр Ҳўжаёров. Самарқанд Давлат университети мамтематик моделлаштириш кафедраси мудири, профессор “Ўзбекисон овози ижтимоий-сиёсий газета”. 11.02.2020. №10 32604.
3. Рақамли дивидендлар “Жаҳон ривожланиш ҳақидаги маъруза шархи”. Жаҳон банки маълумотлари, 2016. 33-бет.

### **РЕФОРМИРОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ ОСНОВ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ УЗБЕКИСТАН НА ПУТИ К ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ**

**Латипов А.Р.**

преподаватель кафедры "Экспертиза и управление недвижимостью"  
Самарканского государственного архитектурно-строительного института

**Набераев Ф.Ф.**

СамГАСИ, студент группы 305-ЭиУН

Конечно, все хорошо понемаем, что бы формирование цифровой экономики потребуют соответствующей инфраструктуры, огромных средств и трудовых ресурсов. Но, как бы не было трудно, мы обязательно должны уже сегодня преступить к этой работе, иначе поздна. Поэтому ускоренный переход на цифровую экономику станет нашей приоритетной задачей на следующие пять лет [1].

В целях последовательного продолжения и выведения на новый, современный уровень начатой работы по развитию сферы науки и просвещения, воспитания молодежи личностями, обладающими лубоками знаниями, высокой культурой и духовностью, формирования конкурентоспособной экономики Президент Республики Узбекистан объявил 2020 год "Годом развития науки , просвещения и цифровой экономике ".

Узбекистан находится на начальной стадии цифровизации экономики. Для эффективного перехода необходима сильное правовое поле, которое обеспечит надежную почву для цифровой экономики и информационную безопасность государства.

Большая часть законодательных основ информационно-коммуникационной технологии Республике Узбекистан были приобретены между 2000 и 2005 годами [3]. Однако некоторые законы менялись слишком часто, другие не менялись вообще или только раз.

Изучение законодательства информационно-коммуникационной технологии привело к выявлению следующих проблем:

- большинство норм безнадежно устарели;
- отсутствие унификации и систематизации. Соответственно это наглядно видно при анализе законодательства в сфере связи и телекоммуникаций. Связь и телекоммуникации регулируются двумя законами, хотя и регулируют одни и те же общественные отношения;
- отсутствие основополагающих положений и принципов в сфере информационно-коммуникационной технологии на законодательном уровне;
- отсутствие статуса регуляторного органа в законодательстве;
- проблемы в регулировании. ИКТ - законодательство не регулирует многие отношения и сферы деятельности, которые непосредственно относятся к сферам;
- фрагментарное регулирование информационно-коммуникационных технологий.

Законодательство в сфере информационно-коммуникационных технологий регулирует только специфические вопросы, а такие сферы, как конкуренция, инвестиция, разрешение споров, применение санкций и т.д., либо не регулируются, либо регулируются отдельном законодательство.

По нашему мнению, для устранения вышеперечисленных проблем, эффективной реформы законодательства на основе передового опыта зарубежных стран, как Китай, США, Великобритания и ЕС следующий шаги были бы целесообразны для эффективной цифровизации экономики Узбекистана. Это:

- принятие единого закона об информационно-коммуникационной технологии.
- Это позволит решить многие проблемы, в первую очередь - установить основополагающие регулирующие положения и правила, в соответствии с которыми будет приниматься любой нормативно-правовой акт в сфере ИКТ.
- принятие отраслевых законов в сфере информационно-коммуникационных технологий. Это отраслевые законы: о телекоммуникациях, об информационной безопасности, о цифровой экономике, о защите персональных данных, об электронном документообороте, о регулировании интернета, об электронных платежах, об электронной коммерции и т. д. Эти законы будут полностью регулировать соответствующие сферы и после их принятия не будут принимать никаких указов, постановлений и решений.

-оперативный пересмотр законодательства. Это позволит быстро реагировать не только на появляющийся новый концепции в этой сфере, но также и угрозы, в частности, в сфере информационной безопасности.

- полная либерализация законодательства. Законодательство информационно-коммуникационных технологий должно быть полностью либерализовано в соответствии с мировой практикой, что будет максимально благоприятным для инвесторов [4].

По нашему мнению, для успешного реформирования законодательных основ информационной-коммуникационных технологий, следует обеспечить правильный подход, который обусловлит эффективную трансформацию цифровой экономики в Узбекистане.

На самом деле это является наиважнейшим вопросом, который требует безотлагательного решения.

Сделав выводы, можно предложить следующие шаги решения вопроса:

- изучение зарубежного опыта создания законодательных основ информационно-коммуникационных технологий;
- создание в ИТ новых рабочих мест;
- повышения уровня квалификации и компетенции местных специалистов;
- создания собственной научной и инженерной-конструкторской базы ИТ;
- оптимизация всех уровней образования для повсеместного внедрения в него ИТ - технологий;
- создание бесплатных для всех желающих образовательных ресурсов в части ИТ и online сертификация и т.д.

### **Литературы:**

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавкана Мирзиёева Олий мажлису. - Т.: 25.01.2020
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП 4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.
3. Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Гулямова Н.Ф. Цифровая экономика как новая форма экономических отношений: формирование цифрового пространства в Узбекистане // “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали, 2018. №2 с 1-10.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Рахимов С.А.  
Самдақи ўқитувчиси.**

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг глобал даражада укурлашуви ва иқтисодий ислоҳотларнинг кенг қамровлилиги, шунингдек, жаҳоон молиявий-иктисодий инқирози тижорат банклари пассив операциялари, ёинки уларнинг депозит сиёсатининг аҳамиятини оширмоқда. Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини таъминлаш бевосита уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор ресурс базасини шакллантириш имкониятини беради. Шу боис иқтисодиётда рақамли молиявий хизматлар, операциялар ва ахборотлар шиддатли даражада оммабоп бўлиб бораётганлиги, шунингдек мамлакат мегорегуляторининг монетар сиёсати ва молиявий муассасалар фаолиятини тартибга солиш бўйича иқтисодий нормативлари тижорат банклари муддатли депозитларини жалб қилишда ўзаро рақобатни чуқурлаштириш билан бирга, қатор муаммоларни юзага чиқармоқда. Тижорат банкларида муддатли депозитларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолари сифатида аҳолининг банк тизимиға ишончининг заифлиги, депозитлар бўйича фоиз тўловлари таркибида инфляцион даромад улушининг юқорилиги, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан девальвация даражасининг юқорилиги кабиларни келтириш мумкин.

Мамлакатимизда тижорат банклари муддатли депозитлари ҳажмини ошириш масаласи доимий равишда ҳукуматимиз эътиборида туриди, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 марта «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори шулар жумласидан бўлиб, унда мазкур масала бўйича муаммолар очиқ кўрсатилиб, уларнинг ечимлари бўйича вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш, бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни жорий этиш масалалари шулар жумласидандир.

Маълумки, тижорат банклари муддатли депозитлар уларнинг баланс ҳисботининг пассиви таркибидаги ресурсларнинг жалб қилинган маблағлар манбасини ташкил этади. Тижорат банклари ресурслари иккита йирик манба, яъни ўз маблағлари (10-12 фоиз) ва жалб қилинган маблағлар (88-90 фоиз) ҳисобидан шакллантирилади. Одатда, тижорат банклари жалб қилинган маблағларининг асосий манбаси депозитлар ҳисобидан шакллантирилиб, депозитлар муддатсиз, муддатли ва жамғарма депозитлардан ташкил топади.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банклари депозитлари таркибида муддатли депозитларнинг улуши юқори бўлиб, жами депозитларнинг 65-70 фоизигача этади, бу албатта банкларнинг депозит сиёсатини самарадорлиги, мамлакат миллий валютасининг барқарорлиги, аҳолининг банк тизимиға ишончининг юқорилигидан далолат беради. Чунки, “депозит” сўзи лотинча “depositum” – “сақлашга топширилган буюм” маъносини англатади, сақлашга топширувчи шахс албатта ўз хоҳиши билан қандайдир иқтисодий манфаатдорлик ва ишонч асосида ўз ихтиёридаги молиявий маблағни банкка топширади.

Шу жиҳатдан, иқтисодчи олимларнинг депозитнинг иқтисодий мазмунига берган таърифларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлсада, бироқ шаклан бир-биридан анчагина фарқ қиласди. Масалан, Л. С. Падалкина “депозит-бу кредит муасссалардаги барча муддатсиз қўйилмалардир”[1; С.152.] дея таъкидлайди. Л.С.Падалкинанинг депозитни кредит муссасаларидаги муддатсиз қўйилмалар деган фикри мунозарали бўлиб, депозитни муддатсиз қўйилмалар тарзида таърифлашиши унинг муддатли маблағлар хам эканлигини инкор этмоқда.

Америкалик иқтисодчи олим Э.М.Родэ “депозит – банк мижозларининг жамғармадан ташқари барча муддатли ва муддатсиз қўйилмалари” деган иқтисодий талқинни илгари суради[2; С. 148.]. Э.М.Родэнинг депозитга берган иқтисодий таърифи Л.С.Падалкинанинг таърифига нисбатан аниқроқ бўлиши билан бирга, бироқ ушбу таърифда депозитининг айнан қиймат кўринишида намоён бўлшини эътиборга олмаган.

Россиялик иқтисодчи М. Н. Березина “депозит – бу мижозга унинг барча турдаги пул маблағларини саклаш учун очиладиган ҳисобваракдир” деган янайм соддароқ, агар таъбир жоиз бўлса депозитнинг иқтисодий маъносига жудаям яқин бўлмаган фикрни илгари суради. Юқорида келтирилган таърифлар ва манбалардан кўриниб турибдики, банк амалиётида кўлланилаётган депозитлар ва, умуман, депозитлар ҳакида иқтисодий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас. Халқаро банк амалиётида депозитлар дейилганда молия – кредит ёки банк муассасаларига саклаш учун берилган қимматли қофозлар ёки пул маблағлари тушунилади[3; С.42.].

Маълумки, муддатди депозитлар тижорат банкларининг пассив операциялари маҳсули бўлиб, банкларнинг пассив операциялари хусусида хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади[4; Б.211]. Худди шунингдек, ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар «Пассивлар ҳакида банкнинг шундай операциялари тушуниладики, уларнинг натижасида пассив ёки актив – пассив ҳисоб варакларида маблағларнинг кўпайиши юз беради, жумладан, пассивдаги маблағлар активдагидан ортиб боради»[5; С.16], – тарзида таърифни шакллантирилган.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари пассив операцияларини тўртта гурухи таркибидаги депозит операцияларига асосий эътибор қаратамиз. Депозит операциялар – банкларнинг омонатчилар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда саклашга доир операциялардир[6; Б.86].

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида депозитлар омонат тарзида талқин этилган бўлиб, унга пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш бўйича фаолият билан шугулланишга факат банклар ҳақли эканлиги белгилаб кўйилган[7].

“CAMEL” рейтинг тизимида асосий депозитлар деганда депозитларнинг банкни тарк этмайдиган қисми тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, асосий депозитлар ҳар уч турдаги депозитлар – трансакцион депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларининг баркарор қолдигини ўз ичига олади.

Фикримизча, “CAMEL” рейтинг тизимидағи депозит базасининг етарлилигини баҳолаш усули ХТТБнинг баҳолаш усулига нисбатан мукаммалроқ ҳисобланади. Яъни, биринчидан, трансакцион депозитларнинг баркарор қолдиги ҳисобга олинмоқда. Бу эса, жуда муҳим, чунки трансакцион депозитларнинг баркарор қолдигидан фойдаланилганда тижорат банкларининг ликвидилигига нисбатан жиддий хавф юзага келмайди; иккинчидан, жамғарма депозитларининг баркарор қолдигигина асосий депозит сифатида эътироф этилмоқда. Ҳолбуки, жамғарма депозитларининг маълум қисми нобаркарор пассив ҳисобланади. Улар трансакцион депозитлардан банкни маълум муддат олдиндан огоҳлантириш йўли билан олиниши жиҳатидан фарқ қиласи.

Профессор Г.С.Панованинг фикрига кўра, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмiga нисбатан Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган холда лимитлар жорий қилиш лозим. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади. Шунингдек, Г.С.Панова тижорат банки депозит базасининг етарлилигини баҳолашда Россия Федерацияси банк амалиётига “базавий депозитлар” тушунчасини киритишни таклиф қиласи. Унинг фикрига кўра, жисмоний шахсларнинг 5 млн. рублгача, корхона ва ташкилотларнинг 100 млн. рублгача бўлган депозитларини базавий депозит сифатида қабул қилиш лозим[8; С. 201].

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари муддатли депозитлари хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан илмий ва амалий жиҳатдан кенг тадқиқ этилган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда жаҳон ва маҳаллий молия-кредит тизими шиддат билан ўзгариб бораётганлиги бу масаланинг долзарблигини янада оширмоқда.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари муддатли депозитлар ҳажмини оширишга қатор омиллар таъсир қиласи. Хусусан, аҳолининг банки тизимиға бўлган ишончи ва тижорат банклари хизматларининг турлари ва сифати асосий омиллардан ҳисобланади.

Халқаро даражада аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончи ва банкларнинг хизматлари турлари ва сифати турли кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Кўйидаги жавдалда Жаҳон банкининг Global Findex статистик маълумотлари асосида тайёрланган маълумотларни келтирамиз.

*1-жадвал*

**Ўзбекистон ва дунёнинг айрим мамлакатлари банкларида ёши**

**катталарнинг ҳисобварагини мавжудлиги таҳлили[9]**

*(йил охирига, фоиз ҳисобида)*

Давлатлар	2011 й.	2014 й.	2017 й.
Ўзбекистон Республикаси	23	41	37
Россия Федерацияси	48	67	76
Қозоғистон Республикаси	42	54	59
Кирғизистон Республикаси	4	18	40
Хитой	64	79	80
Япония	96	97	98
Германия	98	99	99
Франция	97	97	94
Италия	71	87	94
Испания	93	98	94
Америка кўшма штатлари	88	94	93
Ҳиндистон	35	53	80

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ёши катталар (18 ва ундан юқори ёшдагилар)нинг тижорат банкларида ҳисобвараклари мавжудлик кўрсаткичи таҳлил этилаётган мамлакатлар ичидаги энг паст даражани ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 2017 йилда 14 пунктга ошган бўлсада 2014 йилга нисбатан 2017 йилда 4 пунктга пасайган. Бу кўрсаткич, Япония, Германия, Франция, Италия, Испания, Америка кўшма штатлари каби давлатларда ёши катталарнинг ҳисобваракнинг мавжудлиги 90 фоиздан юқори. Бундан Ўзбекистон аҳолисининг банк тизимиға ишончи ва банк хизматлари турлари ва сифати таҳлил жараёндан иштирок этаётган мамлакатларнидан анчагина заиф деган хулосани чиқаришимиз мумкин.

Тижорат банкларида муддатли депозитларнинг аҳамияти ва жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар доирасида амалга оширилган тадқиқотлар, ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида кўйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- ривожланган мамлакатлар депозитлари тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозитлар, шунингдек депозитлар таркибида эса муддатли депозитлар асосий салмоқни ташкил этади;

- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида халқаро ва маҳаллий банклар кучли рақобат мухитида муддатли депозитларни жалб қилиш амалиётини ўз тажрибасидан ўтказмоқдалар;

- тижорат банкларига муддатли депозитларни жалб этишда аҳолининг банк тизига ишончи, депозитлар бўйича фоиз тўловлари бўйича иқтисодий манфаатдорлик, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан девальвация даражаси мухим аҳамият касб этади;

- тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, нафақат уларнинг фаолиятига балки, мамлакатда иқтисодий ўсишга, монетар сиёсатнинг самарадорлигига, аҳолининг тўлов қобилиятига ва бошқа қатор масалаларга ижобий таъсир кўрсатади;

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз тижорат банкларида депозитлар барқарорлигини таъминлайдиган стратегия ишлаб чиқарилиши лозим. Бунинг учун аввало, мижозларга депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини оширадиган маркетингни ривожлантириш, тижорат банклари учун депозит базасининг асосини ташкил қилувчи мижозлар гурухини аниқлаш ва уларга комплекс депозит-ссуда хизматини таклиф қилиш, мижозларнинг банк тизимиға бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш лозим. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муддатли депозитлар мухим аҳамият касб этади, Ўзбекистон тижорат банклари бу борада кенг имкониятларга бўлиб,

булардан самарали фойдаланиш орқали ахоли ва мижозларнинг банк тизимида бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Падалкина Л.С. Современная денежно-кредитная система капитализма. –М.: ВЗФЭИ, 1982. – С.152.
2. Роде Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма. М.: «Дело ЛТД», 1995. -С. 148.
3. Мицек С.А. Экономика финансовых институтов.–Екатренбург: Дело,1996. -С.42.
4. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Тошкент: Молия, 2000. -211-б.
5. Кадиров А.К. и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. Монография. – Ташкент: Узбигцентр, 1991. -С.16.
6. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик хужжатлари тўплами. –Тошкент: , 2003. 86-б.
7. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” Қонуннинг 6 моддаси.
8. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 201.
9. Жаҳон банкининг Global Findex Database маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

### **ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Ашурев А.У.**

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги катта мутахассиси.**

**Шерназарова К.Н.**

**Шаҳрисабз тумани 33-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчisi.**

Қишлоқ ёшларининг турмуш тарзи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, майший, психологик омииллар билан белгиланади, бироқ шаҳар ёшлариникидан фарқли ўлароқ, айrim ўзига хос хусусиятларга эга.

Тарихга мурожаат қилсақ, 1980 йиллар иккинчи ярми - 1990 йиллар бошларидаги иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ худудлари учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тушкунликка учраши, турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди. Қишлоқ иқтисодиетнинг энг ночор секторларидан бирига айланди. Қишлоқдаги ўзгартириш жараёнларига киритилган фуқаролик жамияти ғоялари бирмунча ижобий таъсир кўрсатган бўлса-да, салбий ҳолатлар ҳам учради. Қишлоқ ахолисининг янги шароитларга мослашуви қийин кечди, бу эса ёш авлод ижтимоийлашувининг мазмунига таъсир кўрсатди. Социологик сўровлар маълумотларига эътибор берсак, қишлоқдаги чукур ижтимоий-иқтисодий инқироз қишлоқ ёшларида қадриятларни шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади, ёшлар муҳитида айrim салбий жараёнларнинг тарқалишига олиб келади. Бу салбий ҳолатларга репродуктив функциянинг пасайиши, жисмоний соғликнинг, ижтимоий-психологик аҳволнинг ёмонлашуви, эртанги кунга ишончсизлик, ишсизлик, дам олиш фаолияти мазмунининг озайиб кетиши ва ҳқ.

2018 йилда ўтказилган социологик сўровнинг кўрсатганидек, қишлоқ ёшларининг кўпчилиги моддий қийинчиликларни бошдан кечиришмоқда. Сўралган 200та қишлоқ ёшларининг фақат 7% игина ҳеч нарсага муҳтожлик сезмәётганликларини айтишиди; 25,5% у ёки бу даражада ўз моддий аҳволидан қониқкан; 59,2% эса ўз келажагидан хавотир олмоқда. Бунинг сабаби қишлоқнинг иш ва ишдан ташқари вактда ёшларга шахсий реализацияси учун имкониятларнинг чекланганлиги ёки мавжуд эмаслини билан белгиланади. Иш ўринлари вакансиялари, меҳнат ҳақи, дам олишни ташкил қилиш имкониятлари ёшларнинг қизиқишилари, эҳтиёжлари ва ҳаётий режаларига мос тушмайди. Айrim чекка қишлоқларда юксак даражадаги маълумотли бўлиб қайтган юқори малакали мутахассислар ўз ихтисослиги бўйича ишлаш имкониятига, ўз малакалари даражасига мос бўлган иш ҳақи олиш имкониятига эга эмас. Қишлоқ ёшларининг катта қисми нафақат ўз қишлоқларида, балки туман маркази ёки яқин шаҳардан иш топа олмайди. Шунинг учун, кўпчилик ёшлар, хаттоқи олий маълумотлилар ҳам чет элга ишлашга кетишишмоқда. Қишлоқ минтақасининг камбағаллигидан сўралганларнинг 69,8% хавотирланмоқда [2]. Айтиш мумкинки, айнан ана шу сабаблар қишлоқлардаги туғилиш даражасининг пасайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Собиқ совет даврида қишлоқ ёшлари 18 ёнда хизматга кетиб, 20 ёшида қайтиб уйланар эди. Ёш оиласарнинг камида 4-5та боласи бўларди. Айrim оиласарнинг 7-9 ва ундан кўпроқ болалари бўларди. Ана шу болаларнинг улғайиб, оила қуришлари туфайли, миграцияга, яъни бошқа миллат халқларининг тарихий ватанларига кўчиб кетишлирига қарамай, Ўзбекистон ахоли

сонида кўпайиш кузатилган эди. Бугун эса қишлоқдаги кўпчилик ёш оиласарнинг 1-3 та боласи бор.

Қишлоқдаги мураккаб ижтимоий-иктисодий вазият ёшларни шаҳарга кўчиб кетишлирига ҳам сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш борасида кўплаб ижобий ишлар қилинмоқда. Буларга еш фермер ва хусусий тадбиркорларни кўллаб-кувватлаш, томорка учун кредитлар ажратиш, турли кластер корхоналарини барпо қилиш ва бошқалар киради. Бугунги кунда қишлоқ худудларида яшаш учун шароитларни яратиб бериш (намунавий уйлар қуриш, тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш ва б.) қишлоқ хўжалиги иктисодиетини юксалтириш борасидаги биринчи навбатдаги вазифалардан ҳисобланади. Бироқ, старт капиталининг, техниканинг, ҳамкорларнинг мавжуд эмаслиги тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланишдан воз кечиши холларига олиб келмоқда. Бундан ташқари, криминаллашув жараёнлари ҳам қишлоқ ёшларининг онгига таъсир қилмоқда. Ёш авлоднинг наздида солиқлардан бош тортиш, ҳарбий хизматдан қочиши, топилган нарсаларни ўзлаштириш каби ҳолатлар оддий нарсага айланиб кетган. Ёшларнинг хукукий онги ва хулқига оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, интернет ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Интернетда жиноятни содир этишнинг йўллари ва усулларини кўрсатувчи ёки батафсил ёритиб берувчи фильмлар кўпайиб кетган. Жангари фильмлардаги кўзга кўз, тишга тиш, жонга жон кабилидаги тамойилларга амал қиласидиган “қаҳрамонлар” учун ўз мақсадига эришишда ҳар қандай восита ва усулларни кўллаши оддий ҳол эканлиги ҳам ёшлар онгига салбий таъсир қилмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқлардаги кинотеатрлар, кутубхоналар, клублар, тўгараклар, спорт майдончаларининг ёпилиши қишлоқ ижтимоий-маданий мухитини оғир ахволга солди. Буларнинг барчаси қишлоқ ёшларининг дам олиш ва бўш вақтларини фойдали ўтказиш шаклларини танлаш спектрини қисқартириди.

Ёшларнинг бўш вақти ва дам олиш вақти стихияли, ташкил этилмаган, индивидуал-шахсий характерга эга. Бўш вақтни марокли ўтказиш учун шароитларнинг этишмаслиги ёшлар орасида яккалик, тарқоқлик, бир-биридан узилиб қолганлик, маданий ва таълимий жиҳатдан шаҳар ёшларидан орқада қолишга олиб келади. Бўш вақтни мазмунли, сифатли, фойдали ўтказиш ва ташкил қилиш учун имкониятнинг йўқлиги, моддий қийинчиликлар, ишсизлик, ҳаётни яхши томонга ўзгартиришга илож йўқлигини англаш қишлоқ ёшлари мухитида салбий иллатларнинг тарқалишига олиб келиши мумкин.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ҳар томонлама ошириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чоратадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тадбиркорликни ривожлантириш ва қасбга тайёрлаш орқали камбағалликни камайтириш чоралари белгиланди. «Дастлабки ҳисобкитобларга кўра, 12–15 фоиз ёки 4–5 миллион аҳолимиз камбағал, - дея маълум қилди Президент Шавкат Мирзиёев. - ...Бу уларнинг бир кунлик даромади 10–13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оиласда машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир қасал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оиласи ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, қийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўляяпти, деган савол ҳар куни қийнайди», - деди Шавкат Мирзиёев.

«Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини қасбга ўқитиши, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйготиши, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиши, сифатли даволаниши, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак», — деди давлатимиз раҳбари [1].

Йиғилишда аввало ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва ахволни таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал ахвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оиласар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузилиши белгиланди. «Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиш зарур», — деди Президент.[2]

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган худудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга сотилади. Фойдаланишдан

чикиб кетган ерларни камбағал ақолига ажратиб берилади. Ақолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади.

Хозирги кунда мамлакатда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд. Йигилишда шу каби талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир худудда ишсиз ақолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган хунарлар, хусусан, тиқувчилик, пазандалик, сартарошлиқ ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Касбга тайёрлаш марказларини ташкил этишга нодавлат ташкилотларни фаол жалб қилиш, улар ўртасида энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан грант ажратиш бўйича топшириклар берилди. Ўйлаймизки, ана шу топшириқ ва вазифалар бажарилса, қишлоқларимиздаги аҳвол яхшиланиб, ёшларнинг ижтимоий-иктисодий аҳволи ҳам ижобий ўзгаришларга учрайди.

#### Фойдаланилган манбалар рўйхати:

- |   |            |          |            |
|---|------------|----------|------------|
| 1. Камбағалликни  | камайтириш | чоралари | белгиланди |
| <a href="https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/27/qashshoqlik/">https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/27/qashshoqlik/</a> |            |          |            |
| 2. Камбағалликни  | камайтириш | чоралари | белгиланди |
| <a href="https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/27/qashshoqlik/">https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/27/qashshoqlik/</a> |            |          |            |
| 3. Мустақил тадқиқот натижалари. 2018-2019 йиллар. Социологик сўров.  |            |          |            |

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Гиясов Б.Ж.

СамДАҚИ доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Диярова М.И.,

СамДАҚИ ўқитувчиси.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларида давлат улушининг салмоғи камайиб, ишлаб чиқаришда нодавлат сектори улуши ортиб бормоқда. Бундай жараён хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий инвесторларнинг тараққий этиб бориши, инвестициявий инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари ва маҳсус молия-кредит ташкилотлари ўз фаолиятларини янгича ташкил этишлари талаб этилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестиция капиталини шакллантириш тизими мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллашиб бориши керак. Бундан ташқари инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестициявий фаолиятни ривожлантириш ва иқтисодиётни диверсификациялашга кўмак беради. Бундай жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор, айникса реал тармоқларини инвестициялашда хусусий секторнинг иштироки ортиб бориши, давлат-хусусий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилиши, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес жамғармаларини самарали инвестициявий лойиҳаларига стратегик режалар орқали йўналтириш амалиёти йўлга қўйилиши ҳамда молиявий секторнинг инвестициявий манбаларни жалб этишнинг бозор механизмлари аста-секинлик билан ишга солиниши каби бир қанча омиллар таъсирида жадаллашмоқда.

Бирок, ҳозирча хусусий сектордаги корхоналар, банклар ва ақолининг молиявий ресурслари кўпайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларни инвестициявий фаолиятга жалб этиш борасида бир қанча муаммолар ўз ечимини топмаган.

Мамлакатимизда инвестиция иқлимини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун асос сифатида инвестиция ва ташки савдо фаолиятини самарали тартибга солиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев - “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу

иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди” – деб таъкидлаган эдилар.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётимизга жалб этишни фаоллаштиришнинг ўзига хос аҳамияти шундаки, улар чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш ва самарага эришиш мақсадида бошқа бир давлат иқтисодиётининг турли тармоқларига ва тадбиркорликнинг ҳар қандай фойда келитрувчи фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкий-молиявий, техник-технологик ва интеллектуал бойликлариdir. Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқ қилиб у мамлакатнинг ташқи молиялаштириш манбаига киради. Демак, бундан айтиш мумкинки хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётни ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштириш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш сиёсати комплекс тарзда амалга оширилмоқда. Бу жарабённи муваффақиятли юритиш учун республикада қатор фармонлар, қонунлар ва меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Президентнинг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сонли Фармони ҳам мухим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу меъёрий хужжат мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция мухитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомил-ларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишини таъминлаш, шунингдек, худудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни янада мустахкамлайди.

Инвестиция жараёнини ўз доирасига олуви ҳуқуқий мухитни яратиш иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ва Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мухим масалалар ижросини таъминлаш мақсадида умумий қиймати 16,9 трилион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури” қабул қилинди.

Ушбу дастурнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасидаги мухим устувор йўналиши – макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш ва валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттиришга қаратилганлиги мухим аҳамиятга эгадир.

2019 йилнинг дастлабки олти ойида умумий инвестицияларнинг умумий ҳажми 101 трлн сўмни ташкил этди. Хорижий инвестиция улуши 5,6 млрд АҚШ долларига тенглашди. 2,1 млрд АҚШ доллари давлат кафолати асосидаги, қолган 3,5 млрд АҚШ доллари эса тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобланади. Кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 4,3 бараварга ошди. Ўтган йил давомида 2,8 млрд АҚШ доллари ўзлаштирилди. Айни вактда чет эл инвесторлари қурилиш, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, электротехника, металлургия каби соҳаларга кўпроқ сармоя киритаётганлигини кўришимиз мумкин.

Республикага инвестиция асосан Хитой, Россия Федерацияси, Туркия, Германия, Франция, Жанубий Корея ва БААдан кириб келмоқда. Шунингдек, инвестиция миқдорининг ЯИМдаги улуши сезиларли ошган. 2018 йили умумий инвестициянинг ЯИМдаги улуши 32 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил биринчи ярим йиллигига 47 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг мухим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг баркарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, худудларга янги технологиялар, илгор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади», деб таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Ватанимиз ва чет эллик инвесторларни рағбатлантириш, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий базасини мукаммаллаштириш, тегишли ташкилий тадбирларни амалга ошириш билан узвий боғлиқдир.

Бугунги кунда сиёсий ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, хорижий инвесторлар хукуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш ва кенг имтиёзлар тизимини яратиш мамлакатда юритилаётган оқилона инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Хозирда юртимизда кўплаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузилмоқда ва улар турли хил тармоқларда фаолият кўрсатмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиб бориши, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётганлиги билан изохланади.

*1-жадвал.*

#### **Мамлакатимизда ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони**

<b>Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар</b>	<b>2015 йилхолатига</b>	<b>2016 йилхолатига</b>	<b>2017 йилхолатига</b>
Жамикорхоналар сони	5147	5968	5992
Фаолият кўрсатаётган корхоналар сони	4735	5387	5411
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони	412	523	547
Янгидан ташкил этилган корхоналар сони	332	418	442
Худудий инвестиция дастури доирасида ташкил этилган корхоналар сони	287	195	219

2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 9 732 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 772 тага ёки 39,8 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозогистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4 891 таси қўшма, 4 841 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Агар 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда - 3 542 та (36,4 %), савдода - 2 360 та (24,3 %) ҳамда бошқа фаолият турларида эса - 1 492 тани (15,3 %) ташкил қилди. Энг камлари эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда -130 та (1,3 %), ахборот ва алоқада - 254 та (2,6 %), ташиб ва сақлашда - 253 та (2,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 537 тани (5,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда - 423 тани (4,4 %) ва курилишда - 741 тани (7,6 %) ташкил қилди. Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-сентябрида 52571,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 6,1 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 2,4 марта асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши – 39,2 % ташкил этди.


Ўзлаштирилганжамихорижий инвестиция вакредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 6097,7 млн. АҚШдолларини ташкил этиб, ундан 2487,8 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 16,0 % ташкил этди(1-расм).

Бугунги кунда иқтисодиётнинг асосий обьектлари ҳом ашё ва бирламчи қайта ишлаш тармоғида юзага келган бўлса-да, Ўзбекистон иқтисодиётида автомобилсозлик, авиасозлик, электроника ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги каби юқори технологияли рақобатбардош тармоқлар мавжуд. Булар келажакда Ўзбекистон иқтисодий қудратини асоси эканлигини тушунган ҳолда уларга инвестиция қўйишга алоҳида эътибор қартиш керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- ташкил инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини такомиллаштириш;
- хорижий инвестиция иштирокида қўшма корхоналарни кўпайтириш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, корхоналардаилғор хорижий технологияни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш, ички бозорни сифатли маҳсулот билан бойитиш, мамлакатнинг экспорт базасини ривожлантириш;
- Ўзбекистонда эркин ва маҳсус индустрисал иқтисодий зоналар ташкил этишини ривожлантириш;

**Хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши**  
(млн. АҚШ долл.)



**I-расм**

- хорижий сармоядорларни қизиқтирувчи соҳа, тармоқ, обьектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг шаффоғлигини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча шакллари ва турларини ривожлантиришнинг асоси бўлган давлатнинг, қўшма корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан бир меъёрдаги иқтисодий муносабатларни йўлга кўйиши лозим.

Булар хорижий инвестицияларни республика миллий иқтисодиётини ривожлантиришга жалб этишини маълум даражада ўсишини таъминлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:// Халқ сўзи газетаси, 2018.28.12
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони//lex.uz.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz)сайти маълумотлари.
- Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил январ—сентябрида ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари 2019, 117-139 б.
- Жадвал [www.gov.uz](http://www.gov.uz) сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

**DAVLAT MAQSADLI JAMG'ARMALARI BUDGETI NAZORATINI  
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI**

**A.H. Toshimov**  
**Toshkent moliya instituti magistranti**


Bugun Davlat maqsadli jamg'armalari hisobi va nazorati jarayonida, jumladan, ular mablag'laridan foydalanish ustidan parlament hamda fuqarolik jamiyatni nazoratini o'rnatish g'oyat muhimdir. O'zbekiston Respublikasida bunday nazorat shakllarining mavjudligi fuqarolik jamiyatining izchil rivojlanayotganidan dalolatdir. Fuqarolik jamiyatini rivojlantirish bir qancha tarkibiy jihatlarni o'z ichiga oladi. Masalan, Davlat budjeti va Davlat maqsadli jamg'armalari loyihalarini ishlab chiqishda aholi manfaatlarini e'tiborga olish, ushbu jarayonda fuqarolarning ishtirok etishi va so'ngra parlament

tomonidan qonun va loyihalarning qabul qilinishi hamda ularning amalda to'liq hayotga tatbiq etilishini ta'minlashdan iborat.

Davlat maqsadli jamg'armalari quyidagilardir [1] :

- O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi;
- O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Respublika yo'l jamg'armasi;
- Davlat mulkini xususiyashtirishdan tushgan mablag'lar jamg'armasi;
- O'zbekiston Respublikasining Bandlikka ko'maklashish davlat jamg'armasi;
- O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Umumta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va tibbiyot muassasalarini rekonstruktsiya qilish, mukammal ta'mirlash va jihozlash jamg'armasi;
- O'zbekiston Respublikasining "Byudjet Kodeksi" qonuni, 2013 yil 26 dekabr 52-I-son, 36-modda 7 O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Sug'oriladigan erlearning meliorativ holatini yaxshilash jamg'armasi;
- O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Oliy o'quv yurtlarining moddiy-texnika bazasini rivojlantirish jamg'armasi.

Jahon tajribasida davlatning maqsadli fondlarining juda ko'p turlari mavjud va bu ularni ikki katta guruhga ajratish mumkin: -ijtimoiy yo'naltirilgan fondlar (pensiya fondlari, majburiy tibbiy sug'urta fondlari, davlat bandlik fondlari, ijtimoiy sug'urta fondlari, aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash umummilliylondalar); -iqtisodiy yo'naltirilgan fondlar (o'z yo'nalishi va manbalariga ega) Maqsadli fondlarning moliyaviy manbalarining asosiy qismi davlat tomonidan belgilanadigan majburiy badallar hisobiga shakllantiriladi Maqsadli fondlarni quyidagi xususiyatlar bo'yicha tasniflash mumkin (1- rasm):




1-rasm. Davlat maqsadli fondlari tasniflanishi. [2, B.78]

Ma'lumot o'rnidagi aytish kerakki, budget intizomi - budget tizimi va budget jarayonlarida vujudga keladigan, barcha bosqichlarda qonun, budget tizimining asosiy tamoyillari, budget tizimi to'g'risidagi

me'yoriy hujjatlar, yo'riqnomalar va tartiblar talablariga amal qilinishining budjet nazorati orqali ifodalanishi

Davlat byudjetida jamlangan byudjetdan tashqari fondlar davlat maqsadli fondlar hisoblanadi. 2-rasmda O'zbekiston Respublikasi byudjet tizimida jamlanadigan davlat maqsadli byudjetdan tashqari fondlar tarkibi keltirilgan



**2-rasm. Davlat maqsadli fondlarini shakllantirish manbalari. [3, B.80]**

Budjet nazorati - moliyaviy-iqtisodiy nazoratning tarkibiy qismi sifatida mamlakatning barcha darajadagi budjetlarini qonuniy, maqsadli va samarali shakllantirish, taqsimlash va foydalanish, budjet daromadlari tushumini ko'paytirishning qo'shimcha manbalarini aniqlash, budjet-soliq intizomini yaxshilashni tekshirish bo'yicha davlat organlari tomonidan olib boriladigan tadbirlar yig'indisidir.

Budjet nazoratining vazifalari:

- budjet moddalarining hajmi, tarkibi, maqsadi bo'yicha tuzilishi va ijrosining to'g'rilingini ta'minlash;
- budjetni shakllantirish va ijrosiga ta'sir etuvchi qonunlar hamda me'yoriy-huquqiy hujjatlar loyihalarini moliyaviy ekspertizalash;
- buxgalteriya hisobi va hisobotini to'g'ri yuritishni nazorat qilish;
- budjet mablag'lari va budjetdan tashqari maqsadli jamg'armalar mabag'larini maqsadli va samarali ishlatalishi ustidan nazorat qilish;
- budjet va soliq intizomini yaxshilash va unga rioya qilishni nazorat qilish;
- budjetlararo munosabatlар mexanizmini amalga oshirishni nazorat qilish;
- budjet va budjetdan tashqari jamg'armalar mablag'larining banklardagi va boshqa moliya-kredit muassasalaridagi harakatini qonuniyligini va o'z vaqtidaligini nazorat qilish;
- soliq to'lovchilarga soliq imtiyozlarini, hududlarga davlat dotatsiyalari, subvensiyalari va transferlari va boshqalarni taqdim etishda moliyaviy qonunbuzorchiliklari aniqlash, aybdor shaxslarni jazolash bo'yicha tegishli qarorlar qabul qilish;
- budjet-soliq intizomini yaxshilash maqsadida profilaktika, ma'lumot-tushuntirish ishlarini olib borish.

Mamlakatimizda Davlat maqsadli jamg'armalari xaridlari mexanizmini yanada takomillashtirish hamda tender savdolarining ochiqligi va shaffofligini ta'minlash bo'yicha izchil hamda kompleks sa'y-harakatlar amalga oshirilmoqda. Xususan, elektron savdolar joriy qilindi, Respublika tovar-xom ashyo birjasi maxsus axborot portalı yaratildi, tovarlar (ishlar, xizmatlar) xaridi bo'yicha, jumladan, investitsiya loyihalari doirasida ko'p pog'onali idoralararo tender komissiyalari tuzildi.

Davlat maqsadli jamg'armalari xaridlari tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish va tadbirdorlar uchun elektron xarid qilish imkoniyatini yanada kengaytirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar yuksak samara bermoqda. Yurtimizda bu muhim mexanizmning huquqiy asoslari yaratilgan bo'lib, sohaga oid 30 dan ortiq normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilingan hamda ular hayotga izchil tatbiq etilmoqda.

O'z navbatida, Davlat xaridi, jumladan Davlat maqsadli jamg'armalari xarajatlari qonunchiligi tizimining bugungi holati va asosiy yo'nalishlari, elektron davlat xaridining shu jarayondagi shaffoflik hamda samaradorlikni ta'minlash, davlat boshqaruvi tizimi, iqtisodiyot va ijtimoiy sohalarni isloh qilish sharoitida resurslardan oqilona foydalanish mexanizmlarini ishlab chiqish hamda nazorat qilishning zamonaviy shakl va uslublarini joriy etish amaldagi qonunchilikni takomillashtirishni taqozo qilayotgan edi. Ana shu hayotiy zaruratdan kelib chiqib, O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni qabul qilindi.

Ushbu qonun asosida Davlat maqsadli jamg'armalari xaridi, xarajatlari hisobi va nazoratini samarali boshqarish tartibi takomillashtirildi.

Fuqarolar va (yoki) yuridik shaxslar tomonidan ixtiyoriy mulkiy badallar qo'shish asosida tashkil etilgan, xayriya, ijtimoiy, madaniy, ma'rifiy yoki boshqa ijtimoiy foydali maqsadlarni ko'zlaydigan, a'zoligi bo'limgan nodavlat notijorat tashkiloti jamoat fondi deb e'tirof etiladi.[4]

Davlat maqsadli jamg'armalari mohiyati jihatidan notijorat fondlari hisoblanishadi. O'zbekiston Respublikasining "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi Qonunga asosan mablag'larining hosil bo'lish manbalari qonun hujjatlarida nazarda tutilgan, yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan qilinadigan majburiy ajratmalar bo'l mish budjetdan tashqari fondlar har yillik majburiy auditorlik tekshiruvidan o'tkaziladi. Davlat maqsadli jamg'armalari hisobi va nazoratini takomillashtirishga oid yana bir taklifimiz shundan iboratki, notijorat fondi sifatida Davlat maqsadli jamg'armalari majburiy audit tekshiruvidan o'tkazish yilda ikki marta qilib belgilanishi zarur. Bu bugungi kunda Davlat maqsadli jamg'armalari, jumladan faoliyati ko'p tanqid qilinayotgan Respublika yo'l jamg'armasi faoliyati samaradorligini yana izchil nazorat qilish va operativ qarorlar qabul qilishda ko'maklashadi.

Malakatimizda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarni qo'llab quvvatlash maqsadida bugungi kunda xalqaro tashkilotlar va donorlar tomonidan ko'plab grandlar va texnik ko'maklashish loyihalari amalga oshirilishi ko'rib chiqilmoqda hamda jalb etilmoqda. O'z navbatida bu loyihalardan maqsadli foydalanish nafaqat O'zbekiston Respublikasi hukumati va fuqarolari oldida, balki grandlarni ajratuvchi subyektlar oldida ham majburiyatlarni yuklaydi. Davlat maqsadli jamg'armalari uchun mahalliy va xorijiy grantlar, insonparvarlik yordami va texnik ko'maklashish vositalaridan foydalanishning hisobi va nazoratining samaradorligi oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligiga hisob beruvchi xususiy audit xizmati xodimlarini jalb etgan holda 4-5 shtat birligi miqdorida uzluksiz audit xizmatini joriy qilish zarur deb hisoblaymiz.

Bugungi kunda davlat maqsadli jamg'armalarining faoliyati samaradorligini baholashining tizimli shakli mavjud emas. Amaliyotda ushbu bo'shliqni bartaraf etish maqsadida Davlat maqsadli jamg'armalarining boshqaruvi subyektlarida ichki audit xizmatini joriy qilish zarur bo'lib qolmoqda. Ichki audit xizmati o'zi tekshirish o'tkazayotgan davlat maqsadli jamg'armaning faoliyati xususida davriy hisobotlar tayyorlashi va rahbariyatga taqdim etishi zarur.

Davlat maqsadli jamg'armasining faoliyatini tekshirish natijalari to'g'risidagi hisobor bir qancha jabhalarni qamrab olishi zarur hisoblanadi. Ular quyidagilar:

- hisob yuritish va hisobotlarni tuzishning qonun hujjatlarida belgilangan talablariga rioya qilinishini baholash;
- davr boshida tuzilgan budget-smeta intizomiga rioya qilinishi holatini tekshirish natijalari;
- hisob yuritish, shuningdek, moliyaviy hisobni tayyorlashning talab qilingan tartiblaridan chetga chiqishlarni keltirish va ularni bartarab etish uchun tavsiyalar berish.

Bunda ichki audit xizmati menejerlarni ishonchli axborotlar bilan ta'minlash, jamg'arma faoliyati samaradorligini oshirishga qaratilgan amaliy takliflar berish, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan aniq tavsiyalarni rahbariyatga tezkor yetkazish, ularning bartaraf etilishi ustidan uzluksiz nazorat olib borish vazifalarini bajaradi.

#### **Adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasining "Byudjet Kodeksi" qonuni, 2013 yil 26 dekabr 52-I-son, 36-modda
2. Nurmuxamedova B., Kabirova N. Finansi. T.; Izdatelskiy dom "Tasvir", 2008. 78 b.
3. Nurmuxamedova B., Kabirova N. Finansi. T.; Izdatelskiy dom "Tasvir", 2008. 80 b.
4. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi // www.lex.uz – O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari rasmiy portal.

## **МАРКЕТИНГОВЫЙ АНАЛИЗ ВНУТРЕННЕГО РЫНКА ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ УЗБЕКИСТАНА**

**Алимов Г.А.,  
Йулдошев О.  
Магистранты**

**Ташкентского Государственного экономического университета**

В условиях реформирования и модернизации страны одной из важнейших приоритетных задач является дальнейшее развитие частного предпринимательства, увеличение доли реального сектора в производстве валового внутреннего продукта, повышение занятости в данном секторе, как ведущих факторов воздействия на состояние экономики Узбекистана. Производство и реализация плодоовощной продукции как на внутреннем, так и на внешнем рынках является одним из основных видов деятельности нашей республики.

За последние 20 лет мировое потребление овощей и фруктов растет в среднем по 5-7% в год [1]. Узбекистан не только обеспечивает потребности своего населения, но и экспортирует сельскохозяйственную продукцию и обладает большим потенциалом в этой сфере.

По данным Госкомстата Республики Узбекистан общий объем продукции (услуг) сельского, лесного и рыбного хозяйства в январе-марте 2018 года составил 5521,2 млрд. сум или 101,8% к соответствующему периоду 2017 года, в том числе в растениеводстве и животноводстве, охоте и предоставлении услуг в этих областях – 5443,2 млрд. сум (101,8%), лесном хозяйстве - 27,9 млрд. сум (100,9%), рыбном хозяйстве – 50,0 млрд. сум (105,1%) [4].

Дехканские (личные подсобные) хозяйства остаются основными производителями овощей. Анализируя данные о производстве овощей по категориям хозяйств за январь-март 2018 года, следует отметить, что 13,2% овощей приходится на фермерские хозяйства, 73,9% - на дехканские (личные подсобные) хозяйства, 13% - на организации, осуществляющие сельскохозяйственную деятельность [3]. Такое подразделение в сельском хозяйстве является одним из отличительных черт Республики Узбекистан, что требует особого подхода к определению предпринимательского труда в сфере сельского хозяйства.

На наш взгляд, все основные качества детерминирующие понятие предпринимательства, характерна труду и тем самым являются трудовым потенциалом рабочей силы. Исходя из этого, целесообразно назвать данное понятие «предпринимательским трудом». По мнению авторов предпринимательский труд – это реализация физического и умственного потенциала человека, а также инициативно - новаторская, организационно - производственная деятельность, основанная на своей ответственности и риске, осуществляемая в рамках действующего законодательства по созданию товаров и услуг, имеющая своей целью сбыт производимой продукции и получении прибыли, удовлетворяющая личные и общественные потребности. В ходе исследования авторами, опираясь на имеющиеся научно теоретические и практические взгляды, разработана классификация предпринимательского труда по видам деятельности.

Данная классификация рассмотрена по видам собственности, ее отраслевой структуре и по видам деятельности, что достаточно полно характеризует сферы приложения предпринимательского труда. Осуществление предпринимательского труда распределяется по отраслям экономики на аграрное, промышленное и транспортное отраслевое предпринимательство. Выделяется также предпринимательство производственной сферы и предпринимательство в сфере услуг. Качества эти связаны со способностью и склонностью работника к труду, состоянием его здоровья, выносливостью и всем тем, что отражает физический и психологический потенциал работника, включая объем его общих и специальных знаний, творческую активность, трудовые навыки и умения, уровень сознания и ответственности, социальной зрелости, идейной убежденности.

Авторами выявлены основные факторы развития частнопредпринимательского труда. К ним относятся нормативно - правовые, организационно - структурные, экономическое - социальные и демографические факторы, охватывающие все сферы деятельности частнопредпринимательского труда.

Маркетинговый анализ показал, что большинство представителей частнопредпринимательского труда из-за отсутствия большинства выше указанных факторов, которые приведены на рис, работают малоэффективно, что сказывается на объемах и качества произведенной продукции.



*Рис. Особенности частнопредпринимательского труда*

В ходе проведения маркетингового анализа мы использовали традиционные методы сбора информации: наблюдение, опрос, эксперимент.

Однако для реализации данных задач необходима целенаправленная работа по совершенствованию институциональных и нормативно-правовых основ в системе производства, закупки, хранения и экспорта плодоовоощной маркетинговых продукции, для чего следует расширить проведения исследований в этой сфере.

#### **Литература**

- Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию сельскохозяйственной кооперации в плодоовоощной отрасли», от 14 марта 2019 года.
- Исмаилов А.М. Развитие частного предпринимательского труда в сельской местности. –Т.: ТДИУ, 2012.
- Икрамов М.А., Саматов Г.А., Махкамова М.А. Менеджмент. Уч. пособие. –Т.: ТДИУ, 2014.
- www.market.research.com

## **ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ АХЛОҚИЙЛАШТИРИШ ВА ЭСТЕТИКЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Мамарахимов Қ.Х.  
Самдақи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.**

Хозирги ислоҳотлар даврида жамиятимиз ёшларига бўлган комплекс эътибор уларнинг турмуш тарзини ўзгартириб қолмасдан, балки ёшларни фаоллаштирилган иккиласми объект сифатидаги қонуний-ахлоқий ҳимоя қобигига ўрамоқда. Ҳуқуқий қобиқ ёшлар учун маънавий-ахлоқий фаоллашиш, эстетик жиҳатдан ривожланиш имкониятларини бермоқда.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармонини эълон қилди. Фармонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берилган. Хусусан, фармонда шундай дейилади: “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қўйидагилар белгилансин: биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самараали ҳамкорликни таъминловчи “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш; иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига даҳлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш; учинчидан, демократик давлат қуриш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётй позиция, кенг дунёқарааш ва чукур билимларга эга ташаббускор, шиҷоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-гайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиласиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш; *тўртингчидан*, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилияйтларини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришларига кўмаклашиш” [1- [www.norma.uz](http://www.norma.uz)].

Ўзбекистонда ёшларни иқтисодий фаоллаштириш ва муаммоларини тизимли ўрганиш, илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадида мазкур фармонда бир қатор рағбатлантириш имкониятлари келтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти”ни ташкил этиш, юртимизда турли соҳа ва тармоқларларда ватанпаварлиги билан танилган, ўз фаоллиги туфайли юксак натижаларга эришган йигитларга “Мард ўғлон” давлат мукофоти, жамоат ишларига фаоллиги учун “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилиши, 2018 йилдан бошлаб таълим муассасини тутгатган ёшлар ишга қабул қилингандан уч йил ичida, биринчи йили учун 50%, иккинчи ва учинчи йили учун 25% микдоридаги давлат солиғи жорий этилиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу давлат томонидан ёшлар учун оталарча фамхўрлик келажакда ёшларни фаоллашишга кўмак беради ва уни ахлоқий жиҳати намоён бўлади.

Дарҳақиқат, ўз фаоллиги натижасида табиат ва жамиятда хунуқлиknи яратиш ёки гедонистик эҳтиёжларини қондириш, жамиятни сунъий гўзаллаштириш деб табиатни эвдомонистик қадриятларига эътибор бермаслик бу – ёшлар учун ўта дидсизлик бўлар эди. Файласуф Г.К.Ашиннинг фикрича: “Элиталар иерархиясида ижтимоий-доминант гурухлар таркибида етакчи ўринни янги маданий, цивилизацион нормаларни яратувчи маданий элита эгаллаши лозим” [2-72]. Файласуфнинг бу фикридаги “иктисодий маданиятли инсон” контекстида бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муносабатларда ахлоқий-эстетик қадриятларни тушунган ёшларнинг катта гурухи шаклланиши зарур. Зоро, “бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичи иқтисодий маданиятни инсон фаоллигининг зарурый шартига айлантироқ” [3- [www.polit.susu.as](http://www.polit.susu.as)]. Бугунги ёшлар таълим тизимида фаол субъект сифатида бир мунча янгиликлар, енгилликлар ва албатта ҳуқуқий ҳимояланган қатламга айланиб, айрим ҳолларда конун уступорлигига нисбатан девацион тафаккур шаклланиб қолаётганлиги этикалологик муаммолар борлигидан даололат беради.

Ҳозирги кунда иқтисодий фаоллаштириш контекстида бир қатор институтлар, оиладан тортиб, ташкилот, уюшмаларда, таълим тизимида ёшлар учун барча шароитлар, имтиёзлар яратилмоқдаки, булар, ўз навбатида, девиант хулқли ёшларни яратиб қўйиш эҳтимолини ҳам беради. Биз илмий тадқиқотимизда ёшларни иқтисодий фаоллаштиришдаги давлат ва жамиятда яратилган шарт-шаротларни инкор этиш ниятидан йироқмиз. Бироқ айрим ёшларда глобаллашув ва “оммавий маданият” таъсирида тезроқ мулкка эга бўлиш, осонроқ, машақатсиз, меҳнатсиз эришиш, сабр-тоқатга эътибор бермаслик сингари миллий ахлоқий қадриятларга зид бўлган иллатларни шаклланишига йўл қўйиб ҳам бермаслик керак. “Гўзалликни хунуқлиқдан, ҳакиқатни соҳтадан, яхшини ёмондан фарқлай олмаган тадбиркор бизнес соҳасида бирор бир жиддий натижага эриша олмайди. Юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун сифатли хом-ашё, юксак технология, эстетик диди ривожланган малакали мутахассислар керак. Бу омиллардан бирортаси паст савияда бўлса, ишлаб чиқариш меъёри бузилади, оқибат-натижада юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш муаммоси юзага келади” [4-109]. Иқтисодий фаоллик натижаси ўлароқ яратилган маҳсулот, товар бир вақтда иқтисодий қадрият сифатида майдонга чиқса, ахлоқий-эстетик қадрият сифатида унинг умрини узайтиради. Ахлоқий-эстетик мезонлар талабига жавоб берса, унда бу иқтисодий фаолликни қадриятли тусга кирганлигидан дарак беради. “...Самарқандда автомашина заводида йигилаётган юк ва транспорт машиналари ёки Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган ҳар хил русумдаги енгил автомобильлар моддий ва маънавий қадриятлар уйғулигининг ҳосиласи сифатида яратилаётган экан, унинг моҳияти одамларнинг транспорт воситасига бўлган эҳтиёжини қондириши, яъни яхшими ёки ёмонлиги, гўзал ёки хунуқлиги чидамлилиги ёки чидамсизлиги, тежамкор ёки тежамсизлиги, соз ёки носозлиги, арzon ёки қимматлиги, техникавий жиҳатдан ҳавфсиз ёки ҳавфлилиги каби эстетик ва ахлоқий қадриятларнинг баҳолаш мезонлари билан ўлчанади. Ана шу мезонлар талабига ижобий жавоб

берган барча турдаги автомобиллар моддий ва маънавий қадриятлар мақомини олади. Уни одамлар катта қизиқиши билан харид қилиб оладилар ва күз қорачиғидай асрайдилар” [5-118].

Яна бир муаммо сифатида ёшлар ичида ўз капитали, бойлиги билан ғуурланиш, маҳаллада, жамиятда умумэтироф этилган одоб чегарасидан чиқиши ҳолатлари учраётганилиги, бойлик манбасини ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларини келтириб ўтиш жоиз. Шу тұғрисида бизнес оламининг йирик номояндаси Жанубий Кореялик Ким У Жунг шундай дейди: “...бойлик ғуурланиш учун асос бўлиши мумкин эмас, ўз бойлиги билан мақтаниш тентаклинидир. Агар мақтанадиган бўлса, орттирилган бойликтан эмас, балки ундан қандай фойдаланаётганилиги ва унинг бирор ишга фойдаси тегаётганилигидан мақтаниш керак”[6-113]. Бундан шундай хулоса келадики, ёшлар бизнес оламига кириб борар экан, фаоллиги ахлоқ нормалари ва эстетик талаблар асосида бўлиши, бу уларнинг муваффакиятини билдиради.

Хозирги кунда иқтисодий қадриятларни яратиш, ёшларни иқтисодий фаоллаштириш, бу борада қатор чора-тадбирлар кўриш, ҳокимият бошқарув тизимидағи этикалогик трансформациян жараёнларда, бир-бирини тақозо қиласидиган иккى тенденция кўзга ташланмоқда: *биринчиси* – инсон манфаатлари ва ҳалқ билан мулокот контексти остида *бирламчи* (табиий-иктисодий) эҳтиёжлар устуворлашуви қонуни ёшларни истеъмолчилик ҳуқуқини муҳофаза қилишда, тадбиркорлик муҳитини яратишда ва ундағы ҳуқуқларни муҳофаза қилишда ҳар бир фуқарога, ёшларни ўзига ҳам, раҳбарият тизимиға ҳам, алоҳида, хусусий индивидуал вазифани юкламоқда; *иккинчиси* – ёшлар иқтисодий фаоллигининг комплекс-системали характеристири ва уни ишбилармонлик, тадбиркорликнинг турли кўринишларида ривожлантириш йўналишларини, иқтисодий онг ва иқтисодий маданият функциялари интеграциясини кучайтириб, уларнинг бошқаруви ахлоқий тамоилларга асосланиши ва инновацион тараққиёти эстетиклаштирувчи тамоилларга асосланишини тақозо қилмоқда.

Биргина замонавий дастиёр бўлган интернет ижтимоий тармоғи ёшларнинг иқтисодий фаоллигига ҳамиша ҳам ижобий хизмат қилаётгани йўқ. Хозирги даврда ахборот очиқлиги, электрон ҳукumatнинг жорий қилиниши интернет тармоғисиз бу ишларни жадаллаштириш имконияти йўқдек хиссиятни беради. Интернетдан мақсадли фойдаланиш иқтисодий фаоллик омили сифатида тарих сахнасига чиқиши нур устига аъло нур бўлган бўларди. О.Н.Арестова, Л.Н.Бабанин ва А.Е.Войскунскийларнинг фикрича ёшларни интернетдан фойдаланишларида бир қанча мотивлар устуворлик киласиди:

- тадбиркорлик мотиви;
- янги маълумотларни билиш мотиви;
- коммуникатив мотиви ёки мулокот мотиви;
- ҳамкорлик қилиш мотиви;
- ўз-ўзини намоён қилиш мотиви;
- алоқани ўрнатиш, хиссиятли алоқа мотиви;
- ўзини мақташ мотиви;
- ўйин ва режалаштириш мотиви[7-59].

Бизнинг фикримизча, бугунги шаклланиб келаётган ёшларнинг иқтисодий фаоллиги қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: 1) мотивацион; 2) когнитив; 3) технологик-инновацион; 4) креатив; 5) прагматик. Ушбу мезонлар асосида таълим ва тарбия институционал тизими такомиллаштирилиши, пировард мақсад сари йўналтирилиши самарали ютуқларга олиб келади.

Ёшлар иқтисодий фаоллигининг мезонлари ахлоқий императивлар билан кореляцион боғлиқ ҳолда ривожланиши юқоридаги мезонларни системалаштиради. Жамиятда мавжуд ахлоқий қадриятлар императивлиги, маҳалладаги ахлоқий “атмосфера” ижтимоий манбаатни биринчи ўринда кўришни таъкидлайди. Яъни ёшлар тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши маҳалладаги ишсизларни иш билан таъминлаши, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечишга кўмаклашиши билан ўлчанади. Бизнесда ижтимоий фикр катта аҳамиятта эга ҳисобланади. Иқтисодий фаоллашадиган ёшлар аввало ижтимоий вазиятни тўғри баҳолай билиши, яъни ижтимоий макондаги талаб ва таклифни биринчи бўлиб ҳис килиши, ўзи шуғулланаётган тадбиркорлик соҳасида етарли билим, малака ва тажрибага эга бўлиши, ҳисоб-китобини, банкдаги муомала маданиятини ўрганиш ва ўзлаштириши, бозор муомала маданиятини эгаллаганлиги, одамшунослиги – ишонарли шерикларни танлай билиши, қўрқмасдан таваккалчиликка қўл ура олиши керак. Биз юқорида айтганимиздек, жамиятда мавжуд ахлоқ императивлари иқтисодий фаоллаштиришга, уни институтлаштиришга, функционал интеграциялаштиришга кўмаклашади ва давлат томонидан чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий нормаларга итоатда бўлишини таъминлайди.

Ёшларга иқтисодий имкониятлар беришда бу илмий асосланган босқичларни инобатга олиш, шу асослар бўйича ёшларни фаоллаштириш – мавжуд иқтисодий танглик (*иисизлик, лоқайдлик, жиноятчилик*) оқибатларини, келажакда ижтимоий муаммолар сабабларини бартараф қилишнинг янги усул, воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, беғубор, шижаотали ёшларни жамиятга катта фойда келтирувчи потенциалга айлантириш ғоят катта ахлоқий-эстетик аҳамиятга эга. Яъни ёшларни диструктив ғоялардан сақлаш ва уларни конструктив, прагматик инсонлар қилиб вояга етказиш, иқтисодий фаоллик – эзгуликка йўл эканлигини, уни янада ривожлантириш ҳаёт асосларини таъминлаш зарурияти билан боғлиқлигини англашига, ватанпарварлик ҳиссини, туйгусини тарбиялашга, иқтисодий ҳаётнинг гедонистик ва эвдомонистик аҳамияти ошиб бораётганини тушунишга олиб келмоқда

#### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.[https://www.norma.uz/raznoe/eshlarga\\_oid\\_davlat\\_siesati\\_samaradorligini\\_oshirish\\_va\\_uzbekiston\\_eshlar\\_ittiloqi\\_faoliyatini\\_qullab-quvvatlash\\_tugrisida](https://www.norma.uz/raznoe/eshlarga_oid_davlat_siesati_samaradorligini_oshirish_va_uzbekiston_eshlar_ittiloqi_faoliyatini_qullab-quvvatlash_tugrisida)
2. Ашин Г.К. Философия составляющая элиталогии // Вопросы философии. - 2004 №7
3. Хвошева В.Е. <http://www.polit.susu.ac.ru/articles/ativism/htm>.
4. Собирова З. Жамият янгиланиши ва бадиий-эстетик омиллар. –Т.: Фалсафа ва хуқук, 2007
5. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. – Т.: Университет, 2009
6. Ким У Жунг. Бизнеснинг буюк олами. –Т.: Ўзбекистон, 1997
7. Гуманитарные исследования в Интернете [Текст] / Под ред. А.Е. Войсунского. – М.: Можайск-Терра, 2000.

### **ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОР МЕНЕЖМЕНТ САНЪАТИГА ЭГА БЎЛИШ ЛОЗИМ**

**Алимов Ф.А.,  
Йўлдошев О.  
ТДИУ Магистрантлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга килган мурожаатномасида “Фаол тадбиркор” тушунчасига талқин бериб ўтган эди: “Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиб, нафақат ўзини ва оиласини бокадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз”.

Бу борада Буюк бобомиз Сохибқирон Амир Темирнинг “Битта тадбиркор, ишбилармон, минта лоқайд инсонлардан устундир” деган таърифи эсга келади. Республикаимизда илк бор “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Либерал-демократик партиясини” шакллантиришдан ҳам асосий мақсад республикамиз иқтисодиётини ривожланишини таъминлаб берувчи кучга айлантиришдан иборат эди.

Биринчи навбатда кадрларимиз савияси ва билими замонавий бозор талабларига мос эмас. Албатта, ҳар бир иқтисодий субъект фаолиятни юритишдан мақсад фойда олишдан иборат. Аммо, маълум бир иқтисодий, хукукий, ташкилий билимлар етишмаслиги сабабли кўп кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари самарасиз, ёки етарли самара билан фаолият юритишмоқда.

Бунинг сабаблари нимадан иборат?

Дастлаб тадбиркор ва менежер иборалари, ёки аникроғи касб эгаларининг фарқи нимадан иборат эканлигига аниқлик киритиш керак. Тадбиркор, биринчи навбатда, мулк эгаси (маблағни ўзининг даромади, банк кредити, карз ҳисобидан ва бошқа манба ҳисобидан тўплайди ва тикиди), иккинчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, фойда олишга иқтисодий фаолиятини йўналтиради, учинчидан, мавжуд қонун доирасида фаолият юритади ва охиргиси, таваккалчилигига таянади. Мана шу охирги фазилат менежер билан фаркланишига олиб келади.

Менежер, бу бошқарув санъатига эга бўлган, ёлланма ходим (бошлангичда мулк эгаси эмас) ҳисобланади. Халқимизда кўп ҳолатда хотүғри тушунча онгига сингиб қолган. Эски наклда айтилганидек, “Пул бўлса, чангала шўрва” тушунчasi, ҳар бир тадбиркор менежер бўла олади деган фикр мавжуд. Бизнинг фикримизча, ҳар бир менежер маълум бир маблағ (бошлангия капитал) тўплай олса тадбиркор бўла олиши мумкин. Ва аксинча, ҳар бир тадбиркор менежер бўла олмайди. Агар, янада аникроқ айтадиган бўлсак, ҳар бир менежмент соҳасини якунлаган мутахассис ҳам менежер бўла олмаслиги мумкин. Содда қилиб айтганда, агар оллоҳдан

назар тушмаган бўлса (кондан, гендан ўтмаган бўлса), ҳамма ҳам раҳбар бўлиш имкониятига эга бўлмайди.

Мана шу ерда, иккинчи йирик муаммога дуч келмоқдамиз. Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг 1992 йилдан бошлаб “Иқтисодиёт ва бошқарув” мутахассислиги “Менежмент” мутахассислигига айланди ва шу кунда ҳам ушбу, йўналиш (бакалавр) ҳамда мутахассис (магистр) республикамизда тайёрламокда. Йилига юзлаб, ҳозирги давргача минглаб менежерлар, тугрироғи, қўш тирноқ ичидағи менежерларни етиштириб чиқдик. Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, раҳбарликка қобилияти борми ёки йўқми, аммо тайёрладик. Шу давргача ўзи раҳбар бўлиш учун қандай талабларга жавоб берилиши керак, қандай мезон асосида баҳоланиши керак деган саволларга ҳалигича аниклик киритилгани йўқ. Ўзбекистонда ўзи бир қизиқ тенденция мавжуд. Қачонки юкори лавозимдаги раҳбар айтмагунча амалга жорий этиш ёки уни кўллаш амри маҳолдир. Худди шу ҳолат менежер касбига тўғридан тўғри боғлиқдир. Минг афсус ўзбек ва рус тилида бир сўз билан кўп маънони англатиш мумкин. Бундан ҳоли бўлган инглиз тили аникрок ёки конкрет тил ҳисобланади. Масалан, биз бошқариш, бошқарув, раҳбарлик ибораларини кўп ҳолатлар ва мазмунда ишлатишими мумкин: отни бошқариш, автомобилни бошқариш, станокни бошқариш, оиласи бошқариш, мамлакатни бошқариш ва ҳакозо. Инглиз граматикасида эса бошқариш феълининг ҳар бир турининг мақсадли ишлатиш белгиланган. To drive – автомобил, мотоцикл, тракторни ҳайдовчиси вазифасини ифодалайди. То control – техника ва технологияни бошқаришни, аникроғи кузатиш ёки назорат этиш маносини англатади.

То governe – феълидан эса government, яъни ҳукумат сўзи пайдо бўлган бу феъл, асосан йирик ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқаришда фойдаланилади. Ва, ниҳоят, to manage феъли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш санъатига одамларни бошқариш жараёнига айтилади.

Минг афсус, барча амалдорни менежер деб айта олмаслиги, юкорида айтиб ўтилган сабабларга кўра бўлса керак. Бу борада лавозим билан мартаба ўртасидаги катта фарқ борлигини билишимиз керак. Соҳибқирон Амур Темурнинг “Темур тузук”лари асосан бошқарув санъатига бағишлиланган бўлиб, биз учун ҳозирги кунда ҳам долзарб, муҳим асар тариқасида қабул қилишимиз керак.

Қачон ҳақиқий менежерларига эга бўла оламиз?

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан мактабгача таълим вазирлиги пайдо бўлиши таълим ва тарбия соҳасидаги катта ютуқлардан ҳисоблаймиз. Сабаби, боланинг иқтидорини 7-8 синифда эмас, балки 2-3 ёшда аниклаш кераклигини Жанубий Корея, Япония давлатларининг тажрибаси кўрсатмоқда.

Ушбу давлатларда бола 1,5-2 ёшдан бошлаб кўргазма, музей, ҳалқ маросимларига ташриф қилишлари, уларнинг ёшлиқдан ҳалқ маданияти, тарихи, қадриятларини ўрганишидан ташқари, қандай қобилияtlари мавжудлигини аниклашга ёрдам беради. Шу сабабдан жамоада тарбия топиш, мулоқот санъатини ўзлаштириш болалар боғчаси, аникроғи яслидан бошланади.

Савол туғилиши мумкин, замонавий тадбиркор ёки менежерга бунинг қандай алоқаси бор? Тўғридан-тўғри, яъни, яхши педагог болани ёшлиқиданок унинг иқтидори ва қобилиятини аниклаши, ота-она билан биргаликда уни ривожланишини таъминлаши, келажакда комил инсон бўлиб шаклланишига асос бўлишидан иборат. Керак бўлса тадбиркорлик фазилатларини ҳам ёшлиқдан шакллантириш даркордир. Нима сабабдан ривожланган давлатларда АҚШ, Европа, Хитой ва бошқаларда 12 ёшдан бошлаб ўзининг чўнтак пулини топишга ўргатиш, топилаётган маблағни кадрига етишиш тизими ишлаб чиқилган. Бундай ҳолат билимни заифлашиш ҳисобига эмас, балки шундай муҳит яратилиши керакки, ҳар бир фарзанд ота-онанинг қанчалик меҳнат билан яшаётгани англаши керак.

Ўзимизда оқаётган сувнинг қадри бўлмаганидек, хорижий фондлар, жамоа ташкилотлар (Масалан, ТАСИС, Темпус, Сорос ва бошқа фондлар), бизни замонавий йўналишларга, шу жумладан, менежментга ёки тадбиркорлик фаолиятини юритишга ҳаракат қилдилар. Албатта, етакчи давлат, тармоқ мутахассислар тажрибасини ўрганиш, яхисини олиш, ёмонини қилмаслик муҳим ўрин тутади. Аммо, бизнинг маданиятимизни билмасдан, қадриятларни инкор этган ҳолда юкори самарага эришиш мумкинми?! Шу сабабдан бўлса керак, Президентимиз томонидан хорижда фаолият юритаётган ёшлар ва мутахассисларни ватанга қайтишларига мурожаат билан чиқди. Кўп ёшларимиз умидсизлик, ёки ишонч йўқотганликлари учун хорижга ўқишига ёки ишлашга кетаётгани албатта ачинарли ҳолат. Ўзбекистондака бирорта давлат йўқлигини ҳамма билиши керак. Бошқа гап тадбиркорлик фаолияти билан хориж бозорини эгаллаш орқали мамлакатимиз нуфузини кўтарсанак ана ўшандагина ватанимизнинг равнақига эришишимиз мумкин.

# **В ШЎЬБА. ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

## **ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРИЙ МЕРОСИННИГ БЎЛАЖАК АРХИТЕКТОРЛАР КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИ ВА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ**

**Уралов Ахтам Синдарович  
Меъморчилик фанлари доктори, профессор, СамДАҚИ.**

Маълумки, турли соҳалар фанлари бўйича йигилган қўп йиллик илмий-амалий ва бой маданий мерос ушбу соҳа мутахассисларини салоҳияти ва тараққиёти учун хизмат қилади. Архитектура соҳасидаги фанлар ва амалий билимлар йўналиши ҳам бундан мустасно эмас.

Бугунги кунда нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳон илмий ҳамжамиятида ҳам Амир Темур ва темурийлар даври меъморий мероси ҳақида кенг материаллар мавжуд. Ана шу материалларни тўплаб, чуқур ўрганиш, уларни таҳлил килиш, умумлаштириш ва умуман, темурийлар даври архитектурасига хос хусусиятларни илмий аниқлаш Ўзбекистон архитектурашунослик фанининг долзарб масаларидан биридир. Мазкур мавзу бўлажак ёш архитекторлар илмий эътиборини жалб этиб, республикамида туризмни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мени Амир Темур ва темурийлар меъморчилиги тарихини ўрганишга йўналтирилган қўп йиллик илмий изланишларим натижаларига асосланаб, шуни алоҳида таъкидлаб айтишим мумкинки, Амир Темур яратган меъморий услугуб, яъни архитектура стилига ва умуман, темурийлар меъморий меросига хос хусусиятлар асосан қуидагилардан иборат:

- биноларнинг давлат мавқеи ва кучига мос тарзда маҳобатли ва мунаққаш гўзал кўринишларда қурилиши;

- бинолар композициясида меъморий яхлитликка, симметрия, ритм, меъморий шакллар ва ранглар мутаносиблигига (уйғунликка) эришилиши;

- биноларни қуришда бир-биридан ажратган ҳолда эмас, балки уларни туркумлаш, яъни бинолардан тузилган гўзал “гулдаста” (меъморий мажмуя) ансамбллар ясаш: Самарқанддаги Регистон ва Гўри Амир ансамбли, Шоҳи Зинда мақбаралар силсиласининг юқори ва ўрта қисми бинолари ҳамда Шаҳрисабздаги Оқсарой, Хиротда Инжил канали бўйида Алишер Навоий қурдирган меъморий мажмуалар бунга мисолдир;

- бир нечта функцияларнинг бир бинога ёки ансамбль биноларининг таркибига киритилиши (Самарқанддаги ансамбллар, Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Дор ут-тиловат комплекси, Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбара-хонақоси ва бошқалар);

- гумбазларга узокдан кўзга ташланувчи нафақат силлиқ юзаларни ва алоҳида ажralиб турувчи ёрқин феруза рангни бериш, балки силлиқ гумбаз юзасини меъморий бўрттириш орқали унинг томошабинга жозибадорлигини ошириш (Гўри Амир ва Шоҳи-Зинда мақбараларининг гумбазлари);

- биноларни қуришда ўз даврининг илғор конструктив ечимларига эришиш ва уларни қўллаш (ички ва ташки гумбазлар, гумбаз ости бағаллари, зарба линга усули).

Темурийлар даврида минораларнинг роли ва архитектурасига ҳам катта эътибор берилди. Улар энди темурийларгача мавжуд бўлган жомъе масжидларининг зарур қисмигина эмас, балки бошқа жамоат бинолари: мадраса ва саройлар архитектураси таркибига ҳам киритилди. Миноралар жоме масжидлари ва мадрасалар биноларининг бурчакларини ва ҳатто саройлар пештоқларининг қаносларини безашда ҳам қўлланилди, уларнинг ҳажм-фазовий ва композициявий тузилишишаҳар силуетининг жозибадорлигини оширишда кенг фойдаланилди [1].

Темурийлар бунёд этган бинолар архитектураси, уларнинг тархи ва тарзида, юқорида таъкидлаганимиздек, симметрия қонуни етакчи композициявий восита сифатида қўлланилган. Тўғри, симметрия темурийларгача ва улардан кейинги даврлар архитектурасида ҳам қўлланилган. Бироқ, у темурийлар архитектурасининг композициявий асоси, сифат ва эстетикасининг қонидир. Хўш нега? Фикримизча, ўша давр меъморларининг ижодида симметриявий композиция қонун кучига кирган.

Бунинг сабаби шундаки, меъморлар хамма вақт гўзалликни авваламбор табиатдан ва инсонлар қоматининг гўзаллигидан излаганлар. Инсоннинг юз томонига тарз сифатида қарайдиган бўлсак, унинг ташки тузилиши шу тарз марказидан ўтган тик текисликка нисбатан мутлоқ симметрикдир. Ана шундай ҳолатни табиатдаги барча тирик жонзотларда ҳам учратамиз, ҳатто ўсимликлар дунёси, масалан, гуллар композициясидаги баргларнинг тик ўзак ўққа нисбатан

симметрик жойлашуви архитектура ижодида бенуқсон меъморий-бадиий восита сифатида қўлланиб келинган, ва у ҳозир ҳам кучдадир.

Темурийлар даврида қурилган ҳар бир бино бош тарзининг архитектураси асосан беш қисмдан: бино курсиси, пештоқ, бино вужуди, иморат тарзи бурчакларидағи минорасимон бурж(гулдаста)лар ва бино қисмларининг бадиий тугаллик шаклларидан тузилган. Ана шу хусусият темурийлар даврида қурилган деярли барча биноларга ҳосдир. Яна бир хусусият шуки, бино пештоқидан кирилгач, тарҳи квадрат ёки бўйлама ўқли тўғри тўртбурчакли ички ҳовлиниңг бўлишилиги барча биноларга универсалдир. Факат мақбара бинолари бундан мустасно.

Бунинг сабаби шулки, иссиқ иқлимли мамлакатлардаги иморатлар ҳовлисида соя-салқиннинг бўлишилиги ҳаётий эҳтиёждир. Ички ҳовлида қуёш чиққандан то ботгунга қадар ҳовлиниңг уч тарафида соя бўлишилиги таъминланади. Сояниңг катталиги ва давомийлиги эрталабдан тушгача ва тушдан сўнг кечгача ошиб бориб, бу ҳолат ҳовлида нафақат қуюқ сояни, балки салқинликни ҳам яратади. Иқлими иссиқ бўлмаган мамлакатларда эса бундай ҳолатга эҳтиёж йўқдир. Бундан ташқари, ички ҳовли иморат ички муҳитининг атроф четдан мутлок ҳолилигини ва осойишталигини ишончли тарзда таъминлайди. Мана шу сабабларга кўра темурийлар даври иморатлари ҳам асосан ички ҳовлини килиб қурилган десак хато бўлмайди.

Темурийлар даври архитектурасининг меъморий типологияси ва турлари шу қадар кенгки, уларгача аксари Европа мамлакатлари ва баъзи бир Ўрта Шарқ мамлакатларининг бунёдкорлик амалиётида бундай бино ва иншоотлар турлари кенг тарқалмаган эди. Улар орасида ҳалқ саломатлиги ва гигиенасини сақлашга қаратилган даволаш ва шифобаҳаш муассасалар (шифохоналар, дор уш-шифолар, дорихоналар, ҳаммоллар, гармобалар)нинг ҳамда сўлим боғ-саройлар худудида алоҳида бино тарзида қурилган кўргазма уйларининг бўлишилиги фикримизнинг далилидир. Булардан ташқари, темурийлар даврида шахристон дарвозаларидан то унинг марказигача чўзилган узун, усти ёпиқ бозор қўринишидаги шаҳар савдо қўчалари ҳам қурилган (Самарқандда шаҳарнинг Оҳанин дарвозаси ёнидан то Регистонгача, Ҳиротда шахристон дарвозаларидан то марказий чорраҳагача қурилган усти ёпиқ савдо қўчалари)[1].

Амир Темур ва темурийлар даврида нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун Ўрта Шарқда боғ-истироҳатчилик санъати, айникса, “Чорбоғ” услуби, ўзининг юксак тараққиётига эришди. Чорбоғ услуби намуналари кейинчалик Бобур ва Бобурийлар томонидан Кобул ва Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида, сўнгра Шоҳ Аббос даврида Эроннинг Исфахон шаҳрида қўлланилиб, янада такомиллаштирилди. Шунингдек, бу санъат Ислом халифалари томонидан ҳам қўлланилиб, Испаниянинг Гренада ва Генералив шаҳарларида ҳам ривожлантирилди. Темур яратган меъморий стил ва боғ-парк санъатининг Испанияга ва ундан Европа мамлакатларига тарқалишида Испания қироллигининг элчиси Клавихонинг хизмати ҳам катта бўлди.

Темурийлар даврида шаклланган монументал архитектура ва меъморий ансамбллар ўз даври шаҳарсозлигининг муҳим таянч ядроларини ташкил этиш билан бирга, улар шаҳарларнинг вертикал доминантлари ва ориентирлари ролини ҳам бажарган. Тан олиш керакки, улар ичидан бизгача сақланганлари тарихий шаҳарларда ҳозир ҳам ана шундай вазифани бажарип келмоқдалар. Шундай экан, биз уларни ардоқлаб сақлашимиз, таъмирлашимиз ва керак бўлса қайта тикилашимиз, уларнинг вертикал шаклланиши, жойлашиши ва тузилиш йўлларини илмий ўрганишимиз ҳам зарурдир.

1370 йиллардан бошлаб мўғул истилосидан вайронга ҳолатдаги шаҳарларни мерос қилиб олган Амир Темурнинг шаҳарсозлик соҳасидаги амалиёти, Фарб мутахассисларининг эътирофича, Осиёда “ҳақиқий шаҳарлар режалаштирилиши”ни бошлаб берган[4]. Темур салтанатининг пойтахти Самарқанд шаҳри ўзида ўрта аср шаҳарсозлик санъати хусусиятларини мужассамлаштириб, Осиёнинг тўртта гўзал пойтахтлари қурилишида намуна бўлиб хизмат қилган. Булар қаторига Самарқанднинг ўзи, Ҳирот шаҳри, Сафавийлар давридаги Эронда XVI асрда Шоҳ Аббос I томонидан қурилиши бошланган ва XVII асрда давом эттирилган Исфахон шаҳри ҳамда Бобурий Шоҳжаҳон томонидан XVII аср ўрталарида қурилган Шоҳжаҳонобод шаҳридир. Уларнинг қурилишида Амир Темур даврида Самарқандда амалга оширилган шаҳарсозлик ва архитектура типологияси қўлланилган.

Темурийларнинг диний тафаккури ва суфийлик эътиқоди улар курган меъморий иншоотларда ҳам акс этган. Ҳалқ ва юрт ғамини еган темурийлар шаҳарлар ва улар атрофида нафақат ободончилик қурилишларини (савдо иншоотлари ва бозорлар, карвон-саройлар, ариқлар, каналлар, тўғонлар), балки таълим-тарбия ва илм-фан муассасалари, мадрасалар, кутубхоналар, расадхоналар, масжидлар, хонакоҳлар ва қориҳоналарни ҳам қурдиради. Темурийлар том маънода мусулмон ва ислом дини ҳомийлари бўлганликлари сабабли уларнинг архитектураси, тасвирий

санъати, меъморий нақши-нигорлари ҳам ана шу исломий тафаккур ва маънавиятга асосланган эди[1].

Амир Темур ва темурийлар даврида ранглар поэзияси, нақшу-нигорлар ва орнаментал нақошлиқ ушбу давр меъморчилиги услубининг етакчи хусусиятларидан бирига айланди. Ўша давр меъморлари серкуёш Мовароуннахр иқлими шароитида ранглар кучининг қуёш нури таъсирида сусайишни хисобга олиб, бинолар тарзлари (экстерьерлари)ни бир-бирига контраст тўқ ранглар: оқ, тўқ сариқ, ҳаво ранг, яшил, кўк ва кора ранглар билан нақшлаганлар. Тўқ ранглар деворлар юзасига сирланган сопол кошинлар: мазаика ва майолика нақшлари билан мустахкамланган. Сарой бинолари интеръерларини безашда гириҳ, ислимий, ёзувий, кундал, муқарнас туридаги нақшлардан ташқари ҳаётий мавзулардаги маҳобатли рангтасвир санъати безаклари ҳам қўлланилган[3].

Бу хусусиятлар Амир Темур ва темурийлар даври архитектурасининг ўзига хос янги бадиий-меъморий мазмуни ва моҳиятини, маънавий-гоявий савијисини белгилаб берди ва бу ҳолат дунё олимлари томонидан “Темур стили” деб баҳоланди ва тан олинди[1]. Бу стил ўша даврларда пойтахт шаҳарлар ҳисобланган нафақат Самарқанд, Шаҳрисабз,Ҳирот архитектурасига, балки Ўрта Шарқ шаҳарларидаги ислом архитектураси йўналишини ҳам белгилаб берди.Бу стилнинг ўзига хослиги, янгилиги ва эмоционал жозибасига нафақат ўз даврида, балки ҳозирги авлодлар ҳам тан бериб келмоқда ва келажакда ҳам, иншооллоҳ, шундай бўлиб қолажак. Шундай экан, биз темурийлар даври архитектурасига алоҳида эътибор беришимиз, уни янада чуқур ўрганишимиз, бу бебаҳо меросни қадрлашимиз ва, умуман, ўтмишдан бизгача сақланган меъморий ва моддий маданиятимиз обидалари ва ёдгорликларини кўз қорачиғимиздек сақлаш ва келажак авлодларга бус-бутун етказишимизмуқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Яна шуни англашимиз керакки,темурийларнинг нафақат бунёдкорлик, меъморчилик, шаҳарсозлик ва бөғ-истироҳатчилик, тасвирий санъат ва нақошлиқ, илм-маърифат, балки давлатчилик, иқтисодиёт, ҳунармандчилик вадехкончилик соҳаларидағи ҳам бой мероси яна қанчадан-қанча ёш авлодларни тарбиялашда, уларнинг касб-корига бўлган қизиқишиларини ривожлантиришда, уларни ўз соҳаларида янги ғояларни яратишга ундаиди ва маънавий куч-кувват беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии. XV в. -Т.:1976.
2. Уралов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият. –Самарқанд, 1996.
3. Уралов А.С., Рахимов Л.А. Темурийлар архитектураси тарихи. –Самарқанд, 2020.
4. Golombek L.B.V. The Timurid shrine at GazurGah: an iconographical interpretation of architecture (with) Vol. II: Illustrations. The University of Michigan, Ph.D.,1968.

## **ЗАМОНАВИЙ ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШТИРИШИ**

**Рашидов Ю.К.**

Тошкент архитектура-қурилиш институти профессор

**Қаршиев Ш.Ш.**

Тошкент архитектура-қурилиш институти таянч доктаранти.

Маълумки, кейинги вақтларда фан ва техника тараққиёти барча соҳаларга янгиликлар олиб кирмоқда қуёш энергиясидан фойдаланиш самарали, экологик жиҳатидан эса тоза энергия манбаси сифатида ривожланмоқда. Буни ўқувчиларга, талабаларга етказишида, уларда янги турдаги энергия манбаларининг ичидаги қуёш энергияси битмас-тұганмас энергия манбаси эканлигини боскичма боскич тушунтириш, ўқув дарслекларида қуёш энергетикаси мавзуларини етарлича буғунги тараққиёт асосида тушунтирилса мақсаддаға мувофиқ бўлар эди, қуёш элементлари тайёрлаш технологик жараёнлари тўғрисида маълумотлар, қуёш энергетикасидан фойдаланиш имкониятлари, яратилган стенд қурилмалар тузилиши, ишлаш принциплари, конструкциялари ҳақида тушунчалар берилишини лозим. Бундан ташқари хар-хил электрон дарслеклардан, кўргазмали воситалардан, тайёр қуёш элементлари, қурилма ва асбоблардан фойдаланиш ҳам ўқувчидаги талабада қуёш энергияси тўғрисида етарлича билим ва кўнинмаларни ҳосил қиласди. [1]Бу эса ўз навбатида келажакда ёшларнинг қуёш энергияси тўғрисидаги билимларини ривожлантириши билан бир қаторда улардан шу соҳа мутахассислари бўлиб етишишига замин яратади

Анъанавий ёкилғи ресурсларининг чекланганлиги ва борган сари камайиб бориши ва қүёш энергиясида юқори малакали кадрларнинг этишмаслиги туфайли ёнилғи ресурсларини тежаш муаммосининг энг мақбул ечими қүёш, биомасса, шамол, гидроэнергетика каби қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Қүёш сув иситгичлари ва коллекторларини нотўғри ўрнатиш ёки ишлатиш бузилишига, ёки мосламанинг ишдан чиқишига олиб келади. Шу сабабли, қүёш тизимлари малакали мутахассислар ўрнатишни ва улашни талаб қиласди. Ўрнатилган қүёш тизими, иссик сув таъминоти учун қүёш тизимларида фойдаланиш учун ярокли бўлган иссиқлик ташувчи ёрдамида, музлаб қолишдан ҳимояланиши керак.



**1-Расм қүёш коллекторларини мутахассиснинг ўрнатиши.**

Тизимни иссиқлик ташувчи билан тўлдиришдан аввал, ўрнатиш жойидаги минимал ҳароратни аниқлаш, кейин эса тизимни тегишли миқдордаги ва концентрациядаги иссиқлик ташувчи билан тўлдириш керак. Кучли шамол бўладиган ёки кўп қор ёғадиган ҳудудларда тизимни ўрнатишда, барча иқлим шароитларини ҳисобга олиш керак. Батафсил маълумот учун мутахассисларга ёки ишлаб чиқарувчига мурожаат қилиш лозим. Қүёш тизимини кўп хонадонли турар жой уйлари устига ўрнатишда, биноларнинг хусусияти ва ҳудуднинг иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда, коллекторлар том устида турли усуллар билан ўрнатилиши мумкин ва ишлаб чиқарувчи йўриқномаларида тизимнинг самарадорлиги, муайян эҳтиёжларига қараб, турлича бўлиши мумкинligини ҳисобга олиш керак.[2]

Иссиқлик ташувчи сифатида тизимда ўзини ўзи дренаж қилиш имкони бўлмаган ҳолатда антифриз ёки дистилланган сувдан фойдаланиш мумкин. Иссиқлик ташувчи тизимни музлашдан ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Тизимни ишлатишдан аввал, тизимнинг барча найлари ва умумий конструкциясининг тўғри жойлашувини текшириш жуда муҳим бўлади. Шунингдек, барча уланиш қисмларининг герметиклигини ва тортиб маҳкамланишини текшириш керак. Иссиқлик ташувчи сифатида антифриз ишлатилганда, бир коллекторли тизимни бир литрга тенг антифриз хажми билан тўлдириш керак. Антифризни тизимни музлашдан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган нисбатда сув билан аралаштириш керак. Иссиқлик ташувчи сифатида ишлатиладиган антифризнинг барча хусусиятлари, қүёш тизим учун кўйиладиган талабларга мос келиши ва ишлатиладиган антифриз заҳарли бўлмаслиги керак.[3]

Табиий циркуляцияли қүёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини қүёш коллекторларининг майдони  $30\text{ m}^2$  дан ортиқ бўлганда, бир геометрик белгиларида жойлашган, совук сув узатиладиган ва иссиқ сув олинадиган қувурлар билан параллел боғланган алоҳида бак-аккумляторларга эга бўлган мустакил модулларга бўлиш лозим. Ёзги душларда душ аралаштиргичлари олдидағи ихтиёрий (эркин) босимини камида  $1,5\text{ m}$  қабул қилиниши лозим. Бунда хар бир аралаштигичларга иссиқ ва совук сув мустакил қувурлар билан уланиши шарт, бу холда сувни коллекторли тақсимотига йўл қуилмайди. [4]

**Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини лойиҳалаш бўйича тавсиялар;**

- ✓ Бинолар томида жойлаштириладиган қүёш коллекторлари таянчларга жойланиши шарт;
- ✓ Томдан қуёш коллекторларининг тагигача бўлган масофа томни таъмирлашга имконият бериси шарт;
- ✓ Қуёш коллекторларининг оптималь ориентацияси, шарққа- $20^\circ$  гача, ғарбга-  $30^\circ$  гача оғиши мумкин бўлган, жануб ҳисобланади;
- ✓ Қуёш коллекторлари остидаги таянч конструкцияларининг ҳисобини, шамол ва кор юкланишларини ҳисобга олган холда олиб бориш лозим. қуёш иссиқ сув таъминоти қурилмаларини сейсмик районларда қуришда сейсмик таъсиirlарни ҳисобга олган холда конструкцияларни лойиҳалаш лозим;
- ✓ Бак-аккумляторлар, иссиқлик алмаштиргичлар ва қувурларни иссиқлик изоляцияси кузда тутилиши лозим;
- ✓ Гелиоприемник контурининг сувини тўкиш ва тўлдириш учун мосламалар (тўкиш жўмраклари ва водопровод сувини узатиш учун вентиллар) кўзда тутилиши лозим.

**Табиий циркуляцияли қурилмалар:**

- ✓ қуёш коллекторларига сув узатувчи, шунингдек, водопровод сувини узатувчи қувурларни бак-аккумуляторнинг пастки қисмiga улаш;
- ✓ қуёш коллекторларидан исиган сувни олиб кетувчи ва уни иссиқ сув таъминоти тизимиға узатувчи қувурларни бак-аккумуляторнинг юқори қисмiga улаш лозим. қуёш коллекторларини бак-аккумлятори билан улаш учун шартли ўтиш диаметри  $25\text{ mm}$  дан кам бўлмаган қувурлардан фойдаланиш лозим;
- ✓ қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг магистрал қувурлар ёткизилганда, иссиқлик ташувчиси табиий циркуляцияли қурилмалари учун  $0,01$  дан; иссиқлик ташувчиси насосли циркуляцияли қурилмалари учун эса  $0,002$  дан кам бўлмаган қияликни кузда тутиш лозим.

Одатда, қуёш коллекторлари гурухи (бу гурухлар параллел уланганда), иссиқлик алмаштиргичлар, бак-аккумляторларини кириш ва чиқиш жойида иссиқлик ташувчисини ҳароратини ўлчаш учун имкониятлар ҳамда иссиқлик қабул қилиш контурининг пастки нуқтасида манометр ўрнатиш имконияти кўзда тутилиши лозим.

қуёш коллекторларини самарадорлироқ ишлаши учун уларни гурухларга аралаш (кетма-кет параллел ва параллел- кетма-кет) схема бўйича улаш лозим. қуёш коллекторларида иссиқлик ташувчисини ҳаракатини пастдан юқорига деб кўзда тутиш лозим.

**ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**

[1] У.Б.Абдиев, “Узлуксиз физика таълимида қуёш энергетикасини ўқитиши технологияси,’ ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти – ёшлар нигоҳида,” Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти – ёшлар нигоҳида, pp. 77–79, 2014.

[2] S. Karshiev, “Замонавий қуёш коллекторларини бузилишдан ҳимоялашда ўзини-ўзи дренаж қиласидаган гелиокурилмалар,” Замонавий архитектура, бинолар ва ишиоотларнинг мустаҳкамлиги, ишончлилиги Ва сейсмик ҳавфсизлик муаммолари НамМҚИ Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 2-4 май, pp. 14-15 бет, 2019.

[3] F. Marx *et al.*, “How to put the sun to work in your home,” Igarss 2014, no. 1, pp. 1–5, 2014.

[4]; Yu. Rashidov. Sharif Karshiev; Rakhamatilla Khayrullaev, “Solar collectors for a private house promising technology for organizing hot water and heating.” Министерство науки и высшего образования Российской Федерации Новосибирский государственный Архитектурно-строительный университет Российская академия архитектуры и строительных наук Лакокрасочный завод «колорит» Качество. Технологии. Инновации , pp. 238–241, 2020.

**ЎРТА ОСИЁ ЎТМИШИДАГИ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ ВА МАСКАНЛАРИ-ХОНАҚОҲЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЁШЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ ВА ЎРНИ**

**Уралов А.С.**


*Меъморчилик фанлари доктори, профессор, Самдақи*

*Махматкулов И.Т.*

*Самдақи мустақил изланувчиси.*

“Тасаввуф” арабча сўз бўлиб, унинг келиб чиқишини тадқиқотчилар [1;48-б.] турли маъноларга боғлаганлар. Биринчиси: тариқатда асосий эътибор қалбни поклашга қаратилгани сабабли бу атама сафо, яъни поклик сўзидан келиб чиқсан дейишган. Иккинчиси: тасаввуф вакилларининг кўпчилиги дағал жундан тўқилган кийим кийиб юришгани учун уларни сўфийлар, яъни жунга ўралиб юрувчилар деб аташган [1;23-б.]. Учинчиси: Саҳобаларга тақлид қилганлари сабабли улар суфийлар, яъни суффа аҳлларига ўхшайдиганлар дейишган. Баъзилар сўфийлик лотин тилидаги sophiya—“ҳикмат” сўзидан олинган бўлиб, сўфийларни ҳикмат эгалари, деб биладилар[2;16-б.].

**Тасаввуф таълимотининг жамиятдаги гуманистик роли**



Тасаввуф бу инсоннинг рухияти ва маънавий оламидаги жараён бўлиб, инсонни рухий ва аҳлоий камолатга етказувчи илмидир[3;24-б.]. Бундай илм мажмуаси амалиётда **тариқат** деб аталган[4;22-б.]. “Йўл” деган маънони англатувчи тариқатнинг асосий мақсади – қалбни турли иллатлардан поклаш, Аллоҳга яқин бўлиб унинг ризосига эришишдан иборат.

Тасаввуф мутлақ эзгуликни шу ҳаётдан топишга ва уни идрок этишга даъват қилади. Сўфийлар таълимотига биноан, инсон бундай эҳтиёжни қондириш ва рухни яйратиш учун муайян риёзат мақомлари (тариқат йўллари)ни босиб ўтиши лозим. Бу жараённинг қўйидаги силсила жадвалда акс эттирилганини кўришимиз мумкин[1;259-б.].

Жадвалдан кўринадики, тасаввуф таълимотига кўра, мутлақ эзгулик олами, яъни Илохий оламга мушарраф бўлмоқни истаган киши ҳаётда эзгу амаллар килиши, эзгу хулқ әгаси бўлиши лозим. Инсоннинг рухи Илоҳ сари талпинаверади, буюк Иделга қараб юксалаверади. Бу эса инсонийлик мазмунига мазмун қўшади, инсонни янада шарафли ва қудратли қилади. Тасаввуф таълимотининг хидояти ана шундадир[1;260-б.].

Шундай қилиб, Тасаввуф институтидининг Ўзбекистон ўтмишидаги роли ва ўрни асосан қўйидаги ҳолатларда ўз аксини топган:

-тасаввуф ўзининг изчил демократик тамойиллари билан мусулмончилик деб аталган юксак ва улуғ бир қадриятнинг ҳаммага, подшоҳу дарвешга ҳам баробар бўлишлиги ва ҳар бир ижтимоий ўзгаришнинг ҳалқ фойдасига ҳал бўлиши учун курашиб келган;

-сўфийлар эл–улус осоишишталиги, ҳамжиҳатлик, касб ўрганиб меҳнат ёки деҳқончилик қилиш, мўмину-мусулмонларнинг бир–бирига ёрдам қўлини чўзиш, хайр-садақа, биродарлик ва футувватчилик қадриятларини кенг оммага тарғиб қилган;

-тасаввуф ҳаётда инсоннинг эзгу хулқ, эзгу амал, эзгу сўз ва эзгу ният қилиб яшашини, комилликка интилишини ҳоҳлаган;

-тасаввуф намоёндалари ҳукмдор ва мансабдорларни ҳалқ учун хайрли ишлар ва қурилишларни амалга оширишга ун dagan va bu йўлда уларга ўrnak bўlganlar.

Сўфийлар ичидан юксак тасаввуф намоёндалари, тариқат асосчилари, шайхлардан ташқари машҳур шоирлар, файласуфлар, қасбкорлар ҳам чиққан. Жалолиддин Румий (XII аср), Алишер Навоий (XV аср), Ҳожа Аҳмад Яссавий (XII аср), Баҳоуддин Нақшбанд (XIV-XV аср) ана шундай мутасаввуф-лардандир. Мусулмон санъати ва архитектурасидаги энг юксак даражадаги санъат асарларининг барчасини юксак онг даражасига кўтарилиган тасаввуф намоёндаларини ўзларига пиру-маърифат қилган улуғ инсонлар яратгани ҳам бунинг исботидир[5;96-б.].

Агар хонақоҳлар ўтмишда кенг ҳалқ оммасига тасаввуф зиёси ва таълимотини: юксак одоб-аҳлоқ, комилликка интилишни, софлик ва самимилик, ватанга садоқат, биродарчилик, жувонмардлик, ҳар бир ишда ва нафасда Оллоҳни унутмаслик, нафсни тийиш, думоғдор бўлмаслик ва шу каби тасаввуфга оид фазилатларни тарқатиш ва сингдиришда хизмат қилган бўлса, эндиликда Республикамизда ташкил этилган ва этилаётган диний-маърифий марказлар (Ислом маданияти маркази, Имом ал-Бухорий маърифий маркази ва бошқа маданий маърифий марказлар) ҳам тасаввуфнинг тарихий ва тадрижийлиги асосида ўтмишдаги ўша “Зиё марказлари” хонақоҳлар функцияларига доир вазифаларни бажариб келмоқдалар. Ана шундай маърифий-маданий ва ислом марказларининг айнан Республикамизда ташкил этилгани ва улар фаолиятининг йўлга қўйилгани бу бизнинг ўша тарихий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, айникса, одамийлик ва тасаввуф зиёсининг чуқур маъноли илдизларини давлатимиз раҳбари ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-куватланишининг бир исботидир.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан қўйилган энг муҳим вазифалардан бири Ислом динининг чанакам гуманистик моҳиятини кенг дунё ҳамжамиятига етказишdir. Мана шу нуқта-назардан қараганда Тасаввуф таълимоти ўтмишда Исломнинг гуманистик гояларини кенг жамоатчиликка етказиш ва тарқатишида беминнат хизмат қилган. Бу соҳадаги тасаввуф таълимотининг роли бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Исломий меросни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганиш, Тасаввуфнинг маърифатли таълимотини дунёга тарқатиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда эса Ислом цивилизацияси маркази барпо этилди. Бу марказлар фаолиятининг етакчи йўналишлари Ислом ва тасаввуф меросини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, гуманистик Ислом таълимотини дунё ҳамжамиятига тарқатиш, саклаш ва оммалаштириш, бу соҳада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, республикамиздаги имомларнинг исломий малакаларини оширишдан иборатdir.

Хуллас, тасаввуф масканлари – хонақоҳлар ўтмишда Ўрта Осиё мусулмонларига қандай маданий-маърифий ва хайрия хизматларини кўрсатган бўлса, ҳозирда ҳам ҳалқимизга шундай

маданий-маърифий ислом марказларининг ташкил этилиши, ўтмишда бундай вазифаларнинг айнан хонақоҳларда бажарилганлиги, XIII-XV асрларда хонақоҳларнинг ҳатто “халқ университетлари” ролини бажарганлигини эътироф этиш ва буни юртимизга келган сайёҳлар ва кенг жамоатчиликка оммалаштириш бугунги маданий хаётимизнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Юкоридагилардан англашиладики, тасаввуф ўзининг изчил демократик тамойиллари билан, “мусулмончилик” деб аталган юксак ва улуг бир кадриятнинг ҳамма учун баравар бўлишилиги, халқ орасида муқим туриши ва ҳар бир ижтимоий ўзгаришнинг халқ фойдасига ҳал бўлиши учун курашиб келди. Эл–улус осойишталиги, ҳамжиҳатлиқ, бир–бирига ёрдам қўлини чўзиш, хайр–садақа, биродарлик ва футувватчилик кадриятларини тарғиб қилган [6;4-б.].

### **Қуйидаги жадвалда ўтмишдаги хонақоҳлар ва тасаввуф таълимотининг замонавий маданий-маърифий марказлар фаолиятидаги давомийлигини қўриш мумкин.**

т/р	Тасаввуф тариқатлари	Асосий мазмуни ва моҳияти	Тариқат маскан-ларининг номланиши	Меъморий кўриниши
<b>Ўтмишдаги хонақоҳлар</b>				
1.	Фарғонадаги Қодирия тариқати	Комилликка, юксак одоб-аҳлоқ ва маънавият эгаси бўлишликка ундаш	Хонақоҳ	
2.	Туркустондаги Яссавия тариқати	Комилликка, юксак одоб-аҳлоқ ва маънавият эгаси бўлишликка ундаш	Хонақоҳ	
3.	Хоразмдаги Кубравия тариқати	Ватанпарварлик, мардлик ва жувонмардликка ундаш	Хонақоҳ	
4.	Фиждувондаги Ҳожагон тариқати	Комилликка, юксак одоб-аҳлоқ ва маънавият эгаси бўлишликка ундаш	Хонақоҳ	
5.	Бухородаги Нақшбандия тариқати	Инсонни комилликка ва касб-хунар эгаллашга ундаш	Хонақоҳ	
<b>Замонавий диний маърифий марказлар</b>				
т/р	Маданий-маърифий марказлар	Асосий мазмуни ва моҳияти	Марказлар маскани	Меъморий кўриниши
1.	Тошкентдаги Республика маданий-маърифий маркази	Ватанпарварлик, мардлик ва жувонмардликка ундаш	Диний маърифий марказ	
2.	Ином ал-Бухорий маърифий маркази	Ватанпарварлик, мардлик ва жувонмардликка ундаш	Диний маърифий марказ	
3.	Бахоуддин Нақшбанд маърифий маркази	Инсонни комилликка ва касб-хунар эгаллашга ундаш	Диний маърифий марказ	

#### **Адабиётлар:**

- Комилов Н.** Тасаввуф. –Тошкент, 2009.
- Турап Усмон.** Тасаввуф тарихи. –Т.:“Истиқлол”, 1996.

3. **Бертельс Е.Э.** Суфизм и сўфийская литература.–М., 1965.
4. **Махмуд Асьад Жўшон.** Ислом, тасаввуф ва ахлоқ).–Тошкент, 2000.
5. **Асқаров Ш.Д.** Генезис архитектуры Узбекистана. – Тошкент, 2014.
6. **Уралов А.С.** Тасаввуф ва меъморчилик // Шарқ тонги газетаси, 15 январь, 1996, №2.

## **ZAMONA VIY ARXITEKTURA VA QURILISH SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASHDA ZAMONAVIY ANALIZ USULLARINI O'QITISH MUAMMOLARI**

Ruziyev E.A., kimyo fanlari nomzodi, dotsent.

Ruziyev J.E. tayanch doktorant.

Axmedov B. magistr.

Samarqand davlat universiteti

Mamlakatimizda zamonaviy ta'lif tizimlarini joriy qilishda amalga oshirilayotgan islohotlar arxitektura va qurilish sohasida raqobatbardosh kadrlar tayyorlash uchun oliy ta'lif tizimida mutaxassislar tayyorlashda qo'yiladigan barcha talablarga amal qilinib bu sohada rivojlangan mamlakatlar tajribasidan keng foydalanish masalalariga ham katta e'tibor bermoqda [1]. Bunda qurilish sohasi bilan birgalikda boshqa turdosh va umumsohaviy fanlarning o'zaro integratsiyalashuvidan foydalanib, rejali asosda ilmiy-tadqiqotlar o'tkazish katta amaliy ahamiyatga ega bo'lib, ularning natijalari amaliyotga tatbiq qilinishi muhim vazifa qilib qo'yiladi.

Ishlab chiqarish sohalari, texnika va texnologiyalar tizimlari uchun mutaxassislar tayyorlash uchun ta'lif va bilim berish, malaka va ko'nikmalar hosil qilish jarayonlari mutaxassisni hayotga va mehnatga tayyorlashning asosiy vositasi va tizimi hisoblanadi. Arxitektura va qurilish sohasida kadrlar tayyorlashda kimyo fanlaridan analitik kimyoning o'mni g'oyat kattadir. Ta'lif dasturi va o'quv rejalariga tabiiy va atrof-muhit ob'yeqtvari analizini amalga oshirishning davlat stantartlari va texnik talablariga javob beradigan barcha usullari bo'yicha nazariy va amaliy-laboratoriya mashg'ulotlari olib borish muhim mutaxassislik talablaridan biri hisoblanmog'i lozim.

Texnika fanlari yo'nalishidagi ta'lif olayotgan talabalar va magistrantlarni o'qitishda analitik kimyo fani ham jamiyatda mayjud bo'lgan ishlab chiqish sanoatlari texnika va texnologiyalar bilan bog'liq bo'lib asosiy laboratoriya mashg'ulotlari tuproq, yer osti va yer usti suvlari, oqova suvlari, tegishli analizlar bilan shug'ullanuvchi standart laboratoriylar, zavod, fabrika va boshqa ishlab chiqarish korxonalariga borib, talaba o'z ko'zi bilan ko'rib tasavvur qilishini nazarda tutib tashkil qilinishi ijobjiy natijalar beradi.

Yuqorida qayd etilgan fikrlarga qo'shimcha ravishda yana shuni ta'kidlash lozimki, yurtimiz ravnaqi, uning ertangi porloq kelajagini yaratadigan yuqori malakali yoshlar qalbiga milliy qadriyatlar, xalqimizning boy tarixi va ma'naviy merosi an'analarini chuqr singdirib ularni vatapvarvarlik fidoyilik, tashabbuskorlik hamda umuminsoniy qadriyatlar ruhida tayyorlash har bir professor-o'qituvchi, har bir ota-ona, qolaversa har bir fuqaroning burchi hisoblanadi [2]. Buning uchun respublikamiz hukumati yaratib berayotgan imkoniyatlar juda katta va yetarli darajada bo'lib, faqat har birimiz bu ma'sulyatni chuqr his etib kuch g'ayratimizni safarbar etishimiz lozim. Shu bilan birgalikda o'quv jarayonini zamonaviy axborot texnologiyalari asosida mustahkamlashning samarali tizimlarini shakllantirishga ham alohida e'tibor qaratish oliy ta'lif tizimida, ayniqsa, ishlab chiqarish sohalari bilan bog'liq bo'lgan ta'lif dargohlarida bilim berishning sifatini tubdan yaxshilash, tayyorlanayotgan mutaxassis kadrlar (talabalar) tomonidan barcha turdag'i darslarni chuqr o'zlashtirishga olib keladi. Bugungi kunda oliy ta'limgagi o'ziga xos imkoniyatlardan kelib chiqib elektron darsliklarning qo'llanish sohalari kengayib bormoqda. Shuning uchun hozirgi paytda elektron darsliklardan faqtgina masofaviy ta'linda foydalanib qolmasdan, balki mustaqil ta'lif maqsadlarida ham avtonom rejimda foydalanilib kelinmoqda hamda ularni tavsiya etilayotgan fanning uslubiy ta'minoti sifatida kundalik foydalanib kelinayotgan darliklar, o'quv va uslubiy qo'llanmalar tavsiya etilmoqda.

Arxitektura va qurilish sohasida kadrlar tayyorlashda ta'lif jarayonida talabalarga analitik nuqtai nazardan quyida keltirilgan jarayonlarni bilishlari muhim deb hisoblashni taklif etamiz:

-mutaxassis sifatida qurilishda ishlatalidigan barcha qurilish ashyolari va materiallarining hamda aralashmalarining tarkibiy tuzilmasini bilish;

-qurilish ishlari amalga oshiriladigan ob'yeqtning tuproq tarkibi, yerning ma'lum chuqurlikkacha strukturasi analitik jihatdan baholangan bo'lishi;

-talabalar qurilish ashyolari sifatida ishlatalayotgan konstruksion materiallar, ya'ni qora va rangli metallarning ishlab chiqarish texnologiyalari, kunkunli metallurgiya, metallarga termik va kimyoviy-

termik ishlov berish, metallarni quyish va bosim ostida ishlov berish jarayonlari, payvandlash va kesib ishslash jarayonlarini metall va qotishmalarning ishlatalish sohalari, markalari metalning strukturasi bilan bevosita tanishgan bo'lishi;

-qurilish ob'yekti tanlangan yerning ma'lum chucurligacha bo'lgan tuprog'inining tarkibini sifatiy va miqdoriy analiz usullari yordamida etalon usullar bilan analitik baholangan bo'lishi;

-qurilish ob'yekti sifatida tanlangan joyning yer osti suvlari joylashuvining chucurlik darajasi, shu suvlarning sifatiy va miqdoriy tarkibiy qismlarini analizning standart usullari yordamida baholanishini talabalar mustaqil ravishda aniqlay olishi;

-tanlangan qurilish ob'yektiga yaqin bo'lgan yer usti suvlaringin tanlangan ob'yektga yaqinlik darajasi va ularning mineral tarkibi va boshqa analitik xususiyatlarini baholay olishi;

-qurilish tizimida ikkilamchi xom-ashyo sifatida ishlatalayotgan yer osti va yer usti suvlaringin umumiyligi qattiqligi, uning muhiti, kislorodning kimyoviy va biologik sarfi, ular tarkibidagi kation va anionlarining umumiyligi miqdori, suv tarkibining kundalik va doimiy tarkibiy o'zgarishi tog'risidagi analitik ma'lumotlarga ega bo'lishi;

-qurilish ob'yektiga yaqin bo'lgan va qurilish jarayonlarida ikkilamchi mahsulot sifatida qo'llanilishi kutilgan daryo va ariq suvlaringin tozalik darajasi, unga xo'jalik, sanoat va shahar hududidan qo'shilayotgan kundalik oqovalarning mavjudligi, analitik jihatdan o'rganilgan bo'lishi muhim omil sifatida o'rganilib, foydalainilayotgan qurilish materiallarining sifatiga ta'siri tog'risida ham ma'lumotlarga ega bo'lishi;

-atrof-muhit ob'yektlari, ayniqsa, atmosfera havosining musoffoligiga transport vositalari, sanoat korxonalarini va boshqa ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan turli korxonalarining ifloslantiruvchi ta'siri nafaqat ona tabiatga, insonlar, hayvonot dunyosi va o'simliklarga ta'sir etib qolmasdan qurilish sohasi ob'yektlari va materiallariga ham salbiy ta'sir ko'rsatishini analitik baholay bilishlari;

-qurilish ob'yektlari joylashgan yerkarning va foydalainilayotgan yer osti va yer usti suvlaringin radioaktivlik xususiyatlarini baholash uchun ulardan namunalar olish va ularda uchrashi mumkin bo'lgan radioaktiv elementlar va ularni aniqlash usullarini bilishi hamda ularning tuproq erroziyasi va qurilish materiallarining mustahkamligiga ta'sirini tog'ri baholay olishi va analitik jihatdan aniqlash imkoniyatiga ega bo'lishi;

-turli hayotiy va tabiiy hodisalarini dunyoviylik va ilmiylik tamoyillari asosida analiz qilish va baholashga odatlanish kabi vazifalarini amalga oshirishdan iborat bo'lumog'i lozim.

Yuqorida qayd etilgan vazifalarini amalga oshirish uchun zamonaviy arxitektura va qurilish sohasiga tayyorlanayotgan mutaxassis kadrlarga analizning kimyoviy (sifat va miqdoriy), fizik-kimyoviy (elektrokimyoviy, spektroskopik va spektrografik, xromatografik) va fizikaviy usullaridan yetarli darajada bilim berishni tashkil etish bugungi kunda asosiy muhim vazifa qilib qo'yilmog'i kerak.

Ushbu "Milliy yuksalish va yoshlarning ijtimoiy siyosiy faolligini oshirishning dolzarb masalalari" mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy konferensiyasida qilinadigan ma'ruzda yuqorida qayd etilgan fikrlar va takliflar tog'risida to'liqroq ma'lumot berishga harakat qilamiz.

### **Adabiyotlar**

1.Ruziyev E.A., Norqulov U.M. Texnika va texnologiyalar ta'limi tizimida innovatsion uslublardan foydalanimish muammolari. Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida innovatsion texnologiyalarni qo'llash-mamlakat taraqqiyotining muhim omili. XV Resp.ilm.-amal.konf.mater.-Samarqand.-2018.b. 250-251.

2.Rahmatov M. Ta'lim sohasidagi islohotlar. Образование и воспитание молодежи-фундамент благополучия и процветания жизни. Матер.науч.-прак.конф. II ч. –Тошкент. -2013. с. 153-155.

## **ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА МУТАХАСИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ**

**Байзаков Абжалил Абдамитович,  
Самдақи Қурилиш факультети декани, техника  
фанлари номзоди, доцент.**

**Расулов Бекзод Боймуратович,  
Самдақи Қурилиш факультети декан ўринбосари.**

Мамлакатимизда сўнги уч йилда қурилиш соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб президентимиз қарорлари ва фармонлари, Вазирлар махкамасининг қарорлари қабул қилиниб, мазкур хужжатлар асосида қурилиш ишлари кўлами бир неча баробар ошиди ҳамда унга мос равишда қурилиш соҳаси кадрларига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ўсишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорининг 5-банди 2-хатбошисида истиқболли илмий-педагогик кадрларни, биринчи навбатда, муҳандислик-техника ва архитектура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари педагогларининг ривожланган давлатлар, хусусан, Жанубий Корея, Япония ва Германияда 2-3 ойлик курсларда ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартномалар, ҳомийлик ва ҳалқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малакасини ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишини ташкиллаштириш «Истеъдод» жамғармаси орқали мутахассислиги бўйича янги билимларни эгаллашга йўналтирилган малака оширишларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларидаги ўкув жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни мунтазам равишда жалб этиш [1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарори] борасида бир қанча вазифаларни белгилаб берди.

Мазкур қарордан келиб чиқиб, ҳар йили бир нечта профессор-ўқитувчилар Россия федерацияси, Хитой ҳалқ республикаси каби давлатларда стажировкадан ўтиб келмоқда. Ушбу жараёнда мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги ОТМларида бошқа бир муаммо кун тартибида пайдо бўлмоқда. Яъни, моддий техник базани яхшилаш масаласи. Жаҳоннинг тараққий этаётган мамлакатларида қурилиш соҳасида энг замонавий техника ва ускуналар қўлланилаётган бир пайтда, мамлакатимиздаги ОТМларда ҳамон механик, компьютер дастурларисиз ишлайдиган лаборатория ускунларидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ускуналар бугунги кун талабига умуман жавоб бермайди.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 3-бандида ўқитишининг замонавий шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўкув-лаборатория анжомлари ва ўкув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, олий таълим муассасаларининг замонавий илмий лабораторияларини ташкил этиш ва ривожлантириш чораларини кўриш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган. Аммо ҳозирги кунга кадар ушбу мақсадларга эришилмай келинмоқда.

Бизнинг фикримизча, соҳага янги технологиялар, замонавий лаборатория жиҳозларини олиб кирмасдан туриб, кузга кўринарли даражада тараққий эттириш бажарилиши мушкул бўлган вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-3646-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, республика ва худудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 603-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ташкил этилиб, унинг структураси, мақсад ва вазифалари, хукуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари белгилаб берилди. Вазирлик томонидан мамлакатимизда қурилишни тартибга солиш ва замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Тизимдаги ОТМлар томонидан ўқитиш тизимини ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, соҳадаги ОТМлар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари, кадрларга буюртмачилар билан узлуксиз ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга интилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари томонидан ОТМларда амалий дарслар ўтилмоқда. Мазкур мутахассислар ОТМларга ташки ӯриндошлик асосида бириктирилиб, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш корхоналарида амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказишга ҳаракат қилинмоқда.

Талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил этишда ҳам худди шундай ҳамкорлик ўрнатилган. Аммо соҳадаги кўплаб ишлаб чиқариш ташкилотларида талабаларни мунтазам қабул қилиш имконияти чекланган. Ваҳолангки, 2020 йил 7 январ ҳолатига Ўзбекистонда 22 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилоти мавжуд бўлиб [2. <https://www.gazeta.uz/> uz/2020/01/07/construction], уларнинг аксарияти хусусий шахс мақомида фаолият юритади. Мазкур субъектлар билан ОТМларнинг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши қийин кечмоқда. Қурилиш вазирлиги ва хокимиятлар хузуридаги қурилиш соҳасидаги ташкилотлар билан бир мунча яқин алоқалар ўрнатилган.

Соҳа вакилларининг эътироф этишларича, қурилиш соҳасига олий маълумотли юкори малакали муҳандис-қурувчиларга бўлган талаб юқорилигича қолмоқда.

Қурилиш ҳамда қурилиш соҳасида лойиҳалаш билан шугулланадиган ташкилот раҳбарлари билан ўтказилган сўровномларда қурилишга тегишли таълим йўналиши битирувчилариниг малакавий тайёргарлик даражаси ва асосий камчиликлари бўйича қуидаги жавоблар олинди, яъни:

- амалий кўнкималарни талаб даражада эмаслиги;
- мавжуд амалий фаолиятдан узилиб қолганлиги;
- замонавий илфор қурилиш технологияларини билмаслиги.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 7 январь куни қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йигилиш ўтказиб, қурилиш соҳасидаги асосий муаммоларни келтириб ўтди. Хусусан, қурилиш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизими буғунги кун талабига жавоб бермаслигини, соҳага оид таълим дастурларини юқори технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида янгидан ишлаб чикиш, бўлажак кадрларни замонавий лойиҳалаш ва дастурий таъминот, хусусан, BIM (Building Information Modeling) технологиялари билан ишлашга ўргатиш кераклигини таъкидлади. [2. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/07/construction>]

Бундан ташқари битирувчиларнинг қатор фанлардан назарий ва амалий билимлари саёзлиги, жумладан: қурилищда нарҳ ва смета хужжатлари; қурилиш иқтисодиёти; лойиҳа ва лойиҳалаштиришда компьютер дастурлари; бино ва иншоотларни техник баҳолаш; қурилиш конструкцияларини лойиҳалашда компьютер технологиялари; қурилиш жараёнлари технологияси; қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш; ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси кўрсатиб ўтилган.

Зеро, бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуришга алоқадор қурувчидан қурилажак объект учун катта масъулият ва жавогарлик талаб этилади. Юқоридаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари аввало, мустақилликдан сўнг мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнida кўплаб давлат тасарруфида булган қурилиш ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари мулкчиликнинг бошқа ташкилий шаклларига ўтказилди ёки бутунлай ёпилиб кетди. Қурилиш таълим йўналишидаги олий таълим муассасаларида қабул квоталари ва таълим йўналишлари қисқарди. Қурилиш кўлами кескин камайиши оқибатида малакали мутахассисларнинг мазкур соҳадан кетишига, ёшлар ўртасида қурилиш соҳасига бўлган иштиёқ пасайиб, унинг жозибодорлигини камайтириди. Буғунги кунда кенг миқёсдаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари ва яратилаётган моддий техник база, кенг имкониятлар қурилиш соҳасига бўлган ёшларнинг қизиқишиларини оширмоқда. Олий таълим муассасаларида бозор шароитига ракобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

ОТМ битирувчиларни компетентлигини, қасбий тайёргарлик сифатини ҳамда амалий кўнкима ва билимини ошириш кўплаб ўзгаришларни тақозо этмоқда. Бу бевосита таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш; юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш; олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш; Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Демак, етарли даражада билимга, малака ва кўнкималарга ҳамда ўзгарувчан бозор талабларига мослашувчан қурилиш соҳаси мутахассисларини таёrlашда қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ✓ талаба шахсининг юқори малакали мутахассис бўлиб шаклланишини таъминлашда инновацион таълим технологиялари ва замонавий компьютер техникасидан янада кенгрок фойдаланиш;
- ✓ таълим жараёнидаги фанлараро интеграцияни мувофиқлаштиришни жорий этиш орқали талабаларнинг турли хил фанларни ўрганиш натижалари асосида алоҳида айrim мухандислик масалаларини ечиш кўнкималарини шакллантириш;
- ✓ таълим йўналишлари хусусиятларидан келиб чиқкан холда хусусий ва давлат корхона маблағларини жалб қилиб, ОТМнинг моддий техника базасини ривожлантириш;
- ✓ ОТМнинг тегишли вазирликлар ва етакчи ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, юқори малакали қурувчлар тайёрлаш масаласида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, аммо бу етарли эмас. Бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп. Кузланган мақсадга эса, олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйиш, аввало ёшларнинг билимларни чуқур эгаллашлари, тинмай изланишлари, ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларининг юқорилиги муваффакиятни таъминлашнинг асосий омилидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктиносидиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/07/construction/>

### **ЎЗБЕКИСТОН СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Абдушахидов Н.Б.**

**ЎзМУ Ижтимоий фанлар факултети тадқиқотчиси,  
“Сувсоз” давлат унитар корхонаси мухандиси.**

“Институт” атамаси турли ижтимоий фанларда кенг кўлланилади ва билимнинг кўлланилаётган соҳасига боғлиқ ҳолда турли мазмунларга эга “Институт” тушунчасининг ўзи лотинча “institutum” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, белгилаш, муассаса, одат тушунчаларини англатади[1, 180-б].

Олим Д.Норт таъкидлаганидек “Институтлар бу жамиятдаги “ўйин қоидалари” ёки янада расмий ифодалайдиган бўлсак, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантирувчи инсон томонидан яратилган чекловчи доиралардир”[2, 10-б].

Ҳозирги даврда жаҳонда ва минтақамизда сув ресурслари чегараланган ҳисобланиб, бундай даврда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис худудда яшashi мумкин. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да[3, 55-б] аҳолининг коммунал-маший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини куриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни боскичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда сув таъминоти ишончлилигини ошириш бўйича тизимли фаолиятни йўлга қўйиш мухим масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилган ҳолда сувдан фойдаланиш, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишини таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар яратилган, сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, глобал иқлим ўзгариши туфайли республикада қуруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда кор захиралари майдони камаймоқда, камсувлик тақрорланиши тобора кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида сув танқислиги келиб чиқиши хавфининг ошишига олиб келади. Сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларидан самарасиз фойдаланилаётгани, шунингдек, жойлардаги асосий фондларни модернизация қилиш ва янгилаш лойиҳалари ишончли молиялаштирилмаётгани ускуна ҳамда техникаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда тез ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги даврда сув таъминоти ва канализация тизимида замонавий бошқарув шакллари ва усууллари етарлича жорий этилмаганлиги, кадрлар салоҳиятининг пастлиги сув таъминоти ҳамда канализация обьектларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланишни таъминлаш имконини бермаяпти.

Ўзбекистонда сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, тўғридан-тўғри, авваламбор,

хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш манбаларини ташкил этиш мақсадида 2018 йил 30 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшумча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли Президент Қарори[4] имзоланди. Мазкур Қарорга асосан, қуидагилар сув таъминоти ва канализация тизимларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди:

-сув таъминоти ва канализация корхоналарини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида илгор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий қилиш;

-сув таъминоти ва канализация соҳасида ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишини таъминлайдиган замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, республикадаги барча истеъмолчиларни ичимлик сувини ҳисобга олувчи замонавий асбоблар билан жиҳозлаш;

-туар-жой комплексларини қуришда санитария талабларини, шу жумладан маҳаллий тозалаш иншоотларини қўллаш орқали таъминлаш мақсадида канализация обьектларини ичимлик суви таъминоти обьектлари билан биргаликда лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

-ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ўзи тўлиқ қоплашини таъминлайдиган, сув таъминоти ҳамда канализация обьектларини бошқариш ва улардан фойдаланишга хусусий секторни жалб қилиш имконини берадиган янги тариф сиёсатини ишлаб чикиш орқали сув таъминоти ва канализация корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

-сув таъминоти ва канализация соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда дунё давлатлари мазкур инфратузилма тармоқларини тубдан яхшилаш ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш учун давлат-хусусий шерикчилик муносабатларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. **Давлат- хусусий шерикчилиги** - бу давлат ва хусусий секторни хизматларни тақдим этишда биргаликда ишлашга жалб этадиган тушунча. Давлат-хусусий шерикчилигига, хусусий сектор маъдум вақт давомида давлат сектори номидан вазифа ёки функцияларни бажаради ва одатда муайян вазифа ёки функцияни амалга ошириш билан боғлиқ молиявий, техник ва эксплуатацион хатар ва оқибатлар учун асосий жавобгарликни олади.

Сув таъминоти тизимида давлат-хусусий шерикчилигининг афзалликлари ва камчиликлари қуидагиларни ўз ичига олади:

**Афзалликлари.** Давлат хизматларини кўрсатиш, хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига эришиш ёки харажатларни камайтириш учун хусусий секторнинг самарадорлиги ва бошқарув кўнималари жорий этилади, чунки эксплуатацион хавф хусусий секторга топширилади, бу эса ўз навбатида янги инновацион технологиялар жорий этишга сабаб бўлади;

-Инфратузилмани яратиш ва хизматларни тақдим этиш давлат маблағларидан хусусий сектор маблағлари ҳисобига фойдаланиш ҳисобига тезлашади. Шунингдек, у маҳаллий молиявий ва капитал бозорларини ривожлантиришга ёрдам беради ва маҳаллий фирмаларга хизматларни тақдим этишда қатнашиш ва имкониятларини кенгайтиришга имкон беради;

**Камчиликлари.** Сув таъминоти тизимида **Давлат-хусусий шерикчилигида юзага келадиган камчиликлар ва хавфлар қуидагиларни ўз ичига олади:**

- Давлат-хусусий шерикчилигига анъанавий савдоларга караганда очиқ савдоларга кўпроқ вақт сарфлайди, чунки у батафсил ёндошишни, таҳлил қилишни, тузилишини, ишончли сотиб олиш ҳужжатларини, шартнома шартларини ишлаб чиқишини ва мувофиқлаштиришни талаб қиласди;

- Давлат-хусусий шерикчилиги - бу харидларнинг қиммат туридир, улар талаб қилган ҳолда тадбирларда малакали ва тажрибали маслаҳатчиларнинг иштирокини таъминлашлари керак.

Мазкур жараён ўз ичига сув таъминоти ва канализация корхоналарининг эксплуататион, молиявий ва иқтисодий функцияларини бажарадиган ягона бирлашма яратилишини назарда тутади. Шахар ва туман сув таъминоти фаолиятини тезкор бошқариш учун давлат сув таъминоти ва канализация компанияси "Ўзсувтаминот" ни яратишни кўриб чиқиш керак. Ушбу ташкилотнинг бюджети сув таъминоти ва канализация сектори аъзоларининг ўз фаолиятларига мувофиқ ажратмалари ҳисобидан шакллантирилади.

Мамлакатимиз сув таъминоти тизимида юкоридаги вазифаларни бажарилиши ва сув таъминоти сиёсатини ривожлантириш аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация билан таъминлашда ўзини юқори натижасини беради. Сиёсатни **дастлабки ва биринчи даражали вазифаси** эса ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жамиятнинг ҳавфсизлиги, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб берадиган, илмий асосланган, оқилона дастурларни, конунларни, қарорларни ишлаб чиқишидир[5, 17-б].

Шундан келиб чиқсан холда юкоридаги фикрларни инобатга олиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда сув сиёсатини ривожлантириш давлатдаги ижтимоий муаммоларни бартараф этиши билан бир қаторда давлат ва жамиятнинг ҳавфсизлиги, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш ҳусусиятига эгадир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Норт Д. 1997. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики (пер. с англ. А.Н. Нестеренко). М.: Фонд экономической книги «Начала» 180 с.

2. Hodgson G.M. 2006. What Are Institutions? – *Journal of Economic Issues*. Vol. XL. No. 1, March. P. 1-25.

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.-Т.: Маънавият, 2017.-Б.130.

4. <https://lex.uz/docs/4087011>

5. Х.Т. Одилқориев, Д.Х.Раззоқов. Сиёсатшунослик: Дарслик -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

## **QURILISH MATERIALLARINING RAQOBATBARDOSHLIGINI INNOVATSION TADBIRLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH**

**Abdusamatov B.Q.  
Iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.  
Normatova F.I.  
SamDAQI mustaqil tadqiqotchisi.**

Bugungi kunda barqaror rivojlanishga erishish va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirish ilg'or innovatsion iqtisodiyotga ega bo'lismi talab etadi. Bunga esa barcha darajalarda, xususan, tovarlar raqobatbardoshligini oshirishda ham innovatsiyalarning rolini oshirish zarurdir. Aholining eng zarur ehtiyojlarini qondirish, ya'ni oziq-ovqat va nooziq-ovqat iste'mol tovarlariga bo'lgan talabini qondirish, mahalliy xom-ashyo resurslaridan unumli foydalanishni amalga oshirish, ishlab chiqarilgan maxsulotlarni sotishni yo'lga qo'yish asosida ma'lum rentabellik darajasiga chiqish va foyda olish imkoniyati mavjudligi, kichik korxonalarini yirik investitsiyalar talab qilmasligi, ularni qishloqlarda mavjud foydalanilayotgan inshootlar, muassasalar asosida tashkil qilish mumkinligi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda bir necha smenalik mehnat qilishni tashkil etish asosida ko'proq ishsizlarni ish bilan ta'minlash, kichik korxonalarda yuqori va murakkab texnologiyalar qo'llanilishi sababli, ishsizlarga ma'lum vaqtida kasb o'rgatish qulay bo'lishi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda nisbatan xizmat sohalariga qaraganda ish xaqini yuqoriligi kabi jihatlari milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini ta'minlashda ushbu afzalliliklardan foydalanish imkoniyatini yuzaga keltiradi.

Bugungi kunda iqtisodiyotning tobora integratsiyalashuvi, мамлакатимиз iqtisodiyoti jahon iqtisodiyotining ajralmas qismiga aylanib borayotganligi hamda iqtisodiyotni yanada rivojlantirishga yo'naltirilgan islohot va dasturlarning amalga oshirilishi iqtisodiyot tarmoqlarini yanada rivojlantirish va raqobatbardoshligini ta'minlashni obyektiv zaruriyatga aylantirmoqda. Chunki, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi korxona va tarmoqlarning muvaffaqiyatli rivojlanib borishi hisobiga shakllanadi.

Real sektor tarmoqlari ichida sanoat milliy iqtisodiyotning yirik yetakchi sohasi bo'lib hisoblanadi. Mamlakatimizda sanoat korxonalarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, texnik-texnologik qayta jihozlash borasida amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı ishlar, hududlarda ishlab chiqarish hajmi va sifatini yuksaltirishga xizmat qilmoqda. Bugungi globallashuv hamda jahon bozori konyunkturasining keskin o'zgarib borishi natijasida sanoat tarmoqlarining raqobatbardoshligini oshirish tobora muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. O'zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning hozirgi bosqichida iqtisodiyotning "lokomotiv" i hisoblangan sanoat tarmog'ini yanada

rivojlantirish masalasiga alohida ahamiyat berilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldag'i PF-4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'naliishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi uchinchi ustuvor yo'naliishing "Tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikasiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish" deb nomlangan bandida quyidagi vazifalar belgilab berilgan: - yuqori texnologiyali qayta ishslash tarmoqlarini, eng avvalo, mahalliy xom ashyo resurslarini chuqur qayta ishslash asosida yuqori qo'shimcha qiymatli tayyor mahsulot ishlab chiqarishni jadal rivojlantirishga qaratilgan sifat jihatidan yangi bosqichga o'tkazish orqali sanoatni yanada modernizatsiya va diversifikasiya qilish; - iqtisodiyot tarmoqlari uchun samarali raqobatbardosh muhitni shakllantirish hamda mahsulot va xizmatlar bozorida monopoliyani bosqichma-bosqich kamaytirish va boshqalar[1].

Ishlab chiqaruvchining raqobatbardoshligi - bu uning ham mahsulotning sifat tavsiflariga, ham boshqa ishlab chiqaruvchi raqobatchilarga nisbatan olib boradigan aniq maqsadga yo'naltirilgan faoliyati hisobiga sotish bozorlarini saqlab qolish va kengaytirish qobiliyati. Yangi sotish bozorlariga chiqish, tashkiliy tuzilmanni qayta tuzish, modifikatsiyalash va mahsulotning yangi turlarini o'zlashtirish, uni ishlab chiqarish hajmlarmi o'zgartirish, asosiy ishlab chiqarish jamg'armalarini almashtirish, xo'jalik aloqalarini va marketing siyosatini o'zgartirish bilan bog'liq barcha yechimlar korxonaning raqobatbardoshigini ta'minlashga bo'ysundirilgan. Tovar va korxonaning raqobatbardoshligi toifalari o'zaro uzviy bog'liq bo'lishi bilan birga, muhim farqlarga ham egadir:

1) mahsulotning raqobatbardoshligi tovarning hayot sikliga mos vaqt oralig'ida baholanadi va tadqiq etiladi, korxona raqobatbardoshligini tadqiq etish asosida esa korxona faoliyat korsatib turadigan davrga mos bo'lgan ancha uzoq vaqt yotadi;

2) mahsulotning raqobatbardoshligi uning har bir turiga nisbatan ko'rib chiqiladi, korxona raqobatbardoshligi esa ishlab chiqariladigan mahsulotning barcha o'zgaruvchi nomenklaturasini va uning ishlab chiqarish-texnik salohiyatini qamrab oladi;

3) korxonaning raqobatbardoshlik darajasi uning o'zi tomonidan tahlil qilinadi, tovarning raqobatbardoshligini baholash esa iste'molchining alohida huquqi. O'z strukturasiga ko'ra korxonaning raqobatbardoshligi mahsulotning raqobatbardoshligidan ancha murakkab, chunki uning obyekti – korxonaning butun ishlab chiqarish iqtisodiy faoliyatidir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 2 apreldagi "Qurilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida"gi PF-5392-son farmoni
2. "Arzon zamonaviy qurilish ashyolari" I.I.Qosimov. Toshkent., 2017.
3. Малиновская Л.В. Об основных принципах обеспечения качества строительства. Международный опыт // Инженерно-строительный журнал. 2009. №1. С. 55-56.

## **QOVUSHOQ-ELASTIK PLASTINKA ERKIN TEBRANISHLARINI TADQIQ ETISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH**


**Yaxshiboyev Sh.R.,  
SamDAQI tayanch doktoranti.**

**Kirish.** Bugungi kunda texnikaning turli sohalarida va qurilishda uch qatlamlı plastinkalar keng qo'llanilmoqda. Bunga sabab uch qatlamlı plastinkalarning turli xildagi tebranishlar jarayonida mustahkamligi yuqori darajada qolishi va iqtisodiy muammolarning oson yechilishi bo'lmoqda. Shuning uchun uch qatlamlı plastinkalar ustida ko'plab tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Juda ko'p hollarda plastinkalarning dinamik hisobi klassik nazariyaga tayangan holda olib boriladi [1]. Ba'zi hollarda dinamik hisoblar ko'ndalang siljish deformatsiyasi va aylanish inersiyasini hisobga oluvchi aniqlashtirilgan S.P.Timoshenko tipidagi tenglamalarga asoslanadi [2].

Keyingi yilliklarda aniq yechimlar usuliga asoslangan plastinkalar nazariyalari ishlab chiqilgan. Ushbu maqolada bir qatlamlı elastik plastinkaning tebranish tenglamalari masala tekis masala deb qaralgan hol uchun keltirib chiqarilgan. Tebranish tenglamalari bilan bir qatorda plastinka ixtiyoriy kesimidagi ko'chish va kuchlanishlarni aniqlashga imkon beruvchi algoritm ishlab chiqilgan.

**Masalaning qo'yilishi.** Dekart koordinatalar sistemasida bir qatlamlı plastinkani qaraymiz. Plastinka tekis deformatsiya holatida deb unga 1-rasmdagidek  $Oxz$  to'g'ri burchakli koordinata o'qlarini o'tkazamiz. Qatlam qalinligini  $2h_0$  orqali, qatlam materiali zichligini  $\rho_0$  orqali, qatlam materiali elastik

harakteristikalarini  $\mu_0$  va  $\lambda_0$  orqali belgilaymiz. Bu bir qatlamlı plastinka tebranish tenglamasini xususiy holda [3] ishda keltirilgan uch qatlamlı plastinka tebranish tenglamasidan keltirib chiqarish hamda qaralayotgan bir qatlamlı plastinkada yuzaga keladigan ko'chish va kuchlanishlarni topish masalasini qaraymiz.



**Masalaning yechimi.** Shunday qilib bir qatlamlı plastinkaning tebranishlari haqidagi masalani yechish uchun uch qatlamlı plastinkaning [3] ishda keltirilgan tebranish tenglamalaridan foydalanamiz. Bizga ma'lumki [3] ishda ikki izlanuvchi funksiyalarga nisbatan uch qatlamlı plastinkaning amaliy masalalarni yechishda qo'llash mumkin bo'lган tebranish tenglamalari sistemasi ba'zi almashtirishlardan keyin quyidagi ko'rinishga ega bo'ladi.

$$\begin{aligned} & \left[ A_{11} \frac{\partial^4}{\partial t^4} - A_{12} \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + A_{13} \frac{\partial^4}{\partial x^4} + A_{14} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - A_{15} \frac{\partial^2}{\partial x^2} + A_{16} \right] \frac{\partial}{\partial x} W_1^{(0)} + \\ & + \frac{1}{\xi} \left[ B_{11} \frac{\partial^4}{\partial t^4} - B_{12} \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + B_{13} \frac{\partial^4}{\partial x^4} + B_{14} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - B_{15} \frac{\partial^2}{\partial x^2} + B_{16} \right] U_1^{(0)} = D_1 \cdot f_x^{(1)}(k, p) \end{aligned} \quad (1)$$

$$\begin{aligned} & z \left\{ \left[ A_{21} \frac{\partial^4}{\partial t^4} - A_{22} \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + A_{23} \frac{\partial^4}{\partial x^4} + A_{24} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - A_{25} \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] W_1^{(0)} - \right. \\ & \left. - \frac{1}{\xi} \left[ B_{21} \frac{\partial^4}{\partial t^4} - B_{22} \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + B_{23} \frac{\partial^4}{\partial x^4} + B_{24} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - B_{25} \frac{\partial^2}{\partial x^2} + B_{26} \right] \frac{\partial}{\partial x} U_1^{(0)} \right\} = D_2 \cdot f_z^{(2)}(k, p) \end{aligned}$$

bu yerda

$$D_i = \frac{b_0^4}{12a_1^2 b_1^2} \frac{h_0^4}{l^4} \frac{\partial^4}{\partial t^4} + \frac{h_0^4}{12l^4} \left( \frac{b_0^2}{a_1^2} + \frac{b_0^2}{b_1^2} \right) \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + \frac{h_0^4}{12l^4} \frac{\partial^4}{\partial x^4} + \frac{b_0^2}{2b_1^2} \frac{h_0^2}{l^2} \left( \frac{4}{3} - q_1 \right) \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{2l^2} \left( \frac{4}{3} - \frac{2}{3} q_1 \right) \frac{\partial^2}{\partial x^2} + 1$$

$$A_{11} = \left( \frac{1}{12} q_1 + \frac{1}{12} - \frac{1}{6} q_0 - \frac{1}{4} z^2 q_1 (1 - q_0) + \frac{1}{4} z^2 (1 - q_0)(1 - q_1) + \frac{b_0^2}{12a_1^2} z^2 - \frac{1}{12} z^2 q_0 \right) \frac{b_0^2}{b_1^2} \frac{h_0^5}{l^5}$$


---



---

$$B_{11} = \left( \frac{1}{12} (1 - q_1) + \frac{b_0^2}{4a_1^2} z^2 + \frac{1}{12} z^2 \right) \frac{b_0^2}{b_1^2} \frac{h_0^3}{l^3}$$


---



---

bunda ( $i=1, 2$ );  $z_1 = h_0 + h_1$ ;  $z_2 = h_0 + h_2$ ;  $q_m = 1 - \frac{\mu_m}{\lambda_m}$ ;  $a_m$  - plastinka materialaridagi bo'ylama to'lqin tarqalish tezligi va  $b_m$  - ko'ndalang to'lqin tarqalish tezligi;  $m$  - qatlamlar nomeri.

Xususiy holda (1) tenglamalar sistemasida  $h_0 = 0$ ,  $h_2 = h_1$ ,  $q_2 = q_1$  va  $a_2 = a_1$  deb olsak va ta'sir etuvchi kuchlarni nolga tenglashtirsak erkin holdagi bir qatlamlili plastinka tebranish tenglamasi kelib chiqadi.

$$\left[ 1 + \frac{1}{2b_0^2} (1 - 2q_0) h_0^2 \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{1}{2} h_0^2 (1 - 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] \frac{\partial}{\partial x} W_0^{(0)} + \frac{1}{\xi} \left[ 1 + \frac{1}{2b_0^2} h_0^2 \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{1}{2} h_0^2 (1 + 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] U_0^{(0)} = 0$$

(2)

$$\begin{aligned} & \left[ \frac{1}{6a_0^2 b_0^2} h_0^3 \frac{\partial^4}{\partial t^4} - \frac{1}{6} h_0^3 \left( \frac{1}{a_0^2} + \frac{1}{b_0^2} (1 - 2q_0) \right) \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + \frac{1}{6} h_0^3 (1 - 2q_0) \frac{\partial^4}{\partial x^4} + \frac{h_0}{b_0^2} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - h_0 \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] W_0^{(0)} + \\ & + \frac{h_0}{\xi} \left[ \frac{1}{6} h_0^2 \left( \frac{1}{a_0^2} - \frac{2}{b_0^2} \right) \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{1}{6} h_0^2 (1 + 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} - 1 \right] \frac{\partial}{\partial x} U_0^{(0)} = 0 \end{aligned}$$

Bir qatlamlili plastinka tebranish tenglamalar sistemasi (2) ni o'lchovsiz holatga keltiramiz. Buning uchun quyidagi ko'rinishdagi o'lchovsiz kattaliklarni kiritamiz.

$$x^* = \frac{x}{l}, \quad z^* = \frac{z}{h_0}, \quad h_m^* = \frac{h_m}{h_0}, \quad t^* = \frac{t \cdot b_0}{l}, \quad U_0^{(0)*} = \frac{U_0^{(0)}}{l}, \quad W_0^{(0)*} = \frac{W_0^{(0)}}{h_0}, \quad \xi^* = \frac{\xi}{h_0}. \quad (3)$$

(3) o'lchovsiz kattaliklarni (2) tenglamalar sistemasiga kiritib so'ngra bir qancha matematik soddallashtirishlarni bajarib quyidagi tenglamalar sistemasiga ega bo'lamiz


$$\begin{aligned} & \left[ 1 + \frac{h_0^2}{2l^2} (1 - 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{2l^2} (1 - 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] \frac{h_0}{l} \frac{\partial W_0^{(0)*}}{\partial x} + \frac{1}{\xi} \left[ 1 + \frac{h_0^2}{2l^2} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{2l^2} (1 + 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] \frac{l}{h_0^2} U_0^{(0)*} = 0 \end{aligned}$$

(4)

$$\begin{aligned} & \left[ \frac{b_0^2}{6a_0^2} \frac{h_0^4}{l^4} \frac{\partial^4}{\partial t^4} - \frac{h_0^4}{6l^4} \left( \frac{b_0^2}{a_0^2} + 1 - 2q_0 \right) \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + \frac{h_0^4}{6l^4} (1 - 2q_0) \frac{\partial^4}{\partial x^4} + \frac{h_0^2}{l^2} \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{l^2} \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right] W_0^{(0)*} + \\ & + \frac{1}{\xi} \left[ \frac{h_0^2}{6l^2} \left( \frac{b_0^2}{a_0^2} - 2 \right) \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{6l^2} (1 + 2q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} - 1 \right] \frac{\partial U_0^{(0)*}}{\partial x} = 0 \end{aligned}$$

Bu (4) tenglamalar sistemasini "Maple 17" dasturi yordamida yechib izlanuvchi funksiyalarni grafik ko'rinishida olamiz. Bu tenglamalardan  $W_0^{(0)*}(x, t)$  izlanuvchi funksiyani  $P(\xi)$  funksiya bilan almashtirib,  $U_0^{(0)*}(x, t)$  izlanuvchi funksiyani esa  $Q(\xi)$  funksiya bilan almashtirib quyidagi grafiklarni olamiz. bunda,

$$\xi = 0.3; \quad l = 1; \quad h = 0.05; \quad \rho_{stekloplastik} = 1700 \text{ kg/m}^3; \quad E_{stekloplastik} = 5.5 \cdot 10^{10} \text{ Pa}; \quad \nu_{stekloplastik} = 0.4 \quad (5)$$



Bir qatlamlı plastinkada yuzaga keladigan ko'chishlarni topilgan bu izlanuvchi funksiyalar orqali o'lchovsiz holatda quyidagi ko'rinishda tasvirlaymiz.

$$U_0 = z \left\{ - \left( \frac{h_0^4}{6l^4} q_0 z^2 \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^4}{6l^4} q_0 z^2 \frac{\partial^2}{\partial x^2} \right) \frac{\partial}{\partial x} W_0^{(0)*} + \frac{1}{\xi} \left[ \frac{h_0^2}{6l^2} z^2 \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{6l^2} z^2 \frac{\partial^2}{\partial x^2} (1+q_0) + 1 \right] U_0^{(0)*} \right\} \quad (6)$$

$$W_0 = \left\{ \left[ \frac{b_0^2}{24l^4 a_0^2} z^4 h_0^4 (1-q_0) \frac{\partial^4}{\partial t^4} - \frac{h_0^4}{24l^4} z^4 \left( (1-2q_0) + \frac{b_0^2}{a_0^2} (1-q_0) \right) \frac{\partial^4}{\partial t^2 \partial x^2} + \frac{h_0^4}{24l^4} z^4 (1-2q_0) \frac{\partial^4}{\partial x^4} + \frac{h_0^2}{2l^2} z^2 (1-q_0) \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{2l^2} z^2 (1-q_0) \frac{\partial^2}{\partial x^2} + 1 \right] W_0^{(0)*} - \frac{1}{\xi} \left[ \frac{h_0^2}{24l^2} z^4 q_0 \left( 1 + \frac{b_0^2}{a_0^2} \right) \frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{h_0^2}{12l^2} q_0 z^4 \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{1}{2} q_0 z^2 \right] \frac{\partial}{\partial x} U_0^{(0)*} \right\}$$

Bu (6) tenglamalar sistemasi bir qatlamlı plastinkada yuzaga keladigan ko'chishlarni ifodalaydi.

#### Adabiyotlar

- Александров А.Я., Куршин Л.М. Трехслойные пластинки и оболочки // Прочность, устойчивость, колебания. – М.: Машиностроение, 1968, т. 2.- С.245-308.
- Григорюк Э.И., Селезов И.Т. Неклассические теории колебаний стержней, пластин и обо лочек // Итоги науки и техники. Сер. Механика деформ. твердых тел. – Т. 5 – М.: ВИНТИ, 1973. – 272с.
- Худойназаров Х.Х., Скрипняк В.А., Яхшибоев Ш. Нестационарные поперечные колебания трехслойной вязкоупругой пластинки. Узбекский журнал Проблемы Механики, №2, 2018. - С.27-32
- Худойназаров Х.Х. Нестационарное взаимодействие цилиндрических оболочек и стержней с деформируемой средой.- Т. Изд-во мед.лит. имени Абу Али Ибн Сина, 2003, 325 стр.

#### ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИ ХОНАҶОҲИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА АРХИТЕКТУРАСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

*Махматқулов Илҳом Турдимуродович  
Самдақи мустақил изланувчиси.*

Шайх Худойдод Вали XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган тасаввуф алломаси ва шоиридир. Маълумки, XVI асрнинг бошида Мовароуннахрда Темурийлар авлодининг хукмронлиги тугади. XV асрнинг охирида Шайбонийхон бошчилигига қипчоқ қабилалари вакилларининг бостириб кириши Мовароуннахрнинг бундан кейинги тарихига пуртур етказган чукур ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий турғунликнинг қарор топишига ёрдам берди.

Худойдоди ҳазратлари мана шундай нотинч ва бекарор вазиятда яшаб ижод қилди. У ўзининг адабий фаолиятида жабрланиб, ҳаётдан безиб, умидсизланган синф ҳаётини акс эттирган[1].

Худойдод ҳаётдан фойда курган беклар, оқсуяклар, аскар бошликлари ҳамда уларнинг думлари бўлиб яшаган мулла, эшонлар қаторида бўлмади, аксинча мазлум синфнинг орасида бўлди. Мехнаткашларнинг қайгулари билан йиглашга мажбур бўлди. Вали бобо сифатида шуҳрат козонган зотнинг асл номлари Худойберди бўлиб, бу ҳазратнинг оталарини Ҳазрати Ортиқ шайх дер эдилар. Муҳаммад Шариф Ҳусайний ал-Алавий ал-Бухорийнинг “Ҳужжат ул-зокирин” тазкирасида қайд қилинишича, ҳазрати азизон Ортиқ шайх асли Хоразмда шуҳрат қозонган ва эътиборга сазовор хонадондан бўлиб, укалари азизон Зикриё шайх, оила аъзолари, қавм-кариндош ва содик муридлари билан аввал Бухорога, ундан сўнг эса Карманага келиб, Карманадан икки фарсах (икки тош) масофада бўлган тоғ яқинидаги қишлоқда турғун бўлиб қолганлар. Ана шу манзилда хижрий 866, милодий 1461-62 йили бир ўғил кўрадилар ва унга Худойберди деб ном қўядилар. Аммо ота-онанинг ҳам, Худойбердининг ота-она меҳридан, тарбиясидан баҳраманд бўлиши ҳам узоққа чўзилмади. Бу ҳақда “Маноқиби шайх Худойдоди Вали” китобида келтирилган. Ана шундай қийинчиликлар ҳазрат Худододни ўқиш ва илм ўрганишга бўлган гайратини сўндира олмади. Шундан кейин Гиждувондан Бухорога бориб Мулло Муҳаммад мадрасасида яшайди ва таълимни давом эттиради. Бу орада ул ҳазрат 23 ёшга эдилар. Ҳудди шу ёшда, 1484 илиҳазрат ўз даврининг машхур мутасаввуфларидан бўлмиш Яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакили шайх Жамолиддиннинг хузурига боради. Бухоронинг Қалати мавзеида истиқомат киувучи Шайх Жамолиддин ул ҳазрат билан учрашганда отинг нима деб сўрайди. Шунда у: отим Худойберди дейди. Шайх Жамолиддин эса ундаги фазилатларни кўриб: “сени бизга Худойдод, яъни Худо берди. Бундан сўнг отингиз Худойдод бўлғай”, дейди. Шу муносабат билан бу ҳазрат Худойдод номи билан машхур бўлдилар[2].

Шундан сўнг, Ҳазрати Шайх Худойдод Вали туғилиб усган масканни Карманага қайтиб, 1484-1488 йилларда тариқат соҳасидаги фаолиятини давом эттирадилар. 1488-1492 йилларда у Карнабликлар хизматида бўлади. 1492-1496-йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги Абу Лайс маҳалласидаги хоноҳоқ-мадрасасида дарс беради. Бу вақтларда Ҳазрат тариқат ривожи учун энг самарали фаолият кўрсатган, илм ва риёзиётчиликда юксак мартабага эришадиҳамда кўплабмурид ва муршидларни тайёрлади. Ҳазратнинг камбагалпарварлиги ва сахийлик фазилатлари ҳалқ орасида машхуру-манзур бўлиб, обру-эътиборлари юксак бўлган.

Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали 1500 йилда Самарқанднинг ўша давридаги Шероз туманидаги обод мавзелардан бири бўлган Газира мавзесига келиб, хоноҳоҳ курадилар ва умрларининг охиригача ушбу масканда фаолият кўрсатади.

Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали умрларининг охирларида етти кун касал бўлиб ётганлар. Ҳазрат 939 хижрий йили мухаррам ойининг ўн иккинчи куни, хижрий ҳисобда 73 ёшда, яъни 1532 мелодий йили август ойининг 12 куни, мелодий ҳисобда 71 ёшда вафот этганлар ва Фазира қишлоғида дағн этилган[3]. Бу жой ҳозирги кунда зиёратгоҳга айланиб қолган вазиёратгоҳ атрофида катта қабристон вужудга келган. Зиёратгоҳ таркибида масжидлар қурилди ва бундай қурилиш ишлари XIX асрда ҳам давом этди(1-расм).



1-расм. Зиёратгоҳдаги масжиднинг умумий  
кўриниши

Даставвал, истиқлоннинг ilk ийларида тарихий қадамжо таъмирланиб, хонаҳоҳ ва унинг атрофи ободонлаштирилди. 2011 йилда эса ҳазраттаваллудининг 550 йиллик юбилеи муносабати билан дарвоза ва бинолар, маънавият маркази барпо этилди. Хонаҳоҳ ўрнида гумбазли баланд мақбара қурилди.

Айни кунларда зиёратгоҳ Самарқанд вилоят ҳокимлиги саъиҳаракати билан тубдан қайта қурилмоқда: дарвозахона кенгайтирилди, кўча томонда гиштин девор қурилди. Ичкари ҳовли сатҳига рангли плиткалар ётқизилиб, йўлаклар барпо этилди (2-расм).



## **2-расм. Мақбара худудини ободонлаштиришдан кейинги ҳолати**

Мақбара гумбази ва унинг ташқарисига турфа рангларда жило берилиб, сайдаланди. Ўндан зиёд алоҳида гулзор, яшил ўтлок, юзлаб манзарали дараҳт ниҳоллари экилган кўркам боғ-хиёбон барпо этилган. Мақбара чап томонидаги айвон нақшинкор устунлардан иборат кенг баланд қилиб курилган. Қадамжодаги ҳовуз кенгайтирилиб, атрофи йўлаклар, яшил ўтлоқлардан иборат ландшафт муҳити яратилди.

Яшил майсазор, йўлаклар ва ўриндиқлар, гулзорлар – барисини бир-бирига уйғунлиги ҳайратингизни оширади. Ҳовуз бўйи, атрофидаги дараҳт ниҳоллари ва ёриткич чироқлари эса янама кўркамлик баҳш этмоқда(3-расм).



## **3-расм. Зиёратгоҳнинг ҳовли қисмидан лавҳалар**

Табаррук маскан кўхна Жомбой тумани Ғазира қишлоғининг кунчиқар томонида тепаликда жойлашган. Ҳаводор мақбара гумбази йигирма чақирим узоқликдан кўзга ташланади. Қадамжонинг архитектуравий кўринишига соя соладиган айрим аҳоли турар-жойлари, қўшимча қурилишлар олиб ташланди.

“Шайх Худойодди Вали ҳазратлари қабрини зиёрат қилиш учун Арабистон, Покистондан, хорижий ғарб мамлакатларидан ҳам меҳмонлар ташриф буюришмоқда”, – дейди туман бош имом хатиби Хайрулла Сатторов. Худойодди Валининг илмий-адабий мероси юртимиз алломалари қаторида ЎзФА Шарқшунослик институти фондида, ислом ва араб давлатлари кутубхона ва музейларида сақланмоқда. Ҳазрати Шайх Азизоннинг илмий фаолияти ва бой адабий меросини ўрганиш ҳамда ҳалқимизга етказишда мустақиллик йилларида катта эътибор берилаётгани қалбимизга шукух бағишлайди.

Ривоят қилишларича, Нақшбандия тариқати намоёндаси Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ҳазратлари кексайиб қолган чоғларида Тошкент тарафларга ўтаётганида от-араваси, туяларини шу масканда – Шайх Худойдоди Валининг уйларида тўхтаб, бир кеча дам олар эканлар. Бирлари тўқсонда, бирлари эса кирқ ёшларда бўлган иккала тасаввуф алломалари илму-урфон, имон-эътиқод мавзусида сухбат қуриб, Ҳазрати Азизон Маҳдуми Аъзамни кунчиқар маҳали йўлларига кузатиб қўяр эканлар[4].

Ҳозирги кунда шу икки улуг аллома қадамжолари – Шайх Худойдоди Вали мақбараси ёнидан қарасангиз, Оқдарё бўйидаги чинорлари қўкка бўй чўзган Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи кўзга ташланади. Мўъжизани қаранг-ки, Фазира тепаликларидан нигоҳингиз Самарқанднинг Регистонига ҳам тушади. Зеро, авлиёлармакон топган тупроқ табарруқ, кўзга суртгулиқдир.

#### Адабиётлар

7. **Холмуродов Р.И.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихида тасаввуф ва ислом алломаларининг роли ва ўрни. // Шайх Худайдод Вали илмий меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзуйидаги илмий мақолалар туплами.-Самарқанд, 2017. -5-8-бетлар.

8. <http://jomboy.uz/oz/node/280>

9. **Сайфуллоҳ С.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихида тасаввуф ва ислом алломаларининг роли ва ўрни. // Шайх Худайдод Вали илмий меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзуйидаги илмий мақолалар туплами.-Самарқанд, 2017. -40-47-бетлар.

10. <http://ziyoratsari.uz/>

### СамДАҚИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ, ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ЁШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПРОФЕССОР А.С.УРАЛОВ ЯРАТГАН ИЛМИЙ МАКТАБНИНГ РОЛИ

Мустаев Б.Б.

Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори( PhD), СамДАҚИ,  
Махматқулов И.Т.  
СамДАҚИ катта ўқитувчиси.

**Илмий мактабнинг шаклланиши тарихи ва ҳозирги таркиби.** Мазкур мактаб СамДАҚИнинг “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси базасида яратилган бўлиб, у ўз фаолиятини 1983 йилдан бошлаб шакллантириб келмоқда. Дастреб ушбу мактабни бошқарган педагог-олимлар архитектура доктори, профессор Д.А. Нозилов, сўнгра меъморчилик фанлари доктори, профессор М.К. Ахмедов ва А.С. Ураловлар бўлди. Ҳозирда ушбу мактабни профессор А.С. Уралов бошқармоқда.

**Мактабнинг илмий йўналишлари ва илмий-тадқиқот мавзулари.** Мазкур илмий мактаб ўз мутахассислиги соҳаларидан келиб чиқсан ҳолда бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган устивор илмий тадқиқотлар, давлат дастури доирасига кирган илмий мавзулар устида иш олиб бормоқда.

Умумий тарзда бу мавзуларни тўрт йўналишга ажратиш мумкин:

1. Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихини, меъморий қадриятлар ва анъаналаримизни ўрганишга қаратилган мавзулар;

2. Ўзбекистон ландшафт архитектураси ва замонавий бот-парк санъатини шакллантириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ илмий мавзулар;

3. Ўзбекистон мустақиллик йиллари шаҳарсозлиги, кишлокларни архитектуравий режалаштириш, ландшафт архитектураси ва дизайнининг устивор ижодий йўналишларини ўрганиш ва аниқлаш, унинг келгуси тараққиёти учун илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишига йўналтирилган мавзулар;

4. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги анъанавий турар жойларни модернизациялаш, маҳаллаларнинг очиқ муҳитлар ландшафтини сақлаш, уларни регенегация қилиш, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш тамоилиларини ишлаб чиқишига қаратилган илмий мавзулар.

**Илмий мактабда бажарилаётган ишлар** мактабда фаолият кўрсатаётгандарнинг илмий тадқиқот ишлари, иқтидорли, бакалавр ва магистрантлар, ёш олимлар (таянч докторантлар ва мустақил изланувчилар) билан ишлаш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, конкурс-танловлар

ва илмий конференцияларга қатнашиш ва ўтказиш, фанни таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, илмий мақола ва тезислар, китоблар: монографиялар, дарслеклар, ўқув ва услубий қўлланмалар ёзиш, давлат бюджетидан молиялаштирилган ИТИИ бажариш ҳамда Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳокимлигининг реал буортмалари асосида шаҳарсозлик, меъморий объектларни қайта тиклаш ва қуриш, ландшафт архитектураси объектларни лойихалаш билан чамбарчас боғлиқидир.

Охирги 5 йилликда мазкур илмий мактаб олимлари томонидан 11 та монография: Уралов А.С. Архитектура лечебно-целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока (Самарқанд, 2012); Камалова Д.З. Световая архитектура архитектурных памятников Узбекистана (Самарқанд, 2013); Султонова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигига тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш (Тошкент, 2010); Уралов А.С., Садикова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ-парк санъати (Тошкент, 2012), Маноев С.Б. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигига меъморий ансамбль ва комплекслар (Самарқанд, 2014), Уралов А.С., Жонузоқов А.Э., Балгаева Ш.А. Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари (Самарқанд, 2015), Садикова С.Н. Садово-парковое искусство Бобуридов (Тошкент, 2018), Салоҳиддинова Д.З., Қаюмов Х.И. Ўзбекистон меъморчилигига ҳовли анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши (Самарқанд, 2018), Қаюмов Х.И., Салоҳиддинова Д.З., Солиев Ф. Региональные особенности народного жилища Узбекистана-традиции и современная архитектура (Самарқанд, 2019), Уралов А.С., Рахимов Л.А. Темурийлар архитектураси тарихи (Самарқанд, 2020), Уралов А.С., Ҳақкулов А.Ф., Абдураимов Ш.М. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш тамойиллари (Самарқанд, 2020), 3 та дарслик: Уралов А.С. ва бошқалар. Архитектуравий лойихалаш асослари (Тошкент, 2010), Уралов А.С., Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси (Тошкент, 2014), Уралов А.С., Маматмусаев Т.Ш. Архитектура шаклларини уйғунлаштириш ва безаш (Тошкент, 2015), 12 та ўқув қўлланма: Уралов А.С., Пулатов Х.Ш. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш (Тошкент, 2011), Уралов А.С. ва бошқалар. Архитектуравий композиция ва лойихалаш асослари (Самарқанд, 2005), Рахимов К.Д., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати (Тошкент, 2013), Рахимов К.Д., Уралов А.С. Ландшафт архитектураси объектларини лойихалаш (Тошкент, 2015), Адилова Л.А., Уралов А.С. Боғ ва паркларни таъмирлаш (Тошкент, 2012), Рахимов К.Д. Боғ паркларни лойихалашнинг замонавий йўналишлари (Тошкент, 2017), Рахимов К.Д. Ландшафт режалаштириш (Тошкент, 2018), Садикова С.Н. Градостроительство и ландшафтный дизайн (Ташкент, 2019), Юлдашева М.К. Архитектурное проектирование: киноконцертные залы (Самарқанд, 2019), Худаярова М.Б. Қишлоқ марказларини меъморий режавий шакллантириш (Самарқанд, 2019), Мухаммадиев Э.М., Тугизов Ш.Х., Юнусова К.Б. Дизайн асослари (Самарқанд, 2019), Уралов А.С., Махматқулов И.Т. Ландшафт архитектураси қурилмалари ва дизайни (Самарқанд, 2019), 20 та услубий қўлланмана ва қўрсатмалар, 2 та илмий тавсиянома (Камалова Д. З., Садикова С.Н., Уралов А.С.), 150 дан зиёд илмий мақола ва тезислар (шу жумладан, хорижий нашрларда 24 та мақола), 3 та илмий тадқиқот ишининг ҳисоботи ва 4 та илмий ишламалар ишлаб чиқарилиб, амалиётга жорий этилди ва бажарилган илмий ва илмий-ижодий ишлар натижалари бўйича 9 та муаллифлик гувоҳномалари олинди(Уралов А.С., Рахимов К.Д., Мустев Б.Б., Юлдашева М.К., Ибрагимов Н.Х.).

Айни пайтда, охирги 5 йил ичida илмий мактаб ташкилотчилиги ва раҳбарлиги остида 2 та фан номзоди (Н.В. Дробченко, Д.З. Камалова), 8 та архитектура бўйича фалсафа докторлари (Султонова Д.Н., Маноев С.Б., Балгаева Ш.А., Садикова С.Н., Рахимов Л.А., Мустаев Б.Б., Қидирбеков Б.Ю., Айматов А.Х.) ва 3 та бўлажак архитектура фанлари бўйича фалсафа докторларининг ишлари ҳимояга тайёрланди (И.Т.Махматқулов, Ш.М.Абдураимов, Н.Н.Файзуллаева).

Илмий мактаб раҳбарларининг шахсий ташабbusи ва ташкилотчилиги билан охирги 10 йилда 5 та Республика миқёсидаги илмий конференциялар ўтказилди. Уларнинг мавзулари: 1) Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари. Самарқанд, СамДАҚИ, 2010 й. 28-29 май; 2) Самарқанд шаҳри архитектураси, замонавий шаҳарсозлик ва шаҳар қурилиши муаммолари. Самарқанд, СамДАҚИ, 2011 й. 21-22 май; 3) Ўзбекистонда шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Самарқанд, 2013 йил 24-25 май; 4) Ўзбекистонда шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва дизайни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Самақанд, СамДАҚИ 2018 йил 14-15 май; 5) Ўзбекистон Республикасида архитектура, шаҳарсозлик ва дизайнни

модернизациялаш ҳамда инновацион ривожлантириш муаммолари ва ечимлари илмий амалий конференцияси. Самарқанд СамДАҚИ. 2019 йил 17-18 апрель.

Илмий мактаб олимлари томонидан охирги 5 йил ичида 3 та Республика илмий тадқиқот давлат грантларини ютишга муваффақ бўлинди. Уларнинг мавзулари:

1. **Ўрта Осиё ўрта асрлар ландшафт архитектурасида қўлланилган “Чорбоғ” услугини замонавий боғ-истироҳатчилик амалиётидаги қайта тиклаш.** Мавзу раҳбари меъморчилик фанлари доктори, профессор А.С. Уралов. Мазкур амалий илмий-техник тадқиқот 2009-2011 йиллар ичида бажарилиб, унинг натижалари амалиётга татбиқ этилди ва 1 та илмий монография ёзилиб нашр этилди, 1 та фалсафа докторлиги диссертацияси, 4 та магистрлик диссертациялари тайёрланди.

2. **Ўзбекистон шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектураси ва дизайнини яратишнинг самарали йўлларини шакллантириши.** Бажарилиши 2012-2014 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник тадқиқот. Мавзу раҳбари профессор А.С. Уралов. Мазкур иш бўйича 4 та илмий ишланма тайёрланиб, амалиётга жорий этилди. Хусусан Самарқанд вилоятининг Жомбой, Тайлок ва Булунғур туманларидағи ландшафт архитектураси ишларига татбиқ қилинди. Мазкур мавзу бўйича 2 та магистрлик диссертацияси тайёрланди, 1 та илмий монография чоп этилди ва 1 та фалсафа докторлиги диссертацияси ҳимоя қилинди.

3. **Тошкент-Самарқанд йўналишидаги “Афросиёб” тезюарар поезди темир йўли ёқасининг инновацион ландшафт ва дизайн ечимларини ишлаб чиқиши.** Бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник тадқиқот. Мавзу раҳбари тех.ф.н. доцент Э.Х.Исаков. Мазкур иш бўйича 2019 йилда оралиқ илмий ҳисобот ёзилиб, уни расмий тақдимоти ўтказилди. 4 та илмий ишланма тайёрланиб амалиётга жорий этилди.

**Илмий мактабда бажарилган инновацион гоялар ва илмий ишланмалар.** 2012-2019 йилларда илмий мактаб томонидан қуйидаги инновацион илмий лойиҳалар ва ишланмалар тайёрланиб, Вазирликка тақдим этилди. Уларнинг мавзулари:

1. **Кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган ўсимликларни модуллаштириш ва график паспортлаштириш.** Ижрочи: СамДАҚИ доценти А.Э. Жонузоқов, илмий раҳбари: проф.Уралов А.С.

2. **X-XI асрларда Ўрта Осиёда ҳалқ саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлашда қўлланилган шифобахш тиббий қурилмалар ва муолажаларни тадқиқ қилиш ва қайта тиклаш.** Илмий лойиха 2013-йил Республика инновацион лойиҳалар танловига тақдим этилди. Лойиха раҳбари: проф.Уралов А.С.

3. **Ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастури.** Ижрочилар А.С.Уралов, Б.Б.Мустаев. Илмий ишланма 2019 йилда Республика инновацион лойиҳалар танловига тақдим этилиб, ушбу ишланма учун 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Архитектура фанлари доктори, устоз А.С.Уралов яратган илмий мактаб матбуотда илк бор 2013 йилда СамДАҚИ ректори С.И.Ахмедов томонидан унинг “СамДАҚИнинг архитектура бўйича илмий мактаби” номли мақоласида эътироф этилган эди. Бугунги кунда ушбу илмий мактаб доирасида кўплаб иқтидорли талабаларнинг изланишлари, қатор магистрлик диссертациялари, 2 нафар архитектура фанлари бўйича фалсафа докторлари (Д.З.Камалова, Н.В.Дробченко), 6 нафар архитектура фанлари бўйича фалсафа докторлари (Ш.А.Балгаева, С.Н.Садикова, Л.А.Рахимов, Б.Б.Мустаев, Б.Ю.Қидирбеков, А.Х.Айматов)лар тайёрланди, 4 нафар таянч докторантлар (Ф.Р.Зоирова, Н.Х.Ибрагимов, О.Н.Бобоқандов, О.Ураков)лар, 7 нафар эркин изланувчилар (И.Т.Маҳматқулов, Ш.М.Абдураимов, У.Маликов, Д.Хайруллаев, Х.Тошматова, М.Имомов, А.Султонов)лар ҳамда 3 нафар бўлажак фан докторлари (Д.Н.Султонова, Л.А.Рахимов ва С.Н.Садикова)лар устоз раҳбарлигига илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Шуниси қувонарлики, илмий мактаб тадқиқотчилари сонининг йилдан-йилга ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Тадқиқотчилар ичида чет эл илмий грандларини ютган профессор ўқитувчилар ҳам бор (Хидиров М.М., Очилов Ш.Д., Рахимов Л.А.). Сўнгги 3 йилда хорижий стажировка ва малака ошириш курсларини битириб келган ўқитувчилар сони 6 та (Садикова С.Н., Ибрагимов Н.Х., Султонова Д.Н., Балгаева Ш.А., Рахимов Л.А., Уралов А.С).

Шахсан профессор А.С.Ураловнинг ўзи Республикаизнинг Мустақиллик йилларида архитектура бўйича 2 нафар фан номзоди ва 7 нафар фалсафа докторларини тайёрлаган. У 300 дан зиёд илмий мақолалар ва тезизлар, 10 та монография, 5 та дарслик, 19 та ўқув ва ўқув услубий қўлланмалар, 5 та илмий оммабоп рисолалар муаллифи ва 6 та муаллифлик асалари гувоҳномаларига эгадир.

А.С.Уралов архитектура фанлари ва таълими соҳасининг барча йўналишларини камраб олиб, нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам архитектурашунослик фанларининг ривожи ва такомиллашишига катта хисса кўшган. Замонамиз талабларига мос ва хос бўлган илмий мактаб яратиб, кўплаб шогиртлар тайёрлаган ва тайёрламоқда. Устоз яратган илмий мактаб факатгина архитектура илму-фани билан чегараланиб қолмасдан, Республикализ архитектура амалиёти учун ҳам катта хисса кўшган. Жумладан, устоз раҳбарлигида Ўзбекистон кишлоказларида ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва меъёрий ҳужжатларини такомиллашириш бўйича таклиф ва тавсиялар, Ўзбекистон ландшафт архитектурасида Темурийлар даври боғ-парк санъатини қайта тиклашнинг илмий лойиҳавий асослари, замонавий боғ-парк санъатида ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастури ишлаб чиқилган. Амир Темурнинг Самарқандда бизгача сакланмаган арк қальаси деворлари ва бош дарвозасининг архитектураси, Самарқандда XI аср бошида Иброҳим Тамғоч Қораҳоний қурдирган илк мадраса ва жамоат шифохонасининг ҳамда Бухорда XVI асрда Субхонқулихон қурдирган ва Ўрта Осиё архитектураси тарихи учун муҳим обьектлардан бири саналган “Мараси дор уш-шифо” биносининг меъморий кўринишлари график қайта тикланган.

Устоз яратган илмий мактаб хозирда ҳам ўз ишини самарали давом эттироқда. Биз ёшлар ушбу мактабга тааллуқли бўлганлигимиздан фаҳранамиз ва ушбу илмий мактаб фаолиятини давом эттиришга ўз хиссамизни қўшамиз.

## O'ZGARMAS BURCHAK TEZLIK BILAN AYLANUVCHI DOIRAVIY ELASTIK STERJENNING BURALMA TEBRANISHLARIGA INNOVATSION YONDASHUVI

Abdurazzaqov J.N.

SamDAQI tayanch doktoranti.

Otaqulov A.A.

SamDAQI “QM va MQ” kafedrasi o'qituvchisi.

Taklif etilayotgan o'zgarmas burchak tezlik bilan aylanuvchi doiraviy elastik sterjenning buralma tebranish tenglamalari [1], [2] tadqiqot ishlarida yaratilgan usullar asosida keltirib chiqarilgan. Bu tenglama asosida sonli natijalar olinib grafik ko'rinishida ko'rsatilgan.

Simmetriya o'qi atrofida o'zgarmas  $\Omega$  burchak tezlik bilan aylanuvchi bir jinsli va izotrop, radiusi  $r_0$  bo'lgan doiraviy elastik sterjenni  $(r, \theta, z)$  silindrik koordinatalar sistemasida qaraymiz.

Biz o'qqa nisbatan simmetrik bo'lgan buralma tebranishlarni qarayotganimiz uchun masala burchakning o'zgarishidan bog'liq emas, shuningdek faqat  $u_\theta(r, z, t)$  ko'chish,  $\sigma_{r\theta}(r, z, t)$  va  $\sigma_{z\theta}(r, z, t)$  kuchlanishlar noldan farqli deb hisoblaymiz.

Elastik sterjendagi ko'chishni potensial funksiya orqali quyidagicha ifodalaymiz:

$$u_\theta = -\frac{\partial \psi_1}{\partial r}. \quad (1)$$

Deformatsiya va ko'chish orasidagi munosabatlarni (1) ni hisobga olinganda

$$\varepsilon_{r\theta} = -r \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \right) \psi_1, \quad \varepsilon_{z\theta} = -\frac{\partial^2}{\partial r \partial z} \psi_1 \quad (2)$$

kabi ifodalab yozamiz.

U holda kuchlanishlar va deformatsiyalar orasidagi munosabatlar esa quyidagi ko'rinishga keladi:

$$\sigma_{r\theta} = -\mu r \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \right) \psi_1; \quad \sigma_{z\theta} = -\mu \frac{\partial^2}{\partial r \partial z} \psi_1, \quad (3)$$

bu yerda  $\mu$  - Lame koeffitsiyenti.

Aylanish ta'sirida yuzaga keluvchi markazdan qochuvchi kuch hisobga olinganda sterjenning (uch o'lchovli elastik jism sifatida) harakat tenglamasi silindrik koordinatalar sistemasida quyidagicha bo'ladi [3]:

$$\frac{\partial \sigma_{r\theta}}{\partial r} + \frac{\partial \sigma_{\theta z}}{\partial z} + 2 \frac{\sigma_{r\theta}}{r} = \rho \left( \frac{\partial u_\theta}{\partial t^2} - \Omega^2 u_\theta \right), \quad (4)$$

bu yerda  $\rho$  - sterjen materialining zichligi,  $\Omega$  - burchak tezlik.

Faraz qilaylik doiraviy elastik sterjenning buralma tebranishlari uning sirtiga ta'sir etuvchi  $f_{r\theta}(z, t)$  tashqi kuch ta'sirida yuzaga kelsin. U holda sterjen sirtida ushbu chegaraviy shart (sirt sharti) o'rinni bo'ladi

$$\sigma_{r\theta}(z, t) = f_{r\theta}(z, t), \quad r = r_0. \quad (5)$$

Boshlang'ich shartlarni esa nolga teng deb hisoblaymiz.

Agar sterjenning harakat tenglamalari (4) ga ko'chishning (1) va kuchlanishlarning (3) ifodalarini qo'ysak, soddalashtirishlardan so'ng quyidagiga ega bo'lamiz

$$M \left( \frac{\partial^2 \psi_1}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial \psi_1}{\partial r} + \frac{\partial^2 \psi_1}{\partial z^2} \right) = \rho \left( \frac{\partial^2 \psi_1}{\partial t^2} - \Omega^2 \psi_1 \right). \quad (6)$$

(6) tenglamani yechishda [1] ishida qo'llagan usullardan foydalangan holda hisoblash ishlarini olib boramiz.

Faraz qilaylik sterjen sirtiga hech qanday tashqi kuch ta'sir qilmasdan aylanayotgan bo'lzin. U holda (5) chegaraviy shartda  $f_{r\theta}(z, t) = 0$  deb olamiz.

Natijada quyidagi ikkinchi tartibli bir jinsli integrodifferensial tenglamaga kelamiz

$$\frac{1}{b^2} \left( \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \Omega^2 U \right) - \frac{\partial^2 u}{\partial z^2} = 0, \quad (7)$$

bu yerda  $b = \sqrt{\frac{\mu}{\rho}}$  - elastik sterjenda ko'ndalang to'lqin tarqalish tezligi.

(7) tenglamada quyidagi formulalar yordamida o'lchovsiz o'zgaruvchilarni kiritamiz

$$t = \tilde{t} \frac{r_0}{b}; \quad z = \tilde{z} r_0; \quad \Omega = \tilde{\Omega} \frac{b}{r_0}; \quad u = U. \quad (8)$$

(8) ni hisobga olsak (7) tenglama quyidagi ko'rinishni oladi

$$\frac{\partial^2 U}{\partial \tilde{t}^2} - \frac{\partial^2 U}{\partial \tilde{z}^2} - \tilde{\Omega}^2 U = 0. \quad (9)$$

Agar doiraviy sterjen uzunligi  $l$  ga teng bo'lib, bir uchidan kinematik qo'zg'atilgan bo'lsin. Ikkinci uchu esa qattiq mahkamlangan bo'lsin va boshlang'ich momentda sterjenda hech qanday kuchlanish va deformatsiyalar bo'lmasin. U holda qaralayotgan masala uchun chegaraviy va boshlang'ich shartlarni quyidagi ko'rinishda ifodalash mumkin:

$$\tilde{z} = 0 \text{ da } U(0, \tilde{t}) = A \sin \frac{\pi \tilde{t}}{t_1}; \quad \tilde{z} = l \text{ da } U(l, \tilde{t}) = 0, \quad (10)$$

$$\tilde{t} = 0 \text{ da } U(\tilde{z}, 0) = \frac{\partial U(\tilde{z}, 0)}{\partial \tilde{t}} = 0. \quad (11)$$

(9) tenglamani, Krank-Nikolson sxemasidan foydalangan holda oshkormas ko'rinishdagi chekli ayirmalar orqali ifodalaymiz [4]

$$U_{i+1}^{n+1} + m_i U_i^{n+1} + n_i U_{i-1}^{n+1} = f_i, \quad (12)$$

bu yerda

$$m_i = \left( \frac{1}{h^2} + \frac{2\eta}{\Delta^2} - \Omega^2 \eta \right); \quad n_i = 1; \\ f_i = -2\Delta^2 \left[ \frac{1}{h^2} (2U_i^n - 2U_i^{n-1}) + \frac{1}{2\Delta^2} (U_{i+1}^{n-1} - 2U_i^{n-1} + U_{i-1}^{n-1}) + \frac{1}{2} \Omega^2 U_i^{n-1} \right].$$


Chegaraviy shartlar

$$\tilde{z} = 0 \text{ da } U_0^n = A \sin \frac{\pi \tilde{t}}{t_1}, \quad \tilde{z} = l \text{ da } U_{N+1}^n = 0. \quad (13)$$


Boshlang'ich shartlar

$$\tilde{t} = 0 \text{ da } U_i^0 = 0, \quad \frac{U_i^1 - U_i^0}{h} = 0. \quad (14)$$


(12), (13), (14) tenglamalar sistemasi progonka usulidan foydalanib yechildi. Sterjen ko'ndalang kesimining radiusi  $r_0 = 1$ , uzunligi  $l = 10$  deb olindi. Olingan sonli natijalar 1-3 - chizmalarda ko'chish grafiklar ko'rinishida keltirilgan.



1-chizma. Ta'sir vaqtining turli qiymatlarida elastik sterjendagi ko'chishning vaqtdan bog'liq o'zgarishi ( $\Omega = 0$ )



2-chizma. Elastik sterjenda ko'chishning vaqt davomida o'zgarishi ( $t_1=3$ ,  $\Omega=0$ )



3-chizma. Aylanuvchi elastik sterjenda ko'chishning vaqt davomida o'zgarishi ( $t_1=3$ ,  $\Omega=0,2$ )

1 - chizmalarda elastik sterjenning kesimlari tashqi kuch ta'sir vaqtining turli qiymatlari uchun ko'chishning vaqt davomida o'zgarish grafigi keltirilgan. Bu grafikdan ko'rindiki, elastik sterjen uchidan berilgan ko'chishlar sterjen bo'ylab xuddi shu shaklda tarqaladi.

2-chizmada elastik sterjen turli kesimlaridagi ko'chishning vaqt davomida o'zgarishi grafigi keltirilgan. Bu grafikda sterjen ikkinchi uchidan to'lqin vaqtning  $12 < t < 24$  oralig'ida orqaga qaytishi tasvirlangan. Demak buralma to'lqin ideal elastik sterjen bo'ylab ikki tomoniga harakatlanadi va vaqt o'tishi bilan to'lqinning so'nishi kuzatilmaydi.

3-chizmada simmetriya o'qi atrofida o'zgarmas burchak tezlik bilan aylanuvchi elastik sterjenda ko'chishning vaqtidan bog'liq o'zgarishlari keltirilgan. Aylanish ta'sirida ko'chish amplitudasi oshib tebranish shakli buzilmoqda.

#### **Adabiyotlar:**

- Худойназаров Х.Х. Нестационарное взаимодействие цилиндрических оболочек и стержней с деформируемой средой. Ташкент, Изд. им. Абу Али ибн Сино, 2003, 326 с.
- Филиппов И.Г., Чебан В. Г. Математическая теория колебаний упругих и вязкоупругих пластин и стержней. Кишинев, Штиинца, 1988, 190 с.
- Timoshenko S. Vibration problems in engineering. 3 ed. Van Nostrand, 1955- РЖМех, 1958, №10, 11488К; Timoshenko S.P. Колебание в инженерном деле. М., Физматгиз, 1959- РЖМех, 1960, № 2, 2410К.
- Bauer H.F Vibration of a rotating uniform beam, part I: Orientation in the axis of rotation. Journal of Sound and Vibration, 1980, Vol.72, No.2, pp.177-189.

#### **ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**Эшқобилов Ш.А.  
Самдақи катта ўқитувчиси.**

Ҳозирги кунда чиқиндилар муаммоси нафақат Ўзбекистонни балки бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Урбанизация жараёни жадаллашиб, шаҳарлар кенгаяётган, аҳоли сони ўсаётган ва унинг эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб турдаги товарлар ишлаб чиқарилаётган бир пайтда чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларнинг утилизацияси энг катта экологик муаммолардан биридир. Саноат ишлаб чиқаришнинг атроф-мухитга, инсон соғлиги ва турмуш

тарзига таъсири XIX асрдан бошлаб жуда тез суръатлар билан шакланиб, XX асрда мисли кўрилмаган даражага етди. Саноат корхоналари, хўжалик майший хизмат корхоналаридан чиқкан чиқиндилар йиллар давомида тупроқда, сувда ёки атмосфера хавосида ҳаракатланиб бир турдан иккинчи турга ўтиб туради. Шу сабабли чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқиш талаб этади. Чиқиндисиз технология – инсон эҳтиёжларини қондириш, билим, усуллар ва воситаларни амалда татбиқ этиш, табиий ресурслардан ва энергиядан унумли фойдаланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш демақдир. Чиқиндисиз технология – бу маҳсулотнинг шундай ишлаб чиқариш усулини, унда хом ашё, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, иккиласми хом ашё ресурслари даврида энергия ва хом ашёлардан унумли ҳамда комплекс равишда қўлланилади, табиий муҳитга етказилган ҳар қандай таъсир, унинг меъёр ҳолатидан чиқара олмайди. [2]

Ушбу таърифга учта ҳолатни ажратиш мумкин:

1. Чиқиндисиз ишлаб чиқариш негизини инсон томонидан онгли равишида ташкил этилган ва ростланган техноген моддаларнинг айланиб туриши ташкил этади.

2. Хом ашё таркибидаги барча компонентлардан унумли фойдаланиш, иложи борича энергия ресурслари миқдоридан тўлароқ фойдаланишнинг мажбурийлигидир.

3. Чиқиндисиз технология табиий муҳитга таъсир килиб, унинг меъёр ишлашига таъсир қилмаслиkdir.

Кам чиқиндили технология маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай усулини, унда табиий муҳитга етказилган заарли таъсир рухсат этилган санитар-гиgienик меъёрлардан ошмайди. Ишлаб чиқариш корхоналарида техник, ташкилий ва иқтисодий сабаблар туфайли хом ашёнинг маълум бир кичик қисми чиқинди бўлиб қолиши мумкин ва улар экологик хавфсиз жойларда сақланади ёки кўмилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шарти – корхонада фойдаланишга яроқсиз чиқиндилар ва хусусан, заҳарли моддаларни заарсизлантириш тизимининг мавжудлигидир. Чиқиндиларнинг миқдори ёки атроф-муҳитга етказадиган таъсири уларнинг рухсат этилган чегаравий концентрацияларидан ортмаслиги керак.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, “Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар” атамаси табиий ресурслар, хом ашёларга комплекс (ҳамма томонлама) ишлов бериш, ресурслардан унумли фойдаланиш, қўшимча (иккинчи даражали) маҳсулотлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндилар, иккиласми материаллар ресурслари, иккиласми энергия ресурслари, иқтисодий заар каби атамалар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги конуни 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган бўлиб, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга заарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашнинг тартиб ва қоидалари белгилаб берилган. [1]

Ишлаб чиқариш чиқиндилари – хом ашё қолдиклари, материаллар ва ярим маҳсулотлар (полуфабрикатлар), сифат кўрсатгичларини қисман ёки тўла йўқотган ва давлат андозаларига мос келмайдиган чиқиндилардир. Уларга дастлабки ишлов берилиб, ундан кейин ишлаб чиқариш соҳасида қўллаш мумкин. [2]

Истеъмолга яроқсиз чиқиндилар – қўллаш муддатини ўтаб бўлган материаллар, эскирган буюмлар ва уларнинг дастлабки хоссаларини қайта тиклаш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаган чиқиндилар ҳисобланади. Масалан, пластмассадан тайёрланган буюмлар, столстуллар, кувурлар ва х.к.. Бундай чиқиндилар хом ашё сифатида ҳам, бошқа материаллар учун қўшимча сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Иккиласми материаллар ресурслари – бу ишлаб чиқариш чиқиндилари ва истеъмолга яроқсиз чиқиндиларнинг мажмуаси бўлиб, уларни маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ёки ёрдамчи материал сифатида қўллаш мумкин. Бундан ташқари, бу гурухга шартли равишида қўшимча ёки алокадор маҳсулотларни ҳам қўшиш мумкин. Улар саноат учун материаллар ресурсининг потенциал резервлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бундай ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. [3]

Иккиласми энергетик ресурслар – технологик жараёнлар натижасида қурилмаларда пайдо бўладиган чиқиндилар, қўшимча ва оралиқ маҳсулотларнинг энергетик потенциали бўлиб, улардан корхонанинг ўзида ёки қўшни корхоналарни энергия билан таъминлашда қисман ёки тўлиқ қўллаш мумкин.

Иккиласми энергетик ресурсларни 3 гурухга бўлиш мумкин: Ёнилғи иккиласми энергетик ресурслари, иссиқлик иккиласми энергетик ресурслари ва механик иккиласми энергетик ресурлари.

Ёнилги иккиламчи энергетик ресурслари гурухига технологик ўчоқлардан чиқадиган тутунли газларнинг физик иссиқликлари, материаллар оқимининг иссиқликлари, иссиқлик алмашинуви қурилмаларидан кейин совутувчи сувларнинг иссиқликлари ва бошқалар киради.

Механик иккиламчи энергетик ресурслари гурухига технологик жараёнларда пайдо бўладиган ёки қўлланиладиган сикилган газларнинг энергияси киради.

Ишлаб чиқариш корхонасида чиқиндисиз технологияларни жорий этиш учун қуйидаги 5 та асосий принципларга амал қилиш керак:

1. Тизимлилик.
2. Хом ашё ва энергетик ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш.
3. Материаллар оқимининг даврийлиги.
4. Табиий мухитга ишлаб чиқариш таъсирини чеклаш.
5. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлиги.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш иншоотлари ва чиқиндилар цехлари мавжуд бўлиб, пайдо бўладиган чиқиндилар атроф-мухитдан ажратилади (четлаштирилади ёки кўмиб ташланади). Шуни ҳам инобатга олиш керакки, фильтрлар ва бошқа тозалаш қурилмалари ёрдамида ушлаб қолинган ташламалар чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш муаммосини бартараф эта олмайди. Юқори тозалаш даражасига этиш учун катта маблағ сарфланади. Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари учун ажратиладиган маблағларнинг ортиши ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун хом ашёлар ва энергия сарфини камайтириш ва улардан тўла-тўқис фойдаланиш учун кам чиқиндили технологияларга ўтиш катта иқтисодий даромад гаровидир. [4]

Охирги йилларда жаҳонда хом ашё ўрнида чиқиндилардан фойдаланиш шиддат билан ўсиб бормоқда. Чиқиндилар билан курашиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Фарзандларимиз учун ифлос дунёни эмас, балки тоза, яшил келажакни барпо этиш ўз қўлимиизда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 2002 йил 5 апрел.
2. Набиев Ш., Отабоев М. Инсон ва биосфера. Т. 1993.
3. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.
4. Сатторов З.М., Қурилиш экологияси /Дарслик / –Т.: 2017 йил – 364 б.

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ВІМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИ ЎҚИТИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР**

**Турдибеков Ю.И.**

**Самдақи “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси  
катта ўқитувчиси.**

Иқтисодиётнинг исталган тармоғининг ривожланиши янги билимлар, технологиялар ва фирмани, давлат ташкилотларини бошқаришда, иқтисодиёт тармоқлари учун янги кадрларни тайёрлаш жараённида ва эски технология бозорининг мутахассисларини қайта малакасини ошириш технологик, бошқариш ва ташкилий инновациялардан фойдаланиш бўйича янги вазифаларнинг пайдо бўлиши билан биргаликда амалга оширилади. Янги технологияларни жорий қилиш босқичида ечимларнинг оддий ва бир мазмунли усуслари ёки корхонада ташкил этиш ва бошқаришнинг фойдаланилаётган усуслари йигиндиси бўлмиш ечимлар бўлмаган вазифаларни ечишни тахмин қиласи. Жамоатчилик қадрияти бўлиб ултурмаган янги билимларнинг элементларидан фойдаланилаётган технологияларни жорий қилиш, кўп холларда, кўпгина хатоликлар ва ўзгаришлар билан амалга оширилади, жараён миллий иқтисодиётнинг барча иқтисодий қатнашчиларига таъсир кўрсатади.

Қурилишда янги технологияларни жорий қилиш, одатда, уч босқични босиб ўтади:

**1. Локал жорий қилиш** – бу босқичда технологиянинг ишлай олиш қобилияти битта катта бўлмаган лойихада синаб кўриш ва намойиш қилиш мақсади кўзланади. Фаол ролни лойиханинг муваффақиятига манфаатдор бўлган технологияни ишлаб чикувчилар ўйнайди, бунда корхона кўпинча пассив бўлади ва амалга оширилаётган ишларга шубҳали карайди.

**2. Масштабли жорий қилиш** – бу босқичда технология корхонада олиб борилаётган барча лойихаларга қўлланилади. Мақсад реал лойихада технологиянинг масштаблилигини текшириш ҳисобланади. Бу ерда фаол ролни энди ўз персонали кучи билан лойиханинг

муваффакиятли реализациясига манбаатдор бўлган корхона ўйнайди. Янги технологиянинг мавжуд жараёнларга киришиш қобилияти ўрганилади. Технологиянинг ишлаб чиқувчилари бунда ҳам муҳим ролни ўйнайдилар, бироқ консультант сифатида – янги технологияни лойихага жорий қилишда керакли вақтда катнашган холда ишни четда туриб олиб борадилар.

**3. Умумий жорий қилиш** – бу босқич қайта ишланган жорий қилиш жараёнлари доирасида амалга оширилади. Технологияни жорий қилиш аниқлаштирилган кириш маълумотлари, тартиботлар, жалб қилинган шахсларнинг роли ва ҳар бир қадамнинг натижалари билан ихтисослашган ташкилотлар кучи билан бажарилади. Технологиянинг ишлаб чиқувчилари ушбу босқичда, қоида бўйича, энди катнашмайдилар. Улар ўз технологиясини такомиллаштириш мақсадини таъқиб қиласидилар.

Янги технологияларни жорий қилишда асосий қийинчиликлар биринчи икки босқиларда юзага келади, чунки улар илмий ёндашувни энг кўп талаб қиласиди. Айнан шу вақтда ишлаб чиқувчиларнинг ноёб билимлари ва қобилиятларини талаб қилувчи тартиботлар ишлаб чиқиласиди.

Одатда ВМни жорий қилиш ортида буюртмачи жалб қилинган тармоқ истеъмоли ва спецификасига асосланган аник комплекс вазифаларни ечиш мақсади туради.

Курилиш тармоғида ВМсиз ҳам инженер-техник йўналишлар бўйича малакали мутахассиларнинг ўткир етишмовчилиги мавжуд, информацион моделлаштириш технологиясини жорий қилиш юқори малакали мутахассислар дефицити муаммосини янада кескинлаштириди.

Бугунги қунгача кўпгина қурилиш корхоналари ва лойихалаш ташкилотларида меҳнатни автоматлаштириш ва информаяларни бошқариш инструментлари фойдаланиб келинган, лекин буни ВМ деб аташмаган. Одатда, ихтисослашган ОТМ битирувчиси ўқитилганларнинг барчасини билиши талаб қилинарди, мутахассислик фақатгина иш жойларида тажрибали устозлар қўл остида ўргатилар эди. Моҳиятнан, ундан фақатгина фойдаланувчининг базавий қўнгимлари талаб қилинар эди.

Бироқ ОТМ битирувчиларига нисбатан вазият кескин ўзгармоқда, ОТМлар ВМни жамоада ўрганиш имкониятларини кўриб чиқмокдалар. Иш берувчи кутишни ҳохламайди – унга натижада зарур. ВМ технологияси ушбу натижани бериш учун яратилган, лекин ечим инструментларининг сони ва мураккаблиги ошиб бормоқда ва тайёр бўлмаган мутахассис ўзига мос, асосийси қизиқтирувчи иш жойини топа олмаяпти. Информацион моделлаштириш технологиясини ўрганишни ҳохловчилар сони ошиб бормоқда, бу меҳнат бозорида талабнинг тез ўсиши тенденциясини намоён қилмоқда. Курилишни бошқаришнинг замонавий бозорида мутахассиснинг ташкилотга киришида ва янги технологияларнинг жорий қилинишида ҳал қилувчи босқич бўлиб ёш мутахассисларни ўқитиш ва профессионал тажрибага эга мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳисобланади.

Курилиш ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва модернизацияланиши янги технологияларнинг доимий равишда жорий қилиниши билан биргаликда амалга оширилади. Хозирги кунда қурилишдаги энг илғор технология информацион моделлаштириш технологияси ҳисобланади.

ВМ технологияси – бу ташкиллаштириладиган ва бошқариладиган, уч ўлчамли информацион модель кўринишидаги обьект ҳақидаги информацияни яратишга имкон берувчи мувофиқлаштирилган жараён, бунда ҳар бир элемент кўп хилдаги техник хусусиятларга эга, уларнинг ўзариши лойиханинг барча боғланган қисмларидаги информацияда акс этади. Ушбу информаялар тўплами обьектнинг лойихалаштириш ва қурилиш босқичларида ҳам, шунингдек унинг эксплуатация, реконструкция ва ҳаттоқи бузиш босқичларида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Хозирги кунда қурилиш соҳаси мутахассисларни тармоқ ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари тайёрлаб бермоқда. Ўша жойнинг ўзида улар малака ошириш курсларини ҳам ўтамоқдалар. Лекин янги технологияларни ўргатадиган ва ўқитадиган мутахассислар етишмовчилиги таълим муассасаларида асосий муаммо бўлиб ҳисобланади.

Бу муаммони бартараф қилиш учун тез ва кенг қамровли ишларни амалга ошириш лозим, чунки вақт кутиб турмайди. Биринчидан, бозордаги ҳолатдан келиб чиқиб, қурилиш тармоғи мутахассисларини тайёрлаш бўйича таълим стандартларини такомиллаштириш лозим. Иккинчидан, қурилиш бозори амалиётчиларининг таълим муассасалари билан ўкув дастурларини ишлаб чиқищдаги ҳамкорлиги ВМ технологиясини жорий қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Учинчидан, ОТМнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини ВМ технологияси бўйича ўқитиш ёки ВМ технологиясини биладиган малакали амалиётчиларни дарс жараёнига жалб қилиш лозим. Тўртинчидан, ОТМларни ВМ технологиясини ўқитиш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш лозим. Бешинчидан, ВМ технологиясини

ўқитиш бўйича адабиётларни яратиш бўйича самарали чораларни амалга ошириш лозим.

Архитектура-курилиш ОТМларида янги информацион технологияларни таълим жараёнига самарали жорий қилиш орқали қурилиш тармоғи юқори малакали, қурилиш соҳасининг билимли ва замонавий бозор талабларига жавоб берадиган мутахассисларига эга бўлади.

### Адабиётлар

- Корабейников И. Н., Дмитриенко О. В. Факторы развития рынка информационных услуг // Экономика и предпринимательство. 2016. № 11-3 (76-3). С. 775–780.

## ЭКОЛОГИК МОДЕЛ ВА АРХИТЕКТУРА

Эшқобилов Ш.А.  
СамДАҚИ катта ўқитувчиси.

Экологик моделлар асосида келажакда инсонлар ўзгартирувчи вакил сифатида табиатга мослашган архитектурани ривожлантиради. Чуқур таҳлилларга асосланган мужассамланган архитектура ернинг табиий қонунларига бўйсунувчи иншоотларни қуришни кўзда тутади.

Биз метаболизм синоними сифатида “пульс” сўзини ишлатамиз, бу – физик ва кимёвий давр ҳамда оқимнинг организмда ҳаётни таъминлаб туришидир. Барча материаллар, тизимлар ва ўсимлик ривожи ҳам мажмуя ҳолда пульсга эга бўлади. Биноларнинг экологик лойиҳасида ёрдамчи стратегия бу табиий тизим модели ҳисобланади. Экологлар бу тизимнинг энергия ва модда алмашиниш тартибини, яъни метаболизмини ўрганишади. Экологик модел, яъни бир табиий тизимнинг модели ғояси хали тадқик қилинмаган янги ғоядир. [1]

Британия архитектори Франк Дуффий биринчилардан бўлиб, бинолар ва пульс ичига аҳамият берган. Унинг кузатишича замонавий бинолар камидан беш қатлами тизимлардан ташкил топган жой, тузилма, сервис, ташқи юза ва материаллар ҳар бирининг жадал ҳаётий даври ва метаболик нисбати мавжуд. Бу қисмлар турли нисбатларда эскиради. Уларнинг турлича пульси қўйидаги омиллар таъсирида бўлади технологик, маданий ўзгариш, атроф-муҳит ва об-ҳаво (оксидланиш ва ультрабинафша нурида нурланиш), геотехник ва экотизим (зилзила, тошқин, шаҳар жойларининг тугатилиши ва янгиланиши).

Биноларни метаболизм ва пульсини ҳисобга олиб лойиҳаланганда, учта муҳим стратегия қўлланилади: ҳаёт даврининг қиймати, декарбонизациялаш, ва дематеризациялаш. [1]

Карбонат ангидридни чиқарилишини камайтириш, глобал исишини олдини олишда муҳимдир. Бунинг аниқ ечими эса энергия тежами ва иқлими мослашган лойиҳалардир. Ноаникроқ ва кўпроқ қизиқарлиси бу бинонинг карбон кемаларини барпо этиш, яъни бинонинг иккинчи ташқи тирик қавати карбонат ангидридни ва бошқа токсик моддаларни ютади. Ўттиз-қирқ қилинган металл ва ойнали деворлар ўрнига икки қаватли иссиқлик қайтарадиган, энергия манбаси бўлган юқори сифатли ойналар кўйиш ва ташқи қаватни карбонат ангидридни ютадиган ўсимликлар ўстириш мумкин. Шаҳарга хос бўлган сунъий боғлар ўрнига ўрмонлар билан алмаштирасак бўлади. Шу орқали декарбонизациялаш стратегияси “шахарни кўкаламзорлаштиришда” ҳақиқий маъно касб эта бошлайди. [2]

Дематериализация – материал ва фойдаланишини камроқ бажариб, юқори лойиҳалаш салоҳиятига эришиш мумкинлиги кўп вақтлардан бери муҳим бўлиб келмоқда. [3]

Замонавий материаллар – пластик, алюминий, пўлат ва композитцион аралашма материаллар юқори ички энергияга эга. Агар улар қайта ишлаб чиқариш ва қайта фойдаланадиган қилиб лойиҳалаштирилса, уларнинг бошланғич метаболизми ва ҳаёт муддати ошади.

Экологик лойиҳалаш асоси тежамкорлик ёки барқарор ҳолда саклаб қолиш эмас. У ички ҳаракатланувчи рух – тирик дунё юрагидир.

Яшил архитектура Ер юзидағи ҳаёт туганмас тажриба манбаидир.

Инсонлар ўз ақл идроки ва яратувчанлиги билан сайёрамиздаги антропоген юкни енгиллатиш учун кўплаб технологиялар ва техникалар яратади. Ер сайёраси ўзининг биологик ҳамда физик қонунларига эга, инсон эса бу қонунлардан алоҳида бўлиб яшашга ҳаракат қилиб келади. Ресурсларни тўхтовсиз истеъмол қилишни давом этиш ва уларнинг ўрнини чиқиндиларга тўлдириб ташлаш охир оқибат ернинг инсониятни бокув сиғими қобилиятидан ўзидиган улкан бинолар, яшилликдан асар ҳам йўқ жонсиз йўллар ва автомобил турар жойлари, кимёвий ўғит ва

пестисидлар ҳамда жуда кўп ичимлик суви хисобига сакланиб турган нотабиий ландшафтлар, буларнинг ҳаммаси она сайёрамизга бевосита ҳамда тўғридан-тўғри ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Биргина АҚШнинг ўзида олсак, CO<sub>2</sub> чиқинди газининг 35% бинолардан чиқади.

Кўпчилик замонавий жамиятнинг ўйламай қилаётган ҳаракатидан огоҳлантирмоқда. Бинони ташкил этувчилирининг ҳаётй даври – унинг материаллари, бино турган ер майдони, нима мақсадда лойиҳаланганилигига қараб, маҳаллий ҳарорат, ёғингарчилик, қуёш, шамол, ташки муҳитнинг инсоний муносабати, ўзгаришларга мослашиш ва ўзининг функционал ҳаёти охирида сакланиб қолиниши ёки унинг бутунлигича ёки айрим қисмлари қайта ишланишининг барчаси шубҳасиз – қурувчилар, лойиҳаловчилар, ривожлантирувчилар ва ушбу бино эгаларининг кўлидадир. [4]

Шу каби хусусиятларга қарамасдан бинолар қурилиши давом этмоқда, гўёки улар учун талаб этиладиган материалларни, чиқиндиларни ва ифлосланишини таъминлайдиган ресурслар чексиздек. Шахар атрофи посёлкаларини яратишда фойдали ўрмонларни ва қишлоқ хўжалиги ерларини текислаб, йўқ килиш давом этмоқда ва уларнинг ўрнига тупроқни жонсиз ҳолга солиб кўювчи сунъий ландшафтлар барпо қилинмоқда.

Барқарор ривожланишнинг инкор этиб бўлмайдиган омили шундаки, инсонлар бутунлай яшил дунёга – яшаш учун тирик ўсимликларга боғлиқ хисобланади. Ўсимликлар бирламчи озука хисобланади, унга барча организмлар боғлиқдир. Тупроқ, сув ва ўсимлик микроорганизмлари сайёрани биокимёвий ва гидрологик даврини таъминлайди. Буларсиз, озиқ-овқат, кийим бош ва бошқача айтганда ҳаёт ҳам бўлмайди. Бошқа томондан эса, ўсимликлар яшashi учун инсонлар каби мураккаб организмларга муҳтож эмас. Айни ҳақиқатки, улар инсонларсиз ҳам гуллаб яшнаб ривожлана олади. Архитектуранинг бир намунаси сифатида шуни кўриш мумкинки, инсонларни бошпана билан таъминлаш учун ернинг бошланғич қатламидан фойдаланган ҳолда бинолар ёрдамида инсоний муҳитга эришиш мумкин.

Грунт сувларидан юқорида жойлашган табиий ҳамда сунъий ясси тепаликлардаги ер ости иншоотлари ҳамда денгиз соҳилининг кўтарилиши эҳтимолидан вужудга келаётган табиий ландшафтлар инсон ва яшил ўсимликларнинг биргаликдаги эҳтиёжларига жавоб беради. Инсонлар ақлга сиғмас даражада мослашувчандир. Қадимги даврларда инсонлар табиий кучлар томонидан бунёд этилган ғорларда яшаган. Бу ҳолатни қайта мослашиш ёки табиат билан ҳамкорликда яшаш деб номлансада, замонавий қурилиш жамияти қарийб барча нарсалардан қайта фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариши ўргатиши мумкин.

Компьютер моделлари ҳатто қуёш бурчакларини, иссиқлик оқимини, куннинг босқичларини ҳамда ҳаётй даврнинг асосий ва бошқарув сарф қийматлари тан нархини хисоблай олади. Материал ишлаб чиқарувчи заводлар заарли чиқараётган газлар микдори ва ички муҳитни яратиш учун ишлатиладиган синтетик аралашмалардан чиқаётган чиқинди газларни хисоблай оладилар. Ер юзини яшиллик ўрнига қора ранг қоплаганидаги ҳолатга таққослаб кўрганда – бу ҳаракатларнинг бари худди сўлиб бораётган яшил сояни саклаб қолишга уринишдек. Табиий ўрмонларни йўқотиб, ўрнига ҳаддан ташқари кўп йўллар қуриш, маҳсулдор экотизим асосларига тўғри келмайдиган ҳеч қайси экологик “яшил” бинолар қуриш стратегиялари бу мувозанатни тиклай олмайди.

Дунё миқёсдаги умумий қурилиш фаолияти ҳали унчалик даражада жиддий эмас. Ҳозирги кунда ҳам дунёning айрим жойларида юқори сифатли ҳаётни саклаб қолишда етарлича яшил ер майдонлари мавжуд. Аммо, дунёning кўплаб жойлари ҳозирги пайтда кўплаб йўқотишларга чидаб келмоқда ва бундан кейин ҳам бошқа худудлар кўпроқ йўқотишларни бошидан кечириши мумкин. [3]

Инсон ўзининг ҳаётини яхшилаб борган сари ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонот дунёсига ачинмай қолади. Ҳар куни инсонни саклаб турган атроф-муҳит ўзининг турли тоифадаги муаммоларга тўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳар куни инсон буларнинг турли белгиларини кўриб бормоқда. Бунга жиддий эътибор қаратилмаса, атроф-муҳитни “кўкаламзорлаштириш”га бўлган уриниш кенг миқёсда тўхтовсиз бўлиб боради.

Тўлиқ таъкидлаш зарурки, замонавий қурилиш техногенези табиий мажмуалар ва экотизимларда содир бўладиган жараёнларга, биосферанинг барча таркибий қисмлари: атмосфера, гидросфера, литосфера ва биотиклар дунёсига ниҳоятда жиддий равишда салбий таъсир кўрсатади.

Қурилиш техногенезининг салбий таъсири табиий техник тизимлар ҳаракатининг бир кўриниши бўлиб, табиий экотизимлар барқарорлигининг йўқолишига ва таназзулга боришига йўл

қўймаслик бўйича экологик мувозанатни қўллаб-куватлашда маҳсус чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
2. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.
3. Сатторов З.М., Курилиш экологияси /Дарслик / –Т.: 2017 йил – 364 б.
4. Sh.A.Eshqobilov “Ekologiya”, Multimediyalil ektron darslik, SamDAQI nashri, Samarqand, 2015. 693 Mg bayt.

**ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИКДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Хайдарова Х.Х.**

**СамДАҚИ ўқитувчиси.**

**Худоёров Ж.Н.**

**СамДАҚИ Курилиш факултети 403 Б ва ИҚ талабаси.**

Мустақиллик даврида шаҳарсозлик ҳар томонлама ривожланмоқда. Шаҳарсозлик меъморчиликнинг йирик соҳаси бўлиб, замонавий шаҳарсозлик меъморчиликда янгича замонавий услубларнинг қўлланилиши ва ахоли яшайдиган худудларни лойиха асосида режалаштиришdir. Замонавий шаҳарсозлик курилиш техникаси, бадиий ва меъморий масалалар, иқтисодий масалалар билан биргаликда ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олади. Шундай экан шаҳарсозликда социологиянинг ўрни ҳам катта эканлигини унутмаслигимиз лозим. Хусусан, социологиянинг бир нечта методлари асосида замонавий шаҳарсозликнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мумкин. Кузатиш, хужжатларни таҳлил қилиш методлари, сўров методи ва бошқа бир қанча методларни бундай методлар тўплами сарасига киргиздириш мумкин. Замонавий шаҳарсозликда биноларнинг меъморий бадиий қиёфасига, эстетик жиҳатларига эътибор берилар экан у нечоғлик аҳоли учун ижобий таъсир этишини ҳам таҳлил этиш лозим деб ўйлаймиз. Бунда сўров методи асосида аҳолининг бу борадаги фикрини теран ўрганиш ва сўров натижасига кўра лойиҳалаштириш жоиздир. Тўғри замонавий шаҳарсозликнинг асосий вазифаси – индивидуал қиёфага эга бўлган шаҳар ва шаҳарчалар қуриш, шаҳардаги экологик масаларни ҳал этишdir. [2, 78 б]

Социологик нуқтаи назардан айтганда бу жараёнда жамият аъзоларининг ҳам фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шаҳарсозликни янада ривожланишига хизмат қиласди.

Хужжатларни таҳлил қилиш асосида замонавий шаҳарсозликни ўрганар эканмиз, мамлакатимизда ҳар йили замонавий шаҳарсозликни қўллаб қувватлаш мақсадида қонунчиликда бир қанча ишлар амалга оширилишини кузатдик. Хусусан, 2017-2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси бунга яққол мисол бўла олади. Биргина Самарқанд вилоятини мисол қилиб оладиган бўлсак, дастурга кўра бу муддат оралиғида 290 миллиард сумлик икки юздан ортиқ лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган ва амалга оширилган [1, 185 б].

Шу билан биргаликда ““Тошкент-Самарқанд” тезюарар темир йўл участкаси бўйлаб жойлашган ахоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш ва унга туташ худудларни ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ” (№493, 13.07.2017) ги, “2017-2019 йилларда Самарқанд шахри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” (№450, 30.06.2017) ги, “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” (№556.19.07.2018) ги, “Самарқанд давлат архитектура-курилиш институти ҳузурида “Самарқанд меъмор лойиҳа” лойиҳа қидирув ташкилотини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги (№945, 27.11.2017) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори, “2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-3609, 16.03.2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори замонавий шаҳарсозлик бўйича амалга оширилган қонунчиликдаги энг илдам чора-тадбирлардан бўлди.

Мамлакатимизда айни даврлардаги замонавий шаҳарсозликдаги яна бир ютуқлардан бири қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг сонини ортиши бўлди. 2020 йил 1 апрел холатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 37,5 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,9 % га ошли. Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг 2336 таси

Самарқанд вилояти ҳудудига тўғри келади. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бу – бино ва иншоотлар қуришда ўтган йилга нисбатан 118,6 % га, фуқаролик обьектларини қуриш – 110,9%га, ихтинослаштирилган қурилиш ишлари 121,8%га ўсишидир.[4]

Шаҳарсозликда замонавийликни шакллантириш мақсадида 68 та қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар ташкил этилган

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятидаги замонавий шаҳарсозликнинг асосий мақсади, шаҳарнинг тарихий ахамиятини йўқотмаган ҳолда унга замонавий кайфиятни баҳш этиш ва шу биргалиқда Самарқанднинг туристик салоҳиятидан бунданда кенгроқ фойдаланишдир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Биз келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Т.: 2013. 96-114 б.
3. <https://lex.uz>
4. <https://stat.uz>

## ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИССИҚ ИҶЛИМНИНГ ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Курбонов Шоҳруҳ Одилович  
Самдақи 1-босқич магистранти

Иссик иҷлим шароитида ички ёнув двигателларнинг ишлаш жараёни ҳозирги вақтгача етарлича ўрганилмаган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кириш вақтида температура юкори бўлганда кечадиган сиқилиш жараёни нормал шароитдагидан фарқ қилмайди. Шу билан бирга, сиқилиш такти охиридаги параметрларни аниқлашда киритиш жараёни кўрсаткичларида бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олмоқ керак. Атрофда ҳаво температура юкори бўлган шароитда киритиш температураси ортиши билан сиқилиш температураси пасаяди. Двигател иссиқ иҷлим шароитида ишлаганла бир цикл ичидаги унинг цилиндларига киритилган иссиқлик миқдори камаяди, бунга шу иҷлимга хос бўлган таъминлаш системаси ишидаги бузилишлар (цикл давомида ёнилғи берилишининг камайиши), шунингдек киритиш жараёнидаги бузилишлар сабаб бўлади. Бунда двигателнинг кувват кўрсаткичлари ёмонлашади. Двигател зарур кувватни хосил қилиши учун цикл давомида ёнилғи берилишини кўпайтириш талаб қилинади. Бироқ, бунда ҳавонинг ортиқлик коэффициенти кичиклашади ва оқибатда ёниш жараёни ёмонлашади, бу эса иссиқликнинг кўп исроф бўлишига олиб келади.

Автомобил двигателлари иссиқ иҷлим шароитида ишлатилганда уларнинг кўрсаткичлари анча ўзгаради. Масалан атроф –муҳит температураси 42-45 °C дан юкори бўлганда двигателни катта юклама билан ишлатиш вақтида киритиш системасидаги ҳавонинг температураси 100-110 °C гача қизиб кетади. Натижада двигателнинг температура режими кўтарилиб кетиши оқибатида унинг куввати камаяди.

Двигателнинг ёнилғини тежаш кўрсаткичлари бир –бири билан ўзаро боғланган кўпгина омилларга боғлиқдир. Бу омиллар цилиндрларнинг янги заряд билан тўлиш ёки механик ФИК каби муҳим кўрсаткичларга таъсир қиласи. Кириш вақтида ҳавонинг зичлиги кам бўлиши ҳисобига цилиндрнинг ҳаво билан тўлиши камаяди, кириш вақтида ҳавонинг зичлиги кам бўлишига эса атроф –муҳтигининг юкори температураси ва нисбатан паст босими сабаб бўлади. Бундай шароитларда мой қатламининг ишқаланишдан ҳимоялаш хусусияти пасаяди, натижада чегаравий ишқаланиш пайдо бўлиб, двигателнинг айланишига сарфланадиган куч ортади. Агар бунда ҳавонинг серчанглиги натижасида мой жуда ифлосланган бўлса, ички исрофлар кўпаяди ва механик фойдали иш коэффициенти камаяди.

Двигателларнинг қувват ва тежамкорлик кўрсаткичларига олиб келувчи сабабларни ўрганиш ва уларнинг сон кийматларини аниқлаш иссиқ иҷлимнинг двигател кўрсаткичларига зарарли таъсирини камайтиришга қаратилган чор –тадбирлар ишлаб чиқишига имкон беради.

Ёнилғи температурасининг, шунингдек сиқилиш охирида ҳаво температурасининг кўтарилиши ўз –ўзидан аланталанишнинг кечикиш даври қисқаришига ва ёниш тезлигининг ортишига ёрдам беради. Бунда ёниш жараёнининг шиддати бироз пасаяди. Юкори температура

шароитида ёнилғи ёнганды ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори цилиндрнинг янги заряд билан тўлишининг озайиши ҳисобига камаяди. Натижада двигателнинг индикатор ФИК камаяди.

Ҳаво температураси кўтарилиши билан ёнилғининг солиштирма сарфи ортади. Кириш вақтида ҳаво температураси 20 дан 40 °C гача кўтарилиганда двигателнинг қуввати 5 %, ёнилғининг бир соатлик сарфи 2,5 % камаяди, ёнилғининг солиштирма сарфи эса 4 % га ортади. Бу ўзгаришлар нисбатан кам бўлиб, ёнилғи бериш системасининг иш жараёни ва ишлаши ўзгариши билан тушунтирилади.

#### **Киритиш такти вақтида ҳаво температурасининг двигател параметрларига таъсири.**

1-жадвал.

Двигатель	Заряд температураси, °C													
	20°		30°		40°		50°		60°		70°		80°	
параметрла р	$N_e$	$g_e$	$N_e$	$g_e$	$N_e$	$g_e$	$N_e$	$g_e$	$N_e$	$g_e$	$N_e$	$g_e$	$N_e$	$g_e$
Наддувли дизел	100	100	99,5	101	98,4	103	96,5	105	94,2	108	91,5	111	89	113
Наддувсиз дизел	100	100	99	102	97,5	105	94	108	81	111	85	113	78	117

Баъзи олимларнинг тадқиқотлари, кўпгина двигателларда кириш такти вақтида температура кўтарилиганда ҳавонинг ортиклик коэффициенти кичиклашишини кўрсатади. Бу ўзгаришларни шу билан тушунтириш мумкинки, ёнилғининг берилиши цилиндрнинг янги заряд билан тўлишига қараганда озрок даражада камаяди.

Ўзбекистон иқлим шароитида ишлатишга мўлжалланганр двигателлар учун ёнилғи берилиши шундай ўзгарилиши керакки, бунда ҳавонинг ортиклик коэффициенти ўзгаришсиз қоладиган бўлсин. Бу ҳолда двигателнинг тежамли ишлаши камаяди ва жараённинг иссиқдан ўзгариши минимал бўлади. Аммо, бу ҳолда двигателнинг қуввати мўътадил иқлим шароитдагига нисбатан анча кам бўлади. Бунда машинанинг истеъмол характеристикалари ёмонлашиши туфайли қўшича ҳаво киритиш талаб қилинади.

1-жадвалда икки типдаги дизеллар: ҳаво босим билан киритиладиган (наддувли) ва ҳаво босим билан киритилмайдиган (наддувсиз) дизеллар апарметрларининг ўзгариши келтирилган, бу параметрлар киритиш вақтидаги ҳавонинг температурасига боғлик ҳолдда стенд шароитларида нисбий бирликларда аникланган. Киритиш вақтида ҳаво температурасининг 80 °C гача кўтарилиши наддувсиз дизелнинг кўрсаткичларининг анча ўзгаришига олиб келади, наддувли дизелнинг кўрсаткичлари иёса 10 % атрофиди ўзгаради. Двигателларни станд шароитида синашга оид ГОСТ 14846-81 га мувофиқ: двигателнинг қуввати ва буровчи моментини критик температура 10 дан 60 °C гача ортганда улрани ўзгаририш усули мавжуд. Бунда температуранинг ҳар 10 °C ўзгаришига двигател қуввати ва буровчи моментининг 2,2% ўзгариши тўғри келади. Аммо, двигателларнинг ишлаш шароитлари ГОСТда тўла ҳисобга олинмаган. Шу билан бирга, иссиқ иқлим шароитида ёнилғи мойлаш материаллари сарфини тўғри режалаштириш учун двигателнинг киритиш жойида ҳаво температураси 20 дан 110 °C гача ўзгарганида қандай ўзгариши коэффициентларини қўллаш кераклигини билиш зарур.

Двигателлар иссиқ иқлим шароитида ишлатилганда кўпинча уларнинг деталлари (асосан, цилиндр –поршень гурухи деталлари) қизиб кетади. Бунда ишқаланувчи жуфтликлар: гильза – компрессион ҳалқа; гильза –поршень гилофи; поршен ариқаси –ҳалқанинг ишлаш шароити ёмонлашади, яъни мойлаш шароитлари ўзгаради ва уларда чегаравий ишқаланиш юзага келиши мумкин.

Цилиндр –поршень гурухи деталлари ишидаги бузилишлар уларнинг юқори температураси билан боғлик бўлиб, бунинг оқибатида деталлар материалининг механик хоссалари ёмонлашади, тиркишлар катталашади, двигатель танасида ҳаддан ташқари катта температура градиенти пайдо бўлади. Бу градиент ишқаланувчи сиртлардаги температура зўриқишлигини ва уларнинг температураси кўтарилишини белгилайди, деталларнинг мойланиш шароити, ишлаш қобилияти ва уларнинг иссиқдан зўриқиши даражаси эса ана шуларга боғлик. Деталларнинг анча ишончли ишлашини таъминлаш учун улар температурасининг абсолют қийматлари йўл кўйилган қийматларидан ошиб кетмаслиги, температуранинг детал бўйлаб тақсимланиши эса туташувчи

сиртларнинг иссиқдан катта зўриқишилари пайдо бўлишига ҳамда уларнинг геометрияси бузилишига олиб келмаслиги зарур.

Ҳаво билан совитиладиган дизел двигателлари иссиқ иқлим шароитида галовканинг температураси нормал шароитда ишлагандагига нисбатан анча юқори бўлар экан. Тафовут 30-35 °С га етади. Табиийки, бунда двигатель деталларининг ишлаш шароити ёмонлашади ва двигателнинг номинал иш режимларида ёниғи берилишини тегишлича ўзгартириш талаб этилади.

Суюқлик билан совитиладиган ички ёнув двигателлари Ўзбекистон иқлими шароитида ишлатилганда радиатор орқали иссиқлик берилиши ёмонлашади (агар радиаторда чўқма мавжуд бўлса), совитиш системасидаги сув қайнаб кетиб, двигатель деталлари қизиб кетади, натижада уларнинг температурадан зўриқиши ортади.

Шу нарса ҳам аниқланганки, галовка ва блокнинг совутиш системасида чўқма ҳосил бўлиши уларнинг айрим зоналарида температура нормал шароитдагига қараганда 20 -50 °С гача кўтарилиб кетишига олиб келади. Чўкинди қатлами қанча қалин бўлса, бу фарқ шунча катта бўлади. Ўзбекистон минтақасидаги дарёлар сувининг таркиби анча қаттиқ бўлади, шу сабабли чўқма тез ҳосил бўлади.

Барча бошқа шароитлар teng бўлгани ҳолда иссиқ иқлим шароитида ҳавонинг ортиқлик коэффициентининг қиймати кичик, бинобарин, цилиндр –поршень гурухи деталларининг температура ҳолати юқори бўлади. Бу эса механик –хайдовчилардан совутиш системасига яхши қараб туришни, яъни совитиш системасидан ўтириндини ўз вақтида чиқариб ташлашни ёки цилиндр ва галовка қовурғалари орасидаги бўшлиқларни тоазалаб туришни талаб қилади. Натижада цилиндр –поршень гурухи деталларининг температура ҳолати йўл қўйилган қийматлардан ошиб кетмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. С.М.Қодиров. Ички ёнув двигателлари. – Т.: “Зарқалам”, 2006.
2. Солихов И. Тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик двигателлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1969.

## **АВТОМОБИЛЛАР ТЕХНИК ҲОЛАТИНИНГ ТАШИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ**

**Омонов Махмуд Баҳтиёрович  
СамДАҚИ ўқитувчиси.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 17 августдаги “Шахар йўловчи ташиш транспортида очиқ тендерларни ўтказиш” ва 2018 йил 29 июлдаги “Шаҳарлараро, вилоятлараро ҳалқаро ва шаҳар ичida йўловчилар ташишни очиқ тендер орқали белгилаш” тўғрисидаги қарорлирига биноан пассажирларни ташишда ғолибни аниқлаш учун тендерлар олиб борилмоқда[1].

Шунингдек, Республикамиз ҳалқ хўжалигининг бозор иқтисодига ўтиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши мамлакатимиз транспорт бозоридаги аҳволнинг йил сайин ўзгариб боришига олиб келди. Республикамизда долзарб бўлган ҳар хил товарлар ва хизматлар бозорида катта корхоналар монополияси билан рақобат қилишга, узоқ жойлардаги сарҳадларда, кичик шаҳарларда иқтисодий шароитни ва ижтимоий аҳволни яхшилашга, жойлардаги, айниқса қишлоқлардаги меҳнат ресурсларининг кенгайишига, ишлаб чиқариш ва хизмат сфераларини истеъмолчиларга яқинлаштиришга, жойлардаги хом ашёдан кенгроқ фойдаланишга имкон яратади.

Мустақилликка эришгунча мамлакатдаги транспорт бозорида давлатнинг тармоқ ва соҳа корхоналарига тегишли транспорт – монополист сифатида гегимонликни эгаллаб турган бўлса, ҳозирги пайтда бу аҳвол тамоман ўзгариб, хусусий автомобилларнинг транспорт бозоридаги мавқеи ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат салоҳияти кундан кун юксалиб бормоқда.

Давлат транспортининг йўловчи йўналишларидағи мавқеи Республикамизнинг катта шаҳарларида сақланиб қолаётган бўлсада, вилоятлардаги кичик шаҳарларда ва шаҳар ёни йўналишларда ташкилий жиҳатдан тезкор, ҳамда бюрократик тизимлари ва ортиқча харажатлари бўлмаган шахсий транспорт давлат транспортини хизмат бозоридан сиқиб чиқармоқда.

Худди шундай Самарқанд шаҳридаги транспорт бозорида ҳам хусусий транспорт йўловчи ташиш борасида гегемонликни эгаллаб олган. Шаҳардаги мавжуд 54 та автобуслар йўналишларининг барчасида, хусусий сектор хизмат кўрсатади. Ҳозирги кунда шаҳарда 54 та

маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ), 4 та шўъба корхонаси (ШК) ва 11 та кўп тармоқли хусусий фирмалар йўловчи ташиш билан шугулланиб, жами 52 та йўналиш бўйича фаолият кўрсатади[2;].

Шу билан бирга хусусий транспортларда ишдан олдинги назоратининг ўтказилмаслиги кўп ҳолларда уларнинг техник ҳолати талаб даражасидан пасайиб кетишига олиб келади, бу эса ўз навбатида йўллардаги ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади..

Бугунги кунда Самарқанд вилоятидаги шаҳарларо йўналишларнинг 30 автобус йўналишида, Самарқанд шаҳрининг 29 йўналишида, шу жумладан 14 та автобус ва 14 йўналиш таксиси бўйича, йўловчиларга асосан хусусий автомобиллар фаолият кўрсатмоқда. Самарқанд шаҳри кўчаларида жами 5056 автомобиль, шу жумладан 250 автобус 2806 йўналиш таксиси ва 2000 енгил автомобиль таксилари аҳолига транспорт хизматини кўрсатмоқдалар. Бу автомобилларнинг 75-80 фоизига яқини янги ва замонавий автомобиллар[2;].

Республикамиз аҳолисига хизмат кўрсатаётган хусусий транспорт сектори фаолиятида қўйидаги баъзи камчиликлар, уларнинг хизмат сифатининг ва шаҳар кўчаларидағи хавфсизлигининг пастилигига сабаб бўлмоқда:

- транспорт воситалари аксарияти амартизацион муддатини ўтаб бўлганлиги;
- уларнинг техник ҳолатини кунлик назоратини ташкил қилмаганлиги;
- уларнинг тўлиқ уюшган фаолият юритилмаётганлиги;
- ҳайдовчиларнинг малакаларининг ва тажрибаларининг камлиги;
- ҳайдовчиларнинг психик-физиологик ҳолатларининг назоратсизлиги;
- ҳайдовчиларнинг асосан фақат ўз фойдаларини ўйлашлари;
- мижозларга яхши шароит яратиш тўғрисида қайгуриш учун қизиқишлигининг йўқлиги.

Юқоридаги ҳолат ва камчиликлар Республикализмининг барча вилоятлари худудларида таълуклидир. Шу сабабли хусусий транспорт тизимининг нуфузини кўрсатиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун камчиликларни камайтириш йўлида изланиш, бунинг учун хусусий транспорт соҳибларни жойлардаги уюшмаларга бирлаштириш, уларнихукукий ҳимоялаш, транспорт тартиби ва маданиятини кўтариш, транспорт хизматини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш борасида жойларда транспорт хизматлари учун буюртма қабул қилувчи диспетчерлик пунктларини ташкил қилиш долзарб вазифалардир.

Пассажирларни ташишда тендер бозор иқтисодиётининг ўсиши таянчларидан биридир. 2017 йил 1 март ҳолатига Республикада амалдаги 4842 та пассажир маршрутининг 100% тендер асосида ўтказилди.

Шунингдек мунтазам бошқарув методлари орқали ижтимоий савол ва муаммолар ижобий ҳал қилинади. Мисол учун мамлакат хукумати бирдагина такси хизмат тармоғи хукуматига улар учун зарур бўлган ускуналарни хеч қандай муаммоларсиз бирор бир қонун-коидага қарамасдан олиб келишлари мумкин. Шунингдек хукумат шунаقا хизматларни бажарадиганларга имконият яратиб беради.

Демпси(2001) такси саноатининг мунтазам бошқарувини кўллаш ва корхонанинг иқтисодий ривожлантириш учун қўйидаги 5 сабабни кўрсатади[3;]:

- Рақобат бозорининг йўқлиги;
- Нотўлиқ маълумот ва иш оли бориш харажатлари;
- Ташқи таъсирлар;
- Иқтисодий таърифланган шартларнинг йўқлиги;
- Янги маҳсулотга қўйилган нархнинг баландлиги ва харидорнинг уни сотиб олиш имконияти бор -йўқлиги;

Биринчи тўртта сабаблар бозор рақобатининг йўқлиги билан таърифланади. Бешинчи сабаб эса даромаднинг тақсимланишига тақалади.

Бу сабаблар бажарилиши керак бўлган ислоҳатлрнинг асоси бўлиб ҳисобланиши ва мамлакат мунтазам бошқарувининг анъанашига айланиши керак.

Трюодел(1995) қўйидаги тартибда асосий ечимларни кўрсатиб ўтади[3;]:

**Жамоат хавфсизлиги:** Бунинг негизига таянади. Агар жамоат хафвсизлиги таъминлаш мақсадида мунтазам бошқарувда сифат ва сервис бўлмаса, тўлиқ бўлмаган маълумот рақобат бузилишига олиб келади.

**Истевъомлчи ҳимояси:** Одатда бунда мунтазам бошқарув бир қанча йўл кирасига, нархига таянади. Унинг мақсади иштирокчини бошқа маълумотланган ёки ишга харажат қилишни эксплуатация қилишдан олиб қочишидир. Оддий мисол- кутиш вақти. Агар киши такси тухтатса, одатда унда бошқа таксининг келиши ҳақида бирор бир маълумот бўлмайди. Бундан хуноса

хайдовчи пассажир кейинги таксининг келишини билгандагига қарганда йўл кира ҳакини ошириб сўраши мумкин.

**Имконият:** Вақт билан таксига бўлган талаф ҳам ўзгариб боради. Агар бозор муносабатларини тақдир тақозосига қўйсан, бир қанча жойларда ва қайсиидир вақтларда умумий сервис бозорига кириш унуми пасайиб кетади. Бунинг учун бозор муносабатларига ўтиш талабини ошириш зарур.

**Сифат:** Такси хизматида сифат жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ фактордир. Ёмон хизмат истеъмолчининг бошқа транспорт танлашига турткি бўлади ва шунингдек бутун саноат учун салбий таъсир кўрсатади, худди туризм каби.

**Ташиш ва ташилишни камайиши:** Агар таксидан фойдаланиш паст даражада бўлса, уларнинг пассажир кидириб кўпроқ ҳарактланишига тўғри келади. Бу атроф мухитнинг ифлосланишига олиб келади. Шунингдек транспорт саноати қўйидаги омилларга караб ривожланади:

Юқоридаги маълумотлар агар хеч бир томон на сотувчи - на харидор нархга ўзича таъсир кўрсата олмаган тақдирда ишончли бўлади. Умуман истеъмолчи бир йўла бир неча даллоллар билан боғланган бўлиб эркин танлаш хукукига эга ва улар тоза маҳсулот билан таъминлаши керак. Нихоят бозор иштирокчилари хусусан нарх ва сифат ҳақида оддий ва эркин маълумотга эга бўлишлари керак. Бу шартларни эса ҳақиқий ҳаётда тўлиқ бажариб бўлмайди.

Бошқарув тизимида эга бўлмаган бозор самарали бозор талабларини бажармайди, шунда бизда бозор муносабатларининг механизмининг самарасизлик ҳолати намоён бўлади. Бозор муносабатларининг номутаносиблиги бошқарув тизимида ижобий таъсир кўрсатади агар натижалар унинг йўқлигига нисбатан кўпроқ самарали бўлсагина. Аммо соғ ҳаражатлар бозор самарасизлиги натижасида пайдо бўлган умумий эҳтиёжлар учун ҳаражат қилинмаслиги керак.

#### **Фойдаданилган адабиётлар.**

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) // O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Yo’l harakati qoidalariga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish to’g’risida” (O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O’zbekiston Respublikasi yo’l xavfsizligini ta’minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida» 2018 yil 19 maydag‘i 377-son qarori) Qarori. 2019 yil 9 aprel. 292-son qarori.
2. Самарқанд вилоят Транспорт бошқармасининг 2017-2019 йил маълумотлари. // [www.http://samarqand.mintrans.uz/about](http://samarqand.mintrans.uz/about)
3. Солиев Э.А, Қулмуҳаммедов Ж.Р., Адилов О.К, Назаров К.М. “Йўл ҳаракат қоидалари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асослари”. –Т.: Хондамир- пресс. 2014й 108-б.

## МУНДАРИЖА

T/P	ФАМИЛИЯ, ИСМ, ШАРИФ	МАҚОЛА ВА ТЕЗИС НОМИ	БЕТ
1	Исаков Э.Х.	Кириш сўзи	3
<b>I ШЎЬБА. МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ</b>			
1.	Кулдошев А.Т.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	4-6
2.	Тураев Б.	ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ ЎРНИ	6-8
3.	Сафаров А.И.	ОЛИЙ МАЊЛУМОТЛИ МУТАҲАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ТАРБИЯВИЙ ТАЃСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ	8-10
4.	Қулдошев А.Т.	ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	10-12
5.	Кочкорова Г., Мухаммаджанов Х.З.	СОЦИАЛЬНАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В НЕСТАНДАРТНО МЫСЛЯЩИХ ТВОРЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЯХ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ	12-13
6.	Ғаниев К.Г., Эрназаров Т.	МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ ДУРДОНАЛАРИГА НОМАДАНИЙ МУНОСАБАТ ЁХУД ТАРИХИМИЗДА РЎЙ БЕРГАН МУДҲИШ КУНЛАР, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА	14-16
7.	Зиётова К.Э.	ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ	16-18
8.	Yusupov R.K., Erkinova F.Yu.	INKLUZIV TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH VA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.	18-20
9.	Юсупов Р.К.	ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖАМИЯТГА ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ	20-24
10.	Латипов Р.М.	СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ПАРАДИГМАСИ	24-26
11.	Мирзаева Назира Джумановна	ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРVARВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ	26-28
12.	Зиётова А.Э. Астанова М.М.	ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҶАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	28-30
13.	Бурхонов И.М., Муродилов Х.Т.	ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ КАМОЛОТГА ЕТКАЗИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ	30-31
14.	Ashuroxunova Sh. T.	TA'LIM JARAYONINI MA'NAVİY-MA'RİFIY ASOSLARDA TASHKILLASHTIRISHNING MILLIY G'OYANI RIVOJLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI	31-33
15.	Хасанова Л.Т.	ИЗУЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК КАК ФАКТОР ВОСПИТАНИЯ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	33-35
16.	Норматова Д.И.	ЯЗЫКОВОЕ ТЕСТИРОВАНИЕ КАК ФОРМА КОНТРОЛЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИННОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ	35-36
17.	Orifjonova M.A., Mirkasimova M.B.	NEW AND ALLEVIATION METHODS OF LEARNING ENGLISH FOR KIDS IN KINDERGARTENS	36-37

18.	Самадов А.Р.	МИЛЛИЙ-МАЊИВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ШАХС ЭСТЕТИК ИДЕАЛИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ	37-41
19.	Нурбоев Қ.А., Нурбоев С.А.	ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	41-43
20.	Усмонова Л.Р.	МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚИНИ ЎРГАНИШДА ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ ЎРНИ	44-44
21.	Нурбоев Қ.А., Каримов Р.	ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИЯНИНГ АҲАМИЯТИ	44-44
22.	Худаяров У.	ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИГ ЎРНИ	47-49
23.	Шамсиев Ш	ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ	49-51
24.	Расулов Б.Б.	КОРРУПЦИЯСИЗ ТАЪЛИМ - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ	51-54
25.	Ризаев И.И.	ИЖТИМОИЙ ТИЗИМДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК	54-56
26.	Бегалиев Ж., Қодиров А.	ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАРИХДАН	56-59
27.	Хасанова Л.Т.	НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ПРОГРЕСС И ЗАДАЧИ ЭКО-ВОСПИТАНИЯ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ	59-61
28.	Кенжаев Ш.Х.	ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИННИНГ КАСБИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИ	61-63
29.	Зиётова А.Э., Умиров Д.	МИЛЛИЙ-МАЊИВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ИЛМ - МАЊИВИЙ БАРКАМОЛЛИК АСОСИДИР	63-64
30.	Латипов Р.М., Назаров Ж	ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИЖТИМОИЙ ИШ ОЛИБ БОРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ	64-66
31.	Xudoyberdieva N.K.	YOSHLARDA MILLATLARARO MUNOSABATNI TAKOMILLASHTIRISHNING INSTITUTSIONAL TIZIMI	66-67
32.	Абдивохидов С.А.	АҲМАД ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ ВА ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ	67-68
33.	Тожиева И.С.	МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ СИЁСИЙ - МАҶРИФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ	69-70
34.	Ҳаққулов Н.Қ.	ЖАДИД МУТАФАККИРИ СИДДИКИЙ-АЖЗИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ	70-72
35.	Ғовсидинов М.Н.	МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИДА ИСҲОҚҲОН ТЎРА ИБРАТ МАКТАБИНИНГ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	72-74
36.	Atabaeva N.	THE USEOF ICT TOOLSIN ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND LEARNING	74-75
37.	Машарипова Г.К.	ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ	75-77
38.	Сайдқулов Н.А.	ТАЛАБА - ЁШЛАР МАЊИВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - БУЮК ФАРОВОНЛИК ҲАМДА ЁРҚИН КЕЛАЖАК ГАРОВИДИР	77-78

<b>39.</b>	<b>Исомиддинов Ю</b>	<b>КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ВА ТАШАБУСКОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>79-80</b>
<b>40.</b>	<b>Шеров М.Б.</b>	<b>ҮЮШМАГАН ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	<b>81-85</b>
<b>41.</b>	<b>Турсунов О.</b>	<b>ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТОЛЕРАНТЛИК МАСАЛАСИ</b>	<b>85-86</b>
<b>II ШЎЬБА. ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА ДАҲЛДОРЛИК ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>			
<b>1.</b>	<b>Яхшиликов Ж.Я.</b>	<b>ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ИЖТИМОЙ ТАРАҚЦИЁТНИНГ МУХИМ ОМИЛИ</b>	<b>87-88</b>
<b>2.</b>	<b>Шарипова Д.Д.</b>	<b>НЕОРГАНИЗОВАННАЯ МОЛОДЕЖЬ: ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЕ</b>	<b>89-90</b>
<b>3.</b>	<b>Исройлов Б.Э., Пирназаров Ф.Н.</b>	<b>ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ - ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>90-92</b>
<b>4.</b>	<b>Аманлаев А.Х., Тошбоев Б.Э.</b>	<b>ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИНИ ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ</b>	<b>92-95</b>
<b>5.</b>	<b>Туратов Ш.Б.</b>	<b>ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>95-96</b>
<b>6.</b>	<b>Гафуров Б.А.</b>	<b>К ПРОБЛЕМЕ ФОРМИРОВАНИЯ У СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ ПОЗИЦИИ</b>	<b>97-99</b>
<b>7.</b>	<b>Атамирзаев И.Х.</b>	<b>ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>99-100</b>
<b>8.</b>	<b>Ботиров У.А.</b>	<b>ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ</b>	<b>100-102</b>
<b>9.</b>	<b>Абдушукурова И.К.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ</b>	<b>102-104</b>
<b>10.</b>	<b>Қобилов Р.Р. Хайтов О.Б. Қулдошев А.Т.</b>	<b>ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАҶНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ</b>	<b>104-106</b>
<b>11.</b>	<b>Шпенёва Л.Ю.</b>	<b>СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЁРСТВО В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ</b>	<b>106-108</b>
<b>12.</b>	<b>Базаров А.А.</b>	<b>НОВЫЕ ПОДХОДЫ ВОССТАНОВИТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕДУР ПРИ СОВЕРШЕНИИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ НЕОРГАНИЗОВАННОЙ МОЛОДЕЖИ</b>	<b>108-111</b>
<b>13.</b>	<b>Исройлов Б.Э., Пирназаров Ф.Н.</b>	<b>“ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ” КОНЦЕПЦИЯСИ - ЁШЛАР ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ МУХИМ ЎРНИ</b>	<b>111-113</b>
<b>14.</b>	<b>Хўжамов Х.Х.</b>	<b>ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИДИР</b>	<b>113-115</b>
<b>15.</b>	<b>Yusupov R., Teshayev D.</b>	<b>ИЖТИМОИY XIZMAT VA INKLUYUZIV TURIZM MASALALARI</b>	<b>115-117</b>
<b>16.</b>	<b>Рахмонова Г.</b>	<b>ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА - ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ</b>	<b>117-118</b>

ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛА			
17.	Аликулов Қ.Х.	ИННОВАЦИОН ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ	119-122
18.	Юлдашева Д.Ю.	ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТИББИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	122-124
19.	Ризаев И.И.	ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ - ОСНОВА САМООРГАНИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ	124-126
20.	Azimov Sh.B.	YOSHLARDA INNOVATSION TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH USULLARI	127-128
21.	Эгамбердиева А.М.	ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ	128-130
22.	Хашимов Ш.Ж.	ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	130-131
23.	Ҳайдаров О.Э.	ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУҲИМ ОМИЛ	132-133
24.	Najimova SH., Ziyotova A.E.	VATANGA DAXLDORLIK HISSI BILAN YASHAGAN INSONNING VIJDONI O'YG'OQDIR	133-134
25.	Ярбаев Ҳ	ТАЛАБАЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА	134-136
26.	Бакиров О.	ЎҚУВЧИЛАРДА ФАОЛ ИЖТИМОЙ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНТЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	136-138
27.	Абдуғаниев О.Т.	ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ	138-140
28.	Xaydarova X.X.	YOSHLARDA FAOL FUQAROLIK POZITSIYASI VA DAXLDORLIK HISSINI SHAKLLANTIRISHNING SHAHAR EKOTIZIMINI BOSHQARISHDAGI АНАМИЯТИ	140-142
29.	Boymanova S.A.	"SOFT SKILLS: BUGUNGI SHAROITDA LIDERLARGA KERAK BO'LADIGAN KO'NIKMALAR"	142-143
30.	Xushmurodova Ch.A., Muratova M.I	YOSHLARDA FAOL FUQAROLIK POZITSIYASI VA DAXLDORLIK HISSINI SHAKLLANTIRISHDA HUQUQIY MADANIYATNING O'RNI	143-144
<b>III ШЎЬБА. ЁШЛАРНИНГ МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УЙҒУНЛАШУВИ</b>			
1.	Абилов ў	ДАВЛАТ ТИЛИ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ АСОСИДИР	145-147
2.	Очилов Ж.А., Аминов О.А.	ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ГЛОБАЛЛАШУВИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	147-149
3.	Ғайбуллаев О.М.	ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАҶНАВИЯТНИНГ ЎРНИ	149-151
4.	Мамажонов А.,	ЁШЛАРДА МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ РУХИЯТНИ	151-153

	<b>Мухтаров С.С.</b>	<b>ШАКЛАНТИРИШ</b>		
5.	Бозоров М.Ж.	ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН БОРЛИГИ МУАММОСИ	153-155	
6.	Туробов Б.Н.	НАВОЙ МАЊИВИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР АХЛОЌИЙ ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ	155-157	
7.	Норов С.Н., Норов Н.С.	ГЛОБАЛ МЕДИАХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ЁШЛАР МАЊИВИЯТИГА ТАЪСИРИ	157-160	
8.	Allayarova M.M. Haitova L.	YOSHLARDA MA'NAVİY TARBIYANI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI (yoki G'azzoliy qarashlarida ma'naviy tarbiya masalalari)	160-162	
9.	Турсунов Б.	ЁШЛАР МАЊИВИЙ-АХЛОЌИНИ ЮҚСАЛТИРИШДА АЛИШЕР НАВОЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ ("Maҳбуб ул-қулуб" асари мисолида)	162-164	
10.	Алиқулов Ҳ	ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МИЛЛИЙ, УМУМИСОНӢ ҚАДРИЯТЛАР ҲАҚИДА ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР	164-166	
11.	Бердикулов Ч.	ЁШЛАРНИНГ МАЊИВИЙ-АХЛОЌИЙ ҚIЁФАСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНӢ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	166-167	
12.	Ҳамраев С	ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙФУСИ МАСАЛАЛАРИ	168-169	
13.	Суннатиллаев А.С.	ЁШЛАРНИ МАЊИВИЙ-АХЛОЌИЙ ҚIЁФАСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИНИНГ ЎРНИ	169-171	
14.	Omonturdiyev O., Meglinazarova Sh.	QADRIYAT - FALSAFIY KATEGORIYA SIFATIDA	171-172	
15.	Ибрагимова Д.	СПОРТ ОРҚАЛИ ЁШ АВЛОДГА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ СИНГДИРИШ ХУСУСИДА	172-174	
16.	Berdiyev Farxod Ochilovich	JISMONIY TARBIYA VA SPORTNI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY-MA'NAVİY QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-175	
17.	Эшназарова Ф.	ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ МАЊИВИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ	175-177	
18.	Алимов А.Н.	ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ МАЊИВИЙ-АХЛОЌИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ	177-179	
19.	Меликова М.Н.	СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ	180-181	
20.	Suvanova D.K., Zohidova M.	YOSHLARIMIZ TARBIYASIDA MILLIY-MA'NAVİY MEROSIMIZNING O'RNI VA AHAMIYATI	181-182	
21.	Бердиев Ф.О.	ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНӢ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	183-184	
22.	Xoliqov U.K.	YOSHLARNING MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING UYG'UNLASHUVIDA SHAXMAT TARIXI AHAMIYATI.	184-186	
23.	Ибайдуллаев Т.Г.	ЁШЛАРНИНГ МАЊИВИЙ – АХЛОЌИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРНИНГ ЎРНИ	186-187	
24.	Норов С., Бойкулова Н.	ЁШЛАР МАЊИВИЯТИНИ НЕГАТИВ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	187-189	
25.	Мирзаева М.Қ.,	ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК	189-191	

	Зайниев А.	ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ЁШЛАРНИ АХБОРОТ, МАФКУРАВИЙ, МАЬНАВИЙ ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ	
26.	Шамуратова Э.С.	ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК	191-192
27.	Тогашарова К.М. Зияев Ш.Н.	ЁШЛАРНИНГ МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИННИНГ АҲАМИЯТИ	192-193
28.	Ғаниев К., Мухитдинова Ш.	МИЛЛИЙ МАЬНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА АМИР ТЕМУР ДАВРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ	193-195
29.	Сайдкулов Н.А., Кенжаев Ш.Х.	МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕРОСНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИШДАГИ ЎРНИ	195-197
30.	Атамирзаев И.Х. Абдурахмонов А.	ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ, ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	197-199
31.	Мамадалиев М.М.	МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ	199-201
32.	Эгамбердиева Н.М.	АЛИШЕР НАВОЙИ ҚАРАШЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ МАЬНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ	201-203
33.	Кадирова С.Б.	“АРБАЬИН” БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ДОИР МУҲИМ МАНБА	203-205
34.	Бурхонов М.	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ФОЯНИНГ ЁШЛАР МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ	205-207
35.	Эшмуродов Ҳ.М., Курбонов А.У., Эшмуродов М.Ҳ.	ҚАДРИЯТ – КИШИЛАР ҲАЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТЛИ ҲОДИСА	207-209
36.	Аҳмедов И.Н., Исоқова Ш.	ЁШЛАР АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИГА ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪСИРИ	209-211
37.	Эргашев С., Қаюмова Н.	ЁШЛАРНИНГ МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ	211-213
38.	Рахматов Х.Б.	МУЗЕЙ ВА ЎЛКАШУНОСЛИК ЭКСКУРСИЯЛАРИ ТАЛАБА ЕШЛАРДА МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИРИВОЖЛАНТИРИШИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА	213-214
39.	Eshdavlatov O. G'.	YOSH AVLODNI MA’NAVIY YETUK VA JISMONIY BARKAMOL QILIB TARBIYALASHDA OILANING O’RNI	215-216
40.	Normo`minov B., Abdualimova R.	YOSHLARNING MA’NAVIY-AXLOQIY QIYOFASINI SHAKLLANTIRISHDA OILANING O’RNI	216-217
41.	Турсунова Ш.Б.	ЁШЛАРНИНГ МАЬНАВИЙ КАМОЛОТИНИ ОШИРИШДА- ОИЛНИНГ МАСЬУЛИЯТИ	217-219
42.	Мелиқулова М., Мухаммадиев Н.	ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ	220-221
43.	Бурхонов И.М.	ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ МИЛЛИЙ ГУРУР МАСАЛАСИДИР	221-223
44.	Азизова Л. С., Тоғаев Н.Э.	ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	223-224
45.	Хатамова З.Н.	ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ	224-225

<b>КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЁЖИ</b>				
ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ОБЛИКА МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА ПУТЕМ ГАРМОНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ				
46.	Гребенюк М.В.			226-227
ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА - АХЛОҚИЙ ЕТУКЛИК ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАСИ				
47.	Омонтурдиев О.Ф.			227-228
48.	Muratova M.I., Xushmurodova Ch.A.	BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI YANADA KUCHAYTIRISH IMKONIYATLARI		228-230
49.	Аниқулов Ж., Абатова Ш., Аминова Р.	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ДҮНЁҚАРАШИ ШАКЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ		230-231
50.	Namazova U.N., Sultonova O.	YOSH AVLODNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI		231-233
51.	Эрназаров Т.Р.	ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ БАБУРА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ И В СОКРОВИЩНИЦЕ МИРОВОЙ КУЛЬТУРЫ		233-235
52.	Alimbaeva L., Usnatdinov A.	GUMANIZM G'YOYALARINING INSON VA JAMIYAT HAYOTIDAGI ANAMUYATI		235-236
53.	Мухаммадиев А.А.	“ХАТАР ГУРУҲИГА” КИРУВЧИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ЮЗАСИДАН ОТА-ОНАЛАРГА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР		236-238
54.	Ахмедова З.	МИЛЛИЙ МАЊНАВИЯТИМИЗ ТАКОМИЛИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА ФИКР-МУЛОҲАЗА		238-240
55.	Тагиева Г.Г.	КЕКСАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ХИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ		241-243
<b>IV ШЎЙБА. ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ҲАМДА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ</b>				
1.	Maxmudov N.M., Avazov N. R.	RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA YOSH MUTAXASSIS KADRLARNING ROLI		244-245
2.	Аликулов С.А.	ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШИГА ТАЪСИРИ		245-247
3.	Собиров И.Х., Собиров П.И.	РАҶАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ		247-249
4.	Тухтабаев Ж.Ш., Укташов Х.Ф.	САНОАТ КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИ		249-251
5.	Рахимова С	ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА ТИББИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ		251-252
6.	Исмагулова Г.Н., Турсунова А.А.	РОЛЬ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ		252-253
7.	Djalilova Sh. S.	INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH XUSUSIYATLARI		253-254
8.	Парпиева Н.Т., Турсунова М.	АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ И ИНИАТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ И СТАНОВЛЕНИИ ЦИФРОВОЙ		254-256

ЭКОНОМИКИ			
9.	Турсунова А.А.	БИРЖАВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛЛАРИ	ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 257-260
10.	Бегалиев Ж.Т.	ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ХАЛҚАРО ТРАНЗИТ СОҲАЛАРИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ TARIXIDAN	260-262
11.	Худаяров У.	ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА МИГРАЦИОН ҲАРАКАТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ (1917-1991 йилларда Ўзбекистон мисолида)	263-265
12.	Samadov O.A., Hamrayeva Z.H.	RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH- YANGI KELAJAK POYDEVORI	265-266
13.	Тўхтаева У.М.	РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ	266-267
14.	Латипов А.Р., Набераев Ф.Ф.	РЕФОРМИРОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ ОСНОВ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКА- ЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ УЗБЕКИСТАН НА ПУТИ К ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ	267-269
15.	Раҳимов С.А.,	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	269-272
16.	Ашурев А.У., Шерназарова К.Н.	ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ	272-274
17.	Гиясов Б.Ж. Диярова М.И.,	МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	274-277
18.	Toshimov A.H.	DAVLAT MAQSADLI JAMG'ARMALARI BYUDJETI NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI	277-280
19.	Алимов Г.А., Йулдошев О.	МАРКЕНТИНГОВЫЙ АНАЛИЗ ВНУТРЕННЕГО РЫНКА ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ УЗБЕКИСТАНА	281-282
20.	Мамарахимов Қ.Х	ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ АХЛОҚИЙЛАШТИРИШ ВА ЭСТЕТИКЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ	282-285
21.	Алимов Г.А., Йулдошев О.	ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОР - МЕНЕЖМЕНТ САНЬАТИГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ	285-286
<b>V ШЎЬБА. ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>			
1.	Уралов А.С.	ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕъМОРИЙ МЕРОСИНИНГ БЎЛАЖАК АРХИТЕКТОРЛАР КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИ ВА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ	287-289
2.	Рашидов Ю.К., Қаршиев Ш.Ш.	ЗАМОНАВИЙ ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	289-291
3.	Уралов А.С., Махматқулов И.Т.	ЎРТА ОСИЁ ЎТМИШИДАГИ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ ВА МАСКАНЛАРИ- ХОНАҶОҲЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЁШЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАъРИФИЙ ХАЁТИДАГИ РОЛИ ВА ЎРНИ	292-295
4.	Ruziyev E.A., Ruziyev J.E., Axmedov B.	ZAMONAVIY ARXITEKTURA VA QURILISH SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASHDA ZAMONAVIY ANALIZ USULLARINI O'QITISH MUAMMOLARI	295-296

5.	Байзаков А.А., Расулов Б.Б.	ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА МУТАХАСИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ	296-299
6.	Абдушахидов Н.Б.	ЎЗБЕКИСТОН СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИНИ ИНСТИТУТЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	299-301
7.	Abdusamatov B.Q., Normatova F.I.	QURILISH MATERIALLARINING RAQOBATBARDOSHЛИGINI INNOVATSION TADBIRLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH	301-302
8.	Yaxshiboyev Sh.R.	TEBRANISHLARINI TADQIQ ETISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEХNOLOGIYALARНИ QO'LLASH	302-305
9.	Маҳматқулов И.Т.	ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИ ХОНАҚОҲИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА АРХИТЕКТУРАСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ	305-308
10.	Мустаев Б.Б., Маҳматқулов И.Т.	Самдақида юқори малакали, илмий САЛОҲИЯТЛИ ЁШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПРОФЕССОР А.С.УРАЛОВ ЯРАТГАН ИЛМИЙ МАКТАБНИНГ РОЛИ	308-311
11.	Abdurazzaqov J.N., Otaqulov A.A.	O'ZGARMAS BURCHAK TEZLIK BILAN AYLANUVCHI DOIРАVIY ELASTIK STERJENNING BURALMA TEBRANISHLARIGA INNOVATSION YONDASHUVI	311-314
12.	Эшқобилов Ш.А.	ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАР	314-316
13.	Турдибеков Ю.И.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ВИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎҚИТИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР	316-318
14.	Эшқобилов Ш.А.	ЭКОЛОГИК МОДЕЛ ВА АРХИТЕКТУРА	318-320
15.	Хайдарова Х.Х., Худоёров Ж.Н	ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИҚДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	320-321
16.	Қурбонов Ш.О.	ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИССИҚ ИҚЛИМНИНГ ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ	321-323
17.	Омонов М.Б.	АВТОМОБИЛЛАР ТЕХНИК ҲОЛАТИНИНГ ТАШИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ	323-325

**“Миллий юксалиш ва ёшларнинг ижтимоий  
сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари”**  
мавзусида республика илмий-назарий масофавий конференцияси

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(2020 йил 25 апрель)**

*Уибү тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришииз тўлалигича нашрга  
тайёрланди ва чоп этилди. Мақолалардаги грамматик ва стилистик хатоларга шахсан  
муаллифлар жавоб гардир*

Гувоҳнома: №10-3512

2020 йил 25 майда босишга рухсат этилди:  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими  $60 \times 84_{1/16}$ .  
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 41,75. Шартли б.т. 33,14.  
Адади 50 нусха. Буортма №87.

---

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.  
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой қўчаси, 93.